

ТЕМУРХОДА  
TEMURHOMA



امیر تیمور گورکانی شکر نامہ



ایلیم.

САЛОҲИДДИН ТОШҚАНДИЙ

ТЕМУРНОМА




# ТЕМУРНОМА



## امير تيمور گورگان جنگنامہ

*Амир Темур Кўрагон жангномаси*



ТОШКЕНТ  
«ЧУЛПОН»  
1991



Мулло Салоҳиддин ибн мулло Алоиддин хожа эшон (Салоҳиддин Тошкандий) қаламига мансуб бўлган «Темурнома» ноёб асарлардандир. Бу китоб Тошкентда, Ильин босмахонасида 1327 ҳижрийда, милодий ҳисоб билан 1908 йилда чоп этилган. Тош босма нашрларнинг нусхалари ниҳоятда кам бўлганлиги маълум. Шунга қарамай, бу асар соҳиблари уни не-не уқубатлар билан сақлаб қолганлар. Яқинларгача Гитлер, Наполеон билан тенглаштирилган, Чингизхонга қиёс этилган (Чаковскийнинг «Қамал» романи) Амир Темур ҳақидаги китобни 30-йиллардан омон сақлаб қолиш ўзи бўладиган иш эмас-ку, ахир?! «Темурнома»нинг дароғини Қалқам тоғлиридаги овуллардан, ахёнда эса, Шаҳрисабз ва Китоб фузалоларидан эшитиб қолардиқ. Ниҳоят, 1989 йилнинг охирида, аниқроғи, октябрь ойи бошларида Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома»сини қўлга олишга муяссар бўлдик. Мамнуният билан айтиш жоиз бўладикки, шаҳрисабзлик зиёдалар, айниқса, партия ва шўро ходимлари китобнинг юзага чиқишида жуда катта саъй-ҳаракат кўрсатдилар.

Китоб ноҳияси фирқа қўмитасининг биринчи котиби Абдураҳмон Ашуров, Шаҳрисабз ноҳияси ижроқўмитининг раиси Ғузор Маматов, шу ноҳиядаги «Ўзкомпартия XX съезди» совхозининг директори Жалил Рўзиев, Қашқадарё вилоят маданият бошқармасининг бошлиғи Зиёдулла Бегимқуловларга осори атиқаларни излаб топиш йўлидаги фидоийликлари учун сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этамиз. «Темурнома»ни кўз қорачиғидай асраган, уни фарзандларига жомил ишонч билан қолдириб жетган Шаҳрисабз ноҳиясининг Эски Чоршанба қишлоғи фуқароси, марҳум Каттахон эшон руҳини хушнудлик билан ёд этамиз. Асарни еру хўжжа ишонмай, авайлаб сақлаган, бугун эса авлодлар баҳраманд бўлсин деб, кенг феъллик билан уни бизга тақдим этган муҳтарам Ғуломхон Каттахон ўғлига самимий ташаккуримизни баён этишдан бахтиёрмиз.

Амир Темур тарихан жуда қалтис вазиятда сиёсат майдонига кирди. XIII асрнинг биринчи чорагида босиб олинган (Ўрта Осиё салкам уч йил ичида, яъни 1219—1221 йилларда истило қилинган эди), асоратга солинган Мовароуннаҳр ва Хуросон, қолаверса, рус, хулмас, мўғул босқинчиларининг оёғи етган ҳамма минтақаларда эзиш, талаш, хўрлаш сиёсати давом этаётган эди. Мовароуннаҳр Темучиннинг ўғилларидан бири Чигатойнинг суюроғол мулкига айлантирилган, қарийб бир ярим асрдан буён унинг уруғ-аймоқлари бу ўлжанинг қонини зулукдек сўрмоқда эди.

Мўғул босқинчиларининг ёвузлиги ҳақида шундай бир нақл тўқилган: Чингизхоннинг асосий рақиби бўлган Жамухадан бир киши сўрабди: «Қўй подасини қўйхона эшигигача қувиб келаётган бўрилардек бизнинг одамларни қувиб келаётганлар кимлар?». Шунда Жамуха: «Булар Темучиннинг одам гўшти бериб боқилган тўртта ити; у, буларни темир кишанга солиб қўйган эди; буларнинг пешоналари мисдан, тишлари қайралган, тиллари бигиз сингари

ўтқир, юраклари темирдан ясалган. Буларда қамчи ўрнига қайралган қилич бор. Улар шудринг ичади, шамолда учади, жангларда одам гўштини ейди. Ҳозир улар занжирдан бўшатиб юборилган, уларнинг оғзидан сўлаклари оқмоқди. Улар шод, хурсанд. Бу тўртта ит: Жабба, Қубила, Жалма ва Субутойдир», деб жавоб берган экан.

Урта аср муаррихларидан бири мўғул лашқарини «қумдан ҳам кўп» деб таъриф қилган эди. «Занжирдан бўшатишган», «қумдан ҳам кўп» бўлган одамхўрларни тасаввур қилайлик. Шу юришларнинг шохиди бўлган араб тарихчиси Ибн ал-Асир (1160—1233) бу ҳақда: «куну тунларда мисли кўрилмаган ва ҳамма ёқни, хусусан, мусулмонлар яратган бойликларни қамраб олган гоаят катта бир фалокат бўлди. Агар биров ҳамма нарсага қодир Оллоҳ одамни яратгандан буён дунё бундай нарсани кўрмаган, деса ҳақ гапни айтган бўларди. Дарҳақиқат, йилномаларда бунга ўттиш ва унга тенг келадиган бундай зўр фалокат бўлмаган. Уларда тасвирланган воқеалар ичида Ивзугодоносорнинг исроилийларни калтаклаши ва Қуддусни вайрон қилиши бобидаги қилмиши энг даҳшатлисидир. Бироқ бу лаънатилар (мўғуллар — П. Р.) вайрон қилган мамлакатлар олдида Қуддус нима бўлипти? Бу мамлакатлардаги ҳар бир шаҳар Қуддусга икки баробар келади! Мўғуллар қириб ташлаган одамларга қараганда исроилийлар нима бўлипти? Ахир, битта шаҳарда мўғуллар калтаклаган аҳоли барча исроилийлардан кўп бўлган. Улар ҳеч кимни аяшмади: аёлларни, эркакларни, гўдакларни шифқатсиз дўппослашди, ҳомиладорларнинг қорнини ёриб, болаларини ўлдиришди», деб ёзган эди.

Мўғул босқинчилари даҳшати шу тариқа ҳад-ҳудудсиз бўлган. Орадан аср кечса ҳам кишилар уларга қарши бош кўтаришга ботина олмаган. Бу ҳолни Чигатой улуси мисолида ҳам кўриш мумкин. Чигатой улуси Или водийсидан то Хоразмга қадар чўзилган, улкан сарҳадларга ёйилган эди. 1318 йилдан эътиборан бир қанча вақт бу улус пойтахти Қарши бўлиб турган эди.

XIV асрнинг 60-йилларига келиб, аввал Хуросонда кучайган озодлик ҳаракати Мовароуннаҳрда ҳам куртак ёза бошлаганди. Келгинди ҳукмдорлар — мўғуллар салтанатидан нутур кетаётганди. Бу ҳолни, ҳатто, мўғул хонларининг исломга бўлган муносабати бобида ҳам кузатиш мумкин. Қаршида 1318 йилдан то 1326 йилгича ҳукм сурган Кепакхон ислом динини қабул қилмаган, мажусий эди. Ҳожимият Тармаширин қўлига ўтгач (1326), у мусулмончилик ақидасини қабул қилади. Мўғул хонларининг ислом динига киришини эътиқод, юмшоқ кўнгуллик оқибати эди, деб бўлмайти албатта. Бу замонасозлик, сиёсий тангликдан чиқиш чораси эди, холос. Агар Тармаширин исломни қабул қилиб, «Алоуддин» — дин улуғи унвонини олган бўлса, ундан кейин тахтга чиққан Бўзан исломга киришга чеҳ қўйган. Кўринадики, бу масалада ҳам ҳукмдорлар тоифаси ичида чуқур ихтилофлар ҳукм сурган.

Чингизхон вафоти (1227) дан кейин ҳам жуда иноқ, босиб олинган мамлакатларни мувофиқлик билан идора қилиб келаётган унинг авлодлари XIV асрнинг иккинчи чорасидан эътиборан бир-



бири билан жиққа мушт бўла бошлайди. Ҳокимият учун талашиш авж олди. Ҳокимиятни Бўзандан тортиб олган Қозонхон ибн Яса-вир ўғлон яна қароргоҳни Қаршига кўчириб келди. Қозонхон ҳам ўзаро тожу тахт курашларига тоб беролмайди. Унинг кушанда-си амир Қозагон бўлди. Қозагон тахтга Дошмандчи ўғлонни (у Уседей насабидан эди) чиқаради. Кўп ўтмай Дошмандчи ўғлон ҳам фитнанинг қурбони бўлади. Қозагон бу сафар Мовароуннаҳр тахтига Баёнқулини хон кўтаради.

Амир Қозагон анча кучли қўшинга эга эди. Унинг ўғли Абдуллоҳ ҳам вақти-вақти билан ёндош ўлкаларга юриш қилар, мулкани кенгайтиришга интилар эди. Жумладан, у 1353 йилда Хоразмни босқин қилади ва у ерда ўз ҳукмини жорий этади. 1357 йилга келиб, иккинчи бир мўгул амири Қутлуғ Темур Бўлдай амир Қозагонни ясоққа етказди. Отаси ўрнига тахтга чиққан амир Абдуллоҳ саройида фисқу фужур зўраяди. Энди мўгул ҳокимлари фиқат тахт талашибгина қолмай, ишратпарастлик бобида ҳам юзтубан кета бошлайдилар. Абдуллоҳ, масалан, хотини билан ишқий можароларда айблаб, Баёнқулихонни қатл этдиради. Мўгул аслзодаларининг жирканч ҳаёт тарзи ҳокимият учун бўлган тубан курашларга уйғун бўлиб кетган эди.

Мўгул феодалларининг ўзаро низолари норозилигини кўндан кўн ичига ютиб келаётган туркий аҳолининг нуфузли вакилларига таъсир қилмаслиги мумкин эмасди. Бунинг устига, гарчи пинҳона бўлса-да, Хуросон билан алоқа ўрнатилган, сарбадорларнинг озодлик кураши амангаси уларнинг зулмат оғушида қолиб келаётган ватанига ҳам учқун сачрата бошлаган эди. Туркий аҳолининг етакчилари мўгул тўраларининг ўзаро тўполонларида гоҳ у томонда, гоҳ бу томонда туриб бўлса-да, аста-секин сиёсий курашларга аралаша бошладилар.

XV аср муаррихи Фосиҳ Аҳмад Хавофийнинг «Мужмал-и Фо-сиҳий» асарида қайд этилишича, 1358 йилда амир Абдуллоҳ ибн Қозагонга қарши кураш бошлаган мўгул амири Баён Сулдуз ёнида туркий аҳолининг етакчиларидан бири амир Ҳожи Барлос ҳам бўлган. Бу, ўша, Кеш (Шаҳрисабз) вилоятининг ҳокими, Амир Темурнинг амакиси Ҳожи Барлосдир. Айрим тарихий манбаларда, хусусан, академик В. В. Бартольд ишларида ҳам ўша пайтларда мўгуллар билан барлос амирларининг муносабати маълум эмас деб кўрсатилади. Шунингдек, илмий асарлар, дирсликларда XIV аср-нинг 50-йилларига келиб, Хуросонда сарбадорлар мўгуллардан Сабзавор шаҳрини тортиб олганликлари, ўзларининг мустақил давлатини вужудга келтирганликлари айтилади-ю, Шаҳрисабз ва Қаршида туркий аҳолининг ҳам айнан шундай қилганликлари ҳақида лом-лим дейилмайди.

Фосиҳ Хавофий келтирган далилдан маълум бўладики, амир Ҳожи Барлос мўгулларга қарши курашиш учун қулай имкони-ятларни кўндан бермаган. Унинг Баён Сулдуз билан биргалашиб қилган жангида Абдуллоҳ енгилиб, Мовароуннаҳрни ташлаб, Андараб томонга қочади ва шу ёқларда ўлади. Мовароуннаҳр ҳокимияти Баён Сулдуз ва Ҳожи Барлос қўлига ўтади. Афтидан,

Ҳожи Барлос худди шу йили — 1358 йилда Шаҳрисабз ва Қарши ҳокимиятини қўлга киритган.

Мўғуллар ҳокимияти анча мустаҳкам бўлган Шарқий Туркистонда 1348 йилда хонлик маснадига кўтаришган Тўқлуғ Темур Чигатой улусида юз бераётган воқеаларга бефарқ қараб туролмайди. Айниқса, уни маҳаллий аҳоли — доимо итоатда бўлишга маҳкум этилган халқ вакилларининг ҳокимият ишларига аралашаётганлиги қаттиқ ташвишга солиб қўяди. У 1359 йилда мустақиллик даъво қилаётган барлосларнинг танобини тортиб қўйиш учун катта қўшин билан йўлга чиқади. Кешни ён-верига қараб, кўрқа-писа идора қилиб турган Ҳожи-Барлос мўғул хонининг йўл-йўлакай эришиб келаётган ғалабалари хабаридан гангиб қолади. Чунки ҳеч кимдан нажот кутиб бўлмас, ён-атрофдаги мулкларнинг ҳаммаси мўғуллар қўлида, тинч пайтларда бир-бирининг гўштини ейишга тайёр турган нўёнлар қалтис дамларда бирлашиб ҳаракат қилиши тайин эди.

Тўқлуғ Темурнинг асосий зарбаси ўзига қаратилганини, саноқли йиғитлари катта қўшинга бас кела олмаслигини амир Ҳожи Барлос яхши биларди. Шу боисдан у жангсиз Хуросонга қочиб қолиш йўлини танлайди. Ҳожи Барлоснинг оғир дамда элини ташлаб кетишга қарор берганини ақлли кишилар маъқулламаган. Унинг обрўси мўғулларга қарши кайфиятда бўлган ёшлар ўртасида ниҳоятда катта эди. Ахир у нима бўлганда ҳам узоқ истибдоддан кейин ҳокимиятни мўғуллардан биринчи бор қўлга олган киши эди-да. Мўғулларга қарши кайфиятдаги ватанпарвар йиғитлар Ҳожи Барлосга бўлган ҳурмат-эҳтироми зўридан уни юрт этакларига қадар кузатиб келадилар. Улар орасида Амир Темур ҳам бўлган. Аммо у билан бирга кетишни ор биладилар. Ҳар ҳолда, Амударё бўйидан орқага, Шаҳрисабзга қайтганлар ёлғиз бир киши — Амир Темур эмасди. Бир нарса аниқки, уларга энди Амир Темур бош бўлиб қолган эди.

Темур ибн Турағай баҳодур номи биринчи бор шу қалтис вазиятда тилга тушади. Унинг довураклиги, шижоаткорлиги болаликдан маълум эди.

Темурнинг ўз амакисига бўлган хайрихоҳлигини тушуниш қийин эмас. Чунки Ҳожи Барлос илоҳий (нурдан бино бўлган) деб қаралган, метин деб ҳисобланган мўғуллардан ўз вилоятини тортиб олиб, уларга қарши курашиш мумкинлигини амалда кўрсатди. Зеро Маҳмуд Торобийдан кейин бу ўлкада ҳеч ким бош кўтара олмаган эди.

Ҳожи Барлос Хуросонга кетган, юрт эгасиз қолган пайтда Амир Темур, ўзини нима кутаётганини билмаса-да, ҳеч бир иккиланмасдан Шаҳрисабзда ҳокимиятни қўлга олади.

Болаликдан кураш, ов ҳадисини олган Амир Темур, академик В. В. Бартольд айтганидек, валломатлик — жанговарлик руҳида тарбияланган эди. Ориятни қўлдан бериш унинг учун ўлим билан барабар эди. У кейинчалик ҳайратомуз шону шавкатга эришгач, ўтказган қурилгойларида мудом бир нақлни такрорлар экан. Эмишки, икки сайёҳ, бири араб, бири эрони, беҳудуд саҳрода

адашиб қолишибди. Эрони сувини ичиб тамомлабди. Арабнинг кўзачасида бир қултум оби ҳаёт қолибди. Офтоб тигида эрони сулайиб, тамомила мадордан қолибди. Улими муқаррар бўлибди. Сўнги кучини йиғиб ҳамроҳига дебди: «Сен арабсан, халқингни олижаноб, деб эшитганман. Агар шу рост бўлса, сувингни менга бер, халқингнинг олижаноблигини кўрсат». Араб бир зум ўйлаб қолибди-да, хуржундан кўзачани чиқариб, уни ўлим билан олишаётган шеригига узатиб: «Халқимнинг олижаноблиги олдида менинг ўлимим ҳеч нарса эмас, мен бу удумга шак келтирмайман, мана сув, ичақол», дебди.

Амир Темури бу нақлни бежиз такрорламаган. Халқининг озодлиги кўндаланг турган маҳалда у Ҳожи Барлос сингари йўл тута олмасди. Унда ҳамият ниҳоят даражада кучли бўлган. Келинг, шу ўринда Амир Темури майдонга чиқазган сиёсий ва тарихий вазият ҳақида сўз юритайлик.

Тарихий асарларда Амир Темурининг Шаҳрисабзда ҳокимиятни қандий йўл билан сақлаб қолганлиги сабаблари номаълум деб кўрсатилади. Тарихнинг қизиқ бир тугуни шундаки, Мовароуннаҳрда осойишталик қарор топиб, Тўқлуғ Темури қайтиб кетгандан сўнг, орадан бир йил ўтар-ўтмас амир Ҳожи Барлос яна Шаҳрисабзга қайтиб келади. Фосих Хавофий очиқдан-очиқ эътироф қилганидек, у яна ҳокимиятни бошқаришдан умидвор бўлиб келган эди. Амир Темури ўз халқига ҳос жўмардлик кўрсатади: юзи шувит амакиси Ҳожи Барлосни дарвозадан киритмаслик ўрнига, Кеш ҳукумати унга беради.

Амир Темури айрим илмий манбаларда 1360 йил тахтга чиққан, деб кўрсатилади. XV асрга оид тарихий асарларда бундай таъкидларга дуч келиш маҳол. Тарихий китобларда Амир Темурининг Мовароуннаҳр тахтини расман қўлга олиш йили сифатида 1370 йил қайд этилади ва бу музаффарият Балхда юз берганлиги айтилади. Ҳақиқатда амир Ҳусайн ибн Мусаллабни енгиб, қўли баланд келган Амир Темури жами ақобирлар, қўшин бошлиқлари томонидан Мовароуннаҳр ҳукмдори деб тан олинган эди. Бинобарин, Амир Темури ҳозирга қадар айтиб келинганидек, йигирма тўрт-йигирма беш ёшида эмас, ўттиз тўрт-ўттиз беш ёшида тахтга чиқишга эришган.

Амир Темури ибн Турағай Муҳаммад баҳодур ҳижрий 736 сичқон йилида, шаъбон ойининг 25 кунда (1336 йил, 8 апрель) Шаҳрисабздан ўн уч чақиримча келадиган Хўжа Илғор қишлоғида туғилади. Унинг отаси амир Турағай баҳодур давлатманд киши бўлиб, Баёнқулихон салтанатида катта мавқе тутган.

Амир Темурининг онаси Тегуна хотун (Тегина Бегим Моҳ) бўлган. Фосих Хавофий Амир Соҳибқироннинг шажарасини шундай кўрсатади: Амир Темури кўрагон ибн амир Турағай ибн Барқал ибн Иланғири Ижил ибн Қоражор нўён ибн Суқу Сижон ибн Иримчи ибн Қожулай нўён ибн Туманайхон ибн Бойсунғур хон ибн Қайдухон ибн Дугам ибн Маннон ибн Бўка ибн Буданжир ибн Алан Тава хотун. Бўлак манбаларда айрим исмларда озгина фарқ бўлмаса (масалан; Иримчи — Иримчи, Қорачор сингари), шажара

айнан шундай такрорланади. Шоҳлар, султонлар шажарасини олисдан бошлаш, Одам Атога олиб бориб тақани ҳоллари Шарқ тарихнавислари учун удум бўлганлигини унутмаслик лозим. Бу ҳолни, ҳатто, XVI асрда яшаган Абдуллахон авлоди мисолида ҳам кўриш мумкин. Амир Темурнинг шажарасини битган тарихнавис уни Чингиз билан бир сулолага тақаб қўяётди. Чунки Алан Тава ёки Алан Қува «Шарафномаи шоҳий» («Абдуллонома») асарида қайд этилганидек, Темучиннинг улуғ момоси. У нурдан ҳомила пайдо қилиб, фарзандлар кўрган. Зуваласига илоҳийлик ҳамиртурушидан қўшилган бундай шажаранинг ҳақиқатга қанчалик тўғри келишини бу ўринда баҳс қилишга эҳтиёж йўқ. Нурдан ҳомила пайдо бўлмаслиги ҳақ бўлганидек, Алан Қуванинг суюқ оёқ бўлганлиги ҳам эҳтимолдан унчалик узоқ бўлмаса жерак.

Муҳими шундаки, Чингизхоннинг шажараси ҳақидаги асли қозиги бўли бўлган афсонага Амир Темурнинг уруғ-аймоғини ҳам келтириб боғлаш ақлга тўғри келмайди. Амир Темур юртларни, ҳокимиятларни мўғуллардан тозалашга бўлса ҳам, улар даҳшати таъсиридан онгни тозалашга батамом муваффақ бўлмаган кўринади. 1219 йилдан то 1370 йилгача давом этган мўғул истибдоди онгни ҳам, қонни ҳам кўп асрларга етадиган даражада захарлаган эди. Шу боисдан кейинги даврларда ёзилган тарихий асарларда ҳам Чингизийларни илоҳийлаштириш, ҳатто, уларни исломлаштириш каби уринишларга дуч келамиз. Ўша, Алан Қуванинг ўтовига тўйнуздан кириб келган нур араб сифатли киши деб талқин қилинишини бундан бошқа қандай изоҳлаш мумкин?!

Бироқ Амир Темурнинг болалик йиллари, ўсмирлик даври, аниқроқ айтганда, 1360 йилгача бўлган ҳаёти минбалирда зикр этилмайди. Бундай ҳолат кейинчалик турли тавсифларнинг рўёбга чиқишига туртки берган бўлса ажаб эмас. Утмиш Туркистонда салтанатлар тарихи битилганда Амир Темурга илоҳида эҳтиром кўрсатилган. Унинг йўлтўсарлиги, қароқчилик қилгани, саводсиз, жоҳил эканлиги фақат бизнинг замонамизга келиб «кашф этилди». Амир Темур девонида ўтириб, туркигўй шоирларнинг шеърларини тўплатиб, «Манзумоти туркий» мажмуасини туздирганида, ўзининг ёшлиги билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни «одамлар бу ишларга ишонмайди», деб атайлаб киритдирмаган экан. Бунга афсус қилмаслик мумкин эмас. Алишер Навоий «Мажолис ун нафоис» тазкирасида дўсти Шайхим Сухайлийни таъриф қилиб келиб, бундан ортиқ мақтасам ўзимни улуғлагандек бўламан, деб дўсти ҳақидаги сўзни мухтасар қилган эди. Амир Темурнинг шу ишидан камтарлик бўйи кўринмайдими? Ёки Амир Темурнинг Ғиёсиддин Али Яздийнинг «Китоби рўзномаи ғазовоти Ҳиндустон» асари хусусида тугган йўлини эсга олайлик. Далиллардан кўра мақтовларга тўла бўлган бу асарни Амир Темур пучга чиқарган эди. Ҳўш, энди Амир Темурнинг ёшлигида қилган, «одамлар ишонмайдиган ишлари» нималардан иборат бўлган, шу вақтга қадар бу ҳақда ҳар ким ўзича каромат қилиб келди. Шарафиддин

Али Яздийнинг машҳур «Зафарнома» сида ҳам Соҳибқироннинг бу умр фасли қаламга олинмаган. Тарихга адолат кўзи билан қарайдиган олим В. В. Бартольд ҳам охирида «Темур ҳам худди Чингизхон каби фаолиятини қароқчиликдан бошлаган», деган хулосага келган эди.

Бу ерда ортиқча тафсилотбозликдан қочиб, бир нарсани айтиш ўринли бўладики, Салоҳиддин Тошкандийнинг қўлингиздаги мазкур «Темурнома»си ана шу саволга биринчи марта очиқ-ойдин жавоб беради. Албатта, «Темурнома» илмий манба ёнги тарихий асар эмас. «Темурнома» энг аввало — бадиий асар. Бадиий асар бўлганда ҳам бир неча форсий манбалар асосида (қайси манбалар асосида эканлигини аниқлаш — бу келажакнинг иши!) битилган, дейиш мумкин. Шу боис асарни таржима, дейиш бир ёқлама бўлиб чиқади. Чунки у мутлақо эркин, ижодий ёзилган. Шу билан бирга воқеа-ҳодисаларни далиллашда тарихий манбаларга мурожаат этилган ўринлар кўп. Бу ҳол асарда бошдан-оёқ дивом этади. Ана шуларга асосланиб, «Темурнома»ни бир неча тарихий-бадиий китоблар умумлаштирилган янги асар дейиш тўғри бўлади. Ҳали қўйироқда бу масалага яна қайтамиз.

Биз юқорида Амир Темур шахси ҳақида сўз юритиб, уни йўлтўсарликда, қароқчиликда, жоҳилликда айбловчи олимлар, адиблар, арбоблар билан мунозара қилдик. Ҳозирга қадар бу олимлару арбобларнинг фикрлари аниқ мисоллар билан далилланган эмас. Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома»си бу даъволарни инкор этиш учун атайлаб ёзилгандек. Ваҳоланки, китоб бундан роса саксон икки йил муқаддам, Октябрь инқилобидан тўққиз йил олдин нашр этилган. «Темурнома» кўп жиҳатдан, айниқса, қамрави эътибори билан «Бобурнома»га, «Қиссас-у-анбиё»га анча яқин туради. «Бобурнома» учун ҳам тарихийлик, ҳам бадиийлик нечоғли хос бўлса, унда ҳам шу фазилат бўртиб туради. «Қиссас-у-анбиё»да пайгамбарлик ва оддий инсонлик нечоғли қўшилиб, уйғунлашиб талқин этилган бўлса, «Темурнома»да ҳам шу ҳолни кўрамиз.

«Темур тузуқлари», «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» (Г. Вамбери), Гиёсиддин Али Яздийнинг юқорида номи зикр этилган асарининг рус тилида, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сининг форсий тилда нашр этилиши («Фан», 1972), Иброҳим Мўминов рисоласи Амир Темурни билиш йўлидаги дастлабки қадамлар бўлди. Айниқса, Фосих Хавофийнинг «Мужмал-и Фосихий» асарининг рус тилида бўлса-да, чоп этилганлиги Амир Темурни билиш, таниш йўлидаги муваффақиятдир. «Мужмал-и Фосихий» на бадиий, на тарихий асар, унинг жанрини хроника ёки жангнома деб белгилаш тўғрироқ бўлади. Муаллиф ҳар бир йил воқеа-ҳодисаларини ҳеч бир шарҳсиз кунми-кун, ойма-ой, йилма-йил ёзиб борган.

Ўқувчида тўғри тасаввур ҳосил қилиш учун Фосих Хавофийнинг «Мужмали»дан Амир Темур йилномасининг асосий ўринларини айнан келтиришни лозим топдик, токи китобдоннинг ўзи воқеаларга ҳакам бўлсин, ўзи бир хулосага келсин.

ФОСИҲ ХАВОФИЙ. «МУЖМАЛ-И ФОСИҲИЙ».

АМИР ТЕМУР ЙИЛНОМАСИ:

1335—1336 ЙИЛ. Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг шаъбоннинг йигирма бешида туғилиши.

1357—1358 ЙИЛ. Амир Абдуллоҳ ибн амир Қозагон томонидан Баёнқулихоннинг қатл этилиши.

1358—1359 ЙИЛ. Баён Сулдуз ва амир Ҳожи Барлоснинг амир Абдуллоҳ ибн амир Қозагонга ҳужум қилиши. Абдуллоҳнинг Андараб томонга қочиши ва ўлими. Мовароуннаҳрни Баён Сулдуз ва амир Ҳожи Барлосларнинг эгаллаши.

1359—1360 ЙИЛ. Мовароуннаҳрга жатта (мўғул) подшоҳи, Чигатой уругидан бўлган Тўқлуғ Темурхон ибн Уғул хўжа ибн Дувахоннинг келиши. Бу хабарни эшитиб амир Ҳожи Барлоснинг Тўқлуғ Темур билан учрашмасдан, Мовароуннаҳрни тарк этиши ва Хуросонга йўл олиши.

1360—1361 ЙИЛ. Тўқлуғ Темурхон фармонига биноан Кеш ҳукуматининг Амир Темурга ўтиши. Тўқлуғ Темурнинг Мовароуннаҳрдан ўз пойтахтига қайтиши. Амир Ҳожи Барлоснинг ўз мамлакатини бошқариш учун Мовароуннаҳрга қайтиб келиши. Амир Турағай Муҳаммад Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг отаси вафот этиши.

1361—1362 ЙИЛ. Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг Хизир Ясурий сарига амир Ҳусайн ибн амир Мусаллаб ибн амир Қозагонга Баён Сулдуз билан бўладиган курашида ёрдам бериш учун келиши. Баён Сулдузнинг қочиши.

1362—1363 ЙИЛ. Амир Соҳибқирон Амир Темур амир Ҳусайн ибн Мусаллаб билан Сейистон юришига отланиши. Амир Соҳибқироннинг қўли ёй ўқидан яраланиши. Тузалиб, тагин амир Ҳусайнга қўшилиши. сўнгера икжаласининг Мовароуннаҳрга қайтиши. Амир Ҳусайннинг Амир Темур билан иттифоқ бўлиб жатта қўшини билан жанг қилиши. Самарқанд ва Кешнинг қўлга киритилиши.

1365—1366 ЙИЛ. Жатта қўшини билан Ҳусайннинг машҳур Лой жанги. Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг бу жангда катта жасорат кўрсатиши, бироқ, амир Ҳусайн лашқарининг бўшанглиги туфайли жатта қўшинининг ғалаба қозониши. Амир Темур Ҳусайнни қанча қувватламасин, унинг лоқайдлиги. Шу сабабга кўра Амир Соҳибқироннинг унга нисбатан гина, жек сақлаганлиги. Икжаласи ўртасида нифоқнинг пайдо бўлиши.

1366—1367 ЙИЛ. Бадахшон подшоҳининг амир Ҳусайнга душманлик кайфиятида бўлиши. Амир Ҳусайн билан Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг ярашиши ва уларнинг Бадахшонга биргаликда юриш қилиши. Амир Соҳибқироннинг амир Ҳусайндан

олдинроқ Бадахшонни забт этиши ва уларнинг биргаликда қайтиши.

1368—1369 ЙИЛ. Амир Соҳибқирон Амир Темур билан амир Хусайн ибн Мусаллаб ўртасида низо чиқиши.

1369—1370 ЙИЛ. Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг амир Хусайн ибн Мусаллаб ибн амир Қозағонга қариши чиқиши. Балхда Амир Соҳибқирон томонидан амир Хусайннинг ўлдирилиши. Амир Соҳибқироннинг тахтга чиқиши.

1370—1371 ЙИЛ. Амир Соҳибқирон жатталар билан жанг қилишга отланади. Амир Соҳибқироннинг жатта устига иккинчи қатла қўшин тортиши. Керак Темурнинг қочиши ва Амир Темурнинг Самарқандга қайтиши. Зинда Чашмнинг фитнада айбланиб ҳибсга олинади. Амир Соҳибқиронга қариши уюштирилган бу фитнада амир Мусо, Абу Исҳоқ Хизир Ясурий ва шайх Абул Лайс Самарқандийлар қатнашганлиги. Зинда Чашм ҳоким бўлган Шибирғон ҳукуматининг Баён Темур ибн амир Оқбўғага берилиши.

1371—1372 ЙИЛ. Амир Соҳибқироннинг Хоразмга отланиши. Хоразм ёнида Хусайн Сўфи билан бўлган жанг. Хусайн Сўфининг қочиши. Хоразмнинг қамал қилиниши. Хусайн Сўфининг вафот этиши (1372 йил 5 январь), Юсуф Сўфининг Хоразм шоҳи бўлиши. Кайхусрав Хатлонийнинг Хусайн Сўфи билан воситачилик қилгани учун қатл этилиши.

1372—1373 ЙИЛ. Амир Соҳибқироннинг Хоразмга иккинчи қатла юриш қилиши. У Юсуф Сўфи аҳдни бузганидан ғазабга келган эди. Юсуф Сўфи битим йўлини излаб, кечирим сўраши ва Амир Соҳибқироннинг ярим йўлда изига қайтиб кетиши.

1373—1374 ЙИЛ. Малика Хонзоданинг Хоразмдан олиб келиниши ва унинг амирзода Муҳаммад Жаҳонгир ибн Амир Темур кўрагонга ақд қилиниши. Амир Соҳибқироннинг Кониғилда мисли кўрилмаган қатта тўй қилишга амр этиши.

1374—1375 ЙИЛ. Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг жатта томонга учинчи бор юриш қилиши. Амир Соҳибқироннинг Дилшод оғога уйланиши.

1375—1376 ЙИЛ. Амир Соҳибқироннинг жатта сарига тўртинчи марта қўшин тортиши ва йўлдан қайтиши. Кўп ўтмай унинг мўғуллар устига бешинчи марта отланиши. Амирзода Жаҳонгир баҳодурнинг ўлими. Тўхтамишхоннинг Урусхондин юз ўғириб, Амир Соҳибқирон ҳузурига паноҳ истаб келиши. Бу пайтда Амир Темур жатталар билан бўлган жангдан қайтганлиги. Амир Соҳибқирон Тўхтамишхонга Утрор ва Сабранни инъом қилиб, илтифот кўрсатиши. Амирзода Жаҳонгирнинг ўғли Муҳаммад Султоннинг туғилиши.

1376—1377 ЙИЛ. Амир Соҳибқирон Амир Темур фармониға кўра Тўхтамишхоннинг Дашти Қипчоқ ҳокимиятини қўлга олиши.

1377—1378 ЙИЛ. Шоҳруҳ баҳодурхоннинг ўн тўртинчи раби ас соний, пайшанба кунинда (1377 йил 20 август) туғилиши. Амир Соҳибқироннинг асзодадар зотидан бўлган Туман огога уйланиши. Амир Темур кўрагоннинг Занжир Сарада қишлаши.

1378—1379 ЙИЛ. Амир Соҳибқироннинг Хоразмга тўртинчи бор қўшин тортиши. Хоразм ёнида Юсуф Сўфи билан жанг қилиши, Сўфининг қочиши ва ичкарида мустаҳкамланиши.

1379—1380 ЙИЛ. Амир Соҳибқирон Хоразм қамалидан қайтганида Юсуф Сўфининг вафот топиши. Хоразмнинг фатҳ этилиши. Кешда Оқсаройнинг қурилиши. Кеш қўргонини вужудга келтириши.

1380—1381 ЙИЛ. Амирзода Амироншоҳнинг кўп кишилик қўшин билан Хуросонга отланиши. Амир Соҳибқироннинг Эронни фатҳ этиш учун келиши. Муҳаммад ибн малик Муъзиддин Кўртнинг Сарахсдан Амир Соҳибқирон ҳузурига келиши. Унинг иззат-обрўга ноил этилиши. Амир Соҳибқироннинг Қусуйяга келиши. Паҳлавон Маҳди Қусуйянинг Амир ҳузурига келиши ва сийланиши. Амир Соҳибқироннинг улуг шайх ул ислом, Мавлоно Зайниддин Абу Бакр ат-Тайбодий билан учрашуви. Шайхнинг Ҳирот аҳолисини таламаслик, қирмаслик ҳақидаги илтимосига Амирнинг алақачон шу қарорга келганлиги ҳақидаги жавоби.

1381—1382 ЙИЛ. Ҳиротнинг Амир Соҳибқирон томонидан фатҳ этилиши. Худошод Жўйин аҳолисининг Ҳожи Барлос хуни учун қатлағ ҳужм қилиниши.

1382—1383 ЙИЛ. Нишопурнинг олиниши. Малик Ғиёсиддин Кўрт хонадонининг Самарқандга кўчирилиши. Фанокат мавзидидаги Шоҳруҳия шаҳрининг тикланиши. Бу шаҳар Чингизхон ҳужм сурган йилларда вайронга айланган эди. Шаҳар тикланиб, Амир Соҳибқирон фармониға кўра ўғли Шоҳруҳ номи билан аталади.

1383—1384 ЙИЛ. Амир Соҳибқироннинг жаттага Қамариддинни маҳв этиш учун қўшин юбориши. Қамариддинни излаб тополмаслик ва қайтиш. Амир Соҳибқироннинг Мозандаронга юриши. Амир Соҳибқироннинг Сейистонни фатҳ этиши, малик Қутбиддинни ҳибсга солиши. Малика Дилдош ого вафоти.

1384—1385 ЙИЛ. Амир Темурнинг Астрободга юриши. Шерозда Шоҳ Шўжобнинг вафот этиши. Ироқда бўлиш, Райда қишлаш. Баҳорга келиб Султонияга қадамжо қилиш. Сариф Одилнинг Шоҳ Шўжобдан элчи бўлиб келиши, унга ҳурмат кўрсатилиши.



1386 ИИЛ. Амир Соҳибқироннинг Табризга келиши, моли омон пешкаш этилиши. Гуржистон ҳукмдори Буқротнинг асир қилиниши, унинг ислом динини қабул этиши. Амир шайх Иброҳим Дарбандийга эҳтиром кўрсатилиши. Филон маликларининг Амирни кутиб олиши.

1387 ИИЛ. Амир Соҳибқироннинг Қорабоғ қишлоvidан Гуржистон сарига жўнаши. Тўхтамишнинг тузкўрлик қилгани ва итоддан чиққани хабарининг келиши. Амирзода Амироншоҳнинг Тўхтамишхон билан жанг қилиши, Тўхтамишнинг қочиши. Амир Темурнинг Кўкча Тенгизга отланиши, Самарқанддан Сарой Мулк хонимнинг Шоҳруҳ султон билан Халил Султонни олиб келиши. Олатоғда Қора Муҳаммад кишилари билан жанг. Шерозни олиш.

1388 ИИЛ. Амир Соҳибқироннинг Форсдан қайтиши. Бешинчи марта Хоразмга юриш. Абул Фатҳ — Амир Соҳибқирон куёвининг қочиши ва охир-оқибатда қатл этилиши. Амир Темурнинг Хоразмга келиши, Тўхтамишхон қўшинининг қочиши. Хоразмни вайрон этиш. Дашти Қипчоққа, Тўхтамишхон билан жанг қилиши учун отланиш. Жангдан сўнг Тўхтамишнинг қочиши, Айди Берди бахшининг асир тушиши ва кечирилиши.

1388—1389 ИИЛ. Тўхтамишхон билан бўлган жангдан сўнг Самарқандга қайтиш. Кўп ўтмай яна Тўхтамишхон устига юриш. Тўқмоқ қўшинининг маҳв этилиши. Тўхтамишнинг енгилиб қочиши. Султонбахт бегим — Амир Темурнинг қизи билан амир Сулаймоншоҳ баҳодирнинг тўйи.

1389—1390 ИИЛ. Рай атрофидаги Оқйар деган жойда Курултой ўтказиш. Амирзода Умаршайхнинг Севинч Қутлуғ оғога уйланиши. Амир Соҳибқироннинг Дашти Қипчоққа юриши. Унинг касалланиши. Амир Темурнинг тузалиши.

1390—1391 ИИЛ. Амир Темур буйруғи билан амир Мусиқанинг вайрон этилган Хоразмни обод қилишга киришуви. Мусиқанинг бу ишни уддалаши. Баҳорда Амир Темурнинг Тошкентдан Дашти Қипчоққа, Тўхтамишхон устига отланиши. Тўхтамишнинг енгилиши, катта ўлжа билан қайтиш. Амирзода Амиршоҳнинг Хуросонга жўнаши.

1391—1392 ИИЛ. Амир Темурнинг Тошкентдан Самарқандга келиши. Унинг Табаристонга юриш қилиши.

1392—1393 ИИЛ. Шоҳруҳнинг Самарқанддан Шасфанга чақирилуви. Шерознинг иккинчи қатла фатҳ этилиши. Амир Темурнинг Бағдодда қишлови. Султон Аҳмаднинг қочиши.

1393—1394 ИИЛ. Муҳаммад Тарағай Улуғбек кўрагоннинг туғилиши. Бағдод ёнидаги Хармату қалъаси учун бўлган жангда амирзода Умаршайхнинг ҳалок бўлгани ҳақидаги хабарнинг келиши.

1394—1395 ЙИЛ. Тўхтамишхон билан жанг қилиш учун Дашти Қипчоққа қўшин тортиш. Дашти Қипчоқнинг, Черкас, Уруснинг катта қисми фатҳ этилиши.

1395—1396 ЙИЛ. Амир Темурнинг Сарой ва Ҳожи Тархондан қайтиши. Мардин ҳукмдори Исонинг ҳибсдан озод қилиниши ва Мардинни идора қилишни унга топшириш.

1396—1397 ЙИЛ. Самарқандда Боғи Шамол қасрининг қурилиши. Малика Хонзоданинг Озарбайжондан келиши ва эри Амироншоҳдан шижоят қилиши. Кониғилда Боғи Дилқушо қасри ва боғининг барпо этилиши.

1397—1398 ЙИЛ. Амир Темурнинг Хизир хожанинг қизи Тўғал хонимга уйланиши муносабати билан Кониғилда байрам. Султон Муҳаммадни Мўғулистон чегарасига жўнатиш. Астрободдан Шоҳруҳнинг Кешга, отаси билан учрашувга келиши.

1398—1399 ЙИЛ. Амир Соҳибқироннинг Ҳиндистонга қўшин тортиши. Деҳли ёнида султон Маҳмуд ва Маллу хон билан бўлган жанг. Уларнинг Деҳлидан чекиниши. Ҳиндистондан қайтиш. 1399 йилнинг 10 майида Самарқандда Масжиди жомеънинг Ҳиндистондан желтирилган бойликлар ҳисобига қурдирилиши. Хиротда Боғи Шаҳр қасрининг қурилиши.

1399—1400 ЙИЛ. Амир Соҳибқироннинг Озарбайжон сарига юриш қилиши. Гуржистонни фатҳ этиш, гуржилар қўлида асир бўлиб ётган мусулмонларни озод қилиш.

1400—1401 ЙИЛ. Амир Соҳибқироннинг Шомни забт этиш учун қўшин тортиши. Сивасга желиш ва уни эгаллаш. Мардинга желиш, Қора Усмонга эҳтиром кўрсатиш.

1401—1402 ЙИЛ. Қорабоғда қишлиш. Дорулфатҳ қасрининг тугалланиши. Амир Темурнинг Рўмга отланиши. Таргум, Кемах, Харуқ, Қайсария, Ангурия, Қорашаҳар қалъаларини олиш. Елдириим Боязид билан жанг. Елдириим Боязиднинг Султон Маҳмудхон томонидан асирга олиниши.

1402—1403 ЙИЛ. 1403 йил 9 мартда Рўм подшоҳи, ҳибсда бўлган Елдириим Боязиднинг вафот этиши. 1403 йил 13 мартда Султон Муҳаммаднинг вафот этиши.

1403—1404 ЙИЛ. Гуржистоннинг Қартин қалъаси олиниши ва унинг Бўрон подшоҳга топширилиши. Арманистон ва Гуржистонга юриш. Асир тушган мусулмонларни қутқазिश. Байлақан шаҳрининг қурилиши, Барлос наҳрининг қазилиши. Шероз ҳукмдори, халққа зулм ўтказган Қутбиддинни жазолаш. Шерозга махсус кишилар юбориб, Қутбиддин етказган зарарни тиклаш, халққа офият беришни ташкил этишни топшириш.

1404—1405 ЙИЛ. Амир Темурнинг Озарбайжондан қайтатуриб, Нишопурга тушиши. Уни Шоҳруҳнинг кутиб олиши. 1404 йилнинг

19 июлида Амир Соҳибқироннинг Рўм ва Шом юришидан қайтиб, Самарқандга келиши. Шаҳзодаларнинг уйланиши муносабати билан Кониғилда тўй тантаналари. Масжиди жомеъ қурилишини бориб кўриш. Қурилишда ортиқча сарфга йўл қўйган меъморларни жазолаш. 1404 йилнинг 27 ноябрида Хитой сафарига отланиш. Амирнинг Утрорга яқин Оқсулот деган ерга тушиши, бу жойда 28 кун яшаши. Шайх Нуриддин ва амир Шоҳ Маликдан ва амир Хожа Юсуфдан бошқа жами қўшин бошлиқларини қишлаш учун Тошкентга жўнатиши. 1404 йилнинг 25 декабрида Утрорга жўнаш ва 1405 йилнинг 9 январидида шаҳарга келиш. Бу ерда қирқ кун соғ-саломат туриш, нард ва шахмат ўйнаш билан машғул бўлиш.

Амир Соҳибқироннинг касалланиши ва 1405 йилнинг 18 февралда вафот этиши.

Фосиҳ Хавофий тилга олган тарихнинг бу саналарида бемисл ҳаёт, журашларда, суронларда кечган умр мужассам. Амир Темурнинг ўз душманларига нисбатан тутган сиёсатини бир ёқлама баҳолаш нотўғри. У хонликни кечирмаган, халққа зулм қилувчи ҳукмдорларни аёвсиз жазолаган. Шу билан бирга тинчлик, омонлик истаган юрт эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган, уларни сийлаган. 1370 йилдан то 1404 йилга қадар қарийб 30 марта қўшин тортган Амир Темурнинг ҳамма вақт қўли биланд келди. Фосиҳ Хавофий асаридаги қисқа сатрлар ортида минг-минглаб тақдирлар туради. Масалан, Нишопур учун бўлган жангни эсга олайлик. Тарихчи олим бу ҳақда бир оғиз сўз айтган, холос. «Темурнома» муаллифи эса Нишопурни қўлга киритиш Амир Темур учун қанчалик машаққатли бўлганлигини, ҳатто ўзининг ҳалокат ёқасига келиб қолганлигини ишончли чизгилар орқали тасвир этади.

Авлодлар йиллар, асрлар ўтган сари ўз юртига озодлик бахшида этган, Урта Осиёда қудратли марказлашган давлатни қарор топдирган, биргина номининг ўзи жаҳоннинг кўпгина ҳукмдорларини зирқиратган Амир Темурга қизиқиш билан қараганлар. Унинг ҳақида қанчадан-қанча ривоятлар тўқилган, асарлар битилган. Замонанинг зайли билан осори атиқаларнинг фақатгина Амир Темурни мазах қиладиган нуқталаригина танлаб олинган. Амир Темурнинг ҳаёти, сиёсий ва жанговар фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар «унутилган». Шулардар бири Мулло Салоҳиддин эшон ибн Мулло Алоиддин хожа эшон қаламига мансуб «Темурнома» («Жангномаи Амир Темур кўрагон») асаридир. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи шундай дейди:

«Тарихнинг бир минг уч юз йигирма еттисиди (1908 йил), товуқ йилида Тошканд мамлакатлик аҳқарулабад Мулло Салоҳиддин хожа ибн Мулло Алоиддин хожа эшон айтурким, бу «Темурнома»-ни бир неча қардошларни илтимоси бирла туркий тилида тартиб бермоқга кўшиш қилдик».

Мулло Салоҳиддин узоқ вақтлар давомида номаълум муаллиф бўлиб келди. Унинг қаламига мансуб асарни мутахассислар билмаган дея олмаймиз. Турли сабабларга кўра билиб-билмасликка олиш бу хилдаги асарларга бўлган муносабатнинг бир йўли эди.

Шу боисдан асар ва унинг муаллифи ҳақида шу вақтга қадар бирон бир манбада фикр юритилмади. Холбуки, муаллиф XIX асрнинг охирларида вояга етган, Тошкентда яшаб, ижод қилган эди. Бу вақтда Тошкентнинг асосий маданий марказ бўлиб қолганлигини таъкидлаш ортиқча. Афсуски, Салоҳиддин Тошкандий ҳақида етарлича маълумотлар мавжуд эмас. Унинг ҳақида «Темурнома» орқалигина фикр юритиш имкони бор. «Темурнома»нинг бадиий савиясига қараб баҳо бериладиган бўлса, муаллифнинг ўз даврининг пешқадам зиёлиси, теран билим соҳиби бўлганлини қайд этиш лозим бўлади. Салоҳиддин Хожанинг диний илмлар бобида етуқлиги асаридан яққол кўзга ташланиб туради. Унинг яхшигина шоир эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Қайд этилганидек, «Темурнома» уч йўналишдаги асарларнинг, охир-оқибатда, бадиий мажмуаси сифатида майдонга келган. Китобни яратишда энг аввало тарихий асарлардан («Китоб ул ахбор», «Тарихи Табарий», «Зафарнома» сингари), бадиий асарлардан («Искандарнома», А. Хотифий асари ва б.), ва диний асарлардан (масалан, «Або Муслим», «Қисасул анбиё» каби) ижодий фойдаланилган. Муаллифнинг XIV—XX асрларда вужудга келган тарихий-бадиий китоблар билан танишлиги ҳам сезилиб туради. «Темурнома» ниҳоясида Салоҳиддин Хожа: «фақир муаллиф ҳазрат Амир Темур раҳматуллоҳ алайҳа дostonларини кўб мўътабар нусхалардан неча меҳнат ва машаққатлар чекиб, форсий тилидан турк тилига таржима қилдим. Илоҳи, ҳаммага маҳбуб ва марғуб қилғил они», дейди. «Кўб мўътабар нусхалар» (албатта, форсий тилдаги) назмий асарлар бўлганлигини муаллиф ишора қилаётир, бироқ уларнинг қайси шоирлар ёки адиблар қаламига мансуб эканлигини айтиш қийин. Салоҳиддин Хожа кўп ўринларда А. Хотифий номини, унинг Амир Темур ҳақидаги асарини эсга олади. Аммо айнан Хотифийдан таржима қилди, дейишга ҳали асослар етарли эмас. Яна бир ўринда муаллиф «эмди бу боғни атроқ алфозин гулларидин тартиб берилжим, турклар кўруб, шод бўлсун. Илоҳи, бу боғ атроқ аро абадул-абад обод ўлсун», дейди. Чамаси, муаллиф форсий «Темурнома»ларга туркий жавоб айтишни зиммага олган кўринади. Чунки, асарда берилган 1030 мисра шеърнинг асосий қисми Салоҳиддин Тошкандий қаламига мансубга ўхшайди. Бундай дейишга маълум асослар бор. Муаллиф кимдан шеър келтирмоқчи бўлса, албатта шоир номини тилга олади. Масалан, Камол Хўжандий, Шайх Саъдий, Саййид Аҳмад, Имом Ҳофизиддин Бухорий, Хўжа Абдулла Хотифий, Шарофиддин Яздий, Хожа Исмагулло Бухорий шеърлари турли муносабатлар билан келтирилган. Амир Темур, унинг ўғиллари Мирзо Шохруҳ, Амироншоҳ, Шох Шужоъ, Шайх ул аълам ва бошқа тарихий шахсларнинг номидан келтирилган шеърлар, шубҳасиз, Салоҳиддин Тошкандийнинг ўз ижоди. Асар мана шу жиҳати билан ҳам «Бобурнома»ни эсга туширади. Салоҳиддин Тошкандийнинг билим доираси, қамрови жуда кенг эканлигини эътироф этиш керак.

Салоҳиддин Тошкандий тарихни мукамал билади. Халқимиз

ҳаётининг энг нозик, энг қалтис, энг мураккаб даври бўлган XIV — XV асрларни шу давр учун бош мавқени ўйнаган шахс ҳаёти мисолида ёритиш, табиийки, осон иш эмас. Бунинг устига Мовароуннаҳрда ҳукм сурган мўғул хонлири образларини ишлаш ҳам муаллифдан катта куч, улкан билим талаб қилиши тайин эди. Биз, хусусан, «Темурнома»нинг айнан бир асардан таржима қилинган деган фикрни сира ёқлай олмаймиз. Гарчанд, муаллифнинг ўзи уни форсий тилдан таржима қилганлигини айтаётган бўлса-да, бунда у ўзига қадар Амир Темур ҳақида форсий тилда ёзилган асарлардан баҳраманд бўлганлигини, баъзи тарихий воқеаларни, шеърӣй парчаларни улардан олганлигини кўзда тутаётган бўлса, ажаб эмас. Асар шу ҳолида таржима эмас, аслиятдир.

Салоҳиддин Тошкандӣ «Темурнома»ни «бир неча қардошларни илтимоси бирла туркий тилида тартиб бермоққа кўшиш қилганлигини» таъкидлайди. Бунини қуйидаги мисраларда янада очиқроқ ифода этиб, ёзади:

Назм ила бўлсун дедимким илтимос этганлара,  
Қофия, вазн ила тартиб айласаж бу дафтара.  
Назмнинг қадрига етмас даҳр аҳли, дедилар,  
Кошки назм ила бўлса ҳар китоб ўлғай сарара.

Кўринадики, муаллиф «Темурнома»ни дастлаб бошдан-оёқ шеърӣй йўлда яратмоқчи бўлган. Чамаси, дўстларининг истақ-хоҳиши билан асарни насрий ўзанга бурган. Назмӣй асарларни тушуниш мураккаблиги, эҳтимол, шу йўлни тақозо қилгандир. «Темурнома»нинг асл бадиий асар эканлигини дилолат этадиган яна бир жиҳат мана бу сатрларда ҳам очиқ-ойдин кўриниб туради дейиш мумкин:

Жаҳд айла бу достона хома,  
Турки тилда айтиб «Темурнома».  
Боғлаб белинг, эй бу дам, қалам, сан,  
Қутқор мени меҳнату аламдан.

Салоҳиддин Хожа мўғул ҳукмдорларининг кам маълум бўлган, аммо асл қиёфасини очиб берадиган жиҳатларини топиб, қаламга олади. Масалан, «Тарих етти юз йигирмада (1320) Қозонхонким, Малик шоҳ машҳурдур, Бухоро тахтига ўлтурғон эрди... Қозонхон андоғ золим эрдикӣ, ҳар кишини талаб қилса, аввал хотун ва болаларига васият қилиб, андин кейин Қозонхонни олдига борур эрди», дейилади бир ўринда.

«Темурнома»да икки йўналиш чизиғи мувозийъ давом этади. Булар бири — тадриж, бири — таназзул чизиғи. Тадриж — болакай Темурнинг ҳаётини тавсифласа, таназзул — мўғул ҳукмдорларининг жирканч турмушини тасвирлайди. Асарда яна бир, ислом ва унинг вакиллари ҳақида ҳикоя қиладиган ўзан борки, у ҳаминша бир меъёрда оқади. Айтиш ўринлики, ислом Мовароуннаҳрда мўғуллар истибдоди қутурган йилларда ҳам пугурдан кетмаган,

аҳсинча, сиёсатга, боққинчилар феъл-атворида таъсир ўтказиб турган. Юқорида мўгул феодалларининг ислом динига киришини айтиб ўтдик. «Темурнома»да ана шу жиҳатлар анча мукаммал талқин этилган. Бу амир Турағай Муҳаммаднинг Бухоро Садр аш шариъатининг қизи Тегина Бегим Моҳға уйланиши, Баёнқулининг хон кўгарилиши, Дашти Қипчоқнинг исломни қабул қилиши, хуллас, бирон бир воқеа йўққи, унда дин вакиллари иштирок этмаси. Бу исломнинг мавқеини ошириб кўрсатиш эмасми, деган андешалар туғилиши мумкин. Йўқ, аслида ҳаётда шундай бўлган. Масалан, тарихий манбалар Ҳиротнинг фатҳ этилишини шайх Тайободийга боғлайди. Амир Темур ҳужум олдидан Шайхнинг мададига умид боғлиб, унинг ҳузурига келади. Урта аср мусулмон Шарқда бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Мўғуллар чамаси, бу ҳақиқатга ўз салтанатларининг сўнгида ишонч ҳосил этган, шу сабабли, мусулмонликни қабул қилганлар.

«Темурнома» анъанавий ҳамддан бошланади. Сўнгги Мовароуннаҳрда ҳукм сурган сулолалар тилга олинади. Асосий қисм — дostonлар (муаллиф бобларни шундай атайди) сони 47 та. Мовароуннаҳрда ҳукм сўрган шоҳлар ҳақида йўл-йўлакай сўз юритилгач, «Эмди келди дostonи Амир Соҳибқиронга, яъни Амир Темур кўрагон Исхандари сонийга» деб илж боб бошланади. Бу қисмда Амир Темурнинг шажараси берилади. Бу шажара Фосиҳ Хавофийдидан фарқли ўлароқ, охир-оқибатда Алан Қува хотунга олиб бориб тақалмайди: Амир Темур ибн амир Турағай баҳодур ибн Барқул баҳодур ибн Илонғиз баҳодур ибн Инжил баҳодур ибн Қоражор нўён ибн амир Сўғичин ибн Бердиқухон ибн Иримчи Залосхон ибн Қожувли баҳодур ибн Тарбонхон. Бу боб қолган қирқ олти фасл учун режавий йўналишга эга.

Салоҳиддин Тошкандий «Темурнома»ни битар экан, ўзи тасвирламоқчи бўлган шахсга бемисл ҳурмат билан ёндошади. Бу бежиз эмасди, муаллиф Амир Темурнинг халқи олдидаги хизматини боққинчи хонларни «Самарқанддин ихрож қилишда» деб тушунади. Ана шу гоё кейинги дostonларда Амир Соҳибқироннинг ўттиз-ўттиз беш йиллик кураши орқали бадиий жонлангитрилади.

«Аввалги дoston: ҳазрат Амир Темур Соҳибқиронни оналаридин туғулмоқларини баёни»да Бухоро Садр аш шариъатининг қизи Тегина Бегим Моҳ билан шаҳрисабзлик амирзода Турағай Муҳаммад никоҳи, бу ишда уламолар, ислом пешволарининг бошқош бўлиши ҳикоя қилинади. Қадим замонлардан Бухоро ва Шаҳрисабзда яшовчи туркий аҳоли қуда-анда бўлиб келган. Турағай Муҳаммад билан Тегина Бегим Моҳнинг топилуви ҳам одатдаги ақдлардан бири бўлиб қолиши мумкин эди. Бироқ, бу никоҳдан кейинчалик жаҳонни титратган ўғил туғилди. Шайх ул аълам Сайфуддин шундай бўлишини олдиндан билган. Амир Темур туғилмасдан бурун унга «Соҳибқирон» лақабини ҳам у берган. Диний каромат билан боғлиқ талқинни тушуниш мумкин, албатта. Лекин шу бобда яна бир ҳақиқат ўрин олганки, бунга жиддий аҳамият бермаслик мумкин эмас. Тегина Бегим Моҳ амир Турағай

Муҳаммадга никоҳ қилинган, амируннос Қозағон (мўғул) орага суқилади. Достонда Тегина Бегим Моҳга талабгор бўлган амир Қозағон тақдири Шайх ул аъламнинг аралашуви билан осонгина ҳал қилинган деб кўрсатилади. Хушфаҳм ўқувчи мўғуллар билан туркий аҳолининг низолари фақатгина сиёсий кураш доирасида чекланиб қолмай, Урта Осиё халқи учун ниҳоятда муқаддас бўлган оилавий масалаларга ҳам бориб тақала бошлаганлигини сезади. Амир Қозағон билан Турағай Муҳаммад — қайнота ва кувёв. Амир Қозағоннинг қизи Йўқун Бегим Турағайнинг биринчи хотини. Амир Қозағоннинг Тегина Бегим Моҳга илиниши қалб амри эмас, балки мўғул амирлари билан ҳисоблашилмай, бу иш амалга оширилганлиги учун, унинг иззат-нафсига тегади. Йўқун Бегим ҳам ўз навбатида Тегина Моҳга қўлидан келган барча ёмонликни қилади. Тегина Бегим Моҳ бошига тушган, афсонага ўхшаб жетадиган жирканч ишлар кундош аёлнинг қилмишигина эмас, отасининг ўчи деб ёнган қасоскор фарзанднинг ёвуз ниятидир. Бинобарин, XIV асрга келиб ҳужмдор мўғуллар билан тобеъ аҳоли (шунда ҳам ҳар икки томоннинг аслзодалари) ўртасида яқинлашув — қуда-андачилик, исломга кириш расмият учунгина бўлган. Унғай келган ҳар бир ишда миллий адоват бўй кўрсатиб турган. Йўқун Бегим амир Турағайнинг Кошғарга ҳарб иши билан кетганидан фойдаланиб, Тегина Бегим Моҳни ўлдирши пайига тушади. Бунга сабаб, унинг тушида Тегина Бегим Моҳдан туғилажак ўғил соҳибқирон бўлиши, куннинг кўзини, ернинг юзини олиши аён бўлади. Тегина Бегим Моҳга отаси номидан қалбаки хат қилдириб, уни Бухорога жўнатади. Амир Қозағондан қолган қули Мойдунга Тегина Бегим Моҳни йўлда ўлдирши топшириғини беради. Қорнида олти ойлик ҳомиласи бўлган Тегина Бегим Моҳ ўлмай қолади. Унинг ўғли амир Чокуга қарашли элда (амир Чоку амир Турағайга қариндош, Қарши ҳокими бўлган. Баёнқули томонидан бу ишдан бўшатилган), Занжир Сара мавзёда туғилади. Занжир Сара (баъзи манбаларда Занжир Сарой) ўрни аниқланган эмас. Ақад. В. В. Бартольд Занжир Саройнинг Қаршидан икки кунлик йўлда эканлигини айтади. Тахмин қилиш мумкинки, Бухорога, касал ётган отасини кўриш учун (Йўқун Бегим шу ҳийлани ўйлаб топган эди) йўлга чиққан Тегина Бегим Моҳ қайси йўлни танлаши мумкин эди? Бу ўринда тахминлар бор. Шаҳрисабз — Бухоро йўли Қарши орқали ҳам, шунингдек, Миёнкол орқали ҳам ўтган. Шаҳрисабзликлар кўпинча иккинчи йўлни танлаганлар. Занжир Сара ўрни ҳам Каттақўрғон — Чироқчи (Ўмакай) оралиғида бўлган, деб ўйлаш мумкин. Буни, албатта, изчил тадқиқ йўли билан аниқлаш тарихшуносларимиз бурчи. Амир Темурнинг Хўжа Илғор қишлоғида туғилганлиги расмий тан олинган. Бу, шубҳасиз, унинг ота авлоди яшаб келган жой. Салоҳиддин Хожа Занжир Сара ҳақидаги ривоятни нимага асосланиб келтирган, айтиш қийин. Амир Соҳибқироннинг туғилиши билан боғлиқ афсона ва ривоятларда қанчалик ҳақиқат бор, бунга жавоб бериш учун вақт талаб қилинади. Лекин бир нарсани ишонч билан айтиш керакки, Шарқ

тарихнавислигида, бадиий ижодиётида набилар, пайғамбарлар, султонлар у ёқда турсун, тўқима шоҳлар образи яратилганда ёки улар ҳақида гап борганда, албатта, уларнинг тақдири азалдан белгилаб қўйилганлиги, илоҳий қудрат ёрлақазанлиги тавсиф этилади. Бу анъанани «Темурнома» ҳам четлаб ўтмаган.

Темур — отасининг ёлғиз ўғли. Ота-ўғил ўн икки йилдан сўнг топшадилар. Шу ўринда отасининг исми Тарағайми ённки Турағайми, бир мулоҳаза қилсак. «Темурнома»да «т» ҳарфи билан «р» ҳарфи ораллигида «вов» ҳарфи келади. Демак, Турағай деб ўқилади. Одатда ўзбекларда баъзи оилаларда ёлғиз бола кўриш солув бўлади. Бундай хонадонларда болаларга Темур, Пўлат, Чўён, Тошболта ва бошқа исмлар улаштирилиб қўйилаверади. Баёнқули амир Турағайдан «яна бошқа ўғлинг борми?» — деб сўрайди. Амир унга «йўқ» деб жавоб беради. Амир Турағайнинг ўзи ҳам ёлғиз ўғил эмасмикан? Турағай — турақол, яшайқол маъносидан эмасмикан? Масалан, Тўхтамиш, Тўхтасин сингари исмлар ҳам аслида шу мантқиқдан келиб чиқиб қўйилади-ку?! Салоҳиддин Хожа, «Шаҳрисабзни ҳозир ҳам (XIX аср охирлари XX аср бошлари) Турағай» деб атайдилар, дейди. Бунининкор қилиб бўлмайди, Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчига яқин тоғлик маъво ҳозирда ҳам Тарағай, Тарағай қишлоғи деб юритилади. Занжир Сара қудуғи (Салоҳиддин хожа бу қишлоқда қудуқ қовғасига занжир боғланганлиги учун шу ном берилган дейди) шу жойда бўлмаганмикан? Ақад. В. В. Бартольд бунининкор Сарой деб таъкидлайди. Сувлуқ жойларда бинолар бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Хуллас, мушоҳада қилишга ўрин бор.

Темурнинг пешонасига соҳибқиронлик битилган эди. Бунининкор иқлим мунажжимлари ҳам олдиндан каромат қиладилар. Иккинчи сайёранинг — Зуҳал билан Муштарийнинг яқинлашуви даврида (Оллоҳ таоло шу соатда оламни яратган экан) туғилган ўғил соҳибқирон бўлар экан. Юлдузлар ҳаракатидаги бу ҳолат ҳар сақкиз юз йилда такрорланар экан. Шундай пешонаси ёрқираган зотлар Амир Темурга қадар иккита ўтган экан. Булар — Искандар Зулқарнайн ва Муҳаммад пайғамбар. Амир Темур Муҳаммад пайғамбардан сўнг сақкиз юз йил ўтиб, учинчи соҳибқирон бўлиб туғилган экан. Тўғри, айрим тарихий асарларда, масалан, «Абдуллонома» («Шарафномаи шоҳий») асарида Ҳафиз Таниш Бухорий бу мундарижага Абдуллохон номини ҳам киритади.

«Шоҳнома»даги аксар шоҳлар болаликда азоб-уқубатларни, айниқса, бир неча бор ўлим хавфини бошдан кечирадилар. Бўлажак соҳибқирон эса туғилмасдан бурунроқ етти иқлим султонлари томонидан ўлимга ҳукм этилади. Етти иқлимдан Бухорога элчи келиб, Баёнқулихон ижозати билан яқин орада туғилган болаларни кўриқдан ўтказадилар. Мақсад — жаҳонни олувчи (Бухорога элчи жўнатган етти мамлакат ҳақиқатан ҳам кейинчалик Амир Темур томонидан олинади) чақалоқ Темурни топши ва ўлдирши эди. Лекин булар ниятига эришолмайди. Афсоналар, ривоятлар асосидан ёзилган бу боб жуда қизиқарли, айни вақтда шонтирарли йўриқда ёзилган. Айрим саҳифаларда



афсонавийлик босим бўлса, кўпгина ўринларда ҳақиқат уруғи ҳам гуркираб кўкариб туради. Темур болаликдан кучли, жўрабоши бўлиб ўсади. Хали амир Чоқунинг уйида эканлигида Занжир Сара қудуғидан қирқ қул сув тортидиган қовғани ёлғиз ўзи тортади, одамларга сув улашади. Қассобнинг зил-замбил қанорасини бир бармоғи билан отиб юборади. Бунни у ўз тенгқурлари билан баҳслашиб қилади. Болалар Або Муслим кучли эканлигини китобдан ўқиб билганмиз дейишади. Темур ўз кучини намойиш қилишида Або Муслимни йўлда қолдиради. У қудуқдан қирқ мартаба сув тортиб, чарчаб ухлаб ётганида бир илон кўксига чиқиб, кулча бўлиб ётади. Шу дақиқада отаси уни излаб келиб, шу қудуқ ёнида тўхтаган эди. Одамлар ёрдам беришдан ожиз, салгина қалтис ҳаракат бўлса, илон болани нобуд қилиши мумкин. Одамлар саросимада турганида Темур уйғониб қолиб, қўрқмасдан, пайт пойлаб илоннинг бошини тишлаб узиб ташлайди. Майли, буларда озми-кўпми муболага бўлсин дейлик. Темур болалигида етти йил қўтир бўлиб, сира қашинмаган экан. Бунинг учун темир ирода керак бўлган, албатта. Мол боқувчи болаларда бу хасталик учраб турган.

Бобдан бобга ўтган сари асар мураккаблашиб, кейинчалик тақдири у ёки бу даражада Амир Темур билан тўқнашадиган, учрашадиган кишилар кўз ўнгимиздан ўтаверади. Шулардан бири Баёнқулихоннинг ўғли Бароқхондир. Бароқхон Темурнинг акси. У тажовуз қилишга, зулмга уста. «Темурнома» XIV асрдаги сарбадорлик ҳаракатини четлаб ўтиши мумкин эмасди. Бу масала асарда бошқачароқ йўсинда берилади. Бир томондан пайғамбарлик даъво қилувчи Носир Хисрав (бу номнинг шоир Носир Хисравга дахли йўқ) сингари кишиларнинг ҳокимият учун кураши талқин этилса, иккинчи томондан оқ кийимлилар — сарбадорлар ҳаракати тасвир мавзуи қилиб олинади. Бунда ғайри табиийлик йўқ: ўша йилларда мўғулларга қарши курашининг шакллари ҳам курашувчиларнинг гуруҳ ва тоифалари ҳам кўп бўлган. Чамаси, бу курашларга сиёсий руҳ бериш учун муаллифда маҳорат етишмайдими, ҳатто, сарбадорлик ҳаракати тасвири ҳам изчил ва ёрқин эмас. Носир Хисрав исломда ўзгариш ясашга интилувчи шахс сифатида тор мақсад доирасида қолдирилади. У халқни орқадан эргаштириш учун ўзини пайғамбар деб эълон қилади. Бир вақтлар Муқанна ҳам арабларга қарши курашда шу йўлни танлаган эди. «Бухоро тарихи»да муаллиф уни шу қилмиши учун роса қоралаган эди. Носир Хисрав ҳақиқатда шу йўлни тутганми-йўқми бундан қатъий назар, айтиш мумкинки, ислом сиёсий курашдан четда турмаган.

Шу жиҳатдан Шайх Шамс Кулол ҳақида фикр юритиш лозим бўлади. Темур болалигидан бу шайхга ихлос қўйган. Ҳаётининг энг оғир дақиқаларида унга мурожаат қилган, маслаҳат олган. Биз «Темурнома»даги илоҳий қудрат билан боғлиқ саҳифалардаги пардани аста кўтариб, асл моҳиятга боқайлик. Шайх Шамс Кулол ёш Темурни мўғулларга қарши кураш руҳида тарбияладимизмикин? Амир Темур улуг мавқега эга бўлганида ҳам уни асло ёдидан чиқармаган-ку?! Асарда талқин этилган яна бир шайх самар-

қандлик Бурҳониддин Соҳиб ҳидоят ҳам кураш майдониға тушган Амир Темурға раҳномалик қилади. Унинг олдиға тушиб, мухалифлар билан ғоявий жангға жиришади. Ватанпарвар дин арбоблари кураш бошида турганлигини асар муаллифи ҳаминша ҳам очиқ тасвирламайди. Шундай бўлса-да, бу руҳ бутун асар мазмунидан англашилиб, бўртиб кўриниб туради.

Темур ҳаёт қозонида жуда эрта қайнай бошлайди. Отаси амир Турағайнинг эътиқоди суст кетган ҳоллар бўлади. Аммо ёш Темур метин иродали, айтганидан сира қайтмайдиган йигит. Мағлубият аламлари, тазийқ ҳам уни йўлдан қайтара олмайди. Аксинча отасини ҳам мухалифларға бўйин эгмасликка даъват этади. Асарда ғира-шира бўлса-да, ўсмир Темурнинг кураш йўлида гоҳ Қаршиға, гоҳ Самарқандға қатнаб турганлиги, ҳайрихоҳлар излаганлиги берилади. Афтидан ота-боланинг муносабати бузилишиға ҳам аслида Темурнинг тутган йўли сабаб бўлса жераж. Чунки амир Турағай «кўб ғани, бой киши эрди. Ҳар ижнос моллари бор эрди». У, ўғлини ҳалоқатли йўлдан қайтармоқчи, мухалифлар билан тил топмоқчи, ҳатто, улар томонига ўтмоқчи бўлади. Ота-боланинг арази сиёсий келишмовчиликка эмас, маиший масалаға олиб келиб боғланади. Юқорида айтилганидек, Салоҳиддин Хожа воқеаларға сиёсий нуқтаи назардан баҳо беришда баланд нуқтаға кўтарила олмаган.

Амир Турағай бир кун и ўғлиға кўп қўй бериб, Самарқанд бозорига жўнатади. У, «қўйларни ҳаммасини минг олтунга сотиб, пулларини белиға боғлаб, бозорларни сайр қилиб юрур эрди, бир ерда қаландар маърака қилиб сўзлаюр. Қўлида қоғоз, шеър ёзилғон». Одамларни йиғиб, шеър ўқиб, маърака қилган шоир Камол Хўжандий эди. Унинг қўлидаги рубоийни Темур минг тангаға — қўйлар пулиға сотиб олади. Уйға бир парча қоғоз билан қайтган ўғлиға амир Турағай «сени бир банги фириб бериб, алдаб кетибдур. Уғул бўлсанг тузук бўл, бўлмаса йўл», деб кўп дашином беради.

Камол Хўжандий рубоийсининг мазмуни яхшиликка даъватдан иборат: зулм билан дунёда ном қолдириб бўлмайди, Жамшид, Сулаймон, Искандарлар ўтиб кетди, навбат сенға ҳам етиши тайин, яхшилик қил. Шеърдаги ҳикматни англаган Темур отасининг «бўлмаса йўл» деган гапидан аччиқ қилиб, Бухороға чиқиб кетади. Энди унинг саргузаштлари мўғул хонларининг қароргоҳида давом этади.

Бухороға келган Темур биринчи кунданоқ адолатсизликни ўз бошида синаб кўради. Бароқхоннинг мужиби ичиб, бозорда тўполон қилади, унинг дастидан одамлар зир титрайди. Темурнинг сўнги умиди — қўлидаги маълуми ҳам тортиб олиб кетади. Бобо порадуз образи ғоят ибратли. Бу қўхнадўз чолнинг хон олдида обрўси катта. У адолат тимсоли, адолат олдида нўёнлар ҳам, қози, мингбоши, юзбошилар, ҳатто подшо ҳам қўрқиб-қалтираб туради. Баёнқулихон Бобо порадузға ихлос қўйган, унинг гапини тинглар эди. Аммо Баёнқулининг арзандаси Бароқхон ва унинг ҳамтовоқлари кўнглиға келган номаъжулчиликдан қайтмайдилар. Темур маълуми олдириб (бегона шаҳарда яшашининг ўзи бўлмайди),

саройнинг бижғиган муҳитини яқиндан билиш имконига эга бўлади. Шу баҳонада Баёнқулининг кенжа қизи (хоннинг тўғқиз қизи бор эди) Сарой Мулк Хоним билан танишади. Сарой Мулк Хоним — Биби Хоним «Темурнома»да Баёнқулихоннинг қизи сифатида берилади. Тарихий манбалар унинг Қаршида ҳужм сурган амир Қозонхоннинг қизи бўлганлигини, 1341 йилда Қаршида туғилганлигини далолат этади. Бадиий асарларда кузатилганидек, Салоҳиддин Хожа ҳам тарихий далилларга эркин ёндошади. Масалан, Улжой Туржон (Камол ой) Хонимни Хоразм шоҳининг қизи деб тақдим этади. Виламизки, у Ҳусайн ибн Мусаллабнинг синглиси. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Баёнқулихон ўлгандан сўнг, тахтга унинг ўғли Бароқхон чиқади. Бароқхоннинг зolimлигини Темур синаган эди. Тахтга чиққанининг учинчи кунини у отасининг донишманд вазири Сирож Қамарийни қатлга буюради.

Ун иккинчи дostonга келиб яна бир ўзан очилади. Бу бобда шайх Саййид Отанинг Қалмоқ юртларида олиб борган тарғиботлари нақлидир. Саййид Ота — шоир Саййид Аҳмад эмасми деган фикр кўнгилдан кечади. Маълумки, насл-насаби жиҳатдан Саййид Аҳмад Темурийларга яқин туради. У ўз замонасининг йирик шоири бўлган, «Таашуқнома» асарининг муаллифи. Асарда шоир Саййид Аҳмаднинг шоирлик салоҳиятидан кўра дини ислом йўлидаги кураши кўпроқ ёритилади. Саййид Отани шоир Саййид Аҳмад билан айнан бир киши дейиш тўғри бўлмас. XIV — XV асрларда ислом динини тарғиб этиш, уни Урта Осиё бўйлаб кенг ёйиш ҳаракати кучли бўлган. Саййид Ота исломнинг ана шундай фидойи тарғиботчилари вакили сифатида талқин этилган.

Мўғул хонларининг ўзбошимчалиги борган сари ҳаддидан ошади. Амир Темур Қаршида бўлганида буни яна ўз бошида синаб кўради. Оқтемурухон зўрлик билан унинг сеvimли хотини Сарой Мулк Хонимни тортиб олади. Сарой Мулк Хоним қанча бедодлик бўлмасин эрига содиқ қолади. Хонимчани (асарда у шундай аталади) қутқозишда қаршилиқ жўмард қиморбоз Иноқ Қиморий ёрдамини аямайди. Оддий сўфининг ўғли бўлган чапани, мард Иноқ умрининг охирига қадар Амир Темур ёнидан бир қадам жилмайди. Амир Темур Иноқ ёрдамида Оқтемуруни ўлдиради. Бу унинг мўғуллардан шахсий ўч олиши эди. Шахсий адоват аста-секин ижтимоий мазмун касб эта боради. Чунки Бухорода у минглаб билимли кишиларнинг аёвсиз қурбон бўлганлигини ўз кўзи билан кўради. Тўқтемуру отасининг норасмий хотини бўлган канизакни олмоқчи бўлади. Ислом руҳонийлари бу ахлоқ доирасида эмаслигини айтадилар. Ҳалиги фоҳиша канизак истаги билан муллолар қатли ом этилади. Бу қаттолликни асарда Саййид Ота «алар қони билан боғ кўжартмишсан», деб лаънатлайди.

Ун учинчи дostonдаги бир ибратли, нақл шундаки, Қаршига акаси Оқтемурухон ўлгандан сўнг ҳоким бўлган Қизил Темур хун олиш учун тиш қайрайди. У Оқтемурунинг қотилини топиш учун Қарши халқини қиличдан ўткази бошлайди. Муаллиф Амир Темур

сиёсий фаолияти бошланган даврнинг бошдан-оёқ синов йиллари бўлганлигини шу воқеа тасвирида жонли кўрсата олган. Қаршида донишманд Шайх Умар деган киши яшайди. Унинг илми Жаъфардан хабари бор. Қасд қилса, Оқтемурухонни ким ўлдирганлигини айтиб бера олади. Лекин Шайх Умар сотқинлик йўлини рад этади. Унинг ўғли отасига, элига хоинлик қилади, сепр илми китобини ўғирлаб, Қизил 1 емурга олиб бориб беради. Яна бир аёл ҳам Амир Темурнинг раиш эвазига Оқтемуруни ўлдирганлигини айтиб беради. Бу билан «Темурнома» муаллифи халқ ичида ҳамиятсиз, рўдапо сотқинлар бўлганлигини таъкидламоқчи бўлган.

Амир Темур Оқтемуру хуни учун Қарши халқи қатли ом қилинаётганлигини эшитиб, Қизил Темур ўрдасига мардонавор кириб келади ва дейди: «— Эй Қизил Темур, оғангни қотили мен — Турағай баҳодур ўғли бўлурман, бу фақирларда ниманг бор?!».

Яна бир эътиборга молик мисол. Амир Темур Балхда эжанлигида содир бўлган воқеа шундай. «Бир кун Амир саройдан чиқуб, ўрамаларда юрур эрди, бир киши, соқоли мош биринч қаби бўлгон, нола бирла йиғлаб борур, айтадурки, эй яратган тангрим, бизларни бу кофир золимдан йироқ қилгил. Амир анинг елжасидин ушлаб кўрди, танудиким, отаси қўлидин бир замонда муни озод қилгон эрди»: Амир Темур қулликдан озод қилгани чолнинг ўғлини ҳам жонини гаровга қўйиб бўлса-да озод қилади.

Амир Темур улғайгани сари ҳамфиқрлари сони ортиб боради. Бунга у ўзининг ақл-идроқи, мардлиги, шижоати, кўрқмаслиги билан эришади.

Ун тўққизинчи бобда Сейистонда бўлган воқеалар тасвир этилади. Бароқхон неча бор номардлик қилади, аммо Темур барибир уни қўллаб-қувватлайверади. Чунки Бароқхон бу ўлкалардаги мўғулларни қувиб чиқаришда восита мавқеини ўйнаши керак эди. Шунинг учун ҳам Амир Темур унинг нодонликларига, бемаврид ҳукмларига тишини тишига қўйиб чидайди. Қўшин бошлиқлари бир сафар Амир Темурни Бароқхон ўрнига хон кўтариш талабини ҳам қўядилар. Амир Темур рад этади. Амир Темурнинг ҳарбий ишдаги билоғонлиги ақл билан жасурликнинг уйғунлигида кўринади. У ҳеч ким бўйнига олмаган ишларга қўл уради: жосус бўлиб, мухолифлар ўрдасига боради, қўшинлар ичига киради. Ўзини гунг, карга солади. Пухта тадбирлар ана шундай қалтис йўллар билан пишигилади.

Амир Темур маълум нуфузга эга бўлгач, Тўқтемурухонга қарши кураш тадорикини кўради. Йигирма тўртинчи дostonда жатта сипоҳининг тор-мор этилиши ёрқин тасвир этилади. Шу жангда кўрқоқлик қилган Бароқхонни Амир Темурнинг ўғли Жаҳонгир Мирзо қутқасади. Асарда тасвирланишича, Бароқхон Сарой Мулк Хонимнинг акаси, бинобарин, Мирзонинг тоғаси. Мирзо Жаҳонгир тоғасини ўлим чангалидан қутқарганида, орадан вақт кечиб, ана шу тоғаси ўзининг қотили бўлишини хаёлига ҳам желтирмаган эди. Барибир, Сейистон жангидан кейин Бароқхоннинг обрўси тушиб кетади, унинг гапи ўтмайдиган бўлиб қолади. Хатто, у Амир Темурни ҳам қатлга буюрган пайтлари

бўлган. Бу ҳукми ижро этадиган киши бўлмайди. Хулоса шулки, 60-йилларнинг охирларига келиб, Амир Темур мавқеи бениҳоя даражада ошиб кетган эди. Бу эса унинг тез орада ҳокимиятни расмий равишда қўлга олишига имкон беради. Амир Темур ўттиз тўрт-ўттиз беш ёшида жами амир ва беклар томонидан Мовароуннаҳр ҳукмдори деб тан олинади. Ҳамма унга хизмат қилишга қасамёд қилади. Асардаги қуйидаги сатрларни ҳаяжонланмасдан ўқиб бўлмайди:

«Тамоми мулкӣ Мовароуннаҳр, Тошканд ва Хўжанд ва Хўқанд ва Марғинон ва Андижон ва Кошғар ва Туркистон жатта зулмидан омон топдилар».

Амир Темур халққа бежаврид солиқ солишларга қатъиян қарши бўлган. Унинг ўзи кейинчалик халқини неча бор солиқдан озод қилган. Ҳали Бароқхон куч устида эканлигида «элдин солуқ олурмиз, деди. Соҳибқирон манъ қилдилар, бу йил барча эллар қишшоқдурлар, элни тархон қилурмиз, деди». Бароқхон кўнмайди. Амир Темурнинг ўзи элга тушган солиқни тўлаб юборади, ҳатто, хотинининг тилла-кумуш зийнатларини ҳам қўшиб топширади. Бароқхон синглисининг зийнатларини таниса ҳам, қайтариб бермай, хазинага олдиради.

Йигирма олтинчи дostonда Амир Темурнинг икки ўғли қисмати ҳикоя қилинади. Йиллар кечиб, мирзолар улғайган эди. Мирзо Жаҳонгир билан мирзо Умаршайх самарқандлик Хўжа Абдулланинг дилбар қизи, оқила Сокина Бонуга бирварақайига кўнгила берадилар. Ака-ука низоси ёмон тус олади. Мирзо Жаҳонгир ишқ йўлида қўлини қонга бўяйди. Сокина Бону ноҳосдан ўлдирилади. Ғабланган Амир Темур уни зиндонга солади. Мирзо Жаҳонгир қочиб Балхга, тоғаси Бароқхон ёнига кетади. Уни бу ерда ҳам ажал кутаётган эди. Бароқхон жиянини ҳийла билан чавоқлатиб ўлдиради. Салоҳиддин Тошкандий кимки жиноятга қўл урса, у жазосиз қолмаслиги керак, дейди: «ровий айтурким, Бароқхон била Мирзо Жаҳонгир тўра иккови беодоблиқидин икки ойга етмайин ҳалоқ бўлдилар». Ҳа, чакки босилган қадам ҳалоқат билан яқун топиши жуда тиниқ чизилган.

Кейинги дostonларда Амир Темурнинг Ўрта Осиёни мўғуллардан тозалаш, Дашти Қипчоқ, рус мулклари, Урал сари қилинган юришлар, Эрон ва Ироққа, Туркияга қўшин тортишлар ўз навбати билан талқин мавзуи қилиб олинади. Ҳиндистон юриши ва у билан боғлиқ саргузаштлар қизиқарли баён этилади. Асарнинг маржазида Тўхтамиш билан бўлган тўқнашувлар асосий ўринни ишғол қилади. Вақтида Амир Темур ҳузурига паноҳ излаб келиб, сийлов ва раъбатга ноил бўлган Тўхтамиш охир-оқибатда кўрнамаклик қилади. Тўхтамиш билан бўлган можаролар илдизини асар муаллифи ишқий мезонда талқин этади. Мирзо Амироншоҳ Тўхтамишнинг гўзал хотини Севин Бекани ёқтириб қолади. Ақд қилинганч, Амироншоҳ бу ҳусн малиҳасининг Тўхтамиш хотини эканлигини билиб, қаттиқ пушаймонлик ҳис қилади ва юртига қайтади. Тўхтамиш Севин Бекани унинг изидан Самарқандга жўнатади. Амироншоҳ унга яқинлашмайди. Фалакнинг гардиши

билан Тўхтамиш Самарқандга келиб, Оқсарой қурилишида меҳнат қилади. Амир Темур уни таниб, алоҳида ғамхўрлик кўрсатади, Севин Бека билан улар яна топишадилар. Амир Темур Тўхтамишни Дашти Қипчоққа валий қилиб тайинлайди. Шу орада Амир Темурнинг беш йиллик, етти йиллик ва уч йиллик сафарлари юз беради. Амир Темурнинг Самарқандда йўқлигидан фойдаланган Тўхтамиш унинг мулкларини бирин-кетин босқин қила бошлайди, Амир Темурнинг хотини Сарой Мулк Хонимга кўз ола қилиш даражасига қадар боради. Гарчи бу бузуқ кирдикор амалга ошмаган бўлсада, кейинчалик Сарой Мулк Хоним билан Амир Темур муносабатларида маълум ўзгаришлар юз беришига олиб келади. Бунини тарихий асарлар ҳам далолат этади.

Тўхтамиш Бухорони қирқ кун қамал қилади. Амир Чоқу у билан олти ой курашади. Бу ишда Сарой Мулк Хоним тадбири иш беради. Тўхтамиш орқага қайтади. Бироқ у катта ўлжа ва кўп асирлар билан қайтади. Тўхтамишнинг номардларча қилган босқинини сафарда эшитган Амир Темур Хоразм бўйлаб унинг йўлини қирқиб чиқади. Тўхтамиш Амир Темурнинг босиб келиб қолишидан кўрқиб, қаерда қўнган бўлса, манзил атрофига асирга олиб келаётган хотинларни, бола-чақаларни қўйиб, сўнгра ором олишни одат қилган. Бу худди иккинчи жаҳон урушида чекинаётган немис қўшинининг қилган безбетлигига ўхшайди. Демак, макр ва ёзувлиқ ҳамма асрларда ҳам бир хил қиёфага эга бўлар экан. Немис фашистлари ҳам аёлларни, болаларни пана қилиб ҳужумга ўтар, чекинади эди. Бунини вақтида Тўхтамиш ҳам қўйлаган экан. Жанг тафсилотларини тасвирлашда «Темурнома» ақлимизга катта озиқ беради.

Тўхтамиш турган манзилга келган Амир Темур «сипоҳлар айди, холо, шабихун, урайлик. Амир Соҳибқирон айдилар, йўқ. Чунки асирлар бор, алар оёқ остида қолурлар». Тун бўлганлигидан фойдаланиб, Тўхтамиш қароргоҳига ҳужум қилайлик, деган тақлифга Амир Темур шу жавобни беради. Ўз элидан олиб кетилаётган асирлар оёқ ости бўлишини истамайди.

Тўхтамиш, бинобарин, мўғулларни қувишда давом этган Амир Темур қўшини «икки ярим йилда ўрус вилоятигача бордилар. Ҳар бир кишида икки саноч бирми икки киши бир тевага миниб, арра, теши, кетмон, бел, чопқу, болталар олиб» сафар тадорикини кўрадилар.

Тўхтамиш қатл этилади. Ўруслар мамлакатининг пойтахти Москов ҳам забт этилади. Бунгача князь Золотоус ҳам жангда мағлуб бўлган эди. Московнинг фатҳ этилиши осонликча кўчмаган.

Султон Муҳаммад (Амир Темурнинг набираси) Москва сароналарига етиб келади: «Московнинг дарвозасига етиб келди. Аммо қўрғонларини тошдин ясоғон эрди. Ҳар бурчида байроқ қўйғон, ҳар кунгирасида занбурак, милтиқ, ҳар занбурак бошида икки қоравул кеча-кундуз била турур. Шаҳарни қирқ дарвозаси бор эрди».

Турк қўшинини замбарақлар бир пастда қийратиб, сийрак қилиб қўяди. Сўнг ақл-тадбир билан иш кўрадилар. Ёмғир

ёғишини кутадилар (асарда бу ҳам жаромат туфайли юз беради), чунки замбарақлар пилтаси ивиб, ёмғирда аланга олмайди. Шаҳар фатҳ этилади. Жанглар жуда қаттиқ кечади, яна неча бор улуғ мухораба тахрорланади. Оқ маликанинг яқин кишилари сотқинлик йўлига кирадилар, Амир Темурга хизмат қилишга ўтадилар. Иудий образи шу жиҳатдан эсда қоларли. Унинг кўнглида ўзининг ҳоким бўлиши палак отиб ётарди. Рус мулкларини фатҳ этишда Амир Темурни заҳарлашга уриниши юз беради. Бу унга қилинган иккинчи фитна эди. Амир Мусо Жалойирнинг ўғли Аҳмадбек тиш тозалагич — мисвокка заҳар суртади. Қасд фош этилади. Аҳмадбек шу усул билан ўз отасини ҳам заҳарлаб ўлдирган эди.

Москва қўлга олинади, рус ерларида Амир Темурнинг юриши дивом этади. У зулмот чизигига қадар боради. Асарда зикр қилинишича, Москов князлиги то Шохруҳ вафотига қадар Темурийларга бож тўлаб турган. Дарвоқе, Ҳусайн Бойқора тахтга чиққан дастлабки йилларида Москвага элчилар жўнатганлиги маълум. Бу қандай мақсадни кўзда тутган, айтиш қийин. Москвага жўнатилган элчиларнинг тақдири номаълум, манбаларда бу ҳақда бошқа маълумот учрамайди.

Амир Темурнинг Шом, Ироқ юришлари бир неча дostonга мавзу бўлган. Боғдод амири Султон Аҳмад ҳисобсиз қўшинга эга эди. Шу боисдан ҳам у Амир Темурга нописандлик билан, масхараомуз мактуб йўллайди: «Эй Амир Темур оқсоқ, билгил ва хабардор бўлгилким, мени султон Аҳмад Рустами соний атарлар, етти юз минг қўшун бирла бу ерга келиб туштум».

«Темурнома»нинг бир ибратли томонини алоҳида таъжидлаш лозим. Қирғин барот жанглари журашаётган икки томон учун ҳам бирдек қон тўкиш деган гап. Айниқса, жанг бир диндаги кишилар ўртасида бўлса, бу кечирилмас хатодир. Амир Темур билан Султон Аҳмад яккама-якка олишаётганда ғойибдан пайдо бўлган бир қўл уларни ҳавога кўтариб: «эй густоҳлар, икки мусулмон на учун низо қилурсиз», деб дашном беради. Дин аҳлининг аралашуви билан низо сулҳга тартади, Султон Аҳмад Бағдодга амир қилиб қолдирилади. Умуман, Амир Темурнинг юришларида бир хусусият кўзга яққол ташланиб турадики, у мумкин қадар ишни жанггача олиб бормаслик пайдан бўлади. Уни яхшилиқ билан қарши олган мамлакат ҳокимларини ўз ўрнида қолдиради, уларга мурувват кўрсатади. Аксинча, гапда турмаган, сотқинлик йўлига кирган, рақиблар билан тил бириктирган юрт эгаларини у аёвсиз жазолаган, бадарға қилган. Энг сўнгида охирги чорани қўллаган. Буни Хоразм ҳокимлари билан бўлган бир қанча тўқнашувлар мисолида кузатиш мумкин. Хоразмни ер билан яқсон қилган, аҳолисини кўчишга мажбур этган (улар Тўхтамиш билан тил бириктирганлиги учун жазога мустаҳиқ этилган эди) Амир Темур орадан бир неча йил ўтиб, ўзи буздирган шаҳарни тиклаш вазифасини қўяди.

Охирги дostonларда Елдириш Боязид билан бўлган жанг тасвир этилади. Елдириш ўғли Султон Шаблини Амир Темур олдига элчи қилиб жўнатади. Урушмаслик ҳақида аҳднома етилиб келаётганда,

Елдириим сабрсизлиқ қилиб, жангни бошлаб юборади: «Қайсар то ўғли боргунча бўлмай, бир юз етмиш кишини бошлиқ қилиб, аларга вазири аъзам Темуртошни амири аскар қилиб юбордилар. Тўрт сон киши денгиз каби ошиб-тошиб йигирма кунда Олатоғ бағрига етдилар. Бу ғавғоларни данғқини Миср аҳли эшитдилар».

Елдириим билан бўлган жангда Амир Темурнинг лашкарбошилари катта жасорат кўрсатади. Бағдод ва Шом жангларида ҳориган қўшинга Қайсар лашкари билан журашими жуда қимматга тушади.

Тахтга чиққанидан то сўнгги нафасига қадар ҳарбу зарбги умрини боғишлаган Амир Соҳибқирон Утрорда жасалланиб вафот этади. Кун совуқ, ҳужмдор соч олдиради. Икки бор заҳарланганида ҳам омон қолган Амир Темур қаруви етган эди, ўлим бу сафар уни омон қўймайди.

«Темурнома» мазмунига кўра жангнома асар. Бироқ Саломиддин Хожа таъжид қилганидек, «бу ўзга жанг китобларидек эмас, чунки мунда ақлга далолат қиладиган ҳикмат сўзлари кўбдур». Бу ҳикматлардан келиб чиқадиган хулоса битта: «Темурнома»ни мутолаа қилган ўқувчи жангу жадалларнинг инсоният учун мутлақо жераги йўқлигига ишонч ҳосил қилади. Амир Темур ўз мухолифларини қанча мағлуб этмасин, барибир, унинг қўшини ҳам кўп талофат кўради.

Асарнинг қамрави кенг эканлиги ҳақида юқорида сўзланди. Бунга яна шундан ҳам билса бўладики, «Темурнома»да беш юз дан ошиқ киши номи тилга олинади. Буларнинг кўпчилиги тарихий шахслар, Шарқ мифологияси орқали бизга таниш сулолалар вакиллари. Муаллиф айрим тарихий шахсларни яшаган даври нуқтаи назаридан янглиш талқин этади, айримларининг исмларини ўзгартиб қўллайди.

«Темурнома»нинг тили бир қарашда анча мураккабдек туюлади. Бу ҳол дастлабки бобларда айниқса сезилиб туради. Аммо, умуман олганда, асарнинг тили, ҳикоя қилиш усули оддий ва мароқли. Афсоналардан ижодий фойдаланиш, руҳий олам ҳақидаги талқин кишини ўзига жалб этади. Айниқса, бугунги кунда инсон ақл-заковатининг янгидан-янги қирралари қайта бошдан кашф этилаётган бир даврда биоток ёрдамида жасалларни даволаш (Тегина Бегим Моҳ, Носир Хисрав, Ҳаким Низорий), руҳларнинг мавжудлиги (рижол ул ғойиб), тилсимот ва жаҳонномалар ҳақидаги нақллар қизиқиб ўқилади.

«Темурнома» жаҳонга таниқли улуғвор тарихий шахснинг ҳаёти мисолида кишиларни бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишга ундайди, ўтмишда юз берган қирғинлардан сақланишга, тинчликнинг, офиятнинг қадрига етишга даъват этади. Ҳолбуки, биз тарихимизни жуда-жуда саёз биламиз, ўтмиш — эртанги куннинг дарслиги. Дарс эса ҳамиша ибрат йўлига бошлайди.

ПОЁН РАВШАНОВ,  
филология фанлари номзоди



**TEMYPHOMA**

## Амир Темура Кўрагон жангномаси

Ҳамд бағоят ва ситойиш бениҳоят ул халлоқ қадимул вуҷуд парвардигори оламға, вуҷуд жамъи музоҳир ва муботин баҳр жудин бир қатра шуҳуд нур зуҳури — зуҳур нур шуҳудидин бир ламға ўлуб, байн ул каф ва ан-нун анвоъи мавжудот ибтидоъи асрор макнунот буюруб, вуҷуди инсоний калимаий жамоъа ва саҳифаи қомила қилиб, нухайи кубаросини ва сойир ашёддин имтиёз ва интиҳоб бирла сувар жамъи маоний ва калимаий сабъ ул масоний дарж ва маҳз истиффо ва ихтиёр или мажмуъаий Одамдин иқтисор жаридайи сулола-акроми-ла Лой бинни Одама сойае андоз мафориқи олам бўлуб, ҳамул хилъати иззат ва манишур туғройи хилофот бўлганроқ.

Арсан ғабродин восил мало аъло ўлмишдур. Саловот, салом ул раҳномаий шохроҳи худо ва пешвойи жодайи худо, сардафтари саҳифаий анбиё ва феҳрасти жаридайи авлиё, офтоби фалак истиффо, моҳтоби буржи асфиё, яъни ҳазрат Муҳаммад мустафо саллалло алайҳи вассаломни ўзлариға бўлсунким, жумла авлиёга раҳнома ва барча умматларға муҳтадий ўлмишдур, ризвон таоло алайҳим ажмайн.

Аммо баъд, тарихшуносон, арбоби ирфонга махфий эмасдурким, жаноб ҳазрат Одам сафийалло замонларидин бизни вақти замонимизгача жамъи одамлар икки қисм бўлуб: аввалги қисм тўфони ҳазрат Нухдин илгаридур. иккинчи қисм кейиндур. Аммо қисми аввални ҳақиқати ҳоллари ва ниҳояти аҳволлари ва асомий ансоблари камоҳий маълум эмасдур. Агарчи баъзи аҳли таворих бу мақолада пирояи саҳойиф этмиш, аммо индалақлан мусаллам ўлмаганлиғи ошкорадур ва лекин баъзи ҳодиса вуқуъиға илмимиз фақат Қуръони шарифнинг нотик ўлдиги Қисасдин ва анбиё-у аъзам ва расул киром афандиларимиз ҳазратларининг ахбор мўъжиза осоридин лоҳиқ ўлмишдур. Ҳатто, «Китоб ул ахбор»дан манқулдурким, тўфондин илгари олам зери ҳукумати жабобирда бўлуб, кўб олим, фозил ва файласуф, оқил кимарсалар кўб-кўб бўлуб, анвойи илмлар ижод, гуногун санъатлар ихдос этиб, илми тилсим ва илми афеун каби ва мунга ўхшаш эшитилган ва эшитилмаган неча ҳунарлар ижод қилмишлар эрди. Ҳатто Идрис алайҳиссаломни шогирди Исқилинус отлиғ гоятда аҳли ҳунарманд киши эрди.

Аммо аҳли таворихларға маълумдурким, замони Одамдин ҳазрати фаҳри оламнинг арсаи шухуд бўлдиқлари овониғача аҳли аҷамлар айтур: олти минг ўн уч йилдур ва баъзилар айтур: беш минг тўққуз юз йилдур. Асҳоби ҳисобнинг аксари иттифоқлари абаҷад ҳуруфининг жамъи адади микдоричадурким, беш минг тўққиз юз тўқсон беш санадур. Аммо, тоифаи Яҳуд Тавротдин нақллари узра Ҳабут Одам алайҳис салом ила ҳижрати Хотамул анбиё-у алайҳа вассалом вуқуъи мобаини беш минг қирқ уч йилдур ва миллати насоронинг Инжилдин ривоятлари замони мазкурдин Саййиди ҳашрда зоҳири олам ҳазратларининг нури заҳуриғача беш юз минг етмиш йилдур. Аммо, Саййидиннос ибн Аббос розалло инна ҳазратларини қавли шарифлари узра Ҳазрат Одам софийдин жаноб Нух набийни тўфониғача икки минг икки юз эллик олти йилдур. Андин ҳазрат руббулжалил Иброҳим алайҳиссаломғача минг етмиш йилдур.

Андин ҳазрат Сулаймон алайҳиссаломғача беш юз ўттиз олти

йилдур. Андин ҳазрат Мусо алайҳиссаломгача беш юз беш йилдур. Андин ҳазрат Искандарни садд Яъжужигача етти юз ўн етти йилдур. Андин ҳазрат Исо алайҳиссаломгача уч юз олтмиш тўққуз йилдур. Андин Саййид ал кавнайн расул ас сайқалинни зуҳурларигача тўрт юз ўттуз тўрт йилдур. Бу тақдиргача жаноб ҳазрат Одамдин ҳазрат Саййид ул оламгача беш минг тўққуз юз эллик олти санага болиғ эрур. Аммо ҳисоб қамарийяи арабиймудур, бўлмаса шамсияи рўмийямудур, маълум эмас. На учун, шамсияни қамарийядин ўн бир кунга яқин тафовути бордур. Яна ҳазрат Одам замонидин бизларни замонимизга келгунча садр нишин салтанати жаҳон бўлган беклар, подшоҳони аслоф икки синф узрадур. Аввалги синф ҳазрат Саййид ас-сайқалиндин илгари. Алар тўрт табақотдур. Табақаи аввал — Пешдодиён, табақаи иккинчи — Қаёниён, табақаи учунчи — Ашканиён, табақаи тўртинчи — Сосониёндур. Лекин аксар ақволда диёри Арабга анбиё ва диёри Ажамга салотин келдиғи машхур ва мутавотирдур.

Аммо синфи иккинчи замони ҳазрат Саййид ас сайқалин алайҳиссаловот вассалом сўнграги афрод иқбол бўлгонлар ўн табақотга восил бўлмишдур: аввалги табақа — бани Умийядурким, чаҳорёр гузин ризвонулло таоло алайҳим ажмайин; иккинчи табақа — Аббосиёндур; учунчи табақа — Сомониёндур; тўртунчи табақа — Ол Пўйахдур; бешинчи табақа — Сабук Тегиндур; олтинчи табақа — Хоразмиёндур; еттинчи табақа — Салоҳидат ул мавтдур; саккизинчи табақа — Салжуқиёндур; тўққузунчи табақа — Чингизхониёндур; ўнунчи табақа — Усмониёндур.

Аҳли таворих қавлида ибтидои дунёга султон бўлгон Каюмарсдур дерлар, қирқ йил салтанат сурди, етти юз йил умр кўрди. /тафсилин истоғон «Тарихи Табарий»га борсун/, анинг ўғли Сиёминг, анинг ўғли Хушанг, анинг ўғли Тахмураc, анинг ўғли Жамшид етти юз йил салтанат сурди. Охирида Заҳҳокни танасиға арра солиб ўлдурди. Булар барчаси тўфондин илгари муқаддимдур. Аммо Афросиёб, Рустам ибн Зол, Қайковус булар Жамшидни авлодидур. Афросиёб Пушангни ўғли эрди, туркларга малик эрди. Жамъи Туркистон ва Мовароуннаҳр ва Машриқ халқи они ҳукмида эрдилар. Ҳисобсиз аскар ва қўшунлари бор эрди. Аскарини тортиб Манучехрнинг устиға келди. Етти йил муҳосара этиб, охир яраштилар. Бир баҳодури бор эрди, оти Арш эрди, Замованд тоғини устиға чиқиб бир ўқ отти, ул бир каркасни қанотиға тегиб, учуб Замованд ва Табаристондин ўтуб Жайхун ёқасиға тушти. Ул юртни барчасини Афросиёб забт айлади. Ҳазрат Мусо алайҳис салом замонида оламға вужуд тобдилар. Мусо алайҳис саломдин ҳазрат Искандарни саддигача етти юз ўн етти йилдур. Ҳазрат Искандар Зулқарнайн Ефас авлодидиндур. Файлоқус қизидин, Дороб ўғлидур. Файлоқус ёнида юрмак ила анга Файлоқус ўғли дерлар. Шарқға ва Ғарбға ҳукм этиб, Яъжуж ва Маъжужға садд тортти. Зулмат ичра ҳайвон суйиға борди, андин қайтиб Ироқға борурда шаҳри Заворда вафот тобти. ўттуз олти йил баъзи қавлда султон бўлди, баъзиким, дерлар бидъат ўғлиға таклиф қилдилар, қабул этмай ибодатға машғул бўлди. Тафсилин истасалар «Искандарнома»ни мутолаа қилсунлар.

Эмди келдүк табакаи Чингизхонийларга. Хазрат расул акром саллалло алайҳи вассаломдин сўнгра тарихнинг беш юз тўқсон тўққуз (1203) ҳижрати нубуввий эрдиким, давлати Чингизхон воқеъ ўлмишдир. Чингизхон ибн Бийнукахон ибн Хонфил ибн Бойсунқурхон ибн Нумийъахон ибн Қайдухон, насли мўғул-тотор авлоди Ёфас Нух алайҳис саломга борур. Аммо, Чингизхон ўн уч ёшида эрди, отаси ўлуб йигирма етти йил паришонҳол бўлуб юрур эрди, мундин ҳеч кимса вокиф бўлмади.

Иттифоқо, ҳақ таоло анга давлат бериб, бора-бора Хитой ва Хўтан икклимида тахтга жулус айлади ва ул навоҳини мусаххара этиб, йигирма беш йил салтанат сурди ва Ироқ жонибиға таважжух этиб, тамоми мулкни фатҳ айлади, отини Чингизхон лақаб қўйдилар, яъни беклар беги ва подшоҳларни подшоҳи демақдур. Андин Бухорон шарифга борди. Бухоро аскарари юз йигирма минг эрди, урушлар қилиб Чингизхон гдиб бўлди. Андин кейин Самарқанд борди. Султон Муҳаммад Текиш Хоразмга бек эрди. Анда Мовароуннаҳр подшоҳи беадад ва беҳисоб аскар бирла етиб келди, юз минг одам бирла муқобил бўлуб, муҳазим бўлди, Арзинжонга қочти. Чингизхон вилояти Хуросонни забт этиб, аксар вилоятни қатли ом айлади. Чингизхондин тўққуз ўғул бўлди, бирини оти Тулойхондур, анинг ўғли Хулогухондур, анинг ўғли Ғазон Маҳмудхондур, исломга мушарраф бўлуб, подшоҳи ислом эрди. Маккага ва Мадинаи мунавварага ҳайрати кўб воқеъ бўлмиш.

Фирот денгизидин бир ариг чиқориб, отини Наҳри Мавсум қўйди.

## ЭМДИ КЕЛДУК ДОСТОНИ АМИР СОҲИБҚИРОНҒА, ЯЪНИ АМИР ТЕМУР ҚЎРАҒОН ИСКАДАРИ СОНИЙҒА

Б а й т :

*Дабдабаи салтанати кўб баланд,  
Зилзиласи олам орадур начанд.*

Аммо қавли саҳиҳда булар авлоди Ёфас бин Нух алайҳис салом аммо ахборларда мундоғ келтурубдурларким, Амир Соҳибқирони Искандари соний беклар беги, хонларни хони, султони рубъи маскун хону ҳоқон ибнан Ҳоқон, яъни исми обо ва аждодлари Амир Темур ибн амир Турагай баҳодур ибн Баркул баҳодур ибн Илонғиз баҳодур ибн Инжил ибн Қоражор Нуён ибн Амир Сугучин ибн Иримчи Залосхон ибн Қожувли баҳодурхон ибн Тарбонхон.

Чингизхон Бартонхонга набира бўлур, Ибн Қобулхон ибн Тумгахон ибн Бойсунгурхон ибн Қайдунхон Дутманинхон ибн Буқахон ибн Анқу ибн Дапун Поён султон ибн Чўбинахон ибн Менғихон ибн Ойхон ибн Офтобхон ибн Темуртошхон ибн Қаёнхон ибн Элхон ибн Юлдузхон ибн Мўғулхон ибн Элчихон. Тоторхон Элчихонни ўғлидур. Ибн Илёсхон ибн Қорахон ибн Шамархон ибн Туркхон ибн Ғомур ибн Ёфас ибн Нух алайҳиссалом ибн Малик ибн Идрис алайҳиссалом ибн Бурда ибн Маҳлойил ибн Маннон ибн

Нуш ибн Шишо ибн Одам Ато алайҳис салом. Ушбу мазкур оталар бирла баъзи қавлда мундин ҳам зиёда Ҳазрат одам Абул Башарга борурлар. Дерларким, тарихнинг етти юз ўттиз бешинчисида /1335 й/ сичқон йилида вужудга келиб, сана саккиз юз саккизда /1405 й / олами фонийдин олами бақога интиқол қилдилар.

Назм:

*Ушбу жаҳон ики эшик уй каби бўлур,  
Биридин неча чиқор эса биридин неча келур.*

Садр аш шариятни қизлари Тегина бегим моҳдин туғулуб, Тегина бегим моҳ бу ўгул сабабидин кўб машоққатлар тортиб, андин кейин амир Чоқунинг уйида бўлуб, Амир Темур ўн ёшқа келгонда Амир Турағай баҳодур ўғлини топиб, андин кейин Баёнқулихонни хизматида бўлуб, андин кейин қипчоқ элидин Тўқтемурхон хуруж қилиб отасини ўрнига Бароқхон салтанат тахтига миниб, андин кейин Тўқтемурхон Самарқандга пойтахт қилиб, Бароқхонга голиб келиб, андин кейин Бароқхон Чигатой беклари бирла Шаҳри Балх сариға қочиб, андин кейин Амир Темур Хожам Баҳовуддин ёрдамлари бирла бориб, Бароқхонни шох Мансур қўлидин топиб келтуруб, андин кейин Қипчоқ хонларини Самарқанддин ихрож қилиб, андин кейин Амир Темур Соҳибқирон Самарқанд тахтига ўлтуруб, аммо Бароқхон Балх шаҳрига бориб пойтахт қилиб, Мирзо Жаҳонгир тўра Бароқхон тоғасини қошига бориб Мирзо Жаҳонгир тўрани Бароқхон қатл қилиб, анинг сабабидин Амир Темур бориб Бароқхонни ҳалокатга текуруб, андин кейин Хоразмга бориб, Ҳасан сўфини ўзиға тобеъ қилиб, андин кейин Хуросонга бориб Шерозгача мусаххара қилиб, Ол Музаффарни олиб, андин қайтиб Дошти Қипчоққа бориб, ўзбекларни ўзиға тобеъ қилиб, андин Қорақурумгача бориб, андин кейин Мирзо Шоҳрух тўра Тўхтамишхонни қатл айлаб, андин кейин Ўрус мамлакатларини мусаххара қилиб, андин келиб яна Ҳиндустон ва Хуросон, Ироқга бориб, Мироншоҳ тўрани Бағдоди шарифга ҳоким қилиб, ул султон Аҳмад жалойирни қўлида ўлуб, андин кейин тамом Мозандарон, /Гур/ Жистонгача олиб, Шом, Халаб, Дамашқни ўзиға тобеъ қилиб, Қайсари Рўмга бориб, султон Боязид Елдириимдин Рўмни тобеъ қилиб, Улугбек Мирзо Шоҳрух тўра ўғлини Мағрибга юбориб, Хутбани Амирни отиға ўқуб, андин тарихни саккиз юз еттисида /1404 й/ Самарқандга келиб, Мирзо Шоҳрух тўрани Хиротга юбориб, султон Муҳаммад тўра набирасини Қандаҳорга юбориб, валиаҳд қилиб, ўзга авлодларини Самарқандга қўйуб, ўзлари Ўтрорга бориб пойтахт қилиб, умри шарифлари етмиш икки йил ва бир ойу ўн саккиз кунда тамом бўлур. мавзий Ўтрорда ҳукми Кирдикор ила шаъбонни ўн еттиси сешанба /1405 йил 18 февраль/ куни оқшом вақтида дорулфанодин дорулбақога рихлат қилиб, раҳмати парвардигорга уландилар. Андин кейин Сарой мулк ойим ҳазрат Амир Соҳибқирон жасади муборакларини Самарқандга олиб бориб даҳма ичра дафн қилдилар. Андин кейин султон Мирзо Халил Самарқандда тахт

узра ўлтурди. Андин кейин султон Абдул Қосимхон бўлди. Ўн икки йилдин кейин Хўжа Ахрорни ёрдамлари бирла Султон Саид Мирзо, Жаҳонгир тўрани набираси, салтанат тахтига ўлтурди. Йигирма уч йилдин кейин рофизийлар ўлдурди. Андин султон Хусайн тахтга ўлтурди. Ўттиз саккиз йилдин кейин анинг ўрнига Бобуршоҳ салтанатга ўлтурди.

**Тарих тўқуз юзга келганда /1495 й./** шоҳ Исмоил қизилбош хуруж қилиб Бобуршоҳ Ҳиндистонга қочиб, Шайбонийхон Марвда қизилбош кўлида ўлуб, андин кейин ўтуз йилгача мулк безобита бўлди. Ани амакбачаси Убайдуллахон Мир Араб ёрдами бирла тахт узро ўлтуруб, яна ушбу мамлакатларни мусаххара қилиб, етти йил салтанат сурди. Яна ўтуз йил безобталиқ бўлуб, ўзбеклар ичра ҳар тўра сиккасини ўзини отиға қилиб, андин кейин хожа Саъдуддин Имдодий ёрдами бирла Убайдуллахон Қармандин хуруж қилиб, ўтуз тўрт йил салтанат сурди, чўлларни обод қилди. Эронийларни подшоҳи Аббосхон била жанг қилди; вақти бўлуб Абдулмўминхон ўз ўглини салтанат тахтига ўтқузди. Муҳаммадқулихон жўш мушинг улуг бобоси, они Зоминда қатл айлади. Андин кейин Жонихон салтанатга ўлтурди. Андин кейин Боқи Муҳаммадхон беш йил тахт узро чиқти. Андин кейин Имомқулихон ўтуз саккиз йил салтанат тахтига ўлтурди. Тарихнинг бир минг эллик учда (1643 й) Подир Муҳаммадхон қардошига бериб, ўзи ҳажга кетти. Икки йилдин кейин Абдулазизхонни Боқи Бешқанд мавзиёида тўра кўтариб ўтуз беш йил салтанат суруб, андин кейин сана минг тўқсонга (1679 й) етганда ҳаж зиёратига кетти. Андин кейин Субҳонқулихон Балхдин келиб, онинг ўрнига ўлтуриб ўн саккиз йил салтанат суруб, вафот тобти. Андин кейин Убайдуллахон анинг ўгли салтанат тахтига ўлтуруб, тўқуз йилдин сўнг ўз мулозимлари шаҳид қилдилар.

Тарихнинг бир минг бир юз йигирмасида (1708 й.) Абул Файз Муҳаммад баҳодурхон Бухорои шарифга тахтини қарор бериб, ўтуз саккиз йил салтанат сурди. Эл ва улус, фуқаролар барчаси тинчликда бўлдилар. Ул зотни Раҳим оталиқ шаҳодат даражасига еттурди. Андин кейин Абдулмўминхон отасини ўлдурди, ани қудуқга ташлаб барҳам бердилар. Ани қардоши салтанат тахтига минди. Ани ҳам ўлдурдилар. Андин кейин Абдуллахон тахт узра ўлтурди. Тўқуз йил салтанат сурди. Ул замонда Сўфи Оллоёр ҳам асир эрдилар, онда тарих бир минг бир юз ўтуз учда (1721 й.) эрди, муҳолифлар шаҳид қилди. Андин кейин Раҳим оталиқ ўзи тахтга чиқти, анга ҳам дунё вафо қилмади. Андин кейин Дониёл бий оталиқ, Раҳимхонни амакисидур, лақаби Абул Ҳозийхондур, ани салтанат тахтига ўтқуздилар. Аммо вилоятлар ани амрида бўлуб, андин кейин Шоҳмуродхон салтанат суруб тамом юртни ёмонларини барҳам бериб, масжид ва мадрасаларни обод қилди. Анда тарих бир минг икки юз еттида (1792 й) эрди, андин кейин анинг ўгли салтанат тахтига ўлтирди. Ул зот Олтун бешик хонни авлоди амир Умархонга замондош эрдилар. Анда тарих бир минг икки юз ўтузда (1815 й) эрди. Андин кейин амир Насрулло баҳодурхон ибн Ҳайдархон салтанат тахтига қарор олдилар. Андин кейин султон

Музаффархон амирлиг маснадига ўлтурдилар. Ул зоти бобаракот ҳам оламдин ўтиб, раҳмати парвардигорга уландилар. Оталарини ўрнига амир Абдулаҳадхон салтанат тахтига жулус қилгон замонларида тарихнинг бир минг уч юз йигирма еттисида (1908 й) товўқ йилида Тошканд мамлакатлик аҳқар ул абад мулло Салоҳиддин хожа ибн мулло Алоиддин хожа эшон айтурким, бу «Темурнома»ни бир неча қардошларни илтимоси бирла турки тилида тартиб бермоқга кушиш қилдик.

Назм:

*Назм ила бўлсун дедимким илтимос этганлара,  
Қофия, вазн ила тартиб айласак бу дафтара.  
Назмнинг қадрига етмас даҳр аҳли, дедилар,  
Кошки назм ила бўлса ҳар китоб, ўлгай сарара.*

Олло таолонинг инояти бўлуб, бу дoston бўстони ичра кўнгул сандуғочлари сўзласа.

Назм:

*Кўнгулмни ғайри лаби қилгай ажаб фано,  
Чунки ҳазор дoston заррасидин баёна.  
Борди хайёл элчиси ҳар соридин ахториб,  
Келтурубон лисона, зоҳир этар жиҳона.*

Энди мунга назар қилғувчи ва ўқиғувчи қардошларга албатта баъзи сўзимда хатоси бўлса, илтимосимиз шулки, ақл кўзи била кўруб, ислоҳ қалами бирла тузатиб, таъна тилини сақлаб, афв этаги бирла ёпсунлар.

Назм:

*Қорилар қилманг манга қаҳру итob,  
Чун хато бирла бўлуб деб бу китob.  
Ҳар хатосини билиб тасҳиҳ этинг  
Ким, билур валлоҳи олам биссавоб.*

Эй дўстлар, в-эй қардошлар, ушбу китобга назар қилгонларингда ман фақир, гуноҳ домига асирни дуода ёд этгайсиз. Илоҳи, ўтган ота-оналарингизни раҳмат қилиб, тирикларингизга тавфиқ ато қилгай. Омин.

Бул ерда муаллиф оёғчи бирла дўмбурачига хитоб қилгани.

Назм:

*Оёғчи, на эрди бу гулранг май,  
Ўлужлар агар ичса бўлғуси хай.  
Муғанний, таронанг қўшуқму лафар,  
Қулоғина тегса киши жон топар.  
Оёғчи, надандур бу берган сувинг,  
Мани сархуш этти, қўй, аччиғ увинг.  
Муғанний, на эрди бу бонг товуш.*



Анинг таъсирига жетиб ақлу ҳуш.  
Оёғчи, на эрди бу ўтлуғ шароб,  
Шарориға бағрим бўлубдур кабоб.  
Муганний, на эрди бу деган улан,  
Уланму уландин ўлан жон-тан.

Бу ерда қаламга хитоб қилиб, муаллиф бу газални айтгони.

Назм :

Жаҳд айла бу достона хома,  
Турки тила айтуб «Темурнома».  
Боғлаб белинг, эй бу дам, қалам, сан  
Қутқор мани маҳнати аламдан.  
Саъий айлаки, сўзла килж рафтор,  
Вақт ўлдики, бўласан манга ёр.  
Денгиз довотиға ур ўзунгни,  
Майдони суханға сол сўзунгни.  
Эй килж ғаввоси оғзинг очғил,  
Бу сафҳаға турлу лўғлў сочғил.  
Сан бизки Темур йўлиға тушсаж,  
Воқиф бўлажўр бу ишқа андаж.  
Гўё йўли бўлса хор, оҳин,  
Яъни бориси Темур Тегиндин.  
Меҳнат тегинидур, этма шуйун.  
Кел, бу тегинни айла гулшан.  
Гулзор сифатлу дoston эт,  
Ҳар дostonини бўстон эт.  
Бўстонида турфа гул очилсун,  
Ҳар яфроғида қуқу сочилсун.  
Қилғилжи бу боғни андоғ обод,  
Бўлсун киши кўзи хурраму шод.

Эмди бу боғни атрок алфозин гулларидин тартиб берғилким, турклар кўруб, шод бўлсун. Илоҳи, бу боғ атрок аро абад ул обод бўлсун. Эмди, эй қариндошлар, валиларга беодобона сўз деманглар, нечун муаллиф дерким, физзамонина уламолардин бири Амир Темур ҳазратларига андак кўтоҳлиқ ила бир сўз деб эрди, андин яна бир сўз дини қуфрға оид бўлуб, ўз қавми ичра кўб шарманда бўлди. Бу ҳам қаттиғ жазо. Эмди, агар андоғ ноинсоф бўлса, дуо қилинглар, олло таоло тавфиқ берсун. Валиларни ҳамма ишлари ҳикматдин ташқари эмасдур. Ўзини билған кишиларни ҳақиға бехуда сўз демас.

Назм :

Худо ҳар кишини сарафроз этар,  
Бериб анга иқбол оғоз этар.  
Кишиким сазовор шоҳи бўлур,  
Дей манзури лутфи илоҳи бўлур.

Хануз сурати замирға муртасим эмас эрди, жангу жўй мухолифлари хабе тадбир била мутобъат тузоқиға асир бўлдилар ва тундхўй душманлари инқиёд домиға мутиъ бўлдилар. Ҳар киши итоатидин бўйун товласа изд иқобатиға гирифтор бўлур эрди. Бир ишорати хусравона бирла дарёларни ҳомун қилиб, саҳроларни жайхун қилур эрди. Қайсари Рўм ила анга ҳокони Чин бўлуб тобеъи Эрон, Турон Замин қилиб, ибтидоси Булғордин интиҳоси Чин Мочингача анинг қаҳридин тарсида бўлуб, Жоблиқодин Жоблисогача анинг салобатидин ларзада эрдилар.

Назм:

*Асоси Муслмонлиғ обод ўлуб,  
Ривожи топиб дин, эли шод ўлуб,  
На ерда иморатдин най тузуб,  
Яна бўлса фассоқ аҳлин бузуб,  
Бўлуб барҳам авсону аснолар.  
Ғриб динни тонги, кетиб шомлар,  
Кетиб куфр бирла жаҳолат туни,  
Чиқиб дини ҳақни қуёшдек кунни,  
Адолатлиғин донг овозаси—  
Етиб элу юртға чу афрозаси.*

Шухрати адолатидин Кайқубод, Нўширавон номаълум бўлди, шон-шавкатидин Фаридун ила Кайхисрав гум бўлди. Рустам Достон ҳикояси мансух бўлди. Ва анинг шижоатидин мухолифларни юрак бағри мажруҳ бўлди.

Назм:

*Ҳеч сув қилмади шамолдин дод,  
Ҳеч гул бағрин пора қилмади бод.  
Қўю қўзиға тегмади қашқир,  
Бирга юрдилар шер ила наҳчир.  
Эғнидин ўзга йўқ бараҳна киши,  
Ғайр мутрафни йўқ ўғурлуқ иши.  
Ерли қалош барчаси хандон,  
Тул хотун сабҳаси ўлуб маржон,  
Эшитиб барча бўйла шуҳрату донг,  
Кетти Жофон ила Хитою фаранг.*

Вақтики, Чингизхон Эронни қатли ом қилиб, пойтахтни Мўғулистонға қарор айлаб, Қорақурумға келди. Ўзига дўстроқ ўғлидин Чигатойхонни Фарғона ва Мовароуннаҳрға ҳоким қилди. Қорачор нўённи анга рафиқ этиб, Чигатойхон Қошғарға пойтахт қилди. Фарғонани Қорачор нўёнға берди. Мовароуннаҳр ва Фарғона шаҳрларида батнан баъд батин беклиқ қилдилар. Токи навбат Баёнқулихон ибн Довонхонким, Малик шоҳ машхурдур. Бухоро тахтиға ўлтурсон эрди, ўшал вақт авлиёи бани одам Шайх ул аълам, яъни шайх Сайфиддин Бухороға келиб эрдилар. Бухоро одамлари барчаси мурид, мухлис бўлдилар. Худо таоло ул кишиға

кўб-кўб дунёликдин берган эрдиким, етти юз от огулда бойлик турар эрди. Қозонхон андог золим эрдиким, ҳар кишини талаб қилса, аввал хотун ва болаларига васият қилиб, андин кейин, Қозонхонни олдига борур эрди. Муниг ҳолини баъзи одамлар шайхга арз қилдилар. Бул киши сабр эттилар. Хон бир кун айди: «Шайхни келтуринглар, дарвиш кишига мунча давлатни нима кераги бордур» деб. Ходимларидин бирини шайхни олдиларига юборди. Ходим бориб шайхга воқеани баён қилди. Шайх бу сўзни ходимдин эшитиб, ранжиб, ғазаб ила рубойини дедилар.

Байт:

*Эй ситамгар, бу кўнгул озоридин сан хавф қил.  
Элга кўб қаҳр айлама, қаҳқордин сан хавф қил.  
Бир кўнгул озоридин бўлғай жаҳон зеру забар,  
Мунча зулм этма, бу кирдордин сан хавф қил.*

Ул киши келтуруб хонга рубойини берди, мутолаа қилиб ўқуб, яна аччиги ва қаҳри зиёда бўлуб айди: қандог иш буюрма, ҳур бу ерга келиб, манга мундог рубойи битиб юборур деб. Буюрдиким, отни эгарлаб келингллар, бориб шайхни ўлдурурман. Умаролар манъ қилдилар, бўлмади. Охир от узра минди. Хабарчи келиб шайхга айдилар, андин кейин, шайх қўлларига бир олмани олиб ҳавога оттилар, келгунча ҳикмат худо таолодин деб, сўнгра мууроқабага бордилар. Муддати мадиддин сўнг «оллоҳи акбар» деб бош кўтардилар. Аммо бул сўзни эшитмак керакким, иттифоқо, Қозонхон ариг ёқасига келиб эрди, анда бир дехқон киши сабад ичра тўла олмани кўтариб Қозонхонга кўрсатти, хонни оти бирдан ҳуркуб кетиб, отдин йиқилиб бўйни синди. Барча халқ билдиларким каромати шайхдур. Умаро ва фуқаролар барчаси келиб шайхни оёқларига йиқилдилар. Шайх анда бу рубойини ўқудилар.

Байт:

*Соф тийнатким, ҳисори офият озодалиг,  
Кимжи калж юрди, ўзини ҳолиға афтодалиг.  
Ушбу дунё давлатидин кимсага бехбуд йўқ,  
Бу ўтар дунёга мағрур ўлмоқ кўб соддалиг.*

Олон одамлар хайрон бўлуб айдиларким, қайси киши хон бўлур? Баъзилар айдилар: «султонга шайхни қилурмиз, нечунким, бу киши дунё ва диннинг султони дурлар». Анда шайх айдилар: «биз лойиқи хонақоҳмиз, тахтимиз бурё, тожкимиз эски такя, бас, мани дунё ва охиратда шарманда қилмангллар». Аммо бир йилгача дод-адлни шайх сўраб турур эрдилар. Бир йилгача ҳеч киши бирига таъадди қилмадилар. Аммо бир кун одамлар ҳужум бўлуб, шайхга арз қилдилар: юртимиз подшоҳсиз бўлмасун, олти жихатни подшоҳ ва беклари эшитибдурларким, Бухорои шариф подшоҳсиздур деб. Бухороға қасд қилибдурлар, фикри кима бўлур? Шайх айдилар бу асоли ушлангллар, кимнинг бўйига мувофиқ келса, агарчи фодачи бўлса ҳам, хон қилингллар. Халқ кўб жидди

жаҳд қилдилар ҳеч кимарсанинг бўйини асога мувофиқ тобмадилар. Мардуми Бухоро яна келиб арз қилдилар, анда шайх Сайфиддин овозларини чиқариб айдилар: «Баёнқулихон деб, тоғларга боринлар, ҳар кимни кўрсанлар, бу асои мувофиқ қилинлар». Андин кейин одамлар шайхни асосини олиб чиқтилар, ҳар ким оқдиларидан ўтса бўйига ўлчаб кўрдилар, мувофиқ келмади. Андин кейин Баёнқулихонни сўрдилар, ҳеч кимдин хабар ашитмадилар. Аммо ул вақт Баёнқулихон ўн саккиз яшар эрди. Амир Қозонхон ани қатлга буюриб эрди гаразлик бўлуб. Жаллодга олтуи бериб, беклар найранг бирла қочуруб эрди, печунким, Давонхонни мундин ўзга ўгли йўқ эрди. Ул тўра бечора тоғларда саргардон бўлуб, айланиб юруб, Орлот деган элга келди. Бу йигитни кўзи ногоҳ ҳавода бир калхатга тушти, учуб юруб, тумшугида бир ҳамён тўла олтуи, ул калхат Орлот элига келиб тушти, бу йигит анда ҳамённи таниб, олиб амир Муаййидни олдига келди. Ул олтуи амир Муаййидники эрди. Амир айди, «Ман булогка тушиб, гусл қилиб чўмулдим, кўрдимким, ҳамён йўқдур, сан ўгурлабсан». Бу калхатий воқеасини айди, қабул қилмади. Амир Муаййид мунн бойлаб қўйди, бу бола «ман тўразодаман» деб ўз воқеасини айтмади, кўб замон ўтти, бир кеча ҳазрати Шайх ул аъламни тушида кўруб уйғонди. Кўрдиким, бойлуқлари ешилибдур. Андин кейин қочиб Ғазом деган ерга келди. Бир девор остида ғариблардек бўлуб йиглаб ўлтурди. Анда бир қари камшир кўруб, анинг бир қари эри бор эрдиким, подачи эрди, алар мунн кўруб ўгул бола қилди. Андин кейин ул қари подачи ўлди, ўзга боласи йўқ эрди, ўрнига неча кунлар бу пода боқиб юрди, токи Бухоро одамлари келиб Баёнқулихон деб сўроқлаб, иттифоқо мундин сўрдиларки, «эй йигит, Баёнқулихонни кўрдингму?» Бул айди, «нима ишларинг бордур?» Воқеани баён қилди, асои кўлига бердилар, кўрсалар мувофиқ келибдур. Барчалари таажжуб қилуб айдилар: бекликга подачи қандай лойиқ бўладур? Аммо Баёнқулихонни Бухоро шахрига келтуруб, шайхга олиб келдилар. Анда тўрани боғлагон Қозонхонни мулозимлари ошиқиб келиб, оёғига йиқилдилар. Ул кунн шахрга ойин боғлаб зийнат бердилар, кўб садоқат, хайрот бериб тўрани бошидин олтуилар нисор қилиб Бухорои шарифда ул кунн тўрани салтанат тахтига ўтқуздилар.

Байт:

*Хоннинг ўрнига бўлди янги хон,  
Фитнау фиксқни қилиб вайрон.  
Ҳиммати бўлди они дарёдек,  
Адли бирла шижоати чандон.*

Ўтуз йил беклик маснадида ўлтурди. Баёнқулихон адолатда шундог эрдиким, биров ов қилмоқ учун сайдга отланиб боролмас эрди, қушлар озор тошар деб, манъ қилур эрди. Аммо анинг замонида шароб ва чоғир ичмак мутлақо йўқ эрди. Лекин ўгли отасидин шаробни отини эшитиб сўрдиким, шароб ва чоғир не нимарсадур? Бир кунн иттифоқо хонни қошига бир мойчи келди.

Сўрдикки бир дона кунжуддин на миқдор мой олурсан деб. Мойчи айди: «тирноғ юзида мой олурман». Андин кейин яна намоз ва рўзадин сўрди, мойчи дармонда бўлди. Филҳол, ўлдурмоқга буюрди. Ўғли мулло эрди, бориб хонга арз қилдиким, «эй хоним афандим, амакинг Қозонхон зулмидан отам мактабхона юзини кўргани йўқтур, нечунким, Қозонхон амр қилиб эрдикки, мактаб ўқуманглар деб, ман сани адлингдин мулло бўлдум, чунки сан ўқумоқга амр қилиб эрдинг».

Андин кейин отаси боласини сабаби бирла озод бўлди. Вой баъзи одамларни жониғаким, ўғлонларини мактабга бермабдур?

## АВВАЛҒИ ДОСТОН. ҲАЗРАТ АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОННИ ОНАЛАРИДИН ТУҒУЛМОҚЛАРИНИ БАЁНИ

Алқисса, Турагай баҳодур насли Қорачор нўёндин эрди. Кунлардан бир кун Нўён хонадонидин чиқиб кетиб эрди. Аммо давлати зўр эрди. Одамлар ани иззат қилур эрдилар. Шахрисабзки, холо ул мавзӣяни Турагайя дерлар, ўшал ерга бориб эрди. Етмиш олтун қалодалиғ ити бор эрди. Кўб қўй рамаларини атрофида юрур эрди. Аммо ўзи қавий жўша ва майгунлаб эрди. Аммо ўшал замонда Бухорои шарифда Садр аш шаърият соҳиби шарҳи вуқойи ўшул асрнинг муллоси эрдилар. Бир кун дарс айтиб ўлтуруб эрдилар бир қаландар келди. Айди: «Тегина бегим моҳ деган қизни куёвга беринг, андин бир ўғул тугуладур, ани жаҳонгир ва соҳибқирон дерлар». «Эй девонаи телба, қайдин бўлурсан», дедилар. Қаландар айди: «Асрори гойибни билурман». Садр аш шаърият буюрдилар, «бу девонани уйга қаманглар» деб. Филҳол воқеани хонга келиб арз қилдилар. Баёнқулихон буюрдикки, «олиб келинглар» деб. Дарҳол келиб қаландар турган уйни очиб кўрсаларки, қаландарни ўрнига бир қиз бойланибдур. Қаландар йўқ. Кўрган кишилар ҳайрон бўлдилар, қиз телба бўлуб қолибдур. Ҳарчанд дуолар ўқидилар, бўлмади. Оқибат қизни Шайх ул аъламни қонларига олиб келдилар. Шайх кўруб, табассум қилиб айдилар: «Ул руҳи Қудс эрди, қаландар суратида бўлуб келиб эрди. Акнун, бу покиза қиздин бир яхши муборак ўғул вуҷудга келадур».

Лекин шайхнинг шарофатидин қиз ўзига келиб, хушёр бўлди. Андин кейин шайх айдилар. «бу қизни куёвга берайлук». Садр аш шаърият айдилар: «Ихтиёр Сизға». Одамлар эшитиб, билдиларки, ул қиз шайхга назр бўлгандур. Ҳар тарафдин уламо ва умароларни хостакорлиқга йўқладилар. Шайх айдилар: «куёв бўлгувчи Бухорога келғони йўқтур». Одамлар айдилар: «Шайхни ўзи олур».

Энди икки калима сўзни Турагай баҳодурдин эшитилсун. Шахрисабзда ов қилиб юрур эрди. Бир кийик келиб қўйлар рамасига ўтти. Ногоҳ қўйларни кўрса, ҳар тарафга қочиб, хуркуб юрур. Қўйларни ичида бир қашқир турур. Филҳол, бўрини ўқ бирла урди. Қўйчини уйқудин тургузуб, зажр қилди. Қўйчи айди: «мендин қоҳимагил, сенинг сабабингни тушумда кўруб эрдим». Турагай баҳодур айди: «Нима кўрдунг?» Чўпон айди: «яшил

кийимлик киши келиб нидо қилдики, Турагайга айтгил, Шайх ул аълам қошлариға борсун, Садр аш шаъриятнинг қизларини олсун, мундин бир соҳибқирон ўгул пайдо бўлур». Бу айди: «қўрққаннингдан алдаюрсан». Қўйчи айди: «эй баҳодур, ман ҳеч Садр аш шаърият ила Шайх ул аъламнинг отларини эшитганим йўқ, тангри ҳақи, ёлгон демайман». Амир Турагай қабул қилмади, қамчи бирларур бўлди. Чўпоннинг ити овоз қилиб, акиллай берди. Амир Турагай баҳодир билдики, ит-да бул сўз чинлиғина ишорат берур. Турагай баҳодир айди: «ит нима деюр? Чўпон айди: «Ит мани сўзумни чин деб айтур». Баҳодир тасдиқ қилдики, шул чўпон рост деюр. Андин Бухорои шарифға етгач, тўғри Шайх ул аъламни олдилариға кириб келди. Шайх ул аъламни кўрди, сўфилар халқасида муруқабата ўлтурурлар, андин кейин Шайх ул аълам бошларини кўтариб, айдилар: «Марҳабо, сафо келдинг, эй соҳибқирон отаси».

Аммо Амир Темурға Соҳибқирон лақабини Сайфиддин Шайх ул аълам қўйгонлар. Хануз туғулмасдин Соҳибқирон мазкур бўлди. Амир Турагай баҳодур чўпон воқеасин баён қилди. Шайх ул аълам айдилар: «чин сўздур». Биз Тегина бекамни Сизға сақлаб қўйубдурмиз, аммо аҳд қилгондурман, ҳар ким бир кечада масжид, хонақоҳ бино қилса анга берурмиз». Амир Турагай баҳодур айди: «Нима десангиз, Сизға қул бўлурман». Шайх ул аълам айдилар: «эй баҳодур, ғам емагил, ҳар киши ушбу дуони ўкуса ҳар ишни уҳдасидин чиқар». Анда Турагай баҳодур шайхни оёқлариға ўзин ташлади. Шайх ул аълам тамоми муридлариға рухсат бердилар. Амир Турагай баҳодурдин ўзга киши қолмади. Буюрдилар, «турғул, таҳорат қилгил». Баҳодур туруб, таҳорат қилиб, икки ракаат намоз ўкуди. Шайх бир хат анга бериб, айдилар, «боргил, шаҳрдин ташқари мазори Файз Осор ҳазрат Айюб бордур, яна хонақоҳ бор. Анинг олдида булог бор (ул мазорни Абдулазизхон ибн Абдуллахон шаҳр кўргони ичра олиб эрди). Аммо хонақоҳ эшиги берк бўлса, зинҳор очмагил, булог ёқасида ўлтиргил, нима эшитсанг сукут қил. Андин кейин сўфилардин бири сани олдинга оёғ илгида, ўроғлиғ бир нимарса келтурур. Ул таом мубохот жумласидин бўлса, санга худои таоло бир ўгул берур, шариати Нубуввийда мустақим бўлур, ағар маҳрамот жумласидин бўлуб, бола тугулса, фисқ фужурдин ўзга иш қилмағай. Таомни сб бўлғач, хатни сўфиға бергил. Сўфини орқасидин бормагил, гунбаз ичра асло кирмагил, аларға назар солмагил, ҳар ким санга нечук назар қилмадинг деса, ани сўзин қабул қилмагил, мани олдимға келгунча». Амир Турагай баҳодур таъзим ва тақрим қилиб, хатни олиб мазори Файз Осорга йўнаб кеттилар. Андин кейин бориб ҳазрат Айюб мазорига еттилар. Назар қилдиким, бир гунбаз нури қуббаси афлокға етар. Садои ва нолаи най ва барбат ва арғанун ва дўнбира ва рубоб овози қулоғига етти. Баҳодур айди: «Сўбхонолло, бу воқеани сирри нимадур?»

Алқисса, Шайх ул аълам нима амр қилиб эрдилар, амал қилди. Қудуқ ёқасида ўлтурди. Ногоҳ хонақоҳ эшиги очилиб, яшил кийимлик сўфи дастурхон ила оёғ илгида келтуруб амир Турагай

баходур олдиға кўйди. Баходур таваххумда бўлуб, «бу таом махрамотдинму ё мубохотдинму, қандай бўлгай» деб ёпуқин очиб кўрдиким, тўла сут туруп.

Ушал сутни ҳаммасин тановвул қилди. Хатни сўфини кўлиға берди. Узи бир тарафға жўнаб кетти. Орқасидин «оллохи акбар» деб овоз келди. Турағай баходурни тамоми аъзосиға дарза тушти. Андин Шамс ул малик чорбогига етиб эрди — холо Намозгоҳ дерлар — шул ерда бир оқсоқоллиқ киши келиб айди: «На учун олдинтға ва кейнингға қарамайсан, ажаб тамошаларға назар қилмайсан, Шайх ул аълам сўзига амал қилиб, маҳрум қайтурсан», деб васваса қилаберди. Турағай баходур анда назар қилмоқға майлон бўлди. Ногоҳ Айюбдин сели яъни бир шафалоқ келиб, амир Турағай баходурни юзига тегди. Кўрқуб Шайх ул аълам саройига юзланди. Ул қари одам ғойиб бўлди. Баходур тавба ва истиғфор этиб, хонақоҳға келиб шайхни топди. Айдилар, «ул қари одам Иблис алайҳил лаънадур. Ул ғойиб сели биздин эрди. Агар мундоғ қилмасам, кейин бориб назар қилсанг, амалинг зоеъ бўлур эрди. Эмди келгил мани бармоқларим орасиға назар қилгил». Филҳол, келиб назар қилди, кўрдиким, барча яшил тўнлук ва оқ тўнлук кишилар, ҳар бирларин орқаларида кирпич ва карж, келтурурлар. Ҳазрат шайх Сайфиддин таъйин қилурлар, дерларким, булар рижол ул ғойибдур, яъни ғойиб эрлардур. Баходур сўрдиким «Қутб қайсидур?»

Шайх ул аълам айдилар, «Қутб фавт бўлубдур. Булар бизга Қутб Сиз бўлунг дерлар». Аммо Турағай баходур айтур: «аскарларим танудимким, зоҳирда ҳар бири бир ишға машғулдурлар. Аммо ботинда рижол ул ғойиб эканлар». Шайх ул аълам айдилар, «эй Турағай баходур, агарчу, оз офиятимиз, бўлмаса буларни кўрмоқға тоқат қилолмассан». Аммо рижол ул ғойиб барчалари келиб шайхға таъзим қилиб айдилар: «аввал мартаба Сизга келдук маснади Қутаботға ўлтурсангиз деб, қабул қилмадингиз, яна мулозимингиз китобатни бизни олдимизга олиб борди, бизлар хурсанд бўлуб Сизни хизматингизга келдук». Шайх айдиларким, «аввал биз ул давадға най тутмаб эрдук, эмдиким, шул маснадға ўлтургумиздур. илтижо қилибдурсиз, баходур хотири учун қабул қилдук, аммо шул шарт бирлаким, ушбу эртағача бир хонақоҳ тартиб беринглар». Рижол ул ғойиб барчалари хурсанд бўлуб, мотам кийимин солиб, шодмон либос кийдилар. Хонақоҳ таъмириға, машғул бўлдилар. Тонг откунча қазо ва қадр меъморлари кўк ранглиқ, фалак куббасиға еткуруб, каржи субҳ ила қуёш гириҳидин таъмир қилдилар. Кундузи бўлгач, Бухоро одамлари кўрдиларким, гунбази олий фалакға етар, Шайх ул аълам устиларида бино бўлубдур, барча одамлар таажжуб қилиб, айдиларким, каромати Шайх ул аъламдур. Анда шайх айдилар, «бу хонақоҳ таъмирин Турағай баходур тартиб бергандур». Андин кейин Тегива бегим моҳни амир Турағай баходурга ақд қилдилар. Қуёш жади даражасида эрди. Ушал нутфаи пок соати зухалда ота силабидин она ботиниға боғланди. Аммо бу воқеадин илгари Амир Қозағон, мансаби амир ун нос, бор эрди — холо оталиқ дерлар, туви қўнғирот элидин эрур — андоғ эрдиким, хутба ва сикка мунинг

ҳукмидин ўзга амир, бекларга йўқ эрди. Барча оталиқ қўлида эрди. Бу Тегина бегимга талабгор бўлуб келиб, хонга маъқул қилдиким, манга берилган қизни ҳоло Қарачор нўён авлоди Турагай баҳодурга берибдурлар, ман бориб Шайх ул аълам бирла жанг қилурман. Ҳарчанд хон манъ қилдиким, асло қабул қилмади. Бир одам бориб шайхга хабар берди. Анда Шайх ул аълам айдилар. «агар анга берилган бўлса, на учун қиз телва бўлмасдин илгари қадам қўймади, ҳоло биз мунини никоҳи мусулмоний бирла Турагай баҳодурга бердук. Нима қўлидин келса, они қилсун». Аммо амир Қозагон қўшун тортиб келди.

Шайх ул аълам бу рубойни айтиб, юбордилар:

Байт:

*Чун сайди қазойи қадрдин келди қулга,  
Сен қўйма қадам хонки юрган йўлга.  
Аҳвали Малик шохни кўрубсан охир,  
Қўрқ тангридин, берма изза кўнгулга.*

Амир Қозагон рубойни ўқуб кўрқуб қайтар бўлди. Шайтон васваса қилдиким, «Малик шохни ажалини каромати Шайх ул аъламга ҳамул қилмагил». Яна шайтон йўлига кириб, шайх сарига йўл олди. Хонақоҳларига етти. Баҳодур кўруб қайгурдиким, «Мани оталаримда амир ун носдин ўтуб келди, менинг орзум Амир Қозагон жангидур, анинг ўқ отмоқиға бадали йўқтур». Шайх манъ қилдилар. Турагай баҳодур кўб тавалло қилди. Ноилож жавоб бердилар, анга тўрт юз мурид қўшулуб, жангга муқобил бўлуб чиқтилар. Амир Қозагон саф тортти. Ушал кун қуёш чиқар вақтиға етиб эрди, амир Турагай баҳодур тўғрисиға келиб ташвишда бўлди. Шайх хонақоҳда намоз ўқуб турур эрдилар, ҳавода булут пайдо бўлуб, осмон юзин олди. Амир Қозагон лашкари баҳодурга қараб тамасхур ила кулди. Шайх ул аъламининг байроқларин баҳодур бошида ушлаб турур эрдилар. Барчалари яёв, баҳодур ўзи отлиғ эрди. Амир Қозагон байроқи оқ, кийуми қизил, оти қора эрди. Шайх баҳодурга айтиб эрдиларким, майдонда Амир Қозагонни ёлғуз талаб қилгил. Шайхни сўзларига амал қилиб, ўзи борди. Қозагон ҳам ёлғуз келди.

Алқисса, жангда Қозагон ўқи баҳодурни ўнг кўзин ёнидин ўтуб отиға тегиб йиқилди, хоҳласаким, бошин кесиб олса сўфилар шайхга хабар бердилар. Шайх ул аълам бурёдин бир тора олиб, ёй каби қилиб, Қозагон сарига оттилар. Бу байтни дедиларким:

*Кишиға берсаким ноҳақ иззойи,  
Топар бул қилғондин бад жазойи.  
Биров ноҳақ бировға қаҳр этарму—  
Анга қаҳр айлагай қодир худойи.*

Шайх ул аъламининг ёйлари хонақоҳ деворидин ўтуб Қозагон шохни кўксига андоғ тегдиким, орқасидин ўтуб кетди. Филҳол ўлуб, йиқилди. Барчалари онда мушоҳада қилдилар. Баёнқулихон



подшоҳ келиб, Шайх ул аъламга узр айтди. Шайх айдилар, «санга гуноҳ йўқ». Аммо Амир Турагай баҳодур Тегина бегимни олиб, Шаҳрисабзага борди. Ушбу йил ҳазрат Сайфиддин Шайх ул аълам дорулфанодин дорулбақога рихлат қилдилар. Руҳи поклари тан қафасидин учмоқ ёғочларин бутоқина тайрон қилди. Анда Тегина бегимни олти ойлиқ ҳомиласи бор эрди. Ўлмасидин илгари ушбу рубойни ўқудилар:

*Дунё мисоли уйдур, икки эшик анга бор,  
Ул биридин нечалар кирмак эса сазовор.  
Хоҳ катта ё кичикдур келса керак бориға,  
Бу бирисидин они чиқмоғи лозим, эй ёр.*

Юз ўн беш йил умр кўрубдурлар. Аммо Турагай баҳодур Шаҳрисабзда мунтазир эрдиким, қуёш каби бир ўғул буржи раҳим Тегина бегим моҳдин қачон тулуъ қилғай деб. Шул вақтларда Баёнқулихондин нома Шаҳрисабз сари амир Турагай баҳодурга келди. Ўқуб кўрди, айтибдурким, лашкари Ўғлон Кошғарни мусаххара қилибдурлар, Ангиз тўғён қилибдур, албатта амир Турагай баҳодур Қаркондин қўшун олиб, барвақт Ўғлон лашкарига борсун. Анда хон фармониға ҳаракат қилиб, катта хотуни Қозағон шоҳ қизи эрди, анинг оти Йўқун хоним эрди, Тегина бегим моҳни анга тобшуруб, Кошғар сариға кеттилар.

## ЭМДИ АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОННИ ОНАДИН ТУҒУЛМОҶИ ВОҶЕАСИНИ ЭШИТУНГ

Тегина бегим моҳни туғори яқин келган вақтда, Йўқун хоним бир кечаси туш кўрдиким, Тегина бегим моҳ этакидин қуёш тулуъ қилиб, машриқдин Мағрибга боруб тамом оламни олди. Андин Ҳиндистон сариға майл қилди. Филҳол уйқудин турди, ақл била тофтиким, Тегина бегим моҳга давлат юз қуйубдур. Аввалдин Йўқун хонимни ўзини кўнглида сақлаб юрган кина ва кудурати бор эрдиким, нечук, анинг отаси Қозағон шоҳ мунинг сабаби ила ўлуб эрди, яна мунини рашкидин бир гинаси юз ҳисса бўлди. Ўрнидин туруб отасидин қолғон бир ғуломи, яъни қули бор эрди, оти Мойдун эди, они чақириб айди: «Эй ғулом, мани бир сиррим бордур, сан манга маҳрами роздурсан. Аммо мани сирримни пардасин сен йиртгайсан». Қул айди: «Ман отанидан қолғон қулман, сани сиррингни фош қилмоқға хоҳишим йўқ».

Йўқун хоним айди: «Тегина бегимни тушумда андоғ кўрдим, бир таъбирға етук киши бўлса, ушбу тушни сўргил», деб воқеани баён қилди. Қул айди: «бу юртларда таъбирға етук киши йўқтур, аммо эшитурманким, Самарқанд вилоятида бир мағорада оти Сабулак ота деган киши ҳар қандай мушкул сўз бўлса ҳал қилур эрмиш», дегач, Мойдунни Сабулак ота сариға юборди. Қул Самарқандга келиб анда мағорани топти, Сабулак ота ўлтўрур,

одамлар атрофларида кўбдур. Бир куну бир тун туруб, воқеани махфий баён қилди. Сабулак ота айди: «Тарихнинг етти юз ўтуз бешида бир ўгули соҳибқирон вужудга келадур. Гумон қилурман, тулуъи Кавкабнинг вақтига қарагонда яқиндурким, ул ўгул онадин ер юзига тугулур соҳибқирон бўлуб, етти иқлимни олғай, анинг авлоди саккиз юз йил салтанат сургай». Мойдун Сабулак отадин бул сўзни эшитиб Йўқун хонимга келиб баёни воқеа таъбирини айди. Анга рашк ўти шуъла урди. Қулига айдиким, «бир иш қилиб, Тегина бегим моҳни ўлдурайлук». Қул Турагай баҳодурдин кўрқуб, анда кўб манъ қилди, бўлмади. Охир кўрдиким, Йўқун хонимни ғазаби келиб, хафа бўлди. Ноилож ўлдурмакга ихтиёр қилди. Андин кейин ёлгон сўз била бир нома Садр аш шарифат тилларидан ёздуриб, Тегина бегимга бердурди. Андин кейин Тегина бегим моҳ номани ўқуб кўрдиким, мазмуни булдурким: «Ман отанг Садр аш шарифат касал ва бетоб бўлуб ётурман. Сани кўрмоқга иштиёқим кўб ва ҳолатим заифдур. Келсанг кўрсам, келмасанг, дийдор қиёматга қолур.» Тегина бегим моҳ муну эшитиб бағри кабоб, ҳоли хароб бўлуб, югуруб Йўқун хоним олдига келди. «Манга Садр аш шарифат отамдин нома келди», деб шарҳи воқеани баён қилди. Амир Турагай баҳодур Тегина бегим моҳни анга тобшуруб кетган эрди. Андин рухсат талаб қилди. Тегина бегим моҳни икки чўриси бор эди, икковин анга йўлдош қилиб, Мойдунни аларга бош қилиб йўлга солиб юборди. Шаҳрдин алар чиқиб бир қудук бошига келдилар. Анда Мойдун қул аввал иккала чўрини ўлдурди, андин кейин Тегина бегим моҳни ўлдурмоқга ҳаракат қилди. Тегина бегим моҳ кўб зори қилиб айди: «Эй бобо, мани ўлдурмоқни қандай хоҳлаурсан, манда гуноҳ бўлса, қорнимдаги боланинг нима гуноҳи бор?» Анда Мойдун айди: «Сани шу бола сабабидин ўлдурурман», деб қилични кўтариб солгач, жон ваҳмидин Тегина бегим моҳ ўзини қудукга ташлади. Иқболи амир Темур ногоҳ ҳавода барқ пайдо бўлуб, яшин келиб қулни кўкракидин уриб, икки бўлак қилди. Тегина бегим моҳни тангри таоло они шарридин омон сақлади. Лекин қудукни тубидин чиқарга қуввати бўлмади. Андин кейин бир қўйчи келиб, сув олмоқ бўлуб, қудукга челақ бирла арқонни ташлади. Қудук ичра бир маликани кўрди. Хайрону саросима бўлуб, Тегина бегим моҳни қудукдин тортиб олди. Назар қилдиким, бир маликаи даврон, жамоли мисоли хуршиди тобон, қомати сарви хиромон, юзи тўлган ойдек, кўзи чўлпондек, бир нодирайи хўбондурким, андин чўпон сўрди: «Қай элдин бўлурсан?» Тегина бегим моҳ айди: Аймоқийя бўлурман, бизлар шул қудук ёқасига келиб эрдук, ман билмасман бул тарафда элатларни. Яна ҳийла бирла айди: «бу ўлган киши эрим бўлур, мунга яшин тегиб ўлубдур, ман кўрққанымдин қудукга тушуб кеттим». Аммо чўпон нафси шахват тақозосин қилди. Анда Тегина бегим моҳ тангри таоло даргоҳига нола қила берди. Ногоҳ араб янглиғ бир киши келиб, воқеаларни эшитиб билди. Қўйчиға ваҳшат қилди, айди: «Эй малика, мани амир Чоку дерлар, бул одам мани қўйчимдур. Эмди мани уйимга боргил, мани қизимдек бўл, ман сани болаларим каби тарбият қилай. Андин кейин,

Ўз элларингга борурсан» деб уйиға бирла олиб бориб, хотуниға тобшурди. Ўшал вақт Тегина бегим моҳни вазиъи ҳамали етиб, чаҳоршанба кечаси, шаъбоннинг йигирма бешида, сичқон йилида, тарихнинг етти юз ўтуз бешида толеъи саратони шамсда жадъни аввал даражасида, далвни йигирма тўққуз даражасида эрди, иккала қирон. Ўзгалар бу воқеани шарҳи шул бўлур дерким, қай вақт ҳар етти кавкаб толеъи саратонда жадъ буржинда маъитда бўлса қирон бўлурлар. Шундай вақтга ўгул вужудга келса, толеъи масъуд ўлур. Шул соатда тангри таборак ва таоло оламини яратибдур. Ҳар фарзанд шул соатда таваллуд бўлса, онинг толеъи охир умригача доимо иқболи масъуддур.

Айтибдурларким, уч ўгил шу соатда туғилди. Аввал Искандар Зулқарнайн ҳазратлари афандимиз, иккинчи Муҳаммад расул акром саллоллоҳу алайҳи васаллам саййидимиз, учинчи Амир Темур Кўрагон хонимиз ва бегимиздур, дерларким, таваллуди Искандардин таваллуди расул алайҳис саломгача саккиз юз йил, таваллуди Муҳаммад алайҳис саломдин таваллуди Амир Темургача саккиз юз йил. Ҳар саккиз юз йилда кавокиб жадъ даражасида бўлгандурлар. Аммо Соҳибқирон Амир Темурни оналари Тегина бегим моҳ дерларким, таваллуд маҳаллида захмат ва машаққат сира кўрмадим ўзга хотунлардек.

## Б а й т

*Фаридун, Кайхисрав номлиғ,  
Манучеҳр, Искандар комлиғ  
Чу мавлуди Искандару ҳам расул,  
Жаҳонға келиб топти анжомлиғ.*

## ДОСТОН: ЕТТИ ҲАҚИМ ЕТТИ ИҚЛИМДИН ЭЛЧИ БЎЛУБ КЕЛУР АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН ҚАТЛИ УЧУН. АНИНГ БАЕНИДА

Эмди ҳазрат Жалол ул ҳидоят камоли самадийят ила хоҳлабдурким, камоли қудрат бирла, мабдаи фитрат бирла кавкаб толеъ соҳибқиронни авжи ирважи афлокка иқбол ва комронлигини жилвагар қилғай. Аввал тангнойи музояқа паришонлиғда. Ҳобут бесомонлиғда қолиб, кўб-кўб меҳнат ва кулфатдин сўнгра камолот баройи бўлуб, бора-бора давлат иқболиға юз қўйғай: «Яфъалуллоҳу мояшау ва яахкуму мо йўр ид»<sup>1</sup>. Ушбу мақолани маъниси: аҳволи Соҳибқирон неча кунлар умри паришонлиқ ила ўтуб, қачон ихтиёр жilовини иқтидор тутамиға олғай. Аммо Амир Темур таваллуд бўлгандин кейин Амир Чоку анинг тарбиятиға муқаййид бўлди. Ўшал йил Соҳибқиронни умри олти ойға етар-етмас иқболин қуёши рабъул маскунга таъсир қилиб, ҳар гўшада овозаи ва ҳар шаҳрда хангомаи беадада бўлаберди. Ўшал вақт Рўм мамлакатида

<sup>1</sup> Оллоҳ нимани хоҳласа ўз иродаси билан шуни ҳукм қилади.— Ушбу ва бундан кейинги барча оятларни Анвар Турсун ўғирган.

Усмонхон Ғозийнинг набираси Елдирим султон Боязид Рўм халифаси эди. Улар насли Ёфосдиндур.

Алқисса, кунлардан бир кун султон санжари мозий Рўм мамлакатларин Ол Салжуқийдин олиб эрди, ул мамлакат бекларига хитоб айлаб шарҳи Нубуввийни ошкора қилиб эрди. «Сабҳат ул ахбор» китобида дерларким, шаҳри Рўм салтанати Усмон Ғозий наслидиндур. Рўм беклари Турон бекларига насабда яқин бўлур. Иккаласи Ёфас ибн Нух алайҳис салом авлодидиндур. Аммо султони Рўм етмиш шаҳрни Фарангистондин тасаххира қилиб олиб эрди. Оталаридин зиёда инларни кўрсатур эрдиким, етти иклим салотинлари анинг қиличи зарбидин қўрқуб ларзада эрдилар. Айтур эрдиким, «халифат ул муслиҳиндурман». Нечунким, Макка ва Мадина манбаъи исломдур, филҳақиқат, султони Рўм султони исломдур. Бир кун Қайсари Рўм овға чиқиб эрди, кўрдиким, бир тоғ бағрида ғори бордур. Сўрдиким, бу қандай ғор? Айдилар. «Искандар тугилган ердурким, амир, султонлар бу мақомни зиёрат қилурлар». Қайсари Рўм кириб заёрат қилғоч, бир лавҳани кўрди. Ҳукамои Рўм лавҳани ўқидилар, мазмуни шул эрдиким, Искандар Зулқарнайн таваллудидин саккиз юз йил ўтгандин кейин расул акрам саллаллоҳу алайҳи вассалом таваллуд бўлурларидин саккиз юз йилдин кейин шахсе таваллуд бўлғайким, ер юзини ва кун кўзини олғай, салотинларни забун қилғай, бу ёзилган Аристотелис деган ҳақимни хатидур. Қайсари Рўм айди: «ушбу сохибқирон мандурман, чунки кўб-кўб юртлар ва мамлакатлар мани қўлумда мусаххира бўлубдур. Анда Абулмуфохир отлиг ҳақим Қайсарни хизматида эрди, султони Рўм анга қараб айди: Эй ҳақими замон, сан бу сўзга нима дейурсан?» Абулмуфохир айди: «ман ҳикмат китобларида кўрдимким, шу бу йил Мовароуннаҳрда бир ўғул туғулмишдур, они Искандари соний дерлар, Вилояти Рўм онинг тахти ихтиёрида бўлур, Қайсари Рўм анга асир бўлғай». Султони Рўм бу сўзни эшитиб, Баёнқулихонга нома ёздурди. Абулмуфохирни элчи қилиб юборди, айдиким, албатта, албатта, ўшал бачани ҳалок қилғай. Андин кўб-кўб тўхфаларни хизмати хонга келтуруб, элчи арз қилди.

Аммо айтибдурларким, етти ўлка яъни барча ақолимда уч мусулмон, тўрт кофир подшоҳлардин бор эрди. Иккинчи Дилшод хотун Бағдод шарифда малика эрди, вақтиким, Абу Саидхон Ҳолоку наслидин эрдиким, барҳам тошиб, ҳеч киши Ҳолоку наслидин қолмаб эрди. Аммо Дилшод хотун салтанат тахтида ўзи ўлтуруб эри бирла ўғли онинг фармонида эрдилар. Чақимний ҳақимга андин бир ҳикмат китоби қолғондур, ҳоло машҳурдур. Ўз еридин ингиқол қилиб, Бағдод юртина келди. Аммо Дилшод хотун қасре бино қилгон эрдиким, ҳеч кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган эрди. Чақимнийни ул қасрида ўлтуруб талаб қилди, ҳақим бормади. Айдиким, «бориб маликага денгким, тезлик била қасридин ўзин олсун, йиқилиб кетадур». Малика қабул қилмади, айдиким, бу кўр ҳафт жўшдин, яъни филиззотдин бунёд бўлғондур. Вақти ярим кечада ул қаср йиқилиб, Дилшод хотунга тушуб, минг машаққат ила чиқиб, Чақимнийдин сўрди. Бу

айдиким, Мовароуннахрда бу кеча бир ўгул тугилмишдур, ул соҳибқирон бўлур, қасри толеъимиз анда бунёд бўлгондур. Мезон уйи шамолдур, анинг иқболидин бу қаср йиқилибдур. Дилшод хотун бу сирни кайфиятидин сўрди. Ҳақим айди: «Эй малика, ул ўгул санга мусаллат бўлғай, юртингни қўлингдин олғай». Анда Дилшод хотун ҳақимни элчи қилиб Бухорога, Баёнқулихон олдига юборди, албатта, ул бачани ҳалок қилгайлар. Учунчи шоҳ Шужоъ отасин кўзига мил тортиб, подшоҳ бўлди. Бир кечаси туш кўрдиким, кўкдин қуёш Мовароуннахрга тушти. Ҳукамолардин сўрди. Бир ҳақим айди: Мовароуннахрда соҳибқирон тугулуб, хуруж қилғай. Шоҳ Шужоъ ўшал ҳақимни элчи қилиб Бухорои шарифга юборди. Тўртинчи Ҳиндистон беги ва подшоҳи Малик Раъно-Баллухон Ҳиндистон мамлакатларин барчасига султон эрди. Амир Соҳибқирон таваллуд бўлгонин эшитиб ҳақимлардин бирини элчи қилиб юборди. Ўшал болани ҳалок қилмоқ учун. Бешинчи Фаранг подшоҳидин элчи келди. Олтинчи Хитой подшоҳидин элчи келди. Еттинчи Тотару Ўрусдин ҳам элчилар келиб барчаси аҳли ҳукамодин эрдилар. Лекин мусулмон элчилар товарих китобларда ёзилгандурлар, валло кофир элчилар ёзилмагандур.

Аммо Баёнқулихонга хабар етқуздиларким, етти қирондин етти элчи келибдур. Хон буюрдиким, «Бухорога зийнат беринглар, элчиларга яхши жойдин ўрин кўрсатинглар». Анда элчилар айдилар: «бизларга рухсат берсунлар, бизларда таваққуф қилмоқ йўқ». Анда Баёнқулихон элчиларга айди: «фалон кун», деб бир ерга кўриниш муқаррар қилди. Жаноб Мавлоно Бурҳониддин соҳиб ҳидоятни Самарқанддин чақиртуруб олиб келди. Мусулмондин келган уч элчи ўнг тарафида бўлдилар. Кофирдин келган тўрт элчи чаб тарафида бўлдилар.

Соҳиб ҳидоят айдилар: Рўм элчиси муқаддам ўлтурсун, андин кейин Ироқ элчиси ўлтурсун, андин кейин Хуросон элчиси ўлтурсун. Яна кофирлар элчисига ўзига лойиқ ўрунда қарор бердилар. Аввал номасин Рўм элчиси берди. Ўқуб кўрсалар, нома мазмуни буким, «ҳамд ўшандоғ тангри таборак ва таологадур, ерни мутаббақ, кўкни муаллақ тираксиз ва танобсиз яратибдур. Ою кун ва юлдузлар бирла анга зийнат берибдур. Яна дуруд анингдек шафоатхоҳимиз расул акром саллаллоху алайҳи вассаломга бўлсун, андин кейин дуомиз Мовароуннахр султонига бўлсунким, вилоятингизда бир ўгул вужудга шу бу йилда келмиш. Ҳукамоларимиз Искандари Соний отарлар, тамоми ер юзин ва кун кўзин олиб, салотинлар анга асир ўлмишлар. Албатта ўшул ўгулни барҳам бўлмоқига ҳаракат қилурсиз, зиёда ассалом». Етти элчи барчасин номаси ушбу мазмунда эрди. Андин кейин Баёнқулихон Соҳиб ҳидоятга қаради. Соҳиб ҳидоят айдилар: Худой аззи жаллнинг тақдирин зўр бирла табдил қилиб бўлмас. Анда Сирож Қамарий отлиг хоннинг вазири бор эди, хон анга кенгаш қилди. Ул айди: шариятда қавли ҳукамо манъ қилибдур, аммо арбоб қавлида қилса бўлур, нечук, ҳукамо саъй қилибдурлар, дегач хон ўлдурмоққа ризо берди. Соҳиб ҳидоят айдилар: «тангрим хоҳламаса бир мўйини йўқ қилиб бўлмас», деб Самарқандга

кетилар. Баёнқулихон ҳукамоларга айди: Сизлар болани қайдин билурсизлар? Элчилар айди: эй хоним, сиз ушбу йил тугулгон ўгул болани бизни назаримиздин ўтқузурсиз, бизлар они қуръа бирла топиб олурмиз. Хон амр қилдиким, ҳукамолар масжиди жомеъга келсунлар, юртга жарчи қўйдиким, ушбу йил тугулгон ўгул бўлса, ота-онаси келтуруб, бир мунча олтун олиб кетаверсун. Бир ойча ҳар ерда гўдак бола бўлса келтурдилар. Элчилар кўруб, яна ота-онасига тобшурур эрдилар. Шаҳри Бухорода янги тугилган бола қолмади. Андин кейин хон Сирож Қамарийни элчиларга йўлдош қилиб атрофдаги кентларни ахтардилар. Миёнкол, Самарқанд, Хўжанд, Ҳисор ва Шаҳрисабзга келдилар. Турағай баҳодур аларни зиёфат қилди. Андин Қаршига ва Занжир Сара барлосга келдилар. Анда амир Чоку аларни зиёфат қилди. Аммо Амир Темур олти ойлик, амир Чокунни уйида эрди. Элчилар ул боланинг нишонин амир Чокуга айдилар. Амир айди: эртага болаларимизни назарингизга келтурурман. Амир Чоку келиб воқеани хотунларига айди. Тегина бегим моҳ эшитиб билди. «Нишони аломат менинг ўғлумдадур», деб хайрону саросима бўлуб эрди, ярим кечада туш кўрди. Тушида ҳазрат Шайх ул аъламни кўрди. Шайх ул аълам айдилар: «Бухорога келгил, мани қабрим ичида тургул, такяни худои таолога қилиб, яратганга сизингил. Бу ўғлунга қазои муаллақ юзланибдур». Тегина бегим моҳ ноилож ўшал тун ярим кечада туруб, боласини қучогига олиб, Бухоро тарафига йўнадилар. Қаромати Шайх ул аълам: тонг отқунча Бухорога етиб, мазори Файз Осорга кириб, ўглин бир сандуққа пинҳон қилиб, беркитти. Аммо эрта бирлан ҳукамолар Амир Чокудин сўрсалар Тегина бегим моҳ ўглин олиб қочибдур. Элчилар айди: «Нима учун мундай қилдинг?» Амир Чоку айди: «бу заифа неча кундин бери меҳмон эрди. Ман билмадим, ўглин қаён олиб кетибдур». Ҳукамолар қуръа солиб, топтиларким, Бухорога қочиб кетибдур. Орқасидин элчилар тезлик бирлан Бухорога келиб хонга арз қилдилар. Баёнқулихон юртга жарчи қўйиб ҳар ким ушбу сифатдаги болани сақласа боши ўлумда, моли толонда. Андин кейин Мозори Шайх ул аъламга келиб, болани топдилар. Гунбазни атрофин олдилар. Тегина бегим моҳ золимлардин кўрқуб, боласин қучоқга олиб йиғлар эрди: «Замон-замон,— айтар эрди,— валлалло, бу бачаи бегуноҳни илқидин тутунг». Баёнқулихон хабар топиб келиб, Мозори Шайх ул аъламни зиёрат қилди. Элчилар айдилар: бу бачани шул ерда ўлдурурмиз. Анда Тегина бегимга айдилар: «сандуқни бизларга келтур. Санга ишимиз йўқ». Бегим моҳ кўб зори қилиб, келтурмади. Аввал Хуросон элчиси болани олдиға, Мозори шарифга кирди. Тегина бегим моҳ муни кўруб нола қилиб Қутбул Қатобдин истиёноот тилаб, олло таолога зори қилиб айди: «Эй яратган тангрим, мазлумларни додиға етгил, муножотимни қабул этгил», деб йиғлар эрди. Анда элчи сандуқга яқин келиб эрди. Ногоҳ муборак қабр ичкарасидин кўтарган гойибдин бир қўл чиқиб, ҳакимни бўйнига уруб, калласи олма каби беш қадам нариға юмалануб тушти. Шул сабабдин аввал Хуросон мусаххира бўлур. Иккинчи Ироқ элчиси келди, қабрдин яроғлу қўл чиқиб, калласин

қалам қилди. Ул ҳам ҳалок бўлди. Кейин Ироқ мусаххира бўлур. Учунчи Ўрус элчиси келди, ул ҳам ўлди. Тўртинчи фаранг элчиси келди, ул ҳам калласи узулуб ўлди. Бешинчи Ҳиндистон элчиси фарангни таъна қилиб, ул ҳам ўлуб қолди. Олтинчи Рўм элчиси ниҳоятда ғайратда бўлуб қадам қўйуб эрди, гойибдин яроғлу қўл чиқиб андоғ урдиким, дарҳол ҳалок бўлди. Дерларким, ҳар элчи келди, ҳалок бўлди, бирин-бирин мамлакатлари мусаххира бўлур. Еттинчи Хитой элчиси айди: ман ҳам кирсам албатта ҳалок бўлурман, энди эй муслимлар, агарчи ман кофир бўлсам ҳам, билурманким, авлиён олло қабрларида фаришта бўлур. Бу яроғлу қўл аларни қўзидур. Мунда ит бирла кирса фаришталар қочар эрди. Буюрдиларким, ит келтурунлар, андин кейин ит келтурдилар. Элчи кучук бирла кириб, қабри шарифдин Тегина Бегим моҳни ўгли бирла олиб чиқти. Анда қуёш амири офоқ сандуқина беркинди. Мухолиф юлдузлари кўк сафҳасида жилва қила бошлади, яъни кун кеч бўлуб қоронғу бўлди. Ҳаким айди: ҳоло бу болани олиб ўлдурурман. Хон айди: «Сабр қил, тонгла бўлсун, барча кўрсунлар. Аммо шу кеча Баёнқулихон Мозори Шайх ул аъламда эрди. тушида кўрди, айдилар, «биз сани подачи мартабасидин султонга еткурдук. Бул бечора бул ерға сигиниб келса, куффорлар сўзига амал қилиб, бегуноҳ болани ўлдурмоқға ҳаракат қилурсан. Муни Амир Чоку олдиға Занжир Сараға юборғил». Дарҳол ўрнидан туруб, Тегина бегим моҳни хон ўгли бирла, либоси шоҳона бериб, Занжир Сараға юборди. Бул элчи ҳам муддаосига етмай ҳалок бўлди. Бу ишлар Амир Темур иқболидур.

Б а й т :

*Чироғини ки тангрим ёндурубдур,  
Ани ким пуф деюб риши куйубдур.*

Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Амир Соҳибқирон ўн икки ёшға келди. Амир Чоку уйда эрди. Амир Чоку халқға айтур эрдиким, бу бола ғуломзодамдин, деб. Ўз болаларидек яхши кўрур эрди. Аммо ровий дерким, амир Чоку мундин илгари Қаршиға ҳоким эрди. Баёнқулихон муни бекор қилиб, Амир Мусо Жалойирни ҳоким қилиб эрди. Аммо Тегина бегим моҳ ўн икки йил Амир Чокунин уйда бўлуб кўб-кўб тоат қилиб, мустажоб уд даъва бўлуб ҳар касал ва нуқсон бўлса келтурур эрдилар, дуо қилса, шафоат берарди. Амир Чоку Тегина бегим моҳға ихлоси зиёда бўлуб, анга жойи хос қилиб берган эрди. Анда мангу тоат қилиб ўлтурур эрди. Амир Чоку барлосда давлатманд эрди. Кўб-кўб моли ва қирқ қули бор эди. Инъом, товар ва улоғлари кўб эрди. Уларға қирқ қул бир улуг қовғада қудукдин сув тортиб берар эрдилар. Қовға занжирға бойлуқ эрди. Шул сабабдин: ўшал ерни Занжир Сара атарлар. Аммо Амир Темур Мирзо Сайфиддин Амир Чоку ўгли бирла ов овлаб юрур эрди. Хануз Амир Чоку билмас эрдиким, бу Амир Турағай баҳодур ўгли эканин. Тегина бегим моҳ ҳам айтгани

йўқ эрди. Аммо Амир Чокуга Амир Турагай яқин хеш эрди. Аксар Амир Темур болалар бирла ўйнаб юрса ўзи амир бўлуб, ўзга болаларни вазир навкар қилур эрди. Биров айди, «Або Муслим қассобни сихлик қанорасин бир бармоғи-ла отиб юборибдур, китобда кўрдум», деб. Амир Темур айди: бу сахал мартабадур, ман ҳам кўтарурман. Анда қассоб қанорасин келтурдилар, бир бармоқ бирла отиб ташлади. Андин кейин яна бир жойда қўлини юклик ароба остига қўйиб кўтариб ташлаган эрди, бу воқеани Амир Чоку эшитиб ҳайрон бўлди. Айдиким, «бу ўгул магар Жаҳонгирдур».

Амир Темурни тўрт кирдорини китобга ёзгонлар, печукким, аввал бир қўли бирла тўла юклик аробани остидин кўтаргон, иккинчи, аждар бошини тиши бирла тишлаб олиб ташлаган. Учунчи, қирқ киши тортадурган қовгаи ёлғиз ўзи тортиб олган. Тўртунчи, кўтур уйуз бўлуб, етти йилгача сира ўзин қашумаган эрди.

Алқисса, бир кун қирқ қул қудукдин сув тортиб эрди. Мирзо Сайфиддин айди: «бир киши бўлса, қудукдин ёлғуз ўзи ушбу қовгада сув олса?!» Амир Темур айди: «Бордур». Анда мирзо кула берди. Амир Темурни гайрати келиб қудук узра бориб, занжирни ушлаб тортиб, ёлғиз ўзи қовгада сув олиб, одамларга берди. Неча бор олиб, охурга қуя берди. Мирзо Сайфиддин айди: «Эй қариндош, мани ўзингга вазир қилгайсан». Амир Темур айди: «ман подшоҳ эмасман, сани вазир қилсам». Мирзо айди: «ният қилиб эрдим, агар қариндошим қудукдин қовгани тортиб олса, подшоҳ бўлур деб, ниятим тузук келди». Амир Темур аҳд қилдиким, «ман подшоҳ бўлсам, сани вазир қилурман,» деб. Ўшал кунда қирқ қовга сув олди. Барча одамлар мамнун бўлди. Бу ишни амир Чоку барча қабиласи бирла эшиттилар.

## ЭМДИ СЎЗНИ ТУРАҒАЙ БАҲОДУРДИН ЭШИТМАК КЕРАК

Баёнқулихон Кошгарга юбориб, анда туруб, кейин Бухорога келиб, Баёнқулихонга кўрунуш қилди. Андин кейин, Тегина бегим моҳ иштиёқида Шаҳрисабзга борди. Йўқун хотун телва, зинни бўлуб ва ҳам сўкур бўлубдур. Тегина бегим моҳ ани қаргаб эрди, дуои бадга гирифтор бўлуб ўлтурубдур. Тегина бегим моҳдин асар топмади. Турагай баҳодур сўрди, айдилар: «Тегина бегим моҳ отасин олдига Бухорога кетиб эрди». Баҳодур айди: «Ман Бухородин келдим, Садр аш шаърият ҳарчанд тараддуд қилиб, хабарин тобмабдурлар.»

Шул ўртада ўн икки йил ўтти. Баҳодур тополмай, йиллар эрди. Бир кеча тушида Шайх ул аъламни кўрди. Айдилар, «Эй Турагай баҳодур, хабаринг йўқ, ўғлунг ўн икки ёшга келубдур, сан бу юртда нима иш қилурсан?» Анда баҳодур уйқудин турди. Лекин Йўқун хонимни телвалиқи зиёда бўлуб эрди. Аммо барлосда Тегина бегим моҳни валиятлиқи ва доъбиялиқи ва ўглин донг-овозаси шуҳрат бўлуб, ани амир Турагай баҳодур эшитиб эрди. Андин кейин Йўқун



хоним бирла совгот ва туҳфалар олиб Занжир Сара жонибга йўнадилар. Начанд кун йўл йўруб, Занжир Сара мавзиъида қудуқ ёқасига келдилар. Хаво кўб иссиғ эрди. Анда Амир Темур қирқ қовга сув олиб, ҳориб чарчаб уйқуга бориб эрди. Ногоҳ, бир аждар-илон келиб амир Темурни кўкракига чиқиб, хоҳласаким, зарб еткурса. Турағай баҳодур кўрдик, илон анга захмат уруб, чақгудек, кўрган замон оталиқ муҳаббати жўшга келиб ҳайрон бўлуб, не мадад қиларин билмай туруб эрди. Амир Темур кўзин очиб кўрса, кўксида бир аждар-илон турур. Филҳол илонни калласин гарча тишлаб ташлади. Бу мамнуъат жумласидин биридур. Бу ишни киши қилмабдур.

Б а й т :

*Тиши бирла тишлаб, илонни кўруб,  
Узуб ташлади бошини суғуруб.  
Отаси кўруб ўглини ишларин,  
Қилиб меҳр анга бошидин ўргулуб.*

Алқисса, Турағай баҳодур бу жиҳатдин таҳсин ва таажжубда қолиб, атрофидин айланаверди. Айди: «Эй ўгул, отанг ким?» Бу айди: «амир Чоку ўғлидурман». Баҳодур айди: «амир Чокунни манга уйини кўрсатгил». Амир Темур Турағай баҳодурни амир Чокунни ҳовлисига келтуруб, амир Чокуга айди: «бир меҳмон келибдур». Анда баҳодурни кўруб, иков қучоғлашуб кўриштилар. Зиёфат қилди, андин кейин баҳодур айди: «бу гулом бачадин бу кун таажжуб ишларни кўрдим». Амир Чоку айди: «бу мани қудум эмас, мунни онаси мани синглим хонимдур, мастура ва форсо эрур, мустажоб уд даъва бўлубдур». Амир Турағай баҳодур айди: «ман тушумда бир сир кўрдим, шул заифадин ушбу сирни сўрсам». Амир Чоку айди: «Хўб бўлур». Андин кейин парда тортиб, Тегина бегим моҳни келтурдилар. Филҳол эрини кўруб, Тегина бегим моҳ тануди, ўзини махфий сақлади.

Амир Турағай тушида кўрган воқеасин сўрди. Тегина бегим моҳ айди: «худои аззи жалл Сизга бир ўгул берибдур, оламни ҳаммасига султон бўлур». Баҳодур айди: «мани сира ўғлум йўқдур. Йўқун хотунум бўлса телва яна сўқур, неча йилдин бери мундин ўзга хотунум йўқ». Тегина бегим моҳ айди: «Бир яхши ўгул бор, Сизни хабарингиз йўқ». Яна айди: «Йўқун хонимни келтурунг, ман дуо қилай, иншооллоҳ, таоло шифо бергай». Йўқун хонимни келтурдилар. Тегина бегим моҳ айди: «Эй Йўқун хоним, худои таоло санга шифо бергай, қилган ишларингни чининг бирла айтурсан». Анда Йўқун хоним ноилож қилгон ишларин айта берди: «Ишим шулки, Тегина бегим моҳни Мойдун қулга буюруб ўлдуруб юбордим», деғач, баҳодур қўлида шамширин кўтариб Йўқун хонимга солмоқ бўлди. «Қўлингни торт, ман Тегина бегим моҳдурман, бу турғон бола Сизга ўгул бўлур», деди. Амир Турағай туруб ўглини бўйнини қучиб йиглай берди. Андин кейин, Тегина бегим моҳ дуо қилди, Йўқун хоним шифо топти. Неча кун Амир

Чокуни ҳовлисида бўлдилар. Андин кейин, аларга видоъи қилиб, Шаҳрисабзга йўл солиб, ҳаммалари шаҳрға доҳил бўлдилар.

## БУ ДОСТОНДА РИЖОЛ УЛ ҒОЙИБНИ АМИР ТЕМУРҒА КЎБ-КЎБ ИЛТИФОТ ҚИЛҒОНЛАРИН БАЁНИ

«Қолаллоху таоло йухриж ул ҳайъа минал маййит ва йухруж ул маййита минал ҳаййи.<sup>1</sup> Ялинмоқ ва ёлбормоқ ва ўкунмоқ худойи аззи жаллга бўлсунким, қора ерга уланлар бериб, кўкариб ва қуруқ йиғочларға яфроғлар бериб, либослар кийдуруб хабототдин наботот пайдо бўлуб, вақти келиб ранго-ранг гуллар ва чечаклар очилиб, андин турлу-турлу емишлар ўлубдур. Ҳазрат Шайх Саъдий раҳматуллоҳ алайҳа форсий тилинда дерларким,

Б а й т :

*Барги дарахтон сабз дар назари ҳушёр,  
Ҳар варақ дафтариист маърифати кирдикор.*

## ЭМДИ КЕЛДУК БУ МАҚОЛАҒА: АХВОЛИ СОҲИБҚИРОНҒА

Аммо Турагай баҳодур Амир Темурни Шаҳрисабзга олиб келди. Соҳибқирон умри ўн иккидин ошуб, туғилгон ёши атрок ҳисобларида сичқон йил доҳил бўлуб, наврўз, йил боши, кўклам бўлубдур.

Эмди ҳазрат Амир Темурни давлат анқариби очқуси қўлга қандай келадур, қандай мамлакатларни уҳда қиладур. Ровий айтурким, Амир Соҳибқиронға жаҳонбонлиғни осори тез оид бўлаберди, доим мақсудин қуши юқори парвоз қилаберди. То сарҳадиға етгунча ушоқ болаларни ўртасида салтанат русумин қилур эрди. Ҳар бачаға бир мансабни муқаррар қилиб, ўзи амир бўлуб, ўзгаларни вазир, бакавул, яна ҳар ерга қоравул қилиб, аларға сипоҳлиқ илмини ўргатур эрди. Одамлар анга узоқ-яқиндин тамошо қилур эрдилар, ҳар кун ушбу одатда лаъбат ила ўйнар эрди. Бир кун бир оқсоқол қари киши айди: «агар амир бўлсанг жаҳонни ухдасидин чиқармусан?» Амир Соҳибқирон айди: Эй бобо, шул қадар ҳимматим қуши баланд парвоз қилғондурким, агар рубъи маскун тахти тасарруфимға келса, бир каф туфроқ каби эмасдур». Бобо айди.

Н а з м

*Ҳар нарса талабдадур, топарсан,  
Мақсудинг иморатин ёпарсан.*

<sup>1</sup> Оллоҳ таоло айтди: Ўликдан тирик чиқарди ва тирикдан ўлик чиқарди.

Эй ўгул, не ҳавасдасан, зинҳор маюс бўлмагил. Яқиндурким, макрунни ижобатда эурсан. Филҳол, ўшал оқсоқол киши ғойиб бўлди. Соҳибқирон мулҳам-болҳам бўлуб, айди: «бул киши аҳлаллодин бўлуб, умиди карам худодин. Ҳар нимарса дебдур мани ҳаққимга ижобатдур». Яна болалар ўйнаб бирини гунаҳкор қилиб, Амир Темурни олдига келтурди. Буърдиким, бу бола гуноҳкор бўлубдур, подшоҳлар каби ани жазога ижозат берди. Филҳол Соҳибқиронни нафасин таъсири бирла ушоқ болалар они йиғочга остилар. Ўшал ҳолда бу бола жон берди. Ушоқ болалар ҳар тарафга қоча бошладилар. Соҳибқирон ўзи ёлғиз ҳайрон бўлуб қолди. Аммо ғайрат қочарга ёри бермади. Андишада ўйлаб, амир Турағай ҳисориға борди.

Ўшал вақт шайх Ҳасан Қулол ҳаёт эрдилар. Минбарда муридлариға ваъз айтур эрдилар, дедиларким, «ер юзин шоҳин мушоҳада қилинглар тонгла кун чиқмасдин илғари Турағай йўлиға мунтазир бўлунглар». Эртаси барча муридлар йўл узра бориб, кўз тутуб турдилар. Қўрдиларким, бир ўгул бола келур, асари жаҳонбонлиғ манглайида ҳувайдодур. Мундин ўзга кишини кўрмадилар. Барчалари анда тавоф қилдилар. Соҳибқирон танудиким, минбар узра ваъз айтиб турган киши вақтики ўйнаб юрган кезида назар қилғон шайх турурлар. Соҳибқирон минбарни қуйи поясиға келиб ўлтурди. Шайх айдилар, «бу кун бизларни суҳбатимизга келган нимарсани дунё ва охирати маъмур: ер юзин анга тангрим бергандур». Соҳибқирон хотирида айди: «ман шундай кишидурким, қайғу ҳасратда қолғон, ғамзода, бекасдурман». Шайх бу сирдин огоҳ бўлуб, ваъз узра ҳазрат Одамдин нақл қилибдурлар: Одам алайҳис саломни халқ қилурида ҳар қайси нимарса «мандин» деб ноз қилдилар. Аммо ер ўзин заиф кўруб сукутда бўлуб, давлати узмо анга муяссар бўлди. Анда Амир Темур шайхга қўл бериб, мурид бўлди. Соҳибқирон Искандари Соний айтур эрдиким, «аввал кунларимда етмиш пири комилға қўл бердим. Етмиш мартаба ўлимдин нажот топтим, етмиш денгиздин ғаввос каби сузуб ўттим. Ҳаргиз шароб-чағир ичканим йўқ ва намоз тарк қилғоним йўқ».

Алқисса, пири комил ой каби хирқаи пурнур била мано бир хутбасида «Йухри жуҳм миназулимоти шалнур»<sup>1</sup> ўқуб Соҳибқиронни ўзлариға яқин қилди. Муридлариға рухсат бериб, айдилар: «келғил, манга йўлдош ва рафиқ бўлғил», деб андин Соҳибқирон ила бир булоқ ёқасина келдилар. Анда бир гунбази турур, сира кўрмаган. Шайх амирни қўйуб, гунбазга кирдилар. Ногоҳ бир киши пайдо бўлуб — анга бир йигит рафиқ эрди — ани ташқари қўйуб, ўзи гунбаз ичра дохил бўлди. Яна бир киши келди. Ёнида бир ўгул йўлдошдур. Бул ҳам йўлдошни қўйуб, ўзи гунбазга кириб ғойиб бўлди. Аммо ул иккала йигит кийум ва либослари ўзгадур, тилларин киши англаёлмас, алар Соҳибқиронға таажжуб қилдилар. Лекин учовлари бир бирларин тилларин билолмас. Ногоҳ ҳалиги гунбаз эшикин очиб бир сўфий, яшил кийумли киши чиқиб, бу

<sup>1</sup> Уларни зулматлардан нурга чиқарди.

учовуни ўртасида мухаййир бўлуб туруб, муборак оғзиларидин сув олиб, буларни оғзига томуздилар. Анда бир-бирларин тилларин англамоқ осон бўлди. Бири айди, «ман Мағриб бекии ўглидурман, сайд узра ов қилиб юрур эрдим, бир қуш олиб қочиб бул ерга келтурди. Отим Султон Муҳаммадур». Яна бири айди: «Ман Яман бекбачасидурман, ҳаж тавофиға борур эрдим, мани ҳам бир қуш келтуруб бул ерга қўйди. Отим султон Зуннундур. »

Булар сўфидин сўрдиларким, «бу сирни воқеаси нимадур». Ул киши айди: «бу ер рижол ул ғойиб, яъни ғойиб эронлар ўруиларидур. Дунё мадори алар била. Агар хоҳласалар подшоҳлиқ тахти иззатидин ани маззалат туфроқиға тортадурлар ва агар хоҳласалар ерли ва гадони хорлиғ туфроғидин олиб, шахриёрлиғ авжиге еткурурлар. Барча иш худойи таоло тақдири ила бўлур, ҳар кишиға афъолиға яраша ёри берилур, хусусан , ушбу йил тақдири азал кетибдур, бир подшоҳи ишлари юзланадурким, тамоми шаҳар, ўлка яъни иқлим ва кишвар анга мусаххира бўлғай. Рижол ул ғойиб анинг тарбиятиға маъмур бўлубдурларким, анинг ишида тараққий пайдо бўладур, давлати мадораға келиб авлодигача саккиз юз йил амирлиқ ва беклиқ маснадида ўлтурғайлар. Бу сўздин хулоса шулки, рижол ул ғойиб қайси қул давлатға лойиқ бўлса, анга тарбият қилурлар. Сизларни икки қуш келтурубдурлар. Рижол ул ғойибдин булар. Ҳоло сизлар ҳам ушбу суҳбатға дохил бўлурсизлар. Сизға назари марҳамат айлағайлар. Зинҳор ишларингизни билиб қилурсиз. Савол қилса, сўзни билиб дерсиз. Имтиҳон қилурлар. Бу уч киши ифтиҳол ва атворидин. Қимни хоҳласангиз салтанат либосин кийурсиз. Амирзодаи Яман айди: «бу давлат маникидур, нечунким, илмға етук киши бўлурман, ҳар илмдин хабарим бордур». Бек бачаи Мағриб айди: «имвари илмда бўлса, давлат мани қўлимға текқай, кўб-кўб ҳикмат билурман, хоҳиши давлат манга юзланғай». Амир Темур сукутда бўлди. Ул сўфий айди, эй турк бача, сан сўзламадинг? Соҳибқирон айди: «ҳарчанд ўзимға назар қилурман, эй сўфим, манда қобилият йўқтурким, рижол ул ғойиб хизматиға борсам». Амир Соҳибқиронға айди: «саинди аҳлалло исм ва қуқулари келур».

Алқисса, учовлон тўрани таклиф қилди. Ичкариға дохил бўлуб, кўрдиларким, ана базм: барча соғари муҳаббат ила саршор бўлубдурлар. Анда иккала амирзодани подшоҳлиқ унвонига келтурдилар. Яман бекбачаси айди: ман юқори ўлтурғайман. Султон Муҳаммад айди: ман юқори ўлтурурман. Аммо Соҳибқирон ҳеч нима демади. Охир ходим бирини ўнг тарафға, бирини чап тарафға ўрин берди. Қутб маликлар дастурида ўлтуруб, рижол ул ғойиб умаро каби қарор олиб эрдилар. Аммо Соҳибқирон сафда қўлин қовуштириб, таъзим узра туруб эрди. Ходим айди: «ўлтурғил». Соҳибқирон айди: «бу макони олийда ўлтурмоқ жойи эмас, хизмат жойидур». Бу сўз барчаға манзуру мўтабар бўлди. Шайх Шамс Кулол зоҳир бўлдилар. Ҳар подшоҳға рижол ул ғойиб бирлари тарбиячи бўлуб, Амир Темурға шайх Шамс Кулол мураббий бўлдилар. Айдилар, «эй ўтул, бу лойиқи амвори

салтанатдур». Муқарраблар расмига мулкларни мажора қилурлар. Анда бир киши суҳбат гўшасида бу байтни ўқидиким:

*Амирлар узуги ақиқдинки, бас,  
Узук мамлакатларгадур дасти рас.  
Бўлуб шаҳ Муҳаммад жаҳон тозаким,  
Муҳаммад отига ҳам овозаким.*

Соҳибқирон ходимдин сўрди: «бу киши ким?» Айди: «бу шайх жаноб султон Муҳаммадга тавожжих қилур». Уч шайх ўз амирзодасига тавожжих қилиб, таъриф қилурлар. Қутб булар ҳар бирин сўзларин эшитурлар. Рижол ул ғойиб барчалари сукутда эрдилар, тамоми арвоҳ тойибалар ҳозир бўлуб, руҳи хожайи жаҳон ва хожайи ориф чун моҳ тобон Хожа Аҳмад Яссавий ва султон Боязид шайх Мансурларни тамомин сўфи таъйин қилди. Қутб бошларини кўтариб, Нақшбандий пирлари Мир Кулолға айдилар: «бу мақом имтиҳондур. Булар ҳар бирин имтиҳон қилмоқ керак». Шул сўзда эрдилар, бир йигитни келтурдилар, маст, лоаъқл, бир қўлида шиша ва шароб ва бир қўлида яроғ. Кийган либоси қора. Ҳар жонибга қараб бози қилур. Қутб айдилар: «бу мани ўғлумдур, ҳарчанд тавба бердим, қабул қилмади. Уч мартаба тавбасин синдурди. Сиз учовингиз мунинг борасига ҳукм қилинглар. Яман бекбачаси фақиҳ эрди, айди. «Мунга худ ўзингиз». Мағриб бекбача ҳаким эрди, айди: «яна тавба берингиз». Соҳибқиронга айдилар: «сан нима дерсан». Анда Соҳибқирон ирғиб туруб андоғ урдиким, рижол ўлди. Ул иккови Соҳибқиронга таъна қилдилар: «бу Қутбни ўгли эрди, на учун ноҳақ ўлдурдинг? Шароб ичган жазоси худдур, ўлдурмоқ эмас». Соҳибқирон айди: «Сиз икковингиз ўз хунарларингизни айдингиз, манга лозим бўлди, ўз хунарим кўрсаттим, мен турк, хунарим ўлдурмоқ ва боғламоқдин ўзга ишим йўқтур. Бу мақомга маст келмоқ лозим эмасдур». Боз уч тўрани тарбиятчилари муноқашада бўлдилар. Бири «султон Муҳаммад тўрани сўзи хўб эрди, агар тавба берсалар, яна қилмасмуди» деди. Яна бири айдилар: «андишаъи назарга келса, таъзир лозим». Шайх Кулол айдилар: «салобати амирлиг шулдурким, гунакорни ўлдургай, хусусан гунакорким, тавба синдурган бўлгай».

Ровий айтур, ўшал мақомиким рижол ул ғойиб эрдилар, маълум эмас эрдиким, қайси ердур. Ахир, Қутб айдилар: «бу учовларинг амирлик давосин қилурсиз. Бу хонақоҳ томи узра давлат нақораси бор, яъни борабони бордур, ҳар қайсиларинг чалиб кўрунглар, кимга овоз ва садо берадур». Андин кейин уч тўра хонақоҳ томи узра чиқтилар. Аввал Яман бекбачаси чалгач, садо чиқти, андин кейин султон Муҳаммад чалди, овоз бермади. Андин кейин Амир Темур чалиб эрди, овози дилшавоз ун ва садо чиқа бердиким: «давлат, давлат Амир Темурий» деб. Таворихларда келтурубдурларким, ўшал кун рубъи маскун овозаи давлати Амир Темурий барча олам қулоқиға етиб эрди. Ногоҳ бир тарафдин боғи кўрунуб, андин бир неча ғуломлари азрақ сурат келиб, борабон чолгучини талаб қилдилар. Ул ики йигит Соҳибқирондин рад

қилди. Амир Темур беибо бораберди. Соҳибқиронни қасрига келтурдилар. Етти дарвоза қуфлик, ҳар қуфлини очиб барчадин ичкари кирсаким, афақ этаги тўла қон, мисли дийдаи ошиқон, гулгун тав, яъни эркак одамларни танаси мармар тошидин қонлари қуруб, бир курси тарошланган, атрофида яна эркак одамлар каллалари терилгандур. Аксар ушбу каби тошларни Соҳибқирон кўб кўрди. Улуслари ул вақт қолмабдурлар. Бир қизил парда, ўшал уй ўртасига торттилар, муваккиллар айдилар: «ўшал кишиким подшоҳлик даъвосин шул ўриндин ўткузилгай, деб, сандалига ўлтурғил» деди. Амир ўлтурди, ўзини хонақоҳда кўрди. Яна Қутб олдида турар эдилар: «Муборак бўлсун етти иқлимга амирлиг. Агар ўз ўғлунг ёзуқлу бўлса ўлдурмоққа таваққуф қилмайсан. Бу мисолдур, ўшал табали давлатдур. Ушул уйким, Зол дунё эрди, кўрдинг минг-минг эрларни бошларин ебдур. Ушал муваккиллар асбоби подшоҳлигинга керак эрди, буларни барчаси тимесолдур.»

Алқисса, Қутб Соҳибқиронга кўб-кўб насихатлари қилди. Кейин Шайх Кулолга тобшурдилар. Шайх айдилар: «оёқингни мани қадамим устига қўйғил. Амир Соҳибқирои оёқин шайхни муборак оёқларин устига қўйди. Кўзин очиб ўзларин Шаҳрисабзда, шайхни хонақоҳларида кўрдилар. Мунда Турагай баҳодур ул ёғоч узра ўлган болани қонига тавон тўлаб, бериб эрди. Эшиттиким, ўғли шайхнинг хонақоҳларида эрмиш. Анда хизмати шайхга келди. Турагай баҳодурга шайх айдилар: бу ўғлунгни яхши сақлагил. Андин Амир Темурни баҳодур олиб борди. Соҳибқирон ажойиб кўрганларин сўзлар эрди. Одамлар бовар қилмас эрдилар.

Байт:

*Қутбдин топди назар Соҳибқирон,  
Анинг учун бўлдиким шоҳи жаҳон.  
Ёши ўн иккидин ўтуб ул писар,  
Ғойиб эронлар этиб анга назар.  
Неча санъатни кўруб, бориб келуб,  
Нечасини эшитиб, англаб билуб,  
Минди давлат маркабиға ул сабий,  
Шуҳрати топтиким Искандар каби.*

## БУ ДОСТОНДА МУКНО РАСУЛЛИҚ ДАЪВОСИН ҚИЛМОҚИН БАЕНИ

Ҳамд ўшандоқ аззи жаллгаким, шаърият биносин андоғ мусулмонлар кўнглида мустаҳкам қилибдурким, малоҳидаларни сийлаб, гуфтуғўси ила бузолмас, ниҳоли иқбол Қалимаи таййибат жоилар бўстонида бутоқу яфроғлар бўлиб кўкарибдурким, мубтадаъалар номубарак қавли бирла ўролмас, бу сўз шарҳи Носир Хисравдурким, ани мукно дерлар. воқеаси шулким, анинг асли-Бадахшонда тугулган эрди. Ул лаъиннинг таъби зеҳни кўб етук эрди. Неча йил Бухорои шарифда таҳсили илм қилди. Ул амир

Тегин Салжутни уйга кўб келар эди. Бир кун айди: агар менга йўлдош бўлсанг, дини Мухаммадни барҳам урарман, деди. Бу койиди. Андин кейин ғойиб бўлуб, қирқ йилгача ҳеч киши они кўрмади. Қирқ йилдан кейин ўзига Мукно от қўйиб келди. Таллий деган жойига бир мағора қилди. Ул жой Шаҳрисабзга яқин эрди. Ҳар илм ва адивияларни билиб, ҳар қайси ерда касал ва ноқис бўлса, келтурсалар шифо топар эрди. Қўзи кўр бўлса, очилур эрди. Бари элат оқ кийумли бўлиб, анга муътаққид бўлдилар, уч кун горға кириб, ғойиб бўлуб, кейин чиқиб, айди: «мани бу эрта расул, яъни ялавоч қилдилар». Яна ул лаъин айди: «барчаларингиз айтингиз: Носир Хисрав расули ҳақдур». Одамлар айдилар: «бу даъвони қилсанг, муъжиза кўргузгил». Бу бадбахт айди: «ушбу чинор ёғочи узра Жаброил манга сўзлаюр». Барчалари чинор олдиға келдилар, ёғочдин овоз чиқтиким, «ман Номус Акбар, яъни Жаброилдурман, Носир Хисрав найғамбари худодур». Барчаларини ақллари қусур ўлуб анга имон келтурдилар.

Байт:

*Ул эски дарахтдин чиқибким тавуш,  
Эшитти ҳаммадин кетиб ақлу хуш.  
Мани бул сўзимдин еманг сиз малул,  
Бу Мукно бўлубдур, худоға расул.*

Наузибиллоҳ мин залика<sup>1</sup>, барча халқ айдилар: «расули охир замонга нима дейурсан?» Носир айди: «ман шарҳи Қуръондурман, ул нима маъмулдур, амал қилурман». Расулдин кейин асҳоби нафсониятлиқ келтируб, йўлни йўқоттилар. Ушбу Жабройил манга рисолат еткурубдур. Бу шаърият етмиш икки мазҳаб бўлубдур». Носир айди: «ман расулманким, етмиш икки мазҳабни бир мазҳабга мусаххира қилурман. Тобеълари айдилар: «сани мазҳабинг қайси?» Бу бадбахт ботин ва малохида ва кароматларға ривож бердиким, ани «чароғ куш» дерлар, оятни таъвил қилибдур. Анда бу лаъин айди: мани мазҳабимда намоз ўқулмоқ ҳожат эмас, нечук, айтилибдур «ётуйкул иққин»,<sup>2</sup> бизлар худони танурмиз, худони танугандин кейин, мундин ўзга нима ҳосил? Яна имом найғамбардин зиёда, нечук, Мусо расул эрди. Ҳазрат Мусоға имом эрди, Мусо шогирд эрди. Яна муъмин муъминға қариндошдур, ҳаргиз муъмин молини муъминдин хасият қилмасун, агар сизлар муъмин экансиз, молингизни бир-бирингиздин дариг тутмангиз. Ҳеч мол сизга хотундин яхши эмас. Хотунларингизни бир-бирингиздан аёмангиз, мавтуқабулон тамавтуға андоғ маъни бердиким, «хотунларингизни биров зино қилса, кўрсангиз, ҳеч нима демангиз, гўё ўз нафсини ўлдургандек бўлгай. Ҳар ким нафсини ўлдурди, вали бўлди». Яна айди: «шаръи зоҳирдур, зоҳирда сўфи бўлунг. Ботинда ҳар суратеким, ўзингиз билурсиз,

<sup>1</sup> Бу нарсдан оллоҳнинг ўзи асрасин.

<sup>2</sup> Бизга ғайб сендан ато бўлди.

фисқи ботинда ҳалолдур. Агар хотунингизга биров яқинлик қилса хурсанд бўлуб, севунинг. Майни ичингиз. Алъэзибиллоҳ, Хамру майун одамдур, гусл ҳаргиз қилманг, деб мардумларни ўзига тобеъ қилиб, атроф-жавонибга юбордиким, эй одамлар, гулли шаръини сизларни бўйнигиздин кўтарурман, яна қиёмат кунин азобидин нажот берурман. Дунё ҳаргиз охир бўлмас, қиёматдин мурод ўлгандин кейин тирилмоқ йўқ, саккиз учмоқ маънавийдур. Ҳар кимни яхши феъли маишати жаннатдур, томуғ дерларким, хуйи баъддур, қибла сизларга даркор эмас. Киши худони талаб қилса, қибла нима даркор? Олам қадимдур, хотунларингизни ўзгалар зино қилса, зиёни йўқтур, яна шароб, чоғир ичинглар, мастлик қилманг, мастлик ҳаром. Ҳоло рамозон ўн еттисини ўзларингизга ийд билинг. Ҳазрат Али ўлган кунларидур. Тарих етти юз қирқ тўққузда (1348 й.) эрди, тарихи ҳижрийни барҳам берди, ул кунни тарихин «Чароғ куш» деди, ўзига «Абдулқиём» от қўйди. Ул бадбахтни иши ўшал кунларда авж қила берди, хабари Мовароуннаҳрга машҳур бўлди. Аммо ҳар жойда касал бўлса, онинг олдиға борса сихҳат топар эрди. Носир Хисрав қавми оқ кийумлиқларни барча бошлиғи бирла уламолар кофир деб ҳукм қилдилар. Носир эшиттиким, аларни аиммаи дин, уламолар куфрга ҳукм қилибдур. Анда ул «Фидойи Носир» деб қавмига от қўйиб, начанд мусулмонларни ўлдуруб, хусусан, аиммаи динни кўб ўлдурди. Ўшал йил Бухорода ва Самарқандда ва Балхда тўрт минг муллони мусулмонлардин қатл қилибдур. Буларни хавфидин ер остига уламолар беркиндилар. Носир эшиттиким, Соҳиб ҳидоят Самарқандда ани кофирлигига ҳукм қилибдурлар. Анда фидойидин бир кишини юборди, ул Самарқандга келиб, табиб суратида бўлуб, Соҳиб ҳидоят кўзлари қарилигидин хира бўлуб эрди. Айди: «мен сизни кўзингизни равшан қилурман», деб бир доруни кўзларига қўйуб, ул ҳароми чиқиб кетти. Дарҳол кўзлари кўрмас бўлди. Кейин шогирдларига дарс айтмоққа машгул бўлдилар.

Бу сўзни Баёнқулихон эшитти, яна Бухороға Носирдин нома келди, мазмуни шулким: «бизга имон келтурсун» деб буюрубдур. Хон анда уламоларни талаб қилди. Ул кун барчалари қора кийуб бордилар. Хон сўрдиким, на учун қора кийдингиз? Уламолар айдилар, эшиттукким, сиз малоҳидага, яъни Носирга рағбат қилибсиз, деб фироқи шарифат нубиввийга қора кийдук. Хон анда қасам ичиб айдиким, малоҳида динига эътиқодим йўқдур, агар буюрсаларингиз фидойини элчисини ўлдурурман. Уламолар айдилар: «фидойининг қулоқ-бурнин кесиб юборинг». Носир эшитти. Аммо амир Тегин Салжут Носирга тануш эрди, вақтини топиб, анинг уйига келиб, айдиким, агар икки йўлдошни муяссар қилса, Малик Ол Чигатойни барҳам бериб, балки шарифати Муҳаммадига ҳалал еткурурман. Амир Тегин: «бу жинни бўлубдур, мунинг савдосин тарбиятига шарбат беринг», деб буюрди. Носир шарбатни сабабин сўрди. Амир Тегин айди: «сенинг касалинға дафъдур». Носир кулди, ўшал кеч гойиб бўлди. Ул вақт бу сўз амир Тегин кўнглида эрди, англадиким, фидойини элчиси қулоқ-бурни кесилиб, Носир олдиға келибдур. Носир номани амир



Тегинга юборди. Айдиким, «эй амир Тегин, ман шул Носирманким, қирқ йилдин илгари айтиб эрдим, агар икки йўлдош топсам, шариятга халол еткургайман», деди. Наузибиллох, Малики Ол Чигатойни олурман, холо бир йўлдош Замонбек оқ кийумлуларга бошлиқ бўлбур. Яна бир йўлдошга маъталман. Йўлдошлиқ айлаб, Баёнқулихонни ишини тамом қилмоқ учун зиёфат қилиб уйунга чорлагил, ман қўшун қилиб, тайёр қилиб юборай», деди ул они васваса ила. Йўлдин чиқиб, фидойиларга қўшулуб, «олдинга еттим», деб хонни ишини фикрига мутаффиқ бўлуб, Носир олдиға бир нома ўз мулозимидин юбориб эрди. Ул нома шаҳар дарвозасига тушуб қолди.

Сирож Қамарийни мулозимларидин бири тошиб олиб, Сирож Қамарийга берди. Мазмуни шулким, «Носир Хисрав, ўз ишингни фикрида бўлгайсан, биз олдинга етук», дебдур. Сирож Қамарий номани амир Чокуга дарҳол еткүзди. Нома мазмунидин огоҳ бўлуб, анинг фикрида бўлди. Амир Чоку айди: «талаб қилиб, анинг ишини қилурмиз, валло, ул соҳиб қиладур, зарбани тўғри келтурган бўлгай». Ўтуз кишини уй ичра мукамал қилиб, қўлларидида қилич, ул кишига юбордилар. Улар чиқиб келиб, нечани ўлдурдилар. Охир, аъзолари яра бўлиб, бирини бойладилар. Ҳарчанд қилдилар: «йўлдошларингни айтгил», айтмади. Охир ўлдуруб юбордилар. Хон анда аскарлари бирла Носир олдиға бормоқ бўлуб, аскарларига айди: «аввал бориб Балх қофиласин уринглар». Аскарлари бориб яроғ-аслаҳа топдилар. Кўби тўфангчи эрди, сотмоқ учун келтуруб эрдилар, буларни ҳам эътиқоди малохидаға эрди.

Алқисса, Баёнқулихон Шахрисабзга келиб тушди. Турагай баҳодур хон олдиға чиқти. Амир Темур ўн тўрт ёшга келиб эрди. Хон аскарларин кўрук кўрсатти. Аввал амир Чоку бўз отга миниб қарқарасин дўбулгасин устига қўйиб ўн минг йигит бирла барлосдин чиқиб яроғларин тақиниб ўта берди.

Хон чодирини зонгорни Шахрисабз дарвозасин устиға тикиб ўлтуруб эрди. Буларни кўрди, андин кейин Турагай баҳодур саманди белина миниб, найза санчқу қўлида, ўн минг фўлод кийганлар бирла ўтаберди. Андин кейин, амир Муъайяд орлот, амир Боязид Жалойир, яна амир Мусо баҳодур, ҳар қайсилари икки минг, уч минг қўшун бирла ўта бердилар. Миқдор ўн икки беклар бошлиқ ўтдилар. Ногоҳ хонни кўзи икки йигитчага туштиким, келур аргумоқ отга минган, қалқонларини олиб, бошу юзлари очуқ заррин пўта белларида, найза қўлларида. Хон сўрдиким, «бу иккови кимдур?» Айдилар, «улуғи Мирзо Сайфиддин амир Чоку ўглидур». Яна хон сўрдиким, «тўруқ отлиг кимдур?» Анда биров туруб айди: «бу Турагай баҳодур ўглидур, Амир Темур». Хоннинг назарига ёш бола кўрунуб, буюрдиким, «Турагай баҳодурни ўгли жангга бормасун». Анда Амир Темур ўк ёсин олиб, тоблаб юборди. Отилиб эллик қадам ерга бориб тушти. Мирзо Сайфиддин анга тақлид қилиб, ани ўрнига юборолмади. Андин кейин Соҳибқирон дастури Чигатой бирла хонга келиб, тизин букуб, дуо қилди. Айди: «илтимос қилиб сиздин хоҳлаюрман, давлати ҳумоюннингизда ушбу қўшун мен бирла талош қилсалар».

Анда уч кун талош қилдилар. Барчалари ақалли анинг қўлидин яроғин тортиб ололмадилар. Бу журъатни Соҳибқирондин кўруб, баъзилар ёшурун зўр қилдилар, кучлари етмади, тортуб ололмадилар. Хон айди: «ҳасбингни кўргузгул, қай мансабни талаб қилурсан». Амир Темур айди: «қуллик расани бўйнимда, тақозаи мансаб қилмасман». Анинг бу қилғони хонга манзур бўлуб ўн минг олтун инъом қилди. Ўшал кун кечгача Соҳибқирон барчага ул пулни эҳсон қилдилар.

Алқисса, хон сешанба кун ражаб ойини ўн бешинчисида малоҳидалар бирла жанг қилмоқга бордилар. Аммо малоҳидалар оқ кийумлу бўлуб бошлариға салла-ўраб, Носир қора от миниб, Мукно от кўйгон чинорни олдиға келиб, қарор олди. Тўрт тарафға тўрт ялов қўйди. Сўфилари атрофида жаҳр қилур эрдилар. Бир ёглигни боши узра солиб айдиким, «манга Жаброил жангни аҳволидин хабар берур». Бул тарафдин Баёнқулихон бориб, бир девор яқинида турди. Яшил байроқ бирла тамоми уламо, аиммаи дин атрофларида хатми Қуръон қилиб, руҳи расулилло алайҳиссаломға бағишлар эрдилар.

Атроклар расми Чингизхонийда саф бойладилар. Амир Чоку бир миқдор ўқ отимлик нарида оқ байроқни ҳавоға кўтариб келур эрди. Кейин тарафда амир Боязид Жалойир, анинг қутосдин байроқи келур эрди. Хон лашкарида ўн саккиз туг байроқ бор эрди. Турағай баҳодур қизил байроқ бирла хоннинг жиловида эрди. Минг тўфангчи олдиларида эрди. Қўрхонани Турағай баҳодурга тобшурдилар. Аммо Амир Темур хонга айди: «Мани Чокарбоши қилинглар», ҳеч ким анинг сўзини қабул қилмадилар. Ҳануз ёш бола деб. Ўшал кун Соҳибқирон яшил либос кийуб, қора ранг отға рокиб бўлуб лашкар ичра келур эрди. Ҳар ким кўзи анга тушса, қўрқар эди. Амир Турағай баҳодур ўғли деб хон ситойиш қилур эрди.

Алқисса, майдон ораста бўлди. Носир фидойи қавмлари била икки лашкар тўгри келдилар. Аммо Носир аскар ичра икки кўзи кўр киши бор эрди. Анинг отин Откин отгувчи дер эрдилар, отса бир тош ерға борур эрди. Ул айди: «ҳар вақт икки қўшун муқобил келса, манга хоннинг байроқин тўгри қилинглар, ман ҳаргиз ул ердин ўтмасман. Аммо ул кўр байталиға миниб, кўзини лунги ила боглаб, они хон байроқиға тўгрилаб қўйдилар. Ул сўқўр андоғ оттиким, бир мил йўлдин алами хонни қалам қилди. Хон байроқи йиқилди. Қўшунлар саросима бўлдилар. Дарҳол Турағай баҳодур ўз байроқин хон бошиға еткурди. Малоҳидалар югурдилар. Жалойир лашкаридин юз киши шаҳид бўлди. Амир Боязид жасадиға ўқ тегиб, аъзолари ярадор бўлди. Яна Жалойир лашкари қувват топиб ул аскарға ғолиб келдилар. Яна ул сўқури қув ўқ отти, балки байроқ кўтарган бирла аламни қалам қилди. Хон келтурди, малоҳидалар яна югурдилар, амир Чоку икки минг отлиг йигит била олдини туттилар. Мирза Сайфиддин отасин кўруб, беш юз отлиг била йўлин олдилар. Яна шум кўр байроқға ўқ отти, ҳар дафъа нобакор кўр байроқға ўқ отса, байроқ йиқилиб, аскарлар остин-устун бўлур эрди. Малоҳидалар кўб-кўб одамни ўлдуруб

юборди. Умаролар кинакаш қилиб, хонни ўрнин тағйир бердилар. Ул шум сўқурни авсофин барча билдилар. Ўшал вақт Соҳибқирон қўлда қилич, қизил қонга бўёлгон эрди. Аммо Носир Хисравни Махмуд деган ўғли бор эрди. Ул ҳам баходур эрди. Ногоҳ Амир Соҳибқиронга тўғри келди. Малоҳидалар ғавур қилдилар, бўлмади. Ани уруб калласин танасидин жудо қилиб тамуқга юборди. Соҳибқирон ўз қўшунлариға келди, кўрса умаролар аламни ўз ерига тикмакга кенгаш қилурлар. Амир Темур Соҳибқирон айди: бу иш ғалатдур, байроқни қайси ерға қўйсалар ангиз сўқурни ҳам ўшал ерға тўғри қилурлар. Мунинг фикри шулким, бир йигит бориб сўқурни бошини келтурсун. Анда Жудин баходур олтиг йигит фотиҳа олиб, иложин қилолмай қайтиб келди. Айдиким, ики минг киши атрофида турурларким, анга қасд қилса хабар берур. Хон айди: ким бориб ўшал сўқур бошини олиб келур? Анда амир Ёдгор шоҳи орлот икки юз кишини ўзига ҳамроҳ қилиб борди. Малоҳидалар сўқурға хабар бердилар. Ул айди: манга эллик киши ўқ еткузуб туринг. Дарҳол ўқ келтурдилар. Ёдгор шоҳ кўрдиким, ҳар ким анга тўғри келса, ҳалок бўлур. Ҳеч кишини кўрмас ва билмас, ўқин отиб турур. Яна Жудин отиға миниб ёсин қўлиға олиб, ўқ ота бошлади. Ул кун миқдор уч юз киши анинг ўқи тегиб шаҳид бўлдилар. Барча бу ишға ҳайрон бўлуб эрдилар. Амир Соҳибқиронни ғайрати жўшға келиб, хондин фотиҳа талаб қилди. Хон сўрди: Турағай баходур, мундин бошқа ўғлинг борму? Айдилар: йўқ. Хон айди: санга нечук фотиҳа бергайман, отанг доғингга қолмасун. Турағай баходур айди: ўғлимга ризолиғ йўқ. Яна Соҳибқирон айди: тақсир хоним ва бегим, отамни рози қилиб, манга фотиҳа беринг. Хон отасидан сўраб, ноилож фотиҳа берди. Амир Темур Соҳибқирон чодирға кириб, малоҳида суратида кийум кийуб, қўшундин чиқиб, малоҳида лашкариға кирди. Муни кўруб Турағай баходур хондин рухсат олмай, бул ҳам жўнади. Соҳибқирон сўқурни кўрдиким, байталға минган, қўлиға ёсин олған, эллик киши анга ўқ еткузурлар. Малоҳидалар кўзин шамғалот қилиб, сўқурни орқасидин келиб, андоғ урдиким, томуг чуқуриға ул қув сўқур туртунуб йиқилиб кетти. Соҳибқирон калласини танасидин жудо қилиб, соқолидин тутиб хон олдиға келтурди. Ул кун тўфони Ажий бўлдиким олти жихатдин лашкари Чигатой югурдилар. Малоҳида мунҳазим бўлдилар. Қуёш нури кўздин ёшунди. Ул кун одам боласиға андоғ қиргин бўлдиким жасади фалакидин каллаи хандалаки узулуб, қулайберди. Фалокат деҳқони ул хандалакларни ҳалокат аробасиға солаберди. Таналари ханнот қофидек туб-туб бўлуб, ажал вагончилари анинг бир донасин қўймай олаберди. Ул кун қизил денгиз тошти. Ғовғо ҳаддин ошти. Аммо хон муқаррар қилдиким, аларни нўён деб, малоҳидалар тамоми Носир Хисрав туғин остиға келдилар. Хон тўрт тарафдин аларни қамаб келаберди. Носир бадбахт ул кун бошиға ёвлиқ солди, кўрдиким, атрофдин Чигатой қўшунлари тошиб-ошиб келаберди. Ул Носир кофир ҳийла бирла жарчиға буюрдиким, нидо қилиб чақирғил. Жарчи анда чақирдиким, бу лашкари Чигатой, сизларни ўртангизда амир Тегиндин киши

йўқтур. Амир Тегин бизлар учун бош берди. Сизларни Носир давлатга еткургай. Чинок баҳодур амир Тегин қардоши, Салжутдин Чиғатой аскарда эрди. Миқдор беш минг киши Салжут лашкаридин эрдилар, ул лашкар бу сўзни эшитиб, Чинок баҳодур Салжут лашкарин ўзиға олди. Бирдан хон қўшуниға ҳамла қилдилар. Лашкарлар шикаст еди. Лашкари Чиғатой аксари талонда бўлдилар. Ногоҳ хон байроқи девор такида эрди, девор йиқилиб алам бирла икки минг киши девор остида қолди. Хонни оти хуркиб қочди, ҳар киши ҳар тарафга қочиб кеттилар. Амир Чоку хонни жоловидин тутуб, Бухороға юзланди. Турағай баҳодур Амир Темурни топиб, жоловини ушлаб айди: Эй ўғул, аскарлардин хабаринг йўқ. Соҳибқирон кўрдиким, қўшунлар барчаси тарқашибдур. Андин Шаҳрисабзга келдилар. Қўб мол-ғаниматлардин малоҳидаларға қолди. Бу воқеани фидойилар мўъжиза ҳавола қилур эдилар.

### БУ ДОСТОНДА АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ БУРҲОНИДДИН СОҲИБ ҲИДОЯТГА КЕЛМОҚИ, УЛ КИШИНИ МУНОҚАШАЛАРИНИ БАЁНИ

Олон, Носир Хисрав лашкари Баёнқули қулиға Зафар топиб, фидойилар қай ерда мулло бўлса, ўлдира берди. Мовароуннаҳр му- сулмонлариға замон тор бўлди. Ҳар жонибдин ақли қисқа кўплар ул шумға имон келтурдилар. Носир малъун кофир фидойидин би- рини Шаҳрисабзга хат бирла ханжар қўлиға бериб юборди. Ул ҳароми Шаҳрисабзга ярим кечада кириб, Турағай баҳодур ётган ўрнида ёсдуқ узра ханжарни, кўкси узра хатни қўйиб чиқиб кетти. Тонгла баҳодур уйқудин туриб хатни ўқуб кўрдиким, айтибдур: «Носир расули худодур, амир Турағай баҳодур келиб, имон келтур- сун, бўлмаса омон йўқ ҳалок бўлғай». Турағай баҳодур Амир Темур- ни талаб қилиб, машварат қилди. Соҳибқирон манъ қилди. Турағай баҳодур айди: замонасозлиқ учун олдиға борурмиз. Андии ке- йин Соҳибқирон икковлари мубоҳаса қилмоқ учун бордилар.

Арбоби таърих дерларким, ўшал йил Носир ҳикматда топиб эрдиким, Амир Соҳибқирон хуруж қилғай. Аммо билмас эрдиким, қайси кишидур. Носир қавмлари буюрдиким, Турағай баҳодур ўғли бирла таҳайит учун сажда қилсун. Носир айди: «булар ҳали янги келган, аввал менга имон келтурсун, сўнгра сажда қилмоқға буюрғайман» деб ўз шариятин баён қилиб, буларни чинор такиға келтуруб, айди: «Эй мукно, сан шаҳодат бергил мани набилиғимға. Ўшал замон йиғочдин овоз чиқтиким: «анта расулиллоҳ».<sup>1</sup> Аммо Жаброил андоғ фасоҳат ила сўзлаюрким, Турағайни сайд қилса. Соҳибқирон кўрдиким, отаси анинг сўзиға эътиқод қилғудек. Амир Темур айди: «Эй Носир, шарҳи Қуръонман деурсан, Қуръонда саждаи таҳайит манъдур». Бовужуд, Соҳибқирон қуввати муноқашаси бўлмаса ҳам қўб сўзларни деди. Носир айди: «эй амир

<sup>1</sup> Сен пайгамбарсан.;

Турагай баходур, ўғлунга айгил, хомуш бўлсун». Турагай баходур Амир Темурни кўлидан ушлаб келтурди. Носир кофир айди: «Нима жавоб дерсан, имон келтурурсанму ё йўқ». Турагай баходур тонгла жавоб берурман, деб уйларига ёндилар. Келиб ўглига гинакаш қилди. Амир Соҳибқирон айди: «Эй ота, имон келтурмангизким, ул кофирдур. Ман бу кеча Самарқандга борурман, айммадин олдиларига, кўрайким, нима деюрлар. Бир киши уламолардин келиб Носир била ижлос қилсун, сиз андин тонгла ўн кунга мухлат сўранг». Аммо Соҳибқирон отасига видоёи қилиб, Самарқанд сарига юзланди. Амир Турагай баходур эртаси Носир олдига бориб, айди: «ман санга имон келтурсам, ўн кун мухлат бергил». Носир шум айди: «санга омонлиғ бердим, ўғлунг Самарқандга бориб, ижлос учун киши келтурурман деб кеттими?»

Алқисса, Соҳибқирон Самарқанд ичра кирди. Чақириб айди-ким, «эй аҳли ислом, ҳар киши уламодин бўлса бориб Носир Хисрав била муноқаша қилсин, шарифатдин сўзласун, қиёматга шафоат истаса, дини расул алайҳиссаломга ривож берсун». Эшитиб барча мусулмонлар йиғладилар. Амир Темур ҳам йиғлар эрди. Одамлар айдилар: «уламоларимиз фидойидин кўрқиб ер остида беркинув ётурлар. Олимлар муаллими Соҳиб ҳидоятдурлар». Соҳибқирон: «мани ул азизга олиб боринг», деди. Анда мударрис олдиларига бордилар. Соҳибқирон кўрдиким, ҳазрат Соҳиб ҳидоят мударрис афандимиз кўзларини рўймол ила боғлаб дарс айтиб ўлтурурлар. «Ман қулингиз амир Турагай баходур ўгли бўлурман, хизматингизга келдим. Қадами шарифингизни Носир олдига еткурсангиз».

Соҳиб ҳидоят айдилар: «ман ҳам малоҳида кофир деб ҳукм қилиб эрдим. Ул шумлардин бири табиб бўлуб келиб, кўзумга дору қўйуб, кўрмас қилиб қўйди. Ман ҳам алардин кўрқувда эрурман».

Аммо Носир шум фидойидин бирини юбордиким, Амир Темур мулоқатда бўлгач, шаҳид бўлуб, ёлгончи дегил. Ўшал ҳол ул шум фидойи келди. Амир Темур Соҳиб ҳидоятга сўзлаб ўлтуруб эрди, дарҳол маърака ўртасига кириб, айди: «ман билурман бу йигит фидойидин, мусулмонларни барҳам урғали келибдур». Анда Амир Темур: «Турагай баходур ўғлидурман», деди. Халқ бовар қилмадилар. Яна қасам ичти қабул қилмадилар. Охир, Амир Темурни ушлаб, ўшал кеча мадрасаи Низомулмулкда сақладилар. Соҳиб ҳидоят воқеада кўрдилар. Ўшал кеча тушларида расул акром саллаллоҳу алайҳис салом афандимиз қора кийум кийиб келдилар, айдилар: «эй Бурҳониддин, тургил ул йигит чин сўзлаюр. Ул йигитни топиб, малоҳидалар олдига анинг бирла борғил, зафар топгайсиз».

Филҳол, уйқудин турдилар, кўзлари мунаввар бўлуб, очилибдур. Олам муаттар бўлубдур. Ўшал соат йиглаб, Амир Темурни топиб келтурдилар. Одамлар барчаси эшитдилар Соҳиб ҳидоят кўзлари сихат топубдир, деб хосу ом зиёратга келдилар. Амир Соҳибқиронни яна навозиш қилиб сийладилар. Соҳибқиронга Соҳиб ҳидоят айдилар: «эй ўғлум, сан борғил, кетингдин тезлик ила ман борурман». Амир Темур илгари жўнади. Ҳазрат Соҳиб

ҳидоят асбобларни муҳайя қилиб, неча теваларга китоб юклаб, миқдор тўрт минг улуғ, машҳур муллалар била йўлга туштилар.

Аммо Соҳибқирон ўнинчи кун деганда Шаҳрисабзга келиб кўрдиким, Носир кофир Амир Турағайга ғавго қилиб турур. Баҳодур айтур: «тавфиқ қилгил, ўғлум келиб санга имон келтурса, ман ҳам имон келтурай». Ушал вақт Соҳибқирон бориб айдиким, «Соҳиб ҳидоят яқин келурлар. Эй Носир, санга муноқаша қилурлар. Агар Соҳиб ҳидоят Бурҳониддинга ижлосда ғолиб келсанг, ман санга имон келтурурман», деб уч кун муҳлат сўради. Уч кун ўтгандин кейин Носир шум ўз кўнглида айди: «агар Турағай баҳодурни ўғлини йўқ қилмасам, ул мани динимни барҳам ургай», деб, Турағай баҳодур олдига келди: «Тез бўл, ўғлунг билан имон келтур, бўлмаса, санга омон бермасман».

Соҳибқирон ҳар замон Самарқанд йўлига қараб-қараб турди. Носир кофир келиб, Амир Темурни белига қўл уруб, фўтасидин тортти. Филҳол, юз киши фидойидин келиб ул малъунлар Амир Темурга ёпуштилар.

Турағай баҳодур ҳайрон бўлди. Амир Соҳибқирон чин кўнглида нола қилаберди.

Б а й т:

*Илоҳи, подшоҳи кирдикор,  
Санга очуқ ниҳон ва ошкор.  
Умид бирла кўтарибман билагим,  
Илоҳи, сан қабул этгил тилагим.  
Илоҳи, бандани еткур мурода,  
Қилибон мубтало, қўйма орада.  
Илоҳи, дўстларингни ҳурматидин  
Чиқарма ул ҳабибинг суннатидин.*

Ногоҳ, Самарқанд тарафидин чанг-тўзон ҳавога чиқа бошлади. Чанг орасидин оқ кийумлилар кўрунди. Фидойиларга ларза пайдо бўлди, барчалари овозларин чиқариб айдилар: ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расувлуллоҳ.<sup>1</sup> Фидойилар Соҳибқиронни қўлдин қўйиб юбордилар. Соҳиб ҳидоят етиб келдилар. Аҳли ислом Соҳибқирон бирла олдилариға келдилар. Носир кофир чодир ичра ва олтун курси узра ўлтуруб эрди. Соҳиб ҳидоят Носир шумни олдига кириб айдилар: «Эй Носир, сан савол қилурмусан, ё биз?»

Носир малъун айди: «Ман савол қилурман». Кўрсалар такаббурлиқ ила курсида ўлтурур. Яна курсидин тушурмоқ учун айдилар: «соил зиёдаму ё масоил?» Носир айди: «масоил зиёдадур». Айдилар: «турғул, тахт узра ман ўлтурурман, масоилдурман». Ҷавобиға дармонда бўлуб айди: Сиз савол қилинг. Бурҳониддин айдилар: мунофиқдурсан, сўзингни мувофиқи йўқтур. Соҳибқирон курси келтурди. Соҳиб ҳидоят курси узра ўлтурдилар. Яна айдилар: сўзлагил, нима дейурсан? Анда саросима бўлуб айди: ман расул бўлурман. Бул киши айдилар: «мўъжизанг

<sup>1</sup> Оллоҳдан бошқа маъбуд йўқ ва Муҳаммад унинг пайгамбаридир.

нимадур?» Ул маълун айди: манга фаришта вахий келтургандур, оти Мукнодур. Чинор йигочи ичрадур. Бурхониддин айдилар: агар Жаброил бўлса, буюргил андин ўзга ерда сенинг нубувватингга гувоҳлиқ берсун. Ул айди: худо ўшул йигоч ичра хукм қилибдур. Яна айдилар: буюргил, ўшул йигочни бутоқ-яфроғида сўзласун. Ул малъун махзул бўлуб, жавоб бермади. Айдилар: шариатингга нима бор? Айди: мўъминлар бир-бири ила қариндош, мол-аёлда шерикдурлар. Соҳиб ҳидоят айдилар: масалан, барчани молини келтуруб, бир-бирига аралаш қилса, ани яна тақсим қилсалар, мол муштарак, савоб кимга бўлур жазм қилгил, нима хукм қилурсан? Ул лаъин жавоб тополмади. Яна айдилар: аҳли аёлга шерик дейурсан, масалан, бир хотунни неча киши келиб зино қилсалар, андин бола тугулса, қайси бириники бўлар, эмди айгил? Анда махзул бўлуб, ул шумнинг қора юзидин нонок тери оқа бошлади. Соҳиб ҳидоят Турағай баҳодурга қараб айдилар: Ёфас ибн Нух алайҳис салом замонларидин бери ота-боболаринг барчаси подшоҳлиқ, амирлиқ ва беклиқ қилиб ўтубдур. Уларни замонларида мундай кишини сўзин хотунларингга ўзгалар шерик, молларингга ўзгалар меросхўр деб эшиттингму? Турағай баҳодур айди: худо гувоҳ бўлсунким, ман мундин кечтим, безордурман. Носир шум айди: Эй Соҳиб ҳидоят, Мукно амри била пайгамбарлик даъво қилурман. Тонгла Мукно олдига боргил, анда ижлос қилгил. Анда ҳам махзул бўлсам, ўз даъвомдин ўттим.

Соҳиб ҳидоят Турағай баҳодур ила Соҳибқирон жалавларин бўйнига солиб аҳли ислом барчалари йиғлашиб баҳодур уйиға бордилар. Аммо Носир муқаррар қилиб эрдиким, тонгла яроғ-аслоҳа келтурмангиз, бизларда ҳам олоти ҳамла бўлмағай.

Алқисса, эртаси Соҳиб ҳидоят отларига миниб, Амир Темурни талаб қилдилар. Соҳибқирон хотирига келдиким, мабодо Носир макр қилмасун деб қилични ёнига беркитуб олди. Аммо Носир шум фидойилардин ўн кишига яроғ ва аслаҳа беруб, бошига салла, эгнига жанда кийдуруб, қаландар каби бўлуб, Мукно йигочин атрофида турдилар, айдиким: ҳозир бўлурсиз. Ҳар вақт Мукно қатлга ҳукм қилса, таваққуфсиз мусулмонларни ўлдурурсиз.

Анда Соҳиб ҳидоят Турағай баҳодур бирла Амир Темур олдиларида, келдилар. Бул тарафда Замонбек ўн фидойи била оқ кийумлу бўлуб яқин келдилар. Носир айди: Мукно, агар ман пайгамбар бўлсам, жавоб дегил? Чинордин овоз келди: манга бетоблик юзланубдур. Турағай баҳодурни ўлдуруб, қонин бул йигочга тўксаларингиз согаюрман. Андин кейин, шаҳодат берурман, деди. Фидойилар бирдан баҳодурни ўлдурмоқга қасд қилдилар. Соҳибқирон қўлга қиличин олиб, отасин олдиға келган фидойини андоғ урдиким, қалам қилуб, томуг элатиға юбора берди.

Анда аҳли ислом форигбол яроғ-аслаҳалари йўқ эрди. Ул ўн киши ҳарба ила мукамал эрдилар, гавго қўзголиб, қўб мусулмонларни шаҳид қилдилар. Малоҳида қувват тошти. Соҳиб ҳидоят ва Турағай баҳодур яна Соҳибқирон шаҳр қўргони ичра қочиб кирдилар. Келган фидойини ўлдурдилар. Фидойилар муқаррар қилдиларким, тонгла шаҳрга от қўйурмиз. Аммо ул шум

Мукно йиғочи атрофида қўб-қўб йиғилди. Ул кеча тонг отқунча аҳли ислом йиғида бўлдилар. Андин Соҳибқирон жонсус<sup>1</sup> каби бўлуб, Носир лашқари ичра кирди. Қўрдиким, бир қора кийумли Носир қулидин Мукно сариға борур эрди. Амир Темур икки кишини ўзиға ҳамроҳ қилиб, анинг орқасидин борур эрдилар. Қўрсалар, гор олдиға келиб тўхтади. Гор эшики очилди. Андин бир киши чиқти. Анга айди: Тонгла, йиғоч, андоғ дегил — мундоғ дегил. Соҳибқирон танудиким, қора кийумли Носир ўзидур, қўб сўзларни анга таълим бериб, ул шум қайтти. Соҳибқирон ҳамроҳлариға айдиким, ман шул ердин хабар олурман. Гумон қилурманким, шул гордин чинор остиға йўл бордур. Албатта, ул йиғоч ичра киши бор. Ҳар кун йиғочдин сўзлагувчи Мукно ушбу турур, деб эшикни уруб синдирдилар. Андин чинор такиғача бордилар. Қўрсалар бир одам ухлаб ётур. Ани ушлаб, бошини ўраб орқалариға кўтариб олиб чиқтилар. Овозини чиқаролмади. Чинор атрофиға ўтун йиғиб, ўт қўйиб юбордилар. Ул одамни Соҳиб ҳидоят олдилариға келтурдилар. Шарҳи воқеани андин сўрдилар. Ул бадбахт айди: Мани отим Мукнодур, қирқ йил бўлубдур ман ва Носир иккимиз ушбу ишни ўйлаб топиб эрдук. Қирқ йиллик меҳнатимизни бу ўғул шу кечада зое қилибдур. Сиримиз шулки, аксар ман чинорға кириб Носир Хисравға сўзлар эрдим. Мандин ўзга киши бўлмас эрди. Нечун овозимиз тағаййир бўлса, ўзгалар билуб, анда Мукно лаъинни шаҳр қўргониға осиб қўйдилар. Фарёд қилдиким: «Эй, қавм, Носир сўзи албатта ғалатдур», деди.

Қавмлари қўрсалар анда чинор ўртаниб ёнадур. Носир қавмини ихлоси фосид бўлуб Мукноға ўқ отиб ўлдурдилар. Носир муни кўруб: Эй қавмларим, Жаброил манга билвоситаи шажар ҳам келур, манга бу иш тухмат бўлубдур, деди. Қавмлари икки фирқа бўлдилар. Оқиллари қўргон тагига келиб, мусулмонларға йиғлаб айдилар: бизлар хатоға кетибмиз, энди мусулмон бўлурмиз. Турагай баҳодур хоҳладиким, шаҳар дарвозасин очишни Соҳибқирон манъ қилди. Агар Носир тўғри келса жангга муқайяд бўлурлар, деди. Соҳибқирон қўргон тефасига чиқиб кўрдиким, Носирни атрофида оқ кийумлардин ўзга киши қолмабдур. Замонбек аслаҳа ва яроғин тоқинуб қўшун атрофида юрур. Носир бир гўшада бошиға ёвлиқ солиб айтурким, манга Жаброил ваҳий келтурур, фатҳ ва нусратдин хабар берур. Анда Соҳибқирон икки минг йигит жарожир била янги мусулмон бўлганларни ўзиға ҳамроҳ қилиб, лашқари малоҳида сариға бордилар. Яна Замонбек лашқари ила жанг қилмоқға турди. Икки тарафдин икки қул бири бири ила тўғри бўлдилар. Ҳар замон Носир олдиға Замонбек келиб айтур эрди: Эй Носир, зафардин хабар борму, Амир Темур фидойиларни остун-устун қилғудек. Носир айди: шощма, ҳануз Жаброил келгани йўқ. Беш ва олти мартабадами яна еттинчи келганда айди: борғил, сени Жаброил Амир Темур урушиға юборди, отингни Музаффариддин қўйди. Онинг қони сани қиличингда тўкулсин, худо тақдир қилибдур, деди. Анда Замонбек

<sup>1</sup>. Ж о н с у с — жосус



айди: бу сўз чинму? Носир айди: ёлгон десам каллам танимдин жудо бўлсун.

Андин Замонбек Амир Темур қўшунига борди. Фарёд қилдим, мандурман Музаффариддин, қайси ерда бўлур Амир Темур, они қони мани қиличимда тўкилур, тақдири худо шултур, деди. Соҳибқирон аскарини ўнг тарафида эрди, овозини эшитти. Замонбекни кўрдиким, қўлида санчқу, найза, Соҳибқиронга қарши келур. Замонбек кўрдиким, Амирни қора отлиқ қўлида қиличи, бир йигиттур. Филҳол, Замонбек айди: сан кимсан? Соҳибқирон айди: ман Амир Темур Турағай баҳодур ўғлидурман, нима дерсан? Ул айди: пайғамбарим хабар берибдурким, санинг қонингни тўкарман. Амир Соҳибқирон айди: пайғамбаринг номаъқул сўзлабдур. Анда Замонбекни аччиғи келиб, найзасин кўтариб, ҳавола қилди. Амир санчқусин ўткузуб, қиличин кўтариб, андоғ урдиким, қулоқ-бурнин шипуруб кетти. Замонбек бир юзлук бўлуб қочиб, Носир Хисрав олдиға келди. Ҳануз бошиға ёвлуқ солиб ўлтурур. Замонбек айди: Эй Носир Хисрав, Жаброил нима дер? Ул айди: қотили Амир Темур Замонбек Музаффариддиндур. Яна айди: ёлгон айтмагил?! Носир айди: ёлгон десам бошим жасадимдин жудо бўлсин. Анда Замонбек аччиғидин ғазаби келиб, қилич бирла бўйниға андоғ урдиким, ул шумни калласи учуб икки қадам ерга тушти. Шул каззобни руҳи нажаси тамуғ шахриға элчи бўлуб етти.

Б а й т:

*Айди Мукнони, мулки девлар хайлиға учради,  
Тобмади Жаброилни, Азроилға учради.  
Қилди даъвойи расуллиқ, бўлди лаъин абад,  
Топти маликни яна дўзах элиға учради.*

Алқисса, Замонбек бошни олиб Соҳиб ҳидоятни олдиларига келтурди. Турағай баҳодур кўруб, Амир Темурға киши юборди. Соҳибқирон айди: бу қавмни тирик қўймоқ ҳикматдин эмас, деб ўлдурмоқға муқаййид бўлдилар. Охир, баҳодурни ўзи келиб, Амир Темур жиловин ушлаб қайтти. Замонбекга саруполар бердилар. Соҳибқирон айди: бу қавм маҳрамадин, эрлар бир-бирларин хотунларига назар солурлар, буларни тирик қўймоқ сипочилик эмас. Соҳиб ҳидоят яна тақвия қилдилар, барчалари ул қавмни ўлдурмоққа иттифоқ қилдилар. Ул қавм ҳийла бирла бир ҳовлиға қамаб икки юз киши атрофиға ўтун қалаб, кун ниҳоятда совуқ эрди, катта-кичик барчасини ўт ёқиб куйдуруб юбордилар. Ул малъунларни жони дунё ўтиға тоб келтуролмай, томуғ шахриға қочтилар. Тонгла боқий қолганларини ҳам тутуб келтуруб ўлдурдилар. Булардин бир хотун қочиб кетти. Қолгон малоҳида чароғ кушлар ўшал бир хотун авлодидур. Носир айтиб эрди.

Б а й т:

*Ким ўлуб қолса дашт оро нечун,  
Еса они қарғаю қузгун.*

*Бул каби ўлгани яна қайтуб  
Зинда бўлғайму тонгла — маҳшар кун?*

Бурҳониддин соҳибнинг жавоблари.

Б а й т:

*Қодир Зулжалол қилди ҳаёт,  
Ҳашрда тиргузилса эса ҳар зот.  
Барча аъзолари бўлуб жужав,  
Қолмағай ҳеч Носир Хисрав.*

## БУ ДОСТОНДА АМИР СОҲИБҚИРОННИ БУҲОРО БОРМОҶИ БАЁНҚУЛИҲОННИ САРОЙМУЛҚ ОТЛИҚ ҚИЗИНИ ОЛМОҶИНИ БАЁНИ

Андин кейин малоҳида қавмларини Мавлоно Бурҳониддин афандимиз имдодлари ила тамомила ҳалок қилдилар. Итбўларидин ҳеч киши қолмади. Андин Мавлоно Бурҳониддин олдин Самарқандга мурожаат қилдилар. Аммо Турағай баҳодур қўб ғани, бой киши эрди. Ҳар ижнос моллари бор эрди. Бир кун қўб қўйларни Амир Темурга бериб, савдога юборди. Қўйларини ҳаммасини минг олтунга сотиб, пулларини белига боғлаб, бозорларни сайр қилиб юрур эрди, бир ерда қаландар маърака қилиб сўзлаюр. Қўлида қоғоз, шеър ёзилган. Айтурким, шул ёзувни қадрига ким етиб, минг олтунга олғай? Амир Соҳибқирон ҳиммати жўшга келиб, минг олтуни қаландар қўлига бериб, олди. Қаландар Амир Темурни бўйи, қоматига қараб, ҳасаб насабдин сўрди. Айдиким, отанг олдига борғил, муни отанг олдида ўқиғил, боргунча очмағил. Қаландар ҳу деб йўлига кетаберди. Соҳибқирон чақириб сўрадиким, отингиз нимадур? Аиди: отим қоғоз ичра ёзилгандур. Андин кейин отасини олдига келди. Баҳодур аиди: ҳеч матоъи олдингму? Соҳибқирон қоғозни берди. Амир Турағай хафа бўлди. Кейин Соҳибқирон очиб ўқуб кўрсалар, Хожа Камол Хўжандий ўшал қаландар экан. Шеърлари форси рубойдур:

*Он каски тамоми даҳр бигирфт нахуст,  
Заврақи, замона ситами зулм бишаст.  
Жамшиду Сулаймону Скандар гузашт,  
Бархез миён бандаки то навбати ту аст.*

Маълум бўлдики, подшоҳи мутақаддимин ер юзин ва кун кўзин олгон ўшал уч киши эрур. Турағай баҳодур бу ибрат қадрин билмади, айдиким, сани бир банги фириб бериб, алдаб кетибдур. Ўғул бўлсанг тузук бўл, бўлмаса — йўл деб қўб койиди. Амир Темур хафа бўлуб шайх Шамс кулол хизматларига келди. Ўшал кун шайх муроқабача қилиб раҳматуллоҳга уланиб эрдилар. Ўшал йил тарих етти юз эллик беш эрди (1355 й.) дорулфанодин

дурулбақоға рихлат қилдилар. Сохибқирон жанозаларини ўқуб, бир кеча шайхни қабрларида ётиб туш кўрди. Шайх келуб айдилар: Эй ўғлум, Бухороға боргил, худои таборақ ва таоло ҳикматин кўргил. Андин кейин Сохибқирон Бухороға юзланди. Начанд йўл юруб, яёвлиқдин кўб чарчади. Бухоронинг Қолақоқ деган дарвозасидин кириб борди. Бир саройға бориб, бир хужрага кириб қарор олди. Аммо дунёлиғдин бир лаъл Бадахшони киссасида бор эрди. Андин ўзга нимарса йўқ эрди. Лоилоқ, лаълни жавахир бозорига олиб чиқти. Анга ҳар ким харидорлиқ қилур эрдилар. Ногоҳ тўсиндан барча одамлар қоча бердилар. Сохибқирон ҳайрон бўлуб, буларни қочганларини сўради. Ҳеч ким жавоб бермади. Ҳар ким ҳар тарафға кеттилар. Ногоҳ бир ўғул маст лоқл келур, қўлида ханжар. Биров айди: эй турк бача, қочғил! Амир Темурни гайрати ниҳоятда баланд бўлуб, қочмади, турди. Ул ўғул қўлидаги ханжар билан Амир Сохибқиронга солди. Сохибқирон ўзини чаб бериб, лаъл Бадахшони қўлидин тушуб кетти. Ул мужиб лаълдин олиб кета берди. Амир Темур анинг кейинидин югурди. Бир одам тутуб айди: Эй турк бача, бу золим кейинидин бормағил, сани ўлдурур. Бу мужиб Бароқхон маҳбубидур. Бароқхон Баёнқулихонни ўғлидур, кўб-кўб мусулмонлар жойларига ўт қўйуб тамоша қилур. Муни тўғрисидин ҳеч ким хонга арз қилолмас. Баёнқулихон қартайибдур, мундин бошқа ўғли йўқтур. Хонимиз одилдур. Агар англаса ўғлини ўлдуermoққа таваққуф қилмайдур. Агар Бароқхон барҳам еса, Чигатой тўраларидин ҳеч киши қолмас. Лоилоқ умаро бардош қилиб турур, шояд эпақага келса. Кейин Сохибқирон мусофирлиғини ўйлаб, саройға келди. Қўлида ҳеч нима йўқлиқидин саройбон қувлаб юборди. Сохибқирон оч ва ташна бўлуб кўнглида айди: бориб додхоҳға арз қилай. Ул вақт додхоҳ Амир Ёдгоршоҳ орлот эрди. Бориб шарҳи воқеани баён қилди. Ул: туманбошига боргил, ул мандин эътиборлиқдур. Андин туманбошига арз қилди: ул ҳам айди: амир Жалойирға боргил ул мингбошидур. Анга бориб арз қилиб эрди, ул амир Баён Сулдузға юборди. Ул нўёнлардин эрди. Чигатой одамлари ичида андин зўр, паҳлавон киши йўқ эрди. Ул ҳам таҳаммул қилди. Айди: бу шарихат ишидур, қозиға боргил. Аммо қози имом Саъд эрдилар, анга борди. Арз қилди. Ул киши айди: аммо ман шарихатни олдида хонни андеша қилмайман. Лекин гувоҳ олиб келғил. Сохибқирон хўб деб, андин заргар бозорига келди. Кўрган одамларни гувоҳлиқға талаб қилди. Алар айди: бизлар фуқаро бўлурмиз, гувоҳлик беролмасмиз. Жонимиз ўзимизга керакдур. Амир лоилоқ бир масжидға келиб, очлиқдин йиқилиб ётти. Ярим кеча эрди бир қаландар, қўлида чароғи, келуб Амир аҳволидин сўрди. Сохибқирон анга воқеани баён қилди. Қаландар айди: орий, Бухорода шундоғ зулм қилғувчилар бордур. Яна айди: эрта намоздин кейин фалон минор тагига боргил, анда Малҳам порадуз ўлтурур, воқеани анга арз қилғил. Анинг риоятига мулоқат бўлғил, сани додингни Бароқхонга ул киши етқузгай, Амир Темур айди: Эй қаландар, чин сўзлагил. Қаландар ҳақиқатин сўзлади. Андин кейин Сохибқирон эрта намоздин кейин минор тагига борди. Анда бир дўкон ичра бир оқсоқол киши эски

нимарсаларни тикиб ўлтурар, кийумлари тамом-эски турур. Амир Соҳибқирон ҳайрон бўлди. Хотирига келдиким, бу киши мани фарёдимга қандай етгай?! Охир они олдига келиб салом қилди. Ул киши жавоб саломин бериб, ўз ишига машғул бўлди. Бир ҳарф сўзламади. Соатидин кейин воқеани арз қилди. Соҳибқирон сўзин хўб тинглаб ўлтурди. Айди: умароларга арз қилмадингму? Амир арз қилдим дегач, шогирдларидин бирин Ёдгор шоҳга юборди. Амир кўнглида айди: бул гайр киши бўлса, умаро нечук мунинг олдига келур? Ногоҳ кўрдиким, амир Ёдгор шоҳ рангги бўзарган, туси оқарган келиб бул кишига таъзим қилди. Бу оқсоқол киши анга қарамасдан ўз ишига машғул бўлди, соатидин кейин анга қараб айди: Эй яратгандан кўрқмаган золим, нечук адл ила сўзламайсан? Бул бечорани арзин англамайсан? Андин кейин амир Ёдгоршоҳ кўрқиб айди: оре, бул йигит манга арз қилиб эрди, амир Муъайяд туман бошига юбориб эрдим, ул мандин илгаридур. Яна шогирдин анга юборди. Андак вақтдин кейин кайфи учуб, рангги қочиб амир Муъайяд келди. Бул кишига таъзим-тавозеълар қилди. Бир замондин кейин анга айди: Эй жобир, нечук мунинг арзин англамадинг? Ул айди: ман амир Боязид мингбошига ҳамол қилиб эрдим. Андин кейин кўрқуб букчайиб амир Боязид келди. Ул айди: амир Баён Сулдузга юбориб эрдим, андин кейин Баён Сулдуз саросима бўлуб, Нўён йўлдошлари ила келди. Алар барчаси жиғалиқ кимхоб тўнлик эрди. Бул қари киши сира илтифот қилмади. Улар мунтазир бўлуб, тавозеъ била турдилар. Амир Соҳибқирон бу ишларни кўруб ҳайрат денгизига ғарқ бўлуб, таажжуб бармоқин тишлар эрди. Бир фурсатдин кейин айди: Эй Баён Сулдуз, сан Қорачор нўён бўлсанг, бу мусофирнинг арзин нечук эшитмадинг? Ул айди: Эшиттим, шаръий шариф қозиға ҳавола қилдим. Буюрдиким, қозини келтурунг. Андин кейин қози имом Абу Саид келдилар. Амир Темур анинг иззатиға таажжуб қилур эрди. Ул қари бобо ўлтурган жойида айди: Эй қози, нечук шарият ҳукмин жорий қилмадинг? Қози айди: шоҳид талаб қилдим. Бул йигит чиқиб кетти, қайтиб келмади. Андин кейин Соҳибқиронга назар қилди. Амир айди: Ман заргарлик бозорига бордим, алар айдилар: биз фуқародурмиз, шаходатлиқ беролмасмиз, дедилар. Қари бобо айди: боринглар, аларни келтурунг. Бориб заргарларни келтурдилар. Алардин лаълни баҳосин сўрди. Алар айди: бизлар қозини олдида қандоғ гувоҳ бўлурмиз? Бароқхон золимдур, андин кўрқармиз. Анда ул қари кишини аччиғи зиёда бўлуб, газаби келиб, Бароқхонни келтурунглар, деди. Соҳибқиронни жигар-бағрида тамом тоқат қолмади. Айди: Эй бобо, на учун булар сизни мунча иззат қилур? Қари бобо айди: жим ўлтиргин, маълум қилурман. Аммо ўз ишига машғул бўлди. Барча сукутда эрдилар. То қари бобо сўзламагунча, ҳеч ким сўзлаёлмас эрди. Ногоҳ шотирлар кўнғирогин садоси кела берди. Кўрсалар, асъасаю дабдаба ва шон-шавкат ила Бароқхон келур. Анда умаро ва фуқаро барчалари ўринларидин турдилар. Анда минор тағиға барча катта-кичик йигилдилар. Анда қари бобо сукутда эрди. Бароқхон била барча умаро, беклар ул кишига қараб мунтазир эрдилар.

Кейин қари бобо Бароқхонга қараб айди: Эй золим, тоқайғача саңга мадху сано қилурман ва зомин бўлурман, эмди отанга айтурман, халок бўлурсан. Бароқхон айди: эй бобо, мани ёзуқим нимадур? Анга воқеани баён қилди, яна айди: эй бобо, хабарим йўқдур, деб маҳрамни талаб қилиб сўради. Бовужуд, маҳбуби эрди. Маҳрам айди: лаълини мастлиқда билмадим қайда қолибдур. Бароқхон қўлини кўксига қўйуб тавозеъ била айди: эй бобо, маңга рухсат беринг, бул йигит эртага мани олдимга борсун, лаълини икки баҳосин берурман. Заргарлар айди: баҳоси миңг олтун эрди. Хон айди: икки миңг тилло берай. Анда ул кишидин барчаларига рухсат бўлуб, кеттилар. Андин кейин, Амир Темурга айди: йигит тургил. Бароқхондин бориб молингни олгил. Соҳибқирон айди: даъвомдин ўттим. Сиз воқеани баён қилинг. Ул киши айди: сен ул ерга бориб, қайтуб келгил, сенга айтурман. Андин кейин, Амир лондож бўлуб хонни ўрдасига борди. Кўрдиким, . Бароқхон айвон устида айш-ишрат ила ўлтурур. Амир Темурга кўзи тушти. Туриб ёнидан ўрин кўрсатти. Маҳрамларига буюрдиким, икки миңг олтун келтурунг. Анда филхол Соҳибқирон олдига келтуруб қўйдилар, қўб узрлар қилиб айди. Албатта, мани арзи ихлосимни бобога еткурурсиз. Андин кейин Амир Соҳибқирон олтуларни олиб яна истиқболи қари бобони олдига келди. Бобо айди: олдингму? Амир айди: оре, олдим. Андин кейин олтуларни икки тақсим қилиб бирин бобони олдига қўйди, бул киши хафа бўлуб, айди: эй подон бола, дунёга мани хожатим йўқ, маңга олтун қахат эрмас, ўзинг олгил, харажат қилурсан. Соҳибқирон айди: Эй бобо, маңга сириңгизни айтиб, ман бечорани хурсанд қилинг. Қари бобо айди: Эй барно йигит, мани сўзимни эшитгил. Ман қирқ йилдин бери порадузлик қилурман. Кишидин тамаъ қилмасман. Шул минорага чиқиб азон айтур эрдим. Ўн йил бўлубдуким, ахшом вақтида ёмғир ёғар эрди. Ушал вақт бир хотун ўта берди. Ани қавми чигатойдин бир маст турки келиб шул хотунни қўлидин тортиб, бир уйга келтурди. Ул заифа фарёд қилдиким, мани қўлидин, эй мусулмонлар, халос қилинлар. Ман порсо бўлурман. Яна эрим айтиб эрдиким, шу бу кеча уйда бўлмасанг, талоқ қилурман. Яна мани бу ахволда кўрса, балки ўлдуруп, маңга раҳм қилинлар, дер эрди. Ман ани қўлидин нажот бергали туркини уйига бордим. Анинг қуллари келиб мани ура берди. Ман алардин қочтим. Кўрдиким, ул мазлумани уйига олиб кирди. Ман ўйлаб, бул хотунни эридин талоқ бўлмасин фикрин қилдим. Ул вақт кечани аввали эрди. Минорага чиқиб овози балаид ила ассалату хайрум миң ан навм<sup>1</sup> деб чақира бошладим. Баёнқулихон арк узра Қуръон тиловат қилур, экан, эшитиб, муқаррабларни чақириб, шул вақт азон айтур кимдур, деди. Алар айди: телбадур ё аблаҳ жиннидур. Хон мунда бир воқеа бор, деб киши юборди. Ул келиб мени минорадин хонни олдига олиб борди. Хон сўрадиким, телбамусан ё хушёр? Ман айдим: хушёр эрурман. Анга воқеани баён қилдим. Хон ул турк била мазлумага киши

<sup>1</sup> Намоз уйқидан афзал.

юбориб, келтурди. Яна ул хотунни эрини талаб қилиб келтурдилар. Туркни қоф ичра солиб, бўғуб ура-ура ўлдурдилар. Хотунда гуноҳ йўқлигин эрига маълум қилдилар. Андин кейин хон мани ўзига ота қилди. Айди эй ота, мани томуг ўтидин нажот бердингиз, энди ҳар воқеа шаҳр ичра бўлса, мани огоҳ қилгайсиз. Худои таоло учун онд айтурманки сиздин бошқа азони бемаҳал айтиб маълум қилгон киши йўқдур. Мазлумлар додига етсам, деди. Холо, муддат ўн йил бўлубдур, шул ишга маъмурдурман. Бул сабабдин шул кунгача умаро мандин қўрқарлар. Воқеа шулдур.

Амир анга видоълашиб, саройга келди. Саройбонга пул берди. Холо, Бобо породўз дерлар, қабрлари Бухорони жануб тарафидаги дарвозададур.

## ЭМДИ СЎЗНИ БАЁНҚУЛИХОН ПОДШОДИН ЭШИТМАҚ КЕРАК

Бир кеча тушида Шайх ул аъламни кўрди. Айдилар: хилофи шаръий қилмагил, тургил, қизларингни эрга бергил. Баёнқулихонни тўққиз қизи бор эрди. Уйқудин туруб, барча қизларини жамъ қилди. Айди: Эй болаларим, эр ихтиёр қилинглар. Барчалари қабул қилди. Барчасидин кичиги Сарой Мулк хонимча эрди, айди, эй ота, сизни давлатингиз соясидан ҳеч жойга бормасмен, эр ҳам қабул қилмасмен, деди. Андин кейин хон бир қизини амир Чокуга ва бирини амир Жаҳон шоҳга берди. Бирин амир Ўлжойга берди. Ҳар қизини бир кишига берди. Кўб-кўб тўй-томошалар қилди. Бир кун яна Шайх ул аъламни тушида кўрди. Айдилар: қизингни эрга бергил. Уйқудин туриб кичик қизини чақириб айди: Эрга берурман. Қиз айди: мен ихтиёр қилмасман. Яна неча мартаба тушида кўрди. Шайх ул аълам ваҳшат ила айтурлар: қизингни эрга бергил. Анда хонимчани чақириб айди: Эй қизим, мани ризоликимга қарасанг, эрга тегмоқни ихтиёр қилгил. Анда хонимча айди: мани хоҳлашимга қарасангиз?! Мани Турагай Баҳодир ўглига берингиз. Хон амир Турагай баҳодурдин хафа бўлган эрди, қабул қилмади. Яна хонимча айди: мани хоҳлашим шулки, ким шатранж ўйнаб ютса, ман они қабул қиламан, агарчи чўпон бўлса ҳам. Хон ҳайрон бўлди. Айди: номаҳрамни сенинг олдинга нечук келтуррурман? Хонимча айди: ман қулбачаларингиз сифатида бўлай. Сиз айтинг, ким бизни қул бачамиз шатранж ўйнамоқ даввосин қилур, ҳар ким шуни ютса ман анга қудумни инъом қилурман. Хон андин кейин қизин сўзин қабул қилиб, хўп деди.

Тонгласи муни эшитиб шатранж ўйнагувчилар кела берди. Барчасини хонимча юта берди. Аммо, Шайх ул аълам тушида айтиб эрдилар, қизинг кимни хоҳласа анга бергил. Яна хонимча айди: эй отажоним, жарчига айтинг, ҳар ерда шатранж ўйнагувчи бўлса, келсун. Андин кейин жарчи бозорларда нидо қилур эрди. Амир Соҳибқирон бу овозни эшитиб, чиқиб сўрди, жарчи воқеани баён қилди. Аммо шатранж ўйнамоқда мисли йўқ эрди. Амир айди: Мен ҳам билурман. Андин кейин Амир Соҳибқиронни олиб бордилар.

Хон кўрдиким, бир турк бача, эгнида чакмон, бошида телпак. Хон айди: бу йигит нимани билур? Жарчи айди: ҳарчанд манъ қилдим, бўлмади, бирга келди. Амир Соҳибқирон ҳеч нима демади. Хон буюрдиким, қул бачани келтуринглар. Дарҳол келтурдилар. Амир билдиким, ўгул либосини кийубдур, аммо ўзи қиздур. Филҳол, кўруб бир-бирига кўнгул бердилар. Амир анда кўнглида деди.

Б а й т:

*Эй жамолинг партави хуршиди олам тобдек,  
Шавқдин айлар тегиш кўнгулум мани симобдек.  
Офият денгизидин ҳар дамда айлар баргарон,  
Халқаш зулфунг кўнгул балиқларин қуллобдек.*

Шатранжни ўртага қўйдилар. Соҳибқирон айди: ман шарт бирла ўйнагайман. Хон айди: шарт шулки, агар ютсанг, бу қулбача сеникидур. Амир айди: бой берсам нима қилурман? Хон айди: Сандин ҳеч тамаъ йўқ. Амир айди: гар ман ютқузсам шул гулом бачага қул бўлурман. Ўзи ёширун ошиқ бўлиб эрди. Эмди шатранж ўйнай берди уч бисотгача. Ҳар бисотига бир кеча ва бир кун ўтуб кета берди. Амир Темур ғолиб келди. Ахир, хонимча этакин силкитиб, туруб уйига кетти. Хон ҳайрон бўлди. Бул анойи киши деб фаҳмлаб эрди, лекин Амир Соҳибқирон ман Турагай баҳодур, ўғлиман, деб маълум қилмади. Сабаб шулки, малоҳидалар жанггида хон қочиб эрди. Амир Турагай баҳодур айтиб эрдиким, хон номардлик қилиб қочмаса, ман дафъи қилуб эрдим. Бу воқеани хонга эшиттуруб эрдилар. Хон хафа бўлуб эрди. Соҳибқирон шул жиҳатдин кўрқиб ҳасаб ва насабни маълум қилмади. Хон айди: бу кун боргил, тонгла келгул. Қул бача сеникидур. Соҳибқирон андин саройга борди. Аммо хон уйига кириб, хонимча бирла кенгаш қилди, эй ота, аҳдинггизга вафо қилиб, агарчандики, қул бўлса ҳам, анга беринг. Хон ҳайрон бўлуб ўйлаб, эшикига мулозим қўйди. Мулозимга турк бача келса, ичкари киргузмагил, деди.

Эртаси Соҳибқирон борди, дарвозадаги мулозимлар йўл бермадилар. Қайтиб саройга келиб, хужрасида қарор олди. Эртасига бир чўри Соҳибқиронни ахтариб келиб, саройдин топиб бир қоғоз хат ёзилганни берди. Айтибдурким, «ҳамд ила дуруд адосидин сўнгра ул ёрижонимга салом ва паём бўлсунким, ушбу сиз била шатранж ўйнаган қул бача хон қизи Сарой Мулк хонимча бўлурман. Иштиёқи муҳаббат манда бўлса ва соим боғинда жамолим чарогинда умид қилса хонга келиб арз қилсун. Отам одил бўлса мани анга берса керак. Мабодо бошқа қулбачани берса олмасун, нома тамом, вассалом».

Аммо Амир Соҳибқирон ул чўрига тавозеълар қилиб, йиглаб арз-холини айтиб юборди. Эртасига хон ов қилмоқ учун отланиб борур эрди. Амир Темур йўл узра бориб: Эй подшоҳи одил, аҳдингга вафо қил, деб хонга арз қилди. Хон саросима бўлуб, овга бормаи қайтиб эртасига начанд бошқа қулбачаларни юборди. Соҳибқирон ман била шатранж ўйнаган қулбача йўқ деб қабул

қилмади. Хон хайрон бўлуб, Сирож Қамарий вазирига қараб айди: боргил, ўшал турк бачага жавоб бергил, деди. Вазир дарҳол келиб айди: Эй йигит, ул хонни ўзини қизидур, боргил, мулукона тўй асбобини келтургил, деб қўлида бир қути бор эрди, Амирга очиб кўрсатти. Ичи тўла олтундур. Вазир айди: ақалли, мартаба шунча олтун келтуруб тўй асбобини муҳайё қилиб, олурсан. Вазирни мақсади бу эрдиким, албатта бу ишни уҳдасидин чиқолмас деб қилгон эрди. Аммо Соҳибқиронни муҳаббати жихатидин уч кунга мухлат берди. Агар ондин ўтса, сўзинг қулогимга кирмас. Андин кейин Соҳибқирон хужрага келиб, фикр ила ўйлаб йиглар эрди.

Б а й т:

*Ҳар ошиқни косаи чашми пур об эмас,  
Еш тўймайин юз узра дуо мустажоб эмас.*

Андин кейин Мозори Файз Осор ҳазрат Шайх ул аъламга бориб, бошин қўйуб, фиғон полаи ва зори даргоҳборига қилиб айди: эй, яратган тангрим, мани жону кўнглимни ани ишқида кўйдирмагил ва бу хижрон тогидин олиб, мани ёрим висолин богига еткургил, деб кўзи уйқуга борди. Ҳазрат Шайх ул аълам тушида келиб, айдилар: Эй Амир Темур, тургил, олло таоло қудратини кўргил. Филҳол, Амир Темур туруб, ердин бир кесакни олиб ҳожатга борди. Кўрдиким, девор тагида бир нимарса кўрунур. Бориб кўрса, бир қути турур. Они кўтариб қараса вазири қўлида кўрган қутидур. Соати таажжуб қилиб, ўз кўнглида, муни манга худо еткузди, деб эрта намозин ўқуб, сабр қилмай қўлтуқига қутини олиб, шаҳр ичра кирди. Кўрдиким, одамлар ҳар тарафга югуруб секин-секин сўзлашурлар. Андин кейин Амир ҳар қайсидин воқеани сўрди. Ҳеч ким жавоб бермади. Кўрса, Сирож Қамарий шитоб ила келур. Соҳибқирон ишқ голиб бўлуб, анга салом берди. Вазир филҳол, қўлтуқида қутуни кўриб, буюрдиким: бойла бу ўгрини. Оёқини кишан бирла, қўлини занжир ила боғладилар. Воқеа бу эрдиким, ушбу кеча хон ўрдасига ўгри кириб, хонни жароҳатлантуруб, ўласи қилиб яна бул қутуни олиб қочиб, ҳожатхонага беркитиб эрди. Одамлар саросима бўлуб у ён бу ён югурмоқларига сабаб бу эрди. Амир Соҳибқиронни қўл-оёгини боғлаб, вазири олдига келтурдилар. Амир Темур айди: мани гуноҳим нимадур деса, одамлар сўқар эрдилар. Вазир Амирни хон олдига келтурди. Кўрсалар хон тахт устида ўлтурубдур. Амирлар ва беклар хонни ўнг тарафида ва чаб тарафида ўлтурубдур. Бароқхон ўгли ҳам хонни ёнидадур. Вазир баргоҳга ўгрини топтим, деб кўрунуш қилди. Хон айди: бизни қизни талаб қилган сан эрдингму? Амир Темур айди: оре, яна айди: бизга жароҳат салгонсанму? Ондин кейин Соҳибқирон бошдин ўтган воқеани бир-бир баён қилди. Хон илтифотга олмади. Амир Темурни олиб бориб зиндонга солдилар. Аммо хон ҳолати назъга етиб, дорулфанодин дорулбақога сафар қилди.



Б а й т:

*Вақтики келиб фалак бериб иззатини,  
Ўттиз йил адл узра кўруб давлатини.  
Тушолди они умри кечиб, келди қазо  
Соқиким анга берди ажал шарбатини.*

Жумаъ кечаси рамазон ойини еттисида руҳи пўр футиҳин қуши тан қафасидин учмоҳ йиғочларин булоқиға тайрон қилди. Аммо ўлмасдин илгари Бароқхон ўглини тахтға ўтқазиб, анга васият қилдиким амирларни, вазирларни ва бекларни ўз ўрнида мандек кўргил. Сирож Қамарийни яхши иззат қилгил, деб эрди. Андин кейин хонни жанозасини ўқуб, Сирож Қамарий тобут олдида йиғлай-йиғлай олиб бориб, жасадини Шайх ул аълам ёниға дафн айлаб, қабрини устиға иморат қилдилар.

БУ ДОСТОНДА БАРОҚХОН ТАХТ УЗРА  
ЎЛТУРҒОНИ, ҚОИДАИ  
ПОДШОҲЛИҚ ХИРМАНИН КУЙДИРҒОНИ БАЕНИ

Олам ҳар кун ўлуб, дигар кун бўлуб, аммо амирлиқ маснади узра Бароқхон қарор олди. Уч кундин кейин Сирож Қамарийни ўлдурмоқ андешасини қилди. Чунки, ани қўб ёмон кўрар эрди. Сирож Қамарийға буюрдиким, саллам била жиғамни келтургил. Дарҳол туруб олиб келиб, узатган вақтида қўлидин тушуб кетти. Мани саллам била жиғамни тушурдинг, гўё ўзумни тушурдинг деб жаллодға буюруб, қўлини кести. Вазир айди: бу қўлим била етти қиронға нома ёзиб, Чигатой авлодини дунё ва охиротини маъмуриға кўшиш қилур эрдим. Бул куни мани шаҳид қилурсан деб бу рубойини айди.

Н а з м:

*Ҳайф одил шоҳдин ушбу писар,  
Талаб ўтидин бу танимда қўб асар.  
Ман шаҳид бўлдим бу кун қон ичра ғарқ,  
Фисқу исёнға ғарқ ўлуб, эй беҳабар.*

Аммо Сирож Қамарий шаҳид бўлгандин кейин юртға ғавго пайдо бўлуб, Бароқхон нохуш қилди. Отасини тамом бекларини изл<sup>1</sup> қилди. Амир Чоку, амир Баён Сулдуз, амир Ёдгоршоҳ бу каби бекларни ҳукуматдин тушуруб ўзидин йироқ қилди. Одамлар ўз бошлариға ишлар қила берди. Аммо Амир Темур зиндонда

<sup>1</sup> Изл — хўрлаш.

қолиб, Бароқхонни ёдига келмай, эсидин чиқиб кетти. Ҳаво кўб иссиғ, ёз вақти эрди. Амир Темур ҳар кеча нола ва зори қилиб, кўб-кўб йиғлар эрди.

Б а й т:

*Маъбудига арз қилди зорин,  
Даргоҳига тутуб рўйи ниёзин.  
Дедики, ҳакими фарид сенсан,  
Ва онаи жамъи дард сенсан.  
Ман ожизам ва қавийдур агёр,  
Ман бекасу хасмдур ситамкор.  
Ожизлара лутф этиб қарам қил,  
Бекасларни ғамин адам қил.*

Зиндонбон содот муътақидлардин эрди, Амирни оёқ-қўлини ечуб қўйиб эрди. Ярим кечада биров келиб Амир Соҳибқиронга салом қилди. Айди: Эй йигит, нечук мунча тушовда бўлғонинг менинг учундур, қути олгон ўғри мандурман. Тургил, санга нажот бергайман. Амир отини сўрди. Ул айди: ишинг бўлмасун, мани санга зорим йўқ, деб зиндондин Амирни чиқариб олди.

Зиндонбон. филҳол, уйқудин туруб ёнидагиларни уйғотти. Ғавго қилдилар. Одамлар атрофини олдилар. Бароқхон уйғониб, том узра чиқти. «Ўғриман», деган қора кийган эрди. Амир Темурга айди: мандин жудо бўлмагил, деб ҳар жонибдин келган киши ҳамла қилса, ул қора кийумлиқ дафъи қилур эрди. Одамлар била жанг қила-қила бир масжиди жомеъга яқин келдилар. Бир улуг йиғочга келиб қора кийумлиқ ғойиб бўлди. Амир Темур масжиди жомеъ ичра қариб, они олти дарвозаси бор эрди, одамлар ҳар қайси дарвозани олиб турдилар. Ҳеч киши журъати йўқким, ичкари кирса. Андин кейин Амир Соҳибқирон ўзини минок юқорисига олди. Анда тонг отқунча туруб кундузи бўлғоч Амирни ҳеч ким минокдин тушуrolмади. Ким юқори чиқса қўлида таблиқ била урар эди. Филҳол, ўлур эрди. Юз киши такида пойлар эрдилар. Ул кун ўтти, кеч бўлди. Ярим кечага боргонда ул қора кийумлиқ олдига чиқти. Амир они таёқ била урмоқга ҳаракат қилди. Бул айди: қўлунгни торт, дўстунг бўлурман. Амир бирла икков бўлуб туштиллар. Барча уйқуда турар. Андин ўтса икки қора кийумлуқ турур, алар ҳамроҳ бўлуб, Амирни аркга еткурдилар. Кўрса даричалар очук. Амир айди: мани қаерга олиб борурсиз, минг машаққат била қочуб юрурман. Анда ул кулди. Амирни илтифот бирла қўлидин ушлаб етти дарвозадин киргузуб, барчасига қуфл уруб, бировига келтурди. Анда, рангоранг палослар солинган, турли-турли тўшаклар солинган, анда дарҳол мўм шамъларни олтун лаган узра ёқиб қўйдилар. Андин кейин айди: сиз била шатранж ўйнаган, яна бу мушкул ишлардин нажот берган Сарой Мулк бону бўлурман. Амир Соҳибқирон айди: Эй маликам хонимча, сани ишқингдин кўб балоларга гирифтор бўлдим. Алҳамдулиллоҳ, эмди висолингни маишатингни ўтоғи манга муяссар бўлди.

*Жонни ким жонони учун севса, жононин севар,  
Жони учун кимки жононин севар, жонин севар,  
Ҳар кимнинг оламда миқдоричадур табъида майл,  
Ман лаби жононими Хиэр оби ҳайвонин севар.*

Алкисса, Амир анга асл насабини баён қилди. Хонимча билдиким, амир Турағай баҳодурни ўғли турур. Андин кейин икковлари ғаму ҳасрат деворини бузуб, маишат ўтоғини тузуб, неча кун айш-ишрат ила бўлдилар. Ногоҳ, фалакни гардиши, бир кеча Бароқхон том устига чиқиб кўрдиким, синглисини уйида чироғ ёнур, таажжуб қилиб, томдин-томга ўтиб хонимчани уйига келиб, секин эшикдин назар қилса, икков бўлуб намоз ўқурлар. Дарҳол, қулларидин ўн кишини мукаммал қилди. Хонимча салом бериб эрди, дупур-дупур оёқларни овози кела берди. Хонимча чиқиб кўрса, одамлар эшикни олдига йиғилибдур, фарёд қилдиким, «намозингдин тургил», ҳануз бўлмай намоз ичра келиб, Амирни аъзоси етмиш жойидин ярадор бўлуб, Амир ўзидин кетиб йиқилди. Муқаррар қилдиларким, ўлди деб оёқидин сургаб Шайх Ҳасан Бохурзий майдониға олиб бориб ташладилар. Андин кейин Бароқхон бир қулиға буюрдиким, секин хонимчани шаҳардин ташқари олиб чиқиб ўлдиргил ҳеч ким билмасун, чунки ман номус қилурман, ёмон от қолғай, деди.

Андин кейин Хонимчани отни орқасиға миндуруб даштға олиб чиқти. Хонимча билдиким, албатта ўлдурур. Секин қулни ёнидин ханжарини олиб, бўйниға андоғ урдиким, боши олма каби отилиб, отдин танаси юмаланиб, том йиқилгондек ерға тушиб ҳалок бўлди. Андин кейин қулни кийумларини кийиб, эгар устиға миниб, Бухородин Қаршиға юзланди. Икки кунда Қаршиға келиб, андин кейин Шаҳрисабзға йўл олди. Келатуруб, оти чарчаб ўлди, андин Кейин пиёда йуруб, Йиғочлик деган ерға етти. Анда бир сариф туслик кишини кўрди. Қўйчиларни кутуб, бениҳоят қўйлар анинг атрофида йурур. Ул одам Турағай баҳодур эрди. Хонимча йиғоч остидин борур эрди. Бошида бўрк бор эрди, йиғочға тегиб ерға тушуб кетти. Бошидаги ҳайдар кокиллари кўрунди. Амир Турағай баҳодур сўрди. Қайдин келурсан, ким бўлурсан? Бул айди: Турағай баҳодур келини бўлурман, деди. Баҳодур ҳайрон бўлди. Хонимча бошдин ўтган воқеани бир-бир баён қилди. Андин кейин Турағай баҳодур йиғлаб айди. Эй келин болам, Амир Темур мани ўғлумдур, муддати икки йил бўлубдир, ман тополмайман.

Андин кейин келинни иззат-икром бирла ҳовлисиға олиб келди. Бировини анга бериб, неча чўриларни онга тайин қилди. Андин кейин Бароқхонға нома ёздурди. Айдиким, бизни ўғлумиз Бухороға бориб, сани отанг қизини бизни ўғлумиз Амир Темур била шатранж ўйнатиб, қизини бизни ўғлумизға бағишлаб экан, анинг учун Сарой Мулк хонимча сихат-саломат бул ерға келибдур. Айди: Амур Темурни яна саломат бизни олдимиизға юборгил, бўлмаса лашқари кўрагон била бориб, Бухоро туфроқини кўкға совурғайман. Албатта

тезлик ила юборгайсан. Андин кейин нома келиб Бароқхонга тегди. Нома мазмунидин огоҳ бўлуб, хон ҳайрон саросима бўлди. Айтилди: ман билмадим ул амир Турағай баҳодур ўғли эканини. Они ўликидин ва тирикидин ному нишон йўқтур. Андин кейин ҳар тарафга одам юбориб ахтардилар.

## ЭМДИ СЎЗНИ АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОНДИН ЭШИТМАК КЕРАК

Аммо ўшал Шайх Ҳасан Бохурзийни майдонида ётганида ярим кечада муридлари шайхни зиёратлариға бориб кела туруб, кўрдиким, бир нимарса ётур, келиб мулоҳаза қилиб кўрса бир йигит, барча аъзоси ёра, секин-секин қимирлаб ётур. Икки киши эрдилар, кўтариб уйлариға келтурдилар. Андин хўб тарбиятиға муқаййид бўлдилар. Қирқ кунда сиҳат топти. Андин кейин шайхнинг хизматиға келтурдилар. Шайх Ҳасан кўб навозишлар қилдилар.

## БУ ДОСТОНДА ДЎНБОЙ БАҲОДУР АМИР ТЕМУР ҚЎЛИДА ЎЛГОНИ. АНИ СИНГЛИСИ АХТОРИБ КЕЛГОНИНИ БАЕНИ

Аммо ўшул вақтларда Урганж ҳокими Ҳусайн сўфи эрди. Ўғли бор эрдиким, оти Дўнбой баҳодур эрди. Доим сайд узра ов овлаб юрур эрди. Анинг бир қуши бор эди, чангалида тевани кўтарур эрди. Ёлғуз келиб Бухорони афгор қилур эрди. Хабар бердиларким, Дўнбой баҳодур келур. Алқисса, Бароқхон нечанд одамларни рокиб қилиб юборди. Шайх Ҳасан муруқабада эрдилар, кўзларини очиб, буюрдиларким, бир от келтиринг, деди. Дарҳол бир от келтурдилар. Амир Темурға бердилар. Айдилар, эй Темур, сан хон олдиға борғил. Андин кейин Амир Соҳибқирон отиға миниб, шаҳар дарвозасидин ташқари чиқиб, йўлни йўқотти. Ҳарчанд ахтариб қўшунни тополмади. Кун туш бўлуб, ҳароратда сувсаб эрди, бир нима бир тарафдин яшнаб кўрунур. Отини анга югуртуб борди. Кўрса бир қора ранглиқ от қозуқдин айланиб турур, они ёнида найза ерга санчуқлик. Анинг софида кўкарчин юмуртқаси каби олмос кўрунур. Қуёшни шуъласидин олмос яшнаб турур экан. Анда бир паҳлавон йигит ётур, шижоатда далир, бошидин олтун қуббалиқ дубулғасини ерга қўйубдур. Соҳибқирон ани олдиға бориб кўрдиким, от бағрида машқда сув кўрунур. Ул сувдин олиб ичти. Ул киши кўзини очиб кўрдиким, бир гўзал йигит, бугдой ранглиқ, қирра бурунлик, тиши-тишиға ёпушган турур. Анда ҳеч нима демай яна кўзини юмди. Соҳибқирон сўрдиким, очмусан ё сувсаған-мусан ё касалмусан? Яна кўзини очиб қўлтуқидин бир ҳуққани начанд машаққат ила олиб берди. Яна кўзини юмуб ёта берди. Соҳибқирон қутичани олиб кўрса, тарёқ иси келур, ҳеч нима йўқдур. Билдиким, они тарёқ хумори қилиб йиқилибдур. Соҳибқирон анинг

таковорини миниб, аттордин неча пулга тарёк келтурди. Йўл узра полиздин уч-тўрт қовун олиб анинг олдиға келиб, тарёкдин пичоқ бирла ўн мисқол кесиб берди. Зиёдасини хуққасиға солди. Ани Дўнбой баҳодур истеъмол қилиб, андин кейин сўзға келиб, айди: Эй ўғул, мани ҳақимға ажаб яхшилиқ иш қилдинг, бу муҳлиқдин нажот бердинг. Амир Соҳибқирон сўрди: ким бўлурсан, қайдин келурсан. Айди: ман Дўнбой баҳодур бўлурман. Бул ерға келиб, хуморлиқдин ўлаёздим. Худо хайр берсун, вақти била тарёк еткурдинг, мани ўлжам сеникидур. Соҳибқирон анга ҳасаб ва насабин маълум қилди. Сан била жанг қилурни орзу қилурман. Дўнбой айди: манға фурсат бергил. Анда Соҳибқирон била қовунни коса қилиб едилар. Дўнбой айди: ман бир соат ухлайин, андин кейин, сен била муқобил бўлайин деб бошин қўйуб уйқуга кетти. Соатидин кейин туруб, кўзиға қон тўлуб айди: эй бек бача, мани шартимдин эмин бўл, ман била жанг қилмагил. Амир айди: кеча сани авсофингни эшитиб эрдим, сан била жанг қилмоқни орзу қилурман. Анда кўб-кўб насихат қилди. Амир Темур тингламади. Анда икковлари рокиб бўлуб, Дўнбой баҳодур санчқусин қўлиға олиб, Амир Темур ҳам найзасини қўлиға олиб бир-бириға ҳамла қилдилар. Дўнбой баҳодур отиға маҳмиз уруб, Соҳибқиронға санчқу ҳавола қилди. Амир даб қилуб, ёқасидин ушлаб, тизин тизиға тираб, бир тортиб отдин йиқитти. Найзаси ушалди, яна жиловни қўймай отиға минди, ёсини қўлиға олиб. Амирга қараб ўқ отди. Соҳибқирон қалқон юзиға тутти, яна ўқ отди, яна Амир қалқон тутти. Дўнбой ботир шиддатда бўлуб, қилични қўлга олиб, Амирга қараб солди. Соҳибқирон қалқон тутуб эрди, дубулгаси икки пора бўлди. Амирга зиён қилмади. Амир қиличин кўтариб овоз била андоғ урдиким, Дўнбой ботир отдин юмаланиб, ерда ётур эрди. Амирни қиличи елкасиға тўрт бормоқ ботди. Дўнбой қиличин кўтариб Амирга солгач, Амирни отини тўрт оёғини қалам қилди. Соҳибқирон ҳам яёв бўлуб, иккала баҳодур ҳарба олиштилар. Амирни совuti Дўнбой яроғ қиличи зарбидин ушалди. Дўнбой совuti Амир қиличи зарбидин ушалди. Иккала паҳлавон бир-бирларидин зарбу зарбда қолдилар. Ғайрат жиҳатидин икков бир-бирини ёқалариға осилиб талаш қилдилар. Иккови ҳам бошидин оёғ терға ғарқ бўлдилар. Амирни боши ани қўлтуғида эрди. Чунки Амирдин бўйи ярим газ юқори эрди. Соҳибқирон бовужуд талош қила-қила кеч вақти бўлди. Дўнбой баҳодур воя ейдиган вақтим бўлди деб эрди. Амир андин кейин жудо бўлди. Яна ўн мисқол тарёк еди. Амирга айди: сан ҳам егил. Амир ўн мисқол тарёк еди. Амирга айди: сан ҳам яна егил. Амир қабул қилмади. Дўнбой баҳодур айди: эй йигит, мунда бир воқеа бор, сан билмадинг деб алдади. Андин кейин Амир ҳам еди. Сўнгра айди: кайфин билай десанг, сув ичгил. Пиёлада сувни қўйиб, лабиға текузуб ичган кишидек Соҳибқиронға тутти. Икки пиёла сувни Амир ичти. Соати ўтмай оғзи қуруди, юраги оғриди, қуввати кетиб, заифланди. Дўнбойдин омон талаб қилди, нажот бермади, Амир кўнгли била тангри таборак ва таолоға муножот қилди.

*Оё парвордигорим, биру борим,  
 Санга маълум ниҳону ошкорим.  
 Ўзинг бергил манга мундин нажоти,  
 Муножотим қабул эт, ушбу зорим.*

Ўшул вақт ғойибдин қўл пайдо бўлуб, Дўнбойни кўтариб ерга урди. Дўнбой айди: Эй йигит, бу нечук? Амир айди: тургил. Ҳусайн сўфи отанг хизматиға боргил, Бухоро одамиға озор бермагил. Дўнбой айди: талабим бор. Амир айди: дегил. Анда Дўнбой кишиға айтмагил деб амирға онд берди. Айди: бу ханжарни олгил, манга солгил, бошимни танимдин жудо қилгил, бўлмаса, сани ўлдурман. Эмди манга тириклик номус. Амир айди: Эй баҳодур, бул ерда бул ишларимизни ҳеч киши кўргани йўк. Яна манга қасам бергил, кишиға айтмайман, деб. Қабул қилмади. Ажали етиб эрди насиҳат фойда қилмади. Охир, калласини танасидин жудо қилиб, от ва қилич ва найзасиға қарамай Амир хафа ва қайғуда бўлуб, Бухороға келди. Бароқхон қўшунлари ҳам Дўнбойни тополмай келуб эрди. Соҳибқирон аҳдида бўлуб, ҳеч кимга сўзламади.

Аммо бу сўзни эшитмак керакким, арбобдин икки ўгул, бирини оти Асадулло, бирини оти Саъдулло, иккови Хожау Убон зиёратига борур эрдилар. Бир сойда кўб қаргалар овоз қилур, нечаси чиқуб, нечаси тушур эрдилар. Икков бир-бириға мундин хабар олайлук, деб келсалар, Дўнбой ботир қизил қонига гарқ бўлуб ётур. Оти вафолиг қилиб, эгасини атрофини олиб, қушлар ва йиртқишлар келса, дафъи қилур. Булар Дўнбой ўлугини таниб билдилар. Маслаҳат қилдилар, хон олдиға бориб, Дўнбойни ўлдурдук дермиз. Ўлугини от узра олиб, Бароқхонға келтурдилар. Бисёр ёлгон сўзладилар. Дўнбой баҳодур бошини хон дарвозаға осинглар, деб буюрди. Аммо отини ҳеч ким минолмади, занжирлаб қўйдилар. Иккала арбоб бачани туманбоши мансабига еткурди. Лекин бул сўз Хоразмда Ҳусайн Сўфиға етти. Уч кун урганжийлар мотам туттилар. Урганж беклари айдилар: Бухоро борурмиз, Ҳусайн сўфи манъ қилди. Аммо Дўнбой ботирни бир синглиси бор эрди. Иккови бир кунда отга минуб эрдилар. Отини Камол ой дер эрдилар. Гўё гўзаллигиде ҳусни ўн тўрт кунлик тўлган ойға ўхшар эрди, дудоги маржон, тишлари мисли ишжу, ўзи шўху биқу эрди. Эгниға кўрк, бошиға бўрк кийуб, халқа-халқа кокилларини одамлардин беркитуб доим газот узра юрур эрди. Кучи-қуввати огосидин неча даража зиёда эрди. Анинг баҳодурлигидин барча ваҳм қўрқор эрди. Доим авқот кофирлар била урушуб, бисёр ўлка олган сабабидин анинг лақабин Ўлжой Туркон дер эрдилар. Дўнбой Бухороға келуб ул қиз Хуросон бориб эрди. Ҳусайн Сўфи қизим эшитмасун деб, юртиға жарчи қўйдиким, Дўнбой ўлди деб ҳеч ким сўзламасун. Андин кейин Ўлжой Туркон кўб мол била отасини олдиға келди. Ҳеч ким бу воқеадин сўзламадилар. Огосини сўрдиким, қайдадур. Айдилар: Бухоро бориб, келгани йўктур. Отасиға қараб айди: бир ҳодиса бўлгандурму, нечук келмас?

Ман борурман, деди. Отаси манъ, қилади қабул қилмади. Бир кун ул қиз ов овлаб юрур эрди бир тева, маст, анга келуб дафъи қилуб эрди, ани бир йўмиқ била бир уруб ўлдурди. Эгаси араби эрди, келиб айди: ботир бўлсанг, оғанг боши Бухоро дорида турур, зўрлиқни анда қил, мани тевам оғангни ўлдургани йўқ. Бу сўзни эшитуб кайфи бузулуб, зор-зор йиглаб, отасига келуб, айди: ман Бухоро бориб оғам қонин даъво қилурман деб, баҳодурлиқига ишонуб, кечани кеча, кундузни кундуз қилуб, Бухоро шахрини дарвозасига келуб, бир ариг ёқасида қарор олди. Анда Дўнбой баҳодурни отини кўрди, ўкраб йиглаб юборди. Яна ўзини тўхтатиб, қараса, занжир ила тортиб қўйурлар, ёнига одам келолмас. Келган нимарсани ҳалок қилур. Бу қиз от олдига бориб эрди, исин олиб, тануб жим турди. Отини супуриб, қашилаб, эгар қўйди, устига минуб, регистонга борди. Жарчилар бир йигит келур, деб Бароқхонга воқеани билдурдилар. Анда хон олдига борди. Бароқхон курси узра ўлтуруб эрди. Қиз хонни тўғрисига келуб, қарши бўлуб, тиз букуб ўлтуруб шарҳи воқеани хонга бир-бир баён қилди, оғамни ўлдурган қотилни талаб қилурман, деди. Андин кейин Бароқхон иккала арбоб бачага киши юбориб олиб келтурди. Қиз айди: буларда ҳад йўқ, оғамни ўлдурса. Бароқхон айди: булар манга Дўнбойни ўлдурдим дебдур. Мундин ўзга қотилни қайдин топуرمىз?!

Ўлжой Туркон айди: Эй подшоҳ, сиз энди катта-кичикга буюринг мани назаримдин ўтсунлар. Ман оғам қотилини ўзим таниб олурман. Анда хон Бухоро халқига етти ёшдин етмишгача, тўққуз ёшдин тўқсонгача барча одамни қизни назаридин уч кунгача ўтқузишни буюрди. Қиз бирин-бирин айди: бу тожик, бу араб, бу ажам, бу бўзчи, бу қўшчи, бу темурчи, бу турк, бу қўмирчи, булар ичра мани оғамни ўлдурган киши йўқ. Они башоратиға барча таҳсин қилдилар. Учўнчи куни Амир Темур айди: ман ҳам назаридин ўтай, танурму ё йўқму, деб борур эрди. Яқин бормасдин назари тушуб, филҳол, Амирни салобатидин билиб айди: ана келур, мани оғам қотилини тобдим деб, Соҳибқирон олдини тўсуб, ҳасаб ва насабдин сўрди. Амир они қиз эконини билуб, анга ўзин маълум қилди. Барча билдилар, Турагай баҳодур ўгли Амир Темур ушбу турур. Ўлжой Туркон айди: сандин оғам қонин талаб қилурман. Анда Бароқхон Соҳибқиронга яроғ ва аслаҳалар берди. Одамлар тамоша қилдилар.

Ўлжой Туркон айди: сену биз қадим паҳлавонлардек масоф қилурмиз. Аммо бир-биримизга ўқ отмаймиз, чунки тамошо қилгувчиларга тегмасун. Икковлари қўлга санчқу олдилар. Амир чаққонлиғ ила қизни найзасини уруб синдурди. Сўнгра қиз қўлига қилич олиб, Амирга солиб эрди, совутдин ўтуб, Амир елкаси андак яраланди. Яна Соҳибқирон қиличин кўтариб, бошдин айлантуруб, урмасдин қайтти. Ўлжой Туркон айди: нечук урмадинг? Соҳибқирон айди: сан аврат қизсан, бошингга урсам, яланг бўлмасун деб уёлдим. Яна бошқа сўз: эрларни яроғи хотунлар қони била бўёлмагай. Анда яроғни қўйуб, Амирни ёқосидин ушлаб, эртадин кечгача талош қилдилар. Амирни кўтариб Бароқхонни равоқини тагига келтурди. Бароқхон энгашиб қараб ўлтуруб эрди, Амирни

орқаси Бароқхонга келуб тегди. Амир бир сакраб ерга тушуб Бароқхонни кўтариб яна Ўлжой Турконни қўшуб кўтариб олиб, неча қадам юруб, икковини саломат ер узра қўйди. Одамлардин бирдан овоз чиқти. Ўлжой Туркон келуб Амирни қўлини ўшти, айди: ман ўзимни санга бағишладим. Соҳибқирон айди: отанг олдига боргил ман сани тўй-томоша била олурман. Андин кейин Ўлжой Туркон Хоразмга борди.

Алқисса, Турағай баҳодур Бароқхонга нома юбориб эрди. Бароқхон Амирни ҳар қаердин йўқлатиб эрди. Эмдилиқда хон Амир Темурни Шаҳрисабзга юбормоқ бўлуб, Амирга хилъати хослар кийдуруб отасини хизматиға юборди. Турағай баҳодур ўглини олдиға чиқуб, ота ва ўгул қучоқлашиб кўруштилар. Неча кун Амир Шаҳрисабзда Хонимча дийдорига мушарраф бўлди. Турағай баҳодур айди: Эй ўғлум, тўй асбобини тайёр қилуб, Хонимча била Бухороға борайлук. Аввал, Баёнқулихон таъзиясини адо қилуб, сўнгра кейин тўйин юртға берайлук. Амир Темур қабул қилди. Андин амир Турағай ҳар нима кераклигини олиб, Бухороға юзландилар. Уч юз қатор тева тўйға кераклик юкларни ортиб, минг қўй била Бухороға етуб келдилар. Бароқхон эшитуб, олдиларига чиқти. Муни Чигатой беклари кўруб, рашиқ қилдилар. Бухорода қирқ кун кеча-кундуз ойин боғлаб, тўй бердилар. Бароқхон мастлиқда айди: Эй баҳодур, сани оталаринг нўёндин келибдур, ман мансаби нўён демай, беандешалиқ қилдим. Баҳодур туруб, таъзим бажо келтурди.

Тўй тамом бўлгандин кейин, Бароқхон Турағай баҳодурни талаб қилди. Айди: Эй баҳодур, хонлиғ русумини санга бердим. Ман уй ичра неча кун тинчлиқ қилайин. Баҳодур айди: Эй хоним афандим, салтанатни манга берурсиз, юрт қабул қилмас. Хон айди: ҳар ким санга хилоф қилса, бўйинини узарман, қонин тўкарман. Анда беклар тамоми хондин кўрқуб, Чингизхон расмида келиб, дуо қилдилар, Турағай баҳодур сарқутин ичтилар. Анда амир Турағай юртни адл била сўрай берди. Ўшул вақт ҳуқомодин бири айди. Чигатой авлодидин давлат мунқатиб бўлуб, Қорачор нўён авлодига давлат етуб, тараққий қилур, эмди амирлик ва беклиқ навбати Амир Темур Соҳибқиронникидур.

## БУ ДОСТОНДА САЙИИД ОТА ШАРОФАТИДИН ҚАЛМОҚЛАР МУСУЛМОН БЎЛГОНИ, АМИР ТУРАҒАЙ БАҲОДУР ДАШТИ ҚИПЧОҚҒА БОРИБ, ОЛАМ ФОНИЙДИН ИНТИҚОЛ ҚИЛГОНИНИ БАЕНИ

Ҳазрат Худованд лам язил ва ла язал хилъати кароматни ва либоси қобилиятни кимни бўйниға муносиб қилуб кимни қад-қоматиға лойиқ қилур, яна кимларни залолат тунидин, жаҳолат чўлидан келтуруб имони ислом қуёши ила мунаввар қилуб, шаръи шариф дарёсидин сувлар ато айлағай.

Ровийлар андоғ ривоят қилурларким, ҳазрат Саййид Ота раҳматуллоҳ алайҳанинг муборак исмлари Саййид Аҳмад эрди, элатларға Саййид Ота деб шуҳрат тобдилар. Қолу хол ул зоти шарифға мундариж бўлгон эрди.



Меърож кеча расул акром саллолоху алайҳи васаллам Ҳаким отанинг муборак руҳлариға бул зотни тобшурғон эрдилар, Саййид Аҳмад деган бир қобил зоти шариф бизни авлодимиздин туғулса керак. Етти ёшларида ҳазрат Ҳаким Ота қўб назри марҳамат қилғон эрдилар. Ламхот ва нафхотда дерким, Саййид Ота ўн тўрт ёшларида Хоразмдин Бухорои шарифға бориб, йигирма йил илм таҳсилиға машғул бўлдилар. Вақтики Баёнқулихон замонида Шайх ул аълам ва ҳазрат Саййид Ота иккала аҳлалони ўрталарида андак мунозаъат ўтуб эрди. Аммо Баёнқулихон Шайх ул аъламға иродат қилуб, ҳазрат Саййид Отани шахрдин ихрож қилди. Саййид Ота теваға минуб, дарё ёқасиға келуб, андин ўтуб Тошкандға юзлануб борур эрдилар. Йўлда Бадр Ота, Садр Ота, Узун Ҳасан Ота Хоразмдин келуб, бул кишиға қўшулуб, бу тўртовлари ҳамроҳ бўлуб, пири комил талаб қилуб, Тошкандға яқин келдилар. Ул мавзеъ Тошкандға бир тош келур эрди. Онда бир жасади кўмирдек қора кишини кўрдиларким, намозда турурлар. Маркаблари пода боқар. Ул зоти шариф Зангги Ота эрдилар. Ул ерда подачилик қилур эрдилар. Булар ахволидин сўрдилар. Эй йигитлар, сафар муборак бўлсун. Тўртовлари айди: пири комил талаб қилурмиз. Анда Зангги Ота ба-илми каромат олти жиҳатдин бўй олиб дедилар: ҳар қанча атрофни исини олдим, ўзимдин афзал киши кўрмадим. Филҳол, Бадр Ота, Садр Ота, Узун Ҳасан Ота мурид бўлдилар. Саййид Ота тавоф қилдилар, кўнгилларида ҳабаший каби қора кишиға ҳам ихлос қилса бўлурму, деб андек шак била мурид бўлдилар. Зангги бобо бу рубойни дедилар.

Б а й т :

*Эй дўстларим, келуб манга боқ,  
Аъзойим қорадур, вале кўнгил оқ.  
Атрофдин олдим бир исни,  
Бул бандадин ўзга сини беҳроқ.*

Аммо ўшул уч кишини ишлари тараққий қила берди. Лекин Саййид Ота шак қилгонларига пушаймон бўлдилар. Ахир Анбар Онаға арз қилдилар: пир манга илтифот қилмаслар. Анбар Она Зангги Ота хотунлари эрди, Хоразм Бурҳонийни қизи эрди. Они арзини еткурдилар. Ҳазрат Зангги бобо айдилар, ул муллолиг ва сиёдатликға гурур қилди. Ахир, Анбар Она таълими била Саййид Ота бир қора гиламға ўралуб Зангги Ота йўлларида ётиб эрди, кечаси Зангги Ота юруб келуб кўкрагини бостилар. Саййид Ота ҳаракат қилди. Зангги ота кўруб табассум қилдилар. Ул кеча қўб совуқ, ер узра қор ёқгон эрди. Саййид Ота кўкракларида бир қумгон сувни олиб ётиб эрдилар, ҳароратлари била сув иссиғ бўлуб эрди, филҳол Зангги бобога бердилар. Пир мунга кўруб, назари марҳамат била бир тўжа қилдилар. Андин камол тошуб, сўнгра Саййид Ота ишлари тараққий бўла берди. Саййид отлари Саййид Аҳмад эрди. Бир кеча Саййид Ота туш кўрдиким, Дашти Қишчоқдин оламини тутуб қора сел келур. Дуо қилуб эрди, қора сел

оқ бўлди, онда яна қорайди, бир аждарҳо чиқуб, Мовароуннаҳрга келуб, оламни хароб қилди. Анда оқ селда йигирма етти алам пайдо бўлди. Ҳар қайсини орқасидин аждаҳойи ўн саккиз шоҳи бор. Шунини кўруб уйғонуб, қўрқуб келуб воқеани Зангги Отага сўзладилар. Зангги бобо айтдилар: ул сел қавми қипчоқ кофирдур, сизни кароматингиз била мусулмонлар диниға дохил бўлурлар, ул йигирма етти алам, андин йигирма етти бек чиқар. Андин кейин аждаҳолар қалмоқ жамоасидур, Мовароуннаҳрни мусаллат қилур, ўзбеклардин Соҳибқирон вужудга келур, оти Амир Темур бўлур. Ул ўлка иқлим барчасини мусахарра қилур. Шариати расул акром саллоллоҳу алайҳи вассаламға қўб ривож бергай. Анинг авлод-авлоди салтанат сургайлар. Андин кейин яна мусаллат бўлган хонни лақабини Халифат турраҳмон дерлар. Яна неча замондин кейин аҳли ҳукумат қолмоқдан келуб ўзбек мулкани олгайлар. Бўйи етти газ бўлгай, кўп соҳир бўлгай, ўн саккиз киши алардин подшоҳлиқ қилгойлар. Алардин неча йил ва неча замонлар ўтгандин кейин Дажжол алайҳал лаъина хуруж қилгай, валлоҳу олам.

Алқисса, Саййид Отага Ҳазрат Зангги бобо Дашти Қинчоққа борғил деб ижозат бердилар. Айдилар: Эй Сайёҳ ўғлум, Сизни қўлингизда тотор ва Хоразм хонлари била, қўб элатлар мусулмон бўлиб сизга мурид бўлгайлар. Шул вақтда Хоразмға Жонибек қалмоқ хон бўлибдур. Расул алайҳиссалом пайгамбаримиздин бери ул юртлар мусулмон эрди.

Ул қалмоқ ўз диниға тобеъ қилубдур. Эмди, эй ўғлум, биздин руҳсат сизға бўлсун ул юртларға бориб мўғул ва тоторларни мусулмон қилуб, шариатни жорий қилинг деб кулоҳ била асо бериб дуо қилуб фотиҳа бериб юбордилар. Бадр Ота айди: ман ҳам борурман. Зангги Ота ҳарчанд манъ қилдилар, бўлмади, икковлари ҳамроҳ бўлмоқға иттифоқ қилдилар. Зангги Ота Саййид отага китоби қилуб бердилар. Ҳар ерда дармонда бўлсанг очиб кўргил, андин икковлари Дашти Қипчоққа равона бўлдилар. Начанд йўл юруб иккала мурид бир чўлистонға келдиларким, ошиқлар кўнглидин иссиғроқ оташ ила қумлари бахиллар кўзидан қаттиғроқ, ул миқдорда сувсаб ташна бўлдиларким, Бадр Ота оёқдин қолдилар. Шу даражаға еттики, руҳ тўтиси тан қафасин зиндонидин учмоқ шакаристониға тайрон қилди, яъни доҳили раҳмат бўлдилар. Анда Саййид ҳам чўлламоқлари голиб келуб Зангги бобо берган хатлари хотириға келуб, очиб мутоллаа қилсалар, дебдурларким, Бадр Ота қайси ерда оламдин ўтса, ўшал ерға дафн қилинг. Андин Айнинбуъ булоқи зоҳир бўлур. Ўшал булоқ бизни замонимизгача холо мавжуддир. Ул мавзеъни Куйук дерлар, Тошкандға тўрт тошдур. Яна айтубдурларким, соат таваққуф қилсанг, қавми ҳозир бўлурлар. Алар Бадр Ота жанозасини ўқурлар. Анда Саййид Ота гўр кавлаб эрдилар, булоқ зуҳур этти, ичтилар, сучук эрди, қондилар. Анда маййитни қуруқлаб турдилар. Ногоҳ бир тарафдин чанг-тўзон пайдо бўлди. Андин кўп-кўп оқ кийумлик одамлар кўрунди. Нечалари қоплонға минган ва қанчалари арслонға минубдурлар. Баъзилари бабрға

мину́б, турлук-турлук хайвонларга мину́б келдилар. Аларни улуғи Шайх Ҳасан Булгорий эрдилар. Бухорои шарифга келурдилар. Анда Бадр Отага намоз ўқуб, турбатга тобшурдилар. Саййид Ота уч кунгача ул ерда алар билан суҳбат туздилар. Шайх Ҳасан Саййид Отага айдилар: «бориб жатта қипчоқни мусулмон қилурсиз». Алар била видоъ қилуб, йўлга туштилар. Бир тоғни этакига келуб кўрсалар бир қоплон кийикни олиб емоқга қасд қилубдур. Анга сиёсат ила овоз қилдилар, кийикни ташлаб кетти. Бул кийик Саййидни оёқларига бош қўйди. Андин сайдни бир булоқ ёқасига келтурди. Анда бир йигитча ўн саккиз яшар мажнун сифат, сочлари белига тушган, тошдин камар боғлаган калласини кўксига ташлаб ўлтурур. Кийик келиши бирла йигит ўрнидан туруб эрди, Саййид анга келуб салом бердилар. Бошни кўгарди, ҳарчанд сўз сўрдилар жавоб бермади. Яна калласин кўкрагига ташлаб ўлтурди. Баногоҳ чангги бир тарафдин кўрунди, ул тўзон ичра минг чоқлуқ қора кийумли болалар олти ёшар — етти ёшар ўйнаб келурлар. Барчалари бу йигитни бошидин айландилар. Бўйнида бути бор эрди. Анга сажда қилдилар. Яна ўйинга муқаййид бўлдилар. Ўйунлари мисли ўқ ёй, пухтабозлиқ ва тупуқбозлиқ ва дарбозлиқ, неча ўйинлар шунга ўхшаш эрди. Аммо ул йигит ҳеч қарамайдур. Саййид таажжубда бўлдилар. Алар йигитга айтур эрди: Эй бек бача афандим, нечук қайғудасиз? Ул сўзламас эрди. Яна бир тарафдин чанг пайдо бўлди. Андин ўн минг қора кийумли йигитчалар барчаси ўн саккиз ёшар мукамал ва мусаллаҳ ёроғ-жабдуқ била отларга минган, бошларида жиға, келуб ул йигитдин булар ҳам парвона каби айландилар, бошларини оёқига қўйдилар. Айти: «Эй бек бача, аргумоқ отлар, аслаҳа-ёроғлар билан турур, баҳодурлар бекор юрур, турғил, мамлакатга муқаййид бўлгил» деса, асло гапирмас эрди. Андин кейин минг қиз, қўлларида дўнбура, рақс қилуб барчалари турлук-турлук либослар кийиб, гўзалликда раъно каби, зеболикда барно, алар келуб айдилар: Эй бек бача, хоним, сизга фидо жоним, бизлар сизга чўри бўлайлик шароб, чоғир, оёғлар тўла қўйуб берайлик, бул миқдор хафалигда ва қайғуда бўлманг», дер эрдилар. Аларга ҳеч илтифот қилмас эрди. Андин кейин ўн минг йигит келди. Ёшлари ўттиздин қирқгача, барчалари мукамал ва мусаллиҳ, андин кейин ўн минг киши келдилар, барчалари қора кийган, бўйниларида бут осган, мўйлаби оғзин босган, саф-саф кела бердилар. Саййид таажжубда эрдилар. Алар ўртасида бир оқсоқол қари киши йиғлай-йиғлай кўзлари кўрмас бўлубдур. Ул йигитни қучоғига олиб, зор-зор йиғлаб айти: Эй ўғлум, мани қарилигда заиф нотавон қилдинг, улус аҳли ўртасида қайғуда қўйдинг. Келгил, манга сўзлагил, тоқатим қолмади. Мунга ҳазрат Саййид Ота ҳайрат бармоқин тишлаб, вожабо, бу ўғулга нима воқеа юзланубдур дер эрдилар. Ул жамоа бул ердин қайттилар. Саййидни ҳар қайсилари меҳмон қилурга уйларига таклиф қилдилар. Агарчи кофир бўлсалар ҳам меҳмонни дўст тутар эрдилар. Саййид алар билан бордилар. Олдиларига ош-таом келтурдилар. Саййид емадилар айдилар: Сизлар кофирсиз, таомингиз макруҳ. Саййид ота ўнчүл қари кишидан телба йигитни

шарҳи воқеасини сўради. Қари киши сўзга келуб айди: шаро-  
фатлиқ меҳмон, мани Жонибек хон дерлар, бу мамлакатлар барчаси  
менга тобеъдур. Бу йигит мени ўғлумдур. Оти Ўзбекхондур. Ўғлум  
қанча қўшун била Табризга ва Хўжандга борур эрди, табриз-  
ликлар йўл узра келуб, Фарҳодбек, Хисравбек иккови бизни аскар  
бирла жанг қилубдилар. Алар қўшунлари ичра қаландари Хожа  
Қамол Хўжандий — машҳур киши келуб, мани аскаримни дуои бад  
қилиб, қарғаб, бир овуч туфроғ сочиб экан, қанчаси жинни, телва  
бўлиб ва қанчаси ўлубдурлар. Мани ўғлум ҳам телва бўлубдур.  
Анда Саййид Ота муборак оғизларидин бир томчи ҳоқиға томузиб  
эрдилар, филҳол, ҳушёр бўлуб, соғайди. Анда Жонибекхонни элати  
била бу кароматни кўруб мусулмон бўлдилар. Подшоси Ўзбекхон  
ҳам мусулмон бўлди. Ҳар кунда Саййид Ота олдиларига алар  
қавмидин икки қабила-уч қабила келуб, мусулмон бўлур эрдилар.

Алқисса, Саййид Ота Хоразм шаҳри ичра кириб, ҳар ерда  
бутхоналардаги бутларни синдируб, масжид ва хонақоҳ солдуруб  
илми қол, илми ҳол дарсида мавж урар эрдилар. Шариатни ул  
юртларга жорий қилдилар. Кунлардан бир кун Хожа Қамол  
Табризда туруб эшиттиларким, ҳазрат Саййид Ота Қипчоқ  
элатларини мусулмон қилибдурлар деб. Ушбу ғазални айтуб,  
элчидин юбордилар.

Б а й т :

*Ибрат ила қил назар, бул ерға кел, бул ерға кел,  
Бўлмайин зеру забар, бул ерға кел, бул ерға кел.  
Сан бу дам қошимга кел, хизматда бўл, кўзингни оч,  
Илкима тиғи ду сипор, бул ерға кел, бул ерға кел.*

Анда ҳазрат Саййид Ота бу сўзни эшитуб валоятлари ва  
соёdotлари мавжиға келуб, филҳол, қаламни қўлиға олиб, ушбу  
иншони битуб, Табризга Хожа Қамол хизматиға элчиға бериб  
юбордилар.

Б а й т :

*Ҳимматим жўш урса, мундин арши аъло бораман,  
Сайр этарман бу жаҳонни, якка, танҳо бораман.  
Мисраъим, мадди қиличдур. Умаро қатлидин нишон,  
Қофир аҳлиға бўлиб шайх, калисо бораман.  
Ихтиёрим йўқ ўзумда барча иш оллоҳ билур,  
Амридаманки, асноға гоҳи боло бораман.  
Фаҳри қилма гар қўлингда бўлса ул тиғи ду сипор,  
Тиғингни айлаб яроғ этмоққа савдо бораман.  
Саййид Аҳмаддур отим, пирим мани Зангги бобо,  
Бохабар бўлғил сени айлабки яғмо бораман.*

Лекин икки азиз ўрталарида бу каби сўз кўбдур. Бир кун  
Ўзбекхон Саййид Отанинг хизматлариға келуб, суҳбат қилуб

ўлтуруб айди: Эй Сирождиддин афандим, пирим, нима бўладур бизлар била Хўжандга борсангиз, андин Дашти Қишчоқга борсак, эшитурманким: Хўжанд одамларни ярмисидин кўби кофир эмиш деб. Тангри иззи жалл ёр бўлиб, пирлар мададкор бўлса, кофирларни мусулмон қилсак, мусулмонларни сизга баъйат қилдурсак. Саййид ота тузук, бу маслаҳатларинг яхши деб жавоб бердилар. Андин кейин Ўзбекхон ўттиз минг аскар билан Хўжандга юриш қилдилар. Аммо Саййид Ота ҳам мусулмон бўлган мурид элатлардин ўн минг йигитни Хўжандга ва Табризга олиб жўнадилар. Табриз ҳокими Фарҳодбек олдиларида Хожа Камол бор эдилар. Эшитуб шаҳрдин ташқари қўшун билан чиқтилар. Бу ёндин Саййид Ота бордилар. Тарих етти юз эллик тўққуз (1358-й.) да сафар ойини йигирманчисида, жумаъ кун эрди, икки аскар бир-бирига муқобил бўлди. Саййид Ота ул кун бир яхши аргумоқ отга минуб, зарбофт, кимхоф кийуб қўшун ўртасида эрдилар. Барча ул кишига таъзим-тавозеъда эрди. Ўзбекхон аҳд қилдиким, мани авлодимда сизни зурриётингизга барча қул бўлиб абадул абад хизмат қилгай.

Анда Хожа Камол сўрдилар: зарбофт, кимхоф кийган киши кимдур. Айдилар. Саййид Ота. Андин кейин Хожа Камол ушбу рубойини ўқ билан боглаб, ёйга солиб икки манзил йироқ ердин оттилар. Саййид хабардор бўлуб, ўқни қўллари била ушлаб олдилар. Бу кароматни Саййиддин сариҳ кўрдилар. Қогозни олиб, хатни ўқиб кўрдилар.

Б а й т :

*Саййид ахлоқ ичра бу оромудур,  
Зоҳирингда зийнату зебомудур,  
Хилъати зор киймоқингдин не қиёс,  
Икки ранг икки юз раъномудур?*

Анда Саййид Ота бу келган ўқга бу рубойини ёзиб бойлаб, бормоқлари билан ўқни чертиб юбордилар, гўё ёйдин чиқгон ўқ каби Хожа Камолга бориб етти. Ўқуб кўрсалар бу рубойий ёзилгандур.

Б а й т :

*Ушбу оламда юрурман рангба-ранг,  
Хожа, кўрғуз ғайратинг қилмай даранг.  
Зебими раъноға ўхшатма мани,  
Шайхимиз Зангги Отадур англасанг.*

Алқисса, тонгласи куффор зулумоти беркунуб, қуёш сайёди кўк майдониға чиқуб, олам мўъмин кўнглидек зиё тошуб эрди. Анда икки тарафдин нақора, борабон, карнай чолиб икки аскар бир-бирига муқобил бўлдилар. Лекин Фарҳодбекни қалмоқлардин аскарни, бало адад кўб эрди. Ул кун андог уруш бўлдиким,

Бўлди як бора ки уруш қаттиғ,  
 Кўб синиб найзалар ушолиб тиғ,  
 Осмонга чиқуб ғубору гард,  
 Қўлга асбобини олиб ҳар фард.  
 Марг даллоли бўлди чобуки чуст,  
 Ақд баъйини анда айлаб суст.  
 Гарм бўлди ўлумни бозори,  
 Малик ул Мавт бўлуб харидори.  
 Сув каби эл қони тўқулмаклик,  
 Танларидин боши сўкилмаклик,  
 Ушлашиб, тншлашиб олишмоқдур,  
 Рўбарў келса ким солишмоқдур.  
 Барчаси бир-бирин суруб ҳар ён,  
 Баъзи жон ваҳмидин бўлуб ҳайрон,  
 Ким қочиб, ким қуварни билмаслар,  
 Гард ила бир-бирин кўролмаслар,  
 Қиру сойда тўзон олиб кўзни,  
 Ким тонур анда ёв билан ўзни,  
 Ушлашиб бир-бирин қучоқлашмоқ,  
 Гар қилич бўлмаса фичоқлашмоқ,  
 Сой тоши сонича кесиб бошни,  
 Анда фарқ айламай қари-ёшни,  
 Отлар ўз ҳолича юрур ўйнаб,  
 Кимсалар жон берур тилин чайнаб,  
 Кимсалар заҳмидин оқиб қони,  
 Қийналиб чиқмойин неча жони.

Аммо ул куни уруш ҳаддин ошти. Қалмоқлар қони дарё каби тошти. Саййид Ота муридларидин Қўнғир отлиғ йигит майдонга кириб бир-бир эллик қалмоқни жонин тамуг казармасига юборди. Анда Саййид Ота айдилар: баракалло, Қўнғир отлиқ муридим. Они авлоди Қўнғирот отандилар. Андин кейин манглайи оқ қашқа отлиғ бир йигит майдонига кирди. Ул баҳодур қалмоқдин саксон кишини жаҳаннамга саксон қилди. Анга Саййид Ота: «боракалло, манглай отлиғ муридим» дедилар. Мангут отандилар. Мангут асли — манглай от. Аммо, мангут икки қисмдур: оқ мангут, қора мангут. Оқ мангут ҳазрат Амир Темур авлодидур. Яна бир баҳодир чиқуб юз қалмоқни ўлдурди. Ул Қонадул отлиқ паҳлавон эрди. Андин кейин Фарҳодбек Хойага таъзим қилуб, фотиҳа олиб, майдонга юзланди. Яна бул тарафда Ўзбекхон Саййидга таъзим қилуб, фотиҳа олиб, майдонга юзланди. Иккала авлиё ботишда бир-бирларига жанг-жадалда эрдилар. Анда иккови бир-бирига мукобил бўлуб, Фарҳодбек Ўзбекхонни белидан ушлаб кўтарди. Қўшунлар ҳар замон Саййидга илтижо қилдилар. Саййид Ота нирлари ҳазрат Зангги Отага мутаважжих бўлдилар. Вақти келуб Ўзбекхонни пўтаси узулуб, ерга тушуб, қўли синди. Ўзбекхонни аскари қочти. Табриз қўшунлари голиб келди. Саййид Ота

пирларига мутаважжих бўлуб эрдилар. Ушал кечаси Саййидни тушида Зангги бобо келуб: мардона бўл, дедилар. Анда тун ярмида тоғ жонибидин садои гойиби келди. Табриз аскаринин гавго ва шавқин чиқа берди. Ун киши жосус бўлуб бориб кўрсалар, Табриз қўшинларини сел келуб босибдур. Маълум бўлдики, каромати Зангги бободур. Ўзбекхон аскарини кўб ўлжа олдилар. Хожа била Фарходбек қочиб ёшундилар. Саййид ота қўшун била бостуруб Табриз қошқосига кирдилар. Хожа била бекни ҳарчанд ахтариб тополмадилар. Саййид Ота буюрдилар. Табриз уламоларини жамъ қилинлар, деб. Албатта, Хожа Камол ҳам кўрунса керак. Анда жамъи уламо келдилар. Саййид сўрдиларким, шу икки масалани сўргайман: Тангрим нимани яратмас ва нимани билмас? Анда муллолар қирқ кунга муҳлат сўрдилар. Қирқ кундин кейин Ўзбекхон муллоларни қатли омга буюрди. Анда бир қари хотун келуб айди: Эй жаллод, қатли уламодин қўлингни торт, масала жавобини ман берадурман. Они хонини олдига келтурдилар. Қари хотун айди: Эй хоним афандим, масалани иззат қилсанг, тахтдин тушгил. Хон Саййидга қаради. Саййид ишорат қилдилар, Ўзбекхон ерга тушди. Қари хотун анда айди: Масалани жавоби булдурким, тангри таборак ва таоло ўзи каби худони яратмас, яна ўзинин ўзга худони билмас. Анда Саййид Ота «бу масалани санга Хожа Камол ўргатибдур», деб уч кун қари хотунни қамаб қўйдилар. Хожа Камол била Фарходбек бул хотун ховлисида эрдилар. Анда қари хотун қамалганини эшитдилар. Фарходбек бизлар учун хотун кишини азоб тортмоги яхши эмас, деб Ўзбекхон олдига борди. Орқасидин Хожа бордилар. Фарходбек неча кишини қилич билан уриб, «бул хотунда ниманг бор», деб кутқариб юборди. Хеч киши бек қошига боролмади. Ногоҳ исқандар они отлиқ киши келуб, бекни қатл қилди. Хожа келгач, Саййид Ота Хожани тутуб олдилар. Ул шаҳар одамлари барчаси мусулмон бўлуб, ҳазрат Саййид Отага мурид бўлдилар. Аммо Ўзбекхон аскарини Табриз ҳавоси хуш келмай ўла берди. Хон Дашти Қишчоқа мурожаат қилди. Хожани келтуриб шаҳр ичра саройга қўйдилар. Анда Саййидга Хожа Камол бу рубойини айтиб юбордилар.

Б а й т :

*Илоҳи, мартабангни ҳақ паравон айласун, Саййид,  
Мадад ҳолимга доим Шохмардон айласун, Саййид.  
Мани фориг қилуб гамдин бу ердин сен нажот этгил,  
Сани ҳам мушқулингни тангрим осон айласун, Саййид.*

Андин кейин, Саййид Ота бу сўзни эшитуб, Ўзбекхондин руҳсат олиб, Хожани Камолни Табризга юбордилар. Аммо Қамариддин отлиғ бир тожик бор эди. У шумни асли Балхдин эрди, бўйи узун киши эрди, саёҳат қилуб юриб, Дашти Қишчоқга келди. Ул вақтларда Тўқтемирхон, баъзи китобларда Тўқлуғ Темурхон дерлар, ёши ўн тўртда эрди. Ўғлой маснадига ўлтуруб эрди. Қамариддин тожик расми айёрлик била бул ерга келуб аларга хизмат қилуб юрар эрди.

бул ерга келуб аларга хизмат қилуб юрар эрди. Ул вақтларда халқга ўғлон ҳукумати эътибор тошиб эрди. Хонлиқни Тўқтемур хонга ўғлонлиқни Давлат шайхга хоҳлаб, анинг укаси расми хонлиқни Тўқтемулга бердилар. Булар насли Шайбонийхон ибн Жўжихон ибн Чингизхондин бўлур. Баъзилари Тўқтемур жонибига ўғлонлиқни бердилар. Баъзилари Давлат шайхга ўғлонлиқни бердилар. Аммо Давлат шайх ўғлонлиқни олмади, балки қабул қилмади. Давлат шайх билан Тўқтемур иккови қардош эрди. Давлат шайх тўрт ёш катта эрди. Ўн саккиз ёшар эрди. Охир, шул сўзга қарор бердилар, иккови отга минуб чопгайлар, қайси бири ўтса хонлиқ маснадига ўлтургай иккови анда отга минуб чопишдилар. Тўқтемурухон Давлат шайх била ўғлон нишонига тенг борди. Анда Давлат шайхни отини боши айланди. Тўқтемурухон оти ўтуб, хон нишонига борди. Давлат шайхни оти ўғлон мартабасида қолди. Тўқтемур хон бўлиб тахтга жулус айлади. Расми хонлиқ анга муқаррар бўлди. Аммо мулло Таниш Бухорий сўзи била шайх Худойдод деган азиз, яъни Худой берди, Худойқули ҳам дерлар. Қипчоқни мусулмон қилуб эрдилар. Аммо хон хануз кофир эрди. Шайх Худойқулига кофир бўлса ҳам мухлис эрди. Тўқтемурухон қошига бориб айдилар: «ман пиримдин эшитуб эрдим, амири жаҳон вужудга келур, ани Ҳадид дерлар, яъни оти Темур бўлур, ер юзин ва кун кўзин олур. Сани отинг Темурдир», деб хонга кашур кушолиғни, яъни етти иқлимни фатҳ қилмоқни далолат қилдилар. Булар ҳазрат Саййид Ота сарига отландилар. Аммо Саййид Ота шайх Худойдодга нома юбориб, айдилар: баъзи қипчоқлар мусулмон бўлди, аммо қўброқи кофирдурлар, яна сиз келуб манга имдод беринг, барчасини мусулмон қилайлуқ. Шайх Худойқули айдилар: олдимга келуб мурид бўлсунлар. Қабул қилмадилар. Саёдет жиҳатидин ўрталарида низоъи кўб бўлди. Ўзбекхон Саййид Ота жонибидин эрди. Тўқтемурухон шайх Худойдод жонибидин эрдилар. Саййид аскарисида мусулмон кўб эрди. Шайх лашкарида кофир кўб эрди. Иккала азиз кўп жанг қилдилар. Шайх Худойқули қўшуни ичра издиҳом кўп эрди, Саййидники озроқ эрди. Тўқтемур кули ғолиб келди, нечук анинг қўлида ҳар элатдин одам бисёр эрди.

Алқисса, Саййид Ота Бароқхон хизматиға Бухорога нома юбордилар. Аммо Баёнқули вақтида ҳар йили Дашти Қипчоқга сипоҳ юборур эрди. Лекин Бароқхон юбормади. Ушбу боб юқорисида мазкурдурким, Сарой Мулк хонимча сабаби ила Бароқхон хонлиқ маснадини, Амир Турағай баҳодурга бериб эрди. Саййид номасини эшитти, филҳол, отланди. Бароқхондин жавобсиз ҳазинадин беш юз тевага мол юклаб олиб, Бароқхонга хабар бермади. Иш бузулмасин деб Амир Темурни ўрниға ўтқузуб ўзига қанча аскар олиб Саййид Ота жонибига юзланди. Лекин Чиғатой бекларидин ҳеч киши ҳамроҳ бўлмадилар. Турағай баҳодур кетгандин кейин Бароқхонга маълум қилиб, дедиларким, Турағай баҳодур Амир Темур ўғлини ўрниға қўйуб, ўзи ҳазинадаги бор нимарсани олиб, Дашти Қипчоқга Саййид Ота олдиларига кетти, қўнғлида бир ёмонлиқ борга ўхшайдур, аларни ўзига эл қилубдур, нечук, Сизга сира маълум қилмайдур. Бароқхон айди: ул



мани дўстимдур, анинг ихлосин сизлар билмассиз, деб салтанатни Амир Темурга кўя берди. Соҳибқирон юртин андоғ адолат билан сўрадиларким, етти туман Бухоро барча офарин дедилар. Бир кун Амир беклар била Бухорони дарвозасидан чиқуб, ов қилғоли борур эдилар. Абу Ҳафз Кабирийнинг иморатларини ёнида бир неча ушоқ болалар уйча ўйнаб ўлтурур. Алар ичра бир бола қаландар сурат, вали сийрат, қизил юзлик, қуралай кўзлик, кокиллари фатила-фатила, пўтасиға ўролғон. Соҳибқирон ани томоша қилуб турдилар. Ул бола қараб айди: Эй Амир Темур, мани уйумни сотиб ол, санга фойда қилур. Амир таажжуб бармоқин тишлаб ул болани кўнгли учун бир кумуш танга бериб сотуб олдук деб Саййидга юзландилар. Амир овдин келуб ул кечаси туш кўрсалар, гўё қиёмат қойим бўлубдур. Ҳашр-нашр ғавғоси — туб-туб халойиқларни баъзиси мезонга ҳайдарлар ва баъзисини сирот қуфрукиға ҳайдарлар. Барчаси, во ҳасрато, во надомато, деб йиғларлар. Амир Соҳибқирон ҳайрат дарёсиға ғарқ бўлуб туруб эрдилар, баногоҳ фаришталар келуб, Амирни бир тахтга чиқоруб, кўтариб учмоқға сткуздилар. Анда иззат-икром била иморати олийға кирғуздилар. Анда ҳисобсиз ҳуру ғилмонлар Амирни хизматида бўлдилар. Ризвонлар айдилар: бу кечаги шарофатли ўғлондин олғон уйунгдур. Филҳол Амир уйгондилар. Эртаси яна овға чиқтилар, борсалар болалар яна ўйнаб ўлтурур. Амир айдилар: эй бола, уйунгни сотармусан. Ўғлон айди: уйумни минг танга сотарман. Амир айди: кеча бир танга сотуб, бугун нега мундоғ қиймат қилдинг! Ўғлон айди:бу кун уйумни қадрин билдинг. Минг танг ҳам бўлса баҳоси оздур. Филҳол, Амир Соҳибқирони отдин тушуб ўғлонни оёғиға йиқилдилар. Ул бола Хожам Баҳо ул Ҳақ вад дин (Баҳовуддин) эрдилар. Дерларким: аввал Амир Темур Соҳибқирони Шайх ул аълам тарбият қилдилар, иккинчи шайх Шамсиддин Қулол тарбият қилдилар. Учунчи Шайх Ҳасан Бохурзий тарбият қилдилар. Тўртинчи Нақшбанд пирим тарбият қилдилар. Оламдин интиқол қилғунларича тўрт вали тарбият қилур эрдилар.

Алқисса, Амир Темурни юртни муфаттинларидин ихтироз қилуб, хонимчани олуб, Шаҳрисабзға кеттилар. Беклар яна фитналиғни кўзгаб, айди: «агар мундоғ бўлмаса, ўғли ҳам Шаҳрисабзға бормас эрди». Бароқхон нома ёздиким, Амир Темур тез келсун. Бул нома бормасдин беклар хат юбордиким, агар келсанг жонингдан кечиб кел. Соҳибқирон келмади. Бароқхонни анда газаби келуб ва аччиғи зиёда бўлуб Саййид Отаға нома юбордиким, Турағай баҳодурни тамом қилсунлар. Аммо Турағай баҳодур бориб Саййид ота Ўзбекхон била мулоқот бўлуб андин кейин шаҳрдин ташқарига чиқуб кўрдиким. Тўқтемурхонни лашқари Ўзбекхон аскарини атрофини олибдур. Келтурган олтунарни анда тўда қилуб, аввал Саййид қўшунларига берди. Барчалари бой ва ғани бўлдилар. Андан кейин жарчиға хабар бердиким, қайси ерда жатта элидин бўлса, чақирғил, қанча олтун, кумуш керак бўлса, мани олдимға келсун. Сўзни жарчидин эшитуб, ҳар ерда одам бўлса кела бердилар. Тўқтемурхон қўшунларигача бузулиб ғуж-ғуж бўлуб кета берди. Мани кўруб

Тўқтемурхон буюруб, Қамариддин тожик отга минуб ҳарчанд сипоҳларга буюруб жамъ қилолмади. Бир кун кечғача қипчоқ аскарлари бузулуб, юз киши қолибдур. Ушул кеча юз киши билан тоғдин ошуб қочиб кетубдур. Турағай баҳодур тамоми ўзбек қўлига олтун-кумуш берди.

Алқисса, Бароқхон номаси келуб, Ўзбекхонга тегди. Ўзбекхон муниси ҳеч кимга изҳор қилманг, деб ўзи ҳам ҳеч кимга изҳор қилмади. Ва яна Саййид Отага келуб бул воқеадин сўз демади. Турағай баҳодур салтанатлиг дағдағасини қилгонда Саййид манъ қилуб эрдилар. Иттифоқо Амир Турағай мупозимларидин бири номани тошиб келтурди. Баҳодур муталаа қилдиким, ўз қатлига аломатдур. Яна Саййид Ота они салтанатдин манъ қилуб эрдилар, анинг чун газаби ва аччиғи зиёда бўлуб, ўшул кеча Саййид билан Ўзбекхонни бойлатиб, занжир ила кишанлатуб, аларни молин талон қилурди. Саййид мани хабарим йўқ деб онд ичтилар, қабул қилмади. Ўзбекхонни буюрдиким, танасиға шизни суркаб етти кун офтоб рўёсиға тўрт қозиқ қоқиб боғлаб, аъзосини доглаб қўйдилар. Саййид Отани қатлга буюрди. Бул киши соёдоллиғини шафеъ келтурди. Охир иккала кўзларига олмос қўйуб кажава ичра солиб Бухорога юборди. Олмос таъсир қилуб, кўр бўлдилар. Саййид қарғишиға учраб муҳрак касалига мубтало бўлуб, бир кечада Амир Турағай ҳалок бўлди. Барчалари билдиким, Саййид Отани газабиндур, тарих етти юз олтмиш эрди (1359 й.).

Б а й т :

*Ҳазрат Саййид Ота қаҳри била Турағайни кўр,  
Бир кечада ул баҳодурни ҳалок этжурур.*

Алқисса, Турағай баҳодур қўшуни ҳар тарафга бўлуниб кетти, баъзилари ўлукни кўтариб Бухорога келдилар. Тўқтемурхон бул воқеани эшитуб, хуруж қилиб, Қамариддин тожик ва Шайх Худойодлар келуб Турағайни хазиналарини олиб ўлжа қилдилар.

## БУ ДОСТОНДА ҚИПЧОҚ СИПОҲИ МОВАРОУННАХР ШАҲАРЛАРИНИ ОЛГОНИ, АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН НЕЧА КУНЛАР МАШАҚҚАТ ТОРТГОНИНИ БАЕНИ

Вақтики Саййид Отани Бухорога кетурдилар, беклар ва амирлар эшитуб олдиларига чиқтилар. Кўрсалар, Саййидни кўзи кўр бўлубдур. Хонақоҳ ичра кириб, тоатга муқайид бўлдилар. Яна баҳодурни ўлугини келтурдилар. Они Шахрисабзга Соҳибқиронга элтуб, отасиға жаноза ўқуб, мазори шайх Шамс Қуллолға дафн қилдилар. Соҳибқирон хонни бу ишидин ҳеч манзур қилмадилар. Аммо Бароқхон бир кечаси туш кўрса, Амир Темур қўлида тамоми мулк тасарруфидадур, уйғониб бекларга кенгаш қилуб айди: Амир

Темур Қорачор нўён авлодидур, ул Чингизхон вазири эмасму, Чигатой авлоди насли Чингизхондурму, албатта салтанатга Чигатой авлоди ўлтургай. Аммо Бароқхон беклар кўринишида шиква қилдиким, сизларни бир қабилаи кўрагонга тоқатингиз йўқ, Чигатой ва қўнғирот эл ўлтуруб эрдилар. Кўрак бий деган киши қозоқдин эрди, Амир Темур жангига ул муқайид бўлди. Хон анга ваъда қилдиким, сани амир, нўён қилурман деб.

Алқисса, аскар била Қарши бориб, андин Шаҳрисабзга юзланди, бориб Шаҳрисабз атрофини олди. Анда бир қаландар Кўракни олдига келди. Андин Амир Темур аҳволини сўрди. Қаландар айди: Амир Темур хонимча била элидин Даштга чиқуб сайд қилмоқ учун Дўнбой баҳодур отин минуб келуб, фалон ерда яшил чодир ичра ўлтурубдур. Ман анда эрдим, эт пиштуруб манга бир андак бердилар. Хонимча иккови бир чора этни едилар, манга озроқ олтун бериб, бул ерда неча кун тургил, деди, қабул қилмадим. Начанд вақт Хиндустонни сайр қилдим, эмди иштиёким Бухорога борурман. Кўрак бий айди: Амирни элдин узоғлиғи не миқдордур. Ул айди: бир қувлик йўл бордур. Кўрак бий қаландарга қанча олтун бериб, қаландарни жандасини олиб кийди. Аскарига эхтиёт бўлунг, деб ўзи қаландар суратида бўлуб, Амир Темур жонибига юзланди. Бориб кўрдиким, беш-олти қул, чўри Амир хизматида эрди. Соҳибқирон этни пора қилуб ўлтурур. Кўрак бий бориб «шай олло» дедилар. Амир Кўрак бийни кўрмаган эрди, хонимча ёнида ўлтурди. Ул вақтларда хотунларга юзини беркитмоқ йўқ эрди: хоҳ сорт, хоҳ ўзбек, хоҳ тожик. Кўрак бий кўзи Амир ўқ ёсиға тушти, хар ўқни қадди бир ярим найза келур эрди. Аммо Кўрак бий кўб сўзга етук киши эрди, Соҳибқирон андин Бухорони сўрди. Амирга хушомад қилуб ёлгон сўзларни муболага била сўзлади. Кўнглида шул эрдиким. Амир бир пимага машгул бўлса, ёй била ўқларини ўғирласа. Хонимча келуб айди: эй бегим афандим, туруб, хабар олгайсиз мабодо ёв келган бўлмасин, нечун отингиз қуйругин қиллари сочилибдур. Амир қабул қилмади, яна келуб айди: қозон ўртаси қайнар, мунда от кишнар, тургил, отга минуб атрофдин хабар олгил. Соҳибқирон маъқул қилмади. Аммо Кўрак бий хонимчани туйғунлиғига аҳсан деди. Аммо Бароқхон айтуб эрди Амир Темурга ғолиб келсанг бир иш қилиб Сарой Мулкни келтур, анинг била бизни ўртамизда яқинлик бўлмасун. Алқисса, таом еб бўлгандин кейин Амир нақзу зувга ташқари чиқти. Хонимча яна бир ишга машгул бўлди. Кўрак бий анди секин ёй ва ўқларини олиб қочти. Бул тарафда тоғни остида сипоҳи тайёр эрди, овоз қилдиким, югуринг, отларни келтуринг дегач, минг киши келдилар. Амир кўрдиким, иш мушкул бўлубдур. Филҳол, от устиға ўзини олди. Хоҳласа Хонимчани отга олса. Оломонлар етти, хонимча ўзини бир тарафга олди. Лоилож, Амир қочти, киши анга етолмади. Оломонлар молларини олдилар. Хоҳласалар, Хонимчани яланғоч қилсалар. Кўрак бий аларни қилич билан урди, атрофга қочти. Кўрак бий Хонимчага таъзим қилуб айди: Эй Хонимчам, мани қариндопингиз Бароқхон сизга юборди. Хонимча замонасозлик

учун Амирдин шиква қилди. Андин кейин Хонимчани Кўрак бий кажава ичра солди. Мол, асбобларин юклаб олди, ўзи жиловини ушлаб йўлга тушти. Хонимчани кўнгли Амирда эрди. Аммо Соҳибқирон нари бориб ўз кўнглида ўйлаб эди: агар эл ичра борсам манга таъна қилурлар, нечукким, алар бизлардин жудо бўлмагил деб эрди. Бўлмаса, ёвга борсам, қўлимда ёй ва ўқларим бўлмаса, алар била жанг қилсам, шундог ҳам бўлса, бориб Кўрак бийни орқасидин етуб, чоқирди, айдиким, ҳар нимани олсанг ҳам хотунимни бергил. Кўрак бий айди: мани қасдим шул хотунинг учун келуб эрдим. Лоилож Амир отини бошин силаб таваққуф қилди. Тоқати бўлмай яна борди, начанд мартаба борди, ахир айди: Сарой Мулк завжамни ўзидин савол қилойин, агар ул қабул қилмаса, ихтиёрим йўқ. Анда Кўрак бийга Хонимча айди: мани тўхтотгил, анинг била сўзлашойин, нима дер, деб Амирни кўб ҳақорат қилди. Кўрак бий лоилож таваққуф қилди. Хонимча зарурат учун айёрлиг қилиб, бисёр аччиғ сўзларни Амирға сўзлади. Айди: боргил, чодир ўрнида туфроқ ичра мерос бир лўла қиймат баҳо қолибдур, ҳозир келтуруб Кўрак бийга бергил.

Соҳибқирон отини югуртуриб бориб ҳеч нима тополмади. Бир нимарса кўнглидин ўтқузуб, бир эски чопон чурукини келтурди, айди: ушбу чурукни тобдим. Хонимча айди: мун ёқасида эрди, они келтур. Амир отини чоптириб кетди. Кўрак бий Хонимчага айди: эмди анга кўп гафурманг. Аммо Хонимча Кўрак бий олган ёй ва ўқларни бир эски чофон орасиға ўраб, йўл-узра секин ташлаб эрди. Соҳибқирон кела туруб, они олиб хурсанд бўлуб, филҳол, ёй била ўқни тўғрилаб югуруб Кўрак бий қошиға келди. Кўрак бий кўруб кўшунга буюрдиким, атрофини олинглар деб. Андак соат ичра Амир икки юз кишини ўқ била урди. Оломонлар қочтилар, анда Кўрак бий қочмоқни ихтиёр қилди, Амир қўлини узатиб жиловини тутуб, юзиға бир шафалоқ уруб отдин йиқти. Амирни қул хизматчилари ҳозир бўлуб эрдилар. Кўрак бийни қўл-оёғини боғладилар. Ушал кун Соҳибқирон қўлиға оломонлардин юз киши асир бўлди. Аларни элатға олиб юруб ҳар кун зиёфат қилдилар. Охир бир кун Кўрак бий арз қилди, айди: Эй Амир афандим, бизларни ўлдурунг ё қўйуб юборинг. Анда Амир ул юз кишиға либос бериб, Кўрак бийни бир кўзини ўйуб ташлаб, боргил, кўрганингни Бароқхонға сўзлагил деди. Аммо Бухоро халқи эшитмишларким, Тошканддин, Хўжанддин бениҳоят кўб аскар келур эрмиш деб. Хонға сўзладилар аларни бошлиғи Тўқтемурухон, шайх Худойберди Қамариддин тожикдурлар. Анда Бароқхон отиға миниб Хўжанд дарёсини ёқасиға келуб, кўрдиким, аскар азимдур, ҳаргиз киши кўрган эмасдур. Дарё-дарё лашкари Тўқтемурухондурким, етмиш туг ва байроқи бордур. Ондин кўрқуб қайтиб Бухороға келди. Уч кун туруб, бир кечада қочиб, Қаршиға борди, анда бир кечани ўтқузиб, эрта билан Балх жонибиға юзланди. Мун жанг қилмай қочганини кўруб, Чигатой сипохи Бухорода қолмай бир тарафға кеттилар. Аммо Тўқтемурухон Жайхундин ўтуб, Хўжандни фатҳ айлаб, Самарқанд борди, анда кобиру ашрафларни жамъ қилуб, аларға мулозимат қилиб, Самарқандға пойтахт қилди. Амир

Қозагон қозоқ элидин эрди, они Бухорога ҳоким қилди. Оқте-  
мурхон ўглини юборди, яна бир ўгли Қоратемурни Шахрисабзга  
юборди. Қамариддинни ўн саркарда била ўз юртига, Балх жонибига  
юборди. Бароқхон орқасидин бориб, хон била жанг қилуб,  
Бароқхон мағлуб бўлиб, талонуб қаландарлиқ қилуб, Қандоҳорга  
ўтуб кетти. Чигатой эллари тарқашиб Хирот, Кобил, Ба-  
дахшонларда бўлдилар. Қамариддин тожик Балхни олди, қипчоқ  
қўшунлари Бухоро ва Хисор, Тошканд, Самарқанд барча Моваро-  
уннахр юртларин олди.

Алқисса, Соҳибқирон айш-ишратда эрди. Ҳожибек амакиси  
келиб айди: Эй ўғлум, тургил, айшингни вақти эмас. Тўқтемурхон  
аскари тамоми юртни олибдур, Бароқхон бир кечада қочибдур,  
Чигатой беклари элати била ҳар тарафга тарқашиб кетибдур,  
бизлар ҳам қавми қариндошни олиб бир тарафга кетойлук, чунки  
Қоратемурхон эрта-бурун бул ерга келур эрмиш. Соҳибқирон айди:  
Эй амаки, аларни асли турк, бизлар ҳам турк, бир-биримизга ёвлиғ  
қилмаймиз. Бизларга ор-номус зўрлиқ қилса, сулҳ қилурмиз.

Ҳожибек қочмоқга кўб ҳаракат қилди. Амир лоилож амакисин  
уруб-сўкуб кўрқутди, тамоми оқсоқолларни чақирди. Барчалари  
Амирдин кўрқиб келдилар. Андин кейин шаҳардин ташқари  
Қоратемурхон олдига пешвоз чиқдилар. Бориб кўрсалар тоғ остида  
бениҳоят қўшун турур. Амир замонасозлик учун кўруниш қилди.  
Хонга айдилар: бул киши Турагай баҳодур ўгли бўлур.  
Тўқтемурхон деб эрдиким, Турагай ўгли қўлга тушса, албатта  
ўлдулинг. Аммо кўрагонлар беги деб бойлаб қўйдилар. Кўра-  
гонлардин овоз чиқуб, Амир Темурни маломат қилдилар: агар  
қочсак, бизларга бу бало йўқ эрди. Амир аларга ҳеч нарса демади.  
Келтуруб Қоратемурхон олдига қўйдилар. Хануз қатлга буюргани  
йўқ эрди, тоғ ичиндин бир қафлон бир эчкини қувлаб чиқиб келди.  
Они кўруб барчалари қочтилар, асирлар ҳам қочти, жаллодлар ҳам  
қочти. Аммо. Амир Темур қочмади, қўли бойлиқ эрди, эчкини тутуб  
еб, андин Амирга ҳамла қилди. Соҳибқирон оёғи била тепиб  
юбордиким, суяклари майда-майда бўлди. Қоратемурхон келуб  
Амирни юзларидин ўпти, қўлларини ешти, сани қатлингдин ўттум,  
агар отам буйруқ қилса ҳам. Лекин ўзга асирларни ўлдурунг, хон  
ҳукми тайгир бўлмасун деди. Амир айди: агар ўлдурсанг, мани ҳам  
ўлдур, агар ўлдурмасанг барчамизни ўлдурма. Амирни ҳимматини  
кўруб, ҳеч кимни ўлдурмади, барчасин озод қилди. Анда  
Шахрисабзга кириб Амирни ёнидин жудо қилмади, ҳар сўзни  
Амирдин сўраб қилурди. Аммо бир кун Амирни амакиси Ҳожибек  
ўпка қилди: мани хон муқаррабларига қўшмайсан. Анда амакисин  
риоя қилиб, хонга дўст қилди. Аммо Қоратемурхон чўрилари ичра  
бир гўзал чўри бор эрди, ани барчасидин яхши кўрар эрди.  
Иттифоқо, ул чўри Амир Темурга ошиқ бўлди. Бир кун Амирни  
хилват топиб, арз қилди, айди: эй хоним афандим, Амир Темур,  
мани бағрим куйдуруб ишқ ўтига куйдурма, мани мақсудим ҳосил  
қил, деди. Соҳибқирон айди: хонни тузини ичиб туруб бул ишни  
қилмасман. Мундин Ҳожибек воқиф бўлуб, кўнглида кудурати бор  
эрдиким, қочайлук деганда Амир они уруб-сўкуб қайтаруб эрди,

муни қасди Амирни ўлдурмоқда эрди. Бул ҳам макр ила алдаб, шундоғ гўзал нимарса санга ошиқ бўлмиш, они мақсудини ҳосил қил, деб кўб муболага қилди. Анда макрига алданиб, Амир, наилож қилурмиз, деди. Ҳожибек айди: манга сандуқ ичра солиб бергил, ман уйга олиб борай. Анда ул чўрини мушк асфар била сандуқ ичра солиб Амир соддалугбила амакисига тобшурди. Они Амирни уйга элтуб, ул бевафо амакиси кечи била хонга келуб айди: мани қардошим ўгли фалони чўрингизни олиб кетубдур. Хон қабул қилмади. Ҳожибек сандукни маълумин қилди. Қоратемурхон ўшул вақт қиличин қўлга олиб берди. Амир англаб уйидин чиқуб қочти. Ушал чўрини тошиб ўлтурди. Амир Хонимчага эр либосин кийдуруб, Бухоро сарига олиб кетти. Қоратемурхон ҳар тарафга юз киши-юз кишидин юборди. Тонгласи кўргагон элидин уч юз кишини келтуруб бошин кесди. Ҳожибек қаландар суратида бўлуб қочти. Аммо юз киши Амир орқасидин Бухоро жонибиға юзландилар. Аммо Амир чўлда бир ҳавуз ёқасига келуб туштилار. Анда наҳори қилдилар. Ногоҳ орқаларидин чанг ва тўзон кўрунди. Хонимчани етти мисқол оғуси бор эрди, ҳар ерда зикликда қолсам, ичурман, деб эрди. Анда ўшул ёвни кўруб оғуни ичмоқга ҳаракат қилди. Амир кўруб қўлидин олиб ҳовузга ташлади. Иккови отга минуб жўнаб кеттилар. Ул юз киши ҳовуз бўйига келдилар, тушуб ул сувдин ичуб, оғу асар қилуб эрди. тўқсон киши ўлди. Ўн киши кўрқуб ичмадилар. Йўлга тушуб Амирни орқасидан бориб еттилар. Хонимчага Амир айди: сан бул ерда ўзингни сақлаб тургил, тангрим нимани ҳоҳлайдур. Филҳол, аларга муқобил бўлуб ўқ отти, уч кишиға тегди, бир кишини кўзи кўр бўлди. Қолган кишини уруб қувлади, агар жонларингдин қўл ювган бўлсанг бери кел, деди. Анда кўр бўлган: мунга бас келиб бўлмас, деб ўлганларини ҳавуз ичра ташлаб, андин қайтуб Қоратемурхон олдиға келдилар. Айдилар, бир оғу қўйган сувдан ичуб барчамиз ҳалок бўлуб қайтуб келдук, деб хонга жавоб берди.

**БУ ДОСТОНДА ҚИМОРИЙ ИНОҚ АМИР ТЕМУР  
СОҲИБҚИРОНҒА ЙЎЛДОШ БЎЛГЕНИ.  
АМИР НАҚШБАНД ПИРИМ ХИЗМАТЛАРИҒА  
БОРГОНЕНИ БАЁНИ.**

**АММО АҲВОЛИ СОҲИБҚИРОН ИСКАНДАРИ СОНИЙ  
НЕЧАНД КҮН МАШАҚҚАТ ЗИНДОНИДА БЎЛУБ, АНДИН  
КАМ-КАМ ФАРОҒАТ МИСРИ УЗРА СУЛТОН БЎЛГЕНИ**

Алқисса, Соҳибқирон ўзбек, қипчоқ элидин нажот топиб, Қаршиға келди. «Шарафнома»да мусаннифи дерким, ваҳди тасмия, Қарши уйғур тилида, Қарши деб қасри баландни айтур. Оқтемурхон ибн Тўқтемурхон ул ерда ўрдасини андоғ юқори кўтариб бино қилдиким, офтоб кўтарилса, сояси бир кунлиқ йўлга тушар эрди. Амир бечора бул ерға келуб, ҳайронликда қолиб, бошини хотунини тизига қўйуб, андек уйқуға борди.

Анда бир тарафдин чанг чиқти. Кўрса Оқтемурхон сайрдин келур. Хонимча бўркига йигоч тегуб, ерга тушти. Оқтемурхон кўрдиким, хотун кишидур. Амирдин сўрди: қандай кишидурсиз? Амир Темур айди: беклардинмиз, аҳли насаб бўлурмиз. Бул заифа мани хотунимдур, сизларни зулмингиздан қўрқуб турурмиз, мабода бизларни ҳақорат қилмангиз деб. Бул сўз анга қаттиг тегиб, биз золим бўлсак, бул хотун саники бўлса, бизга керак, деб бир йигитга буюрди, келиб Хонимчани от узра миндуруб олиб кетти. Сарой Мулк: ман малика бўлурман, қўлингни текузма, деди. Ул айди: мен ҳам хон хотуни малика бўлурман, деб бўркини бошдин олди. Амир гайратидин Оқтемурни жиловидин тутуб, бу қандоғ зулм, мани ҳақимга қилурсан деди. Хон қиличини кўтариб Амир бошига солди. Тўрт бармоқ ботти. Амир эси кетуб йиқилди. Оқтемурхон Сарой Мулкни ўрдасига келтуруб эрди. Анда куёш куёви дунё зулмотидин қочуб ёшунди, тун келини гаму қайғуда бўлуб қора чодир ичра беркинди. Кечаси бўлгоч, хон Хонимча олдига яқин келди. Хонимча айди: биз мусулмонлар расмида ҳайз кўрган хотунга яқин келуб бўлмас. Мани иллатим бор, мани қўйгил, агар бўлмаса ўзимни ханжар била уруб халок қилурман. Охир, Оқтемурхон чиқуб кетти. Қирқ кун муҳлат сўради. Ҳар кун Оқтемурхон келса Хонимча қўлига ханжар олур эрди. Лоилож қайтур эрди.

Аммо Амир Темур ақли ўзига келуб кўрса, ҳеч ким йўқтур, ўрнидин секин туруб, йиглай-йиглай бир масжидга келиб йиқилди. Ул масжидни сўфиси келуб кўрса бир йигит ётур, боши ёрилган, аъзоси қон. Муаззин раҳми келуб ани уйига олиб борди. Амир анга айди: тўра бача бўлурман, жатта элати мани мажруҳ қилдилар. Сўфи айди: мани бир ўғлум бор, Иноқдур, анинг лақабин кал Қиморий дерлар. Боши тоздур, ўзи қиморбоздур. Ман они ишига норизолиқ қилурман. Андин кейин ўгли келди. Амир ярасини кўруб, ювиб бойлади. Амир хизматида доим бўлди. Холо, анинг қабри Соҳибқирон оёқи саридадур. Аммо ул сўфи қавчин элидин эрди, Амирни тарбиятига муқаййид бўлди. Андак вақтда Соҳибқирон соғолди. Аммо Иноқ ҳар кеча уйдин чиқиб кетар эрди. Бир кечаси Амир ҳам анинг орқасидин борди. Кўрдиким, хандакдин сакраб ўтуб шаҳр кўргонидин ошиб кетти. Яна бир фурсатда кўргон орқасидин чиқуб жойига келди. Амир анга сиррини айтур бўлди. Хотирода ўйлаб яна ман сўзим айтконим била ишимни уддасидан чиқарму чиқмасму, яна сўзум у қулоқиға олурму, олмасму деб айтмади. Андин бурун уйига қайтуб келди. Иноқ ҳам келди. Кундуз бўлганидин кейин муаззин Амирга айди: эй йигит, тожикни, накли бордурким, «одами бекор аст, аз ин худо безор аст», андак ишга машғул бўлгил, сабаби овқат бўлур. Иши йўқни тиши йўқ, дерлар яъни анинг сўзи ҳеч кимга таъсир қилмас, деб сўфи, Иноқ учовлари бориб қовун фолиз ўтини юлуб, туш бўлгач йигоч соясида ухлар эрдилар. Бир кун Амир бошига бир-икки кесакни ясдуқ қилуб ухлар эрди, ногоҳ Иноқ уйқудин туруб кўрса, бир қуш товусга ўхшаш мунаққаш йигоч узра қўнуб Амир бош узра соя солиб ўлтурур, тумшукда эски сўнгак бор, секин

отасин уйқудин уйғотти. Иккови ани мушоҳада қилдилар. Бу қушни киши кўрган эмас, тайин билдиларким, ҳумоюн ушбу қушдур.

Иноқ айди: эй Ота, бул тўра бачага тангри таоло давлати азим карам қилгай, ман аҳд қилдим, ушбу тўрани мулозиматидан асло жудо бўлмагайман. Андин сўнг ул қуш ҳавога учуб кетти. Амир уйқудин турди. Ота ўғул Амирни кўб риоят била иззат қилур бўлдилар. Соҳибқирон алар мани масхара қилур деб йиғлади. Айди: эй қардош, мани бошимда шул кулфатлар бор экан.

Б а й т :

*Учарға келмаса лочин мадори,  
Бўлур чумчуқға шумшук кор бори.*

Анда қиморбоз Иноқтоз айди: Эй тўра жоним, масхарам йўқлиғига қасам ичай, севганим сайру бўстон соёдет, бул кун бошинг узра латофатда бир қуш соя солмиш, кўрдим тумшуқида сўнтак, ман анинг ҳумоюн идрок қилдим. Анқарибдур, мулки афлоки Юсуф иқболига етуб, меҳнат зиндонидин чиқсанг, роҳат Мисри узра султон бўлсанг ажаб эмас. Эмди хотирингни жамъ қилуб, манга асли насабингни билдурғил, деди, қўймади. Анда лоилож Амир Соҳибқирон чин сўзин анга зоҳир қилди.

Н а з м :

*Фалак манга қўймиш ушбу қаттиғ от,  
Амири Темурдур, темурдур қанот.  
Яратган қулиман, Расул, онам  
Бўлуб уммат анга алайҳис салом,  
Яна раҳмат ўлсун анинг олиға  
Ва авлодиға яна асҳобиға.  
Амири баҳодур отамдур мани,  
Қорачору Анжил бобомдур мани,  
Алар эрдиларким шоҳи сафшикан,  
Қулоқ сол, Иноқим, эшитгил суҳан.  
Қорачор нўён амалзодадур,  
Темучин вазири ул озодадур.  
Алар паҳлавонлиқда арслон каби,  
Денгизда наҳанг, даштда қулон каби.  
Алар аждаҳои замон эрдилар,  
Шижоатда шеру жаён эрдилар.  
Онамдин сўрасанг, бу ҳам асл зот,  
Борий рўз, машҳар шафъеъ асот.  
Соёдетда эрди, булар оқ суяк,  
Шариат сутуни, эшит, як ба як.  
Неча кун бўлубман чу ғурбатда ман,  
Яна неча кунлар мазиллатдаман.  
Будурким. ҳамма феълу атвор даҳр,  
Бериб иқбол гоҳида уёр даҳр.*



Алқисса, Соҳибқирон асвил қайвонлигин жулус айвонлигин бир-бир Иноқга айтуб, огоҳ қилди. Яна Хонимчани Оқтемур олиб кетганин, кўнглин қайғуда бўлганин баён айлади. Иноқ Қиморий айди: Эй тўрам афандим, кўнглингни тунча киби қон ила олуда қилмагил, багрингни доғ айламагил, эмди, ажаб эмас, умидинг гуллари очилгай, душман қонлари сочилгай. Ман санинг-чун хизмат пўтасини белимга боғладим, қуллик халқасин қулоқимга солдим, иншооллох, Оқтемурхоннинг тоқи равоқига ўт қўйуб. Хонимчага нажот бергумиздур. Ушул кеч қуёш қуёви юзи шафак қизариб гойиб бўлганидин тун келини гам ва андуҳда бўлуб, боши узра қора чодрани солганидин кейин, Иноқ расми айёрликда ўзин тузатиб, Амир Темур иккови кеча била хандак ёқасига келдилар. Андин ўтуб Иноқ ўзин қўрғон остига олди. Амирни ҳам олиб, шаҳар ичра дохил бўлдилар. Қазора, қоровуллар барчаси уйқуда эрди. Андин ўрда сариға бордилар, дорвозобонларни ҳаммасин гафлат уйқусида кўрдилар. Эшикларда қуфли калид била турур, етти эшикдин ўтуб, оҳиста-оҳиста келсалар чироғ асари зоҳир бўлди. Соҳибқирон назар қилса Оқтемур Хонимчага юзланибдур, они қўлида ханжар, айтадурким, эй жатта кофири, мани олдимга келмагил, ўзимни ханжар била ҳалок қилурман, ҳеч ким мани ўлумдин қайтаролмас. Ғайрат ўти Амир кўнглида аланга уруб, эшикни бир тепиб сиन्दурди, ичкари кирди. Оқтемур қўлига қилич олиб, ирғиб туруб, кимдур, қандай уёти йўқ мани қасримга келур дегач, орқасидин Иноқ келуб хонни қилич била уруб ҳалок қилди. Хонимчани олиб, ўрдасини ўртасига ўт қўйуб, тева кўрдингму, йўқ деб муаззинни уйига келдилар. Тонгласи Қарши одамлари хабар тоштиким, Оқтемурхон ўлубдур, қасрга ўт қўйулубдур ва тамоми куйубдур, хавф Тўқтемурхондин. Барчалари мотам либосини кийдилар. Аммо бир кеча Амир Темур туш кўрдиким, бир қаландар, атрофига сочлари тарқалгон, Амирга бир бутун нон берди. Бир чеккасидин ушотиб олиб, қайтуб берди. Уйқудин туруб Иноқга тушини айди. Таъбирига Иноқ айди: ул нон ер юзини барчасидур, бир чаккасидин олиб қайтуб берибсан, бу рубъи маскундур, азизлар муни санга берибдур. Амир айди: ул қаландар жамолини шавқи мани Мажнун қилгудек.

Аммо Бухородин бул сўз эшиттиларким, амир Қозагон мулозимларга амр қилубдур ҳар ерда толиби илм қатлига, холо, Бухорода мулламан деган киши қолмабдур. Амир Иноқга ўл золимни бориб Бухоро халқидин дафъ қилурман, деди. Хонимчани Қаршига қўйуб, Иноқ била Бухоро жонибига юзландилар. Андин Бухорога яқин бир чорбоғга бордилар, анда хавуз ёқасида суфа узра бурё солинган, Амир суфа узра чиқуб ўлтурди. Йигоч бутоқида осилган хатни кўрди. Айтубдурким, шул йигоч емишларидин ҳар ким еса ҳам зомин, емаса ҳам зомин. Амир ҳайрон бўлди. Иноқ айди: емайлук, зомин бўлмайлук. Амир айди: охир зомин, биз яхшиси шулким, ермиз, деб кўнгли тортганича емишлардин едилар, бир кеча бир кун турдилар. Ховуз мавжга келди. Анда бир ўғлон, ўзи қаландар сифат, келурким, шижоатидин барча олам ларзага келур. Иноқ айди: ана, боғ эгаси келди, бизни еган-

ларимизни кўрса, лат қилуб урушодор. Анда эгаси келди, овоз қилуб, «сиз қандоғ одам, бу емишлардин ижозатсиз ерсиз» деди. Амир айди: биз мусофир, бул ердин ўтуб борур эдук, бул боғ ичра йиғочда осилган хатни кўрдук, емаган киши ҳам зомин, бул сўздин «охир зомин эканбиз деб, едук». Боғ эгаси анда «илло, Турагай баҳодур ўгли Амир Темурсан», дедилар. Амир кўруб тануб, «тақсир, афандим» деб оёқлариға йиқилдилар. Ул киши, мани отим Муҳаммад Фазл Бухорий Нақшбанд Баҳовуддин шуҳрат бўлубдур, бул маникидур, худо йўлиға худойи қилубдурман, ҳар киши келуб меваларидин егай.

Аммо бул мавзёни Қасри Орифон дерлар. Амир айди, хат ёзилубдур экан, еган-емаган бари зомин, бу нечук сўз? Баҳовуддин айдилар: ҳар ким еса, ман зомин, нечук онсиз жаннатға қадам қўймасман. Ҳар ким еса ул зомин, нечун ўзига ўзи жафо қилубдур.

Масождатдин кейин кечаси Қасри Орифондин Амир ила Иноқ Бухороға дохил бўлдилар. Чаҳор сув (Чорсу) яқиниға етуб эрдилар қоровуллар табласини садоси келди. Амир ўзини бир бузулган дўкон ичра олди. Иноқ ажраб ўзга тарафға кетти. Амир кўрдиким, бир заифа, боши кесилган ётур. Амир ҳайрон бўлуб андин чиқуб кетмоқда эрди, асаслар етуб келди. Филҳол, кўруб Амирни тутуб бойладилар. Ҳарчанд Амир чин сўзлади, алар ёлгон деб қабул қилмади. Қоровуллардин бири Амирни уйиға келтурди, муқаррар қилдиким мақтул ила Соҳибқиронни амир Қозағон олдиға еткурмакни. Амир тун ярмигача нола қилуб йиғлар эди. Саҳарға яқин уй эшики очилди, қўлида чироғ, бир чўри хотун чиқуб Амирни атрофидин айлануб йиглаб айди: Эй тўра бачам афандим, санга на бўлди. Анга назар қилуб кўрса, бул чўри Амирни энагаси эрди, яъни Амирни эмизиб эрди. Вақтики, оломонлар борганда кўлга тушуб Бухороға келтуруб, асасға сотиб эрди.

Алқисса, Амирни ешуб нажот қилди. Амир андин чиқуб Иноқни тобмоқға муқаййид бўлди. Бир ерга келса, Амирни тутуб бойлаган асасни бўйни узуб қон ила булғониб, танаси чўзилуб ётур. Андин ўтуб кўб боши кесилган қоровулларни кўрди. Андин бир ерда қора кийумлу киши қўлида ханжар келур. Амир ўзини бурчакға олиб қараса, Иноқдур. Анда бир-бирини тануб, Иноқ айди: сиз учун қоровуллардин етмиш кишини бошин кесдим, то асас уйиға бориб, муродим холос қилмоқда эрдим. Оллоға ҳамд, жамолингни кўрдим деб иккови ҳазрат Баҳовуддин хизматлариға келдилар.

Аммо Мавлоно Шарафиддин, «Жомеъул аъзам» да келтурдурларким, амир Қозағон Тўқтемурхон буйруқи била Бухороға ҳоким бўлди. Аввал муътақидлар талабида эрди. Соний золим бўлди, сабаби шул эрдиким, отаси қалмоқ бекларини қизини олиб эрди, анга бул ошиқ эрди. Тўқтемурхон хизматида Самарқандда оламдин ўтти. Отаси ўлганидин кейин ул чўрини Бухороға олиб келди. Оти Бойгун эрди, ўзига хотун қилмоқ бўлди, амир Қозағонға ўгай она эрди. Бойгун айди: ман санга тегмасман, чунки ҳеч мазҳабда онани олмоқ дуруст эмас. Агар кофир бўлсанг ҳам, қабул қилмагайман.

Аммо алар занахи шундоғ эрдиким, ота-онамиз халқ қилгон деб, ота-онасиға чўқунур эрди, тасалсулдур. Асли Одам Атони осмон яратган деб, Кўк тангрим, дер эрди. Наузибиллох, аммо амир Қозагон муллалардин ривоят олмоқ бўлди, ўз диниға, лекин кўнглида динлар афзали Мухаммад дини деб мухаммадийлардин ривоят талаб қилди. Шул дастурда эрдиким, кишини отаси ўлса, андин мол қолса ворис ани тасарруф қилса, ривоят борму, деб сўрди. Ул вақтда имом Хофизиддин Бухорий муфти эрдилар. Ривоят бердиларким мерос ворис ҳаққидур. Ул ривоятни Бойгунни олдиға келтурдилар. Ул хотун сўзға кўб етук эрди, имом Хофизиддинға хат ёзиб, хитоб қилуб юбордиким, қайси мазҳабда онани ўғул олгай, агарчи бизлар кофир, сизлар мусулмонсиз, дунё деб охиротдин кечдингизму? Они сўзини эшитуб, жумъа кун имом Хофизиддин амир Қозагон қошиға келуб, говур қилуб айди: сан таблис била биздин ривоят олдинг. Муллоларға мухлис эрди, ҳеч нима демади. «Эмди ўттим», деб кўб узрлар қилди. Аммо бул воқеаъ етти ўлка, яъни иқлимларға шуҳрати кетти, Бухоро муллалари ўгай онани олмоқға ривоят берибдур, нечук, деб атрофдин нома кела берди. Бухоро муллалари бу сўздин шармисор ўлуб, йиғлар эрдилар. Имом Хофизиддин тушида Имом аъзам раҳматуллоҳ алайҳа пирим келуб айдилар: эй ўғлум, ҳар ким масала сўраса билуб жавоб бергил, шошиб жавоб айтмагил, эмди тургил, бул ишни олдини олғил, тонгла етти иқлимға етмиш икки мазҳабға нома юборгил. Андин кейин улусни алдаб ижтиҳод қилса, анга лаънати олло бўлгай. Имом уйқудин туруб кўб йиғладилар. Сўзларини халқға айди. Барча қабул қилди, рофизийлар қабул қилмади. Алар мазҳабда ижтиҳодларида кушодадур.

Алқисса, амир Қозагон Бойгунни олмади, имомлардин хавф қилди. Аммо Бойгун тожикдин бир кишиға кўнғил бериб эрди. Ушал вақт Бойгун ани талаб қилса, бир катта қозони бор эрди, анга солиб келтурур эрдилар. Бир кун амир Қозагон ўлтуруб эрди, сўрдиким, бу нимадур, кўтариб келган? Хизматчи хотун айди: Бойгун хотун ошидур. Имом Хофизиддин ҳозир эрдилар, балъами каромат айдилар: қозон ичра одам бордур. Қозондин ул одамни олиб келдилар, тожик гуфт: «ман мулло мешавам, имом гуфтанд агар шаъни мулло ҳамчун бошад, дардики пухта шуд»<sup>1</sup>.

Ул тожикни Қозагон қилич била уруб, ҳалок қилди, андин ҳарам сарига кирди. Бойгун кўрқуб сани қабул қилурман, деди. Анга ноз-ниёз қилуб, завқини келтурди. Аммо Бойгун малъуна эшиттиким, тожикни ўлдурмоқға имом сабаб бўлубдур, хоҳласа-ким, муллоларни барчасини ўлдурса. Қозагон макр қилуб айди: ўшал муфти имом мани иссиғ-совуқ била ўзига ром қилубдур, деб кўб муболаға сўзлар сўзлади. Анда Қозагонни ғазоби келуб, агар муллоларни қони била йиғоч кўкартурмасам, деб онд ичти. Ул малъуна хотун муллоларни қони била йиғоч кўкартурсанг, сўнгра

<sup>1</sup> Ман мулломан, муллонинг шаъни шундай бўлса, дарди қаттиқ экан, деб айтганди имом.

мани олурсан, деди. Анда ул нобакор имом Хофизиддинни чоқирди. Имом ҳар кун олдиға борур эрдилар. Ҷурнидан туруб, оғоз қилур эрди, бул кун жабҳаси мутағаййир бўлубдур, асло ўрнидин тебранмади. Ани кўруб имом жонларидин қўл ювдилар. Имом андин тақаддум ўлтуруб эрдилар. Қозагон айди: ман амир бўлсам, мандин нечук илғари ўлтурдинг? Имом айдилар: ман олимдурман. Ул айди: олим бўлсанг нега бир масалаға жавоб бермадинг. Имом айдилар: сўроғил. Ул айди: отадин қолгон хотунни ўгул олиб бўлурму? Имом айдилар: бизни мазҳабда жойиз эмас, аммо сан кофирсан, ихтиёринг. Филҳол, жаллодга буюрдиким, имомни ўлдилинг, деб. Шаҳид бўлурида имом Хофизиддин ушбу рубоийни айдилар:

Б а й т :

*Тилим бирла ўқуб қирқ йил худони илми тавҳидин,  
Қулоқ ила эшитдим шасти сол асрорини таъйин,  
Не сир эрди бўлуб бул кун шаҳидим тиғи қаҳринг ила  
Яратгандин эрур бул лутфи раҳматдур манга ойин.*

Андин кейин, ул нобакор ва золим у Кунхор муллоларни келтуруб шаҳид қила берди.

Ровий айтурким, қирқ кунгача тўрт минг мулло шаҳодат шарбатини ичтилар, рух тўтиси тан қафасидин учмоқ шакаристонига учтилар. Ҳар ерда мактаб ва мадраса ва масжидларни хароб қилди, толиби илм бўлса ҳар тарафға қочтилар. Кофирлар куфр гавгосини Бухороға сочтилар, сўфилар ҳар масжидларда овозини чиқориб азон айтолмадилар. Ул вақт рамазони шариф эрди. Буюрдиким, рўза тутманглар деб. Бир неча бебок ва беидрок тожиклар дини Муҳаммадни ташладилар. Чорбоғи Шамсулмулк, холо Намозгоҳдур, ани бутхона қилуб, катта сипоҳлари зоҳиран бутға чўқина бердилар. Ушал вақт мусулмонларға кўб шўришлар пайдо бўлди, гўё Нух тўфғони мавжға келди.

Б а й т :

*Қизил қон бўлуб мавжи тўғонлар,  
Шаҳид ўлдиларким азиз жонлар.  
Кетуб арбоби дин, чу исломдин,  
Алар ичра тушти ажаб кибру кин.  
Жолойи ватан бўлди устодлар,  
Дин аҳли хафадур, қуффор шодлар.  
Калисою бутхоналар зеб илан,  
Бериб неча оройу тортиб илан,  
Бўлуб мадрасаю масожид хароб,  
Мусулмон паришону ҳайрон соб,  
Шариат чироғи қолибдур ўчиб,  
Шариатни талаби ҳар ён қочиб,*

*Мусулмон бариси ғаму қайғуда.  
Фасад аҳли кўрким, кўзи уйғуда.*

Алқисса, фисқ-фасод шул даражаға еттиким, қалам ани битолмай но, тил ани аёнин зикр этолмай лол. Саййид Отадин ўзга Бухорода аҳли фузалодин киши қолмадилар. Саййидни келтургил, деб киши юборди. Бухоро халқи муни эшитуб, барчалари Саййид Отани хонақосига келуб, сайҳа била йигладилар. Бизлар ҳам яроғ ва аслаҳа олиб, жонимиздин кечдук, золим била жанг қилурмиз, дедилар. Саййид аларни манъ қилуб, айдилар. Эй қардошлар, сабр қилғайсиз, иншоолох, бу золимни давлатиға завол эмди бўлубдур. Андин эл-улус бориб ўрда эшикида турдилар. Саййид Ота ичкари қўрғонға Қозағон олдиға бордилар, айди: манга масала ҳожат бўлубдур, муллолар, дин ожиз келдилар, нечаларини ўлдурдум, нечук, ўз ишлариға парволари бўлмади, бир масала ўхдасидин чиқолмадилар. Аммо сиз била сўзламайман, келгон йўлингизга кета беринг. Саййид айдилар: нечук мандин масала сўрамадинг, санга жавоб айтар эдим. Анда сўрдиким, ўгул ўгай онани олса бўлурму? Саййид ота анинг ўнг ва сўлиға қарадилар. Қозағон айди: ман сиздин савол қилсам, Сиз уён — бу ён боқарсиз, боқғон била ҳеч нимани кўрмайсиз. Саййид айдилар: мани кўзум кўрмаслиғи барчаға маълум, лекин сани тасаввур қилурманким, эркакдин бўлганмусан, хотундин туғулганмусан, маълум бермади. Ул айди: ман ота-она суратларидиндурман, менинг халқ бўлмоқимға алар сабаб бўлгандур, бизларни миллатимиз шулки, ота-онамизга ибодат қилурмиз, шунга ўхшаш муттасил борадур мабдаъиғача ул иборатдурким, Одам Атодиндур.

Қозағон уйи юқорисида бир улкан бути бор эди. Анинг юзини беркитиб қўйуб эрди. Саййид Ота айдилар: ул нимадур? Ул айди: ҳазрат Одам суратлари маъбудимиз, шароб ичарда уёлуб беркитуб қўйубмиз, анга мабдаъи қасри забаржаддур, бизлар они Кўк тангри дермиз, деди. Наузибиллох, Саййид айдилар: сани бу сўзингда ноқис бор, деб хотиримга келур, вой сени ҳолингга, дедилар. Қозағон сўрдиким, не учун? Саййид Ота айдилар: Сўзинг ноқис шулким, ота-онаға ибодат қилурман, уёлурман, деб яна онамни хотун қилурман дерсан. Ҳеч киши маъбудига шаҳват ила назар қилурму? Қозағон калласи андоғ тубан кеттиким, Саййидни жавобига мадор қолмади. Анда бировға буюрдиким, таом келтуринг. Бир киши анда таом келтурди. Саййид Ота таомдин бир луқма тановул қилдилар, неча қатра кўзларидин қизил ёш сочилди. Ногоҳ Саййид кўзлари чечак каби очилди. Бу ишга одамлар таажжуб қилдилар. Маълум бўлдиким, ул нобакор илон гўштини ҳалок қилмоқ учун пишуруб келтурган экан. Аксига кўзлари равшан бўлди, нечун, олмосдин кўр бўлган эрди. Они давоси илон эти бўлди, баъзилар кофир таомини еди, деб маломат қилдилар.

Назм:

*Тақозоки қудрат яратгандин,  
Кўз очилди луқма еб илондин.*

Ушал вақтда амир Қозағонга Тўқтемурхондин нома келди, айгубдур,эй Қозағон эшиттимким, аҳли ислом аиммаи динни ҳақорат қилуб, ўлдурмишсан, аларни қони била боғ кўқартмишсан, мундоғ қилмағил, бўлмаса санга сиёсат ила кўб жафо берурман, яна сўзум, Саййид Отани мани олдимға юборғил. Андин кейин Қозағон муллолар қатлидин қўл тортти. Сайид Отани Самарқандға юборди. Хон шахридин Саййид олдиларига пешбоз чиқти. Андин кейин Тўқтемур хон кичик ўғлини тавҳид илмиға шогирд берди. Сипоҳи жатта Тошканд, Самарқанддин Саййидға имон келтурдилар.

Аmmo Амир Темур ҳазрат Нақшбандға таҳорат суви бериб, бир неча йил анда бўлдилар. Иноқтоз била бир кун Хожа Нурободға сайр қилуб бордилар. Анда амир Қозағон майда болаларға тош отмоқ жангини ўргатиб ўйунға солиб эрди. Иноқ Амирға айди: шу золимни бир иш қилуб ўлдурурман. Амир Темур манъ қилмади. Иноқ қўлини чубрўк била ўраб болалар ичра кириб, кўрунмас бўлуб, бир тош олиб Қозағонга қараб отти. Тўғри келуб икки қошини ўртаси — манглайиға тегуб, калласи таркидин ёрилуб, қон оқа берди. Болалар мун кўруб ҳар тарафға қочиб кеттилар. Мулозимлар Қозағонни ўрда сариға олиб жўнадилар, жарроҳ талаб қилдилар. Иноқ ҳозир бўлуб, ўзини ҳаким сўратида қилуб, ман жарроҳлиқни яхши билурман деди. Мун хам ўрдаға бирла олиб келдилар. Иноқ Қозағонға секин айди: Эй амир бегим, ман тилим била тўхтаб қолган қонларни ялаб олурман, сиз сабр қилуб, сира оҳ-воҳ деманг, андак тоқат қилурсиз. Қозағон қабул қилди. Анда кал Иноқ калласини ёрилган еридин андоғ сўруб торттиким, мағзи миясигача қолмади. Қозағон кофир андоғ тинчиб ухладиким, лаъин хон томуғ сариға бориб асло келмади. Иноқ ўрнидин секин туруб мулозимларига айди: бегимиз андак осойишда, ухладилар. Ман уйимға бориб марҳам келтурай, деб ўрдадин чиқуб бадар кетти. Келуб воқеани Хожа Баҳовуддинға ва Соҳибқиронға баён қилди. Қофирлар анинг ўлғонини билуб, қотилни ҳарчанд ахтариб тобмадилар. Самарқандға нома юбордиларким, Бухоро тожиклари Қозағонни ўлдурди, деб. Анда Тўқтемурхон ғазабда бўлуб, қасамёд қилуб Бухоро халқини қонин тўкмакға Самарқанддин Бухороға юзланди. Бу хабар Бухороға етти. барчалари йиғлашиб, Баҳовуддин хизматларига келдилар. Хожам Нақшбанд аларға мутасадди бўлуб, Бухоро дарвозасидин Тўқтемурхон олдиға чиқтилар.

## БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН ТЎҚТЕМУРХОН БИЛАН МУЛОҚОТ БЎЛГОННИ БАЕНИ

Анда Хожа Баҳовуддин пирим Тўқтемурхонни олдиға бордилар, қипчоқ сипоҳи Тўқтемурхонға айдилар: сиз ҳарам чодир ичра бўлунг, хожа турсунлар, тонгла кўруниш берсунлар, хонлиғни салобати маълум бўлғай. Хожам Нақшбанд ҳануз боғларига етгани йўқ эрдилар, хон ҳарамдин чиқти. Шайх Худойкули ва ҳазрат

Саййид Ота сўрадилар: Нега таваққуф бўлмади. Хон айди, агар таваққуф қилсам, ўтга тушгандек бўлдим, кўрқуб туролмадим. Саййид Ота инсоф юзасидин айдилар: девона Баҳовуддин жазабаси кўб зўрдур.

Аммо Шайх Худойберди манзур қилмади. Баҳовуддин бориб эрдилар, хон юқори ўрин кўрсатти. Шайх Худойқули харчанд журъат қилуб Баҳовуддиндин илгари ўтолмадилар. Хожам Нақшбанд салобатлари ул кишини бости. Аммо Амир Темур Баҳовуддин қадамлариға жойнамоз солиб, қўлини алиф-лом қилуб турди. Анда хонни олдиға биров келуб ўлтурдиким, бўйи етти газ, атрофига ўралган юзига нардалари, мушкбарни солгон, белиға иўта боғлагон тиз чўқуб, хон муқобилида ўлтурди. Хон айди: бул аврат мани хотунимдур, оти Шаҳр Орой, қипчоқ элатидиндур, бул чодир шунинг учун қурилгон, агар жанг ичра кирса, минг кишини бошини оладур, ўн минг киши ҳам муқобил бўлолмай, маъюб бўлур, бир катта бош ўқи бор, чодирдин туруб отадур, минг кишигача қалқон тутуб турса, аларға таъсир қилуб, албатта, барчасини маъюб қилур. Эшитуб Хожам Баҳовуддин тамошо илтимос қилдилар. Хон буюрдиким, бир ўзга чодир тикинлар деб. Анда Шаҳр Орой ул чодир шикофдин ўқ отти, минг кишидин ўн минг кишигача қалқон тутуб югурдилар, барчалариға асар қилуб, зарби катта тош била илож тополмай, маъюб бўлдилар. Тўқтемурхон айди: Бухоро одамлари қанча бўлса, ушбу Шаҳр Орой ўзи кифоя қилур, қандай тожик мани сипоҳимга кучи етадур, ҳар нима хоҳлаганимча тожикларға қилурман. Соҳибқирон қаҳр чашмда бўлуб, хон олдиға келуб айдилар: ман нотавон бечора ҳам тожик бўлурман, Шаҳр Орой била жанг ҳавас қилурман. Хон манъ қилди, Соҳибқирон сўзидин қайтмади. Хон Хожам Баҳовуддинга айди: сўфингизни қайтаринг, ажали етубдур. Хожам Баҳовуддин айдилар: анинг кўнглиға келган ишни қайтариб бўлмас.

Алқисса, Амир Соҳибқирон Шаҳр Оройға юзланди. Шаҳр Орой чодир ичра туруб ўқини отти, Амир они иъода қилуб ўқини бошоқлари била олиб, рад қилуб чодир ичра кирди. Шаҳр Орой, филҳол, қўлиға қилич кўтарди, Амир қиличин қўлидин олиб, қайтариб ўзиға андоғ солиб эрдиким, Шаҳр Орой бошидин белигача икки бўлунди. Муни кўруб жатта сипоҳлари келуб Амирни, филҳол, ушладилар. Хон анда Амирни қатлга буюрди. Хожам муроқабада ўлтуруб эрдилар, баногоҳ боғ тарафидин гулогулу овоз кела берди. Кўрдиларким, Тўхтамишхон, Тўқтемурхонни кичик ўғли баролуг йиғоч узра чиқиб чумчуқни уясидин боласини олиб, қўйниға солиб эрди, йиғоч тешукидин бир илон чиқуб, чумчуқ уясидин ўтуб Тўхтамишхонни бўйниға ўролибдур, барча ани нима қилурин билмай, ҳайрон бўлуб, барчалариға ваҳима тушуб Соҳибқиронға қарамай они фикриға муқаййид бўлдилар. Соҳибқирон онда туруб Шаҳр Орой хотун чодирига кируб ўқ била ёсин олиб шул ердин туруб йилонға қараб ўқ оттиким, йилонни калласи узулиб тушти. Аммо Тўхтамишхон билмай қолди.

Алқисса, хон Амирдин бул воқеани мушоҳада қилуб, ҳасаб ва насабдин сўраб билдиким, Қорачор нўён авлоди, Чигатой қизидин

экан. Расми Чингизхон деб саждаи таҳийят қилди. Жўжи авлоди Чигатой авлодига сажда қилурдилар, Амир манъ қилди. Хон анда Жўжихондин қолгон гурзини Амирга инъом қилди. Оғирлиқи ўн ботмон келур эди. Хон айди: аҳд қилуб эрдим, Бухоро халқини қонини тўкарман деб, тадбир қилингким, ҳукмим тағайюр бўлмасун. Анда тамоми мардуми Бухорони томуридин қон олдилар. Ҳукми хон тағайюр бўлмади. Амир хожам Баҳовуддин хизматида бўлдилар, Тўқтемурухон Бухорога кириб юртни адл ила сўрай берди: Вақтики, қипчоқ элатлари Шаҳр Орой ўлганини эшитуб, хеш-ақраболари они қонини талаб қилуб Бухорога келдилар. Хонга айдилар: бизларга Турағайни ўглини төпиб беринг, ўлдурурмиз, хон кўб манъ қилди, бўлмади. Баҳовуддинга хабар юбордиким, бу жамоъни ҳарчанд манъ қилдим, бўлмади. Анда хожам Соҳибқиронга назар қилуб, кўрдиларким, баҳодурликда арслондек, талаб жанггида қофлондек эрди. Айдилар, алҳол, сабр қилгил, агар зўрлик қилса, андин кейин ўзинг билурсан, деб бошларини кўксиларига ташлаб тафаккурга кетдилар. Анда ҳар кофир ҳовлиларига яқин келуб, отдин йиқилуб бўйни узулуб, жони томуг юртига кетар эрди. Агар эшикларига қадам қўйса, гойибдин яроғ келуб, бўйнига тегди. Одамлар тамошо қилур эрдилар. Баҳовуддин муридлари била ўлтуруб эрдилар, қипчоқлар сўрадилар: сочлик йигит ким деб. Тожиқлар айдилар: девона Баҳовуддиндур, муридлари, Турағай Баҳодур ўглига ҳамийдурлар. Қипчоқлар айди: эй девона, сизга ишимиз йўқ бизларга Турағай ўглини келтуруб бергил. Хожам айдилар: ул мани муридим, нечук берай санга, асло бермасман. Анда аларни бир чол қарияси айди: бул девона тасаҳҳири малоика қилубдур, малоикани қочурмоқ осон, илло, бир туғулгон оға-сингилни келтурурсиз, мунда оға сингилсин зино қилғоч, малоика қочур. Анда Тотор отлу киши келуб, ўз синглини зино қилди, тарми эли андиндур. Хожам «оллоху акбар» деб, ранглари мутағаййир бўлуб айдилар: эй Турағайни ўгли, сани аллога тобшурдим, энди ғайратинг ва журъатинг бўлса, кўргузгил. Амир, филҳол, яроғ-аслаҳаларини белларига боғлаб, қўлига қалқон олиб, дубулғани бошларига кийуб, совутни эгниларига кийуб, Хожамдин фотиҳани олиб, бир тарафда Иноқ қўлига ханжар кўтариб ул юзи қораларга юзланиб эрдилар. Карвон саройдин қипчоқлардин Қолто отлу киши чиқуб, Амирга қилич кўтарди. Яна Амир Жўжихонни гурзисини қўлига олиб они уруб, қиличин синдурди. Қолто қочиб девор тағига ёшинди. Амир гурзи била деворга андоғ урдиким, устига девор йиқилуб, жони томуг горига беркинди. Қолтони иниси оғасини кўруб Амирга қилич кўтариб келди. Анинг қўлидин ушлаб, бир уруб икки тақсим қилди. Анинг ҳам жони оғасини ёнига борди. Анда Иноқ икковлари яёв карвон саройга бордилар. Иноқ айди: ман карвон саройни томига ўзимни олиб бу ёвни тошқори чиқарурман, Амир ани манъ қилуб, мадин жудо бўлмагил деди, қабул қилмади, сарой томига чиқти. Бири саройдин ани кўруб орқасидин чиқти. Иноқ полон остига ёшунди. Иттифоқо, Иноқ бўйнига полон ифи тушуб, шошиб полон била ерга юмалануб тушти. Ани тутуб бойладилар. Амир



Иноқни қўлга тушганин эшитуб қарвон саройин остидин келур эди, одам қўблигинин сарой томи йиқилди, Амир остида қолди. Халқ Амир Темур ўлди деб гумон қилди. Қипчоқлар Амирни ўлугини куйдурумиз деб очиб кўрсалар, Амир тирикдур, лекин хушсиз ётур. Келтуруб Иноқ била боғлаб қўйдилар. Амир анча вақтдин кейин ўзиға келуб кўрса Иноқни олдидадур. Қипчоқлар хоҳласа-ким, икковини ҳолок қилса. Ушал вақт дупур-дупур овози галогул кела берди. Кўрсалар Тўхтамишхон Амирни бу ҳолда бўлганини эшитуб неча одамларни қалам қилуб келуб юз киши билан мулозимларидин бириси Амирни отни сағрисиға олиб, Иноқни яна бириси олиб Амирни яхшилиқ қилғони учун. Анда қипчоқлар Тўхтамишхонни ўртаға олдилар. Тўхтамишхон хийла била Амир ва Иноқ икковини Шамс ул мулк боғи деган жойи бутхонаға юборди. Қипчоқ элати Тўхтамишхонни кўб танг қилдилар. Тўхтамишхон эртағача деб алардин муҳлат сўрди. Тонгласи яна Тўхтамиш олдиға бориб гавго қилдилар. Тўхтамишхон айди: бориб бутхонадин хабар олинглар. Лекин аларни расмида бул эрдиким, ёзуқлу, гуноҳкор киши бутхонаға борса, алар даҳл қилолмас эрди. Анда лоилож бўлуб, қай вақт бутхонадин чиқса ҳалок қилурмиз дедилар. Тўхтамишхон икки қулидин Амирға таом юбориб, уч кундин кейин иккала қул Тўхтамишхонни амри била олиб борган сабат ичра Амирни олиб ва бири Иноқни олиб, беркитуб кўтариб шоҳ Нақшбанд пирим хизматиға келтурдилар. Хожам Амир Темурға айдилар: бориб Бароқхонни топиб келтургил, мулкни жаттадин олиб, анға бергил, буларни вақти хануз узокдур.

## БУ ДОСТОНДА АМИР СОХИБҚИРОН БАЛХ ВА ҚАНДАҲОР САРИҒА БОРГОНИ. БАРОҚХОННИ АХТОРИБ ЮРГОННИ БАЁНИ

Хазрат Нақшбанд пирим амр қилдиларким, Бароқхон қайда бўлса, ахтариб топиб, келтургил, дедилар. Анда Соҳибқирон Иноқни олиб икковлари яёв бўлуб сафар йўлиға туштилар. Кўб-кўб заҳматлар чекуб юрдилар. Аммо вақтики Оқтемурхонни Соҳибқирон ўлдуруб эрди, анинг, ўрниға Қизил Темурхон Қаршиға ҳоким бўлди. Қаршини улугларини тамомиға буюрдиким, мани оғамни қотилин топиб беринг, бўлмаса, барчангизни қатл этгумдур. Анда айдилар, сани оғанг бир йигитни хотунин олиб қочуб уйида сақлаб эрди, ул йигит ҳамийят қилуб бир кечада ўлдуруб кетубдур, маълум бўлмади кимдир. Ҳоким айди: ҳар кимарса ва ҳар нимарса шул шаҳр ичра хоҳ яхши ва хоҳ ёмон бордур, сизлар албатта, билурсиз, теаликда топиб берурсиз, бўлмаса барчангизни ҳалок қилурман. Биров айди: бул даштда бир азиз бор, илми Жафардин хабари бор, агар они топиб келтурсанг, ул киши илми Жафар била оғангни қотилин топиб берса керак. Қаршининг саҳросида гор ичра шайх Умар тоат қилур эрдилар. Синоҳларидин юбордиким, ул кишини бул ерга келтуринг, деб. Анда синоҳларидин ким горға яқин келса, отдин учуб кета берди, жони томуғ шаҳриға етаверди.

Сипоҳлардин кўб одам отдин йиқилуб, ул ерда ҳалок бўлдилар. Ҳоким бул ишқа ҳайрон қолди. Аммо шайх Умарнинг ўғлилари бор эрдиким, кўб сатанг ва чафани эрди, Қизил Темурхонга келуб айди: Эй хоним, манга инъом берсанг Жафар китобини ўғирлаб келтуруб берурман. Анга минг олтун инъом қилди. Ул кеча отасини олдига келди. Шайх айдилар: Ўғлум, ҳарчанд қилдим тургил, турмадинг, юзингда яхшилиқ нишони йўқтур. Бул анда, ота мани ёмонлигим йўқ деб онт ичти. Ул кеча вақтни ғанимат билиб, китобни ўғурлаб олиб келуб ҳокимга берди. Тонгласи Шайх кўрсалар, китобларини ноқобил ўғиллари олиб кетубдур.

Алқисса, шайхни қўймасдин Ҳоким қошига келтурдилар. Ҳоким иззат қилди, айди: эй шайх афандим, мани оғам қотилини манга билдуринг, бўлмаса Сизни ҳам ўлдурурман. Шайх айдилар, асрори ғойибни оллодин ўзга киши билмайдур. Андин кейин Шайхни ўғлиларини келтурдилар. Ул бебоки нопок Қизил Темурхонга айди: одамларни ўлдурмоқга талаб қил, алар фиғон қилуб отамга тазорруъ қилурлар, лоилож, отам қотилни тошиб берур. Эртаси одамларни жамъ қилди, барчаларини қатлга буюрди. Андин кейин алар Шайхнинг этакига ёбушуб зори қилдилар. Шайх айдилар: Эй халқ, илми ғойибни тангри таборак ва таолодин ўзга киши билмайдур. Шул вақт узра бир қари хотун келуб айди, оғангни қотилин ман хабар берурман. Аммо бул қари хотун Хонимча била тануш эрди, бир-бирига дўст бўлуб, анга махрами асрор бўлуб, Хонимчаи сода лавҳ сиррин айтуб эрди. Қизил Темурхон қари хотундин сўради, қотил кимдур? Қари хотун айди, оғанг қотили Турагай баҳодур ўғлидур. Ул фалон сўфини ўғли Иноқтоз қиморбоз била Бухорога қочиб кетгандур. Лекин хотуни сўфини уйидадур, деб бир-бир воқеани баён қилди. Филҳол, Хонимчага хабар келди, анда Хонимча ҳайрон бўлуб, сўфи била видоълашуб бошига телфак, эгнига тўн кийуб Бухоро сари юзланди. Анда бул хотунни тоболмай, сўфини тутуб кетти. Аммо Хонимча Мирзо Жаҳонгирга ҳомиладор эрди, йўл узра бир эски роботга йўлиқти. Анда важъи ҳомила яқин бўлуб, дарди зиёда бўлди. Ул эски робот жаҳонгир ибн Қизил Арслонхон Отабекдин қолгон эрди. Зўр ила ул робот ичра кириб эрди, бир ўгул вужудга келди. Аммо Бухородин Амир била Иноқ келур эдилар, шамол келуб кал Иноқ бошидин тўффисини тушурди. Шамол юмалонтуруб ер устида кета берди. Тўффисини орқасидин бул югуруб етолмай, Амир ҳам мунинг орқасидин кела берди, иттифоқо, бул роботга келдилар. Хонимчага мулоқот бўлуб, Хонимча бўлган шарҳи воқеани бир-бир баён қилди. Амир бул ўгулни кўруб отини Мирзо Жаҳонгир қўйди, нечукким, Жаҳонгир роботида таваллуд бўлуб эрди. Аммо Амир тезлик била Қаршига келдилар, ўлумдин одамларни нажот бергали. Аммо Қизил Темурхон сўфидин сўради, сўфи инкор қилди. Қаҳр-газабда бўлуб аввал шайх била сўфини шаҳодатга еткурди. Андин сўнг, ул золим тамоми халқни қатлга буюрди. Қарши элини андог ўлдира бердиким, катта-кичик, эру хотундин фиғон фалакка чиқа берди. Қарши халқини насафини ул

хунхор нобакор ўлдуруб эрди. Соҳибқирон етуб келдилар. Анда бировдин сўрдиким бу нима воқеадур? Ул айди, бир одам учун бу кофир золим барчамизни ҳалок қилур. Амир Хонимчани бир яқин одамға топшуруб, тўғри Ҳоким олдиға борди. Айди, Эй Қизил Темур Тўқтемурхон ўғли, оғанғни котили ман бўлурман, бу фақирларда ниманг бор? Анда Иноқ, бурчакда турур эрди. Ҳоким Соҳибқирон баҳодурлиқидин кўрқти. Айди, эй Амир Темур, ажаб баҳодур йигит экансан, икки кўлингни бергил, боғласунлар. Амир қайдға қўлини берди, бойладилар, қатлга буюрди. Анда Жатта беклари манъ қилуб айдилар, бул тўра бачалардин экан, зиндонға солсанг, Бухороға Тўқтемурхон отангга нома юборсанг, они ҳукми била иш қилсанг яхши бўлур, дегач, Иноқ бу сўзни англаб, андин Хонимча олдиға келуб, видоълашиб, яёв Бухоро сари, Тўхтамишхон олдиға бормоқ бўлди. Шаҳрдин чиқуб бир ерға келса, Қизил Темурхон номи юборган элчилари ётур. Аларни отин олиб, Бухороға юзланди. Кечани кеча, кундузни кундуз қилуб, жўнаб кетти. Бу элчилар ўрнидин турса, отларини ўғри олиб кетибдур. Лоилож бўлуб, яёв юрдилар. Аммо Иноқ ел каби учуб Бухороға етти. Анда болалар ўйнайдургон варрак қилуб учуруб, Тўхтамишхонға хатни юборди. Мунинг учганини, ҳавода турганини Тўхтамишхон кўруб, варракни асло кўрмаган эрди, таажжуб қилиб, бу нимадур деди. Айдилар варракдур. Анда айди, варракни эгасини келтуринг, деди. Анда Иноқни олиб бордилар. Тўхтамишхон тануб, навозишлар қилди Соҳибқирон аҳволидин сўрди. Анда Иноқ воқеани бир-бир баён қилди. Тўхтамиш, филҳол, нома ёзиб, отасини муҳрин босиб Иноқдин Қизил Темурхонға юборди. Ушал соат Иноқ номани олиб қайтуб Қаршиға юзланди. Йўлда қамишзор тўқай бор эрдиким, анга келса Қарши элчилари чарчаб тўқай ичра ухлаб ётур. Анда қамишға ўт қўйиб, тўқай тамомини куйдуруб юборди. Анда ул элчиларни жони ул тўқай ўтиға тоб келтуролмай, қочиб кетти, томуғ юртиға элчи бўлуб ети.

Кал Иноқ Қаршиға келуб ҳукмномани Қизил Темурхонға берди. Номада дебдурким, ҳарчанд, оғанғни ўлдургон бўлса ҳам, зиндондин олиб озод қилгил. Анда Амир Темурни, озод қилуб юборди. Соҳибқирон Хонимчани олиб Шаҳрисабзға борди. Қора Темурхон Шаҳрисабзни адл бирла сўрар эрди. Бехавф Хонимчани ўгли била анда қўйуб, ўзи Балх тарафиға, Бароқхонни ахтариб кетти.

## БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН БАЛҲ ШАҲРИҒА БОРИБ, АМИР ЧОКУ БИЛА МУЛОҚОТ БЎЛҒОНИНИ БАЁНИ

Аммо Амир Соҳибқирон Иноқ била йўлдош бўлуб неча кун, неча тун йўл кезиб, чўл кезиб, кун туруб, тун йуруб бориб Балх вилоятиға доҳил бўлуб, бир саройға кириб, хужрасида қарор олдилар. Бир кун Амир саройдин чиқуб, ўрамаларда юрур эрди, бир киши соқоли мош биринч каби бўлгон, нола бирла йиғлаб

борур, айтадурки, эй яратган тангрим, бизларни бу кофир золимдин йироқ қилғил. Амир анинг елкасидин ушлаб кўрди, танудиким, отаси қўлидан бир замонида мунини озод қилғон эрди. Соҳибқирон анинг кайфиятидин сўруб, санга кимдин зулм етубдур, деди. Ул қари чол айди, мани бир гўзал ўғлум бордур, анинг оти Ҳинд Хожа. Юртни ҳоқими Қамариддин тожикдур. Солқут қатагон анинг паҳлавонидурким, мени ўғлумни олиб қочиб, ҳаммомга кетубдур, билолмадимки, ул шум нима ҳақорат қилур. Амир айди, ҳеч кимга арз қилдингизму? Қари киши айди, Қамаридинга бориб арз қилуб эрдим, қулоқ солмади, лоилож, яратганга йиғлаб келурман. Амир анга, мен бориб ўғлингни нажот берурман, деди. Ул чол кулди. Амир анга ўзини аён ва баён қилуб билдурди. Андин кейин қари киши Амирни тануб, уйига таклиф қилди. Амир айди, аввал ўғлунгни нажот бериб, андин кейин уйингга борурман. Амир Иноқ бирла андин ҳаммомга бордилар. Ул ҳаммомчиға ҳеч киши келмасун, деб эрди. Ҳаммомчи буларни манъ қилди. Амир ҳаммомчи сўзига қулоқ солмай ҳаммомга кира берди. Ҳаммом ичра кўрдиким Ҳинд Хожа ёлғуз турур, Солқут қатагон боши охур ичра, сув олур эрди. Амир, филхол, бориб иккала оёғини кўтариб, бошини сувға тикуб турди. Солқут сув ичига кетти, жони узулуб томуғ ҳаммомиға етти. Мунини Ҳинд Хожа кўруб урра қочти. Улуки охур ичра қолди. Қиморбоз Иноқтоз мунини кўруб, дақ-дақ титраб берди. Иштон деб кўйлақини оёқига кийуб, кўйлақ деб иштонини бошиға кийуб, шошиб қолди. Ҳарчанд Амир айди, мардона бўл, кўрқма, деса ҳам фойда бермади. Ҳаммомчи келуб кўрдиким, охурдин лунги чиқуб, сув томуб турур, бориб қараб ўлукни айди, ҳой усто, бу қандай бало. Солқутни охур ичра ўлдуруб кўйубсан, деб ҳамомдин чиқуб, шовқун қила берди. Қатагон элатлари эшитиб етиб келдилар. Ҳаммомчи мунда шу икки йиғитдин ўзга киши йўқ, деди. Соҳибқирон Жўжихон чўқморини кўтариб, наъра тортиб, шовқун солиб, мандурман Турағай баҳодур ўғли, деб уруш қила берди. Қамариддин эшитуб, отга минуб келди. Аммо Солқутнинг иниси Иримчи йўлбарсни ёшлиқда тутуб олуб, устиға эгар юқини қилуб минуб юрар эрди. Ул ҳам эшитуб, йўлбарсга минуб келуб, Иноқни қамчин бирла урди. Оғзидин лахта қон келуб, ўзидин кетуб йиқилди. Они бойлаб кўйдилар. Андин Соҳибқиронга келди, қамчинини Соҳибқиронга ҳавола қилди. Амир ани дафъ қилуб чўқмор бирла уруб эрди, Иримчиға тегмай, Йўлбарсга тегуб бошини пачақ-пачақ қилди. Иримчи ерга тушуб кўб олишти. Амир чўқмор бирла андоғ урдиким, кўксигача тегуб, пора-пора қилди. Соҳибқиронни бу қилғон ишини жатта элати кўруб, фиғон қилуб келдилар. Бир кечаю бир кундуз андоғ уруш бўлдики, мундоғ масофни киши кўрган эмас. Амир жанг қила-қила шаҳарнинг дарвозасига келур эрди, анда кўпрук тешукиға оёғи тушуб, тойиб йиқилуб эрди, келушуб боғлаб Қамариддинни олдиға олиб келдилар. Амирни Иноқ бирла икковини зиндонға буюрдилар. Андин Бухороға, Тўқтемирхон олдиға нома юбориб, дедиким, Турағай баҳодурни ўғли келуб, икки паҳлавонимизни ўлдурди. Ани элати қонини талаб қилур, берайму ё йўқ? Ҳануз нома жавоби

келмасдин, иттифоқо Амир бирла Иноқ зиндонда эрдилар. Зиндон эшикида қоровулға бир киши сабат ичра олма тухфа келтуруб, тўйга таклиф қилди. Қоровул икки кишини ўрнига қўйуб, тўйга кетти. Ҳалиги икки киши чоғир ичиб, буларга айдилар, сизлар сабабингиздин тамошодин қолдук, тўйга беролмадук. Иноқ аларга айди, Сизни хизматингизга қоровул бир йилга нима берадур? Булар айди, бергани овқатимизга етмайдур. Иноқ айди, ман сизга бир пора лаъли Бадахшоний берурман, оғирлиқи етти мисқол келур, қиммати етти минг олтун бўлур, бизни нажот қилурсиз. Алар қабул қилдилар, лаълни беркитуб қўйгон ерларидин олиб берди, иккови кўрдиларким, лаъл асилдир. Соҳибқирон бирла Иноқни зиндондин халос қилуб чиқарди. Иноқ кўнглида айди, бу икковига лаълни ташлаб кетарманму, деб. Яна аларга айди, эй қардошлар, қоровул келуб зиндонийларни қаерга юбординг деса, нима дерсиз? Алар ҳайрон бўлди. Иноқ айди, икковингизни ман боглаб қўяй, сизлар юмаланиб, ер узра ётунг, қоровул келса, айтурсизлар, зиндонийлар ҳийла бирла бойлаб қочиб кетти, десангизким, кўрса маъқул қилур. Агар ўзи қочиб кетти десангиз, ҳеч ким инонмас. Алар қабул қилди. Ул содда замирларни алдаб, оёқ-қўлини боғлади, иккисини бошини кести, лаълни олиб, Ҳинд Хожа уйига юзландилар, билмадилар уйи қайда бўлса. йўл узра бир қора кийимлик учради, маълум бўлдиким, Ҳинд Хожадур, икковини уйига келтурди. Ул кеча анда бўлуб, тонгласи Ҳинд Хожани олиб, уччов бўлуб Бароқхонни ахтариб, шаҳрдин чўлга чиқтилар. Ҳиротга яқин еттилар. Чигатой эли жатта элатидан Ҳирот, Қандаҳорғача тарқашиб эрдилар. Овулдин овулға Бароқхонни сўраб ахтардилар, топилмади, балки билсалар ҳам кўрқуб айтмадилар. Жиройил элига келдилар. Алар Амирни зиёфат қилди, алардин Бароқхонни сўрди, алар айдилар, биз ҳам тополмай, ҳайрондурмиз. Алардин ўзлариға йўлдош талаб қилдилар. Алар мол-манолдин кечиб бермадилар. Андин сулдуз элига келдилар, булардин ҳам йўлдош талаб қилдилар, қабул қилмади. Андин Соҳибқирон, Иноқ, Ҳинд Хожа уч киши йўл кезиб, кун юруб Бароқхондин асар топмадилар. Соҳибқирон йиглаб муножот ила бу абётни ўқудилар:

Байт:

*Тополмай мақсудим ҳайрон эрурман,  
Биебонлар аро сарсон эрурман.  
Кўрунур ерда қум-тош, кўкда юлдуз<sup>1</sup>,*

*Бу тошлардин қабарди ким оёқлар.  
Бу чўлда йўқ қалов, зиё, на раҳбар,  
Илоҳо, сандин ўзга Хизру Жаброил  
Чироғ эмас яшил, ҳоди эмас ел,  
Ўзинг ҳоди бўлуб чин йўлингга сол,*

<sup>1</sup> Кейинги мисра асл нусхадан тушиб қолган.

*Адашган осий қулдурман, қўлум ол.  
Ки сандин ўзга йўқдур ҳеч паноҳим,  
Сиғиндим даргоҳингга. ё илоҳим,  
Йўл узра қўймағил афтодаларни,  
Хусусан, бизга ўхшаш соддаларни.*

Алқисса, Соҳибқирон тануш элатлардин рафиқ талаб қилдилар. Ҳеч ким рафоқатга ярамади. Неча кун йўл юруб, бир ерға келсалар, икки минг тева, ўн минг қўйга тўғри келдилар. Амир сўрди. Булар кимниқидур? Қўйчилар айдилар: бул амир Чоку барлосниқидур. Ул вақт амир Чоку элатлар ичра кўб гани киши эрди. Амир қўйчилардин сўрди, амир Чоку ўғли Мирзо Сайфиддин қайдадур? Алар айди: Мирзо Сайфиддин қудуқ бошидадур. Амир анда бордилар, кўрдиларким, мирзо қудуқдин нарида чодир ичра ўлтурур. Қуллари ҳар қайси ўз ишида эрди. Амир қудуқ ёқасига келса, қирқ хўкизни терисидин қилгон қовга осилиб турур. Амир анда қовгани сувга солиб, ёлғуз тортиб олди, охурга тўкуб, иккинчи тортиб олурида арқон узулди. Андоғ садо чиқдики, Мирзо Сайфиддин ирғиб туруб оёқ яланг югуруб келди, қуллари ҳам келдилар. Мирзо сўрдиким, нима гап? Айдилар, бу йигит ёлғуз қовгани сувга солиб, тортиб, иккинчида узулди. Барчалари таҳсин қилдилар. Амир ул вақтда йигирма бешда эрди. Амир Мирзо била чодирға бордилар. Мирзо Сайфиддин тануб, ўзин танумасга солди. Андин кейин Мирзо айдиким, ҳар ким ўз жойин билуб ўлтурсун, деди. Соҳибқирон Мирзодин юқори чиқуб ўлтурди. Мирзони аччиғи келуб, Амирға айди, қайдин келдинг, қаерлик бўлурсан? Амир айди, ман бухоролик бўлурман. Мирзо Сайфиддин айди: Амир Чоку барлос авлоди бул ерға келубдур, агар бухоролик бўлсанг бизни жуворилар Бухорода қанча бордур? Соҳибқирон жавобига айди: Бухорода жуворилар, гурунч, мош баҳоси бирдек эрур. Мирзони аччиғи келуб, ғазаб бирла айди, эй бухоролик, на сўзни билуб гапурасан ва на ўрнингни билиб ўлтурсан?! Амир айди, ман тўра бача бўлурман. Мирзо Сайфиддин айди, ман мулла бўлурман. Соҳибқирон айди, «илм» лугатда нимадур? Мирзо Сайфиддин айди, ҳар ниманинг ҳақиқатини билмоқ. Амир айди, мени билсанг, Турағай баҳодур ўғлидурман, Бароқхонни ахтариб келдим. Мирзо анга нағий ният қилуб, билса ҳам қабул қилмади, инкор қилиб айди, ман эшиттим, Амир Темурни жатта сипоҳлари ўлдурди деб. Энди сан ман Амир Темурман, деб келдингму? Соҳибқирон айди, мажҳул сўзга инонмағил, Амир Темур ман бўлурман. Яна Мирзо айди, Амир Темурни жатта элатлари бисёр кўб азоб ила ўлдурмишдур. Амир хоҳласаким, ўзини кўрсатса, яна туз ҳақини андешасини қилди, ўзини сақлади. Ўз қўнглида ўз элимни ёв қилмойин, деб хафа бўлуб, андин жўнади.

Мирзо Сайфиддин ҳайрон бўлуб қолди. Ноғоҳ, бир тарафдин чанг кўрунди. Чанг ичра фил минган бир киши келур. Аммо амири Ҳиндистон Амир Чокуга сийловга бир фил бериб эрди. Соҳибқирон кўрсаким, Амир Чоку эрур. Иккови бир-бирин тануб, қучоқлашиб кўриштилар. Амир Чоку элу юрти эсига тушуб, аларнинг фироқида

кўб йиглади. Андин кейин Амирни кўшга олиб келди. Мирзодин Соҳибқирон кўнгли хафа бўлғонини англаб қаҳр-газаб бирла мирзони ўлдурмоқга қасд қилди.

Мирзо Сайфиддин Амирни анда ўзига шафеъ қилди. Амир шафеъ бўлуб отасидин сўраб олдилар. Анда Амир Темур Амир Чокуга бошидин ўтган воқеасини бир-бир баён қилди. Ҳеч ким рафиқ бўлмаганини айди. Анда Амир Чоку бу учовларига от бериб, ўгли бирла ўзи аларга йўлдош бўлуб Қўшиғ қалъасига бордилар. Анда шаҳр ичра Иноқ кириб соатидин сўнг йиглаб чиқа келди. Аммо Тугал бекким, туркмон эли Қўрагон элига кўб душман эрди, Соҳибқиронга айди: амакинг Ҳожи бекни буюруб, терисидин этини ажратиб, машаққат ила ўлдурурлар. Филҳол, Соҳибқирон қалъа ичра кириб, амакиларини аҳволини кўрдилар. Йўлдошларига, сизлар сукутда туриг, деб ўзи жаллод қошига секин бориб, амакини ўлукини неча олтун бериб, жаллодлардин олди. Этини терисига ўраб олиб чиқуб, салласин анга кафан қилиб, жаноза ўқуб, дафн қилдилар. Ўшул ерда бир бузуг кулбада ухлаб ётур эрдилар, туркмон эли чиқуб, бешовларини боглаб олдилар. Қалъа ичра олиб кирдилар, беклари буларни ўлдурмоқга ҳукм қилди. Шул аснода шоҳ Мансурдин шаҳри Машҳаддин нома келди. Дейдурким, хушёр бўл ва хабардор бўл, Чигатой беклари бизни мулкимизга қасд қилмасун. Алҳол, Тугал хотирига келуб, ўз кўнглида дилхоҳлиқ қилуб, шоҳ Мансур олдига буларни тирик юбормоқ лозим бўлди, деб бул беш кишини икки бутуқлуқ айри йигочга маҳкам бўйниларидин бойлаб отларига миндуруб, бир неча муваккиллар бирла Машҳад сарига юзланди. Жом йўлидин Ҳарзга бордилар. Уч кеча, уч кундуз бирдек йўл юрдилар. Тўртинчи кечасида муваккилдин бирини уйқу галаба қилуб, Амирни отини жилови қўлидин чиқуб кетти. Соҳибқирон ишорат бирла ўзга йўлга юрди, аммо кун совуқ эрди, сахаргача йўл юруб, бир қишлоқга етти, чеккасида боғ бор эрди. Анда хонақоҳ ҳам бор эрди. Хофизларни овози, зокирларни сайҳаси чиқаду. Анда Амир таваққуф қилуб, хофизларни ўқуганини, аларни оҳ ва ноласин эшитти.

Амир хоҳладиким, аларни бирини чоқириб ўзини бойлуғун ештурса, яна душманлар хабардор бўлмасун деб сабр қилди. Ногоҳ бир сўфи чиқуб нола била йиглаб, икки итни хонақоҳдин келтуруб боглаб қўйди. Бири семизу бири ориқ, яна бориб хонақоҳ ичра кирди, соатидин кейин ул сўфи қўлида қоф ичра таъом олиб чиқти. Амир они кўруб, шовқун қилиб айди, эй сўфи, мани бойлуғумни ешгил, ўшал таъомингдин мани зоеъ қилмагил. Ул сўфи Амирга назар қилди, аммо таъомини икки итини олдига қўйди. Амирга гафурмади. Таъом манга раво бўлмай, итларга раво бўлди, деб Амир бениҳоят кўб хафа бўлди. Вақти бўлуб ўшул хонақоҳдин бир нур чиқуб оламини тутти. Жаҳон кундуздек мунаввар бўлди, гўё Амир кўнглига етти иқлим жилва қилди, магриб, Яман, Ҳиндистон, Мозандарон, Ироқ, Форс, Туркистон. Ўрус, Хуросон барчаси кўрунди, яъни илқо бўлди, яна гойиб бўлди. Андин сўнг икки киши келиб Амирни бойлуғини ештилар. Бирин қўлида шиёла тўла сут, бирин илгида коса тўла шароб, ҳар

қайсилари ўз косаларини кўб-кўб таъриф қилуб Амирга узаттилар. Амир шаробдин ичмай, сутдин ичти. Сўнгра бир арини кўрдиким, ўзи каби арини ўлигини кўтариб чиқиб кетти. Андин сўнг бир киши кўб чумчуқларни кўб машаққат бирла тутуб бир қафас ичра солди, лекин эҳтиёт қилмади, бир илон келуб чумчуқларни еди, кўби учуб кетти. Анда бир кирпитикан ҳозир бўлуб, илонни еди. Хануз кирпитикан кетмай туруб, тулки келуб, они еди. Анда бир сайёд киши тулкини ўқ била уруб ҳалок қилди. Ўзи нари бормай оёқи тўйиб йиқилуб бўйни узулди. Буларни барчасини бир соатда ҳалокатга етганини кўруб, Амир ҳайрон бўлуб, таажжубда эрди. Ўшул вақтда итларга таъом бергон киши чиқуб, Амир Соҳибқирон қошига чорада ўроғлуқ бир нима келтуруб қўйди. Амир айди: аввал таъомни итга бериб, эмди менга берурсан, деб сўфига бу қўшукни айди:

*Бу аҳволим санга қандай десам ман,  
Бу ит арзиди, лекин арзимасман.  
Бу хорлик бирла келтурган таъоминг  
Агар бўлса самар, қандлик, емасман.*

Сўфи айди: ман хизматчи кишидурман, егил. Соҳибқирон дастурхонни очиб кўрса, қўйни тўши пишган этидур. Соҳибқирон они завқ била хўб еди, тангри таъолога шукр айди.

Н а з м:

*Ҳар паришон сўзки айдим, ё карим,  
Бацадин истиғфор олло алъазим.*

Амирни кўнглига келдиким, Хуросон ер юзин кўкраги эмиш. Манга азизлар муни бермишлар. Яна сўфи чиқиб айди: Эй тўра бача йигит, бери кел, азизлар сани талаб қилурлар. Анда Соҳибқирон хонақоҳ эшикидин ичкарига кирди, кўрдиким, бир оқсоқол киши беқасам тўнли ва фўшли ва мисвоклу, ўгли бирла шатранж ўйнаб ўлтурур, ҳар вақт ўгли ютса ақча берур, агар оқсоқол киши ютса, боқий қўюр. Мунга Соҳибқирон ҳайратда қолди. Келуб бир чеккада қарор олди. Ул киши ўз ишига мағрур эрди. Ногоҳ тонг отиб эрди, эшикдан бир киши келуб, таъзим қилди, айди: йилқиларингиз ичра бир қайсар байтал бор эрди, асло туғмаган, андин бир таажжуб той туғулгондур, анинг отини Ақим қўйдум, ул той от йилқиларни ҳар тарафга қувлаб, агар бир одамни кўрса, филҳол, ўладуруб, кўб шугдур. Алар қонини сиздин талаб қилуб эшикга келубдур, ул киши йилқичига қараб айди: хўб яхши, аларга тавон беринглар. Яна Соҳибқиронга қараб айди: бул киши била боргил, ўшал отни бул ерга келтургил, санга инъом қилдим, яна санга кўб сўзлар гафургайман. Амир айди: Эй Шаҳриёр афандим, яёв қандай борурман?

Ул азиз даҳшат қилуб айди: боргил, агар дармонда бўлсанг, манга сизингил, деди. Амир кўнгилда айди, бул киши мутақийдин



бўлса фиксни олотларини хонақоҳга келтурмас эрди, киморбознинг ёнига ёндошмас эрди. Анда Амирни йилқичига қўшуб юборди. Йилқичилар айдилар, сани бизга йўлдош қилибдурлар, сан ул балони бошимиздин узоқ қилмасанг, биз сани қўймасбиз. Соҳибқирон хайрон бўлуб, лоилож йилқиларга борди. Кўрсаким, Ақим тойи кўк ранглик от эрур. Аммо Амирнинг таковори шаҳри Кешда қолиб эрди.

Алқисса, Амир таваккални олло таълога қилуб, бошига дубулға кийуб, қўлига юган олиб, Ақимга яқин келуб, тўғри бўлди. Ул таковар дубулғасига бир зарб уруб эрди, Амир тизи бирла букуб қолди. Анда мазкур азизга сиғинди. Анда бир қўл гойибдин ҳозир бўлуб Амирни елкасидин кўтариб эрди. Амирга қуввати пайдо бўлуб, ўрнидин турди, ул отни ёнига ёшунуб, бир ирғиб миниб олди. Ҳар тарафга чопа-чопа шиддат била хонақоҳ эшигига келди. Амир бир дафъ қилуб эрди, жумжума<sup>1</sup>да қолди. Амир ўзини жумжума ёқасига олди. Ҳарчанд зўр берди. Ақимни чиқаролмади, иложи бўлмади. Ул азиз хонақоҳдин чикуб айдилар: эй Амир Темур, Соҳибқиронлик даъвосини қилурсан, отни буён келтурмоқга кучунг етмайдур. Ул азиз икки бармоқ била жумжумадин олдилар.

Деюрларким, замонида шоҳ Мансур қатор филларидин бир фил ушбу жумжумага тушуб қолди. Бу азиз икки бармоқ била филни юқориға олиб эрдилар. Соҳибқиронга айдилар: Эй Амир Темур, сан пошшоҳи азим бўлдунг, энди сан одоби салтанатни ўргангил, қазоиқадр санга хоҳлабдур, ул икки итни кўрдунг, бири семиз, бири ориқ, нафс оммора бўлур, анга шарво қилмагил. Андин сўнг нур кўрдунг, иқболнинг қуёшин партавидур, олам санга мусаххара бўлур, ўшул икки киши санга сут била шароб бердилар, сан сутни ичтинг, шаробни ичмадинг, агар шароб ичсанг золим бўлур эдинг. Ул ариким бир арини ўликин кўтариб ҳавога учти, ул Яъқубдур, ариларни беги эрди, фуқаросидин бири ўлуб эрди, ўлигини кўтариб, ўз манзилига олиб кетти. Сан ҳам фуқаро ахволидин хабардор ўлуб, эҳтиёт қилгил, зомини қиёмат бўлмагил. Андин сўнг ул киши кўб чумчуқларни машаққат бирла тутуб жамъ қилуб, бир қафас ичра солди, ўзи кетгач, чумчуқлар учуб кетти. Ул дунёга ҳирсни қўюб, ранжу машаққат бирла жамъ қилгон эрди, олам ҳодисасидин тарож бўлди, зинҳор дунёга меҳрингни қўймагил, они муҳаббатига бойлаймагил. Аммо илон қафасидин бир неча чумчуқни тутуб еди, кирпитикан келуб илонни еди, анда бир тулки ҳозир бўлуб кирпитиканни еди. Тулкини бир отлик киши келуб ўқ била уруб, ўзи йиқилуб бўйни узулуб ҳалок бўлди. Булар мисоли шулким, дунё жойи мукофотдур, яъни ҳар ким бировга зиён хоҳлади, ул зиённи бошида кўргай, мусулмонлик шул бўлурким, анга тўғри келса яхшилиқ қилурсан. Аммо қўйни тўшини бердук, яхши тамал қилким, Хуросон, ер юзини кўкси эмиш, мунни санга инъом қилдук, эмди тургил, Жом ерига боргил, йўлдошларингни тобгил. Андин Амир Соҳибқирон Хайл ул Ақимга минуб йўлга

<sup>1</sup> Жумжума — чингиз дой

туштилар. Аммо Жом йўлида асирларни муваккиллар етаклаб юриб, тонг отгач кўрсалар Соҳибқирон йўқ бўлубдур, ҳарчанд ахтариб тополмадилар, кўб ташвишда бўлуб, лоилож, ул тўрт кишини олиб жўнадилар. Бир роботга еттилар; они Амир Салжуқ бино қилиб эрди. Анда қарор олдилар. Ҳаво кўб совуқ эрди. Ўзлари робот гунбази ичра кирдилар, асирларни ташқариға қўйдилар, ҳарчанд булар нола қилдилар, бизлар совуқ заҳматидин ҳалок бўлмайлуқ, бизлар ҳам ичкори кирайлуқ, деб, алар қабул қилмадилар. Ушул кеча робот йиқилуб, муваккиллар ҳалок бўлди. Асирлар айдилар, бул Амир Темур иқболи турур. Аммо бўйниларидин айри бутоқни ҳарчанд зўр қилдилар: ешолмадилар. Ҳайрон бўлуб турдилар. Шул вақт Амир аларни қошиға етуб бориб, аларни бойлуқларини ешуб, нажот бериб, андин Зиндафил хизматлариға бориб дуоларини олиб, Бароқхон талабиға юзландилар.

## БУ ДОСТОНДА БАРОҚХОННИНГ ШОҲ МАНСУР ҚЎЛИДА АСИР БЎЛҒОНИНИ БАЁНИ

Эмди Бароқхон воқеасини эшитмак керак. Вақти бўлуб Тўқтемурхон аскари жатта элати Мовароуннаҳр мамлакатларини барчасини олуб, анда Бароқхон ўз мамлакатаида тура олмай, кечи била қочиб Бароқхон эгниға жанда, бошиға кулоҳ, қўлиға сўта олиб, чўлистонларни кезиб эрди. Қавми Чигатойдин баъзи ёмон кўнгиллар Бароқхон ҳалокатиға қасд қилдилар. Аларни сирини бир ушоқ бола хонга ҳабар беруб, Бароқхон бечора душманлардин ҳеч шаҳр ичра киролмай, доим дашту биёбонларда юрур эрди. Ул қавмға армон бўлуб. Бароқхондин хабар тобмадилар. Аммо Бароқхон яёв йўл кезиб, кеча-кундуз чўл кезиб, оёқ яланг, бош яланг бўлуб, даштни ҳаво била елиға гаранг бўлуб, гоҳ юруб, гоҳи чарчаб, даранг бўлуб, олам ҳодисоти ранг-баранг бўлуб, Тегин аскари оёқидин найза уруб, қуёш беги бошидин зарра-зарра байза уруб, андоғ ҳолға туштиким, оҳ деса оғзидин яшин каби ўт чиқар эрди. Салтанат ёдиға тушуб, ёгин каби кўзидин ёш тўкар эрди. Гоҳи тангри тоборак ва таъоло ва қуддусға шукр айтур эрди. Гоҳи ўз аҳволини кўруб андешау фикр айтар эрди. Ва гоҳи, бу байтни фиғон ва нола била зикр айтор эрди.

Н а з м:

*Биёбон аро ман ғарибу фақир,  
Жафо жаврларға бўлуб чун асир.  
Қаёнда қолибдир беку хонлиғим,  
Бу саҳро ародурму сарсонлиғим.  
Бўлибдир элимдин вафо бир тараф,  
Мани қатлимға тиғу ханжар бакаф.  
Жудо беклиғимдин қилиб шўр бахт,  
На иззат, на давлат, на афсар, на тахт.  
Ўтуб бу сифатда кеча кундузи,*

Чўлистонда қолдим манам ёлғузи.  
Бошимға ўтубдур қуёшдин асар,  
Оёғимға урғон тикон нашта.  
Оёғим ялангдур, бошим ҳам яланг,  
Оёғим қобартиб қуму тошу санг.  
Таним узра жанда, қўлимда таёқ,  
Белимда расандур, элимдин йироқ.  
Қолиб мулк, боғу гулистонларим,  
Алар ўрниғаму чўлистонларим.  
Юрурга оёғимда йўқдур мадор,  
Чўлистон қилуб ҳолимни танг-у тор.  
Қуёш кетти, тўлғай самоға нўжум,  
Мани кўнглум андоғ бўлуб ҳам ҳужум.  
Илоҳи, ман бандаға раҳм этуб,  
Гуноҳим кечур, айбимни беркут.  
Бу олам, у олам ўзинг илгим ол,  
Адашганларни, худой, йўлга сол.

Алқисса, Бароқхон бечора сарсон-саргардон ҳар жонибга юруб Қандаҳор сариға борди. Қандаҳор ҳокими шоҳ Шужоёдин илгари шоҳ Мансур эрди. Аммо Бароқхон бисотида лаълдин бир узуги бор эрди. Анда бир булоқ ёқасиға келуб, ёшинуб, ул булоқ ичра тушуб гусл қилди. Сувдин чиқиб кўрдиким, узук йўқ бўлубдур, ҳарчанд ахтардиким, топмади. Ҳеч киши кўрунмади. Ҳайрон бўлди. Бул узук йўқ бўлғониға кўп хафа бўлди. Лоилож Қандаҳор ичра дохил бўлди. Урамларда юрур эрди, баногоҳ дупур-дупур овози кела берди. Кўрсаким, начанд чавқар отға минганлар келур, қўллариди қушлари, олдилариди този итлари бўйнида олтуни қуллода, бир-бир ўта бердилар. Аларни орқасидин шон-шавкат бирлан шоҳ Мансур кела берди. Бароқхон анинг дабдабасиға кўзи тушуб эрди. Барчалари шон-шавкат ила овдин келурлар. Анда Бароқхон ўз салтанати ёдиға келуб, ичи куйуб, юрак-бағридин бир оҳ тортиб эрди, мунинг оҳи шоҳ Мансурға маълум бўлди. Кўрдиким, қаландар сурат, салтанат сийрат бир киши. Буюрдиким, ўшал қаландарни олиб юринглар. Анда ўрда сариға бир боғ ичра кириб ўлтурди. Бароқхонни келтуруб, чодир ичра шоҳ Мансур қошиға жой кўрсатдилар. Шоҳ Мансур Бароқхондин ҳар тарафдин сўз сўрди, тамкин ила жавоб қайтарди. Шоҳ Мансур билдиким, салтанатлик кишидур. Буюрди бир каф олтуни келтуруб бердилар. Бароқхон пўтасиға солиб олиб кетти. Шоҳ буюрдиким, кўринглар ниҳма иш қилур. Мулозимлар келуб кўрсалар, олтуни бир чеккаға тўкуб, парво қилмай борур. Алар айди, эй гадо, олтуни нега тапладинг, беғимиз санга инъом қилубдур?! Қулоқ солмай кета берди. Қайтуб Мансурға айдилар. Яна буюрдиким: Келтуринг, Бароқхонни келтурдилар. Шоҳ Мансур туриб, ўзин ўрниға ўткүзуб, хизмат пўтасини белиға боғлаб, уч кеча-уч кундуз айшу тароб қилдилар, шароб, кабоб келтурдилар. Бароқхон шаробни қўлиға олиб айди.

*Кўзда ёшим шаробдур, жону кўнгил кабобдур,  
Недин ўзум тароб қилай, ҳол манга харобдур.*

Шоҳ Мансур хушлуқ вақтида арз қилуб сўрдиким, эй йигит, чи н сўзлагил, қандай кишисан, гумон қилурманким, сандин шавкатни салтанат иси келур, Бароқхон инкор қилди. Мансур айди, қайси кун юрак-бағрингдин оҳ тортинг, сабаб не эрди? Хон айди, бир узук йўқоттим, лаълдин эрди, оҳим анинг учун. Шоҳ Мансур, санга дунёни қурби йўқ, деб инонмади. Хон айди, ул узукда етти бобом отлари бор эрди. Мансур билдиким, узукни топмагунча бу қаландарни ҳасаби ва насаби маълум бўлмас, деб фикр бирла ўйланиб Бароқхонни либоси қаландарий бирла ўзиға рафиқ қилуб, овға чиқуб борур эрди. Бир киши ўзидин ўзи улуғлар каби таассуф бирла борур. Мансур кўруб они чорлатуб савол сўрди, ул айди, аввал ўтунчи эрдим, қарға уясидин узук топиб, меҳнатдин холос бўлуб, Мири шикор бўлдим, саллам била қушимни бир ерға қўйуб эрдим, қушни оёғи бойлануб, салламни сургаб, кўтариб кетти, они орқасидин югуруб олайин десам, ул ерда отимни бўрилар еб қўйубдур. Энди Мири шикорлиқни қўйуб, хотиримға дағдағай қушбегилик тушубдур, энди ўз ақлимға назар қилсам, манга лозим лободи қушбегиликдур. Шоҳ Мансур кулди, айди; ақл бирла мансаби салтанатга етиб бўлмас, ало, ахчанг керак манга, ахчанг бўлса бергил, ман сани қушбеги қилайин, деди. Мири шикор анда ота-бобомдин қолгон деб бир лаъл узукни чиқориб берди. Мансур мутолаа қилуб кўрдиким, Бароқхоннинг етти отасини исми ёзилубдур, ушбудурким, Бароқхон ибн Баёнқулихон ибн Қорачорхон ибн Дунхон ибн Чиғатойхон ибн Чингизхон ибн Бартонхон ибн Қобхонға борур. Филҳол, шоҳ Мансур Бароқхоннинг асвал кайвон, жулус айвонлиғини билуб Бароқхонға шоҳона либослар ва хилъат кейдурди, олдидин тахтға ўрун берди, икковлари тахт узра оға-инилиқ аҳдини қилдилар. Бир неча кун маишатдин кейин Шоҳ Мансур мастлиқ вақтида ўзиға баҳодурлиқ лофини уруб хонға айди, ҳеч киши мани кўлумни қайиролмас, аммо ман ҳар қандай баҳодур кишини кўлини ушлаб қайиргайман. Анда Бароқхон табассум қилиб, Мансурни кўлини ушлаб, андақ қайириб эди, Мансурни ҳоли қолмади. Бароқхонни бу иши Мансурға отир бўлди. Аммо шоҳ Мансурни бир синглиси бор эрди — ким, оти Шижоат бекач эрди, кўб баҳодир, гўзаллиқда нодир бир қиз эрди. Мансур секин синглисиға бориб, бу сирдин изҳор қилди, Анда Шижоат бекач айди: Эй оға, они манга тўғри қилгил, ман ондин сани қасосингни олайин. Мансур айди, ул санга маҳрам эмас, қандай бўлур?! Шижоат бекач айди, ҳийла шулки мани анга никоҳ қилуб бергил, мани кўлимни қайирса, никоҳ дуруст ва агар они кўлини қайирсам, никоҳ фасод бўлсун. Шоҳ Мансур Бароқхон қошиға келуб айди, мани бир қариндош синглим бордур, они оти Шижоат бекачдур, сан бирла кўл қайирмоқ қилубдур. Аммо они санга ҳукми шаръи нубиввий бирла никоҳ қилуб берурмиз. Агар сан

они қўлини қайирсанг, сани хотунинг бўлсун ва агар кучинг етмаса, талоқ қилурсан. Бароқхон қабул қилди. Андин сўнг синглизин никоҳ қилуб берди. Бароқхон Шижоат бекач била иккови бир тўшакда ўлтурдилар. Шоҳ Мансур ҳам ҳозир эрди. Аммо Шижоат бекач баҳодурлиқ ва паҳлавонликда Бароқхондин зўр эрди, лекин Бароқхонга ул қиз ошиқ бўлди, Бароқхондин ажралмоқга тоқати бўлмади. Бароқхоннинг қўлини ушлаб қайиролмагандек бўлуб эрди, Бароқхон анинг қўлини қайирди. Андин сўнг икковлари кеча-кундуз айш-ишратда бўлдилар. Шоҳ Мансур кўнглида кудурат қолди. Аммо бир кеча Мансур девор тешукидин қараб туруб эрди. Шижоат бекач Бароқхонга айди, ман ишқим сани қўлингни қайирғали қўймади, деб Бароқхонни нозлар била қўлини тутуб қайирди. Хонни анга ҳарчанд қилуб кучи етмади. Мундин Мансур воқиф бўлуб, аччиғи келуб тонгла эрта саҳарда қаҳр-ҳашама бўлуб, начанд қулларини мукаммал қилуб бекач бирла хонни бошига келди. Бекач уйғонди, қўплашиб Шижоат бекачни ўлдурдилар. Мансур уёлиб, кўрунмай қулларига айди, гавго қилманг, хонни уйқусида бойланг, ўзи шармандалиқдин Бароқхон тўғрисиға келмади. Они бойлаб бир қулға топшурдилар, мун тириклай ерға кўмғил, нафаси чиқмасдин ўлсун, деди. Алънэз бо оллоҳ ўшандоғ аҳди бузуқ подшоҳлардин. Аммо қул уйиға элтуб эрди, тангрим анга муҳаббат солди, ўлдурмади, айди: сан ҳозир шул ерда бўлғил, ман сўнгра, худо хоҳласа, ўз элингга юборурман, эмди сабр қил. Андин Мансур қошиға-бориб, ўлдурдум, деди. Аммо ҳар кун эрта бирла хоннинг ҳолидин хабар олиб, сув била емак келтуруб берурди. Иттифоқо, ярим кеча Амир Темур Соҳибқирон ва Амир Чоку барлос ва мирзо Сайфиддин ва Иноқтоз қиморбоз ва Ҳинд Хожа барчалари Қандаҳорға бориб кирдилар. Соҳибқирон бир ерға отини бойламоқ учун қоziқ қоқиб эрди, мун кўруб хонни келтурган киши хонга кириб, сани элингдин одам келубдур, танурмусан, деди. Бароқхон секин кўриб, Амирни отини айтиб чақирди. Соҳибқирон ҳайрон бўлуб, йўлдошларига айди, барчалари эшитуб, таажжубда қолдилар. Амир Чоку Бароқхоннинг товушин тануб, «Ушбу Бароқхон», деб хонни қошиға кирдилар Бароқхон кўрқуб, буларға секин-секин сўйлади, бир-бирларидин аҳвол сўрашиб, йиғлашиб, бу назмни Бароқхон аларға айди.

Б а й т:

*Бўлубдур худодин қазо-у қадар,  
Бу сарсонлуғумдур юруб дарбадар.  
Урамлар кезарман неча йўл кезиб,  
Юруб дашту саҳро неча чўл кезиб.  
Элим барчаси қолди йўллар аро,  
Адашиб ки юрдум не чўллар аро.  
Бухорийларимдин манга йўқ хабар,  
Жатта қилди юртимни зеру забар.  
Биза қолмайин ору номус, нанг,*

Келуб Балх аро биза қилди жанг.  
 Заъифдур элим, ёв қавий бўлдилар,  
 Бизи барча душман кўруб кулдилар.  
 Фалак Зол этибдур мани кўб хароб,  
 Сочилган бошим узра ҳасрати туроб.  
 Қилиб тошни ёстук, тикондин палос,  
 Чурик жандаларни қилубман либос.  
 Таним тош-тикондин бўлубдур яра,  
 Соқолим оқарди бу ғамдин, қара.  
 Чаманда тўлубдур бари зоғлар,  
 Анодил қафасда юрак доғлар.  
 Қани мулки молим, бўлуб бир тараф,  
 Кетуб элларим барчаси ҳар тараф?  
 Қаёнда қолибдур беку хонлиғим,  
 Неча кун Бухорода султонлиғим?  
 Қани дўстлар била қалин суҳбатим,  
 Қани салтанат, давлату шавкатим?  
 Қани тахту бахтим, қани боғлар?  
 Қани ёрлар, жўра, ўртоғлар?  
 Қани ул қариндошу туққанларим,  
 Қани ул аёлим, неча дилбарим?  
 Қани мулку молим, бўлуб бир тараф,  
 Кетуб элларим барчаси ҳар тараф?  
 Бадахшону Кобил, юруб то Ҳирот,  
 Қаландар ўзумни қилуб Мискин от.  
 Қочуб Балх саридин, боруб Қандаҳор,  
 Юрубман адашиб бўлуб хору зор.

Алиқисса, Амир Темур Бароқхонга кўб насихатлар қилди. Аммо Бароқхон мулкиндин ажраб қаландар бўлғониға уч йил бўлуб эрди, ёши қирқға бориб эрди. Ғам-ғуссадин соқоли кўб оқариб эрди. Аммо булар сўзлашғониға Бароқхонни ўлдурмай, тарбият қилгон кул бир тарафдин мўралаб туруб эрди. Соҳибқирон они кўруб, ёмон хаёл кўнглиға келуб, ёсини қўлиға олиб, анга ўқ отти. Ул бечора сайха тортиб йиқилиб, ҳалок бўлди. Бароқхон муни кўруб йиғлади. Амир ҳақиқатни билиб, пушаймон бўлди.

Б а й т:

*Яхшилиқ тухмидан экуб ушбу фалакни гардиши,  
 Берди ул бечорағаким заҳар қотил емиши.  
 Яхшилиқ дўстиға қилса, ёмонлиқ душмана,  
 Алқаши дўстиға урмас, душманға қарғиши.*

Алқисса, ул бечорани дафн эттилар. Бароқхон Амир Темурдин андак койиб хафа бўлди. Агар кучи етса қатлга таваққуф қилмас эрди. Бароқхон айди, бир узуким шоҳ Мансур қўлида қолди, бир киши они келтурса. Амир айди, турғил эртароқ ўз манзилга борайлук, узук топилмас мато эмас. Хон айди, ман сизға керак

бўлсам, манга ул узук керак, нечукким, онда мани ота-боболарим исмлари бордур, боринглар, узугимни шоҳ Мансур қўлидин келтуринглар. Барчалари сукут қилди. Ахир Амир Ақим отини минуб, хонни олдиға солуб борди. Ўрда сариға яқин етуб, буларни бир ерга қўйиб, ўзи Иноқ била ўрдаға кирди. Бароқхон кўрқуб, қолганлар била қочиб кетти. Ҳинд Хожа Амир келгунча турайлук, деди. Хон қабул қилмади. Аммо ўшал кеча, қудрати худо, дарвозабонлар ухлаб ётур эрдилар. Амир етти дарвозадин ўтуб, Иноқни эшикка қўйуб, ҳарамға дохил бўлди. Шоҳ Мансурни кўрдиким, маст уйқуда ётур, қўлидин узукни секин тортиб олди. Бир хат қўлин устиға қўйди. Анда бир кули туруб ҳамла қилди. Они ўқ бирла теракка қоқиб қўйди. Андин Иноқ била келуб кўрсаким, йўлдошлар кетуб қолибдур. Амир лоилож бўлуб буларни ахтариб кетти. Шоҳ Мансур эртаси қўлини кўруб ҳайрон бўлди. Яна хатни мутолаа қилуб кўрса, айтубдур, биз тўра бача бўлурмиз, сани мулкингни олурмиз, ўзингни ўлтурмасмиз. Мансур Амирнинг баҳодурлиғина таҳсин қилди. Филҳол, отга минуб саҳроға юзланди, орқасидин аскарлари юрдилар. Шоҳ Мансурни вазирини отини Шамс ул мулк дер эрдилар, кўб ақлға етук киши эрди. Булар сани ўлтурмабдур, деб Мансурни манъ қилди, санга аларни иши йўқ, деди. Шоҳ Мансур қабул қилмади. Аммо Бароқхон тоғ бағрида туруб эрди, ногоҳ чанг чиқа келди.

Кўрсаким шоҳ Мансур келур. Орқасидин қўшунлари келуб, тор йўлда олдини олдилар. Мансур қўлиға санчқусини олиб, бошидин айлантуруб, «Амир Темур» деб чақира берди. Бароқхон айди: Муни фикрини нима қилурмиз? Ҳинд Хожа айди, бориб ман Амир Темур бўлурман, дегайман. Бароқхон жавоб берди. Ҳинд Хожа майдонға бориб, эй Мансур, ман Амир Темур бўлурман, не ишинг бор, деди. Мансур айди, ғалат айтурсан, Амир Темур эмассан, ҳаддинг йўқким, мани ҳарамимға киргайсан ва узукни қўлимдин олгайсан, қулимни теракка ёпуштургайсан. Ҳинд Хожа ман Амир Темур бўлурман, албатта деди. Мансур айди, агар Амир Темур бўлсанг, қулни қайси теракға боғладинг? Ҳинд Хожа ҳайрон, бўлуб айди: шошиб қайси теракға бойлаганимни билмадим. Мансур айди, сўзингни чинлиги йўқ. Амир Темур бу ишға шошмас. Ана Ҳинд Хожа Мансурға ўқ отти. Мансур қалқонини тутти, отган ўқи ақалли ўзиға етмади. Анда Ҳинд Хожа айди. Бароқхон вафоси йўқлиғина йиглади. Мансурға айди: ман Амир Темурни қулидурман. Бароқхон мани санга юборди. Мансур айди, Амир Темур шундай киши учун ранж ва машаққат тортиб келурму? Бориб Бароқхонға айғил, ўзи келсун. Ҳинд Хожа келуб Бароқхонға айди. Анда хонни аччиги келуб, мани Мансурдин кўрқди, дерсан. Ё мандин Амир Темурни кинасини қилурсан, деб қилич кўтариб Ҳинд Хожаға солди. Анинг баданиға яроғи тўрт бармоқ қадари ботти. Ўзи майдонға борди. Шоҳ Мансур кўруб таъна ва маломат қилди. Хонға айди, шундай хизматчи кишини қўлдан юборурсанму? Бароқхон айди, жадал бирла ишингга машгул бўл. Анда Мансур қўшунларини чақириб айди, ҳеч киши манга кўмакға келмасун деб икковлари қўлларига санчқу олиб раддибадал айлади

уч мартабагача. Тўртинчида Мансур найзаси Бароқхоннинг совутига илиниб қолди. Бир тортиб эрди, хон отдин йиқилуб ерга тушти. Мансур мулозимига буюрдиким, хонни калласини танасидин жудо қилгил. Мулозим келуб, кўксига чиқуб хоҳласаким, Бароқхонни қатл айласа, Амир Чоку муни кўруб, йиглаб айди муножот.

Б а й т:

*Муножотим қабул эт, ё илоҳи.  
Ўзингсан барча олам подшоҳи.  
Сигиндим санга бул кун биру боро,  
Бу ерга бизга сан бергил паноҳи.  
Қидирдук тўрамизни, энди топдук,  
Десак бул кунда бўлғай табоҳи.  
Бу дардларга ўзинг бергил давони,  
Фақирларни ўзингсан такягоҳи.  
Кўзимдин шашқатор ёшлар оқузиб,  
Сурай даргоҳингга рўй сиёҳи.  
Олибдур юртимиз кофир эликим,  
Мукулмонларга бер оромгоҳи.  
Сигинган даргоҳингга ман қулингни,  
Дуом айла қабул, кечгил гуноҳи.*

Банагоҳ, тоғ бағридин бир от минган йигит шовқун қилуб, наъра тортиб чиқа келди. Қўлида йўлбарс терисини сайд қилиб, орқасида бир киши бабр терисин хода учиға ялов қилуб келур. Кўрсаларким, Соҳибқирон бирла Иноқ эмиш. Анда Амир кўрдиким, хон кўксига чиқуб ўлтурур, қўлинда ханжар, хоҳласаким, Бароқхоннинг танасидин калласини жудо қилса. Амир Соҳибқирон найза сопи бирла андоғ урдиким, мулозим калласи узулуб, чаққон бўлуб хизмат қилмоқға қирқ қадамға юмалануб келуб турди. Бул ҳолни Мансур кўрди, билдиким, Амир Темур ушбу йигитдур. Амир хонға айди, эй афанди хоним, маъзур тутқил хизматингға таваққуф қилдим. Бароқхон уёлиб ҳеч нима демади. Амир Чоку ҳам мунфаил бўлди. Ҳинд Хожа мулойимлик қилди. Амир қайтуб бориб шоҳ Мансур йўлини олди. Шоҳ Мансур Соҳибқиронға айди, қатлни андеша қилгон тўра санму? Амир айди, эҳтимоли бор. Яна айди, мани ҳарамимға журъат била кирган санму? Амир айди, оре. Мансур, айди, қулни қайси теракға боғладинг, қайси жонибда эрди? Амир айди, қутб жонибдаги теракға бойладим. Шоҳ Мансур таажжуб қилуб билдиким, ҳақиқатини айтур, Амир Темурни ўзидур. Ваҳима тутуб қолди, бовужуд, билдирмади. Огози мухораба қилиб, жанг ичра кируб, қилични кўтариб Амирға солди. Амирни бир қўлини мажруҳ қилди. Амир бир қўли бирла шоҳ Мансурни нўтасидин ушлаб ерга урди, пўтаси узилди. Ол Музаффар қўшунлари Соҳибқирон устиға тўкилди. Мансурни байроқини остигача ҳамла қилуб борди. Бовужуди, бир қўлидин қон оқиб кета берди, қони тийилмади, ғайратидин буюрдиким, ўт ёқинг деб. Ўт



ёқтилар. Ханжорни олов ичра қўйуб, қизил чўқ қилиб, қўлини томури қирқилуб эрди, анда босуб куйдурди, жиз-жиз куйиб овози чиқти. Анга йўлдошлари ҳайрон, таажжуб қилдилар. Филҳол, қон тўхтади, лекин Амирни бир қўли маъюб бўлуб, ишга ярамай қолди. Аммо шоҳ Мансур қўшунлари атрофни мухосара қилдилар. Охири, Иноқга буюрдиким, йўлдошлар келуб мадад беринглар. Шоҳ Мансур лашкари ичра туруб эрди, бир тоғ тарафдин сойга сел кела берди. Тоғни бир лўндаси йиқилуб, аскар узра тушти. Амир Темурга зарар қилмади, ё пирим Нақшбанд, деб бир чеккасидин чиқти. Ғойибдин бир қўл ҳозир бўлуб, Амирни тоғни юқорисиға чиқориб қўйди. Шоҳ Мансур қочиб Қандаҳорға кетти. Қўшунлари сел ичра қолиб ҳалок бўлди. Соҳибқирон анда боши айлануб, Сеҳистонға бориб қолди. Иноқтоз яёв бир элдин ўтуб бир тоғ узра келуб, чоруқи йиртилуб, тоғда қолди. Бирдан ёмғур ёға бошлади.

## БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН СЕҲИСТОНҒА БОРГОНИ, АТРОФДИН ЭЛ АМИРНИ КЎРМАҚҒА КЕЛҒОНИНИ БАЁНИ

Аммо Иноқ ёмғурдин ўзини бир тоғ ичра олди, анда олов ёқиб оёқига туз суркаб, яёв юрмоқ учун қувват бўлурму деб оёғини оловға тутти. Ногоҳ ўт ёруғини тоғдин кўруб бир қоплон кела берди. Иноқ мун кўруб ўтни оз-оз ёқти. Қоплон олов ёнганиға таажжуб қилуб туриб эрди, орқасидин товуш келдиким, бу ерда биров ўт ёқадур, деб. Қоплон орқасиға қайтуб, бу кишини ҳалок қилди. Иноқ оловни кўрқуб ўчирди, тонг отқондин сўнг бориб кўрдиким, қоплон бир кишини пора-пора қилуб кетубдур. Андин ўтуб, неча қадам юриб эрди, филҳол, икки киши келуб Иноқни маҳкам ушладилар, бойлаб айдилар, кеча бизни қардошимизни қоплонға ҳалок қилдурғон шул деб, ура-ура олиб кеттилар. Қўшунлариға келтурдилар, улар ўн минг эрди, икки улуғи бор эрди. Иноқдин сўрдилар, Иноқ аларға воқеани баён қилди. Алардин бири Иноқни тануди, анда Амир Темурни сўрадилар. Иноқ Бароқхон талабида келганини айди. Алар айдилар, бизлар ҳам Бароқхонни ахтариб келдук. Аларни бири Учқора баҳодур, бири Тоғабўға баҳодур эрдилар. Иккови Иноқни чодирға келтуруб кўб навозишлар қилдилар. Амирдин хабар тобмадилар. Анда бир ғалча келуб, алар беш киши Сеҳистонға бордилар, дегач, булар барчаси тоғдин ошиб Сеҳистонға яқин келуб, бир улуғ тошни кўрди, ости уй кабидур. Амир Чоку айди, эшитуб эрдим, бул тошни Зол ўгли Рустам сайдгоҳ учун уй қилғондур. Ул ерда Амирни қўлини яраси кўпайиб, ўзи заифланиб, бу уйға туштилар. Озуқлари қолмаб эрди. Аммо Сеҳистон ҳокими Жаён чашм отлу киши эрди, Ҳиндистон беки анга бир хўкиз юбориб эрди, турфа нақш-нигорлиқ тарғил эрди, бул ерда ўтлаб юрур эрди. Ҳеч киши они манъ қилолмас эрдилар. Иттифоқо ул хўкиз ўтлаганича булар қошиға келди.

Алар очлиқдин ҳалокатға яқин бўлуб эрди. Мун кўруб Амир

айди. бу бизларга тангри-таоло юборган ризқ эрур. деб бошин кестилар. Анда этини шўрба қилуб, еб-ичиб Ҳинд Хожа терисини бозорга олиб чиқти. Подачилар хўкизни ахтариб тополмадилар. Биров савдо узра таргил хўкиз терисидин тануб Ҳинд Хожани ушлаб Жаён чашм қошига келтурдилар. Ҳинд Хожа айди. ман ёлгуз эрдим, оч қолдим, лоилож ушбу хўкизни сўйуб едим, Жаён чашм қабул қилмади. Айди, бу қилғонинг бир кишини иши эмас, деб тутуб, қийнаб азоб берди. Андин кейин шгрҳи воқеани баён этди. Филҳол, Жаён чашм султон Қиличбек насли Ёлқуб Сафодин эрди. Андин тўрт юз киши била келуб, Амир Темурни атрофини олиб, ўшал тош уйга қамадилар. Лоилож, Амир кўли бирла бўйнига ҳамойил осиб, тўфанг ила ўқ ёсини осиб яёв кела берди. Султон Қиличбек ариг ёқасида от узра туриб, сув деб буюрди. Анга бир пиёлада сув туттилар, олай деб эди, бул тарафдин Амирни дубулга, совутини садосига от хуркаб, Қиличбекни ташлаб қочти. Амир келуб бир кўли била белидин кўтариб ерга секин ўтгузуб қўйди. Анда Қиличбек Амирни кўлини ўпиб, айди: Санга жоним фидо, нима десанг, хизматингда бўлайин, деб аҳд қилди. Бориб Жаён чашм корини адо қилай деб, они қошига келди. Айди, мани Ҳинд Хожага бадал қилуб юборди. Амир Темур санга сўзлар айтуб юборди. Анинг сўзини кулоқингга ёшурун айтурман, деди. Маҳрамдин бири Жаён чашмга секин ишорат қилуб айди, Қиличбекка омон берма. Жаён чашмга қараб айди, мани сандин хаворим бор, мабодо Амир Темур бирла мувофақат қилгон бўлма. Қиличбек анга айди, мундог сўзни гапурма, Амир Темур санга бу сўзни айтуб эрди деб, Жаён яқин келуб кўлига ханжар олиб, бирдан қасди солмоқ эрди, воқифлар, филҳол, ушладилар. Жаён чашм ўлдурмоқга амр қилди. Қилич айди, нима қилсанг, андог қилгил, ман Амир Темурга дўст, вафодорман, Жаён чашм: аҳдингдин қайтгил, деб, кўп насихатлар қилди, қабул қилмади. Кўзини олдига келтуруб ўгул-қизларини аҳли аёлларини бир-бир ўлдурди, аҳдидин қайтмади. Жаён чашм айди, Амир Темур санга нима яхшилиқ қилубдур, мундог жон нисор қилурсан? Айди, манга ҳеч нима яхшилиқ қилмабдур ва лекин аҳдимни бузмасмай.

Алқисса, анинг ўзини ҳам ҳалок қилдилар. Андин сўнг Жаён чашм ўзи филга рокиб бўлуб Соҳибқирон қошига келди. Амир Қиличбек қатлидин хабар топуб йиғлади. Ул кун Жаён чашмни чўқмори бор эрдиким, Тошканд вазнига беш пут эрди. Ани қўлга олиб, тош уйга келуб, Амирга ҳамла қилди. Амир Темур бир қўл бирла ҳамойилларини бўйнига осуб, ташқорига қадам қўйди. Анда фил хартумини бир кўли била ушлаб, бураб, бир тортиб эрди, фил хартуми узулди. Фил орқасига қочти. Жаён чашм яёв бўлуб, чўқморини кўтаруб, Амирга келуб ҳамла айлади. Соҳибқирон бир кўли бирла ўзига дафъ қилуб эрди, елкасига тегиб сўнгаклари синди, буюрдиким, тош уйни атрофига ўтни қалаб, ўт қўйиб юборгайлар. Ўзлари шаҳрга қайттилар. Амир йўлдошлар бирла барчаси ҳайрон бўлуб, йиғлар эрди. Соҳибқирон юзларини меҳробга қилуб, қўлларини дуога кўтариб муножот қилуб, бу назмни айтур эрди:

Соҳибқирон айладим муножот,  
 Эй олам оллоҳи ва-л халфиёт.  
 Эй холиқи кулли барча олам,  
 Ер юзи узра тушурдинг одам.  
 Одам Атомиз, Ҳаво Онамиз,  
 Кўз ёшларини этуб гуҳаррез.  
 Юз йил адашиб бир-биридин,  
 Одам занидин, ҳаво эридин.  
 Бир-бирга қўшуб яна икковни,  
 Халқ айладинг иккидин нечовни.  
 Намруд олов ёққанда ул он,  
 Иброҳима айладинг гулистон.  
 Юнусни ютуб денгиз балиғи,  
 Тоатлар этуб нур ўлди рўйи.  
 Ҳазм этмоқиға йўқ эттинг одат.  
 Миср ичра солиб Юсуфни зиндон,  
 Тахт узра чиқординг, ўлди султон.  
 Айюб жасадини қурт кўб-кўб  
 Хўракиға айладингки буйруқ.  
 Андин яна узвини этуб пок,  
 Тут яфроғин эттинг анга хўрак.  
 Оламға кетурдинг анбиёлар,  
 Аҳмадни қилуб бориға сарвар.  
 Бу Жаҳл ила Булҳаб бўлуб нав,  
 Ҳазратға қилиб ёмон дав.  
 Макрундин аларни сақладинг сан,  
 Дўстингни камина умматиман,  
 Эй зоти муназзах, ору ҳам пок,  
 Зотингға етушмас ақлу идрок.  
 Афтодаларингға сан пано бер,  
 Бечораларингға яхши жо бер.  
 Мақбул эта кўр, дуони, ёраб!  
 Мағфур эта кўр хатони, ёраб!

Алқисса, Амир муножоти қозиюл ҳожат қилуб турар эрди, чўл тарафдин губор кўрунди. Анда бир отлуг киши кўрунди. Қўлинда санчқу, оловни кўруб отдин тушти. Хуржунда мешдин сув олиб, қумгонға солиб тўлғизиб, яна бир нимарсани қумгонға солди, ани эгар қошиға осиб, отини бурнини пичоқ била ёриб бир пиёлада қон олди. Анда қонни олти тарафға сочиб от узра қумгонни қўлга олиб жилва бериб, ҳар тарафға дафъ қилди, шовқин қила берди. Киши билмадиким, нима дейдур, нима қиладур. Аммо олов кучайиб ёниб, яқин эрдиким, Амирни йўлдошлари била куйуб ҳалок бўлса, ногоҳ ҳаво узра бир қитъа булут келуб ўтга ёмғур ёға берди. Тамоми ёнган оловни ўчурди. Маълум бўлдиким, ул киши буларни кўруб, бу ишни муддао қилгон экан. Яна чанг-тўзон чиқа келди, кўрсаларким, Чигатой аскарлари, етти байроқ била келур, ул қилгон киши билдиларким, қал қиморбоз Иноқтоз эрур. Аскар боши

Учқора ва Тоғайбўға келуб булар била мулоқот бўлдилар. Қавчин эли била Тархон эли келуб Жаён чашм лашкарини сўрдилар, ахтариб кейнидин боруб топдилар. Тоғайбўға жиловни тутуб турди, Учқора Жаён чашмни ушлаб келтурди, анинг қўшунлари қочиб Соҳистонга бордилар. Чигатой беклари қайтуб Соҳибқирон хизматиға келдилар. Амир тош уйни олдида бир тош узра ўлтуруб эрдилар, Бароқхон била мулоқот бўлдилар. Бароқхон аларни койиб, хуш кўрмади. Алар хондан хафа бўлуб, мурожаат қилур бўлдилар. Амир Соҳибқирон аларни қошлариға келуб, навозишлар қилуб, кўнгилларини олиб, аларға айди, маъзур тутарсиз. Хон қайғуда ғамгин турур, сизларға ноз қилур, ота-бобосини хурматини сақлаб, кўнгилдин гинани кўтаринглар. Андин сўнг ҳар тарафдин элу улус келуб хон мулозаматида бўлдилар. Амир Темур аларға асру меҳрибонлик қилдилар. Аммо Жаён чашмни тутуб келтуруб Амирға тўғри қилдилар. Амир онинг кўнглини олиб айди, ман сани қонингни хондин тилаб олайн дегач, киши келдиким, Жаён чашмни қўлга тушганини Бароқхон эшитуб талаб қилур, деди. Анда Амир Жаён чашмға Иноқни қўшуб берди. Айди, бизға муни гуноҳини кечсун, деди. Ўзи қўли озоридин ул ерда қолди. Иноқ Жаён чашмни хонға тўғри қилуб, шафеъ бўлуб Амирни арзини еткурди. Бароқхон сўкуб... сўзлаб айди, олиб бориб, бошин кесинглар, деди. Амирни айтганиға қулоқ солмади. Иноқ келуб воқеани Соҳибқиронға айди. Анга Амир айди, ваъда қилуб, нечун вафо қилмағайман, деб ўрнидин туруб, хон қошиға келди. Анга шафеъ бўлди. Филҳол, буюрдиким, Амир Темурни ушланг, муни ҳам ҳалок қилинғлар, деди. Амир хотириға келди, хон ҳукми тағайюр бўлмағай деб, айди: келинг, мани Жаён чашмға қўшуб, бойлаб, элтинглар. Аммо улуғлардин Амир Чоку, Мирзо Сайфиддин, Учқора баҳодур Амирға шафеъ бўлдилар. Буларни ҳам ўлдурмоқға ҳукм қилди. Анда барчалари ғавго қилдилар. Бароқхонни ўлдуруб, ўрниға Амир Темурни хон қилурмиз, дедилар. Анда Бароқхон қилгон ишиға пушаймон бўлуб, кўрқуб қочиб Соҳибқирон олдиға борди. Амир Бароқхон била элни яраштириб қўйди. Жаён чашм аларни шаҳр ичра келтуруб, сиккаларини Бароқхон отиға ёздурди, тахтини берди. Бароқхон улусни йиғуб, қўшун жамъ қилмоқ фикрида бўлди.

## БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН БАЛХ ВИЛОЯТИГА БОРИБ, ҚАМАРИДДИН ТОҶИКНИ ҲАЛОҚ ҚИЛМОҚИ БАЕНИ

Чигатой улуғлари эшитуб, Бадахшон тоғиға Бароқхонни келтуруб жамъ бўлдилар. Амир Мусо Жалойир, амир Боязид, Шер Баҳром қавчин баҳодур, амир Едгоршоҳ орлот, амир Муайяд орлот хонни мулозамат қилдилар. Элатлардин тўрт минг киши жамъ бўлуб кенғаш қилдилар. Айдиларким, бир киши жонсус бўлуб жатта қипчоқ элиндин хабар олуб келса. Анда кўрқуб ҳеч киши жонсусликни ихтиёр қилмади. Ахир Соҳибқирон ихтиёр қилуб бир

кишини тархон элидин, бир кишини эскай элиндин олиб, уч киши бўлуб, йўлга тушдилар. Келуб бир тоғни бағрида ухлаб ётдилар. Ногоҳ йигирма киши қипчоқ қоровулларидин келуб буларни уйқуда ушлаб олдилар. Амирни икки йўлдоши бирла боғлаб келтуруб оломонни бир қортисига тобшурдилар. Ул қорт киши буларни денгиз ёқасига келтуруб эрди. Тархон элини қўлинда бир лаъл бор эрди, оғзига солуб, ютуб юборди. Қорт ул бечоранинг қорнини ёруб, ҳалок қилуб, ул лаълни олди. Эскай эли мун кўруб ўти ёрилгудек бўлди. Лаълни сувга ювуб, андин сўнг Амирни ўлдурмоқга келди. Соҳибқирон ё ҳазрат Баҳовуддин, деб бир зўр урди, арқон узулуб, бўлак-бўлак бўлди. Қорт Амирни кўруб ёроғ ҳавола қилди. Амир баҳодур қортни билагидин ушлаб, яроғини қўлиндин олуб, бир уруб, икки бўлуб, ўзи анинг отига миниб, бир тарафга қараб йўналди. Билмадиким, йўл қайда бўлуб, қирни юқорисига чиқуб кўрдиким, кўб аскар, эллик мингга яқин келур, денгиз орқасидин Бадахшон тарафга ўтуб борур. Аларни бошлиги йигирма кишидур. Аларни бири Соҳибқирон минган отни тануб, «фалон баҳодурни оти» деб Амирни ушлаб, чодирга келтурдилар. Кўрсаларким, Қамариддин тожик жатта беклари бирла ўлтурур. Амирдин сўрдиким, Чигатой бекларидин хабаринг борму? Соҳибқирон онга тадбир бирла сўзлаб, айди: икки юз киши Сеҳистондин келуб қоровулларингизни ушладилар. Қоровуллар, эмди бизларни ўлдурманг, тавонимизни берайлик, киши бўлса ушбу отни минуб, бизлар бадалимизга Қамариддинга борса, деди. Хеч ким унамади, охир фақир аларга мутасадди бўлуб келдим. Агар мани ўлдурсангиз, пушаймон бўлурсиз. Қамариддин айди, агар сани ўлдурмасам йилги била сани юборурман, қоровулларни олиб етқузурсан, Амир айди: тузук.

Алқисса, қипчоқни сорик ва кенагас элидин ўн минг кишини Амирга қўшуб юборди. Амир бир тоғни бағрига келуб қулга айди, сизлар шул ерда тўхтанг, биз бориб қоровуллардин хабар олайлук, деб икки кишини ўзига йўлдош қилуб тоғдин ошиб, йўлдошига ҳарба қилуб бирини ҳалок қилди, бири қочти, анинг ҳам орқасидин югуриб келуб ўлдурди. Икковини от ва яроғ ва кийумларини олуб ўз қўшунларига келди. Воқеани бир-бир аларга баён қилди. Филҳол, Чигатой сипоҳлари отлануб келсалар, тоғни ёқасида қипчоқ қўшунлари баъзилар отларига ем бериб ва баъзилари ухлаб ётур. Бирдан аларга ҳамла қилдилар. Андоғ қиргин бўлдиким, қонлар ҳар жилгада ариғ-ариғ бўлуб оқиб кета берди. Жасадлари ханнотлар қофидек тўб-тўб бўлуб ётур эрди. Қалла ҳандалаки узулуб, тан фалаки чўзилиб, андин аксари қочиб, бир горга ёшиндилар. Гор ичра сомон солиб тутун била ҳалок қилдилар. Ун минг кишидан йигирмаси тирик қолиб, қочиб Қамариддинга келуб воқеани баён қилдилар.

Аммо Чигатой сипоҳлари кўб-кўб ўлжа олдилар. Амир аларга қипчоқ аскарини кўблигини баён қилди. Амир Мусо Жалойир айди бизларни қўшимиз қипчоқ сипоҳларига етмайдур. Ҳарчанд Соҳибқироннинг агарини кўтарди, кўб сўзларни айди, қабул қилмади. Амир, тақдирни ушотти, тўрт минг кишидин минг киши қўшундин

чиқуб, айтдилар. Яна минг киши ҳар тарафга тарқаб кетдилар. Икки минг киши Соҳибқирон бирла қолди. Амир ҳайрон бўлди. Икки минг киши Амир фармонини тутуб, жиловинда бўлдилар. Кенгаш бирла ул кеча анда бўлдилар. Амир тушинда биров айди, турғил, зафар сеникидур. Уйқудин туруб, хуззор мажлисга айди. Алар айди, бизлар ҳам бу овозни тушимизда эшитдук. Амир айди, бу ривояти солиҳадур, эй улус, туринглар, тангри таоло карамига така қилинлар, аммо ҳар қайсиларингиз икки боғ ўтни отга сургатинг, ман жатта қипчоқлариға айтиб эрдим, Чиғатой аскарин юз минг деб, чангу ғуборни алар кўруб ажаб эмас, қочса. Эртаси икки минг киши ушбу сўзга амал қилуб икки боғ йиғоч ўтунни арқон бирла боглаб, ҳар бир киши отга сургатиб, ахшомига қипчоқ қўшунлариға етуб бордилар. Бу чанг-тўзон ҳисобсиз кўрунуб, қипчоқ аскарини кўнглиға кўрқинч тушуб, кўчуб, денгиздин ўтуб ором олдилар. Соҳибқирон ёв қочганини билуб, холо аларни фикрини қилмоқ керак, тонгла бўлуб бизларни ҳолимизни билса, иш қабоҳат бўлур, деб Амир беш юз кишини ўзиға йўлдош қилуб, денгиздин ўтуб, тоғ устиға чиқуб, ўтин йиғиб, олов ёқиб юбордилар. Тўрт киши карнай чолиб эрдилар, ёв мунини эшитуб олов ёнганини кўруб, қоча бердилар. Қамариддин ҳам қочиб Балхға келди. Шаҳар дарвозасини очмадилар. Кечаси бирла бир тарафга қочиб, ғойиб бўлди. Амир ғанимат моллардин олиб, қўшунлари бирла Балхға келдилар. Амир Мусо Жалойир қилгон ишиға пушаймон бўлуб келди. Амир эшитуб, Бароқхонға келуб кўриниш берди. Амирни навозишлар қилди. Амир Темур амир Мусоға аччиғ қилуб, ғазабда бўлди. Амир Мусо мунини кўруб, қочти. Амир Темур Шер Баҳромни анга юборди. Андин Бароқхон қошиға келуб эрди, хон амир Мусо гуноҳини Соҳибқирондин сўради. Хон амир Зуннун туркмонни юборди, Шер Баҳромға айғил, амир Мусоға озор бермасун. Аммо Зуннун кўнглида адовати бор эрди. Шер Баҳром амир Мусони жиловидин тутуб лашкар тарафиға тортиб келур эрди. Амир Зуннун бул тарафдин қиличини қинидин чиқориб бора берди. Шер Баҳром мунини кўриб хаёлида ўлдурмоқға ҳукм қилибдур, деб қиличини кўтариб амир Мусо Жалойирни бир уруб ўлдурди. Амир Зуннун айди, нега мунини ўлдуринг, Амир гуноҳини кечиб эрди. Шоҳ Баҳром айди, ман қайдин билурман, қилич яланг келди, деб иккови муноқаша қила-қила Амир била хонни олдиға келдилар. Хон Амирга, албатта, бу ишни сан қилубдурсан, деди. Амир онд ичти. Хон айди, агар ўлдурмаган бўлсанг, Шер Баҳромни ҳалок қилурман. Амир қабул қилмади. Бароқхон Амирга кина сақлаб, ҳеч нарса қилолмади. Балх одамлари жойларида қарор олдилар. Андин сўнг Қамариддинни ахтармоқға муқаййид бўлдилар. Амир/буйурдиким, ҳар ким они тирик келтурса минг олтун олсун, деб ваъда қилди. Ҳарчанд ахтариб тополмадилар. Иттифоқо, бир кун хон била Амир сайдға ов қилмоқ учун чиқдилар. Бир тулкини Амир отмоқда эрди; Бароқхон ҳам югуруб келуб, отмоқ бўлуб эрди, урунуб Бароқхон бошидин тожи тушуб кетти. Мунини кўруб, аҳли ҳукуматлар айдилар, охир Бароқхон боши Соҳибқирон қўлида ҳалок бўлса керак. Мунини кўруб хон аччиғи келуб, ғазабда бўлуб,

тожиға қарамай, тулкиға ўқ отти. Тожи бир қудуқ ичра тушти. Анда бир кишини қудуқға тушурдилар. Қудуқда кўб замон тўхтаб қолди, сўнгра тожни олиб чиқти. Амир они тахайюр қилғонини сабабини сўради. Ул айди, тожни ахтариб, зўр бирла тошиб чиқтим. Амир анинг сўзини қабул қилмади ва айди, бу қудуқ ичра албатта биров бордур деб. Эғнидин кийумларини ахтариб, бир лўълў бирла ёзилған хатни тошиб олдилар. Анда Амир, чинингғи айғил, деди. Лоилож, айди: Қамариддин ушбу қудуқ ичра, манга бул инжуни берди, кўб ваъдаларни қилди, яна ушбу хатни Тўқтемурхонга, Самарқандға еткурурсан, деди. Хатни мутолаа қилуб кўрсалар, айтибдурки, эй Тўқтемурхон, ман ушбу қудуқ ичра ўлуб қолмайин, ўлтурса турсун, турса юрсин, деб кўб таъкид қилибдур. Барчалари Амир Темур Соҳибқироннинг фаросатиға ва басиратиға таҳсин ва офарин қилдилар. Бароқхон айди, они қудуқдин чиқоринг. Хеч киши кўрқуб тушмади. Яна Бароқхон, бул Амир Темур тушсун, деди. Соҳибқирон белини бойлаб тушмоқ бўлуб эрди, эл кўнмадилар. Хон аларға адоват қилди. Амир аларнинг сўзини қабул қилмади. Филҳол Амир қудуқға тушти. Хоҳласа, қудуқ остиндин Қамариддин Амирға ўқ отса, Соҳибқирон чаққонлиқ бирла қўлини қоқиб юборди, ўқ юқори чиқуб кетти. Оёқ-қўлини маҳкам боғлаб, арқон била белидин боғлаб юқориға чиқорди, кейнидин ўзи чиқти. Амир айди, энди нима деюрсан? Қамариддин айди, филларимни олдинг, филбонни ҳарчанд ҳаракат қилуб, олиб боролмассан. Амир айди: нима талаб қилурсан? Ул айди, сандин талабим йўқ, нима иш қилсанг, андоғ қилгил. Амир ҳарчанд насихат қилди, қабул қилмади. Айди, эмди бахт ва давлат мандин кетубдур, балки менинг тириклиғимдин ўлғанним авлодур.

Н а з м:

*Қўлимдин учти давлатни қуши бас,  
Бу учган қуш манга ҳаргизда келмас.  
Манга қилманг насиҳат дўсту душман,  
Тирикликдин ўлумдур манга эҳсон.  
Тилаб ўз нафсиға топти ҳалоқат,  
Жаҳондин ўтти тожик фалоқат.  
Муни ўлганлиқин қипчоқи бебок,  
Самарқандға етурди жусту чолок.*

Алқисса, Қамариддин тожик ўлганини қипчоқ элатиндин Самарқанд узра келуб, Тўқтемурхонға хабар бердилар.

## БУ ДОСТОНДА АМИР СОҲИБҚИРОН ЖАТТА ҚИПЧОҚ АСКАРИ БИРЛА ТАБРИЗ ЙЎЛИНДА ЖАНГ ҚИЛМОҒИНИ БАЕНИ

Алқисса, уммулбилод Балхнинг хабари фатҳ бўлгонлиғи Тўқтемурхонға етти. Андин сўнг қўшун жамъ қилмоқға муқайяд бўлди. Саййид Отани талаб қилди, нома ёздуруб, Саййидни

элчиларға бош қилуб юборди. Соҳибқирон эшиттиким, Саййид Ота келурлар деб. Филҳол олдиларига чиқти, мулозимат била келтуруб, элчихонаға тушурди. Уч кундин сўнг саломға келдилар, номани овозларини чиқориб ўқидилар. Нома мазмуни булким, аввал ҳамду сано тангри таборак ва таолоғаким, кўкни муаллақ ва ерни мутаббақ яратибдур ва дуо ва дуруд Муҳаммад алайҳис саломғаким, олло таоло анинг туфайлидин ўн саккиз минг оламини вужудға келтурубдур, шариат андин жорий бўлуб, залолат чўлида қолгонларни ҳидоят йўлиға солибдур. Андин сўнг, кўбдин кўб дуои салом Бароқхонға ва мусулмонларға Тўқтемурхондин. Сўз шулки, бизлар ислом бирла мушарраф бўлдук, аксар сипоҳи ва фуқароларимиз барчалари мусулмон бўлдилар. Эмди сўз яхшиси шулки, Чигатой эли барчалари бизга сипоҳ бўлсун. Бароқхонни Бухороға волий қилайин. Мусулмонлар осойишта бўлмоқлари яхшидур. Нома тамом вассалом.

Жавобиға Соҳибқирон дедиким, икки юз йил бўлубдур, оталаримиз ва оналаримиз мусулмон бўлгонларига. Агар исломдин сўрса, ул кеча мусулмон бўлубдур. Бизлар начанд йилдин бери шарофи ислом топгандурмиз. Агар асолатдин сўрса, Чигатой авлоди бизлар эрурмиз, Жўжи авлоди сизлар, қипчоқдурсиз, иккови ҳам Чингизхон ўгли бўлур. Салтанатни Чигатой авлодиға тобшургондур. Бизлар сизлардин зиёдадурмиз, қандай сизларга инқиёд қилурмиз. Анда Саййид Ота айдилар, қипчоқ қавмини тилим қиличи бирла мусулмон қилиб эрдим, деб айтур эрдим, ким расул алайҳис салом вақтларида бўлсам, тамоми арабларни фасех тил била мусулмонлиқға еткургай эрдим, деб сўзумға мағрур эрдим. Аммо Амир Темур Соҳибқиронға ҳайрон ўлдум.

Алқисса, Амир Соҳибқирон Саййид Отаға рухсат бердилар. Саййид афандим Самарқандға келуб, нома жавобини Тўқтемурхонға еткуздилар. Филҳол, Тўқтемурхон эшитуб, юз минг ўзбакни отлантурди. Жонфур оталиқ қатоғонни қоровул қилди. Аммо бул тарафдин Амир Темур қоровуллик расмида отлануб икки минг киши бирла Термизға юзландилар. Келуб дарё ёқасинда ором олдилар. Аммо Жонфур оталиқ беш минг киши бирла етуб келди. Ўзга йўлдин ўтуб, Амирни қоровуллари хабар топмай, қипчоқ аскарини қўлинда ҳалок бўлдилар. Аммо кеч вақтиға яқин эрдиким, бир тарафдин чанг чиқа келди. Кўрса қипчоқ қўшунлари ҳозир бўлубдур. Соҳибқирон уйқуда эрди, уйғониб кўрсаким, ёв келуб босибдур. Саросима бўлуб, Амир, филҳол совут эгниға кийуб, ханжар била қиличин белиға осиб, форс Ақимға минуб, Чигатой қўшунларини чоқириб, айди: барчаларинг денгиз ичра кемаға тушунғлар, деб ўзи ёвни саддин тутта берди. Қипчоқ қўшунлари йигирма-йигирма, ўттиз-ўттиз ҳар жонибдин Амирға югурдилар, ҳар бора беш киши, ўн киши ўлдура берди. Ҳеч киши ёвдин булар қўшуниға зарар беролмади. Барчалари кемаға молу амвол бирла қарор олдилар, бирортасини бир туки ҳам бўлмади. Аммо кема денгиз<sup>1</sup> ўртасиға бориб эрди. Амир Ақимни олиб, соҳилға тушуб

<sup>1</sup>Муаллиф бу ерда Амударёни назарда тутган.



хоҳласаким, кемаға борса. Жонфур оталиқ айди, эй Ўзбекистондин келган қўшунлар, сизларға ору номус йўқдуким, бир одамдин барчаларингиз мунча қўрқасиз. Яна Амирга қараб чоқируб айди: Эй Чигатой йигити, тўхтағил, сан била жанг қилмоқ орзусидаман. Соҳибқирон соҳил ичра эрди, эшитуб қайтти. Жонфур ила Амир иккови бир-бирига тўғри келди. Ногоҳ Амирни Ақим оти денгиз ёқасинда қумдин тойиб кетти. Кейнидин Амир ҳам кетти. Жонфур ҳам кейнидин тушуб, Амирни кўксига чиқиб, қўлиға ханжарни олуб, хоҳласаким, Амирга солса. Кема ичра муни Чигатой элини сипоҳлари кўруб, барчалари даргоҳи қазоюл ҳожатга муножот қилдилар. Қазодин бўлуб, бир улуг балиқ денгизидин чиқуб Жонфур оталиқни, нафасига тортиб, денгиз ичра олуб кетти. Бул ҳам Соҳибқирон иқболи турур. Амир денгиздин шўнқиб чиқиб, суза-суза Ақим отиға яқин келуб, ёлидин ушлаб денгиздин ташқариға — қуриққа чиқти.

Аммо Тўқтемурхон Термиз кўрғониға келуб тушти. Бул тарафдин Бароқхон етуб борди. Лекин Тўқтемурхонга бениҳоя ададсиз қўшунлар кела берди. Аммо Бароқхонга қўшун оз эрди. Лекин Соҳибқирон хонни кўнглини кўтарур эрди. Қирқ кун иккала аскар денгиз ёқасинда қарор олдилар. Бир-бирлари бирла жанг қилмадилар. Ушул вақт ҳаво кўб иссиғ эрди. Аммо Мирзо Сайфиддин ҳукм қилдиким, ушбу йил беш кавкаб хут буржида эрур, қирон дерлар, Нух тўфони шул йилларда бўлубдур, ажаб эмаским, барчалари сувға ғарқ бўлса. Аммо таҳсин ангаким, Чигатой ҳукамолари совуқға ҳукм қилдилар. Аммо жатта ҳукамолари совуқға ҳукм қилдилар. Қазодин бўлуб, қуёш саратон буржинда эрди, иссиғ шиддати кўб зўр эрди, соатида шамол бўлуб қор ёға бошлади. Ҳаво андоғ совуқ бўлдиким, гўё қуёш жадей буржига нозул қилғондек, денгиз андоғ музладиким, гўё тоғни муз устиға қўйса кўтаргудек бўлди. Сипоҳи Чигатой муни кўруб, қайтуб Балхга келдилар. Ҳарчанд Соҳибқирон манъ қилдилар, бўлмади. Охири Бароқхонгача қайтуб Балх тарафиға келдилар. Икки минг кишидин ўзгаси совуқни шиддатидин қочтилар. Булар Соҳибқиронга эътимоди бор эрди, буларни улуғлари Амир Чоку барлос ва Амир Муайяд орлот, Амир Ёдгоршоҳ ва Амир Ҳусайн Жондариё ва Иноқтоз қиморбоз ва Ҳинд Хожа қушбеги ва Мирзо Сайфиддин ва Тоғайбўға ва Амир Ўлжой ва Тотлямиш баҳодур ва Амир Боязид жалойир ва Жаён чашм сеҳистонлик. Булар сипоҳлари бирла қолдилар. Қипчоқ қўшунлари кўрдиларким, Чигатой қўшунлари совуқға тоқат қилолмай қочтилар. Филҳол, отлануб барчалари қорни туфроқға аралаш қилуб нақораларни чолиб ва карнай тортиб денгиздин, муз устида кела бердилар. Соҳибқирон ёрон қардошларға айдилар: булардин қочмоқимиз номусдур, агар ўлсак шаҳид бўлурмиз. Сизлар ҳам ёвға бостурунглар, дегач, лоилож, сипоҳлар Амир ҳукмиға амал қилуб, отландилар. Анда Соҳибқирон бу назмни айди:

*Дўстларни ўзиға ёрий айлаб,  
Кўз ёшларин анда жорий айлаб,*

*Ул дамда ҳаққа деди Темуршоҳ  
Бу бандани ҳолидин сан огоҳ,  
Синдурди кўнглини таъна тожик,  
Ёраб, карам айла дўсти малик,  
Келгай йиғилиб бу чанд қипчоқ,  
Кўп-кўб кўрунур бўлуб қора, оқ.  
Бергил зафари бу қулға, ёраб,  
Бўлсун хотири у қулға, ёраб.*

Алқисса, ёронлар дилига дилбарлиқ бериб эрдилар, ёв денгиздин ўтуб, ғорат қилғудек бўлди. Филҳол, Амир Ақимга минуб, қора кийумлар кийиб, қилич қўлига олуб, бирдан ёвга ўзини урди. Қипчоқлар қочиб музга тушти. Иноқ бир ўқни қулға олди, Амир анга денгиз ёқасидин узоқ бўлмағил, деди. Соҳибқирон қайси тарафга ҳамла қилса ёв қочар эрди. Тўқтемурухон кўрдиким, бўз от минган кимдур? Айдилар, Амир Темур. Яна айди, киши йўқму они келтурса. Зафарбек айди қизинг Туман оғани берсанг, ман бориб бошини келтурай. Аммо бул сўз хонга мақбул бўлмади. Шундоғ ҳам бўлса, минг кишини ўзига ҳамроҳ қилуб, овози баҳайбат бирла шовқун қилиб кела берди. Аммо Туман оға тоғ этакинда, муъофа, яъни кажава ичра ўлтуруб эрди, анга бир ўзбак келуб, сани Зафарбек талаб қилубдур, деди. Эшитуб, Зафарбекни ёқтурмай кўб табъи нозук эрди, кўплаб куёвга талаб қилсалар, қабул қилмас эрди. Онасига айди, мани каловатимни тоғни устига олиб кўйсунлар, ман жанг ичра бўлгон сўқишларни тамоша қилойин. Аммо қор ёғар эрди.

Алқисса, юқориға чўрилар олиб чиқуб эрди, анда кўрдиким, Зафарбек бирла Амир Соҳибқирон муқобил бўлуб Амирни қиличи синибдур, Зафарбек Амирни бошига бир уруб дубулғани тушуруб, Амирни бошига яра солди. Иккинчи яна уруб Амирни калласини пора-пора қилгай эрди, Туман оға муни кўруб, Амир Темурға андак муҳаббати зиёда бўлуб, Амир Соҳибқиронга, тарахҳум айлаб, беш юз қадамлик ердин, филҳол, ёйиға ўқ солиб отиб эрди, Зафарбек хоҳласаким, Амирни ишини тамом қилса. Филҳол, ўқ келуб, Зафарбекнинг кўксига тегди. От устидин йиқулуб кетти. Бул ҳам Соҳибқирон иқболидур. Амир билмадиким, бу ўқни отган кимдур, деб. Кимарса бўлмади, анга маълум қилса.

Алқисса, Соҳибқирон аъзолари яра бўлуб, байроқни остига тўхтади. Анда қипчоқ сипоҳлари бирдан ҳамла қилдилар.

Соҳибқирон буюрдиким, кечгача ўқ отинглар деб. Қипчоқ кўшунлари денгиз ичра муз устига туштиллар. Амир денгиз ёқасида эрди. Аммо Мирзо Сайфиддин ҳар замон айтур эрди, эй аскари Чигатой, дам ушбудур, тангри таоло ишимизга фатҳ ва нусрат бергай. Аммо Соҳибқирон айди, эй қардош, ман ҳеч нимарсадин умид қилолмадим, иш қандай бўлур! Мирзо Сайфиддин айди, албатта умид худо таолодин. Ногоҳ ёғқон қор тўхтади, ҳаво очилиб, қуёш нури зоҳир бўлди. Кун иссиқликқа айлануб, совуқ босилди. Мирзо айди, энди қирон кавокиб даражасидин ўтубдур, вақти бўлуб, чарс-чурс шовқин денгиздин чиқа берди. Кўрсаларким, муз

ушолиб, юз минг, тўқсон минг қипчоқ қўшунлари фарқ бўлуб, адам денгизига юз кўйдилар. Мунажжим сўзлари тўғри келди.

Аммо Тўқтемурхон ўн минг киши бирлан Самарқанд тарафига қочиб кетти. Аммо Чигатой сипоҳлари кўб ўлжа олиб, Чоржўй ва Хоразмга бордилар. Деюрларким, Абдулла замонида ўшал ердин бир сандуқ Тўқтемурхон сиккасида тўла танга топиб эрдилар.

Алқисса, Бароқхонга киши юбордиларким, тангри таоло бизларга зафар берди, деб Бароқхон эшитиб, хурсанд бўлуб, отлануб келуб, денгиздин ўтти.

## БУ ДОСТОНДА ҚАРШИ ВА ТЕРМИЗ ФАТҲ ЎЛУБ, ТЎҚТЕМУРХОН ҚАРШИГА КЕЛУБ ҚУЛ ВА ҚЎШУНЛАРИ АМИРДИН ШИҚАСТ ТОПГОНЕНИ БАЁНИ

Аммо нўён ва туманот ва ҳазора жотни умаро ва беклари йигилуб маслаҳат қилдилар. Айдилар, киши бўлса, бориб Қаршини мусаххара қилса. Анда Қоратемурхон Тўқтемурхон ўғли ҳокимдур, ҳеч киши бормоқга ихтиёр қилмадилар. Андин кейин Амир Соҳибқирон Чингизхон қондасида ўн тўқуз хондин фотиҳа олуб, қирқ кишини ўзига ҳамроҳ ва рафиқ айлаб отларига минуб, ёбон тарафига юзландилар. Начанд кун йўл юруб, кўзларига узогдин бир кент кўрунди. Филҳол, Иноқтоз яёв бориб кўриб келди. Айди, бир неча баққолни кўрдум, узумни кажаваларда юклаб борурлар. Анда эшитуб айдилар: баққолларни талон қилурмиз. Соҳибқирон қабул қилмади. Айди, биз юрт олғали келдук, фуқаро ранжимасун.

Алқисса, Амир келуб баққолларга мулоқат бўлдилар. Баққоллар анда кент Лор келур эрдилар. Амирни кўруб кўнгилларига кўрқунч тушти. Иноқ баққолларни бир-бир отини сўраб, воқеани баён қилди. Андин кейин баққоллар Амирга келуб мулозамат қилдилар. Соҳибқирон алардин Қаршини воқеасини сўрди. Алар Қоратемурни зулмидин кўб сўзладилар. Соҳибқирон айди, алар Чигатойдин сўзлаюрму? Баққоллар айди, Қарши одамлари Сиз жамоани кўб-кўб дуо қилурлар. Жатта зулмидин кўб қайғудадурлар. Анда Соҳибқирон бир тадбирни ўйлаб, ҳар киши баққолларни кажавасига тушинглар, деб амр қилди. Андин кейин узумларни бўшотиб, йигирма отга қирқ кажавани ортиб, қирқ киши аслаҳа-яроғ бирла кажаваларга тушуб, андин кейин, баққоллар ҳар қайсиси ўз отларини жиловидин тутуб, қирқ киши шаҳр ичра кирдилар. Ҳар ким сўрса, узум деб жавоб бердилар. Ул Амирни Ақим отига икки кажавани ортиб, анинг ичида Иноқ бирла Соҳибқирон эрдилар.

Аммо кажавани устига ток баргларини тўлғузуб эрди.

Алқисса, Қоратемур амр қилуб эрдиким, ҳар киши дарвозадин шаҳрға кирса, мунда келтур, деб. Баққол Қаршини дарвозасидан киргач, дарвозабонлар кўруб, буларни хон ўрдасига олиб борди. Қоратемур ўрда саҳнида чодир ичра ўлтуруб эрди, баққоллар қатор турдилар. Амир Темур кажава тешукиндин аларга қараб турур эрдилар. Хон олдида бир қари бобой бор эрдиким, кўб соҳиб басирот

эрди. Айди, бу от ёнидаги кажаванда албатта одам бордур. Одамлар айдилар, нечук билдинг? Айди, кажавалар секин-секин қимирлай-дур, яна узумни мундоғ юкламаслар. Хеч ким бовар қилмади. Хон баққолларни талаб қилди. Баққоллар харжини кўб айдилар, маъкул бўлмади. Қоратемур буюрдиким, кажавани очинглар. Бир оқил баққол келуб Амир турган кажавани келтурди. Филҳол, Соҳибқирон кажавадин туруб, наъра уруб, ҳайқириб юборди. Кажавандаги барчалари бойлуқ арқонларни қирқиб, кажавалар ерга тушуб, бирдан кажавадин чиқуб, қирқ киши, давлат, давлат Бароқхон, деб шовқун қила бордилар. Барча эл ҳайратда бўлдилар, гавго кўзгалди. Андин кейин Қоратемур атрофига икки минг жатта аскаринин жамъ бўлдилар. Соҳибқирон қўшун ичра кириб, йўлбарс каби ҳайқуруб, одамлар тамошада эрдилар. Ногоҳ Иноқни оёғи тойиб йиқилди. Ани қипчоқлар боглаб, бир кишига топшурдилар. Ани девор тагида ушлаб туруб эрди. Анда бир хотун Иноқни тануди, нечунким, Иноқни асли қаршилиқ эрди. Қўлинда тоғорада тўла чўғ олиб борур эрди, қипчоқни бошига тўкиб эрди. Филҳол, куйуб ўлди. Иноқ нажот топиб, Соҳибқиронга келуб кўшулди. Қоратемур қизил байроқ остинда қора от минуб туриб эрди, ўшул хотунни кўриб, буюрдиким, келтур, деб. Ул хотун қочти, буюрдиким, ул хотун маҳалласидаги заифаларни келтур, деб. Андин кейин шаҳр барчасига гавго тўлди. Қарши эли ҳамийят қилдилар, олти тарафдин одамлар йиғулуб қипчоқ устига тош ёғилди. Икки минг жатта бирдан ўлдилар. Қоратемур қочиб, ўрдасига қамалди. Бул қирқ киши ҳулкардек бир ерга йиғилдилар. Одамлар келуб, Соҳибқирон узангусини ўпар эрдилар. Уч кунгача хон қамалиб ётти. Қипчоқлар кўнглини олиб, ғам еманг, Самарқанд сари отангиз Тўқтемурхонга нома юбордук, дер эрдилар.

Аммо мақсади Соҳибқирон андоғ эрдиким, жатта қўшунлари келмайин, бир ишга дастгирлик қилса. Аммо бир йигит бўсаға остидин ковлаб чиқуб, Қоратемурга ўқ отти. Қоратемур ҳам чаққонлик бирла мунга қараб ўқ отти. Тақдири худо ўқ эшик аралаш йигитга тегди. Йигитни ўқи Қоратемурхон кўксига тегуб, иккови ҳам ўлди. Муни кўруб Соҳибқирон ўрдадин хоннинг аҳли аёлини Самарқандга саломат юбордилар. Қаршини фатҳ қилдилар. Андин кейин Амир Табриз сари Бароқхонга нома юборди, албатта келинг, деб. Бу хангомаларни хабари Тўқтемурхонга етти. Самарқандни Тўқтемурхон эшитгач, Бухорога келди. Андин кейин Қарши жонибига юзланди. Қаршига яқин етгач, қоровуллар Соҳибқиронга хабар бериб айдиларки, Тўқтемурхон бениҳоят аскарни бирла келадур, филҳол, Соҳибқирон буюрдиким, дарвозаларни беркитинглар, деб. Фуқаролар барчаси келуб, Амирга аҳли аёлларимиз, бошимиз била сизга жонбозлик қилурмиз, деб онд ичиб, аҳд қилдилар. Андин кейин, жатта қўшунлари бўлак-бўлак, тўб-тўб, қабила-қабила, кўтос туғларини кўтариб кела бердилар Тутақ мавзеъига. Қарийб туш вақти эрдиким, ўқчилар ва тўфангчилар йиғилдилар. Андин кейин Тўхтамишхон Саййид Ота бирла мусулмон бўлгон қозоқ ва қипчоқлар жамъ бўлуб, Қуръон бўйниларида, Тўхтамишхон Қаршини чор атрофига чиқуб, Соҳиб-

киронга нома ёздурди. Айдиким, агар бизни отамизга ўқ отсалар, биз ҳам ўқ отармиз. Ва илло, биз мусулмон, сиз мусулмон. Мусулмоннинг ака-укалик тақозоси била сулҳ қилсалар, биз ҳам сулҳ қилурмиз, деб Амирга юборди. Соҳибқирон эшитуб номани қайтарди. Айди, иш сулҳ қилурдин ўтти. Яна сўз шулки, аларни мадади манга керак эмас. Ман мадади ёрумни худои аззи жалнинг ўзидин тилаюрман, деб.

Алқисса, Соҳибқиронга хабар еттиким, Бароқхон Чигатой аскари бирла Шаҳрисабзга келубтур, деб. Қаршига келмоқга қўрқувдадур, нечукким, қипчоқ ва жатта қўшунлари Қаршини атрофини халқа каби олиб, чодир қозуқини ҳандақ ёқасига тиккандур. Амир Соҳибқирон фикр бирла ўйлаб, Тўқтемурунга нома ёздурди. Айдиким, эй Тўқтемурун, бизни Чигатой сипоҳлари жанг қилурга орузадаурлар. Бизларга майдонни холи қилса, биз алар бирла чиқуб, майдонда муқобил бўлсак, агар алар кучлик қилуб, бизларни зўримиз етмаса, анга итоат қилуб тобеъ бўлсак, деб номани юборди.

Номани Иноқтоз кал қиморбоз олиб, Тўқтемурун чодирига келди. Кўрдиким, хон тахт узра ўлтурур. Маҳрамлар қўлларини кўкракларига қовуштуруб таъзим ва тавозеъдадур. Ўзини маълум қилди. Хон Иноқни талаб қилди, чодирга кирди. Номани берди. Тўқтемурун айди, бу Амир Темурни тадбиридур, биз ўрнимиздин тебранмасмиз. Бизларга сипоҳгирлиги керакмас, деб Иноқга бир ёрғоқ бериб жўнатти.

Иноқ бориб воқеани Соҳибқиронга баён қилди. Амир бошини кўксига қўйуб, тафаккурда бўлуб, ўйлаб кетти. Соатидин кейин бошини кўтариб, агар тангрим берса, урушсиз, бежангу жадал жатта, қипчоқ сипоҳларини қочирмасам, манам Темур бўлмадим, деди. Кечқурун бўлғач, Иноқга айди, тур ўрнингдан, йўрғил, бир ерга борурмиз, деди. Иноқ айди, қаён борурсиз? Амир айди, ман қаерга борсам, сан ҳам боравур. Икковлари шаҳрни дарвозасидин чиқтилар. Жатта аскарини оралаб юра бердилар. Иноқ сўрдиким, эй тақсир афандим, борур жойни маълумини айтинг, ман билайин. Амир айди, Тўхтамишхон қошига борурман. Иноқ айди, мабодо қабоҳат юзланмасун?! Амир қабул қилмади. Ногоҳ бир киши, кўлида дастурхонда ўралғон нимарсадур, одамлардин Тўхтамишхонни чодирини сўраб келадур. Анинг кейнидин Амир бирла Иноқ кела бердилар. Ул киши қўшунларни ўнг тарафига ўтуб, чодирни топиб Тўхтамишхонга отасидин ош-таъом келтурди. Амир Тўхтамишхонни сўради. Ул айди, Саййид Ота мусулмонлиқ одобини ўргатиб турурлар. Амир айди, ман ани дўсти бўлурман, қошига кирсам, ижозат борму? Ул киши кириб сўради. Тўхтамиш, қандай дўстум, келсун деб ижозат берди. Соҳибқирон чодир ичра кируб, Тўхтамишхон ёнига ўлтурди. Тўхтамишхон сўрдиким, сан кимдурсан, деб. Соҳибқирон қулоғига секин дедиким, Амир Темурман. Тўхтамишхон билуб, Соҳибқирон журъатиға таҳсин қилди. Анда буюрди, олдиндаги мулозимлар барчаси саҳроға чиқтилар. Аммо, Саййид Ота, Тўхтамишхон ўзи, Амир бирла Иноқ тўрт киши қолдилар. Соҳибқирон айди, кеча Тўқтемурунга нома

юборуб эрдук, бизларга ҳам майдон холи бўлсун, Чигатой, сипоҳлари жангни орзу қилурлар, деб. Хон қабул қилмайдур, ман бул сўзларни Тўхтамишхон эшитмаган деб, Сизни дўстлигингизга така қилуб келдум. Эл ичра бизни шарманда қилманглар. Бир манзил сипоҳларингиз шаҳар қўрғонидин узоқ турсалар, майдон васеъ бўлса. Тўхтамишхон Қуръон ила онд ичуб, Амир сўзини қабул қилди. Аммо Саййид Ота билдилар. Аксар Саййид Ота айтур эрдилар, Амир Темурни иқболи баланд, ҳаргиз сўзлаб бўлмас. Таъом келтурдилар, Соҳибқирон шавқ ва завқ бирлан ер эрди. Иноқ ишорат қилди, емагил, мабодо душманлар бир иш қилмасун деб. Соҳибқирон қулоқ солмади, айди: бизга Тўхтамишхон ёвлик қилмас.

Алқисса, Амир шаҳр ичра келуб кирдилар. Тонгласи Тўхтамишхон қизил кийум кийуб, қора отга минди, қилич қўлига олиб, Тўқтемурхон отасини чодирга бормоқ бўлди. Саййид Ота манъ қилдилар. Айдилар, бул ишга бормагил. Тўхтамишхон айди, не учун анинг ҳузурида ҳеч нимарса демадингиз, энди ман Қуръон бирла қасамёд қилдум, амал қилмасам, қасам жонимга уруб ё мусулмонлиқга нуқсон бўлса керак, деб.

Алқисса, отасини чодирга келуб, йигитларга айди, сизлар бирла Чигатой сипоҳлари майдонга келуб жанг қилмоқ орзусида эканлар, нечун йўл бермадинглар. Тўқтемурхон айди, эй ўғлум, бу Амир Темур тадбиридур. Аммо йигитлар Тўхтамиш сўзини қабул қилдилар, лекин сипоҳларни қариси қабул қилмадилар. Тўхтамишхон қўлига қилични яланғочлаб аскарни қалъадин бир манзил йироқ суруб қўйди. Амир мундин воқиф бўлуб, Бароқхонга филҳол киши юбордики, албатта тезлик бирла келсун деб. Ўшул кеча Бароқхон Қаршига дохил бўлди. Барчалари хурсанд бўлуб, Амир Соҳибқирон қилгон ишига аҳсанта ўкудилар. Нақора бирла карнай чолинди. Анда Тўқтемурхон билдиким, Бароқхон келубдур, бу Амир Темур ҳийласидур. Жатта сипоҳлари кўб безовта бўлдилар, лоилож, ўшал кеча Самарқандга қайттилар. Аммо Бароқхон Қаршида қарор олди, Чигатой эли бора-бора ҳужум бўлавердилар, ҳар қайсилари ўз ватанларини топтилар. Агар Соҳибқирон мундоғ тадбир қилмаса, буларни кўблари ватандин умид узган эрдилар. Эмди

## БУХОРИ ШАРИФДИН СЎЗ ЭШИТМАК КЕРАҚ

Бухорои шарифда Хўжа Саъиддин Абу Бакр хўжаи Жўйборийнинг улуг боболари бор эрдиким, ул зотга бир киши келуб, арз қилуб айди, эй тақсир афандим, Сиз Шайх ул ислом бўлурсиз, соёдотдин авлоди расул алайҳис салом бўлурсиз, жатта кофирлари бу мамлакатларни олуб хароб қилубдур, мусулмонлар жумъа номозиға ҳаргиз киролмаслар. Бу сўзни айтуб, шўру фиғон бирла бу сўзни ўкуди:

*Бу назмин деб ул мард шўридакор,  
Ким эй шайх ул ислом олий табор.*

*Баъибрат назар қил бу масжидлара,  
Бўлубдур харобот чу бўзакора.  
Худо деб қилайлуқ биз анга уруш,  
Шариат десак лозим эрмас туруш.  
Мусулмонлара ким на ишдур бу кун,  
Шаҳид айласак ўзни ислом учун.  
Бу дин йўлида жон нисор айлалуқ,  
Бақосиз жаҳондин гузор айлалуқ.*

Андин кейин, ҳазрат Абу Бакр Саъдиддин йиғладилар. Одамлар барчалари бирдан фиғон қилдилар. Хўжа Саъдиддинга айдилар, эй тақсир афандим, бизлар эшиттукким, Амир Темур бирла Бароқхон келуб, Қаршини олибдур, деб. Яхшиси шулким, ҳаммамиз ҳужуми ом қилиб, шул тоифа оёқиға ўзимизни ташлармиз. Муни барчалари қабул қилдилар. Анда яшил туғ келтуруб, Хўжа Саъдиддиннинг бошлариға қўйдилар. Хўжа афандим яшил либос кийуб, қўллариға қилич олуб, маддоҳларға буюрдиларким, тангри таолоға ҳамду, расул алайҳис саловату исломға наът ўқуб турдилар. Мўминлар кўнгли мўмдек эриди, ҳар жонибдин айтур эрдилар. Бухорода жатта аскарининг ўн минг эрди, мусулмонлар салобатининг титрар эрди. Ул кун андоғ уруш бўлдиким, жаттадин икки минг киши Самарқандга қочиб келди. Қолган барчасини ўлдурдилар. Масжиди жомеъага келуб, Бўза ҳам кўбларини ушоттилар. Ўшул кун Хўжайининг ўзларини амир кўтардилар. Аммо Самарқандга келгонлар воқеани Тўқтемурага баён қилдилар. Хон эшитуб, газабда аччиғи зиёда бўлуб, Тоймуғур қатагон ва Темуртош кўнғиротларни юбордиким, бориб Бухорони қатли ом қилинглар, деб. Булар эллик минг киши била Бухорога отландилар. Аммо Темуртош соҳиби фикр эрди. Тўқтемурага ўйлаб дедиким, Бухорога борсак, бир тадбир қилайлуқ, бу эллик минг киши малла тўн кийсунлар, бошлариға оқ салла ўраб, ёнлариға мисвок осиб, қўлларида тасбеҳ бўлсун. Бухоро барчаси мусулмондур, бизлар ҳам мусулмонлар расмида бўлуб борурмиз.

Хожа Абу Бакрга хабаримиз борур, деди. Хонга бул сўз қабул бўлди. Бу эллик минг киши мусулмонлардек бўлуб Бухорога яқин келдилар. Ҳеч кимни молу амволиға назар қилмадилар. Кечакундуз номоз ўқидилар. Бухородин неча-неча жонсуси чиқориб шул кайфиятда кўрдилар. Охир Бухородин бир сўзга етук киши бўлуб чиқуб эрди, начанд тухфалар бирла, булар тухфасини олмади. Айди, бизлар эллик минг киши Саййид Ота қўлларида мусулмон бўлуб эрдук. Бизларга Тўқтемура хон айди, сиз мусулмонлар бизлар орамизда турманглар, деди. Лоилож, бизлар бул тарафга келдук, деб. Тоштемур элчиға айди, хотиримизга келдиким, бизлар мусулмон албатта йўл берсалар керак деб, кўб инъом ва эҳсонлар фириб бирла элчининг Хўжага бериб юборди. Элчи келуб, ҳазрат Хўжага андоғ таъриф қилдиким, Хўжа афандим Темуртошни кўрмоқ орзусиға тушуб қолдилар. Неча-неча маротаба келсун деб киши юбордилар, келмади. Аммо Темуртош бир чорбоғни кўрди, ичида ҳовуз тўла суйи бир. Ул сувдин идишларга

олди ва сўрди, кимникидур? Хўжа Абу Бакр боғудур, дедилар. Темуртош ул ерға аскарини қўйуб, ўзи Бухороға юзланди. Тоймуғур бормағил, деди. Темуртош айди, ман бир ишни қилиб, шаҳрни олурман, деб дарвоза сариға келди, юзини қиблага қилуб ўлтурди. Тонг отғоч шаҳр ичра кирди, хўжанинг қошлариға бориб, тишини бойлаб, йиглаб айди, эй тақсир афандим, хато қилдим, ёзуқларимни кечуринг. Айдилар, тишингни нега боғладинг. Бул айди, сизни боғингиздин сув келтуруб таҳорат қилуб эрдим, ўшул ҳол тишим оғриди. Ман айдим, бул сув мусулмонлар ҳақидур, охир ҳақиқатни билсам, сизни боғингиз экан, деб оғзидин сўлаги оқиб йиғлар эрди. Барчалари мунинг ёлғон эътиқодиға инондилар. Хўжа айдилар, жамоанг ичра сўзга етук сендурсан. Ул айди, ҳаммасидин ярамаси мендурман. Хўжанинг кўнгиллариға келдики, бул киши яхши кўрунур, шаҳр ичра йўл берайлук, деб. Айдилар, эй Темуртош, элатларинг бирла шаҳр ичра киринглар дегач, ул ўз қавмиға қараб кетти. Бориб келурда шаҳр дарвозасиға етгач, зикри жаҳрия қилуб, йиғлашуб, Айюб булоғини ёқасиға келдилар. Ул замонда ул ерда иморат йўқ эрди. Анда қарор олдилар. Ўшул кеча анда мукамал ва мусаллаҳ бўлуб, ёроғлануб, аввал Хўжани шаҳид қилдилар, Хўжани руҳи тўтиси ўчмак шакаристонға тайрон қилди. Яна беш юз кишини юрт улуғларидин шаҳид қилдилар, бошларини ёғочлар учиға санчиб юрур эрдилар. Хеч кишида дам урмоқға ҳолат қолмади. Жамъи эру хотун масжидларға кируб, жой олдилар. Қизил Арслонхондин қолғон масжидни вайрон қилдилар. Жамъи Қуръон ва китобларни бир ерға тўда қилуб куйдурдилар. Кўб одамлар ул куни ҳалок бўлди. Бул кун Бухоро гўё қиёмати сағир бўлди. Аммо ҳар лаҳза ғойибдин садо келурдиким, эй Бухоро аҳли, ўлумға ўзингизни урманглар. Аммо ушбу овозни мўминлар эшитуб, кофирлар эшитмас эрди. Замон-замон, кофирлар мусулмонларни қасос, деб ўлдурур эрди. Мол беринг, сизларни ўлдургумиз, деб эрди. Баъзиким, ақли муслимдин дер эрди, ҳаргиз сизлар бизларни ўлдуrolмассизлар, нечун, шавқун эшитурмиз, Бухоро қатли ом бўлмайду деб. Ани Темуртошға айдилар, ул мусулмонларға савол қилди. Мусулмонлар, оре, эшитурмиз, аммо билмасмиз, кимдур, дедилар. Темуртош ўз расмиға кўра онд ичиб айдиким, то овоз қилғон кишини тобмағунча қатли ом қилмоқдин қўл тортмағаймен, деб. Яна бойму, қашшоқму барини молларини олур эрди. Барчалари нолада эрдилар. Аммо Соҳибқирон Қаршида бу воқеани эшиттилар. Бароқхон бирла маслаҳат қилдилар. Бароқхон парво қилмади. Аммо Соҳибқирон мусулмонларға ҳамият қилуб, қирқ киши бирла Бухоро жонибиға келдилар Бухоро атрофида юз киши қоровул эрди. Бир қоровул оти қочиб бўзачи қўлиға келди. Андин отни Соҳибқирон олдилар. Қоровул отини ахтариб Амирға тўғри келди. Қоровулдин шарҳи воқеани сўрадилар. Ўшул кеча келуб юз киши қоровулдин бош кестилар. Амир саҳродин бир туб қитъа қоғоз топиб олдилар. Битиқликдур ул китобда рижол ул ғойиб мадад берурлар Бухоро ақли мўмин мусулмонларға деб. Они Соҳибқирон олиб кечи бирла Бухороға кируб, минора устиға чиқуб ул қоғозни



учуруб юбордилар. Андин рафиқларини қошлариға келди. Аммо ўшал кун Темуртош муқаррар қилуб эрдиким, тонгла мусулмонларни қатли ом қилурман, деб. Ўшул қоғозларни шамол ҳар тарафга учуруб эрди, тонгласи битук қоғозни барчалари кўрдилар. Темуртош бидиким, ислом дини ҳақдур. Тоймуғур фуқароларини асир қилуб дарвозадин чиқоруб ўлдурмоқ учун Боғи Шамс ул мулкға келтурди, Бухоро жанибидур, холо Намозгоҳ дерлар. Аммо Соҳибқирон рафиқлари оқ кийуб, оқ байроқлари олдинда, отға минуб, шаҳр саройиға юзландилар. Аммо жатта сипоҳлари Бухоро халқини ўлдурмоқға қасд қилғонда садолари рижол ул ғойибдин кела берди. Ногоҳ бир тарафдин чанг ва тўзон зоҳир бўлди. Кўрсаларким, Соҳибқирон қирқ киши бирлан тақбири ташриқ айтиб кела берди. Темуртош оти ҳуркуб отдин йиқилуб, бўйни узулди. Жатта сипоҳлариға zilzila тушти. Соҳибқирон илгари кела бердилар. Темуртош ўлуғини кўнғироқ элати олиб кетти. Тоймуғур қўшунлари бирла жангға юзланди. Асирлар бойлуқларини пора-пора қилуб, жатталарни ўлдура бердилар. Тоймуғур андоғ жанг қилдиким, сўзлагон бирла тўғри келмас. Соҳибқирон они йўлини олдилар. Ул келуб Амирни эгар устидин кўтариб олди. Соҳибқирон филҳол қўлиға ханжар олуб, бир уруб эрди, Тоймуғур калласи хандалакдек узулиб кетти. Қолғон жатта сипоҳлари ҳар тарафга қочтилар. Андин кейин мусулмонлар тинчлиғда бўлуб олти йил Соҳибқирон қайин отаси Баёнқулихон тахти узра подшоҳлик қилуб ўлтурди. Яна Бухоро аҳли тинчлиғда бўлуб, шукрона келтурдилар.

## БУ ДОСТОНДА САМАРҚАНД ФАТҲ БЎЛУБ, МИРЗО ЖАҲОНГИР ИБН АМИР ТЕМУР КЎРАГОН ХУРУЖ ҚИЛҒОНИНИ БАЁНИ

Аммо Тўқтемурхон бу воқеаларни эшитуб, олти йилгача ўзбак ва қалмоқ ва қинчоқ ва қозоқ ва қирғиз, ҳар қайси элатдин сипоҳ жамъ қила берди. То олти йилгача андоғ қул ва қўшун йиғдиким, аҳли таворих деюрларким, аскарари Ҳалогудин ҳам зиёда эрди. Соҳибқирон эшитуб Бароқхонға киши юборди. Аммо Бароқхон кўрик қилғонда Соҳибқирон анинг олдиға кўрикға келдилар. Шул вақт Амир Темур ўгли мирзо Жаҳонгир Ховимчадин туғилуб, саккиз ёшға келуб эрди. Лекин Бароқхон мундин хабари йўқ эрди. Кўрмаган эрди. Қуйруқ ва ёли тора самандға муниб, қизил энгил кийуб, фўтасиға Миср қиличини тоқинуб, атрофиға икки минг нав-жувон йигитчаи даврон, ёшлари уч етти ва ўн саккиздин ошмагон барчалари отға минуб, илми сиполиғда ўзлариға оро беруб, ўта бердилар. Бароқхон сўрдиким, бу ёш бача кимдур? Соҳибқирон тиз букуб, арз қилуб, айди, эй афандим хоним, Сизни синглингиздин туғулғон жиёнингиздур, мани ўғлумдур. Бу сўз хонға қаттиғ тегди, манға бу ўғул қулбачангиз демади деб. Барча тамошада эрдилар, хон рашк, қилуб, айди: мунинг оғзидин сут иси келодур, муни жангға юбормоқ ҳўб эмас. Амир айди, бу ўғул ўқ отмоқни кўб яхши билур. Аммо Мирзо Жаҳонгир тоғасини олдиға келуб ўтурди,

чиндан таъзим ва тавозеъ қилмади. Тоғаси учун, лекин бу қилғони Бароқхонга оғир келди. Баногоҳ Шайх ул аълам мазори шарифларини қуббасида лаклак бўйнига илон ўралган, одамлар тамошада эрдилар. Муни кўруб мирзо Жаҳонгир филҳол туруб қўлига ёсини олиб ўқ отти, отган ўқи илоннинг калласини узуб тушти, лаклакга зарари тегмади. Барча кўрганлар офарин ва таҳсинлар қилдилар. Андин кейин бир бўйи узун киши беш минг йигит бирла келди. Яшил туслик соқоли мош биринч, оти хиноранг, қўруқи оқ, йўлбарсдин бўрк кийган, йигирма газ туғ байроқи, они кўтарган кишини бўйи ўзгаларидин икки газ юқори турур. Аларни бошлиғи амир Чоку барлос эрди, келуб Хонга таъзим, тавозеъ қилдилар. Яна андин кейин тўрт минг киши бирла келуб амир Ўлжой хонга таъзим ва тавозеълар қилди. Андин кейин икки киши келди, манглайи очуқ, оқ юзлу ва бири юзи очуқ, оғзи катта, қўли узун, бири амир Ёдгоршоҳ ва бири амир Муайяд орлот эрди. Олти минг йигит бирла барчалари қора от ва қора кийум кийган, байроқлари ҳам қора. Хонга келуб таъзим ва тавозеъ қилдилар. Андин кейин хонга айдилар, агар бу мамлакатларидин жатта кофирларини ихрож қилмасак, бу қора либосларни қўймасмиз. Яна андин кейин бир киши келди, тўфанги бўйнида ҳамойил, кўзи катта: соқоли кўб — бу амир Боязид жалойир эрди. Неча минг аскар бирла хонга келуб таъзим-тавозеъ қилди. Андин кейин бир киши келди, муъофа узра фўш ва мисвок осган, қуръон тиловат қилур, Шайх Хусаннўш эрдилар. Балх, Ҳиндустондин неча минг аскарни бирла келуб хонга таъзим ва тавозеълар қилдилар. Ҳаммалари жамоъ бўлуб маслаҳат қилдилар. Анда икки йигит тева минуб келдилар. Қўлларида қилич яланғоч, бири Аббос баҳодур, бири Усмон баҳодур эрди. Аларни хон хуш кўруб инъом берди. Андин ўзга яна икки йигит келди, қирқ киши бирла барчаларида яроғ ва аслаҳа сипогарлиқ била ораста, бири Ҳинд Хожа қушбеги ва бири Қиморий Иноқ. Андин кейин амир Худойберди ва Амир Хусайн, Жондарий ва амир Баён Сулдуз ва Олтмиш баҳодур, Тоғайбўга баҳодур, ҳар қайсилари шон-шавкат бирла кела бердилар. Чигатой аскарни юз мингдин зиёда бўлди. Етмиш туғ бардори бор эрди. Аммо Бароқхон Мирзо Жаҳонгирни жангга бормоқини манъ қилди. Мирзо Жаҳонгирни кўнгли бузулуб қолди. Қўшунларни ўнг тарафини Соҳибқиронга бердилар, сўл тарафини Чокуга бердилар. Жаёни яровул қилдилар, амир Аргун туркмонни ясовул қилдилар, аскарларини алғари-илғари юргуза бердилар. Жумъа куни рамазони шарифни Ҷв еттиси, тарихга етти юз етмиш эрди, (1369 й) аскарни Чигатой Бухорои шарифдин Самарқандга юзландилар.

## БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН ТЎҚТЕМУРХОН БИЛА ЖАНГ ҚИЛИБ, ЖАТТА СИПОҲЛАРИ ШИКАСТ ТОПГОН НИНИ БАЁНИ

Аммо Соҳибқирон Бароқхон бирла Чигатой қўшунларини олуб йўл олдилар, Самарқандга етганда қоровуллар Хонга бориб хабар

бердиким, Чигатой аскарари келадур деб. Аммо Тўқтемурхон Тўхтамиш ўғлини Самарқандга қўйиб, ўзи Чархин роботига бориб эрди. Филҳол, Тўхтамишхон қоровул ва яровулларини қўшун била Чигатой аскарини муқобилига чиқориб, ҳайма ва чодирларни тика бердилар. Бир тарафдин Соҳибқирон қўшунлари туш вақтидан тун бўлгунча бориб қарор олдилар. Иккала аскардин чиндовул тонг отқунча айланиб юрар эрди. То уч кунгача икки қул маслаҳат қилдилар, жатта сипоҳиларини йигити қиличлар савқидин Чингизхон руҳига қасамёд айладиларки, урушлар қилуб Чигатой аскарини қонидин тоғ ва тузларни ранго ранг қилуб, жилга-жилгаларда қонларини оқузурмиз, деб. Тонгласи куёш амири чодирини зулумотдин чиқуб, кўк майдонида жилва кўргузди, юлдуз жатталари тоб келтурулмаи ўзларини ёшурдилар. Анда Тўқтемурхон қўшунлари бирла отланиб эрди.

Аммо Соҳибқирон қул атрофида юрур эрдилар, қоровуллар хабар бердиким, жатта сипоҳлари отланди, деб. Анда карнай овози кела берди. Соҳибқирон беклар бирла келуб Бароқхонга таъзим қилдилар. Хон маҳрамлари бирла шароб ичиб ўлтурур эрди. Соҳибқирон тиз букуб арз қилдиким, эй хоним афандим, Тўқтемурхон отланибдур, сиз ҳам отлансангиз, бизлар қардошлар бирла сизни жиловингизда жонбозлик қилсак?! Бароқхон айди, Чигатой беклари Жўжа бекларидин зиёда, нечун сизларга шикаст етса, бизга така қилурсиз, вало бизга шикаст етса, кимга така қилурмиз? Соҳибқирон айди, бу сўз хатодур, барчамизни такямиз олло таолонинг ўзигадур, агар хонимиз отлануб, йигитлар атрофида бўлсалар, яхши бўлур. Мабодо бул ерда муҳолифлардин сизга зарар бўлмаса деб эрди. Бароқхон ўрнидин кўзголмади. Аммо Соҳибқирон била баҳодур йигитлар отлануб Тўқтемурхон муқобилида қарор олди. Аммо Соҳибқирон ўнг қул тарафни Орлот ва амир Муайяд ва амир Ёдгоршоҳга берди: Алар туғ ва байроғин ирмоқ ёқосига тикдилар ва сўлни Жалойир ва амир Боязид ва қавчин ва амир Чоку барлосга бердилар. Булар туғларини қир ёқосига тикдилар. Соҳибқирон туғлари яшил эрди. Ҳинд Хожа қушбеги ва Иноқтоз кал қиморбоз икковларига яёв Соҳибқирон жиловида эрдилар. Ўн икки минг тўфангчи барчалари яёв эрдилар. Амир Соҳибқирон ўнг ва сўл аскарларига тартиб бериб, ҳировул яна қул, яна жарангар, яна барангир, яна чиндовул, ҳар қайсини ўз навбати бирла келтурур эрди. Аммо бул тарафда Саййид Ота ўзбек қўшунларини жойига келтурур эрдилар. Баковул, эровул, ясовул, чиндовул, қоровулларни ҳар қайсини ўз жойига, найма қозоқ ва қўнғирот элатларини ўнг тарафга кўрсатдилар. Ва арғун ва барқут ва қаҳод элатларига сўлга ўрун кўрсатдилар. Тўқтемурхон қошида кўтосдин байроқ эрди. Ногоҳ Соҳибқирон яшил байроқига Тўқтемурхонни кўзи тушти. Мунда осори фатҳ ва нусратни мушоҳада кўрди. Сўраб эрди, «Амир Темур байроқи» дедилар. Андин билдиким, Бароқхон жангга келмабдур. Булардин Эртавул баҳодир Амирга келуб ваҳшат қилуб айдиким, Чигатой хони нечук отларига рокиб бўлмабдур деб. Яна қайтуб Тўқтемурхонга айди, эй хоним, ғам еманг бу ишдин булар Чигатой

сипоҳлари. Фириб бирла яна Тўқтемурухонга секин айди, ман Бароқхон чодирига бориб, ҳеч кимга билдурмай. Бароқхонни асир қилуб келурман, деб ўзига беш юз кишини ҳамроҳ қилуб, бир тарафдин беркинуб кетуб бориб, Бароқхон чодирини топиб айдилар: бизлар Чигатой элидин бўлурмиз, хондин фотиҳа олғали келдук дедилар. Бароқхон буларни билмай, онларни талаб қилди. Филҳол, қиличларини қиндин чиқоруб, чодир атрофини олдлар. Гавго кўзгалди. Бир киши Соҳибқиронга келуб хабар берди, шарҳи воқеани айди. Соҳибқирон эшитуб, ҳайрон бўлди, нима қилурни билмади. Бул ердин кетса, икки аскар муқобилдадур, иш қабоҳат бўлур. Мухбирга ишора қилди, сукут қил, деб. Андин кейин бекларга секин айди, сукут қил, деб, эй қурдошлар, бул жанг ичра Бароқхон бўлмаса, иш бўлмайдур экан, ман бориб, хонни келтурайин. Андин келуб, Иноқга айди, сан туг остидин кўзголма. Андин кейин Ҳинд Хожани юз тўфангчи била олуб, хон сарига борурди. Ҳар киши сўрса, дер эрдиким, бу кун ўзларингга эҳтиёт бўлунглар, ман хонни келтураурман деб сафдин чиққонларни уруб, сафга киргизур эрди. Аммо Эртавул қилич яланг қилуб, Бароқхон қошига бориб, буюрдиким, хонни бойланг, деб. Онда молларини ўлжа қилуб, отларга ортиб, ўзи аскар тарафга келур эрди. Бухоро тарафдин чанг-тўзонлар пайдо бўлди. Кўрдиким, мингга яқин йигитчалар келур. Яшил алам бирла. Барчалари ўн етти ва ўн саккиз яшар. Алар ичра бир бола бўз отга минган, ёши ўн иккидин ошгон, либослари қизил, боши узра қарқара. Бароқхон кўрдиким, мирзо Жаҳонгир келадур, фарёд қилуб чақирдиким, эй кўзум нури, кел, бизларга раҳм қил, дегач, мирзо Жаҳонгир тоғасини бу ҳолда кўруб, югуруб келур эрди. Эртавул буларни кўруб, Бароқхонга қилич солди. Бароқхон ўзини ерга ташлади, икки оёгини от қорнидин тортиб боғланган эрди, Бароқхон жон ваҳимидин ерга тушолмай, осилиб қолди. Эртавул баҳодур хоҳласаким, иккинчи яна тиг бирла ўлдурса. Мирзо Жаҳонгир кўрдиким, иш қабоҳат бўлур, филҳол, ёсини қўлиго олиб, ўқ бирла Эртавулни кўксига андог урдиким, Эртавул жони кетуб, танаси ертавул бўлди. Бунда, филҳол, келуб хонни эгор устига қўйди. Жатта сипоҳларини барчаларини ўлдуруб, хонни олиб қўшунларига келдилар. Анда Амир Соҳибқирон келуб, бу ишларни кўруб ҳайрон бўлуб, ўглидун кўб хурсанд бўлди. Бу жазолар Бароқхонга Амир сўзини манъ қилғонидин бўлди. Бу хабари ваҳшат иккала аскарга овоза бўлуб кеттиким, Эртавул Бароқхонни ўлдурубдур, деб. Сипоҳилар сафида шўру гавго кўзголди. Анда Жўжабек деган киши найман элати била жаттадин чиқуб, Соҳибқирон байроқига қараб кела бошладилар. Иноқ яёв унга-мунга югурур эрди. Амир Жалойир қатағон элати бирла жангга муқаййид бўлдилар. Ва яна амир Муайяд орлот қавми бирла урушмоқга ҳаракат қилдилар. Чанг ва туфроқ ҳавога ўрлаб, оламни қоранғулук бости, биров-бирони кўролмадилар, офтоб кўздин ғойиб бўлди. Соҳибқирон Бароқхон бирла жанг ичра кирдилар. Баъзилари Бароқхонни соғ-саломат кўрдилар. Кўрмаганлар хонни саломатлигини бовар қилмадилар. Анда Бароқхонни филга миндурдилар. Андин кейин

барча маъин кўрдилар. Ул кун андоғ жанг бўлдим, қонлар жилга-жилгада оқа бошлади, калла ҳандалаклари жасад фалакидин узила бошлади, дехқони йўқким фалокат аравасига солиб бозори адам шахристониға элтгай, ё бир гўркови йўқким, бу жасадларни қабристонға беркитгай. Ул кун Иноқни уч ериға ўқ тегиб, яралик бўлди. Соҳибқирон они мирзо Жаҳонгир отига олиб, юбордилар. Икки жатта Амирни икки тарафидин келуб, ўқ отти, форс Ақим ҳавоға сакраб эрди, бирини ўқи бириға тегуб, Соҳибқирон отдин ағдарилуб тушти. Филҳол, Мирзо Жаҳонгир келуб, Амирни отига миндурди.

Алқисса, уч кун Қуёш товусини мағриб денгизини наҳангги ютти, кундуз шунқорини тун қарғаси қувлаб, беркитти. Андин иккала подшоҳ икки сари бўлунуб ўринларида қарор олдилар. Ахшомдин кейин Амир хондин фотиҳа олиб кечаси ухламай, аскар атрофидин айланур эрди. Ногоҳ Амир отдин тушуб, нақзузувга ўлтурғач, бу от форс Ақимдин ўзга эрди, жилов Амир кўлидин чиқуб, қочти. Соҳибқирон отни кейнидин бора берди. От қочиб жатта қўшунлариға яқин борди. Амир ҳарчанд қилди, тутолмади. Жатта ичра Бўри баҳодур кўрсаким, бир от қочиб келур, они тутуб келдилар, яна бировини кўзи Соҳибқиронға тушти, атрофдин келуб Амирни ҳам ушладилар. Амирдин сўз сўраб эрдилар, Амир лол каби бўлуб, аларға овозини чиқармади. Аммо Соҳибқирон араб башара эрди. Бўри Баҳодур Тўқтемурухон қошиға элтти. Хон беклар бирла кенгаш қилдилар, Бўри тўғри келуб айди, Чиғатой қўшунларидин бир кишини ушладук, деди. Хон буюрди, келтур, кўрай, деб. Амирни келтурдилар. Тўқтемурухон сўз сўраб эрди, Амир тилини соқов қилуб, андак тожикки сўзлади. Хон тилиға тушунмай, буюрдиким, боғлаб қўйунг, деб. Амирни боғлаб, бир чўғолға тобшурдилар. Андек фурсатда чўғол ухлаб эрди, Амир бойлуқларини бураб, ушотиб, секин чўғолни ханжарини олиб, чодирдин чиқуб кетти. Жатта аскаринин чиққач, йўл узра қора либос кийган бир кимарса турар, анга бориб Амир ҳарчанд сўз сўрди, жавоб бермади. Амир они ханжар бирла пора-пора қилай деб эрди, ул йиғлади. Амир айди, ўлумдин қўрқарсан, нега сўзламайсан, йиғларсан? Ул айди, қўрқуб йиғламайман, балки маъшуқай матлубимға етолмайин йиғларман. Соҳибқирон айди, матлубинг кимдур? Ул айди.

Назм:

*Бул кеча кўзим ёрутгай меҳри олам тобдек,  
Ким танимда ҳар замон титрар кўнглим симобдек.*

Амир анинг заифа эканини билуб, кўб-кўб муболага қила берди. Ул айди, отимни Туман оға дерлар, ўзим Тўқтемурухон подшоҳни қизи бўлурман. Термиз урушинда Амир Темурға кўнғил бериб эрдим, мани ошиқай бечора ҳайратда қолғонни анга еткурсанг, ҳар қанча хизматинг бўлса, бошим устиға, деб йиғлаб бу ғазални ўқуди:

*Иёл бошла. манга раҳбор. ул хонима еткур,  
Ман чўри анга, ул мани султонима еткур.  
Оқғон бу кўзимдин ёшима раҳм гар этсанг,  
Афсурда кўруб бу мани жонима еткур  
Ишқ ўти тегуб жисмима шўрида бўлубмен,  
Гўё жасадим жонсиз ўлуб, жонима еткур  
Термизда они кўрдим, кўнгилни бериб бой,  
Чин бу сўзумни мани ҳақонима еткур.  
Исён тунидин ол мани ислом кунига,  
Кобфирлар аро қўйма, мусулмонима еткур,—*

деб андоғ фиғон қила бердиким, авинг ишқ-муҳаббатига Амир ҳам йиғлаб, ўзини Амир Темур эканини анга билдурди. Анда Туман оға ҳайрон-саросима бўлуб, йиғлаб нима дерини билмай, ошиқ ва маъшуқ бир-бири бирла мулоқот бўлуб, андин кейин Туман оға айди, мани чодирим қизил, тонгла Чигатой сипоҳлари бирин-бирин бўлуб бизни чодирга келурда чодир ёнидаги туғ, байроқини тавоф қилурлар, ман аларни чодир ичра ёшурурман, сиз ҳам келурсиз, ярим кеча бўлғоч, карнай чолсалар отам қўшинлари албатта саросима бўлуб қочарлар, деб эрди, Соҳибқирон қабул қилди. Туман оға отасини аскар ичра келди, Амир ҳам қўшинларига борди. Булар Амирни йўқотиб ҳар жонибни ахтариб юрур эрдилар. Субҳ бўлгач, барчалари Амирни кўруб хурсанд бўлдилар. Еронларга Амир воқеани баён қилди. Барчалари қабул қилдилар. Анда Саротилмиш баҳодур ва Учқора баҳодур ва Гиёс баҳодур ва Усмон баҳодур ва Мирзо Жаҳонگیر, умаролардин олтмиш киши шул ишга бел боғладилар. Ҳар қайси баҳодур арслон каби бўлуб, бошлуқлари Соҳибқирон, Мирзо Жаҳонگیر бирла хонга арз қилуб, маълум қилдилар, маслаҳат бирла ўлтуруб, ул кун кеч бўлғоч, тун амири боши узра қора чодир солди, юлдуз аскар кўк майдонини олди. Анда Соҳибқирон хондин фотиҳа олиб, Туман оға сарига кела бердилар. Аввал Амир келуб, қизил байроқни тавоф қилуб эрди, бир чўри келуб Амирни қўлидин ушлаб чодир ичра Туман оға қошига келтурдилар. Туман айди, бу ерда ўзга кишидин йўқдур. Андин кейин Мирзо Жаҳонگیر келди. Амир айди, бу мани ўғлумдур. Алқисса, бирин-бирин олтмиш киши чодир ичра кирдилар. Туман оға ўзга чодирга борди. Аммо Амир Чигатой аскар ичра муқаррар қилуб эрдиким, ҳар вақтики, бизлардин карнай шавқуни чиққач, сизлар ҳам карнай чолиб от қўйинглар, деб эрди. Ул кеча тун ярми бўлғоч, Олтмиш киши чодир ичра карнай тортиб, шавқун сола бошладилар, Тўқтемурхон қўшунлари барча бирдан чўчуб уйғонсаларким, аскар ўртасидин шавқун бирла карнай овози чиқадур, барчалари жангга муқаййид бўлуб эрдилар, атрофдин карнай овози кела берди. Анда жатта қўшунлари шошиб ва саросима бўлуб, кўнгилларига қўрқув тушуб, атрофга тарқашиб, қоча бошладилар. Чигатой сипоҳлари жатта қипчоқ аскар ичра андоғ қирғин солдиларким, ўлуқлари хирмон-хирмон бўлуб, таналари тефа-тефа бўлуб уюлуб, бошлари сой тошларидек узулуб, баъзини қўли синуб ва баъзини бели синуб, баҳодурлар

муни кўруб, кўнгли тинуб, баъзи оёғи узулуб, баъзини қулоғи  
узилуб, баъзи жон бермоғда кўзи сузилуб, баҳодурлар ҳажжомдек  
қон олмоғда бўлдилар. Ғавго ҳалдин ошуб, қизил денгиз тошиб ҳар  
тарафга оқа бошлади, гўё алар бошида қиёмати сағир бўлди.  
Тўқтемурухон ҳайратда бўлуб, ярим кечада Самарқандга қочиб  
кирди. Бўри баҳодур Амир қўлида ўлди. Соҳибқирон бирла  
Бароқхон Самарқанд кўргонини атрофини олиб, тўрт ойгача  
Тўқтемурухонни қамаб, кўб аскар бирла ёттилар. Ул замонида Хўжа  
Маҳмуд тошкандлик Хўжа Аҳрор валини оталари эрди, соҳиб давлат  
ва шавкатлиқ гани киши эрдилар. Қирқ қуллари бор эрди, кўргон  
остидин хандак кавлаб, андак йўл очиб эрдилар, бир қуллариға  
нома битуб, ўшул кун Соҳибқиронға беруб юбордилар. Амир  
Соҳибқирон Бароқхон чодиридин чиқуб, ўз хаймасиға борур эрди,  
қул китобатни Амирға етқурди, кўруб қайтуб Бароқхон чодирига  
бориб, қулни Бароқхон қошиға чоқиртуруб, мутолаа қилуб, яна  
Бароқхон нома ёздуруб, бир мансабни хўжаға ваъда қилуб юборди.  
Қул номани мўм ичра олиб борур эрди. Тўқтемурухон кўзи тушуб,  
ани феъл-атворидин билуб, ушлаб олдуруб, ҳарчанд бош-оёғини  
ахтариб, тополмай турурдилар, ногоҳ акса уруб, оғзидин мўм  
тушти. Анда хатни кўруб, буюрдиким, хўжанинг молини талон  
қилинглар, хўжани ўзини зиндонға солинглар деб. Аммо хандак  
йўлини тополмадилар. Хўжани қийнаб сўрдилар, инкор қилуб,  
билмайман, деди. Хўжанинг қулларидин бири секин келуб  
Соҳибқиронға бу воқеаларни баён қилди. Ул қулни Соҳибқирон  
келтуруб, тадбирини Бароқхондин сўрди. Хон айди, бир бола бўлса,  
бориб хандак йўлини Хўжадин сўрса, бу сирни билуб келса?! Андан  
Мирзо қўлини кўксиға қўйуб, таъзим бирла турди, ҳарчанд хон ва  
Амир манъ қилдилар, бўлмади. Акнун, лоилож, жавоб бердилар.  
Мирзо филҳол, Самарқандга доҳил бўлдилар, боруб диловарлиқ  
бирла Тўқтемурухонға арз қилуб айдиким, ман кичиклигимда отам  
ўлар вақтида дунёларини хўжа Маҳмудға топшуруб, деган  
эканким, бола ҳозир ёшдур, балоғатға етгандин сўнг берарсиз, деб.  
Ҳоло, ёшим ўн тўртга етибдур, сиз адолатда бўлсангиз анга мани  
тўғри қилсалар, молимни талаб қилсам. Хон адолат юзасидин  
буюрдиким, бу болани хўжанинг қошиға элтинглар деб. Они  
хўжаға келтурдилар, хўжа они танимади, фалоний нақибни  
ўғлидурман, отамни моли қайдадур деб, яъни отам олтунларини  
қаерға беркитуб қўйубсиз, деди. Хўжа Маҳмуд билдиким, бу ўгул  
сўзунда бир сир бор. Хандак йўлини билдурмоқ учун анга Хўжа  
айди, отангни моли кўргонни шарқ тарафинда, гўру ошиқон  
мавзуинда, андин топиб олғил, деди. Мирзо Жаҳонгир билдиким,  
албатта ўшал ерда хандак йўли бордур. Андин мирзо Жаҳонгир  
хон қошиға бориб, айди: Сизни адолатингиздин мани омонатим  
қўлимға тегди, деб хонни дуо қилуб қайтти.

Алқисса, ул кечаси отаси Соҳибқирон олдиға келуб, воқеани  
бир-бир баён қилди. Амир Соҳибқирон қирқ киши бир улуг йиғоч  
остиға келдилар. Бу мирзо Жаҳонгир қилгон тадбириға барчалари  
таҳсин ва офарин ўқудилар. Андин таъйин қилгон ерни тонуб,  
кўргон тагидин бир одам миқдори бориб, барчалари тун ярмида

карнай чалиб, шовқун қила бошладилар. Ул кечаси Самарқанд ичра андоғ ғавго бўлдиким, Тўқтемурухон ўрдасида етти киши бирла қамалуб қолди. Тўхтамишхон ўрда буржидин ошуб тушти. Соҳибқирон кўруб, яхшилиқ қилгон жиҳатидин анга навозишлар қилди. Анда Тўхтамишхон айди, эй Амир Темур, диловар бўлсанг, кишига яхшилиқ қил, ман сени ўлумдин нажот бериб эрдим, сан мани отамга нажот берғил. Амир айди, отангни бағишладук, лекин Саййид Отага нажот йўқ, мунча ишлар бари андин бўлубдур. Тўхтамишхон: кофирларни бағишлаб, нечун мусулмонни бағишламайсан, агар они ўлдурсанг, ўзбек мусулмонлари ичра кўб ғавго бўлур, Саййид Отани ўлдурма, мани ўлдур, деди. Андин кейин Амир барчасини бағишлади, бош-оёқ либослар берди. Ул етти кишини чиқоруб, мамлакатларга қасд қилмасликга Тўқтемурухон ва Тўхтамишхон аҳд қилдилар. Бу сўзни Бароқхон эшитуб, аччиғи келуб, ғазабда бўлуб, Амир Темурни бу ишиким, мандин бежавоб аларни бағишлар, филҳол, аларни ўлдурунг деб ҳукм қилди. Соҳибқирон шаҳр ичра эрди, эшиттиким, Бароқхон етти кишини ўлдурмоқга амир қилибдур, деб бориб кўрдиким, Тўхтамишхон бўйнидин арғамчи била бойлаб турурлар. Филҳол, Амир Соҳибқирон арғамчини кесуб, ўзи Бароқхон қошига келди. Анда Амирга хон итоб қилуб айди, нечун мани ҳукмимни тағайюр берурсан, ман аларни қонини тўкмоқга қасамёд қилуб эрдим деб. Амир айди, алар учун мани ўлдур. Хон ғазаб бирла буюрдиким, ушланг бу оқсоқни, деди, нечук Соҳибқирон оёғлариға захм жанг ичра тегуб, андак оқсоқлиги бор эрди. Беклар ғувир қилуб айдилар, Амир Темур сапинг учун машаққатлар чекуб, санга кўб яхшилиқ қилди, мунча санга асло ёмонлиқи йўқтур, деб. Ҳеч киши Бароқхон сўзини қулоқиға олмадилар. Агар Амир Соҳибқирон Бароқхонни ўлдурунглар деса, неча одамлар ўлдурмоқга тайёр эрдилар. Лекин бу ишларни Амир Соҳибқирон асло парво қилмас эрди. Аммо уламолар ҳукми хон тағайюр бўлмасун деб алардин андак ҳажамат қилуб қон оқизилсун дедилар. Андин кейин подшоҳона инъомлар бериб, аларни Дашти Қипчоқга юбордилар. Бароқхон ҳеч нима демади. Лекин Амирдин гинаси кўнглида қолди. Андин кейин хўжа Маҳмудни мусулмонларга раис қилдилар. Тамоми мулки, Моваруннаҳр Тошканд ва Хўжанд ва Хўқанд ва Марғинон ва Андижон ва Қошғар ва Туркистон жатта зулмидин омон топдилар. Чиғатой эли ҳар қайсилари ўз мақомлариға бордилар. Бароқхон йигирма икки йилдин бери Самарқанд ва Бухорода отасини тахти узра эсдин бегона эрди. Андин кейин мунда турулмади, Балхга бориб, Ҳиндувон қалъасиға, ҳало қалъаи Ҳиротда Ҳарак дерлар, анда бир шаҳр бино қилуб, анга пойтахт қилди. Амир Темур Шаҳрисабзга бориб, анда салтанатлик маснадида қарор олди. Ушул йил Бароқхон элдин солуқ олурмиз, деди. Соҳибқирон манъ қилдилар, бу йил барча эллар қашшоқдурлар, элни тархон қилурмиз, деди. Хон қабул қилмади. Ахир, Соҳибқирон ўз йилқиларидин қанчасини олуб, қанча олтун билан Хонимча молиға ҳисоб қилуб, элни солиғи учун отларга юклаб, хонга юбордилар, Элдин ҳеч нимарса олмадилар. Одамлар Амир бошидин қасамёд қилдилар. Аммо Бароқхон



синглисини асбоби олтун-кумушларини тануб-билуб, юбормай  
хазинага солдурди.

**БУ ДОСТОНДА НОСИР ХИСРАВНИ ЎҒЛИ МАНСУР ИСМЛИҚ  
ҚОШҒАР ИЧРА ПАЙҒАМБАРЛИҚ ДАЪВОСИНИ ҚИЛУБ,  
МИРЗО ЖАҲОНГИР ИБН АМИР ТЕМУР ОНИНГ БИРЛА  
ЖАНГ ҚИЛҒОНИНИ БАЁНИ**

Андог келтурубдурларким, Амир Соҳибқирон Мовароуннахрга  
валий бўлуб адолатини овозаси ҳар жонибга мунташир бўлуб,  
қофила, карвон, савдочилар кўнгиллари жамъ бўлуб, шаҳрдин  
шаҳр, кентдин кентга борур эрдилар. Қошгардин начанд савдо-  
гарлар келуб, Амирга хабар бердиларким, бизни юрт ичра бир  
киши чиқубдур, пайгамбарлиқ даъвосини қиладур, жуҳҳолдин  
баъзилар анга имон келтурубдур. Ул уч кун аввал ҳавода туруб,  
одамларни ўзиға даъват қилуб, яна гойиб бўлуб, андин кейин бир  
тоғ узра чиқуб туруб, элга кўрунди. Ҳар кишининг дилида нима  
ният бўлса, филҳол, анга маълум бўлуб айтур эрди. Ҳар киши они  
ўлдурмакга қасд қилса, ўзини урарди. Деюрларким, тарихнинг  
етти юз саксон бешида<sup>1</sup> Амир Темур Соҳибқирон Носир Хисравни  
барҳам беруб, анинг бир ўғли қочиб, Ҳиндистонга бориб, Кашмир  
браҳманларидин илму сеҳр ўқуб, андин Қошгар мамлакатларига  
келуб пайгамбарлиқ даъвосини қилуб, айтадурким, ман Махдий  
бўлурман, отим Муҳаммаддур, кунийятим ғобир имомидур, Амир  
Темур дажжолдур, деб. Баъзи уламолар анга Махдий пайгамбарлиқ  
даъвосини қилмагай, десалар, начанд жуҳудлар шаҳодат бергай,  
кўб жуҳудлар анинг ботил динига кирибдур, Қуръонни мансوخ  
қилибдур, кўб кишилар анга итоат қилибдурлар, деб Қошгардин  
Соҳибқиронга нома келди. Амир билдиким, албатта соҳирдур,  
хаёлида дедиким, агар борсам, муҳолифлар қўзғолур ва агар  
бормасам, ул жодугарнинг сеҳри қандай бўлур? Андешада ўйлаб,  
андин кейин йигирма минг кишини Мирзо Жаҳонгир тўрага рафиқ  
айлаб, кўб насиҳат қилуб, айди: Эй кўзим нури, ўз ишингга омил  
бўлуб, билуб иш қилгайсан. Андин Мирзо Жаҳонгир тўра  
Қошгарга яқин етгач, Мансурга хабар бердиларким Мирзо  
Жаҳонгир тўра келур, деб. Ул айди, ани жангдин манъ қилуб,  
даъват қилурман. Хонақосига таклиф қилуб, Мирзога киши  
юборди. Мирзо Жаҳонгир келгоч, кўнглида кечгон сирни борини  
сўзлаб берди. Анда Мирзо Жаҳонгир тўра ҳайрон бўлди, андог  
маърифат қила бердики, Мирзо Жаҳонгир йўлдошларини барчалари  
анга итоат қилсалар. Мирзо Жаҳонгир тўра манъ қилуб айди, эй  
Мансур, санинг мўъжизанг қайсидур? Мансур айди, манга гўр  
қилдургил, анда манинг мўъжизаларимни кўргил. Мирзо Жа-  
ҳонгир буюрди, гўр кавладилар. Анинг ичра тириклай кириб, кетти.  
Анинг устига олов ёқтилар, уч кундин кейин қабрининг уч еридин  
ғубор чиқуб, Машриқ тарафига борди. Яна қабрининг атрофидин  
ғуборлар Магриб сориға борди. Андин кейин гўр ёрилиб Мансур  
қабри узра чиқуб турди. Мирзо Жаҳонгир тўра буюрди, занжир била

<sup>1</sup> 1335 йил.

бойладилар, филҳол, занжир пора-пора бўлди, анга ким қилич солса, ўзиға тегди. Манга имон келтургил ва агар имон келтурмасанг аскарларинг бирла ўтга куйиб, адам, яъни йўқ бўлурсан, деди. Мирзо Жаҳонгир тўра ибн Амир Темур Соҳибқирон андин етти кун муҳлат талаб қилдилар. Анда Мирзо Жаҳонгирнинг рафиқлари айдилар, агар пайғамбар бўлмаса, мундог мўъжизани кўрсатурму? Қошғар аҳлидин аксар одамлар анга имон келтуруб, ул намозни эллик вақтға таъйин қилуб эрди, ҳар ким тарк қилса, ўлдурди, рўзани олти ой тутинглар, деди, муни буюрди. Тез-тез Мирзо Жаҳонгир тўраға киши юборур эрдиким, манга имон келтурсун деб. Анда Мирзо Жаҳонгир тўра ҳаргиз қабул қилмас эрди.

Алқисса, ишлари жангға оид бўлди. Тонгла иккала тарафдин аскарлар саф туздилар. Мансур айди, манга ғойибдин қўшунлар келур. Мирзо Жаҳонгир тўра сипоҳлариға буюрдиким, барчалари оқ кийум кийдилар, майдон ичра жаҳд бирлан, «олло» дерлар. Жарчи хабар бердиким, эй аҳли ислом, вақти жанг бўлубдур, деб. Анда Мансурни кўрдиларким, тева узра минган. Мирзо Жаҳонгир тўра анинг қошиға келуб, анинг қошида туғ кўтарган кишиға қилич солди. Ул киши туғини қўйуб, томуғ сариға йўл олди. Яна ўзгаси келуб тутти, ани ҳам адам диёриға беркитти. Яна бири келуб, туғни ушлади. Ани ҳам тиг бирла андоғ мушлади. Ул куни Мирзо Жаҳонгир тўра етмиш кишини томуғ казармасиға жўнатти. Лекин яна бир ушлаб, алам ер узра ҳаргиз йиқилмади. Ул куни Мирзо Жаҳонгир тўранинг етти жойиға жароҳат тегди. Мирзо Жаҳонгир тўранинг журъатиға Мансур ҳайрон бўлди. Иккала аскар жудо бўлди. Андин кейин Мансур сеҳриға муқаййид бўлуб, қанча ўт ва ўланг ва арфа ва бугдой ва эмак ва пахмо қувлотларни қўй этиға қўшуб, они қайнатиб, кўб таъомларни қўшуб, нома бирла Мирзо Жаҳонгир тўранинг қошиға юборди. Номада айтубдурки, эй Амир Темур ўғли, биз каримлардин бўлурмиз, агарчанди, сиз бизларни ўлдурмоқға келсангиз ҳам, бизлар сизларни меҳмон, ҳурмат қилуб, зиёфат лозимотларини қилурмиз. Сизлар, албатта рад қилмағайсиз, анда Мирзо Жаҳонгир хоҳладиким, олмайин қайтарса, анда йўлдошлари айдилар бизларни отимизни сипоҳ, дерлар, қайтариб юбормасмиз, деб барчалари тақсим қилуб едилар. Арфа бирла ўтларни отлариға бердилар. Уч таъомни тановул қилгонларға ногоҳ қичитма пайдо бўлуб, қўтур бўлдилар. Аъзоларини қашигон еридин қон жорий бўлар эрди, яна ем еган отларни тезагидин сўнтак каби чибинлар пайдо бўлуб, кимарсани чоқса, ўрнидин, филҳол, қон жорий бўлар эрди. Отлар ҳам аргамчиларини узуб, тоқатсиз бўла бердилар, ҳарчанд қилуб, туролмадилар, тобора зиёда бўлди. Лоилож, ярим кечада туруб, йўл юрмоқға юзландилар. Соати юруб эрдилар, муқобилларидин олов ҳозир бўлди, барчалари кўркуб, юрмадилар. Мирзо Жаҳонгир тўра ёлғиз ўзи бораверди. Ўт ҳам Мирзоға қаршу келуб, ғойиб бўлди. Мирзо Жаҳонгир тўра ҳайрон бўлуб орқасиға қайтуб эрди, иккинчи яна олов кўрунди. Яна Мирзо ўт олдиға борди, яна ўт ғойиб бўлди, учинчи бўлгандин кейин Мирзо ҳамроҳлари бирла ўтни олдиға бордилар, ўт йўқ бўлуб, бир қаландар ҳозир бўлди. Мирзо они бирла мулоқот бўлуб

бир-бирини сирри аҳволларини сўрашдилар. Мирзо аввалдин охиргача воқеани бир-бир баён қилди. Қаландар айди, мани Мавлоно Саъдиддин дерлар, Қошғар элидинман, Соҳиб ҳидоятни шогирдлари бўлурман. Мансур манга даъват қилди, ман инкор қилдим. Кейин мани ўлдурмоқга қасд қилди, қочиб бул ерға келиб эрдим, ҳазрат Хизр алайҳис салом келиб айдилар, сабр қилгил, Чигатой элидин келиб санга мадад етқузурлар, бориб ул ҳаромзодани ботил ишларини барҳам ургул. Ман айдим, улар келгунча, манга анинг сеҳридин зарар етмасун, кейин ул зоти боборакат манга исми Аъзамни ўргатдилар. Бир кишидин бошқага айтмагил дедилар. Қачон ўқусам етмиш минг фаришта ҳозир бўлурлар. Ушул кўрунуб ғойиб бўлгон ўт анвори малоикдурлар. Мирзо Жаҳонгир айди, эй тақсир афандим, энди нима қилурмиз? Мавлоно Саъдиддин айдилар, қайтинглар, ман сизларни орқаларингиздин борурман. Мирзо Жаҳонгир айди, аскаримиз бетобдурлар. Мавлоно буюрдиларким, бу ерда бир қудуқ бор, шунинг сувидин ичинглар. Филҳол, ичтилар, соғайдилар.

Алқисса, Мирзо Жаҳонгир Мавлоно Саъдиддин афандим сўзлари бирла Мансур жангига юз қўйиб боравердилар. Хабар Мансурга Чигатой аскари қайтиб келурлар деб эшитуб, ҳайрон бўлди. Алқисса, икки тарафдин аскарлар келиб, бир-бирига муқобил бўлдилар. Мансур ўзи майдон ичра кириб, баҳодур талаб қилди. Шер Баҳром анинг бирлан бориб ҳарба қилди. Шер Баҳром мажруҳ бўлди. Ким бориб ул нобакорга ҳарба қилди, филҳол, ҳалок бўлди. Анда Мансури лаъин қичқириб айдиким, эй одамлар, манинг мўъжизамни кўрурсиз, нечук имон келтурмассиз? Шул вақтда бир тарафдин чанг-ғубор пайдо бўлди, кўрсалар Мавлоно Саъдиддин келубдурлар. Мирзо Жаҳонгир тўра бориб ул кишини мулозиматида бўлдилар. Мавлоно афандим маркабдин тушмасдин уруш йўлини туттилар. Мансур хоҳласа, аларга ўқ отса, қўлидин ёсини олиб ерға ташладилар. Анинг қавмлари буларни устига тўкила берди. Мирзо Жаҳонгир, филҳол, от узра минуб Мансур шумни ўртага олиб бойладилар, етти мартабагача қилди, пора-нора бўлаверди. Бу ишға барчалари ҳайрат бармоқин тишлаб, ҳеч илож тополмас эрдилар, ноғоҳ юзида бурқаъи бирла бир кимарса келди, от ва аслаҳоси қора турур. Мирзо Жаҳонгир хоҳласаким, ани қилич бирла уруб, ҳалокатга еткурса. Ул кимарса айди, мани ўлдурмагил, санга яхшилиқ қилурман, яна заифадурман. Мирзо билдиким, қиз турур ва оти Қойлиқдур. Мансур шумни қизи эрди. Мирзо Жаҳонгирни кўруб, ошиқ бўлуб, муҳаббат майидин ичиб, маст эрди. Айди, мани отамни бойласанг, албатта бошини қилидин бир тола олиб боғланглар. Сўнгра Мирзо Мансурни бойлаб асир қилиб, аскарига шикаст бердилар. Андоғ қирғин бўлдиким, ғавғо ошуб, қизил денгиз тошуб, ул шумлар жони қочиб, томуғ казармасига бориб қамолур эрди. Қолгонлари қоча бошладилар. Андин кейин ул бадбахт Мансурни тоғ узра олиб чиқиб, пастга ташладилар, ўлмади. Ҳарчанд қилдилар ул нобакор шумни ҳалокатга еткура олмадилар. Охир, Мавлоно Саъдиддин айдилар, мунинг қатлиға сабабни яна қиздин сўранглар. Мирзо Жаҳонгир

қиздин мунинг сирини сўраб эрди, қиз айди: шартим бор. Эй Мирзо афандим тўрам, мани хотунлиқға қабул қилсанг айтурман. Мирзо қизни олмоқға аҳд қилди. Андин кейин Қойлиқ айди, кўк туслиқ бокира қизни ҳайзининг қонидин қилич дамиға суркаб, анга солғил, андин кейин ўлур, тадбири шулдур. Илло, мунинг суҳриға иложи йўқ, ҳарчанд кўк туслик қизни ахтариб тополмадилар. Сўнгра мулоҳаза қилсалар Қойлиқни рангги кўк турур. Филҳол, анинг ҳайзидин қиличға суркаб, Мансур қув, фалокатни увъи ҳалокатиға еткурдилар. Ўшул вақт ул шум мани қотилим олти ойдин зиёда умр кўрмас, деб эрди. Мансур барча қавмлари била томуғ шаҳристониға боргандин кейин Мирзо Жаҳонгир аҳдига етиб, ул қизни никоҳиға олди. Бир кеча хилват қилуб, гул гунчасини узуб эрди, анинг оғзида сассиғи бор эрди, анга тоқат қилолмай, эртасиға они мадхуш қилиб, сандуқ ичра солуб, денгизға ташлаб юборди. Қазора бир хилват била анинг қорнида ўгул пайдо бўлгон эрди. Ул сандуқ дарёдин қалмоқлар қўлиға келиб тушти. Ул қиздин шаҳзадо султон Муҳаммад тўра туғулди. Аммо қалмоқлар они Қўбкинбек атадилар. Иншоолоҳи таоло, анинг хуружи ҳам ушбу китоб ичра сўзланур. Андин кейин, Мирзо Жаҳонгир тўра Мавлоно Саъдиддинни олиб Бухоро сариға келдилар. Мавлоно Саъдиддин Нақшбанд пиримға мурид бўлуб, хизматларида бўлдилар. Мирзо Жаҳонгир отаси олдиға Самарқандға келди. Амир Темур нури айнларини саломатлигин кўруб, кўб хурсанд бўлди.

**БУ ДОСТОНДА МИРЗО ЖАҲОНГИР ТўРА ИБН АМИР  
ТЕМУР БАЛХ ЮРТИҒА БОРИБ, БАРОҚҲОН НОМЕҲРИБОН  
ТОҒАСИНИ ҚўЛИДА ШАҲОДАТ ТОПГАНИ. АМИР ТЕМУР  
СОҲИБҚИРОН БОРИБ, БАРОҚҲОННИ ўЛДУРУБ, АНДИН  
КЕЙИН ҲИНДИСТОННИ МУСАҲХАРА ҚИЛҒОНИНИ БАЕНИ**

Алқисса, ўшул йилларда Самарқанд ичра хўжа Абдуллани қизи илми нужумға кўб маҳорат пайдо қилиб, ҳар кишини кўнглидаги сиррини айтур эрди. Мирзо Жаҳонгир тўра била Мирзо Умар тўра иккала оға-ини ўшул раммола қизни қошиға бордилар. Аммо ул қиз гўзалликда анинг назيري йўқ эрди, оти Сокина бону, кўзлари жоду, кирпичлари ҳунрез, қошлари қилич каби тез, юзи мисли қуёш, лаблари ақиқға ўхшаш ва тишлари дурға ўхшаш эрди. Қошлари ҳилол, бўйлари ниҳол, кўзлари чўлфондек эрди. Анда қиз олдиға парда ташлаб икковларини чақиртуруб айди, муддаола-рингизни кўнгилға олиб тулинг деб. Андин кейин қиз қуръа солиб, айдики, иккалангиз кўнглингиз ичра муддао бир нимарсаға бўлубдур. Ул нимарса икковларингга баробар ҳосил бўлмагай. Булар айди, бизға маълум қилғил? Қиз филҳол икковинг мани талаб қилуб келибсиз, деб пардани ўртадин кўтариб эрди, иккаласи анинг кўруб, хаёл қилса, парвонадек они сирожни ҳусниға урса. Мирзо Жаҳонгир айди, ман олурман. Мирзо Умар айди, ман олурман. Икковлари низода эрдилар, қиз мирзо Умарни ихтиёр қилди. Мирзо Жаҳонгир Мирзо Умарни аъзосини ярадор қилиб

қизни олиб қочиб қўшиниға келди. Мирзо Умар келиб воқеани Амир Соҳибқиронға арз қилди. Мирзо Жаҳонгир тўрани чақириб, Амир итоб қилди. Мирзо Жаҳонгир айди, қиз мани хоҳлабдур. Мирзо Умар айди, мани хоҳлабдур. Андин кейин Сокина бонуни чақирдилар. Қиз келиб Мирзо Умарни ихтиёр қилди. Андин кейин Соҳибқирон Сокина бонуни никоҳ қилиб Мирзо Умарга ақд айладилар. Ул қизни Мирзо Умар тўра ғунчаларини очиб, қизил баргларини сочиб эрди. Муни кўруб Мирзо Жаҳонгир тўра инисини ўлдурмоқға қасд қилди. Сокина бону бу ёмон ҳаракатдин хабар топиб, Мирзо Умар тўраға айди, эй тўрам, афандим, бу кеча мани ёнимдин йироғ ётгил, тонгла келиб мани бошим узра бир хат бўлғай, они очиб ўкугил, деб Мирзо Умар тўрани ўзга ерга юборди. Ул кеча Мирзо Жаҳонгир тўра келиб инисини ахтариб тополмай. Сокина бону бечорани шаҳид қилиб чиқиб кетти. Эртаси Мирзо Умар тўра келиб кўрсалар хотини шаҳид бўлубдур, боши узра хат бордур, олиб кўруб мулоҳаза қилса, мани қотилим санинг оганг бўлди, дебдур. Хатни Амир Соҳибқиронға олиб келди. Андин кейин Соҳибқирон Мирзо Жаҳонгир тўрани ушлаб, неча дарра уруб, зиндонға буюрди. Филҳол Мирзо Жаҳонгир тўрани хотуни бу сўзни англаб, ўзини чўри суратида қилиб бориб, Мирзони зиндондин чиқориб, ҳарамға олиб келди. Мирзо Жаҳонгир тўра хотуни бирла видоълашиб, ярим кеча палла Балх сариға қочиб, Бароқхон қошиға кетти. Тонгласи Соҳибқирон эшитиб, гафурмади, лекин ўглини борганиға магмум бўлуб, Бароқхонни меҳрини йўқлигини қайғуда эрди. Аммо Мирзо Жаҳонгир тўра Балхға яқин етгач, Бароқхон хабар топиб, жиянини олдиға кўрунушға неча беклар била чиқти. Қўб риоятлар қилуб, шаҳр ичра олиб кирди. Ўшал вақт хўжам Баҳовуддин муридларидин Хўжа Порсо хўжа Абу Насрни оталари Балхда эрдилар. Ул киши Нақшбандий силсиласиға балх элини даъват қилиб, сулук тебратур эрдилар. Мирзо Жаҳонгир тўра бориб, ул кишини хизматида бўлди.

Алқисса, неча кун ўтгандин кейин Бароқхон бенихоят аскар ва қўшун йигиб, Ғазвин шаҳри узра Султон Маъсудға ёв қилиб юборди. Султон Маъсуд беклари ва сипоҳлари барчасини аскар бориб ўлдуруб, Ғазвинни қўб хароб қилдилар. Аммо Султон Маъсудни бир қизи бор эрди, қўб туйғун, соҳиб фитрат эрди, гўзалликда юзи қуёшдек, баданлари кумушдек эрди. қўзлари чўлфондек, лаблари хандондек, тишлари дурдек, ўзи бир ҳурдек қиз эрди. Неча чўриларни ўзига ҳамроҳ қилиб, кажаваларға тушуб, теваларға юклатуб, хўжа Муҳаммад Порсо ҳовлиларига «доруломон», деб келиб тушти. Ўшал вақтда худой аззужални арслон йигитларни хўжани ва ҳоқони расул алайҳис саломни куёвлари тўрт ёр нозанинни бирлари Асадулло ғолиб Али ибн Абу Толиб каримуллоҳ важиҳа афандимиз ҳазратларининг қабри муборакларига яқин бир беша тўқай бор эрди, андин бир йўлбарс чиқуб келиб ҳазрат Али ризо оллоҳийнанинг қабри шарифларини зиёрат қилиб, ҳеч нимарсаға зарар қилмап, яна тўқай ичра кириб кетар эрди. Агар бир кимарса ул йўлбарсға дахл қилса, Балх шаҳриға офати пайдо бўлар эрди. Бу воқеани қиз эшитиб эрди. Аммо Бароқхон

англаб қизга киши юборди, мани ақдимни қилсун, деб. Яна Мирзо Жаҳонгир киши юборди. Маҳмуда мани қабул қилсун, тоғам Ғазвинни хароб қилиб, балки гумон ғолиб, Балхғача хароб қилғай, анга бормасун, манга келсун, деб эрди. Маҳмуда жавобиға айди, икковлари манга талаб бўлса, Али ал-Муртозони мутаҳарраларини зиёрат қилғувчи арслон бор эмиш, кўб-кўб мунаққаш эмиш, ким они тутуб олса, териси мани маҳрим бўлсун, шул ишни ухдасидин чиққон кишини қабул қилурман, деб.

Хўжа Муҳаммад Порсо бирла маслаҳат қилиб, ул қиз ушбу ғазални номаға ёзиб юборди.

Назм:

*Отим Маҳмуда бинги шоҳ Масъуд,  
Бобом оти яна Султон Маҳмуд.  
Ота-боболарим ислом шоҳи.  
Бошида афсарий заррин кулоҳи.  
Мани бул ерға келтирди худойим,  
Сабо очган эмас банди қабоим.  
Сочимни шона айлар бўлса ҳар кас,  
Сочим савдосидин юзимни кўрмас.  
Эрон тутган эмас зулфим асосин,  
Кўзимға ман чекуб сурма ҳаёсин.  
Хино исмат ила гулранг иликим,  
Бу ишларға ёзиб таҳрир килким.  
Бил охир рўзгор сифла берур,  
Бул ерларда қилуб шарманда музтар.  
Сочим бўлди ўзимни бўйнима банд,  
Манга зиндон эрур бу шаҳр ила канд.  
Истаб келиб бу ерға индим,  
Эгам тангри таолоға сиғиндим.  
Турубман хўжани манзилларида,  
Кўнгиллар ғам йироғидин дарида.  
Манга талаб эса қилсун сўзумни,  
Кимарса анга топшурсам ўзумни.*

Андин кейин Хўжа Муҳаммад Порсо Бароқхон олдиға номани келтурдилар. Мирзо Жаҳонгир хон била шарбат ичиб ўлтуруб эрди, хўжа боргач, шаробларини беркиттилар. Хўжа Порсо хонға воқеани баён қилдилар. Хон эшитиб ўн минг кишини ўзига ҳамроҳ қилуб, барчаси туфангчи эрди, бориб йўлбарсга муқобил бўлуб кўрсаларким, кўб нақши нигор ила мунаққаш, бу сифатда арслонни киши кўргон эмас. Бирдан они милтиқға туттилар. Арслон қочиб тўқай ичра кирди. Тўқайға еткунича йўлбарсни ўн ериға ўқ тегди. Милтиқларни шавқуни Балхни барчасиға эшитилди. Арслон тўқай ичра кириб, ғойиб бўлди. Хон арслонни мажруҳ қилуб, ололмай ўрдасиға қайтти. Мирзо Жаҳонгир муни эшитиб, аслаҳа-ёроғларни тоқинуб, тўқайға қараб бораверди. Қўшун бирла бориб, қониға зомин бўлмайин деб, ёлғуз ўзи бориб,

тўқай ичра кирди. Арслонни кўрдиким, ёнида яшил туслиқ нуроний бир киши йўлбарсни манглайин силаб турурлар. Айдилар, эй йигит, умрингни зоеъ қилмагил, ҳар ким муни ҳалокатга еткурса, фалокатга дучор бўлур. Эй ўгул, бу мақом улугларни мақомидур, беодоблик қилдинг, ўзингга ҳозир бўл. Мирзо Жаҳонгир тўра, бу сўздин кўнглига қўрқув тушуб, қайтти.

Ровий айтурким, Бароқхон била Мирзо Жаҳонгир тўра иккови беодоблиқидин икки ойға етмайин ҳалок бўлдилар. Мирзо Жаҳонгир тўра айди, ул зоти шарифни салобатидин сиз ким деб отларини сўролмадим.

Алқисса, Маҳмуда айдиким, хон бирла Мирзо икковлари мани назримдин устунлар, қайси бирини ёқтурсам, они куёвлиқини хоҳлаюрман. Андин кейин, Бароқхон била Мирзо Жаҳонгир ўзлариға ва отлариға зеб бериб, қизни олдидин ўттилар. Қиз Мирзони кўрдиким, гўзаллиқда юзи раънодек, бўйлари сарв ё санубардек, они қад қоматини кўруб, устидин гуллар соча бошлади. Бароқхон муни кўруб, кўнглиға кина олди. Ушул куни кечқурун хон неча кишини мукамал ва мусаллих қилиб бир ерға беркитиб кейин меҳмонхонаға зеб ва зийнат бериб, таъому шароблар тайёр қилуб, Мирзо Жаҳонгирни талаб қилиб, таъомларни еб ўлтурган ҳолда, они баҳор умриға хазон самумин еткуруб, барча мулозимлари келиб, Мирзоға қилич сола бошладилар. Мирзо Жаҳонгир тўра нечасини ўлдуруб ва нечасини яралиқ қилиб, охирида Мирзони бир қўли узулуб, қонға бўёлуб, аъзоси чўзулуб, оёқ узра йиқилуб қолди. Мирзо айди, эй золим тоға, мани бул кун ўлдуруб, тонгла отамға нима жавоб дерсан? Андин кейин Бароқхон ханжар била жиёнини ул бевафо тоғаси калласиға уруб, танасидин ажратиб шаҳид қилди. Ул кеча Балх ичра қўб шўришлар пайдо бўлди. Эртасиға Хўжа Порсо эшитиб келдилар. Бароқхон Мирзо Жаҳонгир тўрани бошини лаган ичра солуб, ҳақорат қилиб ўлтурубдур. Хўжа Порсо айдилар, бу кун сан муни бошини ҳақорат қилурсан, сани бошингни ҳам ўзгалар ҳақорат қилур. Хўжа Порсонинг сўзиға Бароқхонни аччиғи келди; аммо ҳеч нима деёлмади. Хўжа Порсо туруб уйиға кетгандин кейин Бароқхонни ҳузуридагилар айди, нечук Хўжа Порсонни қатлға буюрмадинг? Бароқхон айди, Хўжани боши узра аждаҳо кўрдум, сўзлай десам дамиға тортгудек.

Андин кейин Хўжа Порсо афандим Балх одамлариға ҳар кишида ақл бўлса, ўзини чет-ёқаға олсун деб Бухороға келдилар. Бароқхон Мирзо Жаҳонгир тўрани бошини кўргон остиға ташлади. Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Бароқхон хизматида бир ҳинду бор эрди, Бароқхонға муқарраб эрди, қанча харж керак бўлса топуб берур эрди. Аксар вақт Бароқхонни ўрдасида юрур эрди, Мирзо Жаҳонгирни ҳаётлигида қўб яхши кўрар эрди. Мирзо Жаҳонгирни ўлигини ёшуруб уйиға олиб кетти. Хон эшитиб ҳиндуни талаб қилди. Бароқхон айди, ман ўлукни куйдурурман, нечук олиб кеттинг? Ҳинду айди, ман анга раҳм қилдим, гўрға кўмғайман. Хонни дўсти учун ҳеч нима демади. Соатидин кейин амр қилди, бор, ўлукни келтур, деб. Аммо ҳиндуни тўрт ўғли бор

эрди. Бирини ўлдуруб, калласини олиб, жасадини қон ичра солиб, ул ҳинду бечора «путтур мари яват чиливув» деб, йиғлай-йиғлай келтуруб хонға берди. Лекин ҳиндуларни расмида олгон нимарсани келтуруб бермоғи номус эрди, анинг учун Мирзони ўлиқини беркитиб, ўғлини келтурди. Хон буюрдиким, куйдуриглар. Куйгандин кейин хонға маълум қилдилар, Мирзо эмас, ҳиндуни ўғли деб. Яна хон ҳиндуни талаб қилиб, нечук мундай қилдинг деб ғазаб қилди. Яна ҳинду хўб, Мирзони ўлуқини келтурай деб уйиға келиб, лоилож, яна бир ўғлини сўйуб, калласини уйға қўйуб, «путтур мари яват чиливув» деб йиғлаб, танасини хонға олиб бориб берди, айди: Мана Жаҳонгирни ўлуқи. Они ҳам куйдурдилар. Кейин билдиларким, ўзини ўғлидур, Мирзо эмас. Яна хон сиёсат бирла хитоб қилди, аччиғ, ғазаб била Мирзони ўлиқини келтур, кабоб қилай, бўлмаса санга қаттиғ азоб берурман, деди. Яна ҳинду бечора уйиға келуб, илож тополмай, яна бир ўғлини бошини қирқиб, чуқурға солиб беркитиб, танасини қоф ичра тиқиб, орқасиға кўтариб олиб йиғлай-йиғлай «путтур мари яват чиливув» деб яна Бароқхонни қошиға келтурди. Ани ҳам куйдурдилар, яна хабар топдилар, Мирзо Жаҳонгир тўрани жасади бу эмас. Ҳинду бечорани ура-ура келтур, деб юбордилар. Ҳинду анда ҳайрон ва саросима бўлуб, тўртунчи ўғлини сўйуб, ҳасрат ўтиға куйуб, танасини қофға солиб, орқасиға қўйуб, калласини бир ерға ташлаб қайғу била кўзини ёшлаб, ул ҳинду бечора бир ёгда Жаҳонгир тўрани муҳаббати, яна бир тарафда фарзандларини аламидин йиғлаб «путтур мари яват чиливув»ни айта-айта хонға ўғлини жасадини Жаҳонгир тўрани тани деб элтуб берди.

Алқисса, ўшул кун ичра тўрт ўғлини бир-бир ўлдуруб, элтуб берди. Барчаси куйуб, адам чўлистониға кетти. Яна Бароқхон билиб, аччиғи келиб, ғазаб била ваҳшат қилиб эрди, муҳлат сўради. Эртаға келтуруб берайин деб, ўшул кеча Мирзо Жаҳонгир тўрани ўлуқини шаҳрдин ташқари олиб чиқиб, бир ерға дафн айладиким, киши ахтариб тополмас. Келиб бир мусулмон дўстиға айди, мани Бароқхон ўлдурса фалон мавзеъдаги ерға кўмгил, мусулмон бўлдим, деб васият қилди. Эртасиға хонни олдиға борди. Хон ҳиндудин Жаҳонгирни жасадини сўради. Ҳинду айтмади, ҳарчанд ахтариб тополмадилар. Андин кейин ҳиндуга бениҳоят кўб азоблар қилдилар, охири қийнай-қийнай азоб ила ул ҳинду бечора ўлди. Дўсти васиятиға амал қилиб, намоз ўқуб, ўлиқини элтиб таъйин қилгон ериға дафн айлади.

Алқисса, хўжа Порсо Бухороға келиб, андин кейин Соҳибқирон қошлариға бориб, нури айнларини шаҳид ўлгонини бир-бир баён қилди. Бу сўзни эшитиб, Амирни тоб-тоқатлари қолмади. Бу кунни эртаға қўймай, аскар йиғдуруб, анда ҳисобу сони йўқ аскарлар гуж-гуж, тўп-тўп бўлуб, ўзбакдин, тожикдин, қозоқдин, қирғиздин, ҳар элатдин олиб, қизил байроқ, яшил байроқ, оқ байроқларни кўтариб Балхға равона бўлдилар. Бир неча кун йўл юруб, Бароқхонни шаҳриға бориб, бирдан Бароқхон ўрдасиға бориб қўйдилар. Неча одамларни адам диёриға юбориб, Бароқхонни ҳалок қилиб, тахтдин тобутға олдилар. Балх вилоятларини фатх



айлаб, андин кейин Хиндустон мамлакатларига юзландилар. Эрон, Ироқистон ва Хиндустонларга овози гулгула тушти. Ўзбекистондин Амир Темур деган соҳибқиронлиқ даъво айлаб, хуруж қилибдурмиш деб, улар ҳам асқар йиғмоқга машғул бўлдилар. Амир Соҳибқирон сипоҳлари бир неча манзил, марохил тай қилиб, чўл кезиб, кўл кезиб бир баланд тоғ узра тушти. Бир неча қоровулларни тоғ устига чиқордилар, қайтиб тушиб алар Амирга арз қилдилар. Айдилар, эй тақсир афандим, бу тоғни орқасида бир гор кўрдук, анда тўрт мўлтони соҳир ўлтурур, мундин бошқа йўл йўқтур, агар мун олдиндин ўтса гордин ели чиқуб, барчани ҳалок қилур, ҳеч кимда ҳад йўқким, бошқа йўл топиб ўтса. Анда бир неча кун чодир байроқларни тиктилар. Сўзга етук умаро, вузароларни жамъ қилиб, маслаҳат қилдилар. Андин кейин қирқ чоғлиқ машхур, баҳодурлар ва паҳлавонлар ўшал горни олдиға бордилар. Ногоҳ ул гордин иссиғ шамол чиқиб, бу йигитларни ҳалок қилди. Ул баҳодурлардин бири юз машаққат била омон қолиб Амир Соҳибқиронға, арз қилди. Андин кейин ҳукамолар айди, ул аждарҳони нафасидур дедилар. Амир Соҳибқиронға бу сўз маъқул бўлди. Андин кейин ҳукомолар илми ҳикмат била бир неча баҳодур диловарларға сут егизиб, ўшал горға юборавердилар. Кейнидин асқар била Амир Соҳибқирон ҳам йўл олдилар. Аҳли ҳикматлар бир неча ёрғоқ саночларда сут бирла шароб олиб бордилар. Буларни кўруб мўлтонилар сеҳрга муқаййид бўлдилар. Ҳамма исми Лъзамни ўқуб боравердилар. Булар борган замон ул мўлтониларни туттилар, горни огъизга яқин чуқур ковлаб, сутни тўктилар. Андин кейин бирлари чуқур қилиб, заҳарни тўктилар. Ўшул замон гордин гавриллаб шавкун солиб ит сувратлик, арслон сувратлик аждаҳолар сутни кўруб чиқиб ичиб, қайтаруб яна заҳардин ичиб, масти лоаъқл бўлуб йиқилдилар. Андин кейин бир аждарҳо чиқдиким, бўйи чинордек, йўғонлиғи минордек, икки кўзи машғалдек ёниб, ранги қора, нафасини заҳри оламни хароб қилур. Филҳол, сутни ичиб, қайтариб қусти. Андин кейин келиб, заҳарни ичиб масти лоаъқл бўлди. Анинг бўйни узра бир илонни кўрдилар, бениҳоят чиройлик, боши қизил, қуйруги яшилга ўхшаш, орқа била қорни оқ, ул барча аждарҳо ва илонларни султони эрди. Филҳол, Амир Соҳибқиронға келиб салом берди. Андин кейин айди, эй Амир Темур Соҳибқирон афандим, ман илонларни подшоҳи бўлурман, Сулаймон пайғамбар алайҳис саломни замонларидин бери бул гор ичра макон қилиб эрдим. Ҳазрат Сулаймон пайғамбар алайҳис салом манга айтиб эрдиларки, Муҳаммад пайғамбари охир замон умматларидин. анинг авлодидин қизи Сайидадин туғулгон бир соҳибқирон бу ерга келур, бул горда қанча олтун бор, сизнинг насибангиздур олинг, деди. Андин кейин ул илон айди. Ман ҳам Муҳаммад алайҳис салом умматларидин бўлгаймен, деб Қалимаи тоййибани айтиб, имон келтурди. Андин кейин ул илон барча аждаҳоларни бошлаб тоғ узра чиқуб кетти. Андин кейин Амир Соҳиброн гор ичра кириб кўрдиларким, етти хум тўла олтун турур, барчасини тошқарига олиб чиқиб тақсим қилдилар. Кўрсалар, барча тил-лосиға Жамшидни сиккаси урулгон. Андин кейин асқарлар шавқ-завқ

билан тоғдин ўтуб, неча муддатда Жалолий чўлига келиб чодирларни тикиб қарор олдилар. Аммо Жалолий отонғони шул эрдиким, Султон Жалолиддин Хоразмнинг хони, Чингизхоннинг набираси кўшун йигиб келиб, Хиндустон халқи била жанг қилиб қайтиб эрди. Андин кейин бу мавзеъга Жалоли от қолғон эрди. Анда Амир Соҳибқирон юборган қоровуллари келиб Амирга арз қилиб айдилар, эй Амир Соҳибқирон афандим, хинду аскарлари човурткадин зиёда, юз минг лакга яқин келур. Хиндуларни шоҳи Маллухон бизларга қаршу чиқиб; фалон мавзеъга тушти, яна Қунакдахат паҳлавон ҳам тўқуз минг баҳодур ва диловарлар била хинду аскарларига келуб қўшулди. Муни эшитиб, дарҳол Амир Соҳибқирон сипоҳларни буюрди. Сипоҳлар бориб хиндуларга муқобил бўлдилар. Ул кун кеч бўлуб, тонг отқунча баҳодур ва паҳлавонлар жангни маслаҳатини қилдилар. Амир Соҳибқирон ул кечани тиловати Қуръон била ўтқузди. Субҳ бўлгоч сўфилар азон айтиб, мусулмонлар намоз ўқудилар. Ногоҳ офтоб чиқғондин Амир Соҳибқирон жарчиға буюрди. Амир Соҳибқирон, жангга табал, барабан қоқсунлар дедилар.

Алқисса, кофирлардин ҳам нақора, карнай овози келди, соатидин кейин Қунакдахат деган паҳлавон уч филни бир-бирига қўшуб боғлаб, устига темурдин хужра қилиб, ул хужра ичра ул кофири бадбахт мусулмонлар тарафга қараб келаверди. Аскарларга яқин келиб турк тилида айди, бу филни кўрдингизлар, эй турк аскарлари, бул ерға бошларингизни ўлумга бергали келдингизларму, сизларни бу жойларга ким бошлаб олиб келди, йўлдин адашиб келдингларму, эй бечоралар, ҳали ҳам эсларингиз борида этакларингизни ёпуб, уйлариингни топуб, жойларингизга қайтинглар, бехуда шарманда бўлманглар. уёлиб қолурсизлар, мани паҳлавон Қунакдахат дерлар, ҳар ким манга муқобил бўлса, рахтини елга берурман, бекларингизни тахти-бахтини барбод урурман, бу филни кўрдингизму, беш юз ёшга киргандур, унча-мунча шахру кендларингни бурундоғи чўқмори била уруб хароб қилгай. Қўзимизга ожиз ва ночиз бўлуб, заиф кўрунурсиз, холо, Маллухон подшоҳимиз айди. Амир Соҳибқирон, меҳмонларга айғил, урушга майллари бўлса, маслаҳат қилсунлар, бўлмаса, байъат қилуб, шахримизга кириб, тамошо қилиб, инъом ва сийлов олиб, биздин рухсат сўраб, вилоятларига қайтсунлар. Бўлмаса, бошлари узра гавғони ортгурлар, ўзлари билгай, деб қўб муболага била сиёсат қилди. Андин кейин ислом аскарларидин Саидбек баҳодур анинг сўзиға қаҳрланиб, аччиғи зиёда булуб, ғайратидин дарҳол туруб, Амирдин фотиҳа олиб, бирдан хайқируб, шавқун солиб майдонга кирди. Ўшул замон Қунакдахат бир ўқ била Саидбек баҳодурни шахид қилди, муни кўруб отаси амир Боязид ёқосини йиртиб, икки юз баҳодурни олиб, наъра тортиб, анча муқобил бўлдилар. Қунакдахат кофир бир дамда барча баҳодурларни ҳалок қилди. Барчалари шахид бўлуб, руҳ тўтилари жасад шахристонидин учмоғ шакарис-тониға тайрон қилдилар. Андин кейин Амир Қора баҳодур юз диловар била анга бирдан ҳамла қилдилар. Ул бадбахт кофир

буларни ҳам шаҳодат даражасига еткурди. Уч кунгача мусулмонлардин келуб, ўлмакдин ўзга чора топмадилар. Тўртинчи Кунни Амир Соҳибқирон ғайрат ва ҳиммати жўшга келиб, муборак туғ ва байроқларини кўтариб, тўрт юз ғайрати ва ҳиммати баланд беклар била тўрт минг сипоҳи шижоатлиқ баҳодур ва паҳлавонларни олиб, аскарни куффорга қараб юриш қилдилар. Баҳодурлар Амир Темур Соҳибқирондин фотиҳа олиб боравердилар. Кунакдаҳат кофир мунни кўруб, аччиғланиб туруб эрди, Шоҳруҳ тўра бошлиғ аскарлар бирдан от қўйдилар. Бул тарафдин ҳинду кофирлар жангга ўзини урди. Оламга тарақа-турук, аслаҳа-ёроғларни овози тўлди. Бул тарафдин турк, ўзбаклар, ул тарафдин ҳинду бадраклар ул қорасаклар бирла андоғ уруш қилдиларким, иккала тарафда ўлуклар ханнот кофидек тўб-тўб бўлуб қолаверди. Қазо дўкончилари бу юкларни адам аробасига солаверди. Тана фолизидин калла ҳандалаги узулуб, жасад фалаги чўзулуб қиру сойда ётаверди. Қонлар жилга-жилга бўлуб оқаверди. Ул кунда барчаларини ақли шошиб, қирғинлари ҳаддин ошиб, қизил денгиз тошиб, ҳинду бадбахтларни боши қора тарбуздек юмалануб, жасадлари даванг қабақдек ёрилиб, қўл-оёғлари тарракдек тириллаб, бодрингдек дириллаб, аъзолари узв бўлуб, бўлак-бўлак жузв бўлуб, ҳар ерда ўйнаб ётур эрди. Бу урушларга фалак ҳайратда бўлуб, офтоб беркинди. Малаклар таажжуб бармоқини тишлар эрди. Оламини зулумот бости. Амир Темур Соҳибқирон саросима бўлуб туруб эрдилар, денгиз жонибидин чанг чиқиб, чанг ичидин қора кийумлик, қора отга миниб, бир йигит қўлида исфахоний қилич, бирдан келиб, «оллоҳу акбар» деб, Кунакдаҳат кофирни бошига андоғ урдуким, анинг овозидин олам ларзага тўлди. Ул кофирни жони томуғни темир ҳужрасига бориб қамалди. Мунни кўруб мўғ ила ҳиндулар қоча бошлади. Мусулмон ўзбаклар аларни қонини соча бошлади. Аҳли ислом андоғ зафар топтиким, ўз тус-тусидин отмоқ, чопмоқ, санчмоқ, қувламоқ, суқмоқ, йиқмоқ, найзаламоқ, қиличламоқ, шоқирлатиб, тоқирлатиб урур эрдилар. Ҳинду бадбахтлар бошига андоғ қирғин туштиким, ҳировул, қул, жаронгор, баронгор, чиндовил бир-бирига аралашиб, сафлари бузулуб, танлари чўзулуб, отлари қоқилуб, ўзлари йиқилуб, кўзлари сузилуб, жонлари узилуб, тилларин чайнаб, отлари ўйнаб, туғ-байроқлари ағнаб йиқилди. Қолғонларин жони оғзига тикилди. Маллухон подшоҳ кўрдиким, аскарнига гўё офат юзланубдур. Маллухон кўрқуб қочиб, шаҳрига қамалди. Аскарни ислом андоғ фатҳи нусрат топтиким, беадад ва беҳисоб ўлжалар олиб бориб, жойларида қарор олдилар. Амир Соҳибқирон ўз чодирларига борсалар қора от боғлиқ турур, чодир ичра кўрдиларким, Ўлжой Туркон, яъни Камол хоним ўлтурур. Амир Соҳибқиронни кўруб, дарҳол ўрнидин туруб, таъзим-тавозеъ бирла салом берди. Амирға айди, ман Хоразмда эрдим, ҳазрат Саййид Ота пиримиз айдиларки, Ҳиндустонга борғил, Амир Темур Соҳибқирон ҳинду кофирларга муқобил бўлубдур, анга ёрдам берғил, деб, жавоб бериб юбордилар, андин кейин Бухорои шарифга бориб, ҳазрат Баҳовуддинни зиёрат қилдим. Ҳазрат Нақшбанд сизни ҳақингизга кўб дуои хайр

қилдилар, ҳар ерда бизни ёд қилсун, дедилар. Амир Соҳибқирон кўрсаларки, чодир тефасида бир бош осиглиқ турур. Амир Соҳибқирон «бу нима» деб сўрадилар. Камол хоним айдики, Қунакдаҳат кофирнинг бошидур, биз чўрингиз хизматингизга тухфа келтурдим, деди. Амир Соҳибқирон андоғ хушвақт бўлдиларким, Камол хонимга етти қалқон инъом бердилар. Бу олтунларни Самарқанд ичра мадраса таъмирига Камол хоним сарф қилурлар, иншооллоҳи таоло, бу сўз ўттиз биринчи дoston охирида сўзланур.

Алқисса, Камол хоним ўз юртига қайтти. Аммо, Амир Соҳибқирон ҳинду вилоятларини билар эрдилар, ҳиндулар либосини кийуб, бир филга минуб, ўз кўшунларидин чиқиб, шахр ичра Маллухонни олдига кирдилар. Маллухон подшоҳга айдилар, эй подшоҳи ҳинду, ман араб баҳодурларидин бўлурман, қанча ўзимга яраша паҳлавон ва баҳодурларим бордур. Кўб турк, ўзбак аскарларни ўлдуруб, сизни хизматингизга келдим. Амир Соҳибқиронни сўзига инонуб, кўб инъом-эхсон бирла Амирни тарбият қилди. Аммо аҳли исломдин йўқ бўлгонларига ғавго кўзголди. Вузаролар ва умаролар ва беклар маслаҳат қилиб, Шоҳруҳ тўрани ҳазрат Амир Соҳибқиронни ўрнига ўтқуздилар. Алқисса, ўзбак, турк аскарни карнай, барабон чолдилар. Бул тарафдин яна ҳинду лашкари кўзголиб, иккала тараф аскарни саф ораста қилиб, бирдан жангга муқаййид бўлдилар. Ул кун Амир Соҳибқирон ҳиндулар лашкари ичра эрди, филҳол, майдон ичра бирдан наъра тортиб, ҳайқириб, ҳиндуларни оталгон паҳлавонларини ўлдуруб, ислом аскарига қўшулдилар. Кофирларни лашкари хазимат топуб қочарга юз қўйдилар. Ул кун кўб-кўб ҳиндуларни ўзбак баҳодурлари томуг казармасига юбордилар, қолгонлари шахр ичра кириб, дарвозаларни маҳкам қилдилар. Амир Соҳибқирон беклар била маслаҳат қилиб айдилар, ўн кунгача аскарлар кўзголмамай, ҳар қайсиси ўз чодирда қарор олсунлар деб. Ўзлари тева кўрдингму, йўқ, деб Маллухонга бориб кўриниш қилдилар. Маллухон аскарларини ҳалок бўлғонига кўб хафа эрди. Амир Соҳибқирондин сўради, эй азиз меҳмон, санинг асли юртинг қайдадур? Амир Темур айдилар, Қобуллик бўлурман. Маллухон айди, эй йигит мани кўзумга сандин баҳодурроқ киши кўрунмайдур. Бу турклардин омон қолиб, давлати тахтимда қарор олсам, сани сипоҳсолар қилайин деб ваъда қилди. Шу он юртга ғавго тўлди. Амир Соҳибқирон сўрадилар бу нима ғавго? Одамлар айдиларки, Бурҳоний отлиғ Маллухоннинг бир қизи бор эрди, они мўлтоний бекзодасига бериб эрди, куёви урушдин яралиқ бўлуб келиб, ўлубдур. Ҳиндулар расмида ўликни ўтқа ёқарлар. Муни кўруб, Бурҳоний малика ман ҳам ўтга тушарман эримдин кейин қолиб нима қилурман, демиш. Они ғавгосидур. Амир Соҳибқирон Маллухондин рухсат олиб келдилар. Кўрсалар бир ерга кўб ўт ёқиб, анда куёвни ўлигини иззат-икром бирла оловга ташлаб, зиёрат қилдилар. Ўшул замон қирқ қиз бирла малика келиб ўзини ўтқа ташлади. Анда бир қаландар ҳозир бўлуб, ё ҳув, ё мин, ло илоҳо илоллоҳу, деб қизни кучоғлаб олиб бир тарафга кетти. Амир Темур Соҳибқирон онинг

орқасидин бир манзил йўл юриб кўрсалар хурмо, ёнғоқ йиғочлари кўбдур, анинг ўртасида малика намоз ўқуб ўлтурур. Амир Соҳибқирон «Субҳаноллоҳ» бу нима сирдур, кофира намоз ўқур», деб ҳайратда эрдилар, ул қаландар ҳозир бўлди. Амир Соҳибқирон қаландарга салом қилдилар. Қаландар сиёсат бирла айдилар, эй оқсоқ Темур, мани танурмисан? Амир Темур Соҳибқирон қарасалар ҳазрат Баҳовуддин пирим эканлар. Дарҳол, Амир Соҳибқирон оёғларига йиқилди. Андин кейин ҳазрат Нақшбанд қизни Амир Темур Соҳибқиронга топшуруб, ғойиб бўлдилар. Амир Соҳибқирон маликани олиб, ўз қўшунларига келдилар. Соатидин кейин ғавго бирлан бир гўзал йигит неча филларни ўзига ҳамроҳ қилиб келиб Амир Соҳибқиронга арз қилди. Айдики, ман Султон Маҳмуд подшоҳни ўғлидурман, отамни Маллухон ўлдуруб, мани зиндонга солиб эрди, бу кун бир қаландар келиб мани зиндондин нажот қилуб, Сизни олдингизга юборди. Эй Амир Соҳибқирон, Сизга арзим шулки, мани отамни қасосини Маллухондин олиб берсангиз, сизни хизматингизда бўлсам деб кўб йиғлади. Дарҳол, анинг бирла Соҳибқирон қучоқлашиб кўрушуб, ўнг ёнларидин ўрун бердилар. Ул кун кеч бўлуб, амир қуёши қизил чодирга ўзини олиб, тун ҳиндулари оламни босиб, кечаси тонг отқунча Амир Соҳибқирон тиловати Қуръон қилдилар. Ногоҳ қуёш субҳ ёқасини чок қилуб, кўк майдониға жилва кўргузгач, тун хиндулари қочиб, кўздин ғойиб бўлдилар. Андин кейин бирдан ислом аскарлари ўзбак баҳодурлари Маллухонни шаҳриға от қўйуб, кўрғонларини бузуб, денгиздай ошуб, тошуб кира бошладилар. Урамларда оқузуб кофирлар қонини, томуғ казармасига юбориб жонини. Андин кейин Маллухонни ўрдасига бордилар. Маллухондин хабар топмадилар. Хазина-дафиналарини талон қилиб олдилар. Хазина ичра бир бут кўрдиларким, бўйи юз қариш олтувдин, лаъл, зумрадни анга фарш қилгон.

Амир Темур Соҳибқиронни олдиларига олиб келдилар. Амир Соҳибқирон бутни кўруб, таажжубда қолдилар. Ул бутни бир неча қофило савдогарлар кўруб, бизга сотинг деб арз қилдилар. Муни синдуруб ҳарж қилайлук, деди. Андин кейин Амир Соҳибқирон айдилар, тонгла қиёмат куни бўлса, яратган ўзи қози бўлуб, расул акром Саллоллаху алайҳи васаллам шафоат тахтиға ўлтурсалар, олло таоло айтсаким, «озар буттарош бирла Амир Темур бутфурушни келтуринг» деб хитоб қилса, анда нима жавоб айтурман, деб йиғлаб бутни синдуруб, пора-пора қилиб ташладилар. Андин кейин оломонлар талошиб олиб кетдилар. Андин кейин Маллухон подшоҳни топиб, Феруз шоҳ Султон Маҳмуд ўғлиға бердилар. Ферузшоҳ отасини қасосини Маллухондан олди. Ҳиндустон вилоятини олгандин кейин Муборақшоҳ деган юз минг сипоҳи диловарлари бирла Амир Соҳибқиронга келиб байъат қилдилар. Андин кейин Амир Соҳибқирон аҳли Ҳиндустонни машшоқ, нағмасозларини чақируб айдиларки, ман эшитиб эрдим, улуғлардин бу вилоятларда яхши машшоқлар бор деб. Андин кейин машшоқлар «хўб, бажонидил, тақсир», деб келиб, мақомини қила бошлади. Машшоқлар ичра кўзи кўр бир нағмачи бор эрди, Амир

Соҳибқиронга кўб манзур бўлди, Ул кўр Амир олдида доим нағма чаладиган бўлди. Бир кун Амир Соҳибқирон нағмачи кўрдин «отинг нима?» — деб сўрадилар. Нағмачи кўр «отим Давлат» деб жавоб берди. Амир Соҳибқирон айдилар: «давлатни кўзи кўр бўлурму?». Нағмачи айди, «давлат кўр бўлмаса, оқсоқ қошига келурму?». Бу сўз Соҳибқиронга маъқул бўлуб, анга кўб инъом ва сийлов бердилар. Неча кун ўтгандин кейин Ферузшоҳни ул юртга ҳоким қилиб, Бурҳоний маликани Феруз шоҳга бериб, музаффар ва масрур бўлуб, ул вилоятлардин Хоразмга юзландилар. Тамом оламни ўзбак қўшунлари босиб, чўл кезиб, кўл кезиб, бир неча тоғлардин ва неча роғлардин ўтуб, Хоразмга яқин еттилар. Хоразм шаҳрини хони Амир Ҳусайн сўфи эрди. Эшитиб Амир Соҳибқирон хизматлариға шахрдин ташқари чиқиб, йўллариға қарши келдилар. Амирни анда кўб эъзоз қилдилар, зиёфатлар қилдилар. Андин кейин Амир Соҳибқиронни Амир Ҳусайн сўфи таклиф қилиб, шахр ичра олиб кириб, неча кун юртга тўй-томошалар кўрсатиб, Ўлжой Туркон, яъни Камол хонимни Соҳибқиронга никоҳи шаръий қилуб бердилар. Ул кун қуёш шафақ чодирига киргач, тун келини қора сочларини тараб, кавкаб кўзлариға зийнат сурмасини кўйуб, кеча бўлгач, Камол хонимни янгалари зийнат оралар бирла Амирға топшурдилар. Неча кун ўтгандан кейин, муҳолифдин Амир Ҳусайн сўфиға ёв келди. Амир имдоди бирла ёвга ғолиб бўлдилар. Амир Соҳибқирон ўзлариға Хоразм ва Урганчни тобеъ қилиб, хонимни олиб, андин кейин Самарқандга келиб, ўз тахтларида қарор олдилар, валлоху олам.

## БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР ТУШ КЎРУБ, АНДИН КЕЙИН ТУРКИСТОН МАМЛАКАТЛАРИНИ ФАТҲ ҚИЛГОНИНИ БАЁНИ

Ровийлар андог ривоят қилурларким, бир кечаси Амир Соҳибқирон тушида қутб<sup>1</sup> тарафдин бир улкан фил келиб Мовароуннаҳр шаҳрини сайр қилиб, Амирнинг тахти узра чиқти. Андин кейин йигирма бир адад арслон бачаларни кўрдиким, тахтга келиб, тахтни отиб ташласалар. Андин кейин бир жамоъа одамларни кўрди, чўлдин сувсаб келиб, сувни кўруб қочтилар. Андин сўнг бир жамоъа кўрлар келиб, савдо-сотиқ қила бошладилар. Андин кейин бир неча бетоб кишиларни кўрдиким, келиб тани соғларни касал деб иёдат қилурдилар. Андин кейин кўрдиким, кўб қўй ва эчкулар келиб кўб гиёҳларни еб, тезакламади. Андин кейин бир семиз сигир келиб кўб-кўб ўтлар ичра кириб, ўтлаб, тобора озиб, хароб бўлди. Андин кейин бир бозор ичра кирдиким, қўй ўрниға айуқ этини ва чўчка этини сотуб ўлтурурлар. Олгувчи ҳам ҳалол этни олмайду.

Алқисса, Амир уйқудин сапчуб турди, ҳарчанд таъбирчиларни келтуруб сўрадилар, Соҳибқирон таъбиға мувофиқ сўзлаёлмади. Айди, Қаршида бир киши бор, Зовияда ўлтурғувчи, анинг отини

<sup>1</sup> Қутбни олгун қозуқ отарлар. (С. Тошкандий)

Ҳақим Зиёд бахши дерлар, қўб яхши муъбардур, шайх Умар Насафийнинг шогирдларидиндур. Амир афандимиз таъбиға мувофиқ таъбирни ўшал киши айтур деб хабар бердилар. Амир англаб, они келтурмоқ учун Қаршиға Мироншоҳ тўрани юборди. Ҳақимни олдиға борди. Ҳақим мирзони кўруб, отангни муҳими бўлса, мени олдимға ўзи келсун, деди. Мироншоҳ тўра қайтиб Самарқандға келди. Амирға ҳақимни сўзини айди. Соҳибқирон, филҳол, Қаршиға отландилар. Бориб ҳақимни кўб мулозамат қилиб воқеани баён қилдилар. Ҳақим айди, Шайх Насафий устозим менга бир темир сандуқ берган эрдиларким, ким очса ушбу сандуқни ер юзини ўзига мусахҳара қилгай деб айтиб эрдилар. Амир Соҳибқирон ўшал он буюрди, сандуқни келтурдилар, одамларни ўртасига қўйиб барчалари бир-бир очмоғига ҳаракат қилдилар. Ҳеч кимға очилмади. Андин кейин Амир Соҳибқирон кўлиға олиб эрди, филҳол, қуфли очилди. Андин кейин сандуқни ичидин китоби «Тарихи айём» ни топтилар. Ҳақим афандим айди, бу китобни фаҳм қилмоқ кўб мушкул турур, чунки илми жафар ила ёзилгондур. Агар киши илми жафарни билса, қиёматғача ҳар кимса ва ҳар нимарсанинг осори анга маълум бўлур. Андин ҳақим тушани таъбириға муқаййид бўлди, айдилар, ўшал филини кўрдунг-ўзбаклар подшосидур, бу мамлакатларни мусахҳара қилиб, сани авлодингдин олғайлар. Андин сўнг ул йигирма бир арслонбачаларни кўрдунг, онинг авлодидур, андин сўнг сувсоғон эронларни кўрдунг, келуб, сувни кўруб қочтилар. Ушул вақт одамлар аҳли илмдин қочарлар. Андин сўқурларни кўрдунг, савдо-сотуқ қилдилар, ўшул вақт одамлар ким ёв, ким дўст, ким душман билмаслар. Андин кейин ўшул нақисларни кўрдунг, танаси соғларни касал деб сўрағоли келдилар, ул ишлари риё зоҳидлар бойлар эшикига бориб, «Садақа радди бало» деб таъма қилурлар. Сўнгра қўй-эчкуларни кўрдунг, ҳарчанд ўтлаб тезакламаслар. Ушал вақт сипоҳлари кўб-кўб фақирларни ерлар, ўзларида зулмдин ўзга нимарса бўлмас, яна ўшал семиз сигирни кўрдинг, тўқай ўтларин еб, еган сари хароб бўлубдур, ўшал вақт умаросиким, ҳарчанд фуқаро молини еган била ўзига зарари бўлуб, борган сари хароб бўлуб, охирида хорлиг била ўлур. Яна одамларни кўрдунг, айиқ ва чўчка гўштин сотуб, қўй гўштин емабдур, ул вақт баъзи одамлар ҳаром нимарса бўлса еб, ҳалол нимарса бўлса емаслар. Анда Соҳибқирон бу сўзларни ҳақимдин эшитиб, жамъи қипчоқни ўлдурмоқға аҳд қилди. Андин сўнг Самарқанд келиб, Мирзо Мироншоҳ тўраға буюрдикки, Туркистон бориб, Оқ Бўға наймон ва ўзбак бекларини барчасини қатли ом қилғил деб. Анда Мироншоҳ тўрағимиз ўзига ўн минг йигит ҳамроҳ қилиб, Туркистонға равона бўлдилар. Буларни борганини эшитиб, Оқ Бўға булар мулозиматиға чиқти. Анда уч минг киши наймон элатидин Мироншоҳ тўраға кўб фитналиқларни ихтиёр қилди. Андин бир киши тўраға келиб айди, Оқ Бўғанинг икки хотуни бор, иккови бир-бириға қариндошдур. Тўрағимиз Оқ Бўғани чақириб сўради, Оқ Бўға, оре деди. Мироншоҳ тўра бу шаръий эмас, бирин талоқ қилғил деди. Ул айди, кўнглум икковини суяр, деди. Тўра буюрдикки, муни ёланғоч қилинг, таъзир бермоқ лозим,

деди. Оқ Бўға бу ишдин фитна қўзғаб, ўшал кеча элати била келиб, Мироншоҳ тўрани одамларини ўлдур бошлади. Нечалари ўлуб, нечалари қочти. Тўрани бойлаб қипчоқларни подшоҳи Тўхтамишхонга ўзи олиб борди. Тўхтамишхон Мироншоҳ тўрани кўруб, бойлуқларини ешиб, мулозимат қилди. Сабаби низоъларини сўради. Тўра айди, Оқ Бўға икки қариндошни никоҳига олиб, хотун қилибдур, мунинг иши шаърияти исломда жоиз эмас. Оқ Бўға айди, эй бегим, Амир Темур буюрган эмиш ўзбаклар барчасини қатли ом қилгил деб, Тўхтамишхон тўра сўзини қабул қилди, яна Соҳибқирон ройин қилди. Оқ Бўғани ўлдурмоқға ҳукм қилди. Тўрага хилъати хос бериб, ёнидин ўрун кўрсатти. Аммо ҳар вақт тўра хонға салом айлаб, кўрунушға келса, туруб тахтидин ўрун кўрсатур эрди. Бир куни Мироншоҳ хондин қайтмоқға рухсат сўради. Хон, эй тўрабача, сабр қилгил, деди. Аммо Мироншоҳ бир куни сайдға чиқиб, ов қила-қила бир элга келди. Кўрдиким, бир келинчак, юзи ойдек, кирпиги ўқ, қоши ёйдек, гўзаллиқ гулшанида ёлғуз, ишқ гулханида анга нечалар жигарсўз эрди. Ул келинчак Тўхтамишхонни хотуни, Давлатшайхни қизи эрди. Ул маҳбуба келиб, қудуқ ёқасида турди. Тўра андин сув талаб қилди. Ул келин оёғни сувға тўлғузуб уч мартабағача ерға тўкти. Анинг муддаоси тўра овдин иссиглаб келгани совуйди, кейин сув берди. Тўра анга арзи ҳолини баён қилди. Ул келинчак асло сўзламади. Яна айди, эй бекач кимни қизидурсан, яна эринг кимдур? Ҳеч кима демади. Неча-неча тарафдин келтуруб сўзлаб, отинг нимадур деди, лоилож: ўзим бекбача, отим Севиндур деди. Ул маликанинг ишқидин Мироншоҳ тўрада тобу тоқат қолмади, ишқ юкин кўтаролмади, бориб тўшак узра касал бўлуб ётти. Ҳеч кимға уёлиб сўзламади. Хон англаб кўргони келди. Кўрдиким, Мироншоҳ тўранинг нуқислиги зўр, юзи сарғарибдур, ўшул юртда умри икки юзга кирган бир қари одам бор эрди, кўб соҳиб тажриба эрди. Анинг отини Туркон тангри излаган деюр эрдилар, Бир неча касални томурини ушлаб, филҳол, билур эрди. Ул аксар ғор ичра ёзу қишин бўлуб, кўрк кияр эрди. Они хон талаб қилиб, воқеани баён қилди. Ул чол Мироншоҳ томурин ушлаб, анда айди, бу тўра бача бир кимарсаға ошиқ бўлуб, юрак-бағрига ишқ ўтини асари урубдур. Тўхтамишхон айди, маъшуқа қиз бўлсун ва ё хотун, муяссар қилгум, деб. Барча заифалар исмини бир-бир зикр қилинди. Туркон чол мунинг маҳбубаси зикр бўлингган йўқ деди. Модомики, аҳли ҳарамдин сўзлаб Севин бекачға келиб эрди, ул чол қўлини кўтариб, ўрнидич туруб келиб, хон қулогига секин айди, эй хон афандим, бу тўра сизни тааллуқингиз бекач хонимға ошиқ бўлубдур дегач, филҳол, хон ўрнидин туруб, ҳеч кишиға маълум қилмай ҳарамига келиб, бекачни талоқ қилди. Севин бону ҳайрон бўлуб, таажжуб бармоқин тишлаб нечун мендин бир айб содир бўлмай, талоқ қилур, дер эрди. Қуллар била ўзга элга юборди. Хон тўрага келиб, айди, эй афандим тўрам, сиз ошиқ бўлган хотунни тобтим, они эри талоқ қилди. Сабр қилурсиз, иддаоси ўтгандин кейин сизга олиб берурмиз, яна Севин бекачға айдилар, сизни Амир Темур ўглига берурмишлар. Ул ҳам қабул қилди. Андин сўнг



тўрага ақд айладилар. Мироншоҳ тўра кўрдик, ўшул маъшуқадур, ёнида ўлтурди, қўл текурмай сўрдик, не хотуни бўлурсиз? Севин бону воқеани баён қилиб, хон Сизга дўстлиқ жиҳатидин шул ишни қилди дегач, мен ҳам хонни ройи учун сизни талоқ қилдим деб, ўшул кечаси хондин рухсат сўрамай, ўз вилоятига кетти. Самарқанд узра Соҳибқирон қошига борди.

Амир Темур афандим англаб, хон кирдорига, ўглини кирдорига таҳсин қилди: Аммо тонгласи хон хабар топиб айди, шаръи шарифга мувофиқ иш қилиб эрдим, деб жамъи амвол ва ашёлар била Севин бонунини Самарқандга юборди. Нома бирла алар Соҳибқирон қўлига тегди. Мазмунини бу эрдик, сизларни ҳурмат қилиб у нимарсаларни юбордим. Аммо Соҳибқирон бекаччи бир яхши мақомга муқаррор қилди. Мироншоҳ они қошига бормади. Эмди бу сўзни эшитмак керак. Тўхтамишхонни қилгон ишини Давлатшоҳ, ўғлонга хабар бердилар. Ул Тўқтемурухонга қайин ота эрди. Самарқандга юборганини (Севин бонунини) англаб, бу қандоғ беҳамиятлик деб отларига миниб кечаси била келиб, неча-неча одамларни ўлдуруб адам ёстуқиға бош қўйдилар, хоннинг юртини олдилар. Тўхтамишхон ёлғуз ўзи қочиб Туркистонга келди. Туркистон эли ихтироз қилдилар. Андин кўнгли бузулуб Самарқандга юзланди: оти юролмаи йўл узра ҳалок бўлди. Андин ўзи яёв неча кунда Самарқанд дарвозасига келди. Ул вақт Амир Темур Соҳибқирон Оқсаройнинг таъмирин қилмоқға Шаҳрисабзга боргон эрди. Хон ҳам андин Шаҳрисабз сарига борди, неча кунлар оч-орук бўлуб юрди. Бир кун хотирига келдики, бир иш овқат учун қилойин деб Оқсарой борди. Анда ишбоши муни кўруб, тош тошимоқға мардикор сўлди. Турфа-турфа тошларни келтурур эрди. Ҳамма эл муни қилгон ишига таажжубда бўлдилар. Хон хоҳласаки ўзини маълум қилса, яна бўйни ёри бермади, ишни қила берди. Аммо ҳар вақт мардикорлар таъом еса, бу ёқоға ўзини олиб, чафонини ерға солиб, анинг узрасида ўлтуруб ёлғуз таъом ер эрди. Агар қорни тўймаса ҳам андак сарқутин элға берур эрди. Муни авзойиға барча ҳайрон эрдилар. Бир кун Амир Соҳибқирон Оқсаройнинг тамошосига келдилар. Анинг шон-шавкатин Тўхтамишхон кўруб, бир оҳ торттики, оғзидин ўт каби тутунлар чиқти. Муни Соҳибқирон англаб, кўрсаким, бул йигит бекзодаларга ўхшар, Тўхтамишхон эканини билмади. Лекин Соҳибқирон кўрган вақтида амрад эрди, холо соқоллик бўлубдур. Амир кўзиға иссиғ-иссиғ кўрина берди. Ўсар Бўга қоравулдин сўрдик, бу қандай кишидур? Ул айди, билмадим, лекин шунча билдимки, баҳодур диловар кишидур, узра учун иш қилиб юрур. Анда Соҳибқирон они олдиға чорлаб, назар қилдики, Тўхтамишхонга ўхшар, яна иштибоҳ бўлуб, ота-бобосидин ҳасаб-насабидин ҳарчанд сўз сўрди, хон билдурмади. Соҳибқирон кўнглида айди, шул вақт Мироншоҳ бўлса, албатта билар эди.

Алқисса, эртаси Севин бекач оқсаройнинг тамошасига келди, хон англаб, муқобилиға бориб турди. Одамлар айдилар, бу заифа Тўхтамишхоннинг хотуни эрмиш. Муъофада, чодир ичра келар эди. Ани Амир пос тутуб, сақлаб, эҳтиёт қилгонига Тўхтамишхон

тахсин қилди. Ногоҳ бекачни кўзи хонга тушти. Ўзини бирдан муъофадин хоннинг оёқига ташлаб юборди. Айди, эй хоним афандим, сизга нима бўлди, бу гурбат ора меҳнатда қолибсиз? Бу хабар Соҳибқиронга эшитилди. Кечаги йигит Тўхтамишхон экан. Амир англаб, филҳол келиб, бош-оёқ подшоҳона либос кийдуруб, сув ёқасига чодир ичра олиб бориб, Амир ёнидин ўрин кўрсатти. Андин воқеани сўрди, хон йиглаб, бир-бир баён қилди. Амир онинг қўнглин овлаб, қўб олтун инъом берди. Берган инъомини насифин фаррож сақоларга берди. Амирга мулозимлар сизни инъомингизни манзур қилмади, деб хабар бердилар. Амир чорлаб сўради, хон айди: эй Соҳибқирон афандим, ман сизга олтун учун келгоним йўқ, балки ҳамият учун келдим, мани мулкимни Давлатшайх амакимдин олиб берсангиз! Амир Соҳибқирон айди, мен бир туш кўруб эрдим, анда қибчоқ бебокларни қатл қилмоқга аҳд қилиб эрдим, бу сўзга сен ҳам ризо бўлсанг?! Хон қавмидин таъби малул бўлуб, лоилож ризолиқ берди. Анда Севин бекачни Тўхтамишхон ўзига ақд эттилар икки ярим йил бўлгондин сўнг. Юз кишини Амир тайёр қилиб, отга миндуруб Тўхтамишхонни Мироншоҳ тўра қошига Самарқанд ичра қўйуб, Амир ўзлари аскар била Дашти Қипчоқга юзландилар. Хабарини Давлатшайх ўғлонга етқуздиларки, Амир Темур юз минг қўшун била қипчоқларни қатли ом қилмоқга келур эмиш. Барча эл Давлатшайх ўғлон қошига келдилар. Анинг олдида бир қари баҳодур киши ўлтурур, айдики, урушурмиз. Давлатшайх ўғлон айди, Амир Темур тангри таолонинг баргузидасидур. Сизлар ҳар ёнга кета беринг, мен бир фикри қилойин они аскарининг бирорталарингизга зарар етмасун. Алар айди, сиз қари киши, сизни қандай ташлаб кетурмиз? Ул айди, мен бирла ишларинг бўлмасун. Андин сўнг барчалари ҳар тарафга кеттилар. Амир Соҳибқирон Дашти Қипчоқ бориб, ҳеч кимни топмадилар, ҳар тарафга киши юбориб, Давлатшайхдин ўзга кишини тополмай, анинг ўзини тутуб, Соҳибқирон қошига келтурдилар. Амир сўрадиким, сен қандай кишидурсан? Бу сўзламади, сукут қилиб, соатидин сўнг тангри таоло ҳазрат Нух алайҳис саломга итоб қилгон оятни фасоҳат била ўқуди. Они ишига Амир ҳайрон қолди. Айди, эй Турагай баҳодур ўғли, ман Давлатшайх ўғлон, насли Шайбоний хониндин бўлурман, ҳар иш олло таоло тақдири била бўлур, бу қилгон ишинг абасдур деб, Сулаймон алайҳис саломга тақдирни табдил қилурман деб баҳсу жадал қилгон Семурғнинг достонидин сўзлади. Барчалари йиғлай бошладилар. «Сани бу қон тўкмакга қасд қилмоқинг абасдур, қиёматни андешасини қилиб, кейин бўлур ишни ўйламак керак». Соҳибқирон аҳд қилдики, аммо башарти Давлатшайх қипчоқлар била қўзғалмосликка аҳд қилиб, қўл қўйуб, тилидин хат берса дедилар. Алар ҳам қўл қўйди. Соҳибқирон аларга мардлик қилиб бирортасин ўлдурмади. Аҳднома ёздуруб ва муҳр босиб, они Амир ўз хазинасига тобшурди. Вақти келиб Шайбоний элати масаллит бўлгон кезида хазина талон бўлуб, аҳдногани олиб эрдилар.

Алқисса, жатта қипчоқлар била сулҳ қилиб эди, Тўхта-

мишхонни юборурман, ани ўрнига валий қилурсиз деб. Самарқандга ёнди. Эмди Мироншоҳ тўра била Тўхтамишхондин сўз эшитмак керак.

**БУ ДОСТОНДА МИРОНШОҲ ТЎРА ИБН АМИР ТЕМУР  
ТЎХТАМИШХОНГА УҚУБАТ ИЛА ИТОБ ҚИЛҒОНИ,  
АНИ АНГЛАБ СОҲИБҚИРОН ТЎРАГА ҚАХР ҚИЛИБ,  
МИРОНШОҲ ҚОЧИБ ЭРОН ЖОНИБИГА БОРҒОНИНИ БАЁНИ**

Аммо Соҳибқирон, Искандари Соний, бекларни беки ва хонларни хони Дашти Қипчоқга боргондин сўнг, Мироншоҳ тўра Самарқандга ва Мирзо Умаршайх тўра Бухорои шарифга ҳоким эрди. Аммо Тўхтамишхон Мироншоҳ қошида эрди. Бир кун эшиттиларким, Самарқандга яқин. тўқай ичра арслон пайдо бўлубтур деб. Муни эшитиб тўра неча кишилар била отга минуб борди. Соатидин кейин хон ҳам борди. Баногоҳ, кўрсаким, борганлар қочиб келур. Тўхтамишхон воқеадин сўрди. Алар айдики, йўлбарс тўқайдин чиқиб, бизларга қараб югурди, гумон қилурмизким, тўра йўлбарсни чангагига гирифтор бўлди. Филҳол, хон эшитуб отин югуртуб борди. Кўрсаким, тўқай ичра Мироншоҳ тўрани йўлбарс йиғоч ичиға қамабдур, хон кўрдик, тўра йўлбарсга муқобил бўлубдур, иложи бўлса, Мироншоҳ тўрани ҳалок қилса. Аммо Шароф Яздий айтадурким, мен Мирзо Халил тўрадин эшиттим, ул отаси Мироншоҳ тўрадин нақл қилдик, ўшул куни Тўхтамишхон арслонга тўғри келиб, андоғ ўқ отдик, манглайиға тегиб, тешуб қуйруғидин чиқуб, бошоғи йиғочга қадалди. Филҳол, хонга тўра айди, бу қилгонларингни мени шаънимга деб, йўлбарсни тўра ўлдурди деюрсан, нечук мени одамларга эътиборим кетмасун. Хон айди, хўб сен ҳам кишиға айтмағил деб аҳд қилдилар. Тўқайдин чиқиб, овоза қилдилар, йўлбарсга тўра ўқ отти, деб. Тўра била хон буюрдиларки, бориб мулозимлар келтурдилар, кўрса-ларким, бир арслон турур, бўйи тўққуз газ, кўб нақшинлар ила мунаққаш. Бу сифатда йўлбарсни киши кўрган эмас. Ани терисини сўйиб, ичиға сомон тиқиб қўйдилар. Аммо мирзо Умаршайх тўра Мироншоҳ тўра била тарафи жангда эрдилар, мулозимларга буюрдик бу таъбияни элтиб Бухорони Самарқанд тарафдаги дарвозасиға йўл узра қўйуб келинлар, лекин кечаси йўл юринлар, ҳеч киши кўрмасун, билурманким, Мирзо Умар нима иш қилур. Бир хат била йўлбарсни бўйниға осиб, кечаси келтуруб, йўлбарсни ўз суратида қилиб дарвозани яқин ериға қўйдилар. Тонгласи Бухоро одамлари кўрдик, Бухоро дарвозасиға яқин йўлбарс келиб турур. Филҳол, Мирзо Умар тўраға хабар еткурдилар. Анда мирзо отланди, беклар манъ қилди. Ҳеч тарафга қарамай, тўғри кечаси била дарвозадин чиқиб, шавқун солиб, ул йўлбарсга найза урди. Кўрдик, жони йўқ, таъбия учун қўйубдур, бўйнида хат бор, ўқуб боқса, айтубдур, ман Мироншоҳ мирзо ушбу йўлбарсни бир йиғоч била уруб сайд қилдим. Боз, сен мен била талаби жангда эмишсан, билурман, сен ақалли мушукни уҳдасидин чиқолмассан. Мирзо

Умар тўра фикрда қолди. Аммо билдики, бу иш Мироншоҳ тўрани иши эмас. Шу вақт хабар келдики, элчи Маллухон шаҳри Ҳиндудин Соҳибқирон хизматиға Чоржўй йўли била келур. Аммо элчи Бухороға келиб, Мирзо Умаршайхға кўрунуш қилди. Мирзо сўрадики, нима совғот келтурдунг? Элчи бир ёй кўрсатти, айди: мунини Маллухон, Ҳиндустон хони буюрдики Амир Темурға элтиб бер деб. Билдики, даъво учун келибдур. Мирзо Умар айди, отам кўли маъюбдур, ёйни ушлаёлмас, манга бергил деб. Мирзо кўлиға олиб, уч қуллоб чекуб, элчиға берди. Айди, Самарқандға элтгил, алҳол, отам сафарда, Мироншоҳ тўраға, мунини санга Мирзо Умар тўра уч қуллоб уруб бериб юборди, дегил. Элчи андин Самарқандға келиб Мироншоҳ тўраға кўрунуш қилди, воқеани баён қилғоч, андин тўра ёйни кўруб, талаб қилди. Элчи Тўхтамишхон кўлиға берди. Хон хоҳласа, қуллоб тортса, яна тўрани кўлиға берди. Ул олиб тўртинчи қуллоб чекиб, бешинчи чекиб эрди, ёй синди. Бу ишни хондин кўруб, ғазабда бўлуб тўра хонға кина қилди, яна Мирзо Умарни сўзини эшитуб, яна одамлардин кўруб эрди, йўлбарсни Тўхтамишхон ўлдуруб, овозани тўраға қилди деб, яна бу сўзга ўхшаш элга хайф машхур бўлубдур. Агарчи хон кишиға айтган эмас эрса ҳам бу ишни хондин кўруб, буюрдики, ушланглар деб. Хон эшитуб кўрқмади, яна қочмади, келиб маҳкам боғладилар. Амр қилди, тош боғлаб, денгизга ташланг деб. Мулозимлар, филҳол, тўра айтгандек қилдилар. Хон бечора ўлган каби бўлуб, сув юзасида гоҳи чўмуб, гоҳи чиқуб, юмаланиб кета берди.

Фақиҳ Абу Лайс раҳматуллоҳ ҳазратларининг денгиз ёқосида боғчаси бор эрди. Кўрдилар, бир кимарса сув юзида лош каби кўрунур, ани денгиздин тортиб олдилар, билдиларки, Тўхтамишхон турур, рамақда жони бор. Ани тарбият қилиб эрдилар, андак ўз ҳолиға келди. Шайх Абу Лайс афандим хизматларида бўлди.

Алқисса, Соҳибқирон Дашти Қипчоқни фатҳ айлаб, музаффар ва мансур бўлуб, кела туруб, эшиттики, Тўхтамишхонни Мироншоҳ тўра денгизға ташлабдурлар, кўб қайғуда бўлди, нечун ўз тахтиға жулус айламақға аҳд қилиб эрди. Анда Мирзо Умар тўраға тўн бериб юборди ва Мироншоҳ тўраға ургуч бериб юборди. Мунини кўруб, отасини ғазабини билиб, ярим кеча била тўра ўзини қаландар суратида қилиб қочти. Амир Соҳибқирон келиб кўрдики, ўгли қочиб кетибдур. Абу Лайс ҳазратлари Тўхтамишхонни Амирға саломат келтуруб тобшурдилар. Соҳибқирон Абу Лайс ҳазратларидин кўб хурсанд бўлуб, Тўхтамишхонни кўб навозишлар қилиб, қул ва қўшун бериб Дашти Қипчоқға юбордилар. Соҳибқирон ўз тахтида қарор олдилар. Аммо Соҳибқирон ҳар ёнға Мироншоҳ тўрани истамақға киши юборди. Булар ахтармоқда турсун.

Алқисса, Мироншоҳ тўрадин сўз эшитмақ керак. Тўра тун ярмисида қочиб кетиб бориб, қаерда қаландарлар бўлса, алар бирла бўлди. Бир кун қаландарларни каттаси айди, бизлар била бўлсанг, тиланчи бўл сойиллиқ қил, деди. Аммо тўра элдин бир нимарса сўрамоқға юзи ёрий бермади. Хотирини келди узра учун

иш қилсам деб. Бориб, Тус шаҳрида мардикор бозорига келиб ўлтурди.

Ҳеч киши тўрани ишлатурга олмади, нечун бу девона қаландар бизларни ишимизни қилолмас дедилар. Учунчи куни тўрадин ўзга киши бозорда қолмади. Ушул куни бир оқсоқоллик киши келди, мундин бўлак одам тополмади. Айди, боғ қўруғини билурмусан? Тўра айди, кўб яхши билурман. Ул қари одам боғига элтти, ҳар нима кераклик асбобларни келтуруб, узра тайин қилиб, тўра била аввал боғни сайр қилдилар. Кўрсаким, боғни бир чаккасида бир турфа иморати олий кўрунур, дарвозасига етмиш қуфл урулгон, қуфлларга қўнғироқлар тоқилгон, барчасидин юқори қуфлда Бухт ун насрни оти ёзилгон, яна Хисрав парвез, Нўширвон ва Ол Аббос ва подшоҳ Исмоил ва Султон Маҳмуд ва Султон Санжар ва Хоразм беки ва Чингизхон шунга ўхшаш салтанатлиқ подшоҳлар ёзилуб, охири қуфлга шоҳ Шужоё ёзилгондур. Тўра сўрадики, бу қандай қуфл турур, нечук барча улугларни оти ёзилибдур? Қари киши айди, эй йигит, мунинг илан сани нима ишинг бор! Ўз ишингни бил. Тўра айди, шул нимарсаларни мен ҳам билсам нима бўладур, эй бобо, билдурсанг?! Ул киши айди, бу гунбазларни Қуббаи ҳожат дерлар. Ҳар вақт ёмғур ёғмаса халқ бу ерға келиб, дуо қилурлар, олло таоло аларға ёмғур бергай. Аммо киши билмайдурким, бу гунбаз ичра нима бор бўлса. Ҳар қуфликим, ўтган умаролар бу дарвоза узрасига солгондур. Бу қуфллар алардин ёдгор қолгондур. Аларни ҳеч қайсисига муни очмоқға амр бўлгон йўқ, мени Ҳасан мунажжим отарлар, бу қуфлларни очқуси мандадур, умаро ҳар бири қуфл урубдур, очқуси манга тобшурилгондур. Бухт ун наср замонидин шул вақтгача икки минг йил бўлубдур, жамъи калидлар манга қолибдур. Яна манга муни очмоқға рухсат йўқ. Тўра айди, муни очмоқига ҳеч кишига рухсат борму? Ул киши айди, оре, борлигин ҳикмат китобларида кўруб эрдимки, ахир замонда ўзбаклар ичра Искандари Соний туғулур, они бир ўгли келиб бу эшик қуфлларини очқай. Бу қубба ичра нима бўлса, ул кўргай, муни очгон кишилар ер юзини фатҳ айлағай дебдурлар. Анда бу қуфлларни очмоғини орзу қилди.

Тўра айди, муни дарвозасига йўлини нишони борму? Айди, оре, бу иморат сўл ёнида ядат тоши бор, они сўл қўл била олурсан. Тўра келиб кўрдики, мунажжим айтгондек кўрунур. Яна айди. Мундин ўзга нишони борму? Мунажжим айди, эй йигит, бу миқдор саволларни қилурсан, бу ишни уҳдасидин чиқолмассан. Тўра кўб муболаға қилди. Айди, мен Амир Темур ўғли, амир Турағай набираси, ул Қорачор нўён наслидин деб, асвили кайвонлигин, жулуси айвонлигин билдурди. Андин сўнг айди, эй тўра бача, бу кўргонинг тут йиғочидур, Бухт ун наср муни ўз қўли била қўйгондур. Яна Бухт ун насрдин бизга бир қилич қолибдур, они ҳеч киши ғилофидин чиқаролмас. Агар чиқориб олса, бу йиғочга уруб, муни икки қалам қилса, бу қуббани эшики очилур. Анда тўра илтижо қилиб, ёлбора берди, ўшал ёроғни кўрсам деб. Ул қари киши бориб они келтурди. Тўра ул қилични сўл қўлига олиб, бир зўр қилиб қилични қинидин тортиб олди. Муни кўруб мунажжим

таажжуб бармоқин тишлади. Сўнгра тўра ул тут йигочини уруб, икки бўлди. Ул йигоч орасидин бир қути чиқти, анда ибрий тили била ёзилгон хатни кўрди. Айтубдур, эй муни қалам қилгон киши, қуфли Бухт ун насрни очгайсан, ҳозир бўл, бу ерда бир козуқ бор, они тобгил, бу қуфллар очилур. Анда бир қари киши келиб мунажжимдин сўрдики, бу қандай кишидур, нима иш қилур. Мунажжим айди, бекзодалардин бўлур. Ул қари киши инкор бўлди, яна бениҳоят кўб муболага қилди, бўлмади. Охирида Амир Темур ўгли бўлурман, деди. Ул ҳам айди, бу эшикни очсанг сани отанг ер юзини ва кун кўзини олиб, барча анга тобеъ бўлур. Мунажжим калидларни барчасини тўра қўлига тобшурди. Очқуларини олиб, бир-бир қуйидин очиб, юқорига Мироншоҳ тўра чиқа бошлади. Қуфли Бухт ун насрга етгач, соати ҳайратда қолди, хоҳласа, они ҳам очса, Ҳасан мунажжим айди, эй йигит, ҳозир бўл, бо ҳозир бўл, ўзингни зоеъ қилмагил, бир фикри қилиб қайтгил, деб ўзи ёнди. Иккинчи келган қарикиши келди. Анга айди, эй бобо, бу қуфлни очгил, мунда олтун кўбдур, ул очқуни қўлига берди. Ул очиб эрди, хазинадин тарақа-туруқ товушлари чиқа берди. Кўрдиларки, бир ўқ келиб они кўксига тегиб, чалқанча йиқилуб, қари киши ўлди. Они тўра била мунажжим ҳеч кимга билдурмай, гўр ковлаб дафн эттилар. Ул қубба ичра кириб кўрдилар, тахти турур, сандал йигочидин. Анинг узрасида бир кимарса ниқоб ичра ётур. Тўра, филҳол, бориб очиб кўрдики, бир гўзал барно киши гўё уйқуда ётқондек ётур, узунлиғи йигирма газ, энлиқи уч газ, бошлари ҳам катта, бурни уч қориш келур, бармоқларини ҳар бири беш қоришдин келур. Бош тарафида бир лавҳ турур, тавҳид сатри ёзилгон, ўқуб кўрдилар, мазмунин билдиларким, бу зоти боборакот Урмиё алайҳис салом эканлар. Бухт ун наср бу зоти шарифни Тусга келтуруб, устилариға тилсимот ила иморат қилиб, пойтахтни Тус шаҳриға қилиб, ер юзини барчасини фатҳ қилиб эрди. Қабри муборакға гунбаз кўтариб, дарвозасиға қуфл уруб, бу биноларни қилиб эрди. Ҳар кишини бир ҳожати бўлса, бу қабри шарифға келиб, муножот қилса, мушқули осон бўлур эрди. Кофир бўлса ҳам муножоти қабул бўлур эрди. Ушул гунбаз шох Исмоил шиъя вақтида хароб бўлди. Андин сўнг ул мазор асари қолмади.

Алқисса, тўра ул зоти боборакотни зиёрат қилиб, ташқари чиқиб, эшикға қуфл урди. Ҳасан мунажжим неча кун кўноқ айлаб зиёфат қилди. Сўнгра мунажжим айди: эй тўра бача афандим, отанг қошиға сени элтурман. Мироншоҳ қабул қилмади. Айди, ҳаж бурурман.

Мунажжим тўраға аҳд қилдики, агар отанг бу юртлариға келса, бизларни саломат қўйгай, бизларни бу юртларға зарар ва захмат бермагай. Тўра қабул қилди. Анда мунажжим бир мактубни қўлиға берди, ҳар ерда бир мушқул ишға қолсанг, бу китобатни мутолаа қилгайсан, ҳар ишинг бўлса, ривожки бўлгай. Андин видоълашиб, Нишонур сарига равона бўлдилар.

# БУ ДОСТОНДА МИРОНШОҲ ИБН АМИР ТЕМУР МАНСУР БИЛА МУЛОҚОТ БЎЛҒОНИ, АНДИН МУЛКИ МОЗАНДАРОН- ҒА БОРГОНИНИ БАЁНИ

Ушул вақтда Нишопурда шоҳ Шужоъ ўғли шоҳ Яҳё отасин тахти узра ўлтурғон эрди. Тўра ул шаҳр ичра бориб, кўрдик, Нишопур растасида бир узун хода, бўйи саксон газ келур, ани учига бир табақни боғлаб қўйбдур, ҳар киши келиб анга ўқ отса тегмағай эрди. Аммо шоҳ Яҳё ўқ отгач, аввал ҳол тегар эрди. Тўра боргонидин кейин уч мартабағача отган ўқи тегмади, ҳайрон бўлди. Тўра қаландар суратида эрди. Бировни ёйи била ўқин тилаб анга отти. Филҳол, табақга тегди. Шоҳ изза тортиб, аччиғи келиб айди: эй қаландар, қайдин келдинг? Бу айди: Турондин келдим. Ушул вақт Эрон Турон бир-бирига мутаъассиб эрдилар, эшитуб, бу қаландар ўз юртига бориб ҳар қанча лоф урса керак деб хаёлотда бўлуб, ўрдасига ёнди. Ул кеча тахти узра ётиб, бир туш кўрди. Ўрнидин кўрқуб турди. Кўрқувнинг зиёдалигидин тушин воқеаси эсида қолмади, ўйлаб тополмади. Анда Бадарий отлиғ мунажжим бор эрди, ўзини вазири. Ани талаб қилиб айди: мен кўрган тушимни воқеаси ёдимдин чиқибдур, сен мени тушимни тобгил. Бадарий айди.

## Назм:

*Илми ғайбни киши билмайин, билур раббул Жалил,  
Ҳақдин ўзга ким билурман деса, бовар қилмагил.  
Айтмагунча Жаброил, айтмас эдилар ҳақ расул,  
Тангри то сўз айтмагунча айтмас эрди Жаброил.*

Анинг аччиғи келиб, мани тушимни тобмасанг кўзимга кўринмағил деб ўрдадин Бадарийни бадар қилиб, қувлаб чиқоруб юборди. Ғам ва қайғуда бўлуб, Гурбоғи деган мавзеъга келиб турди. Анда Мироншоҳ тўра ҳозир эрди. Андин бир-бири била ҳол, сир сўрашти. Ғам ва қайғуда бўлғонини воқеасини айди. Тўра филҳол мунажжим берган мактубни ўқуб кўрса, шоҳ Яҳё кўрган тушнинг воқеаси, яна таъбири анга ёзилғондур. Анда Бадарийга айди, бор бекингга айғил, мени шогирдим бор, тушунгни баёни ва таъбирин ул айтғай. Бадарий айди, эй қаландар, илми нужумдин хабаринг борму? Тўра айди, оре. Бадарий айди, мани қўлимдағи не эрур, тобгил деб. Тўра Ҳасан мунажжимни хатин кўруб, илми нужум ила топиб айди: қўлингдағи олтундур. Они билганини кўруб, тўрага эътиқоди пайдо бўлди. Андин кейин, Бадарий шоҳига таъзим қилиб турди. Шоҳ айди, мени тушумни топдингму? Бадарий айди, мени шогирдим бор, сизга тушунгизни таъбирин ул айтур дегач, шоҳ буюрдик, келтургил. Бориб тўрани яхши либослар била келтурдилар. Шоҳ Яҳё қошига келиб, таъзим қилуб турди. Шоҳ сўрдик, эй йигит, Бадарийга шогирд бўлурмусан? Тўра айди, мени отимга ордур Бадарийга шогирд бўлмоқға, мен Ҳасан мунажжимни шогирди турурман, нечун Ҳасан мунажжим

Бадарийга хасм эрди. Анда шоҳ Яхё айди, мени тушумни таъбирин дегил. Тўра айди, мен Бадарий ўрнига ўлтурурман: ул мани жойимга тушсун. Шоҳ буюруб эрди. Бадарий ўрнига тўра ўлтурди. Айди, эй шоҳим афандим, тушунгиз ора бир узун бўйлуқ, оқсоқол киши кўрдингизму? Шоҳ Яхё, оре кўрдим, деди. Ул айди, сизга сиёсат қилибдур, яна сизга бир нимарса берибдур. Воқеа шулки, мен Бадарий ўрнига ўлтурдим, даври замон, гардиши фалак дерлар. Ҳаргиз хотирингга келмайдур, они жойига мени ўлтурмогим, ул тубан тушуб, анинг ўрнига мен вазир бўлдум, аммо Ҳасан мунажжим сизга вазир экан, они начанд ёлгон гувоҳлар билан чиқориб, анинг ўрнига Бадарий ўлтурмиш. Айди, эй шоҳим афандим, мен сизга вазир бўлдимму? Шоҳ Яхё айди, оре. Энди мени ўрнимга Ҳасан мунажжим ўлтурсун, деди. Анда шоҳ Ҳасан мунажжимни келтуруб, ўрнига вазир қилиб, Бадарийни зиндон ичра солдилар. Яна тўра қаландарлиқ либосин кийуб, мунажжим била видоълашиб, ҳажга юзланди. Аммо ўзини ҳеч кимга билдурмай, қаландар суратида бўлуб, Нишонур доштира бориб ариқ ёқасида ўлтуруб эрди, бир йигитни кўрдик, малла ранглиқ кўли орқасига боғлиқ, от устида қочиб келур. Андин сўнг қирқ киши қувлаб келур. Анинг олдиндин тўсдилар, ул йигит тўрани чоқириб айдики, эй қаландар, қалложликдин бойликка етай десанг, гадоликдин шоҳликга ўтай десанг, булардин мени қутқоргил, булар менга ёв, боғлиқимни ешиб, мени тамоша қилгил, деб кўб таволло қилди. Алар айди, хонимиздин кўрқгил, ешмагил, эй девона, ишинг бўлмасун, деди. Тўра муни кўруб, гайрати келиб ўрнидин туруб, ул йигитни ақдини ешти. Ул йигит арслон каби аларга андоғ югурдики, алар тулки каби қоча бошладилар. Бовужуд, аларни аслаҳа ва яроғи бўлса ҳам бу йигит ўшал ерда йиғочни бутақини синдуруб олиб, ул қирқ кишининг барчасин вужуди шахристондин адам чўлистониға юбори. Қайтуб тўрани олдиға келуб, ўлтурди. Тўра айди, қандай кишисанким, бу ишларни қилдинг? Ул йигит айди, мен шоҳ Мансур бўлурман, шоҳ Шужоъ қариндошин ўғлидурман, амаким, менга ёв бўлубдур. Мен Мозандарон мулкини мусаххара қилиб эрдим, алар мени алдаб келтуруб, фириб била кўлимни боғлаб эрди, ўзимни бир навъи қилиб, бу от устиға олиб қочиб келур эрдим, бу қирқ киши орқамдин қувлаб бу ерга келтурдилар. Сен менга нажот бердинг, эй қаландар, бери кел, мен била ҳамроҳ бўлуб Мозандаронга боргил. Тўра айди, мен қаландарман, сен бек бача бўлурсан, иккимиз рафоқимиз мушкулдур. Айди, бу яхшилиқни сен қилдинг, мени ҳақимға нима десанг, мен қабул қилурман. Анда тўрани рафиқ қилиб, пойтахтиға шахри Табризға келтурди. Ул ўрунда айш-ишратға муқайид бўлдилар. Бир кун тўра, шоҳ Мансур сайдға чиқиб, ов қилиб юруб, бир қишлоқ узра келдилар. Кўрсалар, бир жамоъа эл, кўлларида назр, ҳадялар олиб, бир тарафға борурлар. Тўра сўради, бу одамлар қаён борурлар? Шоҳ Мансур айди, булар жухуд эрур, буларни пири бордурким, ёши икки юзга боргон, шул тарафда бир гор ичра эътикоф ўлтурғондур. Ани Жухо нарпир Яхудий отарлар, зоҳиддур, ҳар йил бир мартаба гордин чиқгай, уч кунгача булар



бориб, ани зиёрат қилғайлар. Замон ҳоли ва мустақбал ишлардин хабар берур. Уч кун бўлғоч, ғор ичра кириб кетар, то бир йил комил бўлмагунча ғордин чиқмас, Тўра они кўрмоқни орзу қилди. Андин шоҳ Мансур била Яҳудийни қошиға бордилар. Кўрсаларким, ул зоҳид қавмига Тавротдин дарс айтиб ўлтурур. Шоҳ Мансур ани начанд бориб кўрган эрди, зоҳид тўраға кўб назар қила берди. Тўра айди, эй яҳудийлар шайхи, нечук дини ҳақға имон келтурмайсан? Зоҳид айди, охир замон пайғамбари Махдий эрур, на Абдуллоҳ ўғли, анда икковлари мубоҳаса ва муколамаларни кўб қилдилар. Зоҳид айди, сендин неча масала сўрайман, жавоб берурсан. Тўра айди, хўб масала сўргил. Зоҳид айди, сизлар Туби йиғочини учмоқ ичра Муҳаммад мақоми дерсизлар. Биз айтурмиз, ул Мусо мақомидур, жамъи қусур жаннат туби йиғочи бутуқларини соясида турур, шунға бир далили ақлий кўрсатғил, қандай бир йиғоч сояси саккиз учмоқға етар? Тўра айди, анинг мисоли дунёда қуёшдурким, олам аро дашт ила шаҳр ва иморатларға они шуълаи тушгай. Анда Яҳудий зоҳид филҳол ўрнидин туруб, тавозеъ била ўлтуруб, начанд масала сўради, тўра барчасига ақлий ва нақлий жавоблар берди. Зоҳид айди, эй йигит, қайдин келдинг? Тўра айди, Турондин келдим. Яна, отинг нима, кимни ўғли бўлурсан, деди. Бу отим Мироншоҳ тўра, Амир Темур ўғли бўлурман, деди. Яна айди, мазҳабинг кимдур? Жавоб айди, Мазҳабим Имом Аъзам аҳли суннат ва Ижмоат турурлар. Зоҳид шоҳ Мансурға қараб айди, бу йигит соҳибқирони охир замон ўғли турур, булар ер юзини олғай, бу мамлакатларни олиб, сани авлодинг буларни қўлида ҳалок бўлғай, деди. Аммо шоҳ Мансур Яҳудий сўзига қулоқ солмади, билса ҳам ишонмагондек бўлуб, тўра била ўрдасига қайтти. Андин сўнг. Зоҳид ўз қавмиға айди: ман ғорға кирурман, лекин то ман ғордин чиққунча ҳозир бўлурсиз деб, ғор ичра кирди. Кўрсаким, бир қуш мунаққаш, ғорни чаккасида турур, ани тутмоқға ҳаракат қилиб эрди, қуш учуб ташқари чиқти. Бул ҳам анинг орқасидин чиқти. Киргандин сўнг бир йил бўлмай чиқмоғон сабабидин, иттифоқо, ул вақт кечаси қоровуллар бу кимдур, бизни пиримизни ўлдурғали келдуми деб, билмасдин ани уруб ҳалок қилдилар. Сўнгра эртаси ани кўруб армон қилдилар, фойда бермади.

## БУ ДОСТОНДА МИРОНШОҲ ТЎРА ИБН АМИР ҲАФТ ХАВОНИ МОЗАНДРОНҒА БОРҒОНИНИ БАЁНИ

Алқисса, Мансур билдики, бу йигит Амир Темур ўғлидур, хоҳласа, хийла била йўқ қилса. Тўра ҳам мунн ёмон фикрини билди. Андин Мозандоронға сайдға бордилар. Бир тоғни юқорисига чодирларни тикиб ўлтурдилар. Тўрани кўзига узоғдин бир нимарса барқ уруб кўрина берди. Тўра сўрдики, ўшал кўрунган нимадур? Шоҳ Мансур айди, ҳафт хавони Мозандорон йўли ушбу турур, кўб таъриф қила берди. Тўра хотириға келдики, шуни қўлида асир бўлиб, ҳалок бўлмасдин илгари ҳафт хавони Мозандоронға бормоқим яхши деб: Яна сўрадики, ушбу йўлга боргон киши борму? Андин барча турганлар кулдилар. Тўра булардин зехни койиб,

филҳол, отиға минуб, андог суръат била йўлга туштики, начанд кун йўл юргандин кейин оти чўлларда куйуб ўлди. Етти кун пиёда йўл юрди, дерларким, ул жазира отини Ҳафт ҳавони демаклари етти манзилдин иборатдур дерларким, Зол ўгли Рустам ул манзилда девлардин Қайковусни халос айлаб, аларни Мозандарон қалъасида қайдга олгон, анда етти кун йўл юруб, бир жойда уйқуға боргон ҳолда йўлбарс келиб қасд қилган. Рахши, ани дафъ қилуб ўлтурди. Иккинчи манзилға боргандин сўнг, аждаҳоға учраб ани ҳам ҳалок қилиб, учинчи манзилда Сахро хотун учраб, Рустамға фириб бериб, яна ани ҳалок қилиб, андин тўртинчи манзилға бориб, Улод отлиғ дев қанча қўшун ила жанг қилиб, Рустам аларға ғолиб келиб, аскари ҳалок бўлуб, Улод қочиб, бешинчи манзилда яна Улодни асир қилиб, андин олтинчи манзилға ўтуб, Аржанг отлиғ деб Рустам ила сўқушуб денгиздин кемада кўб-кўб аскарлар келиб, Рустам девларни қўшунларини ўлдируб, Аржангни калласини танасидин жудо қилиб, еттинчи манзилда яна кўб девларни ўлдуруб, Байдо отлиғ аларни подшосини ўзиға мутеъ қилиб, андин сўнг, Оқ девким, кўб девлар анга тобеъ эрдилар, они ханжар била кўксини пора-пора айлаб, Мозандарон шоҳи била кўб жанглар қилиб, Музаффар ва Мансур бўлуб, Қайковусни олиб, Эронға қайтиб келиб эрди. Аммо Мироншоҳ тўра начанд йўл юра-юра бир минораға еттиким, ани устиға жавоҳир нақш қилгон экан, куёш кўрунғач, ул жавоҳирни равшанлиғи ўн кунлуқ ерға тушар эрди. Тўра яёв юрганлиқидин аёқлари қабариб, ул минора остида қарор олиб ётти. Ул ерда улуг кўл эрдик, атрофига кўз етмас эрди. Ул кўлни аксар ери чанғалистон эрди. Қайси қуши оламда бордур, ул кўлда бор эрди: Аммо ул мазкур минор узра бир катта қуш уёси бор кўрунур. Анда бир кўк арчин каби қуш турур. Ул кўл ёқасида чангаллар ичра турфа-турфа чечаклар очилгон, ҳаво мўътадил эрди. Тўра анда истироҳатға машгул бўлуб, уйқуға бориб эрди, ярим кеча бўлмай туриб бир садо эшитуб, тўра уйғониб, туруб ўзидин беихтиёр бўлуб йиғлай берди. Билдиким, минорадаги қушни унидур, атрофида кўб-кўб қушлар жамъ бўлуб, барчалари сомеъ бўлуб, маст, лоъақл турурлар. Қуёш найза бўйи кўтарилғоч, ул қуш нағмаи унин тамом қилди. Ани тўра мулоҳаза қилдиким, ранги оқ, кўб гўзал қуш турур. Анда ул қуш сукут қилғоч, қушлар барчаси ҳар тарафға равона бўлди. Яна саҳар бўлғоч, ул оқ қуш нағмаи унин қилур эрди. Ани эшитган нимарса маст, беихтиёр бўлур эрди. Тўртинчи кунда ул қушдин нағмаи унин изҳори бўлмади. Тонг отқоч, тўра турсаким, жонин таслим қилибдур. Ногоҳ кўзи кўлга тушти, мавжиға келиб, бир улуг қуш чиқа келди, катталиғи филдек. Тўра кўрқуб дедик, бул қуш мени ҳалок қилур. Кўрдиким, минорадаги уёға бориб кўнди. Ушул оқ қушни ўлигин кўксига олиб, уч кунғача ўликни уқалаб, силаб эрди, филҳол қуш тирилиб, нағмаи унин изҳор қила бошлади. Андан сўнг ул катта қуш кўлга чўмуб, ғойиб бўлди. Аммо уч кунғача ул кўл қушлари дон емай, сув ичмай, ўт емай сукутда қолдилар. Бу санъатлариға тўра кўб таажжубда қолди. Замони келиб, Мироншоҳ тўра фаранг ҳақимиға мулоқий

бўлуб, савол қилди. Ҳаким айди, ўшал гўзал қушким, муганний эрди, ани хуруси кўллар из этарлар. Ҳар юз йилда жонин таслим қилур. Кўлдин чиқар қуш руҳи қудс турур, қуш суратида бўлуб келиб, ани тирилтургай, яна юз йил нағма унида бўлгай, қиёматгача бул қуш атвори шул турур. Андин сўнг тўра юруб икки булоқ ёқасига борди. Кўрдиким, бири сучук, бири шўрдур. Иккала булоқ бир кўзлиқ ердин чиқиб турур. Анда бир балиқ кўрдиким, суйи шўр булоқ ичра тушуб, ранги қизил бўлур, андин кейин чучук сув ичра тушуб, рангги оқ бўлур. Иккала сув бир-бирига асло қўшулмас. Андин ўтуб, йиғочларни кўрдиким, саночлар осилуб турур, бориб, таъйийн назар қилсаким, барчаси хурмага ўхшаш эмишдур. Олти ой анда бўлди. Ул саноч каби емишлардин қушлар пайдо бўлуб, ҳар тарафга уча бошладилар. Андин яна бир булоқ ёқасига бориб, қўлида таёқни ул сувга ташлаб, яна ани қўлига олиб кўб таажжубларни кўруб ҳайрон бўлди. Андин қайтиб неча меҳнат ва машаққатларни чекиб, алқисса, тўра неча йил ва неча вақтдин сўнг отасин қошига келиб, хизматида бўлди. Амир Соҳибқирон нури айинин кўруб, кўнгли барқарор бўлди.

## БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН ИСҚАНДАРИ СОНИЙНИ БЕКЛАР БЕГИ ВА ХОНЛАР ХОНИ ХУРОСОН МУЛКИНИ УЧ ЙИЛДА ФАТҲ ЭТГОНИНИ БАЕНИ

Алқисса, Амир Темур Соҳибқирон кўрдиким, ҳар тарафдин элчилар келар эрдилар. Илло, Эрон вилоятидин келмас эрди. Анда Соҳибқирон аскар жамъ қилмоқга муқаййид бўлуб, ўзбакдин, қозокдин, неча-неча элатлардин келтуруб, йиғдиларким, икки лак қўшун бўлди. Ҳазина эшикларин очиб, сипоҳларга инъом бердилар. Андин тўрт минг киши Мирзо Шоҳруҳга қоравул бўлди. Яна Мироншоҳ тўрага ўн минг киши эровул бўлди, яна Умаршайхга ўн тўрт минг киши баковул бўлди. Қоравуллар уқиб, сипоҳлардин туғ-байроқларни барпо қилиб, Самарқанд ичра тарихнинг етти юз саксон бирида, (1379 й) қўкламнинг аввали, яъни балиқ йилида, рабби ул аввал ойида, ҳамалнинг йигирманчисида барча аскар форс бўлуб, отларга ва рокиб бўлуб теваларга минуб, Шаҳрисабзга бордилар. Андин Қаршига келдилар. Андин амирлар ва беклар била маслаҳат қилдилар. Алар айди, Балхга борурмиз. Соҳибқирон қабул қилмай, Бухорога келдилар, андин Чоржўй йўлига мутаважжих бўлдилар. Ўшал вақт Хуросон мамлакатада малик Муизиддин тахти эрди. Ул юрт барчаси анинг фармонида эрди. Анинг отини амир Хусайн курд дерлар, лақабин Муизиддин дерлар. Ўзи насли Заҳҳокдин эрди. Аммо Соҳибқирон овозаси Марв ҳокимин қулоғига етуб, анинг оти Санжарбек эрди, Амир Соҳибқирон яқин етгач, қочиб Муизиддин қошига борди. Анда одамлари ҳадялар олиб, Амир Соҳибқиронга фоли саодат бўлди. Марвга бировни ҳоким қилиб, Ҳирот сариға юзландилар. Йўл узра Қушних қалъасига еттилар. Сипоҳлар келиб от қўйурмиз деб Амирдин дуо талаб қилдилар. Соҳибқирон манъ қилиб айди,

иншооллох, олло таоло, бежангу жадал олурмиз. Гўёки Соҳибқиронга илҳоми ғойибдин ҳосил бўлди, ўшул кеча Амир Соҳибқирон Чингизхондин қолғон чодирни тиктилар, етти юз саруъ барпо қилиб, чодир ичра ўн икки минг киши жой олғудек бўлди. Соҳибқирон турарга жой таъйин қилиб, атрофидин қанот тортиб, икки тарафи бахмали қизил эрди, қанот ичра кумушдин, анинг ичра олтуңдин панжара, они давлатхона қилиб, беклар анда кўринуш жойи бўлуб, етмиш бир саруъ тутуб, таноб била ўшул ерни ихота қилиб, тўрт юз фаррошни уч кунда пайдо қилдилар. Фаррошлар аксари жухуду ҳиндудин эрди. Вақти келиб, Соҳибқирон буйруқи била амир ва беклар давлатхонага келиб ўлтурдилар. Махрамлар, ғуломлар ва қуллар кумуш панжарага ўлтурдилар. Иноқтоз олтуң панжарадин жой топуб ўлтурди. Хўжасаролар келиб беклар била ўлтурдилар.

Алқисса, Соҳибқирон, Искандари Соний барчадин юқори назарда эрдилар, кўрдик, кўргон буржидин чироғ ёнуб, кўруниб, бора-бора ул чироғ яқин кела борди. Акнун чодир остига келиб тўхтади. Ул Қушниҳ ичра Сангу бобо деган азиз киши бор эрди, ул зот кўргон остидин лаҳм ковлаб, ушбу одамни чироғ била юбориб эрдилар. Ўшул чироғлиқ киши айди, ҳеч ким борму мени арзимни Соҳибқиронга еткурса. Барча уйқуда эрдилар, илло, Соҳибқирон Амир айдилар, сан қандай кишисан? Ул айди, Бобо Сангу муридларидин бўлурман. Сўнгра они мулозимлар Соҳибқирон қошига келтурдилар. Ул киши Амир олдига ёвлиғ ичра ўралган қўйни пишган тўшин келтуруб қўйди. Айди, муни Сизга Бобо бериб юбордилар. Соҳибқирон ани фол қилиб, айди: бу қўй кўкси, албатта, Хуросон мулки. Бизга насиб бўлгандур. Ул киши айди, сизга йўл очиб, лаҳм қилиб, Бобо кўб маъталдурлар.

Амир, филҳол, амир Муайяд орлотга беш юз кишини қўшуб Бобо қошига юборди. Беш юз киши ярим кечада ўшул одам била лаҳм ичра кириб, бирдан карнай тортиб эрдилар. Қулунж ҳоқими қочиб кетти. Икки кун анда бўлдилар. Амир Соҳибқирон Сангу бободин сўради, нечук маликга насиҳат қилмадингиз, фуқорога зулм қилибдур. Бобо айдилар, насиҳат кўб қилдим, бовар қилмади. Тангри таборак ва таоло сизларни анга масаллит қилди. Агар сиз ҳам қишлоқларга зулм қилсангиз, насиҳатни қулоқга олмасангиз, сизларга ҳам ўзга масаллит бўлғай. Амир айди, менга ким масаллит бўлғай? Бобо айди, барчани масаллит қилғувчи ўлумдур. «Албатта, эй бобо, рост айтурсиз. Лекин, мен борман, умид худодин, ҳеч ким менга масаллит бўлолмас». Андин сўнг Ҳиротга юзландилар.

Алқисса, Ҳиротга икки манзил қолиб эрди, Амир оломонларга буюрдиларким, бориб Ҳиротга тобеъ юртларни барчасини ғорат ва талон айладилар. Сипоҳлар Ҳирот дарвозасигача торож қилиб, яқин бориб эрдилар, малик Муизиддиннинг ўғли Ғиёсиддин отасига айди, отажоним, ижозат берсангиз, ёв била чиқиб жанг қилсам. Малик айди, сабр қил. Аммо маликнинг ҳузуридагилар Мирзо Шоҳруҳни кўб таъриф қила берди. Ғиёсиддин эшитуб, гайратга келуб айди, бориб Шоҳруҳни бошини олиб келмасам, йигит бўлмасман, ул шижоат бобида биринчи эрса ҳам. Алқисса,

беш юз киши била отлануб чиқиб, Чигатой оломонларини истаб келабердилар. Узоғдин чанг, талотуб кўрунди. Илгари келиб кўрса, оломонлар қанча молларни олиб борур. Алардин бирини асир қилиб ушладилар, андин сўнг, сўрадики, бу аскар бошлиқи кимдур? Асир айди, Шохрух тўра турур. Филҳол, Гиёсиддин Шохрухни талаб қилиб, қўшунға бориб, Шохрух қайси деб шовқин қила берди. Қўшун ичра бир баҳодур йигит бор эрдик, ўзи тошкандлик, оти Соқибек, ул айди, ана, мен Шохрух дегач, икковлари жангга муқаййид бўлуб, кўб талотуб қилдилар. Акнун, Гиёсиддин ғолиб келиб, калласини танасидин жудо қилиб, отасини қошиға келтурди. Шохрух боши деб дарвозага осиб қўйдилар, шодиёна чолдилар. Бу сўзни Мироншоҳ тўра эшитуб, қариндошиға ичи куйуб, тоб-тоқати қолмай, Гиёсиддин аскарига ўзини уруб, аларға шикаст бериб, Гиёсиддинни топиб, андоғ урдик, яралиқ бўлуб қочти. Ўликни кўрдик, Шохрух тўра эмасдур. Андин қайтиб, отасини қошиға келди, кўрсаким, Шохрух тўра Амир қошида дасти алиф-лом қилиб, тавозеъ узра турур. Бу воқеани Мироншоҳ тўра мажлисдағиларға сўзлади. Шохрух тўра ўрнидан туруб, бошидин салласини олиб, отасидин фотиҳа талаб қилиб айди, агар Гиёсиддиннинг бошин олиб, Ҳирот мадрасасин пештоқиға осмасам, тўра бача эмасман. Кечаси била отлануб, рухсат олиб, Ҳирот дарвозасидин кириб, шаҳар ичра маликни ўрдасига яқин етти.

Кўрдик, арк тағида бир йигит турур, барча анинг жиловидадурлар, ҳайратда бўлуб бир кишидин сўраб эрди, айди: Гиёсиддин шул турур. Тўғри бориб анинг йўлини олиб, ҳозир бўл, мен Шохрух деб андоғ урдик, Гиёсиддин жасади фалакидин калла хандалаги узулуб, юмалануб кета берди. Одамлар ҳар ён қоча бердилар. Тўра отдин тушуб, бошини олиб, мадраса пештоқиға осиб қўйди. Бу воқеани Малик эшитуб ҳуши қуши бошидин учти. Филҳол, тахтидин тушти, айди, ул йигитни менга келтурунг деб. Тафаккурда эрди, Мирза Шохрух тўра ўзи ўшал вақт келиб, Маликга айди, ўғлунгни ўлдурдум, жанг дағдағасин қилур бўлсанг, тургил, отлангил. Малик айди, эй йигит, бери кел, мардонавор иш қилибсан. Ушул вақт Гиёсиддинни онаси эшитиб, бош яланг, оёқ яланг чиқиб, ўғлум қотилини урунғлар деб шовқун қила берди. Начанд одамларға ҳамла қилди. Малик, қўйунғлар деб манъ қилди, ҳеч киши қабул қилмади. Тўра ёлғиз ўзи сўқиша берди дарвозасиға етгунча жанг қила-қила етмиш кишини ўлдурди. Ўзини йигирма ери яралиқ бўлди. Тахмос отлиқ маликни бир қули тўрани бойлаб, оёғ остида ётур эди, хоҳласаким, тўрани йиқитиб ҳалок қилса. Ногоҳ хандақ ёқасида бир киши келиб, ўшул қулни найзау санчқу била уруб ҳалок қилди. Маълум бўлдики, Амир Соҳибқирон ўзлари эрди, ўғлилари сўнггидин келиб эрдилар. Орқаларидин қўшунлари келиб, Ҳиротни атрофини олдилар. Ушул вақт Иноқтоз кал қиморбоз айёрлиқ хийласин тузуб, ўзини бошдин-оёғини безаб, устиға бир чурук чафон кийуб, белиға қамиш ила барди боғлаб ўзин шаҳрға олди. Бозор ичра туруб, бир қаландар кишиға айди, мани Малик Муизиддин қошиға олиб боргил, анға сўзим бордур. Иноқни Маликни вазирларига тўғри қилиб эрди, сўзин қабул қилмадилар.

Охир Маликга айдилар. Ул айди, келтурунг, ammo эҳтиёт қилинг, ҳарба қилмасун. Они Малик муқобилига келтурдилар. Ул киши айди, мен сўзимни элдин яшурун Малик афандим қулоқларига айтурман деб, секин сўзламоқчи бўлуб, енги ичидин фиҷоқини чиқориб Маликни кўксига андоғ урдик, Малик тахти қизил тобутга айланди. Филҳол, халқдин ғарв чиқиб, қаландарни тутуб бойлаб, жаллодга тобшурдилар. Қаландарни жаллод дорға келтурган ҳолда Иноқ бу Соқибқиронга жонбозлиқ қилди, деб секин жаллодга бир ишорати берди. Жаллодга айди, ешғил, девона ўлмасун, сенга кўб нимарса берур деб ваъда қилди. Жаллод дор канобин бўшроқ қилиб қаландарни ости. Кечқурун бўлуб, эл оёғи босилгоч, Иноқ дор остига келиб, дордин тушуруб олди. Кўрдик, қаландар тирикдур, Соқибқирон қошига келтурди. Амир сўрадики, қайдин келдинг? Қаландар айди, Сейистондин келдим, отим Девонажондур. Бир кеча ётуб тушум ора кўрдум бир зотни, расул алайҳис салом хизматларида турур, шул жиҳатдин Амирга жонбозлиқ қилдим, Оллога ҳамд, ул зот сизни ўзингиз, эмди ўнгумда кўрдум деди. Андин сўнг ул қаландарга «Жонбозлиқ» лақабин қўйдилар. Ул кеча Амир Соқибқирон кўрғони ичра сипоҳлар билан кириб, тахт узра қарор олдилар. Ул қаландар ҳар ишга етук, кўб усто киши эрди, они ўз қаламравига миршаб боши қилди.

Алқисса, Амир Соқибқирон Ҳиротни фатҳ қилгондин сўнг савдогарлар келиб, Амирга арз қилиб айдилар, дод, Баҳодурхон илгидин, бизларни горат қилди, мусулмонлар ани жавридин зиклиқда қолдилар. Баҳодурхон амири Қандаҳардур, Ҳиндистон бекларидин эрди. Соқибқирон ўрнига бировни мутасадди қилиб, ўзлари қанча сипоҳларни олиб, савдогарлар суратида бўлуб, беш юз чавкар от олиб, яна ўзга хил отдин бир минг, яна бир минг навжувони жанг кўрганларни ўзларига рафиқ қилиб, Қандаҳар жонибига юзландилар. Баҳодурхон эшитдиким, Қандаҳар чаккасига кўб қофила келиб тушубдур, ясовул юборди, айдики, кўргил, қайдин келибдур. Ясовул келиб кўрсаким, беш юз мешка сув тўлдурибдурлар. Ош-овқат, улоглор учун яна неча чодирларни тиккан. Амир Соқибқирон курси узра ўлтурур, ўзгалар таъзимда. Ясовул Амирга кўрунуш қилди, айди: мени Баҳодурхон сизлардин хабар келтур деб юборди, қайдин келибдурлар? Соқибқирон айди: бизлар Самарқанддин савдогарлик қилиб келдук, мени отим Хўжа Абдулла, бу уч йигит мени ўғлум бўлур, ихтиёримиз Ҳиндустон мамлакатларига бўлди. Анда ясовулга бир тўн кийгуздики, Баҳодурхон ҳам бу сифатда тўнни асло кўрмаган эрди. Хонга бориб савдогарбошини кўб таъриф қила берди. Ясовул сўнгидин Соқибқирон Баҳодурхонга бир совғот юбордики, умри ичида кўрган эмас. Тонгласи Амир Соқибқиронни хон талаб қилиб, зиёфат асбобини ораста қилди. Зиёфатлари бўлгондин сўнг, хон айди: Хўжа, муддао шул тарафга келмак эрдиму ё бўлак ерга ҳам? Амир айди: алҳол, бул тарафга келмагимиз кўнгулда йўқ эрди, хоҳишимиз бу ўғуллар била шоҳ Шужоъ қошига борсак, деб ўглини таъриф қила берди. Баҳодурхон кулўб айди: мани

масофимни кўргил. Филҳол, буюрди фил келтурдилар. Хон бошига дубулга кийди, бир мил текис ер боғи бор эрди, анга келиб, филни кўтариб айлантурди. Барча таҳсин қилдилар. Соҳибқирон айди: мени ўғлум ҳам аҳли шижоатдин бўлур, буюрсангиз, имтиҳон қилсак. Хон рухсат берди. Аввал Умаршайх дубулга кийиб, кўб зўр қилди, кучи етмади. Сўнгра Мироншоҳ тўра ҳам кўб зўр қилди, кўтаролмади. Андин сўнг Мирзо Шоҳруҳ тўра андог зўр қилдики, бурнидин ва кўзидин қон кела бошлади, оллоҳи акбар деб йиқилди. Кўрсалар андог бўлубдурким, иккала кўзини гўлаги косасидин чиқиб қолибдур. Анда бир ҳаким ҳинду хон хизматида эрди, кўзини ўрнига қўйиб, лунги бирла боғлади, сўнгра иккала оёғини товонин ёриб, иккала томурин топиб, уқалаб-уқалаб тортиб эрди, икки арфа ё уч арфа миқдори чиққондин яна кўзи ўрнига тушуб, қарор олди. Андин сўнг оёгин томурин пахта била ўраб боғлаб қўйди. Қирқ кунгача кўкси била кўкга қараб ётқизиб, тузсиз атала, буламуқ ичурди. Ўшал қирқ кун ичра Соҳибқирон чаноқчига лойдин филни суратини қилгил деб буюрди. Уч кунда тайёр қилиб берди. Уч кунгача Амир кўтариб, машқ қилдилар, сўнг устига лой қўшуб анга ўт ёқуб ўртадилар, софол бўлди. Сўнгра устига одам чиқса кўтариб, ўн киши жой олғудек бўлди. Қирқ кунгача бошларига дубулга кийиб, они кўтаруб машқ қилдилар. Қирқ кунда устига ўн киши чиқса ҳам кўтардилар. Қирқ кундин сўнг Мирзо Шоҳруҳ тўра сиҳхат топиб, ҳокимга бош-оёғ подшоҳона либослар бердилар. Хонбоғ ичра базм ораста қилди. Яна Соҳибқирон илтижо қилдилар ўшал филни келтурсалар, кўрсак нима бўлур?! Хон буюрди, филни келтурдилар. Баҳодурхон филни кўтариб, боғни бир мартаба айлантуруб қўйди. Соҳибқирон айди мен ҳам кўтаргайман. Хон айди, эй хожа, уёлуб қолурсан, қўйгил, деди. Амир қабул қилмади, дубулгани кийиб, филни кўтариб, етти мартаба боғдин айлантурдилар. Халқ ўртасидин ғарв чиқти. Хон изза бўлуб, истиҳолада қолди. Андин сўнг Амир мулозимларидин ўн киши ул филга миндилар, яна кўтардилар. Муни кўруб Баҳодурхон Амир била кураш тушмоқга ҳаракат қилди. Эртадин кеч вақтигача талаш қилдилар.

Алқисса, Амир Соҳибқирон пирларидин мадад тилаб кўтариб ерга андог урдик, хонни калла хандалаги жасади фалакидин узулиб бозори ажалга ширйанг ўйноғали кетти. Амир одамларидин анда минг киши ёқосиз совутларни кийган эрдилар. Филҳол, карнай тортдилар. Қандаҳар одамлари кўб таъадди кўрган эрди, буларга ёри бердилар. Минг киши афгонлардин эрди, булар била муҳолиф бўлуб, акнун асир бўлдилар. Амир аларни ўздурмоқга ҳукм қилдилар. Қандаҳарни фатҳ айлаб, неча кун туруб, андин сўнг ҳакимни ўзлари била олиб Сейистонга бордилар. Сейистон одамлари буларни олдига чиқиб, қалъаларига олиб кирдилар. Сейистонни томошо қилиб, ул шахрни ўз элига тобшурдилар. Андин етти кунлик, айвони Қиршастким, эски Сейистонга йўл қолиб эрди. Сўнгра ул мақом таомошасига бордилар, кўрсалар айвон бузулғон андак иморат асари қолибдур. Айвон қуйсида булоқ кўрунур, одамлар айдилар, ҳар ким бу булоқ ичра қозонда таъом

қўйса, иссиғлигин зўрлиги ул ошни пиширур, ичган кишини ичидин қон келур дедилар. Анда Амир Соҳибқирон қўб тилсимот ила бўлгон нимарсаларни кўрдиларким, айвоннинг қибла сарида ихота қилингон нимарсаларда суратлар тортилгон, бир деворда йигирма тўрт минг халқа бордур, билган одамлар айдилар: бу ҳикмат била ясалгон ҳаммомдур. Халқаларни тортиб эрдилар, бир эшик очилди, ичкари кирдилар, иссиғ уй турур, яна ўзга халқани торттилар, яна эшик очилиб, кўрсалар оёғ ювадургон жойлар тайёр турур. Анда икки халқа кўрунди, они торттилар, эшик очилиб ўрталиқида бир уй турур, анда охурда иссиғ сув, бир тарафда совуқ сув, они остида тўла қора тош билә ўт кўрунди. Ҳаммом суйи исигунча ул қоратош ёқилур, ул қоратошни тошкўмир ҳам дерлар. Ул ҳаммом гўлаҳиға тилсим ила йигилиб сув исигоч, тошлар тўхтагай эрди. Ул ҳаммомни хўб тамошо қилдилар, табақалари қўб турфа, ажойибдур. Мулло Тоҳир Охунд Балхий дебдурларким, анда икки минора бор, бирин Минораи Эрон, бирин Минораи Турон дерлар, ҳар вақт Афросиёб келса, эронларға хабарин билдирмоқға Зол ушбу тимсолини қилиб эрди. Занги бача неча келиб Турондин Эрон минорасиға тош отар эрди. Андин чиқиб, бу шовқиндин барчалари Афросиёб келгонин билур эдилар. Бу ҳикматни Амир Соҳибқирон топиб, Занги бача тошини олиб Эрон минорасиға отиб эрди, бир садо чиқтики, йигирма тош ерга борди. Ўшул мавзеъда бир тоғ бор экан, они кўрдилар, тошлари кўзгу каби равшандур, ҳар вақт офтоб чиқғоч, Рустам суратин анда кўрдилар. Офтоб тўлуғида базми кўрунуб, гарубида разми намоён бўлди. Офтоб ботар вақтиға боргондин сўнг, бир киши пайдо бўлди, олтун курси узра ўлтургон, қўлида жоми, атрофида мингга яқин муганний, чўрилар жилвага кириб, дафу, чанггу рубоб била дўнбура қўлларида, офтоб ботгандин сўнг барчалари гойиб бўлдилар. Кечаси била анда бўлдилар. Субҳ бўлғоч, бири кишини кўрдиларки, чавқар отга минган, бошида дубулға қилич-яроғлари белиға тоқгон, неча минг-минг одамлар они жиловида барчалари яёв, этакларини беллариға қистургон, офтоб найза бўйи чиқгондин сўнг, булар ҳам гойиб бўлди. Сўнгра табалу баробон товуши ул тоғдин чиқти. Амир бу тилсимлардин бир улуг йиғоч остиға бордилар. Кўрдиларки, анда қақнус отлиғ бир қуш қўнуб ўлтурур. Анда бир лавҳи турур, хатти жалий бирла ёзилгон. Айтибдур, эй бу ерга келган кишилар, бу тинчлик мақомидур, зиёрат қилсанглар тўхфа ҳосил бўлур, агар бу йиғочға чиқмоқни қасд қилсанглар, ҳар яфроғи бир ёроғ турур, албатта ҳалок бўлурсиз. Лекин шанбалид деган сариг ғулни топиб, қақнус муқобилиға келтурғайсиз. Анда қақнус сайрағай дебдурларким, қақнус бир улуг қушдур, тумшуғида уч юз олтмин тешук бордур, сайрағонда ҳар тешукдин алоҳида ўзга товушлар чиқор эрди. Ҳукамо илми мусиқийни андин ихтироғ қилгон эрдилар. Аммо қақнус сайрай берса, тумшуғидин ўт чиқур, ул йиғоч куйгай, андин бир йўл маълум ўлгай. Алқисса, Амир буюруб, имтиҳонно ул йиғочға тош отиб эрдилар, тошлари яфроғлариға тегиб, бўлунуб-бўлунуб туша берди. Амир хоҳласа ўша ғулни топиб келтуруб йўлни маълумин билса. Ул йиғоч остида



бир булоғ бор эрди. Булоғ ичра катта балиқ бор эрди. Ул балиқни ташқари олсалар филҳол тош бўлуб, яна сувға ташласалар балиқ бўлур эди. Андин бир жойида юз йигирма бир булоғ бор экан, суйи сариг кўрунур, анга чўмуб, қўл уруб андин шанбалид гулин олдилар. Ул сувға чўмганлар етти кун ётиб сарғайиб ўла бердилар. Соҳибқирон анда хайрон бўлди. Хоҳласа, бул жойдин кетса. Ҳақим айди, турғаймиз, башарти ўтгуз қадоқ қахрабо топиб кетурсалар. Буюрдилар, то икки ўн қадоқ қахрабони топиб келтуруб, ёнчиб тайёр қилдилар. Ҳақим ҳинд ул булоқға чўмуб, бир туб гул олиб чиқти. Ул гул савсан каби, аммо, ранги сарикға мойил эрди. Ул гулға ким яқин келса, ул киши ҳам жаъфарий бўлур эрди, ҳақим они қахрабоға кўшуб, анга яна торғил сигир сути кўшуб аралаштуруб, хамир қилиб, навқасларға бердилар. Яна сирка била сабзи кўшуб бердилар, барчалари соғайди. Андин сўнг Соҳибқирон ул гулни келтуруб қақнус, муқобилиға қўйдилар. Ул куш кўруб, андоғ нола қилдики, нағмалар, товушлар, садолар чиқа бошлади. Вақти бўлуб, нафасидин ўт ҳозир бўлуб, ул йиғочни куйдурди. Соатидин сўнг йиғоч остидин бир эшик очилди. Амир Соҳибқирон ҳукамолар била бир уй ичра кирдилар. Яна бир эшикға қулф урулгон, ани ҳам очиб, бир уйға кирдилар. Анда бир тахти ож йиғочидин. Тахт узра бир киши ухлаган каби ётур, юзида парда ёпуглуқ, ани очиб кўрдиким, бир нуруний қари кишидур, узунлиқи йигирма газ, энлиқи уч газ, кўзини қабоқида икки марварид пўр баҳо турур, бурни етти қариш, ҳар бармоқи ўн икки қаришдин, боши узра фўлоддин лавҳ, анда начанд сатр ёзилгон, ҳеч киши ул хатни ўқумоқға қуввати етмади. Ул ҳақим ҳинд бу хатти ибрийдур деб ашқолларин таъйин қилди. Мирзо Умаршайх ўқуб билди. Дебдурларким, бу хатни ёзгувчи Искандар Зулқарнайн бўлурман. Эй Амир Темур, Искандари соний, сен бул ўрунға келсанг, ушбу ётқон киши Зол Зардур, умри минг уч юзга етуб, оламдин интиқол қилибдур. Бул ерни зиёрат этинг. Аммо иноний Зол умрини тўрт мингға борган дебдур, сен ҳам булардин ибрат олиб, андешада бўлғайсен. Мунда бир қора тош бор, остида бир хум тўла олтун бор, они олғил. (Бу тошни малик Искандар Халидот жазирасидин келтуруб эрди. Шул вақтларда ул тош Амир Темур қабри шарифи, узрадур. Яна ул хумдаги олтун бул гунбазда эрди, Амирни вафотидин кейин одамлар мундин хабардор бўлуб, бир кеча қўб ёмғир била қор ёғиб, тарихнинг минг саксонинчисида (1669 й). Жунбилиий элидин ёв келиб, Самарқанддин они олиб, олтун барҳам еб эрди. Олгон киши барас ўлатиға мубтало бўлди. Оре, ҳар киши валилариға қаршилиқ қилса, балоға йўлуқур.)

Алқисса, лавҳаға Золу Зар дунё вафосизлигидин неча байтларни ёзибдур.

Назм:

*Отим Золу Зардур, лақаб Достон,  
Ки мендин бўлуб Рустам паҳлавон.  
Мени хайлима анда Афросиёб,*

Икки юз марра топиб кўб хароб.  
 Қилиб тарбият менга Семурғ қуш,  
 Бу ҳикмат ора мен топиб ақлу ҳуш.  
 Кўрубман жаҳоннинг йўқу борини,  
 Гаҳи давлат ва гаҳи озорини.  
 Жаҳон шотусиға қўйубман оёқ,  
 Саккиз юз эди зинасиға саноқ.  
 Ушбу зиналардин баногоҳ тойиб,  
 Ётибман бу ерда манам сарғайиб,  
 Ажал доми бизни гирифтор этиб,  
 Бари навбат ила жаҳондин кетиб.  
 Каюмарс қаён кетти, Жамшид қани?  
 Чу сен ҳам кетарсен, ўзингни тони.  
 Фаридуну Кайхисравий номлиғ,  
 Манучеҳр ва Искандарий комлиғ.  
 Эрону Туроннинг шоҳи, кайлари,  
 Бори кетти бир-бир қора ер сари.  
 Баҳодур, диловар хамс-у шажиг  
 Ажалдин бориси ўлибдур, дариг.  
 Жаҳон уйин икки қапуси бўлур,  
 Биридин кетибдур, биридин келур.  
 Оё, бу жаҳонға келан паҳлавон,  
 Эшитгил бу сўзни: бақосиз жаҳон.  
 Туғулгон жаҳонда неча эр бўлур,  
 Ажал шоҳи келса қора ер бўлур.  
 Жаҳон давлати нечани ошурур  
 Ер остиға охир они ёшурур.

Алқисса, Соҳибқирон эски Сейистон тилсимотларидин чиқиб, аскар била пойтахти султон Маҳмуддинким, Ғазна узра икки шаҳрни қамоб, етти кунгача анда бўлдилар. Малик Хусайнни кулларидин бири анга ҳоким эрди, саккизинчи кунда фатҳ эттилар. Андин султон Муҳмуд қабри узра иморат қилдилар. Бир гўзал йигит мардикорлар ичра иш қилиб юрур эрди, қўлтуғидин ерға бир нимарса тушти. Филҳол олди, у ён-бу ён қародиким, мабодо биров кўрмасун, деб. Соҳибқирон они олдиға чорлади, қўлида бир лавҳ бор, форсий тилида ёзилгон. Амир сўрди, эй йигит, ким бўлурсан, отинг нимадур? Ул йигит, отим Маҳмуд Асфардур, малик Масъуд ўғли бўлурман, отам менга бу лавҳни тобшургон эрди, Бароқхон оломонларин қўлида отам ҳалок бўлди. Мени синглим бор, оти Маҳмуда, сизни ўғлингиз Мирзо Жаҳонгир олмоқға қасд қилиб экан. Биз султон Маҳмуд наслидин бўлурмиз.

Анда Мирзо Умаршайх лавҳни ўқуб кўрди, дебдурким, ушбу тефа остида олтун бор, султон Маҳмуд ўз авлоди учун қўйгондур. Амир филҳол они олдуруб, Асфарға бердилар, ул ярмини Соҳибқиронға бағишлади. Амир иморатға сарф қилдилар. Холо султон Маҳмуд қабрининг иморати Амир Темурдин қолгондур Исломбулда.

Алқисса, Соҳибқирон қўшунларини йигиб Ҳиротға бордилар.

БУ ДОСТОНДА АМИР СОҲИБҚИРОН ҚИЛИЧ АРСЛОНКИМ,  
ЛАҚАБ АНГА ДОНИШМАНД БЕК ЭРДИ, ОНИ МУСАХХАРА  
ҚИЛГОНИНИ БАЁНИ

Назм:

*Бу ердин неча аскар Тусға етти,  
Ким фармонга юрмай, боши кетти.*

Келтурубдурларким, Соҳибқирон келиб Боги зоғонда айшу ишратда эрди. Муборизлар жониби Тусға бориб, тоғ узра жой олиб, яна Соҳибқирон буйруғи била сипоҳлар Тус этакига алоҳида жой қилиб, анга чодирларни қуруб эрди. Аммо Машҳад ҳокими Алибек, Валибек, икки оға-ини эрдилар. Анда Жаён чашм баҳодур яна соҳиб салоҳларни бири эрки, ўтуб борур эрди. Тоғ узра қўрғонча иморатни кўрди. Анда бир қизил чодир тикилган, атрофида ўн минг улоғ ва қўйлар ўтлаб юрур, қошида киши йўқ. Жаён чашм қирқ киши бирла ҳамроҳ эрди. Анда йигирма кишини мол-амвол жамъ қилмоқға буюрди. Йигирма киши чодир сариға от қўйдилар. Бир хотун ўрта яшар, ул йигитлар орқасидин келиб, оломонларни найзасин қўлиға олиб, андоғ урдик, кўкракидин кириб, орқасидин чиқти. Анинг била уч кишини ўлдуруб, бир наъра уруб, шавқун қилдики, ваҳм била ҳеч ким они олдиға келолмадилар. Ногоҳ тоғ бағридин бир навқирон йигит кела бердиким, гўзалликда ёлғуз, кўрғон киши анга жигарсўз, балки-барчани офат жони эрди, барча беклар анга қул эрди. Ул бекларни беки ва хонларни хони эрди, минган оти бўз, ўзи қоракўз, сочлари фатила-фатила, от сағрисиға тушган, бошида бўрк, эғни-да гарк ва арслон терисидин қўлида найза, анга олмос банд қилғон, ёшиндек тоғни мунаввар қилиб келадур. Аммо аслаҳаси йўқ эрди, олдида бир йўлбарс този итға ўхшаб югуруб келур. Жаён чашм ани қиз деб назар қилиб турди. Яқин келғоч, билдики, ўғул боладур. Бир наъра тортиб, овоз қилиб, тоғлар ларзаға келиб, ўшал қирқ киши атрофин олдилар. Ул бола андоғ ҳамла қилдики, бир тарафдин йўлбарс йиртуб, бир тарафдин ўзи найза била туртиб, лаҳзада ул қирқ кишини ҳалок қилиб, адам шаҳристонига юборди. Аммо Жаён чашм мун кўруб келиб анга найза солди, ул бола найзани ўтқузуб, даб бериб Жаён чашмни белидин ушлаб, отиға ўнгариб, қамчи уруб, отин югуртуб тоғ сариға юзланди. Агар бетоқатлик қилса Жаён чашмни ерга уруб гирдигирд қилғудек. Лоилож жим турди. Они олиб чодирға келтурди. Анда Жаён чашмға, қайдин келдингизлар, ўғурлиқ ва қароқчилик қилиб юурсизму, деди. Жаён чашм айди, Амир Темур мулозимларидин бўлурмиз. Ул айди, Амир Темур ким деди. Бул айди, Соҳибқирондурким, Ҳиротни мусаххара қилиб, эмди Машҳад шаҳриға қасд қилғондур. Ул бола ҳайрон бўлуб айди, бу тоғлардин ўзга жойлар борму? Жаён чашм айди, оламда етти иқлим бор, ҳар иқлимда қанчадин-қанча тоғлар бордур, қанчадин-қанча шаҳарлар, қишлоқлар бордур деб, бир-бир баён қилди. Ул ўғлон таажжуб бармоқин тишлаб онасиға айди, нечук менга бу жойларни

айтмадинг, деди. Онаси айди, ёвлар душманлар хавфидин айтмаб эрдим. Жаён чашм айди, сизни отингиз нима? Ул онасиға қаради. Онаси айди, баҳодурлар ишини билиб қилур, андин сўнг номнишонин билдурур. Онда Жаён чашмни ўлдурмоқға ишорат қилди. Мабода жомни томдин ташлагандек ўзгалар билмасун деб, ўгли анда қабул қилмади. Ахир Жаён чашмға кишиға айтмасликға онт бериб, яна Жаён чашмға бир от бериб, миндуруб юборди. Жаён чашм андин Соҳибқирон хизматига келди. Бас, андоғ-мундоғ деёлмайин, яна кўрганларин ичиға сигдиролмаи, хийла била деворға чизиб ишорат қилди. Анда Соҳибқирон билиб, йигит талаб қилиб, ўшул ўғулни тирик тутуб келса, дедилар. Мироншоҳ тўра туруб фотиҳа талаб қилди. Мирзо Шоҳруҳ тўра навқасланган эрди. Жаён чашм йўлбошчи бўлуб, беш юз кишини ўзларига ҳамроҳ қилиб, тоғ узра чодирға яқин еттилар. Молларига қарамасдин чодирға қараб уч киши ўқ оттилар. Муни кўруб, икки хотун бўлуб чодир тешукидин ўқ отти. Анда тўққуз кишиға бир кишини бош қилиб, чодир атрофин олиб кела бердилар. Ноғоҳ ўшал йигитча етуб келуб, Мироншоҳ йўлин тўсуб, қўлидин қиличин тортиб олиб, Мироншоҳ тўра бошиға андоғ солдиким, дубулғаси била бошиға тўрт энлик ботди. Тўра ўзидин кетиб қолди. Андин беш юз кишиға қараб югурди. Аввал Жаён чашм орқасидин барча аскар қочиб келдилар. Амир кўруб, филҳол ўрнидин сакраб туруб, хоҳласаким, отға минса. Филҳол, Умаршайх келиб, фотиҳа олди. Минг йигитни ўзига йўлдош қилиб аларни бир сойға қўйуб, ёлғуз ўзи чодирға бориб, сучук сўзлар била ул хотундин сув талаб қилди. Хотун айди, сувни уҳда қилсанг ўзинг топиб ича бер, деди. Тўра айди, сув бор жойни билдургил. Хотун анда сиёсат қилиб, бир наъра тортиб, шавқун қилди, соати бўлмай ўгли отин югуртуб тоғ бағридин чиқа келди. Тўра оти жилови қўлидин чиқиб қочти, пиёда қолди. Онаси ўғлиға тўра хулқин баён қилди. Ул ҳам пиёда бўлуб, толошқа муқаййид бўлдилар. Кеч вақтигача талош қилдилар. Охир тўрани оёқ-қўлини боғлаб, асир қилди. Мундин қўшунлар хабар топиб, қоча бошладилар.

Алқисса, ул бола тўрани уйиға келтуруб, бойлуқларини бўшатуб, таъом, шароб ҳозир қилиб едурди. Тўра ҳар жонибдин сўзлари ўртаға солди ва айди, мен сафро фароҷман, сафро бошимға чиқиб, кўзим қорайиб, сен мени бойлаб келтурдинг, эмди сен била яна талош қилурман. Айди, ул замонда ёв эрдинг, эмди эл бўлдунг яна меҳмоним бўлдунг, меҳмон била мухораба қилмоқ яхши эмас, деди. Тўра кўб муболаға сўзлар сўзлай берди. Охир, ул бола ўқин қўлиға олиб, неча қуллоб тортиб солиб, тўра қўлиға берди. Анға тўрани кучи ва қуввати етмади. Айди, муни отанг Амир Темурға элтгил, тортиб кўрсун.

Алқисса, тўра ани отасини қошиға келтуруб, ўртаға ўқни ташлади, воқеани баён қилди. Беклардин ҳар бирлари қўлларига олиб, тортиб кўрдилар, кучлари етмади. Шоҳруҳ тўра ҳам қўлиға олиб уҳда қилолмади. Андин Соҳибқирон олиб, қўллари чўлоқ бўлса ҳам, ёйни қуллоб тортиб, андоғ зўр қилдиларки, ўқ синди. Амир синган ўқни Иноқға тобшурди, муни элтиб эгасига бергил,

деб. Иноқ ўзиға етти кишини ҳамроҳ қилиб, ўшул тоғ узра келди. Кўрдик, бир оқ от ёнида ул йигитча ухлаб ётибдур. Оёғида бир йўлбарс халқа олиб, ул ҳам ухлаб ётибдур. Иноқ, филҳол, тефасидин бир тошни юмалатуб юборди, ўзи бир тарафға қочти. Тошни товушиға йўлбарс бошини кўтариб боқирди. Ул йигитча уйғониб, оёғин узотиб ул тошни тепуб юборди. Муни кўруб Иноқтоз кал қиморбоз ўрнидин бир сакраб тушти. Аммо ул тошни тоғдин кўчуруб, юмаланиб тушган деб парво қилмади. Соатидин сўнг Иноқ билмаган кишидек бўлуб, таъзим ила келиб олдиға ўлтурди. Иноқдин, ким бўлурсан, қайдин келдинг, деди. Иноқ айди, Соҳибқирон хизматидин бу ўқни келтурдим, деб қошиға қўйди. Кўрсаким ўқ пора бўлубтур. Хеч нима демади. Ногоҳ тоғ остидин бир араб йиғлаб, нола қилиб келур. Булар андин сўрди, нимаға йиғларсан? Араб айди, мен Амир Темур қошиға борурман, ул мени ўчимни олиб берса дерман, сизлар сўраб нимани ухдасидин чиқурсиз?! Анда ул йигит мен ўчингизни ҳар нима ва ҳар кимарсада бўлса олиб берайин, деб кўб муболаға қилдилар. Сўнгра араб лоилож айди, эй ўғул, менда дунёлик важҳидин бир тева бор эрди. Они ўғлум ўтлатиб юрур эрди. Ногоҳ тоғ этакидин бир илон чиқиб, бўйи ўн газ келур, тева бирла ўғлумни қуллобига тортиб йўқ қилди. Бу айди, бориб аждарҳони ўлдурурман. Андин араб ўзиға буларни ҳамроҳ қилиб элтиб бир горни кўрсатти, шундадир деб. Йигитча айди, эрта шул вақтға яна чиқғай, бу кеча мунда турмоқ лозим деб, анда турдилар. Кечи била Иноқ илондин кўрқуб ухламади. Тонгласи туш вақтида аждаҳо гордин чиқти, кўрсаларким боши узра шохи бор, уч газ келур, гоҳ-гоҳ ўрнидин тик тургай. Йигитчаи нозанин отиға миниб даб бериб кела берди, отти, ҳам бебок орқасидин бориб қиличин кўтариб бошиға андоғ урдик, калласи кўксида осилиб қолди. Оти ҳуркиб, сакраб, боши ўгрулди, они кўруб ҳайрон қолдилар. Ўғлон айди, агар отим ҳурковлик қилмаса, тамомин қалам қилур эрдим, деди. Сўнгра шохини олиб Иноқға берди. Муни Амир Темур хизматлариға элтғил, деди. Андин сўнг, филҳол Иноқ келтуруб Амирға воқеани баён қилди. Муни кўруб Амир барчалари тажжуб бармоқин тишлади ва ҳайрат денгизиға гарқ бўлдилар. Беклар ўртасиға ғавғо тушти. Соҳибқирон сипоҳларини таскин тоштуруб, ўзлари била ўн кишини олиб, мусофирлар суратида бўлуб, отларға хуржун ортиб ўшал тоғ узра келдилар. Анда қизил чодир кўрдилар. Андин бир хотун қўлида қилич, сиёсат била келиб, бу ердин ўтманғлар, деди. Соҳибқирон айдилар: биз мусофир, йўл ахтариб юрурмиз дегач, андак аччиги босилиб, буларни бир булоғ ёқосиға тушуруб, қошлариға ош ва таъом келтурди. Соатидин сўнг ул йигитча келди, буларни кўруб ёв хаёл қилди. Хоҳласаким, даб қилса. Онаси шавқун қилиб айди, эй ўғлум, булар мусофирлар, озор бермағил. Андин чодир ичра ёниб келди, шоҳона либосларин кийуб Амир қошиға борди. Аларни кўруб яна алоҳида таомлар келтурди. Они Соҳибқирон сучук-сучук сўзлар била андоғ сайд қилдик, Амирни сўзиға махв бўлди. Аммо йўлбарс андин асло жудо бўлмас эрди. Доим оёғин остида халқа олиб ётур эрди. Анда Соҳибқирондин

сўрди, сизлар не ерлик бўлурсиз? Амир, Ҳиротдин келурман, деб анинг асли ва наслини сўради. Йигитча айди, мен билмасман, онам билур. Андин сўнг онасини чақриб, Соҳибқирон мулойимлик била ҳар тарафдин сўз келтуруб, андин асл-насабни сўрдилар. Онаси айди, бизларга душман кўбтур, мабодо сиримиз фош бўлмасун. Амир айди, асло сирни ошкора қилмасмиз, деб кўб сўзларни деб ишонтурди. Андин кейин хотун айди, Абу Саидхон қизидурман, амир Чўпон хотуни бўлурман. Абу Саидхон хизматида эрди, амир Чўпон Таночор наслидин эрди, ул Қорачорни инисидур, Ҳалоку била йўлдош бўлуб Эрон вилоятига келиб, Абу Саидхон вафотидин сўнг ҳар ким ўз тўғрисиға подшоҳлик даъво қилиб, амир Чўпон авлоди, Ҳалоку жамъ бўлуб, бир-бирлари била урушиб, ахир барчаси шоҳ Шужоъ қўлида ҳалок бўлди. Машҳад ичра бу ўғул мани қорнимда эрди, қочиб бу мақомга келиб, таваллуд топти. Бу молларики бордур, ҳаммасини ўзингиз кўрдингиз, барчаси бизникидур. Алҳамдулилло, молимиз кўбдур, бу ўғулға Қилич Арслон от қўйдум.

Соҳибқирон анга Доиншандчи ўғлон лақаб қўйдилар. Ул хотун айди, ҳар ерга шоҳ Шужоъ одам қўйубдур, тамоми Ҳалокухон авлодидин тобса, ўлдурур, шул сабабдин изҳор қилмасман, то ким хабар топмасун деб. Илтижо сизга ва йўлдошларингизга бу сирни кишига айтмасун. Амир мун эшитиб, кўб суюнуб, хурсанд бўлди. Зероки, бу ўғул Соҳибқирон афандимизга амакбачча экан. Андин сўнг йўлбарсдин сўрди. Хотун айди, қайси, кун бу ўғул туғилди, ўшул кун бу йўлбарс ҳам бизни қўлга тушти. Мунга сут бериб катта қилдук, биздин ўзга ерга бормас.

Алқисса, тун ярмиғача сўзлашуб, онаси била ўғул чодирға бордилар, Соҳибқирон ҳам уйқуға кетти. Дерларким, Хожа Ҳасан Ансорий қанча ғазални Қилич Арслон шанига дебдурлар. Мазмуни будур.

### Назм :

*Ҳизабр ким, оти Қилич Арслон,  
Ани кўрган эл дер чу шери жаён.  
Қўлини узатса кўк узра агар,  
Кавокиб тўқулур эди саросар.  
Кишига агар зарра аччиғ этар,  
Нафсида олиб, аждаҳодек ютар.  
Билинг, жанг аро кирса йўлбарс каби,  
Кўрунмас эди анга ўнг ва чаби.  
Агар наъра тортиб, қилинса масоф,  
Эшитса, ҳалокат топар эрди Қоф.  
Дей, ҳар кокили бир каманд боло,  
Яна тора мўйини бир аждаҳо.  
Жиҳод бешасида бўлуб шердек,  
Қилиб шерларни қора ердек.  
Денгизда наҳанг, даштда қоплон дегил.*

*Кўзини кийик, ўзин арслон дегил.  
Қошини қилич де, мижджа чун ҳаданг,  
Юзи тўлғон ойдек, ўзи шўху шанг.  
Анга эл чу парвона ул сирож,  
Ҳалоку наждоду Темучин натож.  
Баҳодурлиқи эрди Рустам мисол,  
Топубдур бу ўғулни дунёи Зол.*

Алқисса, ул кеча Соҳибқирон кўрдик, тоғдин тош юмаланиб тушубдур, оғирлики пуққа яқин келур. Амир секин они кўтариб йўлбарсни қуйруғини устига қўйди. Йўлбарс қуйруғин тортиб ололмай нола қилди. Қилич Арслон туруб тошни бир чаккага олиб ташлади, яна жойига борди. Йўлбарс бу ишга кина қилиб, Амир мулозимларидин бирини пора қилди. Амир, филҳол, ул йўлбарсни икки бўлуб ташлади. Тонг отқондин сўнг, Қилич Арслон кўрсаким, йўлбарс ҳалок бўлубдур. Айди, бу ишни ким қилди? Соҳибқирон «мен қилдим» дедилар. Ул айди, нечук мундай қилдинг? Амир айди, мени йўлдошимни нобуд қилди, мен ани ўлдурдум. Онаси, бу кишини келганини воқеаси бор, деб қасам бердилар. Амир лоилож ўзини билдурди. Филҳол, Қилич Арслон аслаҳа-яроғларини тоқинуб, найзасини қўлига олиб, Амир ҳам мусаллиҳ бўлуб, отларига минуб, икки тарафдин шавқун солиб, бирдан найзабозлиқ қилиб, Амирга найза солди. Амир чап бериб, найза солиб эрди, орқасидин яна солди, мулозимлар фарёд қилдилар. Ҳозир бўл деб. Амир отин ёлига ёпушти, найза бориб тошқа тегиб, икки қориш ботти, яна тортиб олиб, найза солди. Амир найзани ўтқузуб, қилич солди, ёсига тегиб, боғидин узилди. Яна Амирга Қилич Арслон қилич солди, Амир саросима бўлуб, шошиб бу ҳам қилич солди. Бир-бирига тегиб, қиличи иккови ҳам синди. Онаси муни кўруб, айди: эй яратган танғрим, сенга сизиндим, ўғлумни ўзунгга тобшурдум, бу сифатда талошмоқни кўрғоним йўқ, ўзинг обрў бергил деб муножотда эрди, бу икковлари бир-бирини сиқишуб, яқосидин ушлашиб, силтошиб эрдилар. Қилич Арслонни оти тоб келтуролмай, йиқилуб бўйни синди, таноси отни остида қолди (Амир хоҳладик Қилич Арслонни боғласа), бир силкитуб отини жасадини ўн қадам ерга юборди. Амир айди:

Б а й т :

*Ким жаҳонда кўб кўруб неча баҳодур, паҳлавон,  
Бу ўғулдек кўрмадим ҳеч паҳлавон то бу замон.*

Сўнгра Амирни белидин тутуб, икковлари яёвлиқ ҳолда толошқа муқаййид бўлдилар. Лекин Амирни бир қўлу бир оёғлари андак нокор эрди. Шундоқ ҳам бўлса, кеч вақтигача талош қилдилар. Амирни ҳоли зиклиқга қолиб, хоҷам Баҳовуддинни кўнгулуга олиб, илтижода бўлдилар. Бу байтни айдилар:

Назм:

*Қўлум олинг, ё пирим, менда қувват қолмади,  
Йўлга солинг, ё пирим, менда ғайрат қолмади.*

Соҳибқирон пирларни йўқлаб, анда дедилар:

*Назар айланг, ё пирим менда ҳиммат қолмади.*

Филҳол, Нақшбанд пиримга аён бўлуб, икковини бориб қўлтуғидин олиб, ер узра оттилар. Амир йиқилдим деб гумон қилса, Қилич Арслонни кўкси узра ўлтурубдур. Фарёд қилиб онасини чақирди. Онаси боласига қараб югуруб борур эрди, ул тўққуз мулозим йўлини тўсиб, юбормадилар. Шундоқ бўлса ҳам ҳар бирини ҳар ёнға отиб тошлаб борур эрди. Шул вақт узра карнай товуши келиб, Иноқтоз икки минг киши бирла етиб, хизмати Амирга келди. Андин кейин Қилич Арслонни Иноқ қўлини боғладилар, онаси муни кўруб, Соҳибқирон қошига келиб айди. Эй Амир Темур афандим, ўғлумга насиҳат қилинг, сизни хизматингизда бўлсун, зероки, икковингиз бир авлоддин бўлурсиз. Анда Қилич Арслон қабул қилиб, Амирга байъат қилди. Соҳибқирон анга либос кийдуруб, меҳрибонлиқ қилиб, анга баҳодурлиқ ўрнин бериб, мирғазаб қилдилар. Кўрунуш хонада дангал нишин бўлди. Мангу қўлида қиличи яланг эрди. Амир Соҳибқирон ҳар кишига ғазаб қилса, филҳол, ани қалам қилур эрди. Андин сўнг Машҳадга мутаважжих бўлдилар.

## БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОНГА МАШҲАД ФАТҲ БЎЛУБ, ҚИЛИЧ АРСЛОН БИСТОМГА, ШОҲРУҲ ТЎРА САБЗАВОРГА БОРГОНИНИ БАЕНИ

Аммо дерларким, Машҳади муқаддасани чун имом Али Мусо Ризонинг қабри мутаббаруكلари анда эрди. Алқисса, мулки Ҳирот, Қандаҳор ва Ғазна, булар барчаси мусахҳара бўлди. Аммо бир тоифа сарбадорон деган эл чиқиб, шайх Ҳасан Жуворий аларни пири эрди. Машҳад ичра муридлари била хуруж қилиб, Бистом ва Сабзавор ва неча шаҳарларни мусахҳара қилиб эрдилар. Ул шайхнинг икки ўғли бор эрди, бири Алибек ва бири Валибек эрди. Бистомга Алибекни, Сабзаворга Валибекни ҳоким қилди. Шайх ўз отига сикка қилдуруб, пойтахти Машҳад ичра эрди. Ровий айтурким, Абу Саъидхон ўлгандин сўнг, ўттиз йилгача мамлакатлар андоғ безобита бўлдиким, ҳар кишига андақ қувват бўлса, подшоҳлиқ даъво қила бошлади. Давлати Темурий қуёшдек тулуъ қилғоч, барчалари юлдуз каби музмаҳил бўлдилар. Бу тоифаларни на учун Сарбадорон дерларким, ҳар вақт қайси жойга хуруж қилсалар салла ва жомаларини дорга осиб қўёрдилар, ишорат шул эрдиким, қайси биримиз қўлларингга тушсак, бошимизни жома каби ос, ихтиёринг нима бўлса, қилғил. Анда Соҳибқирон



Донишмандбекни Бистом ва Дамгон ва Астрабодга юборди, Мирзо Шохруҳни Сабзаворга юбордилар. Ўзлари Машҳад сариға юзландилар. Аммо Донишмандбек кечаси бирла юруб, ярим кечада Бистом ёқосига етиб, бир кишини топиб келтурдилар. Ул айди, Алибек боғида ишрат узрадур, деди. Филҳол, келиб мастлик ҳолида тутуб, боғладилар. Бистом ўшал кеча фатҳ бўлди. Андин Дамгонга бордилар. Ул шаҳр одамлари итоат қилдилар. Астрабодни ҳам олиб, Сарахс йўли бирла Машҳадга қайтиб келдилар. Аммо Мирзо Шохруҳ тўра Сабзаворга бориб, Валибек эшитиб, отлануб чиқиб, жангга муқаййид бўлдилар, акнун, ғолиб келиб, одамлар қочиб, Сабзаворни фатҳ айлаб, Валибекни қўлга тушуруб, иккала оға-инини Амир хизматиға келтурдилар. Икковин Амир Шохруҳга тобшуруб, бир-бириға қўшулмасун дедилар. Машҳадни қамаб эрдилар, Валибек тўраға илтижо қилди, қардошимни кўрайин, деб. Тўра икковини бир ерга келтурди. Иккиси пинҳон кенгаш қилиб, икки минг асир бўлгон аскар била мирзога арз қилдилар, нима қилди, отамиз қилди, бизларда ғуноҳ йўқ, ёзуқимиздин ўтунг, бизлар сизларни жиловингизда бўлуб, қилич урайлук деб қасам ичтилар. Тўра келиб отасидин шафеъ бўлуб, тилади. Амир ҳарчанд манъ қилдилар, тўра буларга кафил бўлуб, чодир бериб, икки минг кишини банддин чиқориб, либослар марҳамат қилиб эрди. Алар отасига ёшурун нома юборди, фалон кеча, фалон мавзеъда тайёр бўлуб турурмиз, деб. Эшитуб, шайх, филҳол, хат қилиб, асонинг ичига солиб бир кишидин бериб юборди. Ул Иноқ навкарларига дуч келди, бири бир урди, ул ҳам асони кўтариб урай деса, асо синуб, ичидин хат зоҳир бўлди. Хатни Иноқга келтуруб бердилар. Иноқ Амирга маълум қилди. Амир Шохруҳни чақириб, хатни кўрсатти. Айди, эй ўғлум, хатингиз келибдур, фалон кеча тайёр бўлурсиз?! Тўра изза тортиб, кўб уёлди. Айди, эй отажон, мен қайдин билойин булар макрини?! Соҳибқирон табассум қилиб айди: Эй ўғлум, албатта, дўст ким, душман ким, эл ким, ёв ким, муни фарқ қилинг. Амир буюрдики, Алибек, Валибекни икки минг кишиси била боғладилар.

Алқисса, Алибек отасига нома юбориб, келинг деб таъйин қилгон кунни кечқурун нома келтургон кишиға бош-оёғ хилъат бериб, шайх беадад сарбадорон била шаҳар дарвозасидин чиқа бошладилар. Бул тарафда Амир булардин огоҳ бўлуб аскарларини бир ёқога олиб, беркитуб турдилар. Шайхни қўшунни барчаси тожик эрди, буларни чаккасидин мол-амволларини олиб, отларига юклаб, бир тарафдин карнай тортиб кела берди. Филҳол Амирни қўшунлари тўрт бўлунуб, тўрт тарафдин карнай товуши чиқиб эрди, шайх ўз ўғулларим деб ақида қилди, кўрсаким, Амир Темур аскаридур, ўғлидин ном-нишон йўқ. Филҳол, сарбадорон қоча бошладди, шайх ўзи яёв қолиб, Машҳад ичра қочиб кирди, орқасидин Амир Темур аскари била қувлаб кируб, андоқ хангомалар бўлдики, кўб одамлар жасад шаҳристонидин адам чўлистониға юз қўйдилар деган била сифати адо бўлмас. Шайх келиб Имом Али Мусо Ризонинг қабри шарифларига беркинди. Ҳар киши ул зоти боборакат равзаи мутаббарукларига кириб, чиқмасдин илгари мақсудиға етар эрди.

Баъзи ўзбак беодобона бориб, филҳол, бўйни узилди. Уч кунгача шайх анда бўлди. Бир кеча тушида юзи узра қизил лунги эрди, қазодин бир ўқоб учуб келиб, лунгини гўшт хаёл қилиб, анинг юзини жароҳат қилди. Шайх ушбу алам била вафот тобти, ўшал ерга дафн этилар. Икки ўғлини отасини орқасидин адам саҳросига юбориб, икки мингга яқин қавмини ҳам қатл айладилар. Алар ҳам адам биёбониға кетти. Ул қиш Машҳад ичра туруб, баҳорға Нишопурға юзландилар. Ул вилоятлар шоҳ Шужоъға тааллуқ эрди, ул Ол Музаффардин бўлур.

## БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН ЎҒЛИ УМАРШАЙХ ТўРА ШОҲ, ШУЖОЪҒА ЭЛЧИ БўЛУБ БОРҒОНИНИ БАЕНИ

Аммо шул вақт узра хабар келдики, шоҳ Шужоъдин элчи келди, деб. Ул элчи хожа Абдурахмон ибн хожа Абдулқодирким, таърих китобларни тасниф қилғон, яна ҳазрат амир Ҳамзаи соҳибқирон, яъни ум расул акром соллоллоҳу алайҳи васаллам қиссаларин тасниф ила тасҳиҳ қилғон эрдилар. Ул киши кўб фозил эрди. Шоҳ Шужоъ хизматида турур эрдилар. Аммо дерларким, шоҳ Шужоъ қардоши Маҳмуд шоҳ вафоти вақтида бу рубойни шоҳ Шужоъ хизматиға ёзиб юбориб эрди.

Байт:

*Эй шоҳ Шужоъ, давлат манику бўлур, дема,  
Маҳмуд, ворис ўлмоғим ушбу бўлур, дема.  
Келдинг жаҳонға икки кун, уч кун туруб яна  
Мулки адамға бормоғим обрў бўлур, дема.*

Жавоби шоҳ Шужоъ.

Рубой:

*Маҳмуд биродарим мани шоҳлиқда шер эрди,  
Мулким олиб, яна манга кинлиқда дер эди:  
Олсам томоми мулкени етмай муродиға,  
Мен ер юзида тахт узра, ул тахти ер эди.*

Алқисса, анда Амир олтмиш шиғовулға тобшурди. Келғондин сўнг хожани элчихонаға келтурдилар. Ўн кундин сўнг кўрунунш қилдилар зероки мунда кишваркушолиқни ораста қилиб эрдилар. Анда хожа Абдурахмон номани чиқариб Амир Соҳибқиронға бердилар. Ўқуб кўрсалар ёзибдурки, «ана Жалал ид дини Абул-л-фавориси шаҳи Шужоъу хаза—л мазкуру иншоъа китобати ҳува-лаҳи улқаййуму ло илаҳа иллаҳа ҳува-л ҳакимув ва илаҳа тур жаъвуна мамлакат паноҳ маъдалат шиор, макрамаат осор, бузурги комгор, гардун иқтидор, шаҳвори адл, аҳсон жобира замин ва замон, иноят мулки дайён қутб ал ҳақ ва ад-дунё вад-дин саййид Амир Темур кўрагон халлада оллоҳу мулкау ва салтанату нома тамом, вассалом.» Кейниға ушбу қитъани ёзиб деддики:

## Қитъа:

*Абул фавориси даврон, манам Шужоъи замон.  
Ки наъли маркаби ман тожи Қайсар эрди ҳамон.  
Оталар ўтти жаҳондин, ки бизни навбатимиз,  
Бирин-бирин ўтамиз, қўймағай бу Зол жаҳон.*

## Иккинчи қитъа бу эрдик:

*Бўйнуи қўёй нечун жафои замонаға,  
Заҳматни тортибон неча бир иш баҳонаға.  
Денгиз, тоғини кўрдиму не кўрмадим ва лек,  
Семурғдек парим кўйуб неча ошёнаға.  
Кўйдум мурод учун оёғ гардун узраким,  
Домиға кўб илиндилар албатта чу донаға.*

Амир Соҳибқирон муни англаб, айдилар: кошки шоир бўлсам эрди, буларға жавоб айтур эрдим. Умаршайх тўра ер ўпуб, жавобға мутасадди бўлди. Амир Соҳибқирон элчиға жавоб бериб айдилар, биз ҳам нома юборурмиз, қитъаларига жавоб берурмиз. Яна элчи хожаға бош-оёғ либос бердилар. Хожа Абдурахмон шоҳ Шужоъ сарига ёндилар. Умаршайх номани иншо қилиб, ўшул икки қитъаға жавоб айди. Амир Темур айдилар, ўзинг элчи бўлуб борурсан. Онларға дегилким, отам сизға айтадурлар, аларни ота-бобоси бизларни ота-бобомизға мулозим бўлуб ўтганлар, яна сўзим шулки, қачонки ул шаҳрға бординг, кўриниш қилғайсан, қуфл урулгон бир қутини печотлаб бердилар, муни олиб бориб шоҳ Шужоъға бергил, деб.

Алқисса, Мирза Умаршайх тўра фотиҳа олиб, Машҳаддин Шероз жонибиға элчилик расми била бориб, Қалот қалъасига яқин еттилар. Анда одамлар Мирзо Умаршайх тўраға айдилар, бу қалъада Рустам бек Бобул, шоҳ Исмоил Сомонийни авлодидиндур, мунда беш юз уйлук одам бор, ушбугина фуқароға подшоҳлик қилиб, хутба ва сиккани ўз отиға қилғондур. Мунга ҳеч кимни кучи етмайду. Мирзо Умаршайх тўра ҳайрон бўлди. Муни нима илож қилишини билмади. Андин кейин айдилар, кечаси бўйла борурмиз. Андин кейин Умаршайх тўра кечаси бораверди. Қазора, Рустамбек дарвозанинг кунгираси узра лўли бача бирла чағир ичиб ўлтурур эрди, ногоҳ саҳро тарафдин ёввойи эшак лўли бачани кўзиға кўрунди. Филҳол, отға миниб, ўшул эшакни олмоқға ўқёсини қўлиға олиб, даштға юзланди. Ярим кеча эрдиким, Мирзо Умаршайх тўра муқобилиға келиб қолди, ани ушладилар. Отини сўраб эрдилар, отим Рустамбек, деди. Ани ўлдуруб, шаҳрни дарвозасига келдилар. Дарвозани олдида бир одам турубти, Мирзо Умаршайх тўра «ким бўлурсан» дедилар. Ул айди, «Рустамбек подшоҳ бўлурман», деб ўзини билдурди. Тўра Рустамбекни тутуб ўлдурди ва ҳам саркарда ва дарвозабонларни шаҳид қилди. Андин кейин калъани бузуб кириб, фуқароларни кўчуруб Машҳадға юбордилар. Инданкейин Мирзо Умаршайх тўра Нишонур ва

Исфиҳондин ўтуб, Шерозга яқин етилар. Амир Соҳибқирон ўғлини қилгон ишини эшитиб таҳсин ва офарин қилдилар. Анда шоҳ Шужоъ элчиларни келганини эшитиб, олдига одам юбориб, меҳмонхонага таклиф қилди. Анда Мирзо Умаршайх тўра келгон мулозимга айди, мен маъмурдурман, ушбу замон кўрунуш қилгайман. Мулозим бориб, шоҳ Шужоъга айди, шоҳ қабул қилмади, қайтиб келиб Мирзо Умаршайх тўрага айди, қирқ кундин кейин бекимизга кўрунуш бергайсан. Андин кейин Мирзо Умаршайх тўрани аччиғи келиб, келган мулозимни бир уруб қалам қилди. Кейин номани Чингизхон элчиларини расмига ўхшатиб, номани бошига қўйуб, баргоҳга борди. Айди, шоҳ Шужоъ чиққайму ё ўзим ҳарамга кирайму? Бул сўзни шоҳ Шужоъ эшитиб айдик, олдига чиқарман, мабода ҳарба қилмасун. Мирзо Умаршайх тўра, «ҳарба қилмагайман», деди.

Соатидин кейин шоҳ Шужоъ ҳарамдин чиқиб, тахт узра келиб ўлтурди. Мирзо Умаршайх тўра келиб салом қилди. Андин кейин айди, эй шоҳим бизни подшоҳимиз сизга нома била қўб-қўб сўзлар деди. Шоҳ Шужоъ надимларидин бири айди, ҳар сўз бўлса, лозимким, билдурсанг. Филҳол таъзим била тўра бошидин олиб шоҳ Шужоъга узотти. Шоҳ Шужоъдин илгари вазири хоҳласаким, қўлига олиб шоҳга берса. Мирзо Умаршайх тўра шоҳ Шужоъни ўз қўлига олиб бориб берди. Айди, эй тақсир, афандим, балким, номани жаҳрийя ўқунг. Андин кейин подшоҳ овозини чиқориб ўқиди. Ҳамд била наътдин кейин айтибдурким, калом ва салом айн Абдулло, яъни яратган қулидин сўзум шулки, ҳукми шарият бирла бу мамлакатлар манга мероси ҳалолдур, сенинг бобонг Муҳаммад Музаффар бизни бобомиз Абу Саъидхонга навқар эрди. Алар ўлгандин кейин сани отанг даъвои подшоҳлиқ қилибдур, холо, бу мулкларни манга берғил. Бу мамлакатларга ман мустаҳиқдурман. Иккинчи нома ёзибдурким, салом биздин ўшул шоҳ Шужоъ ва ул Хисрави ғардунпаноҳ, ўшул молик мулки фиқоб ва ул шоҳи ноёб ва ул тўти хуш мақол давлат фалакида ҳилол, ўшул молики мулки, жаҳон ва ул анодили бўстон ва ул подшоҳ Абулфаворис Жалолиддин шоҳ Шужоъга сўзимиз шулким, бу қитъани деган эканлар.

Қ и т ъ а :

*Абулфавориси даврон манам, Шужоъи замон,  
Ки наъли маркаби ман тожи Қайсар эрди ҳамон.  
Оталар ўтти жаҳондин ки бизни навбатимиз.  
Бирин-бирин ўтамиз, қўймагай бу Зол жаҳон.*

Анга жавобга мунни деди.

Қ и т ъ а :

*Ўзунга мунча сйфат қўйма, эй улус шоҳи,  
Жаҳондин ўтти Каёнийлар бори, тутуб роҳи.*

*Жаҳон улуғлари, фозиллар ила донолар—  
Бори бирин-бирин ўтти, сан ўлғил огоҳи.*

Иккинчи қитъа:

*Бўйним қўёй нечун жафои замонаға,  
Заҳматни тортибон неча бир иш баҳонаға.  
Денгиз, тоғини кўрдиму не кўрмадим валеқ,  
Семурғдер парим куйуб неча ошёнаға,  
Қўйдум мурод учун оёғ гардун узраким,  
Домиға кўб илиндилар албатта чу донаға.*

Мунинг жавобиға бу газални айди:

Қитъа:

*Кўрсанг жаҳон жафосини фикр ила қўй бўйин,  
Тонгла келурни ўйласанг, фикр айла, қўй ўйин.  
Денгиз, тоғни кўрмадинг сен, кўрдугунг ўрин.  
Семурғдек куйуб қанот, аъзоларинг, кўйин,  
Бу куйганингиз демагил тонгла бўлуб иссиғ,  
Бош қайкағай, оёғ куйуб, тер оқса ҳар мўйин.*

Яна байт:

*Эрон бирла Туронни демангиз тенг,  
Эрондин бир эрур, Турондин минг.*

Мунинг маъниси шулким, Эрондин бир киши ишни жойиға келтургунча, Турондин минг киши ишни юзаға чиқарадур. Шоҳ мунинг фасоҳотиға ҳайрон бўлди. Умаршайх тўра, филҳол, Соҳибқирон берган кутини қўлтуғидин олиб, шоҳға берди. Шоҳ Шужоъ очиб кўрсаким, бир қабза туфроқ бирла неча тола соқол оқидур. Ишорат шунгаким, оқаргон соқолинг туфроқға қўшулғай, нечукким, шоҳ қари киши эрди. Шоҳ айди, бу юртларни мани оталарим зўр бирла олгондур, ҳар ким олса, зўр бирла олур. Жавоби шул бўлди. Сўнгра бош-оёғ либослар берди. Умаршайх либосни ўшал замон шоҳ назарида ясовулларни бириға берди. Ул куни Мирзо Умаршайх тўра ражъат қилди, бу каби ишни ҳеч элчи қилгон эмас. Аммо шоҳ Шужоъ мутшоъи эрдиким қирқ йилғача ҳеч киши шароб, чоғирни билмадилар. Ўғуллар оталаридин сўрардиким, шароб қандай нарса деб. Аммо Умаршайх тўра отасини қошиға Машҳад узра келди, ўтган воқеани баён қилди, беклар таҳсин қилуб, Амир Соҳибқиронға айдилар, эй Соҳибқирон афандим, не учун ўзга кишини элчиликға юбормассиз? Амир айдилар, ҳар нима бўлса, ўғлум бўлсун, ўзгаға офат етмасун.

БУ ДОСТОНДА АМИР СОҲИБҚИРОН САЙИИД  
УЛ ҲОҚОН ЯЪНИ ИСҚАНДАРИ  
СОНИЙ АМИР ТЕМУР КЎРАҒОННИ  
ЗАҲАР ИЧГАНЛАРИ ВА  
НИШОПУР ЕҚАСИНДА ЧИҒАТОЙ  
СИПОҲЛАРИ МАЖРУҲ БЎЛУБ,  
МАВР ОТЛИҒ ШАҲРҒА ҚАМАЛҒОНЛАРИНИ  
БАЁНИ

Аммо Умаршайх тўра элчилик қилуб, қайтуб келуб эрди. Андин кейин шоҳ Шужоъ Меҳдаб Лўр отлиғ баҳодурға икки юз минг кишини қўшуб, Нишопурға юборди. Ул Меҳдаб Лўр Малук говпора наслиндин эрди. Анға бир совут ҳазрат Али, карам олло важиҳ<sup>1</sup>, афандимиздин ёдгорлиқ қолиб эрди. Кийганда милтиқ таъсир қилмас эрди. Алқисса, Соҳибқирон Машҳадға бировни валий қилуб ўзлари аркани давлат бирла Нишопур сариға юзландилар. Шаҳрға яқин етгач, Нишопур ҳокими шаҳрни ташлаб қочти. Анда шайх Саъид Атторким, ҳазрат шайх Аттор валини набиралари эрди. Нишопур одамлари шайхға келуб, шафеъ бўлунг, дедилар. Нечунким, Нишопур элиндин етти лак танга асокир мададиға талаб қилуб эрди. Шайх Амирни кўргали келди. Амир шайхға туруб салом берди. Шайх элга шафеъ бўлди, Амир айдилар, эй шайх афандим, сизға бу ишни нима кераги бор, деб. Шайх сўзини қулоқға олмади. Шул ҳолда хабар келдиким, Меҳдаб Лўр ботир яқин етти, деб. Мирзо Шохруҳ тўра, қирқ минг киши анинг қошиға жанг қилғоли бормоқ бўлди. Амир айди, эй ўғлум, алар жангга муқаййид бўлмагунча гар зафар тобсанг, аларға омон бергил. Андин кейин Мирзо Шохруҳ тўрани Мозандарон узра ашраф пойтахтиға эллик минг кишини рафиқ қилуб юбормоқ бўлдилар. Айдилар, эй нуридийдам, зинҳор боғ-бўстонларни вайрон қилмагил, ёш бачалар қўлга тушса, асир қилмагил, авратлар қўлга келса, асокирға айтгил, фасод қилмасунлар, шароб ичмагил, кўб ухламагил.

Сўнгра иккала тўра жўнаб кеттилар. Умаршайх отаси қошинда қолди. Андин сўнг, Амир хотириға келдиким, шайх Саъид шафоат учун манга келуб, хафа бўлуб, қайтти, деб шайх Аттор валининг қабри шарифлариға зиёратға бордилар. Шайх кўнглида кинаси бор эрди, Амирни зиёфат қилмоқ бўлуб, сут ичра оғу солиб берди. Амир ичтилар, сўнгра билдиларки, оғу экан. Элга билдурмай, тахаммул бирла ўлтурдилар. Шайх, берган захрим таъсир қилмади, деб иштибоҳда қолди. Аммо шайх қўрққонидин ҳаргиз сўзлаёлмади. Амир ҳарамға қайтуб келуб, ҳеч кишиға маълум қилмай, Иноқ бирла Умаршайх тўрани келтуруб, сирларини баён қилдилар. Икковлари йиғлади. Умаро, бекларни бир-бир талаб қилдилар. Ўз ўрниға оид бўлди. Ноғоҳ шуҳрат бўлдиким, Амир Темур оғу ичибдур деб. Ғаламуслар эшитуб, кечи била Нишопур бозорини талон қилдилар. Сўнгра шайх, Амир Темурға мен оғу бердим, деб

<sup>1</sup>Оллоҳ ўз висоли ила уни муқаррам қилсин.

маълум қилди. Соҳибқирон сипоҳлари эшитуб, шайхни бориб  
ғорат қилдилар. Ул кеча Нишопурга одамлар бир кишини ҳоким  
муқаррар қилдилар. Ул кеча Соҳибқирон қўшунлари ҳар тарафга  
тарқалиб кетаверди. Нишопур одамлари қайу ерда бўлса топиб  
келтуруб ўлдиравердилар. Ул кеча яна таажжуб ёмғурлар ёга  
бошлади. Умаршайх тўра кўб эл ва улус бирла Соҳибқиронни  
атрофини олиб тўхтадилар. Ёмғур босилгач, бир тарафдин машъал  
кўрунди, гумон қилдиларким, ёв келди, деб. Аммо Соҳибқирон  
ўзларидин дам-бадам кетиб қолур эрдилар. Умаршайх тўра бориб  
кўрунган машъални йўлин тўсди. Кўрдиким, кўнғироқ бирла  
қачир келадур. Вақти бўлуб, карнай торттилар, не аҳволи маълум  
бўлмади. Ахир, Умаршайх тўра айди, сиз қандай кишисиз, даъвойи  
жанг қилурмусиз? Яқин етгач, кўрдиким, алар бошлуги оқсоқолли  
киши. Умаршайх тўрадин сўради, сизлар қандай киши? Бу айди,  
Соҳибқирон аскариндин бўлурмиз. Ул киши айди, Соҳибқирон  
тирикму ё ўлукму? Умаршайх тўра, Соҳибқиронга нима бўлубдур,  
деди. Яна ул киши айди, мен хожа Муҳаммад Порсо-хожам  
Баҳовуддин муридларидин бўлурман, ул зот менга деб эрдилар,  
Амир Темур қошига борғил, анга муҳолифлар оғу берадур, ушбу  
пойтобамни анга берғил, сувга ювуб, ичсун, оғу ондин кўтарилгай  
дедилар. Анда Амир қошига келдилар, булар Мовароуннаҳр  
қофиласи эрдилар, карнай чалгонлари сабаби ҳарифни хавфидин  
эрди. Сўнгра Нақшбанд берган лўнғиларини бердилар, андин ипор  
иси келур, сувга чойуб Амирга ичурдилар. Оғу Соҳибқирон  
тирноғларигича таъсир қилгон эрди. Рутубатни ўпка, бағир ва  
талог ва аҳшолардин кўтарди. Филҳол, Амирни андак кўзи очилди.  
Тонгласи хожа Муҳаммад Порсонини қофила жамоаси била Амир  
талаб қилдилар. Аларга айдилар, агар Нишопурга кирсанғиз,  
одамларга биздин гафурманг, биз ўзимизни тайёр қилуб, иншо-  
оллоҳи таола, ёв қошига борурмиз деб. Хожа бирла қофилани  
жўнаттилар. Амир аскарларидин бир нечаси биёбонларда адашиб,  
чўлдин-чўл кезуб, алъаташ шавқунлари асокирдин чиқуб, Марвга  
яқин бордилар. Сувсоғонларидин лаблари қуруб, тиллари оғзига  
сигмай ўлмакка яқин етуб, Амир ҳам тахтиравон бирла ушбу  
қўшун орқасидин ахтариб ушбу ерда топуштилар. Анда Амир бир  
мавзеъни кўрдилар, яшнаб ўт кўрунур, неча чумчуқлар чулдираб,  
учуб-қўнуб турурлар. Андин ўзга ерда кўқарган дарахт йўқ. Соҳиб-  
қирон буюруб, ани кавладилар. Бир тахта тош кўрунди. Тошни  
олиб эрдилар, остидин сув чиқти, барчалари ичуб, мамнун  
бўлдилар. Мавлоно Шароф Яздий дерларким, Чинғизхон вақтинда  
ул булоғни анинг амри била беркитуб қўйгон эрдилар. Ул ерда  
Марв эски шаҳар эрди, Чинғизхон хароб қилуб, кўрғонлари баъзи  
ери бузулуб, баъзи жойлари бутун эрди. Дерларким, Мирзо  
Шоҳруҳ тўра Соҳибқирон вафотидин кейин салтанат тахтига  
ўлтургон вақтида ани обод қилуб эрди. Алқисса, Соҳибқирон  
асокир бирла анга кируб, қарор олдилар. Булар мунда турсун, амди  
сўзни Мирзо Шоҳруҳ тўрадин эшитунг. Мирзо Шоҳруҳ тўра аскар  
бирла бир тоғни бағридин келуб, Меҳдаб муқобилига кўрунуб  
қолди. Уч кунгача иккала сипоҳ саф боғладилар. Хануз иккала

кўшунлар ҳарба қилғонлари йўқ эрди. Овоза бўлуб эшитилдиким, Амир Темурға оғу берибдулар деб. Ушул вақт сафар оий, чаҳоршанба кунни эрди. Тўра ҳайрат бармоғин тишлади, аскарни мушавваш бўлуб, бир мавзеъни жой қилуб, қарор олдилар. Хабарни арожиф келуб, яъни тайини йўқ сўз эшитилуб, Меҳдаб Лўрни қулоқига, муҳолифлардин Амир Темур ўлди, деб хабар етти, аскарини олиб бирдан жангга кирди. Мирзони аскарни андоғ қирилдиким, қонлар жилға-жилға бўлуб оқаверди, ажал деҳқони жасад фалақиндин калда ҳандалақини узуб, фалокат аравосига ортаверди. Бошлар сой тошларидек бўлуб, жасадлар ханнот қофидек тўда-тўда тўфлануб қолаверди. Қазо вагончиси адам релига бу юқларни солаверди. Андоғ жанг бўлдиким, тўра қўлинда қилич, ярим кечағача ёлғуз ўзи қолди. Охир, кўрдиким, қочмоқдин ўзга илож йўқтур, ёв кўб бўлуб голиб бўлса, қочмоғлуқ баҳодурлиқдин, деб тўра бир тарафга уруб кетти. Тонг отғоч, туркмон элига еттилар. Аларни улуғи Салимбек эрди, тўрадин сўрди, ким бўлурсан? Тўра айди, Меҳдаб Лўр сипоҳисидин бўлурман, жангдин келурман. Анда тўрани узукунда отини ёзуқлу кўруб, уйқусинда бойлаб, тонгласи отқа ортиб, шоҳ Шужоъ қошига юбормоқ бўлди.

Аммо тўранинг аскарини барчаси ҳалок бўлуб эрди. Ушул йилда мунажжимлар ҳам айтиб эрдиким, сичқон йили туғилғон бу йил наҳс деб. Соҳибқирон қабул қилмаб эрди. Андин кейин Меҳдаб Лўр Нишопурға келди. Эшиттиким, шайх ва ўзга одамларни молини Амир темур олибдур деб. Ул ҳам Нишопурдин ахча талаб қилуб айди, Амир Темурға эл бўлуб, мол берурсиз, менга ҳам бергайсиз, бўлмаса барчингизни қатли ом қилурман. Анда баъзилари Соҳибқиронға бериб эрдилар, яна баъзилари Меҳдаб Лўрға бердилар. Ул йил Нишопур элига кўб таажжуб зулмлар бўлди. Аммо қофила бошини чорлаб, Соҳибқирон воқеасини сўради. Алар айди, хабаримиз йўқ. Буюрди, амволи қофилаларни талон қилуб олдилар. Мамсуклардин бири айди, менга мол берсанг, Амир Темур хабарини айтурман, деди. Марв сариға кетгандур, деди. Ул мамсукни ҳам молини олуб, хожа Муҳаммад Порсонини зиндонға солуб, Амир жонибға, марвға етуб келди. Соҳибқирон ҳануз шифои комил тобқон йўқ эрди. Меҳдаб Лўр аскарни икки юзга яқин эрди, атрофни ўраб олди. Киши кирғузди, айди: Амир Темур мени олдимға чиқсун, мен онинг гуноҳини шоҳ Шужоъдин тилайин, деди. Соҳибқирон қирқ кун муҳлат сўрадилар, ул қабул қилмай, ҳар кун жангга талаб бўлур эрди, Қирқ кундин кейин Амир шифо топти, амир Чокунини юбордилар сулҳ қилайлук деб. Меҳдаб Лўр қабул қилди. Лекин кўнглида андақ макри бор эрди. Амир кечаси сипоҳларға айдилар, кимдур жонини қавм учун фидо қилғувчи? Барчаларидин садо чиқмади. Учунчидин кейин амир Муъид орлот туруб, ер ўпди. Амир юз кишини мунда қўйуб, амир Муъид била жўнаб кеттилар. Анда Амир айди, Эй амир Муъид қардошим, сен уч кунғача таваққуф қилғайсан, иншооллоҳ, мен Нишопур бориб, обрў тобқайман. Агар сен ҳам иложини топсанг, қочиб борғайсан, хизматимизда бўлғунгдур, бўлмаса, оллоға топшур-



дум, фи омон олло таъоло, деб юз кишини қўйуб Соҳибқирон ўн минг кишини олиб ярим кечада қочтилар. Суръат бирла учунчи кечаси Нишопур ёқосига келиб туштилар. Қўшунларни бир ерга қўйуб, юз киши бирла дарвоза остига келуб, қўргон узра шоту боғлаб, кент ичра тушуб, дарвозабонни ўлдуруб, бирдан қарнай тортиб, аскар келиб, қатли ом қила бошлади. Қонлар кўча ва ўрамларда оқа бошлади. Неча-неча одамлар вужуд шахристонидин адам чўлистониға юзландилар. Ул йил Нишопурға кўб футур етти. Тонгласи Соҳибқирон тахт узра ўлтурдилар. Минг кишиға яқин ҳалок бўлубдур. Амир Чоку қолгонларни озод қилуб, таъзири имол қилайлук, деди. Бир куни Соҳибқирон кўрдиким, бир хотун отға сув беруб, етаклаб кетуб борур. Ул хотунни эри темурчи эрди. Ани Соҳибқирон келтуруб сўради, нечун хотунинг отға сув берур? Ул айди, сени зулмунгдур. Амир, нечук деди. Темурчи айди, мўғул йигитлариндин бири мени уйимға қочиб кирибдур, хизмат буюрдиким, мени отимға сув бер, деб, мен лоилож хотунимни юбордим. Не учун, мўғул элати соҳиб таадди бўлур, агар мен чиқсам, хотунимға хиёнат қилур ва алар хотунимни олиб чиқсам, уйимға хиёнат қилур деб, ўзум уйда бўлуб, хотунимни сувға чиқордим. Анинг сўзи Соҳибқиронға таъсир қилди, сўнгра аҳд қилдиким, мундин кейин қайси вилоят мусаххара бўлса, шаҳр ичра асокирдин кирғузмайлук деб. Нишопур одамларини озод қилди.

Эмди сўзни амир Муъид бирла Мехдаб Лўр ботирдин эшитмак керак. Аммо Мехдаб Лўр ботир ул эски шаҳр ёқосинда туруб, Соҳибқирон кетганидин хабари йўқ эрди. Ҳар кун киши юборса, амир Муъид, бу кун соати эмас, тонгла кел деб юрди. Ахир, Мехдаб Лўр билдиким, Соҳибқирон йўқтур. Бирдан шавқун солиб, қўргонға ўзини урди. Амир Муъид қўргонни Наҳруҳ ериндин уруб қочти. Мехдаб Лўр ботир қувуб, уруб келаверди. Тўқсон уч киши ҳалок бўлуб, адам саҳросига юз қўйдилар. Етти киши била амир Муъид қочиб Хоразм қумзориға бордилар. Мехдаб Лўр қўшун бирла бул ҳам орқасидин борди. Анда бир тарафдин тутун чиқа берди. Ул ерда бир эски қаср бор эрди. Дерларким, ул қаср хожа Сулаймон Кесардин қолгон эрди. Ул тутун анда бир тош уйдин чиқуб турур. Икки киши ул уйда ўлтурубдур. Булар ани овоз қилуб, қичқурдилар. Иккови овозини чиқормади. Қазора, ўрамда бир минораи қора кўрунди. Билдиларким, аждарҳо турур. Мехдаб Лўр ботир ани рад қилмоқға муқаййид бўлди. Аждаҳо они нафси сулуқига тортти. Яна бир зўр уруб неча кишиларни оти ва яроғи бирла ютуб юборди. Асокир баъзилари қочиб Нишопурға кеттилар. Андин нечалари чўлларда қолиб, сувсаб ҳалок бўлдилар, бул ҳам Амир Темур оқбодидур. Нишопур боргонлар Амир қўлиға асир бўлди. Алардин Соҳибқирон амир Муъидни сўрдилар. Асирлар айди, амир Муъидни ҳарчанд ахтариб тополмадук. Аммо Мехдаб Лўр кўб кишилар бирла аждар комиға кеттилар. Соҳибқирон айди, амир Муъид менға жонин фидо қилуб эрди, иншооллох, умидим тангри таолодин яна они соғ-саломат кўрсам керак.

Алқисса, амир Муъид етти киши бирла Хоразм дашти узра

қумда юруб, бир маконға келдилар. Эшикнинг бўсағасини кўрдиларким, етти филизатдин ясагон. Ул бўсағада амир Або Муслимни болтасини зарб таъсири бор эрди. Ул эшикни Або Муслим қалам қилуб, анда етти жойни вайрон қилгон эрди. Андин бир булог ёқосиға келдилар. Бир ҳовузни кўрдилар. Узра бир тахта тош ёзилгонким, ушбу парилар маконидур, мунда Або Муслим келиб-кетгандур деб. Ул кеча амир Муъид анда туруб, асокир жинларни кўрдиларким, бўйлари қисқа, барчаси рақс қилурлар. Тонғласи андин бир жойға келдилар. Ҳар жойи одамларни кўрдилар, бир ерға жамъ бўлуб, ораларинда бир йигит, рангги тағйир топуб, қорайибдур. Анинг қошинда бир қоғоз, Мироншоҳ тўра ушбу киши деб ёзилгон. Сўнгра тонуб чўлдин ҳовуз ёқосиға келтурдилар, сув бердилар. Мироншоҳ тўра эси ўзиға келди. Андин кейин ҳол сўрашиб, айди: мен Мозандаронға бориб, Ашраф қалъасини фатҳ қилуб эрдим, чоршанба куни овоза бўлдиким, Амир Темур ўлди деб. Ёв бирдан келуб, хужум қилуб, бизларни ўртаға олдилар. Алардин қочиб, бул ерға келдук. Дерларким, ўшал кун Дашти Қипчоқ узра Тўхтамиш хонға хабар етти. Анда хон Мовароуннаҳр томонда асокир йиғдуруб, отланди. Хабари арожиғи яъни беҳуда сўз, таъйини йўқ халқ ичра кўб-кўб эшитилаверди.

Алқисса, амир Муъид Соҳибқирон воқеасини бир-бир баён қилди. Мироншоҳ тўра отасини ҳаётлигин эшитуб кўб суюнуб, хурсанд бўлди. Андин кейин тўра тараддуд қилиб, эллик минг кишидан беш юз кишини тирик топдилар. Кўблари ўлуб ва баъзилари ҳар жонибға қочиб ва нечалари чўлларда сувсаб ҳалок бўлди. Ушул йилинда Нишопур атрофинда Чиғатой аскариндин ҳисобсиз одамлар ўлуб, адам биёбониға юзланди.

Аммо амир Муъид била Мироншоҳ тўра Хоразмға яқин келуб, Нишопурда Соҳибқирон саломатлигин таъйин билдилар. Тўрт ой ўтгандин кейин Соҳибқирон бирла мулоқот бўлдилар. Аммо Мирзо Шохрўхдин асло киши бўлмадиким, хабар топиб келтурса.

Эмди Мирзо Шохрўх тўра воқеасидин эшитмак керак.

## БУ ДОСТОНДА МИРЗО ШОХРЎХ ТЎРА ИБН АМИР ТЕМУР СУЛТОН ЗАЙНОБИДДИН КИМ, ШОХ ШУЖОЪНИНГ УҒЛИДУР, ОНИНГ БИЛА МУЛОҚОТ БЎЛҒОНИНИ БАЕНИ

Алқисса, Муслим бек, туркмонлар улуғи хоҳласаким, Шохрўх тўрани шох Шужоъ қошиға олиб борса. Ул кун ҳаво кўб иссиғ эрди. Борурда йўл узра бир работға кўндилар. Шохрўх тўрани офтоб рўёға қўйуб, ўзлари таом пишурмакға муқаййид бўлдилар. Тўра ҳарчанд нола-зори қилуб, қуёш ҳароратиға тоқат қилолмай йиғлади, ул золимлар қулоқ солмади. Қазора ул ерда чангалистон бор эрди. Ул ердин одам ёввойи бўйи ўн газ, жасади қора, булар қошиға келди. Булар нима иш қилса, ул ҳам қила берди. Салимбек қўлиға ўқ ёсин тайёр қилуб, анга ўқ отмоқға ҳаракат қилди. Ҳамроҳлари манъ қилдилар, қабул қилмади. Ўқ отти, ўқ келиб

одам ёввойисига тегиб эрди, ул бирдан хайқируб шавкун солуб, ирғиб бориб, Салимбекни икки бўлуб, андин йўлдошларини барчасини ҳалок этуб, ул одам ёввойиси ўз маконига ёнди. Тўра ани кўруб тангри иззу Жалға шукр ва сано юборди. Андин ўзини ишқил узра бир ҳила била олиб, ярим кечагача йўл юрди. Бир гўристонга келди. Кўрдиким, соғанада чирог ёниб турур. Андин бир қизни ўлиқини бир йигит олиб қошига қўйуб, ўзи орқаси бирла деворга суяниб, ўлтуруб, зор-зор йиглаб айтур, эй жону жаҳоним, сен ўлик, мен тирик, сенсиз менга тириклик керак эмас. Тўра билдиким, ошиқдур. Аммо, йигит ҳам кўб чиройлик эрди, йиглаб бу назмни дерким:

*Йўлдошим эдинг, бу йўлда, эй моҳ,  
Йўлдошни қўйуб, кетарму ҳамроҳ?<sup>1</sup>  
Бедорлиққа кетурмадинг тоб,  
Шахло кўзинг ўлди майли тоб.  
Тун сан эдинг мани чирогим,  
Раҳм эт, мани кўб юракда доғим.  
Сен мурда бўлуб ер остидасан,  
Ер узра нечук тирик юрай мен?  
Ишқ ўтига ўртаб, куйубман,  
Сенсиз ушбу жондин тўйубман,  
Ўлмак манга яхшидур бу дамдин,  
Тоқат манга қолмади бу ғамдин.  
Кокиллари жонимни тузоғи,  
Бўлдим асир зулфи боғи.*

Алқисса, Шоҳруҳ тўра назар қилиб туруб эрди, ул йигит ўлтурган вақтида қиз бурнидин неча қатра қон томуб, қимирлаб сўзга келди. Ул йигит кўрқуб қочти. Тўра айди, эй йигит қочмагил, маъшуқангдин кўрқмагил. Йигит ҳайратда тўхтади. Тўра айди, келгил, мани бойлуқларимни ешгил, бу қиз ракик сакта дардиға гирифтор бўлгон экан, тангри таоло шифо ато қилди, нечук ошиқ киши маъшукдин кўрқар? Йигит келиб, Шоҳруҳни ешуб, бўшотуб қўйди. Тўра андин сўрдиким, қайдин бўлурсан, деб. Йигит айди, Оҳангарон қариясиндин, ўзум насли Кова оҳангардин бўлурман. Кованинг ўрни Исфиҳондин эрди. Йигит айди, бу қария улуғини қизидур, мани мунга шавку завқим бўлур эрди, қазора мун илди деб эшитиб, тоб-тоқат қилолмай, қабриға келдим, оллоҳ ал ҳамд,<sup>1</sup> эмди мун хаёт тобтим. Андин кейин йигит Шоҳруҳ тўра ном-нишонини сўради. Тўра анга қасам берди, кишиға айтмагил деб. Ул йигит анда қасам ичти. Тўра воқеани анга бир-бир баён қилди. Андин кейин ул йигит тўрани ўз юртиға олиб борди. Арбобға қизини ракик сактадин тирилуб келгани маълум бўлуб, югуруб хурсандлигдин ул йигитға қизини никоҳ қилуб берди. Шоҳруҳ тўра неча кунлар анда бўлди. Иттифоқо, бир кеча тўра Исфиҳон сариға сайрга чиқуб, сахаргача йўл юруб, бир жойға келуб эрди,

<sup>1</sup> Худоба шукр.

икки гүломжўши бир йигитни ариқ ёқосинда йигочга боглаб, бошига арра қўйуб, арраламакда эрди. Ул айди, эй куллар, берган тузимиз андешасини қилуб, манга жафо қилманг, деб нола била йиғлар эрди. Ул йигит хушрўйлиқига : «Темурномаи форси»ни соҳиби хожа Абдуллоҳ Ҳотифий неча байт айтиб эрдилар. Мазмуни булдур:

*Оё, сомий эрсанг сўзумни эшит,  
Оёғ-қўли боғлу гўзал бир йигит.  
Қуёшдек юзи, кўзи чўлфон каби,  
Оқиб ёшлари юзга маржон каби.  
Қошинда икки қул қора ранги бил.  
Қўлга арра олиб икки занги бил.  
Йиғочга боглаб у эрни икков,  
Боши узра арра қўйуб икки ёв  
Анга арра солса чунон Зикриё,  
Йигит йиғлаб айтур эди, ё худо,  
Нажотимни бергил мани бу замон,  
Сигиндим санга, эй худои жаҳон.*

Алқисса, Шохрух тўра анинг ҳолини кўруб, ғайрати келуб, югуруб бориб, бирини яроғи била икки бўлуб эрди, андин кейин бири қочти. Ани ҳам тош била уруб, ҳалок қилди. Аммо йигит ўзинин кетуб, эрди, соатидин кейин эси ўзига келди. Тўра кўрдиким, арра анинг бошини бир шардасига таъсир қилибдур. Шохрух тўра бойлуқларини ешуб, бошини жароҳатини боглаб қўйди. Андин сўрдиким, эй нозанин йигит, ким бўлурсан? Йигит айди, аввал ўзингни айгил, кимдурсан, мани бу ишдин нажот бердинг, тангри таоло санга жазои касир берсун. Тўра кўрқуб жомни томдин ташлағандек бўлмасун деб айтмади. Сан аввал айгил, деди. Ахир, икковлари ҳам айтмади. Аввали шулки, бир-биримизни ҳақиқатимиздин хабардор бўлмайлук, бир-биримизни отимизни билмаганимиз хўб. Аммо айди: бир чаккага борайлук, тонг яқиндур. Тўра айди, ман мусофирман, маконим йўқдур. Ул йигит айди: шул ердаги соғанаи эски ичра ухлаюрман, сан бу кун Исфиҳон ичра бозорга бориб, тошчилар растасига киргил. Анда ибн Имод отлиг бир шоир киши бор. Ўзи кўп бой, ғанидур, тош тарашлаб ўлтурур, анда туруб анинг орқасидин кечқурун ҳовлисига боргил. Анинг эшикига тош била ургил, чиқуб сани ҳар нима ҳақорат қилса, қабул қилгил.

Алқисса, Шохрух тўра йигитни ёрға қўйуб, ўзи Исфиҳон шаҳрига келуб, ани сўроглаб, бозордин топмай, ҳовлисига келуб, эшикени топти. Йигит деганидек, тош била андоғ урдиким, ногоҳ бир киши, соқоли оқ, келуб шиддат била сиёсат қилуб, таёқ била тўрани икки-уч уруб сўнтаклари сингудек бўлди, хохладики. Бул ҳам урса. Лекин йигитни сўзи хотирига келуб, таваққуф қилди. Яна ул қари киши не сабабдин мани эшикимни тош била урурсан деб, қулига буюруб, ҳовлисига олиб кирди. Халқ келуб тўрага шафё бўлдилар, қабул қилмади. Тўра ичкарига кирса қимматбаҳо

нимарсалардин полослар солибдур. Ул қари киши тўраға айди, эй нозанин йигит, маъзур тутғил ҳарна санга дедим. Эмди манга келтурган хабарингни айғил. Тўра анга воқеани бир-бир баён қилди. Қари киши тўранинг отини сўради. Ул йигит била ман иккимиз отимизни бир-биримизга айтмасликға аҳд қилдук. Анда қари киши айди, борғил кечи бирла ани келтурғил, анинг сабабидин иншооллоҳ сен ҳам соҳиби жоҳ бўлғайсан. Андин кейин тўра бориб, ул йигит била ибн Имод уйига келдилар. Анда дафъи ғам учун «Шоҳнома»и Фирдавсийни мутолаа қилдилар. Андин кейин Шоҳруҳ тўра йигитға айди, марҳам бўлса эрди, жароҳатингга қўёр эрдим. Анда тўраға буюрди, бозорга бориб, сабзавор дўкони қайси деб сўрағил, анда бир кўзи кўр, сувар киши бордур, Анинг бирла мусофиҳа қилуб, қўлини сиққил. Ул кишини отлари Мавлоно Табибдур, санга марҳам бергайлар. Андин кейин тўра бозорга бориб, ул сувар кишини топти. Анинг била мусофиҳа қилди, ул ичкарига олиб кириб, ҳол ва аҳволдин сўрадилар. Тўра воқеани баён қилди. Муни эшитуб, филҳол, йиғлаб, тўрадин марҳам беруб юборди. Андин кейин яна йигит тўраға чўнтакидин бир лаълни олиб берди, айди: жавоҳир бозорига борғил, Мавлоно Қутбиддин Розий кимдурлар, деб сўргил. Агар топсанг, ул кишиға ушбу лаълни берғил. Ул зоти боборакот бу лаълни танусалар, санга кўб олтун берсалар керак. Андин кейин лаълни ул зоти боборакотнинг қошларига олиб борди. Ул киши тўрани уйлариға олиб келуб айдилар, эй гўзал йигит, бу лаълни кимдин келтурган бўлсанг, они танидум. Алҳамдулилло, ҳануз ул тирик экан, деб кўб-кўб олтунлар бериб юбордилар. Тўра олтунларни келтуруб топшурдилар, яна ул йигит айди, эмди Мавлоно Музаффар Варзийнинг қошларига борғил, ул киши варзийлар карвонсаро-йиндадур, аммо шоирлиғда Ҳоқоний Сонийдур дерлар, ҳеч шуаро бирортаси ул кишининг назарида писанд эмас. Ул зотнинг шеърларини киши фаҳм қилмаганидин девонларини сувға ташлаб эрдилар. Ушбу байти форсий ул кишининг асариндандур.

Назм:

*То ман дийну зулфи парози чин ту дидам,  
Ҳар як зики ҳариф назирфат надидам.*

Эмди ул зот ёнида ўлтуруб, тизларини босғил. Андин кейин тўра ул саройға келди. Мавлоно Музаффар била мулоқот бўлиб, тизларини бости. Ул зот кўб шуҳи чолок таъб эрдилар, филҳол, туруб, тўрани уйлариға келтуруб, бош-оёғ либос бериб, зиёфат қилдилар. Шоҳруҳ тўра яна андин ёнуб келди. Анинг бошини кўрдиким, соғайибдур, андин кейин бир хат ёзиб тўрадин Саййид Неъматуллони хонақоҳларига юборди. Тўра келуб хонақоҳ ичра кирдиким, бир қари киши соқоллари оқ, нуроний киши хонақоҳда ўлтурубдурлар. Хатни келтуруб ул зоти боборакотға бериб таъзим ила қўлини алиф-лом қилуб турди. Ул киши хатни ўқуб, тангри таолоға шукру сано айдилар, тўра бирла уйлариға келуб, етти

эшикдин ичкарига кирдилар. Айдилар, эй қутлуг меҳмон, сабр қилурсан, сани зиёфат қилурман. Келтирган хатингни жавобини ёзиб берурман, деб. Полос солинган. Саййид ош ва таом келтурмоқга мукаййид бўлдилар. Тўра ўлтуруб эрди. Мавлоно Имом ва Мавлоно Табиб ва Мавлоно Варзий Саййид Неъматулло қонларига келавердилар. Барчалари Саййидни зиёрат қилдилар. Ул уйни тўрт эшики бор эрди. Неча-неча азизлар келуб, ул уй ичра тўрт юз киши бўлдилар, тўра ҳайрон бўлуб, таажжуб бармоқин тишлаб, айди: эй Саййид афандим, мунда нима маъни бор? Саййид айдилар, келтурган хатингни жавоби шул турур. Тўра, филҳол, туруб йигит қошига келуб, кўрган воқеасини анга-айди. Ул айди, турғил, иккаламиз ул ерга борурмиз, деди. Иккаласи қўшулуб Саййид Неъматулло ҳовлиларига келдилар. Ул кишилар барчаси бул йигитни ўртага олиб, тавоф қилдилар, кўб олтуларни нисор қилдилар. Шохруҳ тўрага айди, бу тиллоларни олғил, нечукким, мани сабабимдин кўб ранжу меҳнатлар тортдинг. Баракалло, сани баҳодурлигингга. Тўра айди, эй қардош жоним, ман бу ишларни тангри иззу жал йўлига қилдим, сизлардин мани таъмаим йўқтур, деди. Анда ул турган халойиқ барчалари тўранинг ҳимматиға таҳсин ва офаринлар қилдилар. Анда ул айди, нозанин йигит, неча вақтдин бери иккаламиз тануш бўлуб, қардош бўлдук, нима бўладур отингни маълум қилсанг? Тўра айди, аввал сан айгил. Ул йигит айди, мани билсанг отим Султон Зайнобиддин шох Шужоъ ўғлидурман, булар мани хуруж қилмоғимға рафоқат қилгон кишилардур, отамиз қариб қолгон кишидурлар, оғам бор, онинг оти Султон Маҳмуддур. Отам мани оғам бирла Исфихон сақлусиға, яъни чегарасиға юбориб эрди, Амир Темур бул тарафға келурмиш деб. Ман хаёл қилдим оғамни ўлдуруб отам ўрниға султон бўлсам деб. Мундин оғам хабар топуб, мани ушлаб, қийноқ қилдилар. Мани Исфихон акобирларига мурувватим бор эрди. Андин кейин мани икки қулга буюруб, бир чаккаға олиб бориб, мани бойлаб, бошимға арра қўйуб, арралаб ўлдурмоқда эрди, сан келуб ул балодин мани нажот бердинг. Эмди яна хуруж қилмоқға ҳаракат қилурман, келгил, манга қандай кишидурсан, маълум қилгил, на ишда юурсан, айгил. Тўра анга сипогорлиқ қилуб айди, ман Соҳиб ҳидоят ўғли бўлурман, отам Амир Темурға шайх ул исломдур. Ман отам била андак ҳодисадин араз қилуб, ҳаж қилмоқ орзусида борурман. Мани отим Жалолоддиндур. Султон Зайнобиддин муни эшитуб, кўб навозишлар қилуб, ҳурмат қилди. Андин кейин Амир Темур воқеасиндин, анинг ўғилларин қайфиятидин ва сипоҳларини аҳволидин сўрди. Тўра айди, Амир Темур адолатлигини ўзиға дарбар алғондур. Анинг ўғлиларининг ҳар бирини сўрсанг хислат ва фазилати андоғдурки, улуг ўғли Мирзо Жаҳонғир тўра кўб соҳиб эҳсон эрди. Ул вафот топти. Андин кейин Мирзо Умаршайх тўра ўз замонини олим ва фозилидур. Андин кейин Мироншоҳ тўра соҳиб ишратдур, андин кейин кенжаси Мирзо Шохруҳ тўра соҳиб шижоат, баҳодур турур. Ман Самарқандда Шохруҳ тўра бирла кураш олур эдим. Шаҳзода тўранинг сўзиға кулуб юборди. Навкарларига қараб дедиким, сизларда ҳам куч ва қувват борму?

Ҳар қайсилари ўз кучларини зўриқларини таъриф қила бошлаб эрдилар, яна тўрага сан нима деюрсан, деди. Тўра айди, мани назаримга булар чумолича кўрунмас. Шаҳзода муни сўзига ғайрати келуб, ман била кураш олурмусан, деди. Тўра айди, ҳайю ҳай, эй афандим, сиз бу вилоятларни шаҳзодаси бўлурсиз, ман бир бечора ғурбатда қолғон кишидурман. Агар сиз мани йиқитсангиз ҳеч айб йўқтур, ва илло, йиқилсангиз мани ҳалокатга етқузурсиз. Ман хавф қилурман. Шаҳзода аҳд қилдиким, ҳаргиз мундоғ ишни қилмагайман, чунки мани ҳақимга қўб яхшилиқ қилдинг, ман сани хизматингни адо қилолмасман деб.

Алқисса, шаҳзода қўймайин икковлари курашга муқаййид бўлдилар. Соатидин кейин шаҳзодани Мирзо Шоҳруҳ тўра кўтариб, андоғ урдиким, барча кўрганлар ҳайрат бармоқин тишладилар. Шаҳзода камоли қаҳридин аччиғи келуб, буюрдиким, бу мусофирни ўлдулинг деб. Саййид Неъматулло филҳол туруб манъ қилдилар, айдилар, эй шаҳзода, аҳдингни синдурмағилки, бу санга айби куллийдур, олам барчасига пазидинг ёмонлиқга йиртилуруб, эронлар иши бу эмас, бу йигитни қилгон яхшилиғини асло хотирингдин юбормағил, дедилар. Ўртада неча кунлар ўтгандин кейин, бир кеча айди: одам борму, айёрлиқ била мани оғамнинг бошини келтурса? Ҳеч кимдин овоз чиқмади, тўра ирғиб туруб, таъзим қилуб, фотиҳа талаб қилди. Ул кеча тўра ўрда сариға келуб, ухлаб ётган ерига девордин тушуб бориб, ҳарамига келуб, султон Маҳмуд кўксиға минуб, уйғотиб, бошин талаб қилуб, кесуб, султон Зайнобиддин қошиға келтурди. Шаҳзода бошни кўруб, ўрнидин бир сакраб ўлтурди. Тонгла халқ хабар топиб, ҳайрон бўлдилар, кимни тўра кўтариб ва кимни салтанат тахтиға ўтқузсалар?! Анда султон Зайнобиддин карнай тортуруб, умаро, бекларни йиғуб, тахт узра қарор олди. Шоҳруҳ тўраға юқори мақомдин ўрун кўрсатти. Неча кун ўтгандин кейин хабар эшитилдиким, Амир Темурни Марвада Мехдаб Лўр ўлдурубдур деб. Муни англаб тўра йиғлайверди. Султон анинг сабабини сўрди, айтмади. Тўра хафа бўлуб, доим ғам ва қайғуда бўлди. Мунинг сирини билмакга Саййид Неъматулло айдилар, киши бўлса, бойқушни юрақини келтурса, анда хосияти бордур. Филҳол, ани топуб келтурдилар. Тўра ухлаб ётган вақтида ул юракни кўксиға қўйдилар. Анда уйқузираб ўзини Амир Темур ўғли Шоҳруҳ тўра эканлиғини сўзлайверди. Барча билдиларким, бу мусофир йигит, жулуси айвонлиғда, асволи кайвонлиқда Амир Темурни ўғлидур. Тўрани барҳам бермоқнинг пойиға туштилар. Тўра буларни феъл-атворини англаб, бир кечаси била қочиб, отасини хизматиға, Амир Соҳибқирон қошиға келди.

Бу, мунда турсун, эмди сўзни Тўхтамишхон подшоҳдин эшитмак керак.

БУ ДОСТОНДА ДАШТИ ҚИПЧОҚ УЗРА ТҶХТАМИШХОН  
АМИР ТЕМУР ҶЛДИ ДЕБ ЭШИТИБ, МОВАРОУННАҲР  
ШАҲРЛАРИНИ УМИДИДА КЕЛУБ, САМАРҚАНДНИ  
ҚАМОҒОНИНИ БАЕНИ

Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Амир Соҳибқирон форс мамлакатларини барчасини мусаххара қилмоқ учун умаро ва беклар бирла Кенғаш қилуб, уч йилғача тахти ҳар қаерда бўлуб, қарор топмади.

Аммо Тўхтамишхон воқеаси бу эрдиким, Амир Темур Нишопурда оғу ичиб ўлубдур деб англади, аскарини жамъ қилуб, Мовароуннаҳр шаҳрларига от қўймоқ учун Давлатшайх амакиси ўглон мартабасида эрди, анга Машваратга киши юборди. Ул Давлатшайх кўб ишга етук киши эрди, сабр қилсун деб манъ қилди. Яна ўзи қошига келуб, ул сўзнинг ҳақиқатини билғил, баъд отланғил, деди. Хон қабул қилмади. Аскар жамъ қилуб, отландилар, ахдларики, Амир Темур бирла қилуб, эрди, исён тоқига ёшурди. Хоразм этак тарафидин келуб, Бухорони талон қилди Ул вақт Амир Темур ўлди деб, шоеъ бўлуб, Мовароуннаҳр шаҳрларини кўби қамалда эрди. Амир Чокуни Соҳибқирон Самарқандга ҳоким қилуб қўйуб кетган эрди. Амир Чоку Хонимчага тоға эрди. Хонимча аввал Тўхтамишга айттурилган эрди, баъзилар дерларким, қипчоқ аскарлари ўшул йили кўб жойларни тарож қилгон эрди. Хон Самарқанд даласига келуб, филҳол, амир Чокуга нома юбориб, дедиким, тангри иззу жал тақдири бирла Амир Темур олами фонийдин саройи боқийга интиқол қилубдур, хонимча(ни) кўб билурким, аввал манга айтурилгон эрди, манга беруб юборсун. Яна сўзум, қавми ҳукамода бу юртларни ўзбак олур деган. Бу мамлакатларга ман мустаҳик бўлурман, деб.

Анда амир Чоку бу сўзини эшитуб, элчини таёқлаб уруб, ўлгудек қилуб, Тўхтамишхон номаъкул дебдур, агар Соҳибқирон ўлган бўлса ҳам, ҳар бир ўгли арслон ва қофлон кабидур, деб ура-ура шаҳардин чиқориб юбордилар. Аммо Хонимча англадиким, Тўхтамишхон ани талаб қилубдур, деб. Амир Чоку тоғасини чорлаб айди, тоғажоним, ман заифанинг сизга андак машваратим бор. Кенғашим шулки, манга хон талаб бўлмиш, ман ҳам анга талаб бўлуб, бир чўридан нома юбориб, ани уйимга таклиф қилиб келтуруб, душманни барҳам урайлук дерман. Соҳибқирон албатта келур, ҳамиятлик кишидур, деди. Бу сўз амир Чокуга кўб маъкул ўлди. Филҳол, бир чўридин нома ёзди, Тўхтамишхонга дедиким, эй хон афандим, ман ҳам сизга толиба ва ошиқадурман. Нима бўладурким, ман заифаи мастуранинг ховлимга қадами муборакни тегурсангиз, изингиз тўтиёсини кўзларимга даво қилсангиз, яна сўзум шулки, бул ерга келсангиз, амир Чокуни ҳийла бирла барҳам берсак, бўлмаса, асирларини олиб кетсалар, нома тамом, вассалом, деб бир чўри чобукдин юборди. Ул чўри тезлик бирла кўргон тешукидин чикуб, бир ўзбак оломонга айди, мани, хон қошига олуб борғил, маъшуқа тарафидин келгон элчидурман. Андин оломон била Тўхтамишхон қошига келди. Кўрсаким, хон



курси узра ўлтурубдур, олдида ҳофизлар савт ва садолар бирлан ўқуб ўлтурурлар. Хон кўруб оломонга айди, мунн ўлжадин тушурдунгму? Оломон айди, оре, тақсир афандим, бу чўри хоннинг маъшуқаси Хонимча қошидин келган элчидан дейдур. Чўри, филҳол, хатни чиқориб берди. Хон мутолаа қилуб, Хонимчани олдига бормоқни қасдида бўлки. Беклар манъ қилдилар. Ахир амакиси Давлатшайхни келтуруб, хатни анинг қўлига берди. Ул мунн мазмунини билуб, айди, мабодо талбис бўлмасун, аввал маҳрамлардин бир кишини юборгил, аммо чўри мунда турсун, кўргил воқеа нима бўладур?!

Хонга бу сўз маъқул бўлди. Қулларидин бирини ўз суратида қилуб юборди. Кечаси бирла гулом Хонимча эшикига келуб, ўзини маълум қилди, ана, ман Тўхтамишхон бўлурман, деди. Даричани очтилар, қадам қўйиши бирла ҳалокатга етқуздилар. Чироғ ёқиб кўрсалар, Тўхтамишхон эмас, бу қилгон хийла фойда бермади. Эртаси хон билдиким, талбис экан. Амакисини зийраклигига таҳсин қилди. Чўрини ўлдурдилар. Андин кейин Давлатшайх тўрт юз кишига буюрдиқим, ўт-ўтин кўтариб, яроғларни беркитуб Самарқанд ичра Низом ул мулк мадрасасига бирин-бирин боринглар, анда киши йўқтур, бизлар ярим кеча била шаҳар дарвозасига борурмиз, сизлар ичкаридин, биз ташқаридин бўлуб, иншооллоҳ, дарвозани очиб кирурмиз деди. Филҳол, тўрт юз киши ўтунчи суратида бўлуб, аслаҳа-яроғларни ўтун ичра беркитуб, ўшул эски мадрасага келуб жамъ бўлдилар. Ярим кеча била Тўхтамишхон бул тарафдин Самарқанд дарвозасига от қўйуб, шавқун қилуб боравердилар. Амир Чоку буларни дафъига муқаййид бўлуб эрди, ногоҳ карнай овози шаҳар ичидаги ўтунчилардин чиқаверди. Ул кеча Самарқанд ичра шўришлар бўлуб, қиёмати сағир бўлди. Одамлар том узра чиқуб, «оллоҳи акбар» деб фарёд қилурдилар. Қинчоқлардин ҳам «оллоҳу акбар» овози чиқар эрди. Амир Чоку кўрдиким, иш қўлдин кетти, қул, чўриларини олуб, Хонимча билан игначилар дарвозасидин Ургут йўли била қочиб, Шаҳрисабз ичра Оқсаройга келуб тушти. Аҳли Самарқанд кўрсаларким, шаҳар хароб бўлгудек. Замон-замон Тўхтамишхон замони, омон, деб шавқун қилаверди. Ул кун Хон Соҳибқирон тахти узра чиқуб, Соҳибқирон жамъи хазиналарини олиб, Дашти Қипчоқга юборди. Ўзбак ёмонлари хар уйга, кируб фасод қилар эди. Одамлар бориб хонга арз қилдилар. Ул Давлатшайх амакисига айди. Ул, қўявер, сипоҳлар санга кўнгул боғласун, деб фуқаро арзини тингламади.

Андин келуб Шаҳрисабзни қамадилар. Шаҳрисабз одамлари амир Чокуга кўрунуш қилдилар. Шаҳар халқи кўб сиқилди. Хонимча яна тадбирнома қилуб юборди. Айдиким, аввалги нома элтгон чўридин асло хабар келмади. Сиз юборган одамни амир Чоку хабар топуб ўлдурубдур, манга талаб бўлсалар, нима сабабдин манга хабар юбормайлар, Амир Темур албатта ўлганлиги маълум. Эмди, иложи бўлса ўзум ул кишининг хизматлариға борурман. Агар бу шаҳар қамоғда бўлса, мани чиқмоғим кўб қийиндур. Лекин бу сўзни кишига изҳор қилмасунлар, печунким, бу иш халқга шуҳрат тобмасун.

Хон бу сўзни англаб ўшул кун Самарқандга қайтмоқ бўлди. Сипоҳлар айди, тақсир хоним, нечун бу шаҳар сиқилган вақтда ёндингиз? Хон асло гапурмади, айтган сўзи шул бўлдиким, Шаҳрисабзга ҳеч ким қолмасун деб. Самарқандга келди. Амир Чоку хоннинг кетганини билуб, Шаҳрисабдин Хонимчани олиб Қаршига келди. Кейин хон билдиким, бул ҳам тадбир экан. Хон филҳол қўшун олуб, Қаршига етуб келди. Қаршини қамаб, ҳолини танг қилдилар. Анда Қаршини ҳокими, амир Чоку қардошин ўгли Саидбек эрди. Ул айди, эй амаки жоним, то сиз ва биз саломат бормиз, Бухорои шарифга борайлук, шоядки, Амир Соҳибқирон Бухорога келсалар. Анда Хонимча эркак либосини кийуб, амир Чоку била Бухорога кеттилар. Саидбек Келиф йўли била бул ҳам кетти. Қарши халқи хонга кўриниш бердилар. Хон сўрди, бекларинг қаён кетти? Булар айди, хабаримиз йўк, лекин гумон қилурмиз Келиф йўли бирла Бухорога кетгандур.

Хон отлануб Саидбекни Қаллахон мавзеида топти. Саидбек кўб зойур йигит эрди. Хон қирқ киши била они йўлини олди. Билдиким, Хонимча Бухорога кетубдур. Саидбек бир тарафга чиқуб ўқ отаверди. Ҳар ўқ отганда неча киши ўлди. Андин кейин ўқи тамом бўлди. Кейин қилич бирла жанг қилди, охир, қилич ҳам синди. Анда бир кеча ва кундуз ўзи жанг ва жадал қилди, жанг қилиб андин кейин ўзи шаҳид бўлди. Ҳарғиз мундоғ баҳодур йигитни киши кўрмаган эрди. Хон келуб, Қаршини ўзига тобеъ қилуб, андин кейин Бухорога юзланди. Амир Чоку Бухорога дохил бўлгондин кейин йигирма кунда қипчоқ сипоҳлари етиб келиб, Бухоро қирқ кун қамалда бўлди. Амир Чоку Самарқанд ва Шаҳрисабз ва Қарши ва Бухороғача келиб, олти ой қипчоқ аскарлари бирла жанг қилди.

Алқисса, бир кун Хонимча яна бир тадбирни ўйлаб топти. Амир Чокуни чақириб айди, эй тоғажоним, албатта Амир Темур Соҳибқирон келурлар. Тўхтамиш хонга ҳам Амир Соҳибқиронни ҳаётлиқи маълум бўлсун эмиш. Эмди бир кишини топқайсизки, Хуросон тилида сўзлагай. Анга бир хат қилиб берсак, мирзо Сайфиддинни хатидек бўлса, аммо, анга бир ҳориғон ва чарчағон от топуб берсангиз. Ул бир қишлоқдин чиқиб Бухорога қараб келаверса, албатта хонни қўлига тушуб хатни очиб кўргай.

Бу сўз амир Чокуга кўб маъқул бўлди. Филҳол, Хонимча андин кейин ўлтуруб, Амир Соҳибқирон тилидин амир Чокуга нома ёзди. Амир Соҳибқиронни муҳрини хонимча қути ичра сақлаб қўйган эрди. Номани охирига босиб, печатлаб, ул мазкур кишини қўлига берди. Андин кейин ул одам йўлга равона бўлди. Неча манзил йўл юруб, кечи бирла Қорақўл мавзеига бориб, андин Бухорога қайтиб, адошқон кишидек, Бухорони дарвозасини сўраб келаверди. Иттифоқо, қипчоқ қоровуллари кўруб, ани маҳкам тутуб, ёнларини ва қўйнилларини ва чўнтақларини кавлаб, хатни топуб, хонни қошига келтурдилар. Номани мазмуни бул эрдиким: «Алҳамдулилло таолога, дуруд расул алайҳиссаломга. Андин кейин айтибдурким, эй амир Чоку, эшиттимким, Тўхтамиш хон келиб, Самарқанд — пойтахти олиб, Бухоро шаҳри қамалда эмиш.

Эмди они тадбир била ўзга ерга юбормай сақлангиз, иншооллоҳ, бизлар бу кун ё эртағача етиб борурмиз.

Номани ўқуб тамом қилур-қилмас, Амир Соҳибқиронни даббасидин қўрқуб, Бухорони саҳросидин беадад ва беҳисоб қўшун била қипчоқлар қочиб кеттилар. Хонимчани қилгон тадбиридин Бухоро халқини жонлари тинчиб, ҳузурда бўлдилар.

Эмди сўзни Амир Темур Соҳибқирондин эшитмак керак.

Амир Соҳибқирон Марвға келиб, Тўхтамишхон Мовароуннаҳр шаҳарларини олиб, Бухорои шариф қамалда бўлгонини эшиттилар. Аскарлардин минг йигит баҳодур ва паҳлавонларни ажратиб олиб, қолган аскарларни Мирзо Умаршайх тўра фарзандиға топшуруб, айдилар: Эй ўғлум, сан тўғри йўлдин боравер, ман ўзга тарафдин бориб, қипчоқларни йўлини тўсгайман деб, дашт саҳроға қараб юзландилар. Неча манзил йўл юруб, андин кейин Соҳибқирон Хоразм шаҳрини этакидин келиб, денгиздин ўтуб, бир тоғни устиға чиқиб, ул ерга Мирзо Шоҳрух тўра ўғулларини қоровул қилдилар. Анда Шоҳрух тўрани мулозимлари икки кишини топуб келтурдилар. Икковидин тўра сўз сўради, иккови айдики, биз Тўхтамишхон подшоҳни сипоҳларидин бўлурмиз деб. Мовароуннаҳр воқеасини аввалдин охириғача Шоҳрух тўраға бир-бир баён қилди. Шул ҳолда тоғ устида туруб қипчоқ аскарини кўрдиларким, бир жомға оқ чодир ичра ўлтурубдурлар. Тўра сўрадики, улар кимдур? Иккала сипоҳ айдики, алар асира хотунлардур, ҳар манзилға бориб ухласалар асирларни атрофға қўйуб, уйқуға борурлар. Аммо Тўхтамишхонни ўзи денгиз ёқасида ўлтурубдур. Мирзо Шоҳрух тўра, филҳол, бориб Амир Соҳибқиронни бу сирдин огоҳ қилди. Амир Соҳибқирон дарҳол кечаси бирла отлануб аскарлар била қипчоқ аскарини тефасиға етиб келдилар. Сипоҳлар айди, ҳоло, шабихун урайлук. Амир Соҳибқирон айдилар, йўқ, чунки асиралар бор, алар оёқ остида қолурлар. Амир айдилар, бир киши бўлса, яёвлиқ ҳолда ёв ичра бориб келса. Анда ҳеч ким қўрқуб бормади. Лоилож, Амирни ўзлари яёв бўлуб бордилар. Бориб кўрсаларким, барчалари уйқуда ётур. Асирлардин бир эр, бир хотунни уйғотиб, бойлуқларини ешиб, айдиларки, мен Амир Темур бўлурман. Ул кеча секин-секин тўрт минг кишини қайдини ешиб, бирдан қоча бошладилар. Қипчоқни сипоҳлари уйғониб, бирдан асирлар қочти деб, шавқун қила бошлади. Асирлар билдиким, Амир Темур Соҳибқирон келубдур. Андин кейин давлат — давлат, Амир Темур деб гавғо қилдилар. Андин кейин Тўхтамишхонға хабар бердилар, асирлар хуруж қилди деб. Хон манзур қилмай, кулди. Бул тарафдин чигатой сипоҳлари гавғони эшитиб, Амирға нима бўлди деб қайғуда эрдилар.

Ушул вақт Амир Соҳибқирон етиб келдилар. Айдилар, карнай тортинглар, деб амр қилдилар. Андин кейин ҳар ким ўз-ўзидин давлат-давлат Амир Темур деб шавқун қилавердилар. Кейин Тўхтамишхон бетаҳқих билдиким, Амир Темур келибдур. Филҳол, ўзини денгизга ташлади. Андин кейин Тўхтамишхонни бу ҳолда қўшунлари кўруб, отни ёлиға ёпушуб булар ҳам ташлади.

Қўшунлардин кўб-кўб денгизда ҳалок бўлдилар. Тўхтамишхон денгиздин чиқиб қочиб Дашти Қипчоқга кетти. Орқасидин Шоҳруҳ тўра беадад, беҳисоб қўшун бирла қувлаб, Дашти Қипчоқга юз қўйдилар. Амир Соҳибқирон Хонимча тадбир била Тўхтамишхонга неча мартаба нома ёзгонини асирлардин эшитти. Бу қилғон ишлари Амирга писанд бўлмай балки ҳамиятдин хафа бўлуб, ҳокимлигини амир Боязид жалойирга бериб, амир Чоқуни ҳажга юборди. Чунки Хонимчани сиррини билар эрди. Жамъи қул, чўриларини Ўлжой Туркон, яъни Камол хонимга тоншурди. Хонимчага ҳеч нимарса бермади. Ўлжой Туркон ҳар кун Хонимчага бир вақт таъом берур эрди. Андин кейин Амир Темур Соҳибқирон Мирзо Умаршайх тўра фарзандига нома юборди, айдик, аскарларни тез келтургилким, Дашти Қипчоқга борурмиз.

Ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Амир Темур Соҳибқирон уч йил Эронга бориб, ул мамлакатларни мусаххара қилиб қайтиб келиб, нафас олмай, балки Ватанига кирмай, аҳли аёлини кўрмай, отланиб денгиз ёқосига келди. Ҳар жонибга аскар жамъ қилмоқга киши юборди. Иқболини келганлиги шунчаким, ҳеч ким сўзини рад қилолмас эрди. Андин кейин Мирзо Умаршайх тўра беадад аскар бирла етиб келди. Андин кейин ором ва қарор олмай, Дашти Қипчоқга равона бўлдилар. Икки ярим йилда ўрус вилоятигача бордилар. Ҳар бир кишида икки саноч, икки киши бир тевага миниб, арра, теша, кетмон, бел, чопқу, болталар олиб Сирдарёсини ёқосига бораверсун, эмди сўзни Ўлжой Туркон, яъни Камол хонимдин эшитмак керак.

Амир Темур Соҳибқирон жамъи қул, чўри, аркони давлатни Хонимчадин олиб, Камол хонимга бергандин кейин Амир Темур Соҳибқирон шаҳри зулумот бориб, олгандин кейин ўрус мамлакатларини фатҳ айлаб келгунча Самарқанд шаҳрига Ҳиндустондин олиб келган олтуларни харажат қилиб, бир мадрасаи олий бино қилдурдилар: Физзамона Мадрасаи Хоним дерлар.

Алқисса, ўн икки минг одамга яқин анинг иморатиға ишладилар. Машриқ тарафиға кўрунуш хона тортиб бердилар ва неча усталар ва неча тош тарошлар, яшил, қизил, кўк, сариғ, оқ, қора, ҳар хил рангда гунбаз ва қуббаларни бўёб, неча йил ва неча замонларда андоғ тартиби зийнат бердиларким, они васфи газал бирла айтилур.

### Назм:

*Қачон шарофат ила мадраса чу бўлди зуҳур,  
Ер ила тенг бўлубон тоқи Кисро, барча қасур.  
Шикваи рифъати андоғким, манзури Баҳром,  
Фалакни рутбаси олдида ерға сифла турур,  
Камолни ҳусн ила айван, тоғ, гар шипти,  
Бу манзара олдидаким тобти ул қабиҳ хутур.  
Жалол қалъасидек кунгира ила пештоқи,  
Айгуб нечукки, Сулаймонни тахтидек машҳур.  
Чу ерни бошига тож эрди тош, ҳар диловор,  
Нечукки, ерни баландида бўлди бул маъмур.*

*Чиқордилар они тадриж ила ҳавоға баланд,  
 Етар бўсағасиға зиналарни қилса убур.  
 Қурилди анга эшик бирла гунбази олий,  
 Сафо ва сайқалидин ким, қўнолмас анда туюр.  
 Нечд тафаккур ила анга ақли меъмори,  
 Етолмади онц кунжиға ақл ўлуб маъзур.  
 Топуб ҳужралари рангу зеб, оройиш,  
 Қуёш анваридин равшан ўлди, ўйла дуҳур.  
 Чу сақф узра чекилгон тош матласин,  
 Чеколмас эрди алар бўлса Монийу мағрур.  
 Йиғоч ясориди нажжор чунон сайқалини,  
 Сафода ўтқариб кўзгудинким, эрди биллур  
 Демангким, кўзгу они ким, тилсими рангиндур,  
 Либос акси ила оламни рангиға кийкизур.  
 Дарича ҳужралари бўлди сунъ меъморий,  
 Қурулмағида у манзилға бўлдилар маъмур.*

Аммо, тарих саккиз юз ўн иккисида (1409 й.) таъмири тамом бўлуб, илм толиблари тавҳид илмини ўқимоқға мадрасаи олийға кируб таҳсил айладилар. Хоним аларға кўб-кўб авқофни таъйин қилиб, мухайё айладилар. Толиби илмлар моҳазга мустағний бўлуб, илми мушкilot ва илми фикқиёт ва неча илмларға машғул бўлдилар. Ва'боодлоҳ-ал тавфиқ.

Эмди сўзни Қошғарни саҳросидаги қалмоқлардин эшитмак керак.

## **БУ ДОСТОҲДА МИРЗО СУЛТОН МУҲАММАД ТўРА ИБН МИРЗО ЖАҲОНГИР ТўРА ИБН АМИР ТЕМУРНИНГ ХУРУЖИ, АВВАЛ ХИТОЙНИНГ ЮРТИҒА БОРИБ, АНДИН КЕЙИН ЯЪЖУЖ-МАЪЖУЖ САДДИНИ ВА ДАЖЖОЛНИ, АЖОЙИБ-ҒАРОЙИБЛАРНИ КўРУБ КЕЛГОННИ БАЕНИ**

Эй ўқуғувчилар ва эшитғувчилар, илгари арз қилгон эрдимким, Мирзо Жаҳонгир тўра сафарға бориб, Мансур ибн Носир Хисрав малъун била жанг қилиб, ўлдуруб анинг Қойлиқ отлиғ қизини олиб, бир кеча хилват қилиб, сандуқ ичра солиб, денғизга ташлаган эрди. Иттифоқо, ул денғиздин қалмоқлар бирини қўлиға тушти. Ул қиз ҳомиладор эрди, бир кеча хилват била туғуши яқин бўлуб, вақт-соати етиб, бир чиройлик ўғул туғди. Андин кейин пир қалмоқ асли зотини сўраб, Кўбканбек қўйди, Қойлиқ отини Султон Муҳаммад тўра қўйди. Ул пир қалмоқ тароқчи эрди, муни ўзиға фарзанд қилиб, кўб тарбият қилди. Амир Темур Соҳибқирон келса, бу болани олдиға олиб борурман, албатта иззат топарман, дер эрди. Ушул вақтда Амир Темур Соҳибқирон андоғ шухрат топуб эрдиким, ҳар кун ҳар иқлимға овозаси борур эрдиким, онаси бешикдаги болаларига Амир Темур келди деса, қўрқуб йиғламай тўхтар эрди. Аммо, Мирзо Жаҳонгир тўра Қойлиқни олғонини Амир

Соҳибқиронга айтган эрди. Ўшал Султон Муҳаммад тўра етти ёшга боргонда Қойлиқ бир кун ўғлини олдига чақириб, ақлини имтиҳон қилмоқ учун сўз сўради. Айди, эй нури айиним, сани ким яратган? Ўғли айди, еру кўкни, ой ва кун ва юлдузларни ким яратган бўлса, мани яратган ўшул зот турур. Билдиким, ақли расодур. Андин кейин мусулмончиликни ўргатти, ҳасаб ва насабини билдурди. Бир кун пир қалмоқ айди, ман қалмоқларни каъбасига борурман, деди. Султон Муҳаммад тўра айди, мен ҳам ҳамроҳ бўлуб борурман, деди. Ўшул вақт ўн беш ёшқа кирган эрди. Пир қалмоқ била шайх Лўлу, яъни ҳинду қалмоқни пири қабрига бордилар. Чингизхонни қабри ҳам ўшул ерда эрди. Кўрдиларким, иморатлари темурдин, ул иморат ичра қанча бутларни қўйубдур, барчаси Чингизхонни ота-бобосини суратидур. Қалмоқлар динида кўкни худойим деб, ота-онамиз халқимиз, дер эрдилар. Шундай силсила билан батнан баъда батнин<sup>1</sup> Одам Атоға еткузур эрдилар, бизларни яратқувчи оталаримиз, оналаримиздур, агар булар бўлмаса, бизлар қайдин халқ бўлурмиз, дегайлар. Агар киши кўкни халқим, деб бу сўзларни айтса ул мазҳаби фило сифла ва даҳрийя ал-аёз било.

Алқисса, ул бутларни қалмоқлар каъба деб назрларини келтуруб зиёрат қилур эрдилар. Аммо ул иморат ичра аслаҳа ва яроғларни келтурмас эрди, нечунким, барча иморатлари темурдин эрди, анга ким яроғ бирла борса ўлдурур эрдилар. Султон Муҳаммад тўра бутхонани шайхига айди, мен бу кеча каъбаларингни ичида тонг отқунча истиқомат қилурман, қанча муддаоларим бордур, деб. У шайхларга бир нима берди. Андин кейин шайх бутхонани калидини берди. Султон Муҳаммад тўра очиб кирди. Ярим кеча бўлмай тўра ўрнидин туруб ҳар ердан нажосатлар топуб келтуруб деворларига суркаб, бутларни барчасини синдурди. Ногоҳ эртасига қалмоқлар бу ҳангомани кўруб, Султон Муҳаммад тўрани ўлдурмоқга қасд қилдилар, кўб жанг талотуб бўлди. Султон Муҳаммад тўра кўб қалмоқларни уруб, ҳалокатга етқуруб тамуғ казармасига юборди. Пир қалмоқ Султон Муҳаммад тўрага шафеъ бўлуб, кўб-кўб узр айтти, қабул қилмадилар. Ахир пир қалмоқларни расмида бу эрдиким, бир элдин бир кишини ўлдирсалар, иккинчи ўлдурмас эрдилар. Андин кейин Султон Муҳаммад тўрани қудуқга тошладилар, албатта мунда ҳалок бўлур деб. Кўнгилларини хотиржамъ қилуб, маконларига ёндилар. Қазора чўлдин бир жамоъа қофила юртига кетаётган вақтларида бул қудуқ тefасига тушуб, сув олиб ичмоқ учун қудуқни ичиға қовға солдилар. Султон Муҳаммад тўра ўзини бир навъ қилуб қовғага олди. Андин кейин ер юзига чиқти. Карвонлар кўрдиким, гўзалликда биринчи йигитчаи навқирондур. Булар сўрдиларким, кимдурсан, мундоғ азобларға гирифтор бўлубсан? Ул айди, отим Султон Муҳаммад, Мирзо Жаҳонгир тўрани ўглидурман, Амир Темур Соҳибқиронни набирасидурман, деди. Андин бошчиси Муҳаммад Ҳабиб эрди, бу сўзни эшитиб, филхол Амир Соҳибқиронни андешасини қилуб, Султон Муҳаммадга от бериб ва ҳам бош-оёғ либоси малуконо бериб, ўзига

<sup>1</sup> Кетма-кет, силсила.

ҳамроҳ қилуболиб юрди. Қофила бошини бир неча чўрилари бор эрди. Чодир ичра қофилаларга ош ва таъом пишируб берар эрди. Тўрт юз тевага фақат таъом юклагон эрдилар. Султон Муҳаммад ўзига бир чодир таъйин қилди. Муҳаммад Ҳабибни чўриларидин бири Султон Муҳаммадни кўруб, анга ишқни ўти тегиб, кеча бирла Султон Муҳаммадни қошига келуб кўрсаким, уйқуда ётибдур. Андин кейин чўри секин уйғотиб, айди, эй жонимни роҳати, вой кўнглумни фароғати, нима бўладурки, мен чўрингни муҳаббат кучоғига олиб, куйган юраклар доғига марҳам этиб, висолинг боғига йўл берсанг?! Султон Муҳаммад тўра туз ҳақини рию қилиб, ул чўридин қўл тортти. Чўри ёлбориб, илтижо қилаверди. Тўрани аччиғи келиб, бир уриб эрди, тиши синуб, оғзи тўла қон бўлди. Чўри хайрон бўлуб, нима қилурини билмай, лоилож, хожасини олдиға бориб айди, бу ўгул мани фасад қилмоқға ҳаракат қилди, мен қабул қилмадим, ахир, уруб тишимни синдурди. Андин кейин хожа қайғуда бўлуб, иккинчи манзилға келғонда тўрага чодир бермади, туффроғ узра бош қўйуб, уйқуға кетти. Бир қулға буюрдиким, ани уруб, қувлаб юборгил, садқаи тўразодалиқ кетсун, деди. Андин кейин қул қувлаб юбормоқ бўлуб келди, кўрсаки, тўрани бошиға ҳумоюн соя солиб ўлтурур. Қул келиб хожасиға айди. Андин кейин ҳаммалари кўруб таъйин билдиларки, бу ўғлонни иқболи баланддур. Анда тўра уйқудин туруб, қофила-бошиға айдикки, эй қофилани бошчиси, сен чўриларингдин бири келуб, мени ғайри машруъ ишға таклиф қилди, мен қабул қилмай, уруб эрдим, тиши синди. Андин кейин сени олдингға арз қилғоли борди. Эй ота, эмди маъзур тутғил. Хожа, филҳол, чўрини тўраға никоҳ қилуб берди. Андин кейин тўра ул чўрини тилсимотларини очти, маржонларини сочти. Андин кейин неча кун йўл юруб эрдилар, қора қалмоқларни юртиға етилар. Андин кейин қалмоқлар келуб қофилаларни талон қилди. Ҳарчанд Муҳаммад Ҳабиб бизлар Амир Темур Соҳибқиронни элчиси бўлурмиз, деса ҳам қабул қилмадилар. Тўра айди: Мени қалмоқларни подшоҳини олдиға олиб боринглар, мен қалмоқлар тилини яхши билурман, ўз тилида арз қилайин, ажаб эмас, қабул қилса. Андин кейин тўрани хонни олдиға олиб бордилар. Кўрсаларки, хонни юзи сомондек сарғайибдур. Тўра қалмоқ тилида айди, «надимийу ху васаи намусини ва ганикийун, яъни айдикки эй хоним, қандай бетоб бўлдингиз, деди. Хон айди, юрак оғриқиға гирифтор бўлубман, ҳеч нимарсани билурмусан? Тўра яна айди, «надимийу бу ху васаи шанисунни ва ганикийуни», яъни айдикки, мен табиб бўлурман. Хон айди, табиб бўлсанг менга муолижа қилғил. Тўра табиблиқни билмаса ҳам, анга ҳақорат учун кучукни этини буюрди. Андин кейин итни келтуруб кабоб қилуб бердилар. Ани еб қусуб, қайт қилди. Кўрсаларким, итни этиға ёлушуб тевани сути тушти, юрак оғриғидин хон яхши бўлди. Воқеаъ бу эрдиким, хон тевани сутини кўб ичар эрди, қатигъ била сут ичиға кетуб, касаллиқи андин эрди. Дерларким, тевани сути итни этиға ошиқдур. Тўра зуғум билан айтса ҳам қусуб, касаллиқдин нажот тобти. Бу тадбир мувофиқи тақдир бўлуб, мусулмонларни нажотиға сабаб бўлди. Хон тўрани бу ишидин хурсанд бўлуб, андин кейин ҳар нимани

талаб қилсалар, негиз берурман, деди. Тўра ҳикмат вожиб таъолиға таажжуб қилуб, айди: Эй хоним, карвонлар молни талаб қилурлар. Хон, филҳол, карвонларни молларини топуб берди. Яна Султон Муҳаммад тўрага қанча инъом ва эҳсонлар берди. Андин кейин Хитой жонибиға юзландилар.

Алқисса, тўрт ойғача йўл кезиб, чўл кезиб кун юруб, тун юруб, неча тоғдин ва неча роғдин ўтуб, Хитой шахрини қалъасиға еттилар. Андин кейин қалъани дарвозасиға бордилар. Дарвозабонлар ўз тилида сўрди, айди: нани лийли нису нини чани яъни, қайдин келурсизлар, қаерға борурсизлар, деди. Булар айди, Амир Темур Соҳибқиронни олдидин келурмиз, деди. Киргандин кейин яна дарвозани беркитти. Дерларким, андин кейин, Ҳоқон қошиға Чинға борғунча яна тўрт ой йўл юрдилар, барчаси маъмур, ободлиғ эрди, лекин қалъа йўқ эрди. Сўнгра Ҳоқонни пойтахтиға еттиларким, кўрсалар атрофида панжаралари муддур етти филизотдин ясалғон, бир тош ерни олур. Буларни келганини подшоҳ эшитиб, элчихонаға таклиф қилди. Бениҳоят эъзоз ва икромлар бирла зиёфати ранго ранг қилди. Булар бениҳоят хурсанд бўлуб ўлтурдилар. Хитой халқи буларни келганини эшитиб тўб-тўб бўлуб келиб тамошо қилар эрди. Кечалари ҳам чироғлар ёқиб бозор қилар эрдилар. Аммо масжид ҳам бор эрди. Мусулмонлар намоз ўқир эрди. Мусулмонларни улуғини отлари мулло Абдулғаффор эрди. Кўб мулло, кўб-кўб илмларға етук киши эрдилар, ўзлари ҳисорлиқ эрди. Қирқ кундин кейин Ҳоқони Чинни кўрмоқға кўрунуш хонаға келдилар. Олдиларида Султон Муҳаммад тўра эрди. Кўрсалар, қанча умаро, беклар ўлтурубдурлар. Соатидин кейин шон-шавкат ва дабдаба бирлан Ҳоқони Чин келди. Барчалари туруб саждаи таҳийёт қилдилар. Аммо мусулмонлар таъзим қилдилар. Хитой одамлари барчаси кўса эрди, илло, Ҳоқони Чиннинг соқоли бор эрди, чунки тотор бекларини насабидин, авлоди Ефас бин Нух алайҳи саломдин бўлур эрди. Андин кейин тилмоч ҳам бор эрди, қалмоқларни бегиким, оти Қулхон эрди, андин кейин Султон Муҳаммад тўра қанча савғотлар била Амир Темур Соҳибқиронни номасини чиқориб берди. Ҳоқони Чин ўз тилида айди: «нани лийли нису чуни?» деб сўзлади. Анда тўра Ҳоқони Чинни сўзиға бебок жавоб айта берди. Ҳоқони Чин билдиким, Амир Темурни набирасидур. Кейин турлу-турлу таъомлар келтурдилар. Таъом еб ўлтургон вақтида ногоҳ бир оқсоқол киши келди, мажнун сифат, сочлари атрофиға тарқалғон. Ани кўрган замон Ҳоқони Чин ул қари, оқсоқол кишидин зори ва тазоруъ била сўз сўрди. Ҳеч гапурмади, соати ўлтуруб қайтти. Жамъи улуг ва беклар анинг аҳволиға йиғладилар. Аммо ул мажнунсифат киши ҳеч сўзламади. Султон Муҳаммад тўра бу ишни кўруб, хайрат денгизига ғарқ бўлуб, бу сирни Мавлоно Абдулғаффордин сўради. Султон Муҳаммад тўрани сўзини рад қилди. Неча мартаба сўради, Мавлоно айдилар, эй тўра, мани ҳалоқимға қасд қилурсан, бу сирдин сўрамағил. Тўра ўз кўнглида айди: «Мавлоноға шароб бериб, маст қилуб, сўз сўрасам, ажаб эмас, бу сирдин мани огоҳ қилса». Андин кейин ул зотни шаробға таклиф қилди. Ул киши



айдилар: шариатда шароб ичмоқ жоиз эмасдур, яна бул ердаги барчаси мусулмондур, шароб ичмасмиз. Бу Хитой одамлари неча нимарса тўғрисидин бизларни динимизни хуш кўргай: аввало, шароб ичмаслигимизни, яна бири хотунларимиз парда бирла юрмакларини. Охир, тўра айди, тақсир афандим, нима сабабдин мени бу сирдин огоҳ қилмасиз? Мавлоно айдилар, мени қатлимга яна жамъи мусулмонларни қатлига сабаб бўлурсан. Султон Муҳаммад тўра кишига айтмасликга аҳд қилди. Охир, тўрага қасам берди. Андин кейин, лоилож, мавлоно айдилар: ул мажнунсифат киши Ҳоқонга ота бўлур; мундин бошқа бир ўғли бор эрди, жаҳон гўзаллари анинг муқобилида гўё тўлган ой олдида юлдузлар каби эрди. Иттифоқо, бир кун отасини китобхонасига кируб, тарихнома-ларни мутолаа қилуб, андин кейин, Яъжуж-Маъжужга ҳазрат Искандар Зулқарнайини сад боғлағонларини таърихда кўруб, ул ўғул садди Искандарни тамошосини ҳавас қилиб, бормоқга майл қилди. Ҳарчанд манъ қилдилар, бўлмади. Охир, бир йилга мухлат олиб кетган эрди, холо, ўн икки йил бўлди, келгани йўқтур. Шул сабабдин Ҳоқонлигини бул ўғлига бериб, яна тахтини топшуруб, ўзи мажнунвор бўлуб, доим ул ўғлини ғамида йиғлаб юрур. Ҳоқон ҳам қардоши учун қора либос кийуб юрубдур. Бу сўаларни Мавлонодин эшитиб; Султон Муҳаммад тўра сад Яъжуж-Маъжужга бормоқ савдоси бошига тушти. Тўра айди, мен бориб Ҳоқони Чинни ўғлидин хабар келтурурман. Мавлоно кўрқуб, айдилар: ҳай-ҳай, жомни томдин мени бошимга ташламагил. Тўра айди, кўнгилни жамъ тутунг, эй афандим, тонгла Ҳоқони Чин хизматига борурман, чунки бизларни Амир Темур Соҳибқирон, сад Яъжуж-Маъжужгача бориб хабар келтургил, деб юборғондур, дегайман.

Алқисса, эртасига Султон Муҳаммад тўра Ҳоқони Чин қошига бориб, бу сўадин арз қилди. Ҳоқони Чинни эсига қардоши тушуб, ғами зиёда бўлуб йиғлади. Тўрани манъ қилди, тўра қабул қилмади. Ҳоқони Чин вазирига ишорат қилди. Вазир бир кишига айдик, сен бориб Ҳоқони Чинни оталарига бу воқеаъни баён қилгил. Дарҳол ул киши ер ўнуб хўб деб кетти. Бориб воқеаъни Ҳоқони Чинни отасига баён қилди. Бу сўзни эшитгач, дарҳол; Ҳоқони Чинни отаси етиб келди. Андин кейин бу сўзни тўрадин яна эшитиб, ҳарчанд йиғлаб, манъ қилдилар. Тўра қабул қилмади. Лоилож жавоб бердилар. Ҳоқони Чинни вазири илми ҳикматга қўб етук киши эрди, тўрага айди, эй тўра бача, сенга сўзим шулки, Машриқ тарафига борғил, ўн кундин кейин шаҳр дарвозасидин чиқиб, бир тоғ узра боргайсан. Анда бир ҳиндуни макони бордур. Албатта анинг қошига боргайсан. Агар сенга ул ҳинду йўл кўрсатса, ишинг жўн бўлур. Андин кейин султон Муҳаммад тўра карвон ҳамроҳларига келиб айдик, ҳар кишини томошоға завқи бўлса мен била ҳамроҳ бўлуб, садди ҳазрат Искандарга боргайлар. Андин кейин Муҳаммад Ҳабиб қофила боши била ўн киши бормоқга ихтиёр қилиб, бел боғладилар. Тақийи тангри иззу жамъа қилиб, йўлга туштилар. Ўн кундин кейин шаҳр дарвозасига етиб эрдилар, дарвозабонлар сўради, қаён келурсизлар, қайга бора-

сизлар?! Анда булар Ҳоқони Чиндин олгон ҳукм хатни кўрсатдилар. Андин кейин дарвозабонлар, филҳол, дарвозани очти. Андин кейин булар шаҳрдин чиқиб, неча манзил йўл юруб, бир тоғга етдилар. Андин кейин тоғни устига чиқиб, бир ғорга келдилар. Анда қарағай йиғочлари кўб эрди. Андин кейин ғор ичра кирдилар. Кўрсалар бир ҳинду оёғидин ғорни шифига осиб қўйубдур. Султон Муҳаммад тўра айди, сенга муҳиммимиз бордур. Ул ишорат қилди, ўлтургил, деб. Ул кеча анда бўлдилар, ҳамроҳлари бетоқат бўлди. Кўрсалар ҳинду саноч каби елга тўлуб, шишуб андин кейин ичига сомон солгон қанордек бўлуб, юзи ва боши маълум бўлмади. Булар ани аҳволини кўруб таажжуб бармоқин тишлар эрдилар. Уч кундин кейин ўзига келиб, сўзга лаб очти. Айди, сизларда бу каби юрак бўлмаса, уч кунга сабр қилмоқга тоқатингиз йўқ, қандай садди Яъжуж-Маъжужга боргайсизлар?! Андин кейин ул ҳинду ҳорик кўб сўзларни деди. Андин кейин қўлларига бир хат берди. Айди, мундин кейин етти шаҳр келур, барчаси зада бўлуб, вайронадур. Андин ўтуб саккизинчи шаҳарга борғонда анда сарноси бордур, яъни мени пирим ўшал турур. Анга ушбу хатни бергайсиз, деди. Ул садд йўлини сизларга кўрсатгай, деб кўб нимарсаларни уларга ўргатти.

Алқисса, тўра хатни ҳиндудин олиб, йўлга тушуб ул етти шаҳри вайронадин ўтдилар. Ҳар шаҳрни катталиғи Самарқанд ва Тошканд баробаринда келур эди, Андин кейин саккизинчи шаҳрга бордилар. Ўзга шаҳрлар барчасидин катталиғи икки ҳисса эрди. Аммо барчаси бузилгон харобдур. Сарносидин хабар топмадилар. Анда ҳар бир иморатлари олий бордур, ҳеч ким йўқ, харобдур. Ул шаҳр ичра сарносини кўб ахтардилар тополмадилар. Андин кейин бир баланд ерга чиқуб, кўрдиларким, бир чаккадин, тутун чиқадур, яна тараддуд била қидириб топдилар, кўрсаларким, сарноси ҳам оёғидин осилиб ётур. Тўра, филҳол. қошига борди. Сарноси ишорат қилди, ўлтургил, деб. Анда барчалари ўлтурдилар. Сарноси ичига нафас тортиб, бордон каби шишуб қирқ кун турди. Ани кўруб, булар ҳайрат бармоқин тишлаб таажжуб денгизида қолдилар. Кейин-кейин сурати аслига келди. Айди, эй тўра бача, мен уч юз йил умр кўрдим, сени хўб билурман, албатта, Амир Темурни набирасидурсан. Ҳар нимарсани тўрани кўнглида эрди, барчасини бир-бир баён қилди. Андин кейин тўра ҳинду берган хатни чиқориб берди. Сарноси айди, эй тўра бача, бу йўлда ниҳоят кўб хатарлар бордур, бул ихтиёрингдин қайтгил, деди. Тўра қабул қилмади. Сарносидин бузулгон шаҳрларни воқеаъсидин сўрди. Ул айди, Искандар Зулқарнайндин илгари бу шаҳрлар кўб обод эрди. Буларни барчасини Яъжуж-Маъжуж хуруж қилиб келиб хароб қилғондур. Яна сарноси айди, энди сизларга лозим шулки, сирка била сўгон ўзларинг билан олиб юурсизлар. Тўра айди, сиркани қайдин топурмиз? Сарноси айди, сизлар учун сиркани тайёр қилиб эрдим, деб бир идишда тўла сиркани берди. Яна айди, сизларга етти қитъа хатим бор деб, они ҳам берди. Андин кейин Сарноси айди: ҳар жойига бориб ташвишда бўлсангизлар ушбу қитъаларни бирин-бирин мутолаа қилурсизлар деб. Тўрага аввал-охир барча ерларни

кайфиятини айди. Андин кейин булар Сарносининг олдидин чиқиб, чўлистонга юрдилар. Ўн кундан кейин бир ерға келдилар, барчаси қора балчиқ, гоҳ-гоҳ ерида андак қуруқлиги бордур. Лекин андоғ сассиг лой эрдиким, агар сирка била сўгон бўлмаса, барчалари ҳалокатга етгудек бўлдилар. Шундоғ бўлса ҳам уч киши оламдин интиқол қилиб, адам ёсдуғига бош қўйдилар. Учовини жаноза ўқуб ерға дафн қилдилар.

Алқисса, балчиқлардин ҳам ўтуб, кейин бир улуг тўқайга келдилар, анда одам ёввойилари кўб эрди, бўйлари узун, туслари қора. Буларни кўруб, йигилуб келавердилар. Ани кўруб, булар кўрқуб, кайфлари учуб, ақллари кетуб, филҳол, Сарноси берган хатни очиб кўрдилар. Айтибдурким, бу халқда ақл бўлмас, сизлар нима иш қилсангиз, булар ҳам қилур, агар оловни таналарингизга суркасангиз, ул ҳам суркағай. Андин кейин булар қўлларини узотиб эрдилар, одам ёввойи ҳам қўлини узотти. Булар аъзоларини қошидилар, ул ҳам қошиди. Булар кийумларга оловдин чўғ олиб қўйдилар, одам ёввойиси ҳам танасига оловдин чўғ қўйуб, андин кейин жунлари куйиб фарёд ила шовқун қилиб қоча бошладилар. Андин кейин булар отларига рокиб бўлуб бир жойига келдилар, кўб-кўб чибинлар бордур. Олов ёқиб тутун қилдилар. Улардин омонда бўлуб ўттилар. Андин кейин яна бир жойига келдилар. Кўрсалар, ер юзини барчаси олмос турур, тўра ҳайрон бўлуб, иккинчи хатни ўқуб кўруб, отларини туёғига кигиз қофлаб, андин ҳам ўттилар. Яна бир ерға келдилар, кўрсалар бениҳоят ва беҳисоб кашқире бўрилар бордур. Буларни кўруб емакга қасд қилди. Тўра учунчи хатни ўқиб кўруб, ўт ёқиб олиб юрдилар. Ўтти кўруб бўрилар ҳар тарафга қочти. Андин ўтгандин кейин, билониҳоя, қоплонларга дучор келдилар. Тўра тўртунчи қитъани ўқуб кўрсалар, милтиқ отғил, лекин ўлдирмағил, дебдурлар. Милтиқни холи ерға оттилар, лоилож қоплонлар ҳар тарафга қочиб кетти. Андин кейин беҳисоб, беадад арслонларга муқобил бўлдилар. Яна бешинчи қитъани кўрдилар, дебдур: яланғоч бўлғил деб, бир неча ҳийлаларни айтибдур. Филҳол, кийумларини ешуб, яланғоч бўлдилар. Арслон ва йўлбарслар дахл қилмадилар. Андин кейин филлар ва эгри шохлиқ карклар келуб, булар анга бир неча тадбир-ҳийлаларни қилуб эрди, аларни барчаси қоча бошлади. Андин кейин бир жамоъа махлуқлар пайдо бўлди, ит суратида боши узра қарқараға ўхшаш ёлғуз шохи бор, қуйруғида косаси бор. Филҳол косасига сийуб, ҳар нимарсаға отса, ўшал замон анинг сийдуги куйдурғай эрди. Яна олтинчи қитъани кўрсалар, айтибдурким, бу мақомда нағма чалинлар. Андин кейин булар нағма чалдилар. Аларга нағмани овози таъсир қилуб дахл қилмади. Андин омон топиб ўттилар. Аммо ул ерларда кўб меҳнат ва машаққатлар чекуб ухламайин йўл юрдилар. Андин кейин бир жойига бориб, бир ҳайбатлиқ нимарса келуб тоғдин минг ботмон миқдори тошни кўтариб олиб, отиб эрди, ўзини зарби била бели синуб ўлди. Андин ҳам омон ўттилар. Етти кун йўл юрғондин сўнг бир баланд қизил тоғ кўрунди. Ул тоғни Ованд тоғи атарлар, бағрига борсалар, қуйи тарафида бир шахрни кўргони кўрунуб турур. Анда бир жамоъа

одамлар бордур. Лекин тоғдин шахрни узоқлиги бир тош келур. Будар ул шахрни дарвозасиға бордилар. Кўрғонларини атрофида кудук кўб эрди. Ул шахр халқи буларни кўруб, тўф-тўф бўлуб чиқиб томошо қилар эрдилар. Барчаларини қулоқларида булоқилари бор эрди, барчалари бугдой ранглюк, хуш сурат эрди. Улар келиб буларни подшоҳини қошиға олиб борди. Булар кўрсалар, барчалари кўрк кийган, емиш-таомлари вухушдин ўзга нимарса эмас эрди, яъни, қўй ва эчку, шунга ўхшаш нимарсаларни ер эрдилар. Аммо ул мавзеъни мўътабар китобларда жопон атарлар, холо, ул одамларни жопон ва япун ҳам дерлар. Ул шахарни атрофи улуг денгиздур.

Алқисса, подшоҳи сўрдиким, сизлар қайдин келдингизлар. Тўра айди, Самарқанддин, Амир Соҳибқиронни олдиларидин келдук. Подшоҳ айди, Амир Соҳибқирон кимдур. Самарқанд шахри қайдадур? Султон Муҳаммад тўра подшоҳға етти иқлимни шахрларини барчасини бир-бир баён қилди. Подшоҳ таажжубда бўлуб, ҳайрат бармоқин тишлаб, бул ерлардин бошқа жойлар, ўзларидин бўлақ одамлар бориға ҳайрон қолур эрдилар. Андин кейин тўрани бир қари одамни қошиға олиб бордилар. Кўрдиким, бир оқ соқол, ёши юз йигирмаға боргон кишидур. Ул қари одам тўраға айди, эй Амир Темурни набираси, бизларни ота-бобомизға дуо кетгандур, ҳар қайсилари бир юз элликға бориб, оламдин интиқол қилурлар. Мен отамдин, отам ота-боболаридин эшитганким, бул ерға бир тўф одам томошаға келур, Яъжуж-Маъжужни кўруб қайтгайлар деб. Андин кейин тўра қари одамдин яна сўрдиким, бу жопон халқи қайдин бўлурлар, кимни авлодидин бўлурлар? Ул киши айди: Яъжуж-Маъжуж бу шахрларни хароб қилгон вақтида Искандар Зулқарнайн ҳазратлари келуб булардин беадад ва беҳисоб ўлдуруб, қолғонларини қувлаб, тоғни орқасиға ўтқузуб, олти ойлик ерға садд боғлаб Яъжуж-Маъжужни қамаб қўйуб, яна садд ўртасиға дарвозани нишонини қилиб, анга етти филизотдин ишлаб мийли қилиб осиб қўйбдурлар. Мийл деб катта қўнғироғ ва жомни айтурлар. Андин кейин ҳазрат Искандар неча аҳли ҳикматдин ва неча қуллардин бул ерға қоровул қўйғондурлар. Бу жойни Дахман малик Искандар ҳам дерлар, ҳар вақт Яъжуж-Маъжуж ғувур қилуб келуб бул ердин чиқмоқға ҳаракат қилсалар, қоровуллар келуб мийлни урарлар, тарақа-туруқ овозини эшитиб кўрқуб қочгайлар. Гумон қилурларким малик Искандар ҳануз бор, деб. Эй тўра бача, билгилким ва огоҳ бўлгилким, бу шахрни одамларини барчаси ҳазрат Искандарни қоровулларини авлодидиндур. Ҳар кун бало тарк (учун) тўрт юз киши садға бориб, мийлни қоқарлар.

Алқисса, неча кун ул ерда бўлуб, мирзо Султон Муҳаммад тўра бир куни ул тўрт юз киши била садни томошасиға кўргали бордилар. Кўрсаларким, садни юқорилиги етти юз газ, тоғлари қизил турур. Дарвозасини кўрдилар, бўйи олтмиш газ, икки табақалик, ҳар табақасини эни ўн беш газдин. Остонасини ердин юқорилиги етти газ, анга етти қуфл урулгон, ҳар қуфлнинг оғирлиги Тошканд вазниға бир ярим пут келур. Ҳар қуфлда Искандар Зулқарнайнни муборак отлари ёзулғондур. Аммо садд била тоғ девор каби текис эрди, чиқмоқни имкони йўқдур. Тўра

айди, агар киши ушбу тоғни устига чиқса Яъжуж-Маъжужни кўрса бўлурму? Улар айди, оре. Андин кейин ҳарчанд анга чиқмоқни тадбир-ҳийласини тополмай, ожиз бўлдилар. Лоилож, тўра Сарноси берган еттинчи қитъани очиб кўрди. Илми уфқни билган киши муни йўлини топқай дебдур. Тўрани ҳамроҳларини бири илми уфқга моҳир эрди, чунки тоғларда кўб юруб, кўб-кўб нимарсаларни билар эрди. Ул киши икки темур қозуқни қўлига олиб, тадбир била тоғни устига чиқти, ўзгаларни арқон била бирин-бирин тортиб олди. Андин кейин қўлларига дурбин олиб атрофга қараб имтиҳон қилдилар. Кўрсаларким, етти иқлимни уч тарафини шўр денгизи айлантуруб олиб, садд остиғача борибдур. Андак бир тарафда қуруқлик бор, етти иқлимда мўмин ва кофир бир ҳисса бўлса, Яъжуж-Маъжуж етти ҳисса келур, човурткадин ҳам зиёда кўрунур. Алар уч жамоъа экан. Бир фирқасини Яъжуж-Маъжуж дерлар, бўйлари узун, киймуш кийумларини барчаси кигиз ва гилам эрди. Иккинчи фирқасини Яъжужи аҳв дерлар, бўйлари ўн икки газ, ўзи одамга ўхшашдур. Учунчи фирқасини Яъжужи Муқаммаъ дер эрдилар, соқоли ҳам етти қариш, бўйи ҳам етти қариш, икки қулоғи узун, кечаси ётурда бирини остига тўшак ва бирини устига ёпар эрди. Онаси минг бола туғмағунча ўлмас эрди. Лекин ўлса бир-бирин ер эрдилар. Аммо қудрати борий таолони кўргил, булутга амр қилуб денғизлардин ҳар нимарса махлуқотни олиб, уларни макониға ёғур эрди. Уларни емиш таъмоми ушбу эрди.

Алқисса, Султон Муҳаммад тўра аларға назар қилдиким ҳисобини тангри иззу жалдин бошқа киши билмағай. Соатидин кейин Яъжуж-Маъжужлардин бир нечаси ғувур қилуб, садни остиға келдилар. Қоровуллар дарвозани равақиндағи мийлни чалиб эрди, барчаси қоча бошлади. Тўра аларни шавқун солиб қичқирди, алар яна қайтуб келуб, сизлар ким бўлурсизлар деди? Булар айди: Одам авлодидин бўлурмиз, сизларни томоша қилғоли келдук. Андин кейин алар аҳли ҳикматларини келтуруб, буларни сўзларига жавоб берди: Эй одам боласи, аввалғи замонда бизлар Увж ибн Увуқ (Ож ибн Енуқ)дин вужудға келуб эрдук. Увж ибн Увуқ ҳазрат Одам Ато замонларида туғулуб, уч минг беш юз йил умр кўруб, ҳазрат Мусо калим ар раҳмон замонларида адам сарига юз қўйғон эрди. Андин саккиз юз йилдин кейин Малик Искандар Зулқарнайн хуруж қилуб, бизларни садға олғондур. Яна саккиз юз йил ўтгандин кейин охират замон расули Муҳаммад алайҳис салом олдиларидин саҳобалар келуб кўргандурлар. Андин яна саккиз юз йилдин кейин сизларни кўрдук. Бизлар эшитуб эрдук, уч бор киши келуб кўрғай. Андин кейин бизларни хуружимиз бўлғай. Эмди сизлар иккинчи бўлдингизлар. Яна тўра сўрдиким, сизлар қай замонда хуруж қилурсизлар? Алар айди, бизларни хуружимиз Дажжол алайҳ ал лаиндин кейин бўлур.

Ахборда келтурмишларким, вақти келуб охир замон бўлса, аввал узун бўйлуқлари чиқиб одамларни егайлар, кейин, иккинчи ўрта бўйлуқлари чиқиб вухуш ила туюрни егайлар. Андин кейин учунчи факаналари чиқиб оламда жамъи денгизларни, тўқайларни,

қўлларни тоғларни, тефаларни барчасини еб-ялаб қурутгайлар, жаҳонда ҳеч нимарса қолмағай, валлаҳи олам биссаवоб.

Алқисса, Султон Муҳаммад тўра саддин қайтиб туштилар. Жопонни подшоҳини олдиға бордилар. Подшоҳ буларни кўб эъзоз-икром била зиёфат қилдилар. Уч кунгача анда бўлуб, кўрганларини қозоғга ёзуб олдилар. Андин кейин подшоҳ била видолашиб йўлга туштилар. Кела туруб йўлдин адашиб бўлак тарафға қараб кетиб, йўлни тополмай кўб манзил йўл юруб, чўлистон ичра бир ғорға келдилар. Ғордин овози бадҳайбат келур: эй Амир Темурни набираси садға келуб, Яъжуж-Маъжужни кўрдинг, бери келғил, мени ҳам кўргил, деб қичқирур. Тўра таажжубда бўлуб бул ғор ичра қандай кимарсадур деб келуб кўрдилар. Бир киши турур, сочлари ўсуб, атрофиға ўралғон, оёғида кишан, бўйнида занжир, юзини ерға қаратуб тортуб қўйубдур. Ҳар нима буларни кўргонларини тўраға бир-бир баён қилди. Тўра таажжубда қолиб, айди: қандай одамсан. Ул маълун айди: ер юзини худоси бўлурман. Тўра ҳайрат бармоқин тишлаб айди: нечук мундоғ дерсан? Ул айди: агар худо бўлмасам, нечук сени кўрган ишларингни билурман. Эмди мени қудратимни кўргил деб кўксига бошини қўйуб, эмчакидин пуфлаб андоғ семиз бўлдиким, ғор тўлди, ғор ҳам кенг бўлди. Яна андак замонда сурати аслиға келди. Яна тўрадин сўрди: халойиқ намоз ўкурму? Тўра айди: оре, андоғ заиф бўлуб, сиқилдиким, ҳадди йўқ-ку бир нимарса қилмоқға. Яна сўрди, халойиқ рибо ерму? Тўра айди: оре: Яна семурди, ғор тўлди. Яна сўрди: халойиқ рўза тутарларму? Тўра айди: оре, яна заиф бўлдиким, ўлмакға яқин етти. Яна сўрди: халойиқ хамр ичарларму? Тўра айди: оре. Яна семурди. Яна сўрди: закот берурларму? Тўра айди: оре, яна озди. Али ҳазо ал-қиёс, неча мартаба сўрди, тўра жавоб берди. Ушбу кайфиятда бўлди. Тўра айди: чин сўзингни айғил, ким бўлурсан. Ул малъун айди: сизларни худойингиз бўлурман. менга сажда қилғил, деди. Наузибиллоҳ мин залика. Тўра айди: худо бўлсанг, ўзингни на учун бу қайдлардин нажот қилмадинг? Кўрсаларким, анинг ёлғуз бир кўзи бор. Тўра айди: илло, сен расул акром саллоллоҳу алайҳи васаллам замонларидоғи жухуднинг ўғли Дажжол турурсан. Тўрани ҳамроҳларидин бири анга қилич солди, қайтиб ўзиға тегди. Тўра урманглар деб манъ қилди.

Дермишларким, расул алайҳис салом замонларида жухудни хотуни туғуб эрди. Муҳаммад алайҳис салом, саҳобалар бирла келуб кўрдилар, кейин имонға таклиф қилдилар. Ул шум қабул қилмай, ер юзини худосидурман, деди. Ҳазрат Умар афандимизни ғазаблари келуб, қилич солдилар. Анга таъсир қилмай, ўзларини манглай муборақлариға тегди. Муҳаммад алайҳис салом: Ё Умар, тангри таоло тақдири ўзга бўлмас, дедилар. Андин кейин бир фаришта қуш суратида бўлуб келиб, Дажжолни кўтариб бу чўлга келтуруб, ғор ичра оёғ-қўлини боғлаб қўйган эрди. Бу шум дев шайтонларни ўзиға мусаххара қилуб, доим иши жоду эрди. Андин кейин Дажжол малъундин Тўра сўрди: эй Дажжоли лаъин, қай вақтда бул ғордин чиқгайсан? Ул шум айди: ҳар вақт ўзбаклар

қўшун йиғиб Мовароуннахр билан Жайхундин ўтуб, Хуросонга боргайлар, андин кейин Хитой хуруж қилгай, сўнгра чурчут хуруж қилгай, алардин сўнг мен чиқарман, деди. Ва мотуфийқи, илло-билло.

Алқисса, мирзо Султон Муҳаммад тўра ул малъун қошидин чиқиб, йўлга тушуб уч ойдин кейин Хитой шаҳрига келуб, Ҳоқони Чинни қошига бордилар. Ҳоқони Чин буларга бениҳоят кўб инъом берди ҳар ажносдин тўрт мингдин, хизматлариға тўрт минг от берди. Тўрт қул берди, кўб-кўб инъом-эҳсонларни олиб Самарқанд келмоғиға юз қўйдилар. Неча кун ва неча ой йўл юруб, Самарқандга, Амир Соҳибқиронни хизматлариға келдилар. Амир Соҳибқирон набираларини кўруб, хурсанд бўлдилар. Булар мунда турсун, эмди сўзни Мирзо Шоҳрух тўрадин эшитмак керак.

## БУ ДОСТОНДА МИРЗО ШОҲРУХ ТўРА ИБН АМИР ТЕМУР ДАШТИ ҚИПЧОҚГА БОРИБ, ТўХТАМИШХОННИ ОРҚАСИДИН ҚУВЛАБ, ТўХТАМИШХОННИ ҚАТЛ ҚИЛҒОНИНИ БАЁНИ

Аммо, ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Мирзо Шоҳрух тўра Тўхтамишхонни орқасидин етиб келиб эрди. Тўхтамишхон қўлга ёсини олиб, тўрага қараб ўқ отти. Ўқ келиб тўрани отиға тегиб йиқилди. Тўра отини ўлукини остида қолди. Хон кўруб, хоҳласаким, тўрани бошини кесиб олса. Шул онда бир тарафдин чанг-тўзон пайдо бўлди. Кўрсаларким, Амир Темур Соҳибқирон эрди, лоилож қочиб, ўз элатини Сарой деган элига борди. Одамлар Тўхтамишхонни кўруб ҳол-аҳвол сўрдиларким, хабар нимадур? Хон айди: Мирзо Шоҳрух тўрани ўлдурмоғим яқин эрди, ногоҳ Амир Темур етиб келди. Ўзбаклар бу сўзни хондин эшитиб ҳайрон бўлуб, хонга ҳимоят қилурмиз, деди. Андин кейин Амир Соҳибқирондин кўруб, баъзилари Тўхтамишхонни боғлаб Амирға келтуруб бермоқ бўлдилар ва баъзилари туз ҳақини андеша қилдилар. Андин кейин маслаҳат бирла хонга от топиб бериб, элдин узоғ ерға қочируб юбордилар. Хон бир тарафга қочиб кетти. Аммо Шоҳрух тўра отни остидин бир навъи қилуб, қазо етмаб эрди, ўзини олди. Яна яёвлиқ ҳолда хонни орқасидин ахтариб бир тefани устиға чиқти. Кўрдиким, бир тарафга қанча чодир тикилғон, албатта отам Амир Соҳибқирондурлар деб. Тўхтамишхонни қочиб келғон Сарой элиға тўра келди. Элға ўзини маълум қилди, мен Шоҳрух тўра Амир Темурни ўтлидурман, деб хонни сўрди. Элатийя айдилар: хон бул ердин Дўрман элиға қочиб кетти. Тўра айди: нечук ушламадинглар? Улар айдилар: туз хотирини қилдук. Тўра айди: отам бул ерға келсалар мендин салом денгизлар, то мен Тўхтамишхонни ўлдурмоғунча бир ерда таваққуф қилмағайман, деб аҳд қилуб, орқасидин яна кетти. Дўрман элини улуглари йиғилуб, маслаҳат қилуб айдилар: хонни ушлаб берайлук. Тўхтамишхон, бу сўзларға паноҳ, тилаб сиғиниб келсам, мени нечук хотиримни қилмай, ушлаб берурсизлар, қўяверинглар, мен

Қатагон элига боргайман. Андин кейин Дўрман эли хонга раҳми келуб, қўйуб юбордилар. Аммо ҳеч нимарса бермадилар. Хон қочиб Қатагон элига борди. Ул элни улугини оти Бердибек эрди, анга хон йиғлаб айди: Сарой эли била Дўрман эли манга ёрдам қилмадилар. Бердибек қўб гаюр киши эрди, жамъи элатларини чақириб йиғдурди. Ул вақт тўра таваққуф қилмай Қатагон элига етти. Анда Бердибек элига айди: Қимдур хонга жонбозлиқ қиладурғон киши? Анда Турдибек Бердибек ўғли ўрнидин туруб, отасига таъзим қилди. Эй болам, бориб тўрани бошини кесиб келтур, деди, хонни кўнгли жамъ бўлсун. Андин кейин Турдибек бориб тўрани йўлини олиб, андоғ урдиким, отни кўкрагига тегуб ҳалок бўлди. Тўрани бир оёғи отни остида қолди. Ўрнидин туруб қочқали ҳаракат қилуб эрди, Қатагон эли тўрани келуб ушлаб берди. Бек қошига келтурдилар. Бердибек ўлдурмоқга буюрди. Бекни бир қизи бор эрди, оти Ойчигил эрди, кўрган кишиларни кўнгли анинг ишқида чигил эрди. Тўрани кўруб, жаллодни қўлидин ул мужуба ажратиб олди. Отасига айди: эй жоним ота, бу йиғитни ўлдуруб, отасига нима жавоб берурсиз? Аввал мунинг отасига жавоб топуб, сўнгра ўлдургайсиз, деди. Бердибек қизини сўзига ҳайрон бўлуб, нима дерини билмай, тўрани боғлаб қўйдилар. Амир Темур Соҳибқирон Султон Муҳаммад тўра набираларини бирга олиб Сарой элига келуб, андин хабар эшитиб, Дўрман элига келдилар. Андин тезлик била Қатагон элига етиб келиб эрдилар, Қатагон эли Амирдин кўрқуб, Бердибекни олдига келуб, айдилар: хонни боғлаб Амир Соҳибқиронга юборғил. Бердибек қабул қилмай мунга бош-оёғ либос бериб, от бериб, юз элатига юборди. Анда Ойчигил келуб, тўрани қайдин нажот бериб, айди: сабр қилғил, отанг Соҳибқирон келсунлар. Тўра қабул қилмай, ўшал кеча отига миниб, хонни орқасидин яна кетти. Аммо Амир Соҳибқирон эшиттиким, Қатагон эли хонга ёрдамлик қилуб, тўрага уқубат берибдур деб. Келиб ул элни қатли ом қила бошладилар. Тўрт минг киши, катта-кичик эру хотундин жасад шаҳристонидин жонлари адам чўлистонига кеттилар. Ойчигилга, тўра бир хат берган эрди, ани келтуруб Амир Соҳибқиронга берди. Мазмуни бу эрди: «Эй надари бузург, бу қизи оқилани яхши риоят қилурсиз, муни ҳақи менда кўбдур». Андин кейин Амир Соҳибқирон ўлдурмоқдин қўл тортти. Андин кейин бу қизни Фўладхонга бердилар. Анда Фўладхон Ойчигил тилсим хўққасини ҳикмат найзаси бирла тешти, чигилларини ешти, гунчалари очилди, қизил маржон сочилди. Ул Фўладхон ҳам Чингизхонни наслидин эрди.

Алқисса, Амир Соҳибқирон ўғилларини орқасидин жўнадилар.

## ЭМДИ СЎЗНИ МИРЗО ШОҲРУҲ ТЎРА БИЛА ТЎХТАМИШ- ХОНДИН ЭШИТМАҚ КЕРАК

Аммо хон юзийя элатига бордилар. Алар улуги Тўхтамишхонни боғлаб қўйди. Бизлар сени учун Амир Темурга асир бўлурмизму деб, тўрани олдига чиқиб, иззат-икром била ичкарига олиб кириб,



меҳмон қилдилар. Андин кейин тўра хонни кўруб, кўнгли тинчиб, завқ била таъомлардин тановул қилуб ўлтуруб эрди, Тўхтамишхон бирдан кишан-занжирни синдуруб қочти. Тўра кўруб, яроғларини тақинуб, орқасидин югуруб кетти. Аммо тўрани оти ниҳоятда чарчаб, юролмади. Лоилож отдин тушуб, яёв қувлади. Хон билдиким, қирға борсам, орқамдин борур, деб. Анда бир қўйчини ўлдуруб, ани кийумларини кийуб, найман элига келди, уларни қўйлари бор эрди, Тўхтамишхонни танумадилар. Олдинга ош келтуруб қўйдилар. Ҳануз хон бечора бир луқма ошоғон йўқ эрди, тўра етиб келди. Хон отига миниб яна қочти. Аммо тўрага найман улўғлари ошу таъом келтуруб, риоя қилдилар, воқеадин сўрадилар. Андин кейин тўрага от бердилар. Яна хонни кетидин ахтариб кетти. Неча-неча элатлардин ўтуб, Қорақурум даштига етти, анга яқин бир шахр қўрғони кўрунди. Ул шахрни отини Узоқ қалъаси дер эрдилар. Ул шахрға Золотоус ҳоким эрди. Ул тарафни барчаси ўрус мамлакатлари эрди, Москов пойтахт бўлуб, подшоси киз, оти Маликаи Оқшайх эрди. Аммо Золотоус ул ерда ов қилуб юрур эрди. Ногоҳ бир тарафдин чанг-тўзон пайдо бўлуб, кўрсаким, бир одам келадур. Ҳануз сўзга лаб очмай, орқасидин аслаҳа-яроғ бирла яна бир йигит келур. Ҳеч киши буларни танумади. Тўра кўрдиким, ўрус сипоҳлари ва саллотлари ов-овлаб юрурлар. Хон анда тўрани кўруб, отини қамчилаб, ҳарчанд ҳаракат қилуб эрди, от бечора кўб чарчаб, югурарга мадори қолмади. Тўрани иккила кўзи ўтдек ёниб, филҳол, югуруб бориб, Тўхтамишхонни белига қилич бирла андоғ урдиким, Тўхтамишхон икки бўлунуб, ерға тушуб, шахид бўлди. Золотоус муни кўруб ҳайрат денгизига ғарқ бўлуб, ўз тилида сўрди: қандай йигитсан, кимни ўғлидурсан, деб. Тўра анинг тилига тушунмади. Андин кейин бир тилмочни тошуб келтуруб сўзга солдилар. Тўра воқеани аввалдин охир аларга бир-бир баён қилди. Тўрани ишига алар офаринлар қилди. Золотоус тилмочдин тўрага бу йигит кўб чарчабдур, бизни жойимизга меҳмон бўлсун, деди.

Алқисса, Золотоус Мирзо Шоҳруҳ тўрани шахрни ичига олиб кирди. Анда мусулмонлар кўб эрди. Аларни йигиб, Тўхтамишхонга жаноза ўқуб, ул ерға дафн қилдилар. «Сен қочиб Қорақурумга борсанг ҳам, қора қонингни тўкарман, узоқга етолмай қолурсан» деган масал Тўхтамишхон била Мирзо Шоҳруҳ тўрадин қолди. Аммо Золотоус зиёфатлар қилуб, хамр келтуруб ичди, тўрага таклиф қилди. Тўра, бизни шариатимизда харомдур, деди. Анда бир неча нозик адо, чиройлик қизлар шаробни қуйуб бериб, хизмат қилар эрди. Тўраларга завқ қилуб ўлтуруб эрди, алар ичра бир чиройлик чўри барчага май бериб, масти лоақл қилуб, тўрани уйғотиб айди: эй афандим тўражон, нима бўладурки, мен чўришчи висолинг боғига йўл бериб, қучоғинг ўтағига, яъни ҳужрасига олсанг? Тўра туз ҳақидин қўрқуб сира қабул қилмади. Чўри айди: барчани кўрдинг — маст, лоақл, ҳеч ким бизлардин воқиф эмас, деб ҳаракати бежо қилуб, тўранинг тумриқига ёнушуб эрди, тўра қўлини кўтариб, юмуқи била андоғ урдиким, ақикдек дудоғи ёрилиб, кўзи яшнаб, қабоғи очилиб, оғзидин маржондек қоилари сочилиб, дурдек тишлари синди. Аммо ҳайратда қолиб, нима

дерни билмай, тонгласи жароҳатини Золотоусга кўрсатиб айди: менга бу йигит қасд қилди, мен андин ихтироз қилуб, тан бермадим, уруб лабимни ёрди. Золотоусни аччиғи келуб, ғазаб ўтига ёниб, қахр қилуб, қўл-оёғини боғлаб, тўрани Москов сарига, Оқшайх қошига юборди.

## ЭМДИ СЎЗНИ АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОНДИН ЭШИТМАК КЕРАК

Мирзо Шоҳруҳ тўрани орқасидин қайси элатга келсалар, тобеъ бўлуб, тортуқлар бериб, тўрани қаерга боргонидин хабар берур эрдилар, баъзи бўйун товлаганларини, «оқ уйли» қилуб юбордилар. Уч-тўрт элатдин аскар йиғиб, Узоқ шаҳрига мутаважжиҳ бўлдилар. Узоқга етгач, Золотоус эшитиб, кўргонларини маҳкам қилиб, дарвозаларини беркитти. Амир Соҳибқирон ўғилларини асир бўлуб, малика Оқшайх қошига борганини эшитиб, қайғуда бўлдилар. Золотоус Амирга нома юбориб айди: Узоқга яқин бир эски шаҳр бордур, ҳар киши ўшал шаҳр ичра кириб, бизга андин хабар келтурса, анинг динини ҳақлиғини билурмиз, анинг динига кирурмиз. Чунки анда туман-туман, милён-милён болари ватан қилгон эрди. Амир Соҳибқирон юз кишини хабар келтургил деб юбордилар. Алар бориб, келмади. Амир ҳайрат бармоқин тишлаб, анга ўзлари бормоқга ҳаракат қилдилар. Беклар манъ қилуб, айди: Эй Амир Соҳибқирон афандим, нима ишингиз бор, ариларни ўз ҳолига қўйунг, дедилар. Амир қабул қилмай, саҳар туруб, таҳажжуд намозини ўқуб, мароқбада эрдилар, овозе келдиким, эй Амир Темур, ғаввос шишасини бошинга кийгил, барча аъзоларингни беркитуб, анга боргил, деб эрди. Андин кейин Амир етти кишини ўзларига йўлдош қилуб, бошларига шиша кийуб, барча аъзоларини беркитуб, ўшал эски шаҳрга бориб кўрсаларким, илгари борган кишиларни барчасини аъзоси шишуб ўлуб ётурлар, бошлари, кўзлари асло маълум эмас. Кўрдиларким, ўшал шаҳр ичра иморати олий кўбдур, ҳар тешукдин минг сон ари кириб-чиқиб турур. Билдиларким, ул юз киши арининг захридин ҳалок бўлгондур. Яна буларга ҳам арилар келуб ёпушти, барча аъзолари беркутулгондир, илож тополмади. Андин кейин тошдин ясалгон бир иморатни кўрдилар. Ул уйдин бировни ўқуб тургон овози келур. Уй ичра кирдилар. Кўрсалар бир оқсоқол киши дарх-дарх титраб ётур, бир қулогидин қатра-қатра қон томур. Андин кейин Амир Соҳибқирон ул кишидин сўз сўрдилар, ул киши асло гапурмади. Амир жидду жаҳд била ҳар тилда сўзладилар, сира сўзга оғизни очмади. Анга кўб-кўб арилар ёпушқон эрди, лекин бирортаси чақмас эрди. Амир ул қари кишини қўлтуғига олиб кўтариб келаверди. Қариликдин кўб мулойим, юмшоқ эрди, анинг орқасидин арилар қувлаб келдиким, анинг касратига қуёш кўздин ғойиб бўлди. Бу ариларни Амир Соҳибқиронни қўшунлари кўруб, ҳар қайсиси ҳар тарафга қоча бошладилар. Амир кўрсаларким, иш қабоҳат бўлғудек. Лоилож, ул қари кишини маконига олиб бориб қўйдилар, арилар

яна қайтти. Амир кечи била чироғ ёқиб бориб, ул қари кишини яна олиб келдилар. Оёғ-қўлин боғлаб сўз сўрдилар, ул киши занжирни пора-пора қилуб қочти, яна тутуб келиб ўзини сочларидин қил олиб, боғладилар. Ҳарчанд зўр қилди, кучи етмади, қайдини узолмади. Қуёш чиққандин кейин Йаъсуб деган ариларни подшоҳи турур. Йаъсубни буйруқи бирла ари аскарни чиқиб, қари кишини искаб, исини олиб келавердилар. Амирни аскарни муни кўруб, яна ҳар тарафга қоча бошлади. Яна ул кунда тева ва отлар ҳар тарафга қочиб, баъзилари йўқолиб ва баъзилари ҳалок бўлди. Кечаси била сипоҳлар йиғилуб, ўзга ерга кўчтилари. Амир ул қари кишига айди: Эй бобо, агар сўзламасанг, ариларга қўшуб куйдуруб юборурман, деди. Андин кейин куйдурмоқ бўлуб кўб ўтунлар йиғдуруб, бир ерга жамъ қилдилар. Андин кейин ўтун узра ул кишини чиқариб кўйдилар. Анда ҳам ул қари киши сўзламади. Кун чиққандин кейин арилар жамъ бўлди. Андин кейин ўтунга олов кўйдилар. Қари киши арилар бирла ўт ичра қолди. Тонгласи қуёш ўти кўк сафҳаси узра чиққоч, кўрсаларки ул қари киши қизил чўғлар устида тирик ўлтурур, ўз қилига бойлалиғи ақалли бир туки ҳам куймабдур. Амир буюрдиким, ўтга сув уринлар. Филҳол ўтни ўчуруб ул кишини келтуруб Амир Темур Соҳибқирон ул қари кишини оёғига йиқилуб, узр айтдилар. Уч кундин кейин бир тарафдин овоз келур «ху-ху, ё минху ло илоҳа иллоҳу» деб, кўрсаларким Бухоронинг пири, ошиқларнинг шери, мардонларнинг далири, басир ханд пайғамбар аҳли муҳибга сарвар пирим Баҳовуддин ҳазратлари етиб келдилар, айдилар: Бу кеча Бухородин чиқиб келдим, бу кишини сўзга солойин деб. Ул қари киши хожам Нақшбандга кўб назар қилди. Хожам айдилар: Эй насроний, мандурман сенга ҳазрат Али, карамулло важиҳа, таъйин қилғон эрдилар. Филҳол, қари киши туруб Хожамни оёғларига ўзини ташлади. Айди: мени отим Кашфутатдур, вақтиқи Али ибн Абу Толиб бу шаҳрни келиб олдилар, ҳазрат Алига арилар ёрдам қилиб, душманларни қулоқ-бурнига кириб чақа бошлади. Андин кейин бу шаҳрни ҳазрат Али Йаъсуб деган ариларни бегига бердилар. Бу шаҳр халқи ўзга ерга шаҳр бино қилиб кетгандурлар. Мен ҳазрат Алини жангига келиб эрдим, мени бир қулогимдин оққан қон ҳазрат Алининг зулфиқорини асаридур. Андин кейин ҳазрат Алининг олдиларида мен мусулмон бўлдим. Менга Баҳовуддинни кўб тавсиф қилдилар, кўрмоғ орзусида бўлдим. Андин кейин мени дуо қилдилар, Баҳовуддин кўрмағунча ўлмағайсан, деб. Бу нишона ул кишидиндур, алҳамдулилло, жамолингизни кўрдум, мурадима еттим, эмди дуо қилинг, қулогим соғайсун. Хожам дуо қилдилар, сиҳат топти. Ул қари киши айди: мени таъомим мангу бол турур, мени ҳазрат Али ушбу ариларга талшурғондурлар, манга бол берурлар, мени ўтга солдинглар, куймадим. Доим Инжил ўқурман, анинг шарофатидур. Андин кейин Кашфутат муножот қилиб айди: Эй парвардигорим, вой яратган тангрим, ушбу Баҳовуддин бандангни даргоҳингга қаруби манзилоти ҳақ бўлса, мени ушбу дўстигини олдида жоним ол, деб муножот ичра «ҳақ» деди, жон берди. Барча кўруб анинг ҳолига

йиғладилар. Андин кейин тобутга олиб, хошам Баховуддин имом бўлуб, жаноза ўқуб, қабр туфроқиға тоншурдилар. Андин кейин хошам айдилар: Эй Амир Темур, ҳар вақт бир ишға ожиз келсанг, ё пирим Нақшбанд дегил, биз санинг ҳолингдин воқиғдурмиз. Амир Темур Соҳибқирон Қашфутатга ўлмасдин илгари айтиб эрдилар: Эй бобо, манга насиҳат қилгил. Бобо айди: Эй Амир Темур, бу сўзимни ибрат кўзини очиб, ақл қулоғи била эшитгил, мунга амал қилгил, мундин санга фойда кўбтур, деб. Бу насиҳатни қилиб, ушбу назмни ўқуди. Насиҳат бу турур.

### Н а з м:

*Мен сўз дедим, англа, эй Темур шоҳ,  
Олам ишидин сен ўлгил огоҳ.  
Кўргилки, жаҳон мадори йўқтур,  
Барча ишин эътибори йўқтур.  
Дунё арусига бўлма мағрур,  
Бул бонудин ўзни айлагил дур,  
Одам отамиз, Ҳаво онамиз,  
Нуҳ, бинни ўтти, барчаси гез.  
Кўр, кетти қаён Ефасу Шом,  
Нуҳни боласи ҳам эрди ул Хом.  
Жамшид Заҳҳок ҳам Каюмарс—  
Ким бўлди жаҳонда анга ворис,  
Чун Афросиёб Золу Рустам,  
Дунёни талашуб ўлди барҳам.  
Кўр, кетти бу Чингизу Ҳалоку,  
Ким кайф ила нос деб тамаку.  
Дунё бамисоли бир келинчак,  
Ҳар кимсаға жилва қилса андак.  
Ақлини олур ўшал замони.  
Ул дам унутур, ки илон макони.  
Бул бону кечурди кўб кувёни,  
Евидурким, эл айламас бировни.  
Барча ишида жафоси чўқтур,  
Шева қиладур, вафоси йўқтур.  
Ҳар кунда ўзин келинчак олиб,  
Кўб эрни ўзиға қилди толиб.  
Ҳар соғни топса жилва қилди.  
Ақлини йитурди, телба қилди.  
Гоҳ ақлиға келса ул яғона,  
Чун айлади гардиши замона.  
Дунё ҳавосиға алданур ул,  
Меҳр ила қўёрким анга кўнгил.  
Бир кун ани кўтиға тепарлар,  
Оғу сувин узвина сепарлар.  
Чиққилки дегай бу уйдин ул он,  
Йўқ сўзлагудек ким анга дармон.  
Безор бўлур анигдек эрдин,*

Тепгайки кўтига — чиқ бу ердин.  
Бу уйда анинг қарори бўлмас,  
Чиқмай деса ҳеч мадори бўлмас.  
Мундин кетадур, низор ҳам зор,  
Йўлдош йўқ анга, ҳам яна ёр.  
Дунё бошимг узра чун тегирмон,  
Бугдой каби ун бўлуи бори тан.  
Ҳеч кимса жаҳонда ўлмади шод,  
Кўк тўнли фалакдин этти фарёд.  
Нечун бу фалакни кўк либоси,  
Жавр ва ситамин йўқ интиҳоси.  
Дунё етти бошлу аждаҳодур,  
Мангу уйи жавр ила жафодур.

Алқисса, насиҳатдин кейин Кашфутат дорулфанодин дорулбақага иштиқол қилди. Амир Соҳибқирон ул ердин кўруб Узоқ қўрғонига келуб туштилар. Аммо тарсолар эшиттиким, Инжил Кашфутатдин Амир Темурга қолибдур, деб. Чунки Исо пайгамбар алайҳи саломдин анга қолгон эрди. Барча ўрус муллолари йигилуб, Амир Соҳибқиронга нома ёздиларки, бизларга рухсат берсалар, бизлар бориб Инжилни зиёрат қилсак. Андин кейин Амир Соҳибқирон қабул қилдилар, тўрт минг ўрус муллолари барчаларини мўйлаблари ўсган, баъзилари нағма чалиб ўз тилида ўқуб келавердилар. Кўрсалар Амир қизил чодир ичра тахт узра Инжилни қўйубдурлар. Алар айди: бизлар кунимизда қизил чодир, қизил либосни ёмон дермиз. Амир Соҳибқирон анда буюруб, қора чодир тиктилар. Андин кейин ўрус муллолари келуб Инжилга сажда қилдилар. Анда Амир Темур Соҳибқирон етти юз саруғлиқ Чингизхон чодирини тикти. Андин кейин келуб Амир Соҳибқиронга сажда қилдилар, нечукким, аларни динида саждаи таҳийёт фарз эрди. Амир Соҳибқирон манъ қилмади. Вузаролар ва умаролар айди: Эй Амир афандим, нечук манъ қилмадингиз? Амир Соҳибқирон айдилар: мен амр қилмадим, зарар йўқтур. Анда ўрус муллолари Инжилни олиб кетмоқни талаб қилдилар. Амир айди: эй Амир Темур, бизлар сизнинг динингизга кирмаймиз. Амир айдилар: жузя қабул қилинлар, алар қабул қилуб, Золотоусга айдилар: шахрингни Амирга тухфага бергил, бизлар Инжилни олайлук. \* Золотоус қабул қилмади. Айди: агар мақсудингиз Инжилни олмоқ бўлса, мен Инжилни сизларга олиб берай деб, эгнига совут, бошига дубулга кийуб, қўлига қалқон олиб, ўзига ўқ қилич таъсир қилмайдурган бўлуб, ёлғуз ўзи шахрни дарвозасидин чиқиб, Амирни аскарини бир нечасини ўлдуруб келаверди. Аскарлар то Амирдин буйруқсиз анга ҳарба қилмадилар. Амир Соҳибқирон буюрдиким: уринлар. Аскарлар бирдан қилич бирла урдилар. Анга қилич била яроғ таъсир қилмади. Андин кейин Амир Соҳибқирон олдига яқин келуб, арз қилдиким ўрус тилида: «Я Златоус нежолик узоқ от Кашфутат мибрал фосольтир вот этого я бирошу», деди. Амир тилига тушунмадилар. Андин кейин Мирзо Умаршайх тўра қўлига икки ўқлуқ ёсини олиб, иккала кўзига ўқ

била андоғ урдиким, юзи била ерға йиқилди. Филҳол бошини кестилар. Андин кейин Узоқ шахрини Амир Соҳибқиронға ўруслар бердилар. Амир ҳам Инжилни ўрусларға бердилар. Яна ўруслар Амир Соҳибқиронға минг ҳамён олтун бердилар. Неча кун ул ерда бўлуб, андин кейин Қароқурумға юзландилар.

Алқисса, Қорақурумни қалъасини мусаххара қилуб, қирк кунғача анда бўлдилар. Бир кечаси Амирни қулоғиға бир тарафдин нола ва зори била йиғи овози келур. Амир ул тарафға бориб, бир йигитни кўрдилар. Олдиға бут қўйуб, йиғлаб ўлтурур. Андин хожатини талаб қилур. Аммо амир билмадилар, нима дейдур. Тилмоч келтуруб, андин сўз сўрдилар. Ул йигит айди: Мани отим Шамарвахт, аввал замонда мани ота-боболарим бу шахрларға беку хон эрди, холо, бу вақтларда малика хуруж қилуб, биздин бу шахрларни олибдур. Ман бул ерда бутдин талаб қилурман яна салтанат тахтиға минсам деб. Амир анга аҳд қилдилар, бу юртларни олсам санға берай деб. Ул ҳам айди: қўлимдин келган яхшилиқни қилайин деб. Ул йигит айди: бу қўрғон остида мийл бордур хандақ ёнида. Хандақнинг бир чаккаси денгизға муттасилдур. Агар бу мийлни ўнг тарафға бурсалар, сув юқори чиқиб, шахр ичра кирадур. Ва илло, сўл тарафға бурсалар, денгизға сув тушуб, хандақ ичра ҳеч нимарса қолмайдур. Амир Соҳибқирон, филҳол, қўшун била келуб, мийлни ўнг тарафға бурайвердилар. Ул кеча шахр ичра сув тушуб, одамлар қочарға жой тополмай, барчаси тўфонда қолғондек, адам диёриға кеттилар. Шаҳар ичра сув тўлди. Кейин мийлни сўл тарафға бурадилар. Барча сув денгизға кетти. Андин кейин шахр ичра жамъи молларини олмоқ учун кирдилар. Кўрсаларким, тўқуз юз мингға яқин киши адам шахристониға юз қўйубдурлар. Бул сўз мунда турсун.

## ЭМДИ СЎЗНИ МИРЗО ШОҲРУҲ ТЎРАДИН ЭШИТМАК КЕРАК

Қирк киши Золотоусни амри бирла тўрани боғлаб бир тўқай ёқосиға келдилар. Анда барчаси шароб ичиб ўлтурдилар, маст, лоақл бўлгондин кейин бир-бирларини мазах қилуб, эрокишуб, йигирмаси бир тараф, яна йигирмаси бир тараф бўлуб жанг қила бошладилар. Бир тараф голиб келуб, бир тараф мағлуб бўлди. Тўра мағлуб бўлгонларға секин айди: мени қайддин ешиб қўйсангиз, сизларға ёрдам қилурман. Филҳол, ешиб тўраға от-яроғ бердилар. Андин кейин тўра андоғ жанг қилдиким, бир соатда ул йигирма кишини жасад фалакидин қалла ҳандалакин узуб, ҳалок қилди. Қолгонлари хоҳласаким яна тўрани боғласа, тўра айди: мани қўйунг, бул йигирма кишини хотун-боласи, албатта, Москов шахрида бордур. Буларни сўраса аларға нима жавоб берурсиз, дегач тўрани қўёвериб, ҳар қайсиси ҳар тарафға қочиб кетти. Тўра яёв юриб Москов сарига бораверди. Йўл узра ёмғурда қолуб бир горини тошиб кирди. Кўрсаким, бир киши ухлаб ётгур, ани бир қул бача ходими қилиб ўлтурур. Тўрани кўруб, ўрнидин туруб, қўлиға

созин олиб, ул соз Қақнус тумшуги каби эрди, арғанун дерлар, ани навозишга келтуруб, андоғ нағма қилдиким, тўра эси кетуб йиқилди. Соатидин кейин эси ўзига келуб, кўраким, оёғ-қўлини боғлаб қўйубдур. Тўра айди: менинг ёзуқим надур боғлаб қўйубсиз? Ул киши айди: отинг нимадур, қайдин келдинг, нима ишда юурсан? Тўра айди: Самарқанддин келурман. Московни томоша қилайин деб борур эрдим, йўлда ёмғурдин қочиб, бул ерга келдим. Ул киши айди: Эй йигит, сани Московдин келгон деб хавотирда эрдук, сани самарқандлик эканингни эмди билдук, деб қўлини ешди. Яна айди: мани ҳақим Яғфур атарлар. Бу шаҳрнинг маликаси бирла вазири манга ёвдурлар. Агар мани топти ўлдурур. Бу арғанунни кўрдинг, муни фаранг элидин келтуруб эрдим, ҳар ким эшитса ҳуши қолмағай; Кўб-кўб одамлар муни эшитиб, ҳалок бўлдилар. Эшитмагон кишилар келуб, муни эшитсалар, филҳол, эслари кетиб йиқилур. Тўра айди: албатта, бу ҳикмат била ясалгондур, муни ҳақиқатини маълум қилсанг, ҳақим айди: оре, бу арғанунни сониъи ҳазрат Исо пайгамбар алайҳи салом турурлар, мунга ул зоти боборақотни дуолари кетгандур, агар киши мени қасдимга келса, мен бу арғанунни чалгаймаи, ул кишини эси ва ақли кетиб йиқилур, мен ани боғлаб ўлдурурман. Тўра айди: Эй ҳақими Афлотун, сизни ҳам ўлдурмакни тадбири борму, қандай қилурлар? Ҳақим айди: «Эй ўғул, илло, мени ўлдурмакга қасд қилурсан?» Тўра қасамёд қилиб, онд ичти. Андин кейин ҳақим айди: мени ҳеч киши ўлдуролмас, илло санкару (яъни қар одамлар) чўқроқ киши бўлсалар, киши овозини эшитмасалар ва нағма унин эшитмасалар ўшандоғ киши ўлдурса, эҳтимоли бор.

Тўра неча кун ҳақим Яғфур хизматида бўлуб, андин кейин ҳақимдин рухсат олиб, Москов сариға юзландилар. Ҳақим тўрани қўлига бир хат бериб, айди: фалон мавзеъда бир қаландар бор, сочлари белига тушган, ушбу хатни эҳтиёт қилиб анга бергил, киши кўрмасун, деди. Тўра йўлга тушуб, Московни дарвозасига етиб келди. Аммо қўрғонларини тошдин ясогон эрди. Ҳар бурчида байроқ қўйгон, ҳар кунгирасида занбурак, милтиқ, ҳар занбурак бошида икки қоровул кеча-кундуз била турур. Шаҳрни қирқ дарвозаси бор эрди, бир дарвозасидин тўра кириб, йўл узра ухлаб, тонгласи Маликаи Оқшайхни аркига борди. Кўраким, аркни деворлари етмиш икки турлик тошдин ясалгондур. Маликаи Оқшайхни пойтахти ушбу эрди. Андин кейин раста бозорларни кўрса, ҳаддин ташқари зеб берган эрди, баъзи лапка ва дўконларда кўп хумда ароқ, фиваларни хотунлар сотиб ўлтурур. Аларда юзни беркитмоқ йўқ эрди. Тўра андин кейин яна бир ерга келса, сочлари белига тушган киши қўл узра ўлтурур, одамлар ани тавоф қилурлар, ҳақим айтгон нишони анда маълум эрди. Тўра ҳам тавоф қилмоқ бўлуб, хатни анга берди, ул хатни кўруб, тожик тилида айди: «ман шогирди Яғфурам, дарун хат маро фармудааст, ки кори вазирро тамом кун, ман аз хавфи вазир девона шудам», яъни мани вазир неча мартаба ўлдурмоқга қасд қилди, халойиқ мени бу аҳволда кўруб телва ва жинни деб ўлдурмоқни манъ қилдилар. Эй йигит, менда бир қути бор, ани вазирни қошига олиб боргил, ажаб

эмас, вазир бу қутини очиб ҳалок бўлса. Тўра ул қутини кўрдик, печотлангандур. Ани олиб, вазирни ҳовлисини ахтариб, эшикига келди, кўрдиким, вазирни аркони давлати зўр, ўшал вақт жамъи вилоятни беклари вазирни олдида эрди. Тўра қутичани келтуруб вазирни олдига қўйди. Вазир турк тилини билар эрди, айди: «Эй турк бача, қайдин келдинг, нима ишда юурсан?». Тўра айди: «Амир Темур Соҳибқиронни ўғлидурман, отам кўб мол била бизни элчи қилиб бул тарафга юбориб эрди, фалон мавзёда барча молларни қароқчилар талон қилиб олдилар. Мен ушбу қутини олиб қочтим, отам бу қутичани вазирга бергил деб эрдилар, эмди шул қутичани ўз қўлингиз бирла очгайсиз». Вазир бир соат тааммул қилди. дамо-дам тўра очмогини муболаға қилар эрди. Вазир сўрдик, бу қутича ичра нима бордур? Тўра айди: «билолмадим, отам менга айтганлари йўқ».

Қазора вазирни етти яшар ўғли ўйнаб келур эрди, бу қутича ани кўзига таажжуб кўрунуб, мунинг очқусига қўлини тегузди. Ногоҳ қутичани ичидин милтиқ отилиб, ул болани кўксига тегиб, ўлди. Буюрдиким, тўрани оёқ-қўлини боғланглар. Андин кейин тўрани оёқ-қўлини боғладилар. Вазир айди: «Эй йигит, ростингни айгил, бу қутини сенга ким берди?» Тўра айди: «отам бердилар»: Вазир айди: «Елгон айтурсан, бу хунарни ўзбек турклари билмаслар, албатта, сен Яғфур ҳакимга мулоқот бўлгондурсан», деб тўраға уқубат қилуб, қийноғ бердилар. Тўра лоилож воқеани баён қилди. Андин кейин ул қаландарни ахтариб тополмадилар. Яна тўрани Яғфур ҳаким қайда, деб қийнади. Лоилож ўшал горни таъйин қилди. Вазир юз кишини мукамал ва масаллаҳ қилиб юборди. Неча кундин кейин йигирма киши қулоқ-бурни кесилуб, қочиб келдилар. Айдиларки, ул гор ичра кирдук, ҳаким Яғфур қулига буюрди арғанун чал, деб. Ани овозига барча маст, лоилож бўлушуб қолди, кўнимизни ўлдуруб қолгонларни қулоқ-бурнини кесиб юборди. Яна тўрани қийнадилар, албатта ҳакимни ҳийласини билурсан. Нима амал қилур, қандай қилса, ҳаким ҳалок бўлур?. Ҳарчанд тўра инкор қилди, бўлмади. Аларни уқубатидин ҳалокатга етгудек бўлди. Охир, ночор ва лоилож айди: «Санкару (яъни қулоқи қар одамдур) чўқроқ одам бўлса, ажаб эмаским, ҳакимни ҳалокатга еткурсалар». Андин кейин вазир жарчи қўйдуруб, санкару чўқроқ (яъни қар одам) кишилар бўлса, топиб келтурди. Анда санкарулар йиғилуб, беш юзга еттилар. Андоғ қулоқлари оғир эрдиким, имо ва ишорат бирла сўзлар эрдилар. Вазир айди: «Бориб, фалон ерда ҳаким Яғфурни топиб ўлдурсангизлар, сизларга кўб инъом ва сийлов берурман», деб. Аларни ҳаким турган горға юборди. Алар горға боргач, аларга ул ғулум бача ҳарчанд арғанун чалди, нағма таъсир қилмади.

Алқисса, ҳаким Яғфурни ўлдуруб бошини олиб, вазирни қошига олиб келдилар. Тўра айтгон сўзига афсус еди, фойда бермади. Вазир тўраға бош-оёғ хилъат бериб, доим ўзига рафиқ тутар эрди. Неча кун ва неча замон ўтгандин кейин, шаҳр ичра нақора-барабан уч кунгача чолдилар. Тўра сўрдик, бу нимадур? Айдилар, бу кунлар байрам кунидур, ҳар йилда бир мартаба



Маликаи Оқшайх одамларга ўзини кўриниш берур. Бу иш саратонни аввалида эрди. Ўшул вақт ҳазрат Исо алайҳис саломга дор қилгон эрди. Вазир бормоқ бўлди. Тўра айди: «Мени ҳам бирга олиб боринг». Вазир қабул қилди. Эртасига Маликаи Оқшайхни ўрдасига келдилар. Барча кўриниш хонага келиб турурлар. Анда булоғлардин сув чиқиб, ариғларда оқиб борур. Вазир тўрани қўйиб, илгари борди, соатидин кейин, ҳарам саридин неча гўзал, яъни неча чиройлик чўрилар чиқиб, кийган либослари оқ, қулоқларида булоқ ани орқасидин яна неча нозик адо қизлар, қўлларида тароғ, сочларини тараб, қўзлари чироғ каби ёниб, ҳар тарафга қараб келурлар. Андин кейин яна неча қизлар, кийганлари кимхоф била қирмиз, жилва қилуб, кўрганларни Мажнун каби телва қилуб келар эрдилар. Бир замондин кейин овози келаверди, «кўтар, кўтар», деб. Кўрсаким, юз қул, олтун фўта белларида муъофа қўлларида кўтариб келур. Муъофа узра Маликаи Оқшайх келурким, хайҳат юз узра икки кокили муросаъ, бошида жига узра тож, белинда олтун камар била яроғи, юзи лаъл каби, қўзлари чўлфондек, тишлари дурдек, лаблари маржондек, ҳилол каби қоши барча кўзни хира қилур эрди. Юзини қуёшини барча кўрганлар хайрат бармоқин тишлаб, муҳаббат денгизига ғарқ бўлдилар. Андин кейин уч юз қул, қўлларида қилич кўтаргон, яна юз қул, қўлларида тўфангча, яна юз қулбача қўлларида тос, келурлар. Барча бирдан маликага сажда қилдилар. Илло, тўра сажда қилмади. Малика тахт узра ўлтуруб, вазирдин сўрдикки, бу йигит қайдин келгондур, менга сажда қилмади. Вазир анга тўрани наслини маълум қилди. Андин кейин малика тўрани қошига чорлади. Тўра тавозеъ била маликани олдиға борди. Малика тўрадин ҳар тарафдин сўз сўрди, бир-бир анга жавоб берди. Андин кейин айди: «Эй йигит, бизга нечук сажда қилмадинг». Тўра айди: бизни шаъриатимизда худодин бошқага сажда мамнуъдур. Шул сўз узра бир киши келуб, маликага саждаи ибодат келтуруб, бир нимарса деди. Филҳол, малика ўрнидин туруб эрди, барча умаро, вузаро била беқлар ўрниларидин турдилар. Лекин ҳеч ким гафурмади, соатидин кейин эшикдин бир жамоъа қора кийганлар келуб маликага сажда қилдилар. Андин кейин тўрт киши бир сандуқни кўтариб келдилар. Малика барчалари анга қараб етти мартаба сажда қилдилар. Ул қора кийган жамоъа барчадин юқори чиқиб ўлтурдилар, ўзгалар ўлтурмай, қараб турдилар. Тўра тилмочдин сўрди: булар кимдур, бу сандуқ ичра нима бордур? Тилмоч айди: «Булар ўрус муллоларидур, бу сандуқ ичра Исо пайғамбар алайҳис саломни маркабларини туёқи бордур, булар ҳазрат Исони худони ўғли дерлар. Наузибиллсқ мин залика, ўрус муллолари айди: «Нечук бу йигит сандуқга сажда қилмайдур, холс, сажда қилсун, бўлмаса ўлдурурмиз». Тўра айди: бизни динимиз ҳақдур, алар бирла мунозара ва муноқаша қилурман, агар менга голиб келса, қабул қилай. Ўрусларни удуғларини кўби араб тилини билур эрди, тўра ҳам толиби илм эрди. Ўрус муллолари айди: «Исо ибн Оллодур». Тўра айди: Абдуллодур. Охир ўрус муллоси айди: «Икковимиз ибодатхонаи азим мақомиким тобути Исо андадур,

анга борурмиз, қоида шулким, икки киши даъво қилуб ул жойга борса, ҳар кимни сўзи ботил бўлса, голиб бўлур». Тўра таваккални тангрига қилуб, қабул қилди. Вазир айди: «Эй меҳмон келғил, замонасозлиқ учун бу туёқга сажда қилуб, омон топғил». Тўра қабул қилмади, икковлари чиқиб, ўшал мазкур ибодатхонага келдилар. Тўра бир чаккага бориб, намоз ўқуди. Ўрус муллоси иккала оёғини занжирга осиб, бошини паст қилуб, Инжил ўқуди. Одамлар эшикни беркитиб кетдилар. Ярим кеча эрдиким, ибодатхонани шифидин яшиндек яшнаб чиқуб бир яроғ келуб, ўрус муллосини уруб, калласини танасидин жудо қилди. Тўра қўрқуб, кейин билдиким, албатта дини Муҳаммад ҳақдур. Эртасига барча ўруслар келуб, ўликни олиб Маликаи Оқшайхни қошига келтурдилар. Баъзилар айдилар, ибодатхонани қоидаси гуноҳкор голиб бўлар эрди, муни бу Муҳаммадий йигит ўлдургон, деб тўрани ҳам ўлдурмоқга буюрдилар. Шул вақт узра ғало-гулу пайдо бўлуб, бир жамоъа кўрк кийган одамлар келдилар. Алар куна сувига қоровул эрдилар. Ул куна суйи шундоғ эрдиким, мақоми ҳаво совуқ бўлгонда бир қиз билан бир ўгулни тошиб, ани ора бериб, ясотиб, кўрук отларга миниб, зибак конига бориб, қудуқ ёқасида туруб, «Зибак» деб қичқирурлар. Ул зибак ўгул ё қиз бўлса, анга ошиқдур, нечук анинг асли ҳазрат Одам Ато алайҳис саломни нутфаларидин эрди, ўшал қоровуллар боргунча йўлларини қазиб, ҳар ерга чуқур қилуб, борур эрдилар. Кон тефасига бориб, ким қичқирса қиз ё ўгул зибак юмалануб, ўшул қичқирган кишини олиб кетар эрди. Агар одамни олиб кетолмаса, анинг қути йўқ деб, зибакни олмас эрди. Қоровуллар ҳар ерда чуқурда қолгон куна сувини йигиб олур эрдилар. Ул вақт қишни ўртаси бўлур эрди.

Алқисса, тўрани зибак конига олиб бордилар. Тўра айди: «Иншооллоҳ, умидим бор, куна суйи мани ғарқ қилолмас». Андин кейин, тўра бориб, «Зибак» деб қичқируб қочти. Куна суйи мавж уруб чиқиб, тўрага етиб, тортиб олиб кетаверди. Тўра ҳайрон бўлуб, яратганга муножот қилди.

Н а з м:

*Муножотим қабул этгил, илоҳим,  
Яратганим, эгамсан, подшоҳим.  
Манга бул дам ўзунг раҳм айла, ё раб,  
Кечургил ёзуқим, бўлса гуноҳим.*

Ногоҳ ўшал қаландари, сочлари белига тушган киши келуб, қўлида шиша ичра бир нимарсани тўрани устига тўкти. Зибаклар бўлуруб, қути кетиб, олиб кетолмади. Тўра чиқиб қочти. Қоровуллар ҳарчанд қувлаб етолмадилар. Лоилож воқеани келиб Маликаи Оқшайхга айдилар.

Аммо ўшул қаландар тўрани олиб, бир тоғни бағрига келди. Кўрсаким, ҳаким Яғфурни шогирди турур. Тўра сўрди: «Шиша ичра нима бор эрди?». Қаландар айди: «Ул сирка эрди, қотил зибак бўлур, чунки зибак асли шаҳватдур. Ҳукамо назарида сирка ичмоқ

эркак кишиларға манъдур». Андин кейин, тўрани олдида ул киши имон келтуруб, мусулмон бўлди. Андин кейин бир тарафга равона бўлдилар. Уч кун йўл юргандин кейин бир тўф қора кийган одамлар хотунлар била, ўгул, қиз болаларини олиб, барча ашёларни маркабларга ва таворларга ортиб, йиглаб келурлар. Тўра билдиким, булар ўз юртидин кўчуб, ўзга ерга борурлар. Алар турк тилини билар эрди. Тўра сўрди: «Сизларга нима бўлди?» Алар айди: «Эй йигит, нима ишинг бор?!» Анинг кейнидин яна қўб одамлар келур, аксари дехқон, экунчи эрди. Аларни беклари ҳам бор эрди, хотун болаларини олиб келурлар. Алардин ҳам тўра сўз сўрди. Алар айди: Шоҳимиздин қочиб келурмиз, ушбу денгиз ёқосига бегимиз шаҳр бино қилмоқга борурлар. Тўра подшоҳини жиловин ушлаб, айди: «Эй бегим афандим, қайга борурсиз, булар нечук йигларлар?» Ул айди: «Эй йигит, мени отим Машготносийдур, шаҳри Булғорни беги бўлурман, булар булғор халқидурлар, холо, печа вақтдин бери кеча бўлса, тўп-тўп, жамоъа-жамоъа ҳаво юзасида либослари қора халқ келурлар, остиларида от, қўлларида қилич, саф боғлаб, бир-бири била жанг қилурлар, олам гавғога тўлур, ҳар кеча неча-неча минг ўку яроғ тегиб, ер узра йиқилиб ўлурлар. Анинг ўлиқини қошига борсак, гойиб бўлур».

Тўра айди: «Эй бегим, алар асокири жиндур. Сизларни шахрингизни жанггоҳ қилубдурлар. Алар аскар ора жайфи жанг қилурлар, яна йўқ бўлуб кетурлар». Яна тўра айди: «Мен Амир Темурни ўғлидурман, агар сизлар мусулмон бўлсангиз, ўшул балони сизларни бошингиздин дафъ қилурман». Алар айди: «Сен бир кеча ул жойга бориб ухлагил, қайтуб келгил, сўзингни қабул қилурмиз». Тўра андин кейин дев-нариларни ривоятини қилуб, бир ерга осиб, ўзи ул кеча Булғорда бўлди. Кўрдиким, икки жамоъа халқ анда пайдо бўлдилар. Бири сафни Машрик тарафда ораста қилдилар ва бири Мағриб тарафда саф тузиб, барчаларини бўйлари қисқа, қўлларида яроғ, олам шавқунга тўлуб, урушмоқга муқайяд бўлдилар. Тонг отқунча тўра тамошода бўлди. Тонгласи ҳаким қаландар била яна ривоят айтиб айди: «Эй жинлар, билинг Булғор эли мусулмон бўлдилар, дини ҳақни топдилар, сизлардин аларга зарар тегса, лаънати оллога гирифтор бўлурсизлар». Ўшул кеча кедуб андин кейин сира келмадилар. Тўра аларга севунчи деб яхши хабар берди.

Алқисса, булғор эли маконларини топуб қарор олдилар. Барчалари аҳли мусулмондин бўлуб, шаҳар ичра масжидлар бино қилдилар. Ровий дерким, ул ривоят хануз ғилоф ичрадур. Тўра неча кун ул ерда бўлди, кўрсаким, оқшом бўлғоч, шафақ гойиб бўлмай, субҳ зоҳир ўлур. Тўра анинг кайфиятини сўрди. Алар айди: саратон бўлғоч, бизларга кечаси бир соатдин зиёда бўлмас. Тўра ўз кўнглида айди, ушбу шафақ била қуёш кайфиятини билмоқ орзусида бўлуб, аларга сиррини айди. Анда бир олим, етук киши айди: «Бу шафақни малик Искандар Зулқарнайн ҳазратлари кўргандурлар, анинг рисоласи мендадур», деб тўрага берди. Ҳар ерда ташвишда бўлсанг, бу рисолага назар қилгил, барча ишинг фатҳ ўлунур. Тўра от узра рокиб бўлуб, неча кундин кейин бир улур

тўқайга келдилар, етти киши булғордин тўрага йўлдош бўлуб эрди, тўсатдин тўқайдин илонлар чиқиб, ул етти кишини ўлдуруб еди. Тўра қочиб бир йиғоч узра чиқди. Андин кейин, ёввойи такалар келуб, илонларни тутуб еди. Тўра у такани бирини милтиқ била уруб, кабоб қилуб еди, кейин рисолага назар қилди. Дебдурким, бу тўқайни фалон еридин ўтсанг, муқобилида тоғ кўринур, ул тоғни манглайингга олиб юргил, тоғдин ўтсанг, анда бениҳоят қўй ва йилқилар бордур. Андин кейин тўра ул тоғдин ўтти, кўрсаким, беадад ва бениҳоят қўйлар ва йилқилар бор. Аммо ул ерда ҳеч одам кўрунмади. Қуёш даражаси ҳамални йигирманчисига етиб эрди, гўё совуқни зиёдалиқи далв даражасидин ҳам зиёда эрди, кўрсаким, ҳар ердин тутун ҳавога ўролуб чиқадур. Тўра айди: «албатта бул ерда одам бор», деб. Ахтариб бир жарға тушти. Совуқни зўрлиқидин ўлмакга яқин етиб эрди, жар ичра бир эшикни кўруб, тўра келуб ўшул эшикни урди. Биров келуб эшикни очти, тўра кирғоч, яна беркитти. Кўрсаким, ерни остига қават-қават уйларни тартиб берғондур, гўё бир шаҳр қилубдур, уйларини ҳар қаеридин ҳавога тешук қўйғон эрди. Аларни таъмаси тева ва йилқи, қўй ва сигирни сути эрди, кийумлари жундин чакмон эрди. Тўрани подшоҳларини олдиға олиб бордилар. Подшоҳини эғни ҳам чакмон эрди, тўра сўрди: «Сизлар қандай одамсизлар?» Алар айди: «Бизлар ҳам ўрусға тобеъдурмиз». Алар айди: «Бизни юртимиз барча юртдин яхшироқдур, мундин илғари шаҳр йўқтур, бизлар қуёшға қарармиз, жавза даражасига келғонда ер юзига чиқармиз, уч ойдин кейин қуёш сунбула даражасига келғонда яна бу ер ичра кирурмиз. Тўқуз ой мунда бўлурмиз. Ушбу равишда тириклик қилуб, умр ўтказурмиз. Ҳар киши қиш фаслида бул ердин ер юзига чиқса совуқни касридин ҳалокатға етгай, қачон кўклам фасли бўлуб, ёз бўлса, бул ердин, чиққаймиз. Аввалғи замонда бизлар Булғорға борур эдук. Йўлларимизға илонлар пайдо бўлуб, анга бормоқ мунқатиъ бўлди». Яна тўрага айдилар: «Эй йигит, сен ул макондин нечук ўттунг?». Тўра аларға воқеани баён қилди. Тўра айди: «Сизлар қайси диндадурсизлар?». Алар айди: «Бизларни тириклигимиз ўт бирлан, анинг учун ўтға топинурмиз». Тўра таажжуб бармоқин тишлади. Тўра аларға айди: «Мени орзум шафақ голиб бўлғон маконға томоша қилмоқ учун борурман». Алар айди: ул ерға бормоқни имкони йўқтур, бул ердин анга бир ой йўл юрғондин кейин зулматға борур. Йўлларини тамоми хатардур, ул мақомда олти ой қуёш кўрунмайин, зулмот бўлур, яна олти ой қуёш заҳир бўлуб, равшанлиқда бўлур. Ҳар вақт қуёш буржи ҳамалға келса, ул жазирама кундузига мубаддал бўлур. Қачон буржи мезонға борса, қуёш паст тушуб, кечаси бўлур, нечукким, йўлда бир улуг тоғ бор, андин ўтмак кўб мушкулдур. Ул тоғни соясида ул жазира олти ойғача зулмотда қолур.

Алқисса, тўра аларға, мусулмон бўлунглар, деди. Алар айди: агар бизлар кофир бўлсак ҳам, бир гина қилсак балоға мубтало бўлурмиз. Ҳар вақт бизлардин бир киши гина қилса, барчамизға ани касофати уруб, бизларға офат тегуб, сариг бўлурмиз, яна қизил бўлуб андин кейин қорайуб ҳалок бўлурмиз. Лекин ушқ

болаларимиз ўлмаслар, қамолотга етуб, биз каби бўлурлар. Тўра ҳайрат бармоқин тишлади. Тўра хотун олмоқ учун алардин қиз талаб қилди. Аларни улуғи айтиди: мени қизим бор, сенга бергайман ва, илло, ғуноҳ қилмагайсан. Тўра қабул қилди. Қизни ақдиға олиб, мусулмон қилди. Неча кун анда бўлди. Аларни таъоми тувор ва улоғ этидин ўзга нимарса йўқ эрди. Тўра анга бул тараф шаҳрларини турлу-турлу лазиз таъомларидин сўзлаб, таъриф қилди. Бу сўз анга манзур бўлмай, тўрани олдиға бир табақда тезак келтуруб қўйди, ишорат шунга бўлдиким, яъни ҳар нимарсани охири нажосатдур. Муни кўруб, тўрани аччиғи зиёда бўлуб, ғазаб ўтиға ёниб, қилич бирла уруб қизни ҳалок қилди. Ул замон ул одамлар барчаси қора кийуб, тўраға келуб айтилар: «Эй йигит, воқиф ва огоҳ бўлгил, ҳозир бизларни бошимизға бало келурға сабаб бўлдинг». Тўра қилгон ишиға армон қилиб йиғлади. Айтиди: «Мени ўлдуринг, чунки сизлардин бало дафъ бўлсун». Алар айтилар: «Сени ўлдурсак, ўғлонларимизғача қолмай ўлур». Аларға бало келурда нишонаси бул эрдиким, аввал, ёққан оловлари ўчуб қолди, андин кейин туслари сарғайиб, сўнгра қизариб, андин кейин қорайуб барчалари бирдан ўлдилар. Болалар ёш қолиб, барчаси йиғлаб, фиғон қила бошлади. Тўра аларни йиғилариға тоқат қилолмай, ҳайрат денгизига ғарқ бўлуб, ўзини олиб саҳроға чиқти. Бир йиғоч остиға бориб эрди, бир тарафдин чанг-тўзон пайдо бўлди, кўрсаким, бир жамоъа ҳайбатлиқ маҳлуқ келур, сурати одамға ўхшаш, қоринлари ниҳоятда катта. Алардин кўрқуб, тўра йиғоч узра чиқти. Алар келиб, ўлган ўлукларни еб, бир дамда тамом қилди. Тўра аларни кўруб, дарақ-дарақ титраб, ҳайрон бўлуб қолди. Андин кейин ушоқ болаларға қасд қилди. Анда тўра тангри таолоға муножот қилуб, айтиди: «Эй яратган парвардигорим, ушбу болаларни ўз паноҳингда сақлагил, буларни авлоди манқатиъ бўлмасун». Андин кейин яна чанг-тўзон кўрунди. Бир элат одам келур, барчалари оқ кийумлук, минганлари бўз от, бир турфа зотларким, бошларида саллафешлари қўйулгон, мисвоқлар осилгон, От бағрида қумгонларда тўла сув, мусалло, яъни жойнамозларини бўйнилариға ташлагон. Келуб ул маҳлуқларни ўлдурла бошладилар, қанчаси ҳалок бўлуб, қолгонлари қочиб кеттилар. Андин кейин тўра олдиға келуб, кишини ноҳақ ўлдургон сенму деб боғлаб олиб кеттилар. Ўз шаҳрларига олиб бордилар. Анда одамлар ниҳоятда қўб. Шаҳрларини минг дарвозаси бор эрди, кўрсаким, ўрамларда олтун тўда-тўда ётур. Бозорларини кўрдиким, кеча-кундуз дўкон, лапкалари очуқ турур. Кимсаға нимарса керак бўлса, баҳосига яраша пул бериб олғай эрди. Лекин дўконлар ичра эғаси йўқ эрди. Аларни хотунлари туғса йиғлаб, агар бирлари ўлса, кулар эрди. Ҳовли ва уйларини эшики йўқ эрди. Мозористонлари яқин, масжидлари узоқ эрди. Тўрани тутуб, подшоҳларини олдиға олиб бордилар. Кўрсаким, икки киши подшоҳни боши узра қилич яланг қилуб турурлар, айтурлар: «Эй султон афандим, адолат ила сўргил, бўлмаса ҳалок бўлурсан», дерлар. Анда султон тўраға айтиди: «сен кишини ноҳақ ўлдурдингму?» Тўра айтиди: «оре». Андин кейин тўрани ўлдурмоқға ҳукм қилди. Жаллод келуб тўрани

ўлдурмоқга ҳаракат қилгон вақтида, тўра айдики, «ла илоҳа шалло-лоҳу, Муҳаммадур росувлуллоҳ»<sup>1</sup>. Муҳаммадни муборақ отларини эшитгач, филҳол, барчалари бирдан ўринларидин туруб, таъзим билан саловат юбордилар. Айдилар: «Эй йигит, сен Муҳаммад умматларидинму?» Тўра айди: «оре». Андин кейин тўрани бойлуқларини ешиб, айдилар, шаърияти Муҳаммадга шерикдин ўзгага тавба лозимдур, деб. Тўрага тавба бердилар. Тўра чин эътиқод била тавба қилди. Тўра аларни кирдорини сўраб билдиким, Мусо пайғамбар алайҳи салом замонларида буларни дуойи хайр қилгон эрдилар. Анинг учун алар халқни кўзидин ғойиб бўлуб, бир соатда Мағрибдин Машриқга борур эрдилар. Хотунлари туғса, ул болани кўруб йиғлаб айтур эрдилар, эй бола, дунёи ғаддорга нега келдинг, яна бировлари ўлса кулуб айтур эрдилар, бу дунёи пўр жафодин қутулдинг. Масжидга узоқга борур эрдилар, нечук, масжид узоқ бўлса, анга борғунча қўб савоб ҳосил бўлғай, деб. Мозористонлари яқинлиғи, нечук анга ибрат деб назар қилар эрдилар. Уйларини эшики йўқлиғи, нечук, ул элда хиёнатчи ўғри киши йўқ эрди.

Ахборда келтурурларким, ушбу каби икки шахр бордур. Бирини Жобулқо ва бирини Жобулсо атарлар. Андин кейин тўрага айттилар, сен қайдин келдинг? Тўра айди: «Туркистон вилоятларидин ва Самарқанддин келдим». Алар айди: «Бизлар сайр қилуб, ул юртларга бориб эрдук, рижол ул ғойиб имдоди била бизларни Амир Темур кўруб эрди». Андин кейин тўра Амир Темурни ўғли бўлурмен деб, шафақни ғойиб бўлмоғини, ани томошасига келмоғини воқеасини айтиб, анинг сиррини сўрди. Алар айди: бизлар ул жазирага қўб борурмиз, анинг сабаби булким, фалак оғир шифи тегирмон тоши каби доим айланур, шимол тарафи баланд ва жануб тарафи паст турур. Шимол тарафидаги Қоф тоғи фалакга муттазил бўлур. Қуёш паст тушгач, тоғни орқаси қоронғуға мубаддил бўлур. Ёз фаслида қуёш тоғни орқасига ўтса ҳам равшанлиғини асари кетмағай. Шул сабабдин, Булғор шахрида кечаси бир соат бўлур.

Алқисса, тўра аларни имдоди бирла жазираларни кўрди. Андин қайтиб, Булғорга келди, энди муни Булғорга қўйуб, Амир Темур Соҳибқирондин сўз эшитмак керак.

## БУ ДОСТОНДА МИРЗО САЙФУДДИН ИБН АМИР ЧОҚУ МАЛИКАИ ОҚШАЙХНИ ПУДИЙ ДЕГАН ВАЗИРИ БИРЛА ЖАНГ ҚИЛГОНИНИ БАЁНИ

Алқисса, Амир Темур Соҳибқирон Қорақурум шахридин ўтуб, ўрусни қўб шахрларини олиб, Московга яқин келгонда Маликаи Оқшайх Пудий вазирига юз минг кишини қўшуб Амир Соҳибқиронни жангига юборди. Бул тарафдин Мирзо Сайфуддин тўра Амир

<sup>1</sup> Оллохдан бошқа маъбуд йўқ ва Муҳаммад унинг пайғамбаридир.

Соҳибқирондин фотиҳа олиб, қирқ минг аскар бирла етти кун йўл юруб, андин кейин бир тоғни устига чиқтилар. Ул тоғни Мирим тоғи атар эрдилар. Қоровуллар хабар бердиким, тоғни бағрида Пудий юз минг аскар бирла келуб, ётибдур. Бул тарафдин Пудий ҳам хабар тошиб, аскарларини сойни ичиға қўйуб, атрофини қўрғондек қилиб ўзи чодирини тоғни устига тикиб ўлтурди. Андин кейин Амир Соҳибқиронни қўшунларини кўрди. Кўрсаким, ўн бир байроқ тикувлиқ кўринур. Пудий билдиким, бу қўшунларни бошлиғи ўн бир кишидур.

Мирзо Сайфуддин тўра ҳам аскарига буюрдиким, атрофга хандақ яъни чуқур ковланглар. Андин кейин аскарлар хандақ кавладилар. Мирзо Сайфиддин сипоҳларга айдиким, мендин ижозатсиз жангга бормағайсизлар. Аммо Пудий қуръа ташлаб кўрдиким, уч кунгача буржи саратонда толеъи қўб қуйидур. Мирзо Сайфуддин ҳам қуръа солиб кўрсаким, толеъини қавс даражасида топти, заифдур. Пудий, филҳол, қўшунлари бирла жанг қилмоқга отланди. Мирзо Сайфуддин тўра аскарини, жанг қилманглар, деб қайтарди. Андин кейин ўрусни тўралари соллотларини олиб, урушмоқ учун майдонга кирдилар, қўб таваққуф қилдилар, ҳеч киши Мирзо Сайфуддин тўра тарафидин майдонга кирмадилар. Чунки, Мирзо Сайфуддин айтиб эрдиким, жанг қилғоли борманглар, деб. Андин кейин уч кунгача ўрус аскарлари мубориз талаб қилди. Мирзо Сайфуддин тўра ҳар кун, бугун сабр қилинғ, дер эрдилар.

Алқисса, Мирзо Сайфуддин кавокибни кўрдиким, саъдга келибдур. Андин кейин Мирзо Сайфуддин сипоҳларга буюрдиким, отлансун. Филҳол, аскарлар отлануб яшил байроқларни кўтардилар. Пудий ҳам қуръа ташлаб, толеъини кўрдиким, етти кун нахсдур. Жарчи қўйдиким, саллотлар қўзғолмасун, деб. Чиғатой сипоҳлари майдонга кириб, ўрус аскарларидин мубориз талаб қилдилар. Етти кунгача ҳеч киши келмади. Андин кейин Пудий қуръа ташлаб кўрдиким, толеъи буржи мезонга келиб, қуёш даражаси саъди акбарга келибдур. Яна мирзо Сайфуддин қуръа солиб, буржи қавсда зуҳал даражасида ўзини кўрди. «Қавс уйи сувдур», деб мирзо Сайфуддин тўра таваққуфда бўлуб эрди, андин кейин Пудий отланди. Олти тарафдин бирдан от қўйдилар. Ўрусни соллотлари беш кунгача гавго ва талотўп қилиб, хандақ ёқасида бўлдилар. Беш кундин кейин Мирзо Сайфуддин тўра ҳикматда кўрдиким, толъеи саъди акбарга келибдур. Чиғатой сипоҳлари аҳд қилдиким, бу кун Пудийни барғоҳига бостурурмиз. Андин кейин кўрдиларким, ўрус сипоҳлари барчаси қуш борму ё қўй борму қорамол борму Пудийни амри бирла сўйиб турдилар. Анда билдиларким, ўрус аскарини қони тўкулур. Пудий хоҳласаким, соллотларни қайтарса. Чиғатой аскарлари Мирзо Сайфуддин тўрани амри бирла яёв бўлдилар. Ул кун ўруслар аскарлари бирла Чиғатой аскарлари аралаш бўлуб қолдилар.

Алқисса, урушмай, яна қайттилар. Бу сифатда қирқ кун ўтти. Ул кун сафар ойини йигирманчиси балиғ йили эрди, Мирзо Сайфуддин толеъини кўрдиким, қамар буржи асадга келиб, қирон бўлубдур, умид қилиб, ўз қўнғлида дедиким, агар жирми қамар

куйса, хавф ўрус жамоъасига бўлса керак, нечукким, ул қамар аларга муқорин эрди, агар жирми заҳира куйса, ул Туркистонга муқориндур. Ўшал кун кечаси иккала юлдуз қирон бўлур деб, иккала ҳаким ул кун таваққуф қилдилар. Аммо иккала қўшунни ўртасида бир булоғ бор эрди, андин бошқа ерда сув йўқ эрди. Ул булоқ ёқасида бир ўзбак бирла бир ўрус бир-бирини мазақ қилди. Ўрус муни сўкти, бу ўрусни урди. Ўрус ўз тилида шавқун солиб, аскарларини чақирди, ўрусдин бир нечаси келиб, ўзбакни урдилар. Бул ҳам дод деб, чигатой аскарларини чақирди. Аскарлар бориб икки-уч ўрусни ўлдурдилар. Андин кейин ўруслар қочиб яна қайтиб келиб бир-бирларини ўлдура бошладилар. Ул вақт мирзо Сайфуддин тўра чодир ичра ёлғуз ўзи устурлобни олдиға қўйиб, юлдузларни қиронини мушоҳада қилиб ўлтуруб эрди. Аммо Пудий ҳам толеъига қараб эрди, кўрдиким, ўшул замон жирми зоҳира куйди. Филҳол, Пудийни аскарлари шавқ-завқ бирла яроғ-аслаҳасиз шавқун солиб чиқти. Ғавғо кўзғолди, Андин кейин Чигатой аскарлари ва сипоҳлари тобу тоқат қилолмай, мирзо Сайфуддинни олдиға кирдилар. Кўрсаларким, устурлобға қараб ўлтурубдур. Сипоҳларға айдиким, филҳол, ўрус бирла жанг қилманглар. Мирзо Сайфуддин тўрани сўзиға беклар ва сипоҳларни аччиғи келиб, қўлидин устурлобни олиб, ерға урдилар. Бирдан сипоҳлар отлариға миниб, қўлларида қиличларини яланғоч қилиб, ўзларини ўрус аскарйға андоғ урдиларким, чанг-туфроқ фалакға ўрнаб, куёш кўздин ғойиб бўлуб, биров-бировларини кўролмай, ўзбаклар югуруб, ўруслар бўридек бўкуруб, андоғ уруш бўлдиким, икки тарафдин ўлуклар ханнотлар қофидек тўп-тўп бўлуб қолаверди. Қазо вагончилари ул юкларни адам реълиға юбораверди, жасад қафасидин руҳ тўтисини малик ул мавт ўз элиға юбораверди, тана фолизидин калла хандалағи узилиб, тан фалағи чўзилиб, ҳар сойда ётаверди, қонлари жилға-жилға бўлуб оқаверди. Ул кунда барчаларини ақли шошиб қирғинлари ҳаддин ошиб, қизил денгиз тошиб, бул тарафдин мусулмонлар ул тарафдин ўруслар икки тараф бир-бири бирла андоғ уруш қилдиларким, тил ани сўзлаёлмай лол, қалам ани битолмай нол, мундоғ ишларни кўб кўрди бу фалаки Зол, йўқ киши деса бу ишинг увол, қўй бу ишдин уёт ҳам уёл, бу қандай ҳол, нечук аҳвол?!

Алқисса, мирзо Сайфуддин тўра ҳам мажруҳ бўлуб қочмоқға юз қўйди, мусулмонлар аскаринин қирқ минг кишидин беш минг киши қолдилар. Ўруслардин ҳам бениҳоят ўлди. Андин кейин мирзо Сайфуддин тўра келиб, воқеани Амир Соҳибқиронға баён қилди. Аммо Пудий бирла Амир Соҳибқиронни олислиғи етти кунлиқ йўл эрди. Амир Соҳибқирон ҳеч гапурмадилар. Анда мулло Чингизий деган бор эрдиким, мулло Саккокийни шогирди эрди, асли оти Абдулла эрди, Бадахшондин чиққон эрди, илми жафарға кўб етук эрди. Дарҳол ўрнидин туруб, ер ўпуф, таъзим бирла Амир Соҳибқиронға арз қилиб, айдиким, эй Амир Соҳибқирон афандим, менга ижозат берсангиз, бориб Пудий бирла жанг қилсам. Амир қабул қилуб, ўтуз минг аскарни ва қанча аҳли ҳикмат доноларни анға ҳамроҳ қилиб юбордилар, буларға аскарбоши Атламиш



баходур эрди. Аскарлар нақора, барабанларни чолиб, Пудийни тарафига қараб юруш қилдилар. Тезлик бирла Мирим тоғига етиб келдилар. Мулло Чингиз бир тоғ ичра кириб илми жафарга муқайяд бўлди, тузсиз таъом еб ҳайвонотни этини емай, неча кун ул ҳолда бўлди. Атламиш баходур қўшун бирла мирзо Сайфуддин қилгон хандақга келиб, ёвга муқобил бўлуб, эътимодни аввал худо таолога, иккинчи мулло Чингизга қилиб, саф ораста қилиб, нақора, барабанларни тартиб бериб, андин кейин яшил байроқ, қўтос байроқларни тикиб Пудий бирла жанг қилдилар. Неча кеча ва неча кун жанг қилиб, охир ғолиб келдилар. Бир кун Пудийни ўгли хандақ ёқосига келуб, Атламиш баходурга қараб ўқ отти. Баходурга ўқ келиб тегиб, андак жароҳатлануб, андин кейин Пудийни ўглини қилич бирла уруб, ҳалок қилди. Пудий ўглини ўлганини кўруб, кўб йиғлади. Андин кейин ўн минг аскар бирла ўглини ўлигини олиб кетти. Андин кейин Пудий ғайрат ўтига ёниб, ҳарчанд соллот, аскарларини мусулмонлар бирла жанг қилмоқга юборур эрди, мағлуб бўлуб қайтар эрди. Пудий таажжубда бўлуб, бир кечаси тоғ узра чиқти. Кўраским, бир ерда ўтни шуъласи кўрунур, анга ёлғуз ўзи келуб қарадиким, бир киши ғор ичра ўлтуруб, етти хатни давра қилиб, тортиб қўйубдур, ўқуб-ўқуб, нафас урса, нуқталар тебранур, андин кейин тоғқа ишорат қилса, гоҳ-гоҳ тоғ кўзғолур. Пудий илми ҳикмат бирла билдиким, эрта туш вақтигача ўрусларни устига тоғни ташлағай. Андин кейин Пудий, филҳол, келиб, тамоми молларини ташлаб, қўшунларини қочурди. Пудийни бу қилгон ишини кўруб, оломонлар молларни олмоқга бордилар. Ҳарчанд Атламиш баходур борманғлар деб қайтарди, бўлмади. Ҳануз молларни олиб тугатганлари йўқ эрди, ўруслар узоқдин қараб туруб эрди, тўсатдин тарақа-туруқ овози чиқиб, ул тоғ ажралиб, Чигатой аскарини устига тушти, бирдан йигирма минг киши ҳалокат тоғини остида қолиб, адам саҳросига юз қўйдилар. Бу аҳволни Пудийни аскар кўруб, бирдан от қўйди. Яна беш минг кишига яқин ҳалок бўлдилар. Андин кейин Мулло Чингиз ғордин чиқиб ҳайрон, саросима бўлуб, Атламиш баходур бирла қочиб Амир Соҳибқиронни олдига келдилар. Воқеани бир-бир баён қилдилар. Андин кейин Амир Соҳибқирон айдилар: «Эй ҳакимлар, илми ҳикматларинг сипогарчилиқни бир тадбирини олдида ҳеч нимарсага арзимайдур», деб. Амир Темур Соҳибқирон газаб ўтига ёниб, жарчиларга буюрдиларки, ҳар ерда карнайчи, сурнайчи, нақорачи бўлса, келтуринглар.

Ровийлар андоғ ривоят қилурларким, ўшал кун ийигирма минг нақорачи, ўн минг найчи, тўрт минг сурнайчи йиғилдилар. Андин кейин амирни буйруқи бирла тўрт минг қорамолни сўйуб, терисини саноч қилуб, офтобга қўйдилар. Қурутуб, ичиға майда тошни тўлғиздилар. Ўнг минг аскарни қўлига ани топшурдилар. Алар қўшун олдида териларни сурғаб боравердилар. Андин кейин яна ҳар киши отига икки боғдин шох, ўтинни сургатдилар. Анинг орқасидин сурнайчилар, карнайчилар ва нақорачилар машоқларини келтуруб, созларини чолиб боравердилар. Амир Соҳибқирон ҳам масаллаҳ ва мукамал бўлуб, умаро вузаролар бирла буларни

кейнидин юрдилар. Тўзонлар ҳавога ўрнаб, биров-бировларини кўролмайд қолдилар. Беклар айди: «Бу созчилар жангни уддасидин чиқолмаслар, мабодо, бу ишга қабоҳат юзланмасун?» Амир Соҳибқирон айдилар: таваккал яратганни ўзига: Лекин андоғ гуло-гули пайдо бўлдимки, бу овозаларни тоғу саҳродаги жонуворлар эшитиб, ҳар тарафга қочар эрди, ҳаводаги қушлар гангираб ерға тушар эрди, бир-бирларини сўзларини асло эшитмас эрдилар. Овозлари фалакга етиб, малоиклар қулоғини беркитиб, таажжуб бармоқин тишлар эрдилар, оламда юрган дев-парилар муни кўруб, кўрқуб, ўзларини ҳайрат денгизига урар эрдилар.

Ул минг аскар хўкузларни терисини ерларға сургаб, Пудийни аскарига яқин еттилар. Пудийни аскарларига ваҳима туштиким, кўрқувдин жонлари ҳалқумларига етушти, бирдан барчалари қоча бошладилар. Ўн минг аскар неча минг ўрусларни ўлдираверди. Андин кейин Пудий тоқат қилолмай, ул ҳам қочти. Чигатой ўроқчилари ўрус бугдойларини андоғ ўрдиким, бир дамда хирмонга йиғиб, хўкизларни териси бирла пинҳон қилдилар. Ул бугдойларни фалокат деҳқони ун қилмоқға адам тегирмонига юборди. Ушбу тадбир бурла Соҳибқирон ўрус кўшунларига шикаст берганларига беклар офарин қилдилар. Андин кейин Амир Соҳибқирон Мирим тоғини остига келиб, тамоми сипоҳларини жамъ қилдилар. Аммо Пудий қочиб бориб, воқеани Маликаи Оқшайхға баён қилди. Аммо Пудий маликаға ошиқ эрди. Бир кун пинҳоний маликаға хат қилиб юборди, айдики, мен сенга ошиқдурман, мени қабул қилгил, бўлмаса сени Амир Темур келиб олғай. Андин кейин малика бу сўзни эшитиб ғазабда бўлуб, аччиғи келиб, ва лекин, ул ҳам пинҳоний хат қилиб юборди, келсун деб. Пудий маликани макрини билмай, шаҳватға мубтало бўлуб, кўзи қонға тўлиб, ақли қочиб, маликани олдиға келди. Филҳол, қулларига буюриб, барча аъзосига жароҳат солиб, сандуқни ичиға олиб, беркитиб, кечаси бирла саҳроға олиб чиқиб, бир ерға кўмдилар. Малика бу ишни кишиға изҳор қилдурмади. Ани ўруснинг мужикларидин бири кўруб, ул сандуқни кўмган еридин, дунё хаёл қилиб, ковлаб олиб уйға келтурди. Андин кейин ичини очиб кўрсаким, одам ётибдур, мужик ҳайрон бўлди. Лекин Пудий тирик эрди, ул мужикға Пудий айдики, агар сенга дунё керак бўлса, мени тарбият қилгил, сенга кўб-кўб олтун бергайман. Андин кейин ул мужик Пудийни тарбият қилаверди. Неча кун ва неча замондин кейин Пудий соғайиб, салим ало аъзо бўлди.

Алқисса, Амир Темур Соҳибқирон ўрусни кўб шаҳарларини олиб, Москва шаҳриға яқин еттилар. Аммо Пудий ўрнидин туруб, Чигатой кўшуниға келиб, мулло Чингизийни ахтариб топти, ани олдида мирзо Сайфуддин ҳам бор эрди. Иккови илми нужум мунозарасида эрди. Пудий ҳам форсий ва туркий, неча тилларни билар эрди. Андин кейин ўзи эшикда туруб, бир қулға айди: мулло Чингизийға бориб, Пудий келди, дегил. Андин кейин қул кириб, воқеани мулло Чингизийға баён қилди. Мулло Чингизий имтиҳон қилмоқ учун қулға айдики, «чиқиб йўқ дегил». Андин кейин қул чиқиб, мулло Чингизий йўқ деди. Андин кейин Пудий ҳайрон

бўлуб, қуръасини ташлаб, айди: «Мирзо Сайфуддин бирла мулла Чингизий иккови ушбу уйда муқобил ўлтурур, бирини орқаси Машриқга ва бирини орқаси Мағрибга қилиб, қарши ўлтурур», деди. Андин кейин қул кириб, бу сўзни баён қилди. Андин кейин Мирзо Сайфуддин бирла мулло Чингизий икковлари бир кўйлак ичра кирдилар. Қулга айдилар, «чиқиб йўқ дегил». Андин кейин қул Пудийни олдига чиқиб, йўқ деди. Пудий қуръа солиб, айди: иккови бир кўйлак ичра ёшинибдур. Ала ҳазал-қиёс, <sup>1</sup> бу сифатда ўларини етмиш мартаба табдил қилдилар, Пудий ҳамма ишларини топаверди. Мирзо Сайфуддин бирла мулло Чингизий икковлари Пудийни илми нужумга етуклиғига офарин қилдилар. Андин кейин Пудийни чақиртириб олиб кирдилар. Пудийни кўрсаларким, кийуми йўқдур, яъни яланғочдур. Андин кейин Пудийга бош-оёғ либос бердилар. Андин кейин, сенга нима бўлди, ярадор бўлубсан, деб сўз сўрдилар. Пудий айди: «майли шахват бўлуб, бу балога мубтало бўлдум», деб бошдин ўтган воқеани бир-бир баён қилди. Андин кейин Пудийни Амир Соҳибқиронни хизматига олиб келдилар. Мирзо Сайфуддин бирла мулло Чингизий иккови кумуш панжарада қолиб, Пудийни олту панжарага ўтқуздилар. Ул вақт Амир Темур Соҳибқирон таҳорот қилмоқга туриб эрди. Анда маҳрамлардин амир Мусо Жалойир ўғли Аҳмадбек ҳозир эрди, Амир Аҳмадбекдин мисвокни талаб қилдилар. Ул, филҳол, мисвокни келтуруб берди. Амир хоҳласаларким, оғзиларига мисвокни урса. Пудий мунга кўруб, Амирга тиз букиб, таъзим қилиб айди: «Эй Амир афандим, мисвокни маҳрамни қўлига беринг, аввал ўзи оғзига солиб, андин кейин сизга берсун». Анда Амир Соҳибқирон, бу қандай сўз?! — деб мисвокни Аҳмадбекни қўлига бердилар. Аҳмадбек мисвокни қўлига олиб дарақ-дарақ титраб, доилож мисвокни оғзига урди. Ушал замон туси қорайиб, соатидин кейин аъзоси тарса-тарса ёрилиб ҳалок бўлди. Бу ишга Амир Соҳибқирон таажжуб бармоқин тишлади. Андин кейин Пудий айди: «Мен ҳикмат бирла билдим, мисвокни учига заҳар суркаган эрди».

Дерларким, бу шум отасига ҳам заҳар бериб, ҳалок қилгон эрди, қилмиш-қидирмиш. Бу фалокатни қилиб, ўзи ҳалокатга етти. Андин кейин Амир Соҳибқирон ҳар ажнос моллардин ҳаруфи мисвокни адодига юз йигирма етти қулни, яна юз йигирма етти қорамол ва яна юз йигирма етти тўн, ҳар қайси асбобдин юз йигирма еттини санаб бердилар. Пудий айди: «Эй тақсир афандим, мени жанобингиздин икки талабим бордур. Аввал шулким, мен ғайри диндурман, исломни хоҳлаюрман, мўминлар динига кирсам, иккинчи талабим шулни, агар сиз Московни олсангиз, Маликаи Оқшайхни менга бергайсиз». Амир Соҳибқирон қабул қилдилар. Ушул он қоровуллар келиб, хабар бердилар ёв келяпти деб. Дарҳол чиқиб қарасалар, Пировун деган ўрус юз йигирма минг аскарга аскарбоши бўлуб, турфа ҳангомалар билан келур эрди. Амир Соҳибқиронга Пудий айди, эй тақсир афандим, агар Пировунга зафар топсангиз, мундин ўзга ўрусларни сиз бирла жанг қилмоқга

<sup>1</sup> Бунга қиёслаб.

тоқати бўлмас. Амир Соҳибқирон уччала ҳақимдин сўрдиларким, зафар кимга бўлур, деб. Андин кейин уччала ҳақим қуръа солиб, айдилар: Зафар сизгадур. Пировун қуръада ҳалок бўлуб кўринур. Амир яна сўрадиким, Пировун қандай ҳалок бўлур? Мирзо Сайфуддин олдин айди, юқоридин йиқилиб ўлур. Мулло Чингизий айди: Сувга тушиб ўлғай. Пудий айди. Ўқ тегиб ҳалок бўлғай. Андин кейин Амир Соҳибқирон айдилар, қайси бирларингни сўзинг тўғри келғай?! Алар айдилар: қайси биримизни сўзимиз тўғри келмаса, бошимиз сизга ғаров, деб жавоб бердилар. Андин кейин Амир Соҳибқирон ғазаб ўтига ёниб, аскарларга буюрди-ларким, саф ораста қилсунлар. Аскарлар ғайрат отиға миниб, саф ораста қилиб, андин кейин табал, жанг барабанларин тартибга келтурдилар. Андин кейин ҳазрат Амирни буйруқлари бирла бирдан Пировун тарафиға қараб юриш қилдилар. Аммо ўрус қўшунлари деворни орқасида эрди, Пировун ҳийла қилиб, буюрдиким, олтун-кумушларни келтуруб тошқариға, ёвни келур жойиға тўқинлар. Андин кейин Пировунни аскарлари олтун-кумушларни олиб чиқиб, тўқтиллар. Муни Амир Соҳибқиронни аскарлари кўриб, ақчаларни олмоқни ҳаракатига туштилар. Ул кун беш минг аскарға ўрусларни ўқи тегиб, жасад саночларидин қизил олтулари сочилди. Тонгласи Амир Соҳибқирон отланмадилар. Яна Пировун тадбир, ҳийла қилиб, пул сочтурди, мўғул аскарлари они кўруб, яна ақчани териб олмоқға бордилар. Амир Соҳибқирон ғазабда бўлиб, аскарларни уриб-сўкиб қайтарсалар ҳам ўзга тарафдин борур эрдилар. Ҳарчанд олтун деб қизил қонлар сочилгон била аларға ибрат бўлмади. Аскарлар айтур эрдиким, агар қазомиз етса, бу пулларни олсак ҳам ўлурмиз, олмасак ҳам ўлурмиз деб ўзларини қизил чўқға ургондек олтунга ўзларини урдилар.

Алқисса, йигирма кунгача олтун учун қизил олтулари тўкулуб, жасад ҳамёнлари сўкулуб юз минг аскар адам бозориға кетдилар. Аскарларга насиҳат қор қилмади. Пировунни бу қилгон ишиға барча ўруслар офарин дедилар. Аммо Амир Соҳибқирон ҳайрат денгизида қолиб, Пудийни чорлаб олиб, нима тадбир қилурмиз, дедилар. Пудий айди, менга бир минг сандуқ бергайсиз, икки сандуқ тўла олтун бергайсиз, яна икки минг жанг кўрган йигитни масаллаҳ қилиб бергайсиз, бу йигитларни бир сандуқни ичиға иккисини солиб, теваларға ортиб, ҳар теваға тўрт йигит жо бўлуб, андин кейин мени қўлимға тоштургайсиз. Амир Соҳибқирон хўб деб қабул қилдилар. Ул куни кечгача ул ишларни тайёр қилдилар. Андин кейин сандуқларни теваларға ортиб, Пудийни қўлиға бердилар. Тевалар қўнғироқларни жингиллатиб, Пудий теваларни етаклаб, сахро тарафиға йўртиб, ярим кечада бориб Пировунни аскарни ичра кирди. Аскарлар муни кўруб, ҳайрат бармоқин тишладилар. Андин кейин аскарлар Пудийни Пировунни олдиға олиб келдилар. Пировун Пудийға қараб айди, сенга нима бўлдиким, Амир Темурни аскарниға қўшулдинг?. Пудий айди: мени мақсадим Амир Темурни бир иш қилиб ўлдурсам, деб. Иложини тополмадим. Аммо Темур хазиначарини теваларға ортиб менга берди, ўз мамлакатим Самарқандға элтгил деб. Агар дунё керак

бўлса, ушбу олтуларни олғил деб сенга келтурдим, деди. Пировун мулозимларига буюрди, келтурғил, деб. Филхол, теваларни юки бирла келтурдилар. Пудий айди, Эй Пировун, мен қашшоқ бўлсам ҳам сенга яхшилиқ қилиб, будунёларни келтурдим, деди. Пировун ҳимматлиқ ва мурувватлиқ киши эрди, олдиндаги бир тева юкни олиб, минг тевани Пудийни ҳовлисиға олиб бориб беринглар, деб мулозимларига буюрди. Пудий ўзи бошлиқ қўрғон остиға келсалар, минг тўфанчи ухлаб ётур. Филхол, икки минг йигит бирдан сандуқлардин чиқиб, аларни милтиқларини олиб, қўрғонни деворини бузиб, шахрни ичиға кириб, шавқун солиб, карнай, хабанларни чолиб эрдилар, Иноқтоз калу қиморбоз булардин хабар топиб, сипоҳлар бирдан от қўйдилар. Мусулмон аскарлари «Оллоҳ акбар» деб овоз қилур эрдилар. Ул куни Чигатой лашкарлари андоғ жанг қилдиларким, ўрусни аскарларини қони кўча ва ўрамларда ариғ-ариғ бўлуб оқа бошлади. Қалалари чинни тарбуздек юмаланиб, жасадлари дўнг қабақдек ёрилиб, қолгонлари қоча бошлади. Андин кейин Пировун ҳам қочиб, кўб барглик бир дарахтни устиға чиқиб берқинди. Тонг отқондин кейин Пировунни ҳарчанд ахтариб тополмадилар. Амир Соҳибқирон уччала ҳакимни чорлаб, анда уччовини ёлғончи қилдилар. Яна уччови бирдан қуръа ташлаб, Пировун тирик деб хабар бердилар. Яна уччовлари аввалги сўзни дедилар. Аммо Чигатой аскаринин бири келуб ул мазкур дарахтнинг соясида ариғдин сув ичиб туриб эрди, дарахт узра Пировунни қабуғиға сийдук тўлуб, кўб ҳолатини заифлиқға солди. Ҳарчанд қўли бирла закарини қисти, бўлмади, сийдук отилиб чиқиб, ул шўрликни сирри изҳор бўлди. Остиндаги одам кўрдиким, ҳаводин қатра-қатра сув томадур, осмонға назар қилса, ҳавода булут йўқ, мусаффо, бучқдур. Ул дарахтни кўрдиким, баргларини ичида бир одам беркиниб ўлтурур. Ул кўрган одам Мирзо Умаршайх тўраға вазир бўлуб, мансабдин қолгон эрди. Пировун дарахтни устида туриб бул одамға кўб нимарсаларни ваъда қилди. Қўлида бир қиматбаҳо узуги бор эрдилар, лоилож, ани берди. Ул фалокат босқонға шул сўз узра тўра бирла Пудий кўрунуб қолди. Пировун бирла сўзлашиб турган одам шавқун солиб, тўрани қичқириб, мунда бир ўрус беркиниб ётибдур, деди. Мирзо Умаршайх тўра қулоқ солмай кетаверди. Пудий айди, бир кўруб ўтмоқ яхши, деб келиб дарахтға назар қилса, Пировун турур. Андин кейин тўрани қичқирди. Тўра, «нима воқеа?» — деб дарҳол етиб келуб, кўрсалар, Пировундур. Ҳарчанд зўр қилишиб, Пировунни тушуrolмадилар. Андин кейин тўра қўлиға ёсини олиб, ўқ билан андоғ урдиким, шажардин қонлари самар олчасидек тўкулуб, жон тўтиси дарахт узра қўнолмайин, учти. Танаси юмаланиб, йиқилиб сувға тушти. Уччала ҳакимни сўзи анда тўғри келди. Пировун ўқ тегиб ҳалок бўлур дегани тўғри келгониға барча офарин қилдилар. Андин кейин; Амир Темур Соҳибқирон Москов шахриға мутаважжих бўлдилар.

БУ ДОСТОНДА ҲАЗРАТ АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН  
МОСКОВ ОДАМЛАРИНИ ЎЗЛАРИГА ТОБЕЪ  
ҚИЛҒОНЛАРИНИ, АНДИН KEYИН ЗУЛМОТ ШАҲРИГА  
БОРҒОНЛАРИНИ БАЕНИ

Алқисса, Амир Соҳибқирон Москов шаҳрига яқин етиб, Султон Муҳаммад тўрани элик минг аскар била эровул қилдилар. Москов кўрғонини кўрсалар, барчаси мармар тошдин ишланган эрди, қирқ дарвозаси бор эрди, кўрғонини ҳар кунгирасида бир йигит, кўлида тўфангча, қараб ўлтурур эрди. Тўра келгоч барчасидин ўт чиқиб, бирдан тарақа-туруқ овози жаҳонга тўлди, милтиқларига ўқ бойлагон эрдилар. Тўра тилмочдин сўрди, аларни ўқ отмоқга қуввати етмайдур, нечук, нимарсадур? Тилмоч айди, алар барчаси суратдур, ўруслардин бўлгон санъатдур, ҳар қайсисини тобга келтурадургон муруввати бордур. Юз суратга бир ўрус муваккилдур. Андин кейин дурбин кўрсалар кўрғон атрофида аробалар қўйилгон, ҳар ароба ичра занбурак қўйилгон, ҳар занбуракни олдида икки муваккил фаранги бордур. Шаҳрни ўртасида бир минора кўринур, ул минора узра Маликаи Оқшайх чодирини тикибдур. Ушул замон Амир Соҳибқиронни лашкар ва қўшунлари тўб-тўб бўлуб, бир рангда, бир тусда либослар кийиб, шон-шавкатлар бирла келабердилар. Андин кейин асъаса ва дабдаба бирла ҳазрат Амир Темур Соҳибқирон келабердилар.

Мавлоно алломаи Тафтазоний бирла начанд уламолар ўнг тарафларида зулсаҳоб каби алам бошларида, қаландарлар жилловларида талқин айтиб келурлар. Уч кундин кейин аскарлар ғайрат ўтига ёниб, Московга от қўймоқ учун Амир Соҳибқирондин фотиҳа талаб қилдилар. Московни атрофида икки минг-уч мингга яқин занбурак бор эрди. Аларни занбурағи келига ўхшаш эрди. Анда икки минг ўрус аскарлари шаҳр ичра, кўрғон остига келиб, кўлларида узун ходаларни учиға филталарни боғлаб, ҳар қайси ўзиға лойиқ ерни кавлаб, филталарни учиға ўт қўйиб, ул занбураклар ичра ходаларни кўтариб доруға текуздилар. Бирдан тутаб, Амир Соҳибқиронни сипоҳлари яқин етгач, тарақа-туруқ овозлар чиқиб, қанча аскарлар бирла, қанча от, қанча қорамолларни гирдиғирд қилиб, чангларини тўзутуб, вужуд шаҳристонидин адам чўлистониға юборди. Занбуракларни тутуни фалакга етиб, ерни зилзиласи самоға етиб, оламни қоронғу босиб, зулмотга айланди. Муни кўруб, барча ҳайрат денгизига ғарқ бўлуб, Амир Соҳибқирон таажжуб бармоқин тишлаб, айдилар: буларни яқиниға борманглар, қайтинглар, деб қайтардилар. Андин кейин Амир Соҳибқирон айдилар: «ҳар киши шул ўрусларни тадбирини қилса, мандин нима талаб қилса, олсун», дедилар. Анда Давлатшайх ўғлон туриб, Амир Соҳибқиронга таъзим қилиб, айди: «бу ҳангомаларни мен фикрини қилайин, — деди, — лекин қипчоқ аскарларини Туркистонга юборинг, борсунлар, ҳар қайси ўз ерларида қарор олсунлар», Амир Соҳибқирон қабул қилдилар. Ул куни ўтуб эртасиға Давлатшайх оғзиға ида тошини солиб, бир булоғ ёқасиға келиб, ул сувға минг мартаба ғута урди. Андин чиқиб, ҳавоға қараб

дам урди. Соатидин кейин ҳавога булут чиқиб, бирдан ёмғур ёға бошлади. Андин кейин ўрусни аскарлари ҳарчанд қилдилар, ул занбураклар сира ўт олмади. Андин кейин Амирни аскарлари бирдан от қўйиб, занбуракга яқин турган ўрусларни адам казармасига юбордилар, андин кейин шаҳарни қўрғонини олти тарафдин бузиб, от қўйиб, Московни ичиға кирдилар. Ўзбак аскарлари андоғ уруш қилдиларким, ўрусларни бугдой боғидек ўриб, фалокат хирмониға йиғиб, ҳалокат ҳўкизи бирла ҳайдаб, янчиб, адам елиға совуриб юбордилар. Андин кейин кўрсаларким, Маликаи Оқшайхдин хабар йўқ. Ахтариб тополмадилар. Андин кейин бир чўри айди: янги ушбу уйға кириб, ғойиб бўлубдур. Филҳол, кирсалар начанд хумлар турур, анда малика Амир Соҳибқирон Пудийға қилгон ваъдасини эшитиб эрди, ўзини ариқ тезобиға ташлаб, Пудийға хотун бўлғонимдин ўлғоним яхшидур, деб ўзини ҳалок қилди. Андин кейин Пудий Москов элиға шафёв бўлуб, Амир Соҳибқирондин тилади, ҳазрат Амир омон бердилар. Андин кейин алар Амирға тобеъ бўлуб, бож бермоқни бўйунлариға олдилар. Ўруслар божни Мирзо Шоҳруҳ тўрани замонлариғача берур эрди. Қачон Пудий ўлуб, Мирзо Шоҳруҳ тўра оламдин ўтгач, бож келмай қолди. Аммо Москов фатҳ бўлғондин кейин, бир куни Амир Соҳибқиронға хабар келдиким, Мирзо Шоҳруҳ тўра Булғордин келур, деб. Андин кейин Амир Соҳибқирон жамиъ умаро, бекларни тўрани олдиға чиқордилар. Андин кейин тўра шон-шавкат бирла қиблагоҳлариға таъзим бажо келтуруб зиёрат қилиб ўлтурдилар. Ҳазрат Амир фарзандларидан ҳол-аҳвол сўрдилар. Мирзо Шоҳруҳ тўра барча кўрган ажойиб ва ғаройибларни бир-бир баён қилдилар. Бу сўзни юқорида зикр қилиб эрдук. Андин кейин ҳазрат Амир Темур Соҳибқирон бу сўзни ўглидин эшитиб, зулмотни кўрмоғ орзусига туштилар. Ул шундоғ эрдиким, қачон қуёш мезон даражасига қелса, қоронғу бўлуб, олти ойғача кечаси бўлур эрди. Андин кейин ҳамал даражасига етгач, кундузи бўлуб, олти ойғача офтоб ғойиб бўлмай, доим айланмакда эрди. Бу сифатда олти ой кеча, олти ой кундуз бўлмоғи шул сабабдин эрди. Андин кейин Амир Соҳибқирон аскар ва қўшунларини Московға қўйиб, ўзлари Булғор шаҳриға юзландилар. Неча манзил ва марохил тай қилиб, неча кундин кейин Булғор шаҳриға бориб, қўб юртларни мусаххара айлаб, ўзлариға тобеъ қилиб, андин кейин Булғор шаҳридин ўтуб, қўб меҳнат ва машаққатларни чекиб, ажойибот ва ғаройиботларни кўриб, неча кун ва неча замондин кейин зулмотға яқин еттилар. Андин кейин Амир бир кишини бул қоронғуликға киргил, деб буюрдилар. Ул одам Амирни буйруқи бирла қоронғуликға кирди. Замондин кейин юзи, боши қизил қонға булғониб, қочиб чиқти. Амир нима бор экан, деб сўрдилар. Ул одам айди: бир нимарсаларни кўрдим, икки кўзи ўтдек ёниб, менға ўзини урдилар. Андин кейин Амир яна бир тўп одамни киргил, деб буюрдилар. Улар ҳам кириб, ушбу каби бўлуб чиқиб, аввали кирган одамни сўзини булар ҳам дедилар. Анда Давлатшайх ўғлон айди: «гумон қилурман, бу қоронғуликни ичидаги укки бўлса деб, ул қушни расми одамни кўрса ўзини

одамни юзига ургай». Андин кейин барча одамлар қўлларига йиғоч олиб, йиғочларни учига тузоғ боғлаб, яна уч юзга яқин одамлар қўлларига машъала олиб, Амир Соҳибқирон бирла зулмотга боравердилар. Қўб-қўб уккилар ўзларини келиб йиғочга уриб, айланиб қолдилар. Андин кейин бир жойига келсалар, бир нимарса юлдузга ўхшаб кўринур, анга яқин борсалар бир иморати олийдур, атрофи уч юз газ келур, ердин баландлиги юз газ келур, ўртасида бир гунбаз бордур, ул гунбазни ҳар атрофи юз эллик газ келур, барчасини шамшод йиғочидин тартиб бергандур. Ул гунбазни устига жавоҳиротлардин ёпуштурғондур, юлдузга ўхшагон ул гавҳарни шуъласи эрди. Ул иморатни атрофида машъала ва чироғлар олиб юрдилар. Ул иморатни деворлариға қўб-қўб уккилар уя солгон эрди, буларни кўруб уккилар машъала ва чироғлардин кўрқуб, ҳар ёнға учтилар. Андин кейин ул иморатни эшикни нишонасини тополмадилар, қўб ахтардилар, Мағриб тарафиға ўтуб, офтобни ва ойни ва юлдузни шаклини кўрдилар, яна ёй суратини кўрдилар, халқа кабидур, яна чиллак суратини кўрдилар, яна чирмонғон илон суратини кўрдилар. Барчалари таажжуб бармоқин тишлаб, ҳайрон эрдилар. Ул шаклларни остида чиғирикчи ва пахтачилардек тандасиға сабоғувчилар чўби осилгон. Чиғирик чиқарғувчиға ўхшаш устал турибдур. Ҳазрат Амир Темур Соҳибқирон жамиъ сўзға етук уламолардин сўрдилар, бу тилсимотни сирри нима бўлса керак? Барча баҳри ҳайратға ғарқ эрдилар. Яна Амир Соҳибқирон айдилар: ҳар ким ушбу тилсимотни фикрини қилса, мендин ҳар нима талаб қилса олсун. Анда бир мулло бор эрди, отлари Абдулло, алломани шогирдларидин эрди, лақаблари мулло Кистали эрди. Ул мулло Кистали Амир Соҳибқиронга айдилар: эй Амир Соҳибқирон афандим, бу иморатни деворларида ёй сурати бордур, ул ёй юнон тилида хо ҳарфидур ва андин кейин яна чиллак сурати бордур, ул фо ҳарфи турур, андин кейин илон сурати бордур, ул дол ҳарфи турур, абжад ҳисобиға олти юз саксон тўрт (1279 й.) бўлур. Ҳазрат Искандар Зулқарнайни қабри муборақларини луғати ҳам олти юз саксон тўртдур, хуруфин жамъ қилса, ҳафду бўлур, ҳафду луғатда тез кетмоқдур мунинг маъниси: жаҳонға ким келибдур, тезлик била кетгай. Яна мулло Кистали айдилар: гумон қилурман, ушбу иморат малик Искандар афандимиз мақбараларидур, яна ой суратини кўрдук, ул хуруфи хомдур, хом деб юнон тилида қуфлни айтурлар, яна юлдуз суратини кўрдук, ул хуруфи шабозадур, шабоза деб юнон тилида калидни айтурлар. Мундин маълум бўларким, бу иморатни қуфл била калиди ушбу турур, андин кейин, гумон қилурманким, ўшал устални бир тарафға сурса, эшики кўринса керак. Ушбу иморатдин от кишнаб овози келур эрди. Андин кейин мулло Кистали келиб, устални чаб тарафға сурди, ҳеч нимарса маълум бўлмади. Андин кейин ўнг тарафға сурди, кучи етмади. Андин кейин Амир Темур Соҳибқирон келуб, бир зўр қилиб сурдилар, секин-секин девордин ажралди. Андин кейин иморатни эшики пайдо бўлди. Ҳалиги шабоза деган калидни хом деган қуфлға урдилар, филҳол, эшик очилди, мақбарани кириб



кўрсаларким, кундуздек равшандур. Таажжуб бармоқин тишлаб, назар қилсалар, эшикни юқорисида бир лавҳ турур, келиб анга қарасалар ер юзидаги нимарсаларни барчаси ул лавҳ ичра муайян кўринур. Маълум бўлдиким, Жаҳоннома кўзгуси ушбу турур. Ани ҳарчанд қилдилар ул ердин ажратиб олиб бўлмади, нечукким, ул ерга мустаҳкам қилгон эрди. Амир Темур Соҳибқирон жаҳонномага қараб, Самарқандни кўрдиларким, Хонимчани эшикида кўб одамлар йиғилгон эрди. Амир Соҳибқирон бу қандай воқеа деб ҳайрон бўлуб, нима эканини билмай қолдилар.

Ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Амир Соҳибқирон Хонимчани қўлидин аркони давлатни олгондин кейин, Хонимча бир уйни холи қилиб, анда тоат-ибодатда бўлуб вирди ва зоифи кўб бўлуб, кўб дуоларни тасхир қилди. Андин кейин барчага машҳур бўлуб, мариз ва бетоблар келса, аларни ўқуса, филҳол, шифо топар эрди, издиҳоми халқ шул жиҳатдин эрди. Аммо ул Жаҳонномани юқорисиға ёзилибдурким, эй ибн одам, гардиши рўзгордин ва ходиси лайлу наҳордин бўлуб, бул ерга қадам тегурсангиз, зинҳор-зинҳор қадамни билиб қўйгайсиз, бу мақомким, тождор салотинлар жойидур. Бу жаҳоннома кўзгуси кўрдинг, ибратдур, бул дунё кўб-кўб яхши зотларни барҳам берибдур, бу дунё андоғ эски роботдурким, печача-печача қофилаларни, губорини елга бергондур. Эй азизим, кўнгилни буз, ул гаддор дунёга қўйма, сочини муаттар қилиб, кундузи юзини зеб бергонига мағрур бўлма, юзини кўриб сочларини тузоқиға илинма, бу жаҳон боғлари ранж ила доғдур, бу олам гулистонларига боқмагил, гўристонларига боқгил, алардин ибрат олгил, эй нури айиним, ниҳол қаддинг олам ҳодисотидин букулгай, вужудинг шажари марг шамолидин ёфроғлари тўкилгай, бу жаҳон давлати ўлумни олдида ҳеч нимага арзимас. Эй гўзал йигит, бу газал сенга насиҳатдур:

Б а й т:

*Бу давлати жаҳонинг дирҳамга арзимайдур,  
Умринг борица минг шод, бир ғамга арзимайдур.  
Давлат менга фаровон  
Деб ўлма шоду хандон,  
Кўрдинг жаҳонни чиндан хуррамга арзимайдур.  
Дунёни бору йўқи, чин бўлса очу тўқу,  
Тегса ажални ўқи, бир дамга арзимайдур.  
Оламни жашну тўйу, нақши нигор уйи,  
Келганда марг бўйи, бир шамга арзимайдур.  
Дунёни боғу мулки, бўйунунга боғ, силки,  
Тутса ажални илки, бил, зумга арзимайдур.  
Фарзанду дўсту ёринг, чун хеш ила таборинг,  
Кетганда мадоринг ҳамдамга арзимайдур.  
Олам ботур, далири, эрликда ҳам чу шеру,  
Ё хожа, шайху пири ансамга арзимайдур.*

Андин сўнг, дебдурларким, азизим кўрдунг, мендурман, рабъи маскун барчасиға музаффар ва мансур бўлуб, салтанат суруб, отим Малики Искандар Зулқарнайндур, эй нури айи азизим, олам

тамомин илкимға олиб, тахти тасарруфға келтуруб, аммо бир лаҳза ажал илкиға тоқат келтуролмадим. Олам борини ихтиёри жилувини иқтидор тутмоқиға келтурай деб, олам тамошосиға кўзим тўймай, эмди кўзим косасиға туфроқ тўлди. Охир ер остиға жасадим бир юмруқ туфроқ бўлди. Эй азизим, тилим доим фасохат била, «Каломулло»нинг тиловатида эрди, эмди анга мухри сукут кўйулғондур. Кўзларим тирикликда май била саросар эди, эмди анга туфроқ тўкулғондур. Кўнглум кудурат зангидин, юзим нифоқ рангидин соф эрди, ажал шаробидин бир қатра нўш айлаб, абадул абад, қиёматғача лаҳад ичра кирпич ёсдуқиға бош кўйуб, туфроқ тўшаки узра ётурман. Эй нури айиним, насиҳат будур, жоним қариндош, бардош қилиб, дунё меҳриға кўнгул боғламагил, юрак-бағрингни беҳуда ишға доғламагил, дунё макриға илинмай, қочғил, ибрат кўзин очғил. Агар Сулаймони замон бўлсанг, ўлимдин санга омон йўқтур, дармонда бўлуб, армонда қолмагил.

Яна бу ғазални дебдурлар.

Н а з м:

*Бу ҳикмата боқғил ва назар сол,  
Аҳволи замонадин хабар ол.  
Кўрдунг бу фалакни, бевафодур,  
Доим иши жавр ила жафодур.  
Билсанг, бу жаҳон мадори йўқтур,  
Шоду ғамин эътибори йўқтур.  
Давлат ила молу жоҳи дунё,  
Ҳеч фойда йўқ, чу нақши бурё.  
Эй ақл эгаси, покиза дин,  
Тут ақл этакини, бўлма чиркин.  
Жуз зикри худо бори абасдур,  
Тортғил қадаминг, ҳар иш ҳавасдур.  
Солма ўзинг оташи жафоға,  
Қолма ғаму меҳнату балоға.  
Нечун ўзингга зиён этарсан,  
Яши отингни ёмон этарсан?  
Албатта залилу хор ўлурсан,  
Бу феъл ила шармисор ўлурсан.  
Сен олам ичинда нек ном ўл,  
Маърифу тамом хосу ом ўл.  
Сармояларингдин айлағунг суд,  
Ул суд надур, рухсори маъбуд.  
Қайтсанг яна келдугинг мақома,  
Қобалму тўшарсан эҳтирома?!  
Мен олам аро Искандар эрдим,  
Мансурки баҳр ила бар эрдим.  
Тадбир ила олиб жаҳонни,  
Кўрдим неча яши ва ёмонни.  
Тасхир қилиб неча тилсимот,  
Оламни заррин жамъ қилмоқа бот.*

Суд ўлмади менга хосча андин,  
 Йиғдим бу жаҳонда кўб хазойин.  
 Бошим узра эрди тожи давлат,  
 Охир бори бўлди хоки ҳасрат.  
 Тасхир эгарда чўл ила кўл,  
 Ҳам бўлмади чинча бормоғим ҳўл.  
 Тобмамки, бу олами газанддин,  
 Йўқ ўзга уч аршуни кафандин.  
 Йўқ дунё иши хатодин ўзга,  
 Беҳуда эрур саҳодин ўзга.  
 Ҳар нарса қўлингга келса, эҳсон  
 Қилғилки, эрур ризои раҳмон.

Алқисса, Амир бу воқеаларни кўруб, кўб йиғладилар. Андин сўнг ул кўзгуни ул ердин кўчуруб олмоқ бўлуб ҳарчанд аўр қилдилар, бўлмади. Охир, бир зилзила пайдо бўлди, гўё ер ўпурулуб, яқинким, барчалари ер остига кетсалар. Анда дахл қилмай, ўзга уйга кирдилар. Анда бир отни кўрдиларким, охурига боғлук, қошига қанбар била сут келиб турур, ҳеч кишида юрак бўлмадики, от ёнига борса.

Дерларким, ул ҳазрат Искандар Зулқарнайн отлари эрди. Ани охир замонда ҳазрат имом Маҳдий олиб чиқгайлар. Лоилож андин Соҳибқирон руҳсат қилдилар. Аммо ҳаво ниҳоятда совуқ эрди. Тошқари чиқиб, қўшхонага келдилар, анда икки юз кишини қўйуб кетган эрдилар, кўрсалар, барчасини қорни ёрилгон, қони тўкилгон, баъзи ёнича, баъзи чолқасича йиқилгон, ўлуб ётур. Анда бир одамни чалажон топдилар, анга муолижа қилдилар. Ул айди: Сизлар кетгандин кейин, ўн кундин сўнг, бир хайл маҳлуқлар бу мағорадин чиқиб, бу ерға келдилар, андин бизларға қасд қилдилар. Аларни тирноғлари ханжардин тез эрди, уч кун алар бирла жанг қилдук, охир, илож тополмадук, бизларни ҳалок қилиб, мағорага кетти. Барчалари эшитуб, тафаккур бошин солиб, таажжуб бармоқин тишладилар. Пудий туруб айди: «анинг йўлига кўб таъом била оғуни қўшуб қўйунг». Анда қўйуб эрдилар, алар келиб таъомларни кўруб, еб барчаси шишуб ёрилуб ўлди. Андин кейин Амир Соҳибқирон йўлга тушуб, неча кунда шўр дарё ёгосига келдилар. Андин Москов жонибиға келур эрдилар, анда бир тоғ кўрунди. Анда Амир бир неча кишини сучук сув истамакға юбордилар. Алар кетуб, асло келмади. Охир Соҳибқирон ўзлари ул тоғ узра чиқтилар. Кўрсалар, бир йиғоч узра бир қуш ўлтурур, ўқ отиб эрдилар, ул бир тарафға учуб бориб тушти. Ушул қушни бориб кўрсалар, анда миқнотис кўб экан. Анга ўқ била қуш ёнушуб ётур. Аммо миқнотис шундай тошдурким, темур жинсиға ошиқдур. Темур анга ёвуқ келса, ўзига тортғай. Амир кўрдикки, сув ахтариб боргонлар барчаси аслаҳа-яроғлари бирла миқнотис тошиға илиниб қолибдурлар. Амир аларни нажот қилиб, ул тоғни сайр қилдилар. Кўб ажойиб ва ғаройибни кўрдилар. Бир ерға келса, тоғ ичра бир тор йўл кўрунди. Ул йўл ичра кириб бора бердилар. Бир жойиға келсалар, бир киши қўлида ёй била ўқи, тез-тез ўқ отиб турубдур.

Агар киши анга ёвуқ борса, ўқ теккай. Одамлардин ҳеч киши қўрқуб бормадилар. Амир Соҳибқирон қўшунларини ичида бир кишида миқнотис тоши бор эрди. Ул киши дарҳол миқнотисни қўйнидин олиб, кўрсатиб ул ўқ отган кимарсаға бора берди. Анга ёвуқ боргондин сўнг, анинг ўқи хатоға кетти, ўнг ва сўлга қарамай югурди, ўқ келиб ул кишига тегди, ўлмади. Кўрсалар, анинг кўксигадаги миқнотис тошига келиб илинибдур. Ул кимарсани кўрсалар, сурат турур. Амир айдилар, ҳукамо бу суратни бу ерға бежо қўйгон эмасдур, албатта, мунда бир воқеа бор, деб. Кўб тараддуд қилиб, ахтариб дарё ёқосига чиқиб қолдилар. Ҳикматдин ҳеч нимарса тобмадилар. Анда пешин вақти эрди. Пешин намозин ўқумоқға азон айтти. Муаззин «оллоҳ акбар» деса, ул тоғдин, «оллоҳ акбар» товуши келур. Амир айдилар: «тоғ ичра биров бордур?!» Одамлар айдилар, тоғлар расми, нима деса шундай садо чиқадур. Амир бовар қилмай, одам товуши дедилар. Анда муаззин: «ашҳаду анна Муҳаммад ар росувлу-ллоҳ»ға етгач, тоғдин товуш келдики: «қаррата айна бика ё расула олло»<sup>1</sup> сўнгидин яна ушбу каби товуш келди. Барчалари Амир донолиғига офарин қилдилар. Анда барчалари азон жавобин тамом эшиттилар. Барчалари хайрат дарёсига гарқ бўлуб, йиғладилар, гўё кичик қиёмат бўлди. Лекин ҳеч киши кўрмадилар. Баъзилари бу шайтондин бўлгондур дедилар. Амир қабул қилмадилар ва айдилар: бу шайтон товуши эмас, зероки, шайтон азон жавобин бермас, дедилар. Анда Соҳибқирон, ушбу кимарсани ҳақиқатин билмасам бу ердин кетмасман, деб анда таваққуф қилдилар. Андин сўнг, ярим кеча бўлмай, дарё юзида машғала била чироғ кўринди. Анда кема ичидан бир отлиғ, бир пиёда чиқтилар. Иккови тоғ узра чиқиб, қичқируб айдик: «Туроб, бери келгил». Тоғдин товуш келдики, «золим, мени қўйгил». Ул отлиғ киши яроғлиқ эрди. Анда тоғдин бир горни эшикин топиб, ўша пиёда мулозимига буюрдик, «келтур» деб. Ул мулозим гор ичра кириб, бир шайхи фоний кишини соқолидин ушлаб, олиб чиқти. Ул киши ҳарчанд мулозимлиқ қилса ҳам, ман маъмурдурман, деб анга асло жавоб бермай, ул киши даҳшат қилиб айди, сани ўлдурурман. Қари киши айди: «ҳануз ўлмасман». Ул отлиқ қиличини қинидин чиқориб, ўлдурмақ ҳаракатин қилгонда, Амир айдилар: «мен бориб шафеъ бўлурман». Йўлдошлари Амирни юбормадилар. Ул киши қари кишини қилич била урди. Ул қари одамни калласи хандалак каби юмаланиб ерға тушти. Амир кўб қайғуда бўлуб, йўлдошларига айдилар: «мен анга бориб ҳимоят бўлур эрдим», деб ўпка қилди. Ногоҳ кўрсаларким, гойибдин қўл келиб қари одамни бошини танасига улаб эрди. дарҳол ул оқсоқол киши ўрнидин тирилуб турди. Амир бу ишга таажжубда эрдилар, ул сипо қари одамдин сўрди: нечук тирилурсан, ул кимни қўлидур, деди. Қари одам асло гапурмади. Яна қилич солди, иккинчи гойибдин қўл келиб, хаёт қилди. Бу сифатда тонг отқунча ул сипо шайхни етмиш мартаба ўлдурди, гойибдин қўл келиб, калласини танасига қўйса,

<sup>1</sup> Сен қўлимиз қорачигисан, эй, оллонинг пайгамбари.

дарҳол тирилур эрди. Муни кўруб барчалари тафаккур бармоқин гишлаб, тахайюр дарёсига гарқ бўлдилар. Амирни тоқати тоқ бўлуб, айдилар: мен бориб, онинг йўлини олурман. Анда Умаршайх тўра мен борурман деб туруб, отасидин ижозат олиб, анга борди. Қари ўзини бир тарафга олди. Ул сипо келиб, тўрага айди: сизларни мен била нима ишингиз бор? Тўра ҳайрон бўлди. Соҳибқирон машъални ёругин зиёда қилдурдилар. Ул отлиқ сипо неча одамни ярадор қилди. Қари айди: эй қавм, Амирларингизни мени тарафимга юборинг, деди. Анда Қилич Арслон келиб, Амир Соҳибқиронни ул қари одамни қошига олиб борди. Ул шайхи фоний Амирдин сўрди: отинг нимадур?. Соҳибқирон айди: «отим Темур». Қари одам айди: кимни наслидурсан? Амир айди: Ёфас бин Нуҳ алайҳис салом наслидурман. Қари одам айди: кифтингда холинг борму? Амир айди, оре. Қари айди: бу могора ичра киргил, ярим найза бордур, олиб чиқиб бу кишини ўлдургил. Амир дарҳол ғор ичра кириб кўрдик, яримта найза фўлоддин, могора шифида турур. Амир уч маротаба анга зўр қилди, ололмади. Чиқиб, кучим етмади, дедилар. Қари айди: азон айтиб олсанг бўлур. Амир азон айттилар. «Ашҳаду анна Муҳаммадар расувлу-ллоҳ» га етгач, найза еридин қўзғолди. Амир найзани олиб чиқти. Ул сипо, бу яримта найзани менга бергил, тамошо қилиб кўрай, деди. Ул қари айди: бермай, ўзини ургил. Дарҳол Амир ани кўксига андоғ урдик, тешиб орқасидин чиқиб, адам сариға юз қўйди. Амир айди: эй бобо, сен қандай кишисан, менга баён қилсанг? Ул оқсоқол киши айди: «Эй Амир Темур, мени отим Зоъиб. Ҳазрат алайҳа пайғамбар замонларидин бу вақтгача тирикдурман. Исо алайҳис салом кўкдин нозил бўлгонларича тирик бўлурман. Исо пайғамбар бу найза била Дажжолни ўлдурғайлар. Амир Темур, сен ул кишини ўлдурдунг, ани оти Хон Оталиқ Ҳаким фаранги эрди. Мени Инжилда ўқуб кўруб, яна мени бу ердин ахтариб тобти. Неча мартаба менга келиб, омонатларингни бергил, деди. Қабул қилмадим. Яна қиёмат осоридин хабар бергил, деди. Мен сўзламадим. Сўнгра қаҳру ҳашам бирла мени ўлдурди. Ғойибдин қўл келиб, мени тиргузди, Исо пайғамбар қўлларидур. Тўртинчи осмондин келиб, мени тиргузғайлар. Ҳарчанд мени ҳар ким ўлдурса ҳам тирилгумдур. Амир Соҳибқирон шайхи Зоъиб фонийдин сўрди: эй бобо, қиёмат осоридин менга хабар бергил. Анда қари неча калималарни қиёмат осоридин ва охир замон бўлуридин сўзлади. Айди: «Эй Амир Темур, эшитгил, ҳазрат Исо алайҳис салом нозулидин илгари неча шаҳрлар хароб бўлғай, аммо Бухори шарифни хўтук хароб қилғай, Бухоро халқи хожа Ўбондин ўтуб, Мағрибга борғайлар. Алар Мағрибга борғунча қўб шаҳрларни хароб қилғай. Яна Самарқандни сув хароб қилғай Бадахшонни зилзила хароб қилғай, Балхни шамол хароб қилғай, Исфаҳонни илон хароб қилғай. Зероки отамиз Одам алайҳис саломни тутамларидин илон Исфаҳонга тушуб эрди. Ҳиндустонни борсот хароб қилғай, тоғларни яшин хароб қилғай, русни совуқ хароб қилғай, ҳабаш эли келиб Маккани олғайлар. Араблар Румга келурлар. Ул вақтларда Каъба ҳам хароб бўлур. Ул вақтда олимлар илмига амал қилмаслар, эру хотун бир мажлисда

ўлтуруб, шароб ва чағир ичарлар. Майда болаларни ота-онаси ўқуголи қўймас, дунё ишига солурлар. Аксар савдо-сотуқни хотунлар қилурлар. Рибо ва ижара кўб бўлур, юртни ёмон халқи бой бўлур, ота ўгулдин, она қиздин рози бўлмас. Юртни султон ва қози ва муфтилари риё бирла арз сўрар. Мадраса ва масжидни зулм бирла қилғайлар. Уруғ ва қариндош ва қўшниларин ҳақиға жавр қилурлар. Шайхлар муридига дунёдин сўзлар, ёлгончи кўб бўлур. Зоти бузуқлар хожа ва саидлиқ даъвосини қилур, ўлумни ёд қилмаслар. Бу аломатлар бўлгондин сўнг, Маккада имом Махдий ўн тўрт ёшда бўлғайлар. Андин сўнг, ўн йил Шом ва Рўм ва арабда салтанат сурғайлар, барча халқ баъйат қилурлар. Андин сўнг, Дажжол лаъин Машриқ тарафдин эшак минуб, юзи қора, кўзи кўр, манглайида ёзилгон, «Ал кофиру биоллох»<sup>1</sup>, деб. Девларни ўзиға тасхир қилиб, карнай, сурнай, дўнбира чолиб келгай. Оламда ёмонлар барчаси анга тобеъ бўлгай. Ўнг тарафида ўчмоқ, сўл ёнида томуқ, ашколини кўрсатиб, ул шум худолик даъво қилгай. Кўб шаҳрларни олгай. Анда имом Махдий ҳазратлари эшитуб, Дажжол шўридин омон қилғил, деб тангри иззи жалға сифинуб, муножот қилғайлар. Ўшал замон жумоъ қуни Исо алайҳис салом кўкдин ерға тушгайлар. Андин, тонгласи Махдий била Исо ҳазратлари Хайбарға келиб Дажжол лаъинни топуб, ушбу найза бирла ҳазрат Исо урғайлар. Махдий қилич била чобқайлар. Андин кейин Дажжолни лашкарларини ўлдургайлар. Андин кейин мусулмонлар тинчликда бўлуб, шаърият обод бўлур вассалом.

Алқисса, Амир Соҳибқирон ул шайхи фоний била видолашиб, андин Москов сариға юзландилар. Бир неча кундин сўнг, Москваға келиб, анда тахтға Пудийни қарор бериб, барча ўзбак қўшунларни олиб, Самарқандға келдилар. Анда баъзи жатталарға буюрдики, Гилон мавзеъи қумда қолибдур, они обод қилинглар, деб. Иноқ манъ қилиб, айди: булар анга лозим эмас. Амир қабул қилмади, юбордилар. Кунлардан бир кун Амир Соҳибқирон Мироншоҳ тўрани закот олмоқ учун элатларға юбордилар. Тўра элатға чиқиб, икки-уч элдин закот олдилар. Андин кейин қатагон элиға келдилар. Аларни беги Фўладхон эрди, оти Ағалбек эрди. Ул ҳам тўразодадин эрди. Мироншоҳ тўрани кўб иззат қилди, ҳар қанча закоти бўлса, шариат ҳукми била берди. Қатагон ичра бир йигитни яхши оти бор эрди, анга тўрани кўзи тушуб, бу отни менга закотға ҳисоб қилиб бергил, деди. Ул йигит айди: мунни ўрниға бўлак берайин, деди. Тўра қабул қилмади. Бора-бора ишлари жангға муқаййид бўлди. Тўра мулозимларини барчасини қатагон эли ўлдурдилар. Тўрани тутуб, неча кун бир ҳужра ичра сақладилар. Ағалбек анда мен ҳам хонаода бўлурман деб Гилон ҳам даъвойи подшоҳлик қилди. Мунни элати била ёбу элати ани итоатин қабул қилдилар. Ёбу элатининг улуғини оти Қутулмишбек эрди. Анга Ағалбекни Севаркўз деган қизини бермакға муқаррар қилди. Ул Соҳибқирон била жанг қилмоқға мутасадди бўлди, зероки, ани элатлари кўб эрди. Иттифоқо, бир кун Севаркўз олтун била мурассаъ қилгон

<sup>1</sup> *Оллоҳға кофир бўлган.*

дўнбурани қўлига олиб, чертуб, тўрани турган хужрасиға келиб қолди. Бу газални ўқиди.

Г а з а л:

*Дўнбура чертар мани тирноғим,  
Борди-келди мақомин келиштурғон бармоғим,  
Тилим зикринг сўзлаюб, кўнглум фикринг ўйлаюб,  
Сўзлағанда тебранур, кўргилки, оқ тамоғим.*

Тўра анга назар қилсаким, Севаркўздур. Кўрган кишилар анга жонсўздур, кўзлари мисоли кийик жавлон қилур, бўйи ниҳоли буюк ва ларзондур, юзи қуёшқа, баданлари кумушқа ўхшар эрди. Тиши дурдек, ўзи хурдек эрди. Лаб очиб, тилидин шакар сочиб, тўрадин сурди: «сени гуноҳинг нимадур?» Тўра айди: мен Амир Темур ўғли бўлурман, бу ерға закот учун чиқиб эрдим, мени бу ерға боглаб қўйдилар. Севаркўз айди: мен отамға насихат қилиб эрдим, бовар қилмади, эмди бир хат ёзиб, Амир Темур отангға юборсам Тўра айди: қасидинг борму? Ул айди: «Эй тўра, менда бир кийик бор, ани бўйниға хат боглаб қайға амр қилсам, боргай», деди.

Алқисса, ўшул кийикни келтуруб, бўйниға хатни осиб, Табриз жонибиға юбордилар. Андин кейин бир кун Севаркўзни Қутулмишбекға никоҳ қилиб бердилар. Ул замонда аларни расми куёв бирла келинни элдин узоғроқ қўёр эрдилар. Анда Севаркўз гулгунчани беркитти. Қутулмишбек кўб ҳаракат қилди, бўлмади. Аммо қиз кўнгли Тийўбекда эрди. Зероки, муни Тийўбекға айтқузилгон эрди. Андин кейин хийла қилиб, Қутулмишбекға айди: Ҳар қачон Амир Темур бошини келтурсанг, бу тилсимот очилур, деди.

## ЭМДИ СОҲИБҚИРОНДИН СЎЗ ЭШИТМАҚ КЕРАК

Бир кун Амир Соҳибқирон ов овлаб юрур эрдилар. Севаркўзни кийиги Амирға дуч келди. Соҳибқирон набираси Султон Муҳаммад тўраға буюрдилар, ушбу кийикни тирик келтур, деб. Тўра форсий Ақимға минуб, кийикға қараб юғурди, анга эллик йигит ҳамроҳ эрдилар, барчалари етолмай қолиб, тўра қувлаб етти. Тўра ўқ ва ёсини қўлиға олиб, нишонаға келтуруб хоҳласаким, кийикға захмат берса. Ўшул ҳолда бир тарафдин чанг ва тўзон чиқа келди. Кўрса, Қутулмишбек қўшун била келур. Қутулмишбек анда Севаркўзни кийикин тануди. Дарҳол тўрани йўлини олди. Тўра икки кишини ўқ била урди. Қутулмиш тўрани қўлга тушурмоқни ҳаракатини қилди. Тўра кўрдикки, иш қўлдин кетти. Анда бир хат қилиб, бир йиғоч узра осиб қўйди. Келиб тўрани қўлини боғладилар. Қутулмишбек айди: «мен Амир Темурға муддаий бўлурман, Амир Темур қайдадур?» Султон Муҳаммад тўра: «мен Амир Темур бўлурман», деди. Анда Қутулмишбек тўрани Севаркўз қошиға, мана Амир Темур, деб келтурди. Қиз айди: «бул эмас, борғил, Амир Темур қари кишидур?»

Қутулмиш яна қўшунларини олиб, Амир Темурни йўлини олурман, деб кетти. Севаркўз тўрадин сўрди: «эй йигит рост айғил, ким бўлурсан?» Тўра анга воқеани бир-бир баён қилди. Андин кейин Мироншоҳ амакисини қошига келтурди. Иккови мунда бир хужра ичра боғлиқ турсун. Эмди сўзни Амир Соҳибқирондин эшитмак керак.

Амир хануз ҳам сайд узра юрур эрдилар. Қиз ул кийикни даҳшат қилиб яна юборди. Амир кийикни кўруб, етти мартаба шунқор солдилар, кийик етти шунқорни ҳалок қилди, зероки кийикка кўб таълим берилган эрди. Амир муни кўруб ғазабда бўлуб, бир аргумоқ отга минуб, кийикга қараб югурдилар. Бир ерга келса, жангни асари бор, баъзи ерларга қон тўкилгон. Анда бир йигоч узра хатни кўрдилар. Хатни ўқуб кўрсалар, набиралари: «мендин хабар олинг», дебдур. Андин кейин, кийик келиб Севаркўз чодирига етти. Амир ҳам кийикни қорасини олиб, бир булоғ ёқосига туштилар. Ул қиз кўлида таъом, чодирдин чиқуб, Амирга келтуруб берди, айди: «қандоғ кишидурсиз?» Амир айдилар: қатагон сиполаридин Юртол бўлурман, Хужандга борурман. Шул вақт узра Қутулмишбек била ёбу эли келдилар. Соҳибқирон сиполари сайд узра юрур эрди. Аларга Қутулмиш муқобил бўлуб, бир нечасин ўлдуруб, бирини Амир Темур деб калласини лўнгига ўраб, байроқга осиб келур. Қутулмиш Соҳибқиронга: «Ким бўлурсан?», деди. Амир: «ўзинг ким бўлурсан?», деди. Анда ул отим Қутулмиш, ёбу элини беки бўлурман, деди, бориб, Амир Темурни бошини келтурдим, зероки аглин бегини қизини қалини Амир Темурни боши эрди, деди. Соҳибқирон айдилар: кўрсатғил мен Амир Темур бошини тонурман, деб ул лўнгидин олди. Амир Темур боши эмас, дедилар. Бу сўзни қиз англади. Сўнгра бошни Севаркўзни қошига келтурди. Қиз қабул қилмади, айди: ул сув ёқосидаги қари киши қатагон элидин эмиш, андин бу бошни ҳақиқатин сўрағил, деди. Қутулмишбек Соҳибқирон қошига келди, сўзлағунча бўлмай, анинг кўлини ушлаб, андақ қойирдилар. Андин кейин рангги бўзариб, кўзи кизариб, қайғуда бўлуб, Севаркўз чодирига ёниб келди. Зероки, кувелиқ жиҳатидин ҳеч нима демади, қиз бу ишга завқ қилди. Ярим кечага яқин бир киши нола ва зори қилиб йиғлар, Амир кўрсалар, бир йигит, чўл тарафдин тевага минуб келиб, ул булоғ ёқосига тушти. Соҳибқирон ул йигитдин сўрдилар: нима сабабдин йиғларсан? Ул йигит айди: «Мени отим Тийуғ бекдур, Амир Темур бошини келтурсам деб бориб, тополмай келурман, зероки амаким Ағалбек қизига ошиқ эрдим, менга айтқузилгон қизни амаким ёбу эли Қутулмишбекга берибдур, мен анга чидоёлмай Амир Темур бошини келтуруб, қизни ўз аҳдимга олсам, деб эрдим. Бу ишни мавжуд қилолмай, йиғламоқимга сабаб бу эрур». Анда Амир Соҳибқирон анга раҳм қилиб, айдилар, эртага Амир Темур фалон жойда қумзор ичра ухлаб ётқай, бориб андин Амир Темурни бошини келтурғил. Сўнгра андин бурун Амир ўзлари ул ерга бордилар. Андин Амир қуёши кўк майдонида жилва кўргузди. Ул йигит қумзорга борди. Кўрса бир киши юзига парда тортиб, ухлаб ётур. Йигит секин-секин бориб, пардани кўтариб



кўрдики, мунга хабар берган булок ёқосидаги кишидур. Ул йигит таажжуб бармоқин тишлаб, хайрат дарёсига ғарқ бўлди. Амирни уйқудин уйғотиб эрди, ўшул замон Чигатой, лашкари етиб келдилар. Бу тарафдин ёбу эли кўзголдилар. Анда Чигатой йигитлари андоғ қирғин солдики, буларнинг қилгон урушларини ғазал била адо қилур.

### Н а з м:

*Бир йўла барча қўйдиларким от,  
Икки ёндин солиштилар, хайҳот!  
Эр йигитларни ғайрати қайнаб,  
Турмади дағи отлари ўйнаб.  
Бўлди андоғ урушлари қаттиғ,  
Найзалар синди кўб ушолиб тиг.  
Кўк уза чиқти кўб тўзону гард,  
Қўлиға олиб қиличларин ҳар фард.  
Марг даллоли бўлди Чобук чуст,  
Аҳд байъини анда айлаб суст.  
Қизиқ ўлди ўлумни бозори,  
Малик ул мавт ўлуб харидори.  
Сув каби эл қони тўкулмаклиғи,  
Танларидин бошлари сўкилмаклиғи.  
Ушлашиб, тишлашиб олишмоқдур,  
Қаршу келса кими солишмоқдур.  
Барчаси бир-бирин суруб ҳарён,  
Баъзи жон ваҳмидин бўлуб ҳайрон.  
Ким қочиб, ким қарорни билмаслар,  
Жанг ила бир-бирин кўролмаслар.  
Қиру сойда тўзон олиб кўзни,  
Ким тонур анда ёв била ўзни.  
Ушлашиб бир-бирин қучоқлашиб,  
Ғар қилич бўлмаса, пичоқлашиб,  
Сой тошидек солиб кесук бошни,  
Анда фарқ айламай қари ёшни.  
Отлар ўз ҳолича юрур ўйнаб,  
Кимсалар жон берур тилин чайнаб.  
Кимсалар заҳмидин оқиб қони,  
Қийналиб чиқмайин неча жони.*

Алқисса, Чигатой эли ғолиб келиб, барчасини адам казармасига юбордилар. Юз кишидин зиёда ёбу элидин қолмади. Анда Қутулмишбекни ҳам жон тўтиси жон қафасидин учти. Қолгон юз киши аҳд-паймон қилиб, онт ичтилар. Сўнгра Севаркўзани Тийуғбекга никоҳи шаръий қилиб бердилар. Тийуғбек анда Севаркўзани олиб ўртага солиб, хўққасин очиб, маржонларини сочиб, муродига етти.

Андин кейин, Амир Жўржонга йўл солдилар. Неча кунда Жўржонга еттилар. Амир Соҳибқиронни Жўржон эли кўб

мулозамат қилдилар. Андин сўнг, алар Амирға арз қилиб, айдилар: бир йигит пайдо бўлубдур, начанд масала ижтиҳод қилибдур, отини Мирсайид Шариф дерлар. Масаласи шулки одам жони сувдур, ҳамма мавжудот сув, дегай, бу оятға қиёс қилур, зероки, қувла таоло: ва мина олмаин кулл шаин хаййи», иккинчи масала: олло таоло подшоҳдур, салтанати тахтига ўлтургандур, арш анинг тахти, фаришталар авони дерлар, алъёз билло, зероки, қувла таоло: ар-рахмону ала ал арши истиво, учунчи масаласи Муҳаммаднинг набилиғига Алини шерик дер. Мунга ҳам неча оятни далил қилғондур.

Алқисса, Амир Соҳибқирон Мирсайид Шарифни чорлаб, Сиз масала ижтиҳод қилдингизму, дедилар. Мирсайид Шариф инкор қилди. Айди: «бу масалани айгон кишига барча аймма лаънатнома битсунлар, мен ҳам лаънатнома битгайман», деди. Билдиларки, бу сўз аҳли хусуматдин бўлгон экан. Анда барча уламо лаънатнома ёздилар: мундин буён ҳеч киши мундай ижтиҳод қилмасун, деб. Яна бир неча мунофиқлар қўзғолиб аллома қошларида Мирсайид сўзи деб шаҳодат бердилар. Аллома Тафтозоний ҳам мундай кишини ўлғони яхши деб, аллома бошлиқ аймалар ривоят қилдилар, бу кишини сандуқ ичра солиб, шўр дарёга ташламоқ лозим, деб. Охир, алар қанча таъомлар била сандуқ ичра солиб, шўр дарёга ташладилар. Дарё ичра сув сандуқни олиб бориб, бир тоғқа уруб, бўлак-бўлак қилди. Мирсайид бир тахта узра қолиб, машаққати тамом била ўзини қурукликға олди. Тоғ этакидин бориб, қирқ кунда фаранг мамлакатига етти. Анда дарё ёқосида бир йигитни кўрди, яланғоч, атрофида кийиклар ўтлаб юрур. Мирсайид Шариф таажжуб бармоқин тишлаб туруб эрди, бир тарафдин чанг ва тўзон чиқа келди. Анда икки мингға яқин фаранг йигитлари барча бўйниларида чалиполари бу йигитдин айлана бердилар. Ўз тилларида сўзлаб, ул йигитға сажда қилиб, барчаси йиғлаб, ёндилар. Андин сўнг, ўн мингға яқин киши келдилар. Барчаси қора соқол, аслаҳа-яроғлар тоқинуб, қўлларида шароб либос била келиб, бу йигитға саждаи таҳийят келтурдилар. Бу аларни ҳеч қайсисиға илтифот қилмади. Яна бир жамоъа келдилар, олдиларида този, қўлларида бози, арғумоқ отларға минуб. Алар ичида бир оқсоқол киши, бошида тож, шон-шавкат била келиб, тўбдин чиқиб, бу йигитни қучоғига олиб, йиғлай берди. Мирсайид Шариф буларни тилин билмай, ҳайратда эрди. Алар ичра Ажамдин боргон бир тожик бор эрди. Мирсайид андин бу воқеани сўрди. Тожик айди: «бу йигит босликни ўғлидур. Алар тилида бослик деб амир ва подшоҳни айтурлар. Бу йигит Румға бориб эрди, анда Елдириим Боязид Қайсар қўлиға асир бўлубдур, Елдириим ҳукамоға буюруб, закарини ахлилиға ётқузуб кона суйи қўйубдур. Андин бу йигит навқасланиб телба бўлуб, қолибдур». Анда Мирсайид Шариф изхори фазл қилиб, айди: «мен анга даво қилурман». Сўнгра тожик ани бослик қошиға келтуруб, таржимон бўлуб, арз қилди. Бослик ўғлини гамида кўб қайғуда эрди, булар воқеани баён қилди. Бослик қабул қилди. Андин сўнг Мирсайид даво қилмоқға муқайид бўлди. Шаҳзодани келтуруб, закарин ахлилиға олтун била

кумушни эритуб, майда қилиб, анга қўйдилар. Олтун била кумуш қуна суйини ўзига жазб қилиб, тортиб эрди, шахзода сағолди. Фаранг бослиқи анга кўп инъомлар берди. Андин сўнг Мирсайид Шариф фарангдин чиқиб, неча кунда Истанбулга келди. Бир кун кўрсаларким, муъофа узра бир киши ўлтургон, турфа шавкат била келур. Мирсайид: — Бу ким? — деб сўрди. Одамлар айдилар: бу кишини отлари Султон Валад, Мавлавий Рўмийни ўғлиларидур, Елдириим Боязидни боғига борур. Қайсар ҳам андадур. Аҳли фузало барчалари анда бўлурлар, деб жавоб бердилар. Аммо ул боғ денгиз ёқосида эрди. Ҳар кун Қайсар шуъраога анда кўрунуш қилур эрди. Андин сўнг, Мирсайид Шариф бир назм битиб, бир қамиш ичра солиб, икки тарафини мум ила беркитиб, андин кейин денгизга ташлади. Қамиш сув юзида оқиб, боғ ёқинига борди. Анга Қайсарни кўзи тушти, кўрсаким, бир қамиш, иккала оғзини мум бирла беркитулгон, оқиб борур. Маҳрамлариға буюруб, ани олиб кўрсалар, бу байт ёзилгонким.

Н а з м:

*Эй қамиш, арзимни еткур беклара,  
Бўлмади жо ҳеч сўзум бир дафтара.*

Қайсар буюрдиким, бу қамиш эгасини топуб келинғлар, деб. Анда маҳрамлар Мирсайид Шарифни олиб бордилар. Мирсайид барчаларидин юқори чиқиб ўлтурди. Султон Валад аччиғи келиб айди: эй мусофир, нега бизлардин илгари ўлтурдинг?! Мирсайид Шариф аларға жавоб берди: «Сайид бўлурман, яна шоирдурман». Султон Валад айди: шоир бўлсанг Муллои Румни бу байтиға ҳеч ким маъно беролмабдур.

Б а й т:

*Илми ҳақ дар илми сўфи гум шуд,  
Ин суханки, бовари мардум шуд.*

Сен маъно айғил. Мирсайид бадиҳа била айди: «ал-сўфи ҳоолло таоло муназзах<sup>1</sup> ва муқаддас турур». Қайсар, Мирсайид муллолиғига аҳсан деди. Анда Қайсар шоирларға буюрдиким, ҳар қайси шоир икки мисраъидин байт айтсунлар, деб. Анда соқийға қараб, Султон Валад айди.

Н а з м:

*Ҳар субҳ кетур шароб менга,  
Уйғот, отчо не хоб менга.*

Яна шоир Низомий муним айди.

<sup>1</sup> Оллоҳ учун сўфий бўлган.

Н а з м:

*Тиз букуб ўлтур, манга тутгил суроҳингни бу дам,  
Журъа нўш айлай, кўтарилсун бошимдин дарду ғам.*

Яна шоир Мисрий бу байтни айди.

Н а з м:

*Оёғчи, оёғинг дам ўтмай қуябер,  
Симурсам неча мен, ким айтмай, тўёбер.*

Мирсайид Шариф айдилар.

Р у б о и й:

*Юз узра бу кун сочларини ёр тарабдур,  
Чун бўлди тараб шод кима бахт қарабдур.  
Ул сочларини тебратура субҳ шамоли,  
Иси келадур ҳар қилидин турку арабдур.*

Шоирлар бу сўз узра таажжубда эрдилар. Қайсар ҳарамига ёнди. Қайсарни хотуни Азизи Мисрийни қизи эрди. Ногоҳ қуёш қайсари шафақ тўшакига жой олди, тун келини бошига зулмот чодирини солди.

Алқисса, Қайсар ул кеча хотуни била маишатда эрдилар, бир сўз сабаб бўлуб, Қайсар хотунига қаҳр қилиб, сочларини кести. Сўнгра қайғуда бўлуб, тонгласи ташқари чиқти. Ҳануз шоирлар суҳбат узра эрдилар. Анда Қайсар аларга «мендин ўтган воқеани рубоий била тамом қилинглар», деди. Дарҳол, Низомий тавозеъ била туруб, айди.

Н а з м:

*Боғ аро чун боғбонким, гулни узди бу кеча,  
Субҳидамдин рашк этуб, сунбулни узди бу кеча.  
Қайғу бирла ғунчадек бағрида қон ё ушбу ким,  
Тушти савдо бошига, кокилни узди бу кеча.*

Яна Шоир Мисрий туруб айди.

Н а з м:

*Боғбон ногоҳ кўрубдур боғини,  
Гуллар атрофида турғон зоғини.  
Зоғлара қирғин солиб чун қарчиғай,  
Боғ аро ҳам кўб солибдур доғини.*

Яна Мирсайид Шариф туруб, бу рубоийни айдилар:

*Сочина илкин узатмай тараф,  
Тилма-тилма айласун жисмин яроф.  
Ҳиндларни мунча тарож айладинг,  
Румдин андиша қилмай, эй қароқ.*

Бу сўз Қайсарга андоғ таъсир қилдики, гўё ўқдек бу тарафдин ўтуб ул тарафидин чиқиб кетти. Қайсар аччиги келиб, газабда бўлуб, Мирсаййидни қатлга буюрди. Султон Валад шафеъ бўлуб, манъ қилди. Андин кейин Мирсаййидни зиндонга солдилар. Олти ойгача Саййид бечора зиндонда қолди. Бир кун вазир Қайсардин «Мирсаййид гуноҳини ўтунг», деб тилаб олди. Мирсаййидни зиндондин чиқордилар, анда ўз ҳаёти ҳолига бу назмни айди.

Р у б о и й:

*Бахт ёвар айласа, хашхош сандон синдурур,  
Бахтсиз бўлса атала ичса, дандон синдурур.  
Кимса мендек толеъи наст ўлса аъволи анинг,  
Ер тубида бикрин ким ранжу зиндон синдурур.*

Бу сўз мунда турсун, эмди сўзни Соҳибқирондин эшитмак керак.

**БУ ДОСТОНДА ҲАКИМ НИЗОРИЙ, КЎҲИСТОНДА ДАЪВАТИ  
ТАНОСУХИЙ ҚИЛҒОНИ,  
АМИР ТЕМҲУР СОҲИБҚИРОН АНИ  
ЭШИТУБ БОРҒОНЛАРИНИ БАЁНИ**

Аммо Соҳибқирон Мозандарон вилоятларин аксарин фатҳ айлаб эрдилар. Эшиттиларким, ҳақим Низорий таносухий динига ривож берибдур. Андин кейин Кўҳистонга мутаважжих бўлдилар.

Ровий дерким, асли ҳақим Низорий Носир Хисрав шогирдидин эрди, бўл анинг била рафиқ эрди. Амир Соҳибқирон аларни бархам берган вақтида бул шум қочиб, Кўҳистонга боргон эрди. Ул вақтда Қора Усмон бекни шоҳ Шужоъ Кўҳистонга ҳоким қилгон эрди. Анинг қариндоши Қора Юсуфбек Озарбайжонга ҳоким эрди. Булар асли туркман бегидин эрди. Ўғузхон вақтида оқ уйли бўлуб эрди. Ўғузхон Фаридунга замондош эрди. Табаристон, Озарбайжон ва неча вилоятлар анинг ҳукуматида эрди. Анинг авлодин шоҳ Шужоъ амирлик маснадига ўлтургон эрди. Шоҳ Шужоъ Қора Усмонбекни ва Қора Юсуфни аҳли ҳукуматдин қилғониға пушаймонда эрди. Дерларким, Амир Соҳибқирондин сўнг, Қора Юсуфбек даъвойи подшоҳлиқ қилиб, Озарбайжонга, Форс ва Мозандаронга ҳукуматда эрди. Эллик икки йилдин сўнг, анинг авлодидин шоҳ Исмоил мамлакатларни олди.

Алқисса, мазкур сўзга келайлук. Эмди ҳақим Низор шуҳрат топиб, Қора Усмоннинг бир ўғли бор эрди, ўн саккиз ёшар, оти Ҳасанбек эрди. Ул иллоти жавъиға гирифтор бўлуб, ҳар кеча-

кундуз неча пут унни агала қилиб, оғзига қуёр эрдилар. Асло қутилмас эрди. Атибболар анинг муолижасига чора тобмадилар, қорни қонардек бўлуб, шишган эрди. Ҳақим Низорни чорлаб, анинг қошига келтурдилар. Ҳақим анинг сабабин сўрди. Ул ўғул айди: «бир кун сахрога чиқиб, бир қирда ухлаб ушбу касалга мубтало бўлдум», деди. Лекин, доим қорни ҳаракатда эрди. Гумон қилдики, илон қорни ичра жой олғондур. Ҳар нима еса ул илон ютиб, яна таъом талаб бўлуб турғай. Бу ўғулни меъдасига ҳеч нимарса юбормас. Буюрдики, лаъл мунчоқин келтурунглар, деб. Лаълни ипга боғлаб, анга ютқиздилар. Яна ипни тортиб кўрдилар, лаъл йўқтур. Иккинчи зумрад мунчоқини ипга ўтқузуб, ютқуздилар. Яна тортиб кўрдилар, зумрад қайтиб чиқмади. Билдиларким, афъи бу ўғулни ичида жой олибдур.

Дерларким, ҳазрат Али каромуллоҳ важиҳа замонларида бир йигит ухлаб ётган вақтида оғзига илон кирди. Ҳазрат Али афандимиз кўруб, уйғотиб, у ён-бу ён югуртуб, ҳаракатга солдилар. Ниҳоятда чарчагондин сўнг анга сув бериб, қайд қилдурдилар, илон ерға тушти. Анда Қора Усмон бекга ҳақим айди: бу илон улғойибдур, мун қорнин уя қилибдур, мун иложи машаққатдур, деб буюрдики, сут келтурунглар, деб. Анда неча челақда сут олиб келдилар. Барчасини ичти, соатидин сўнг қусти, сутни бори тушти, илон тушмади. Охир, ҳақим Қора Усмонга айди: эй бегим афандим, бу ўғул тавонидин ўтунг, мен муолижасини фикрини қилғайман. Бек «ўтгим» деди. Ҳақим буюрди, шароб келтурдилар, анга ичурдилар. Дарҳол қорни ҳаракат қилди. Ҳақим анда айди: сутни афъи қайд қилиб, холи бўлди, шароб ичиб, маст бўлди. Эмди лозимким, биқинидин ёриб, илонни олурман. Агар илон маст бўлмаса, мунга зарар еткурур эрди.

Алқисса, биқиндин аждарҳони олиб; қизил ини янги била чокини тикиб, ўғулни тарбият қилдилар. Афъини кўрсаларким, саночдек бўлубдур, неча кундин сўнгра бек бача шифо топти. Қора Усмон бек ҳақимга муътақид бўлди. Ҳақим кундин-кунга таносўхий динига ривож бера берди. Бир кун ҳақим Низор дарё ичра кемада сайр қилиб юрур эрди, кемачи овоз қилдики, ана катта балиғ кемага қасд қилур, деди. Ҳақим айди: қўрқманглар, сизларга зиён-заҳмат йўқтур. Анда дарё мавжда келиб, яқин келди. Ҳақим балиқга қараб айди: Намуди эй дарё балиги! Бу сўзни балиқ эшитуб ёнди. Кема била одамлар омон топтилар. Алар сўрди, нимани айдинг, ҳақим айди: худога сажда қилурсан, дедим. Бу сўзни юнон тилида намуди дерлар. Бу балиқ мундин бурун одами зоҳид эрди, мун тасбеҳи намуди эрди. Ҳоло, тасбеҳи эсиға тушуб, ёнди. Қора Усмон айди: мун воқеасин менга баён қилгил. Анда ҳақим мазҳаби танасўхийдин баён қилди. Қора Усмонбек фуқароси била Кўҳистон эли ушбу мазҳабга тобеъ бўлдилар. Мулла Абдул Раҳмон Ўтрут дерларким, аксар китоби таворихда кўрдум, етти киши Муҳаммад алайҳис саломдин илгари мазҳаби таносўхийга даъвойи пайғамбарлиқ қилиб эрди.

Аммо Ҳақим Низорий ҳам даъвойи пайғамбарлиқни ихфо қилди, лекин ошқора қилмади, ўз қавмига сўфтой от қўйди. Айтур

эрди, «ажзойи» олам қайта-қайта тараққий қилиб, истикмол топарлар, нафас ва мижоз ҳам унсуридур, камолот тамом муяссар бўлгай. Бу суратдин у суратга унсури муфорақот қилур. гўё жон бу жасад ўлса, ўзга жасад топиб, тирилгай, она қорнида жой олиб, туғулуб, яна камолот ҳосил қилгай. Аввалги суратда фавт бўлгон нимарсани иккинчида тобгай, учинчиға ўтгандин сўнг тараққий қилгай. Ҳар қолибда тараққий қилса, андин малоика қолибиға доҳил бўлуб, етти кўкни чиқиб кезгай. Бу қавлни танасўхий дерлар. Агар одам ақлсиз ва илмсиз бўлса, ани жони қолибидин чиқгондин сўнг, анъом суратиға киргай, гўё айукдин ва хўкуздин шунга ўхшаш нимарсалардин таваллуд тобқай. Лекин тўрт оёглиқ ҳайвон асли жони одамдин муфорақат қилгай. Яна одам одам суратиға ўтса ақли оз, ўзи носоз, бўлур. Лекин жисми инсонийға доҳил бўлаберса, камолот ҳосил қилгай, андоғким, юқорида мазкур бўлди, наузибиллох, мин залика. Бу сўзни қавли таносухий дерлар. Агар бу даражотни тобмасалар, анъомға муфорақат қилур. Агар аларни ҳам тобмаса, набатотға киргай, гўё дарахт ва ўтлар бўлуб кўкаргай. Ани ҳам тобмаса жамодотда қолгай, гўё тош ва темур ва туфроғларда қолгай, ала ҳазал-қиде. Агар нафас нотиқа даражасиға етса, булар барҳам егай. Аҳли таносўхий дерким, мисоқ кунида оло таоло Одам Ато била бир минг етти юз йигирма арвоҳни яратган, андин зиёда эмас. Бу руҳларни Одам била авлодларига доҳил қилди. Неча замондин сўнг, Руҳи Одамни Нух жасадиға доҳил қилди. Андин сўнг ул руҳни Иброҳим жасадиға берди. Ушбу дастур била Муҳаммад алайҳис саломға ётиб, камолот ҳосил қилиб, андин фаришта бўлуб, осмонға чиқиб, келмади дегай, наузибиллох мин заликул мазкур. Зероки, алардин сўнг соҳиб шарият ва соҳиб тариқат келмагай.

Аммо бу шум ҳаким дедиким, мен етмиш икки мартаба дунёға келдим, аввал келгонимда савдочи эрдим, сўнгра келиб, қассоб бўлдим. Қўй қонини кўб тўкконим учун, андин сўнг, жоним бўри суратиға доҳил бўлди. Бу кун далада Қора Усмон бек била юруб, бир эски қашқирни сўнгакини топиб, ани бекиға кўрсатиб эрди: Мен бўри эрдим, мени сўнгакимдур, мени бўрилиқ вақтимда ҳазрат Яъқуб пайгамбар замонлари эрди. Анда мени Юсуфни единг деб қариндошлари тухмат қилдилар. Яна қашқирликдин одам суратиға доҳил бўлдим. Неча маротаба оламға келиб, эмди соҳиб иршод бўлдим, мундин сўнг малоика суратиға киргайман. Ул бадбахт айди: эмди оламға келмагайман, сизлар туш кўргайсиз. Гоҳ Туркистонда, гоҳ Ҳиндустонда, гоҳ Арабистонда юргайсиз. Гоҳ Тошканд, гоҳ Самарқандда бўлгайсиз, гоҳ сойда, гоҳ қирда тургайсиз. Аввалги замонда оламға келганларингизни руҳингиз кўргай ва сайр қилгай. Ул шум яна айди: «Ҳеч дин бизни мазҳабмиздин илгари эмас». Ул вилоят одамлари они сўзини қабул қилдилар. Яна айди: Одамдин бурун инсон яратгандур, аларға олов тўфонини юбориб, барчаси куйуб, Одам била Ҳаво қолгондур. Абул Баширинг оталари ва оналари бордур. Оталарини оти Салмон ва оналарини оти Мохёрдур, деди. Андин сўнг Нух алайҳис саломға сув тўфонини юбориб, қавмлари ҳалок бўлди. Ўзлари қолди. Тўфондин кейинги одам Нух пайгамбар наслидиндур. Оламға

туфон келиб, барчани ҳалок қилса, бир киши-икки киши ҳийла била қолгай. Зурёд кўб бўлуб, олам тўлгай, дунё меники боқий деб инкор қилди. Наузибиллох, бир куни ул ҳакими шум мадраса ичра шогирдларига таносўхийдин дарс айтиб ўлтуруб эрди, бир эшак анинг дарсхонасини эшикига келиб турди. Шогирдларига бу ҳайвонни қувланглар, деб буюрди. Ура-ура ҳайдаб юбордилар. Соатидин сўнг яна ул эшак қайтиб келди. Ҳакими маълун айди: бу эшак мендин илгари бу мадрасага мударрис эрди. Ўлганидин сўнг, руҳи бориб ҳўтук бўлиб туғулди, деб ўрнидин туруб, дарҳол эшакга қараб бу газални хитоб бирла айди:

Р у б о и й:

*Мударрис эрдинг, илминг йўқ бўлубдур,  
Соқол, сочинг ёлу қуйруқ бўлубдур,  
Ҳамма тирноғларинг оўнди туёга,  
Сен эшак бўлмоқа буйруқ бўлубдур.*

Яна айди: ҳар ким кишини ҳақини еса, ўлгандин сўнг руҳи девга муфорақат қилгайким, золим бўлса, ани руҳи илон-чаён суратига киргай. Ҳар кишини ўз амъолига яраша бир ҳайвонга табдил бўлгай.

Алқисса, ҳамма одамларни ул шум ўз динига таклиф қилди. Кўб жамоъа анга итоат қилдилар, баъзи эл муни кайфиятини Соҳибқиронга келиб арз қилдилар. Амир ани тарафига юриш қилдилар. Ул вақтда Қора Усмон бек Табаристонга кетиб эрди. Ҳакими маълун Кўҳистонда эрди Амир келиб шаҳрни қамалга олдилар. Мирзо Сайфуддинга насихатнома ёздуруб, Қилич Арслонни элчи қилиб, дарҳол номани Қиличбек қўлига олиб, йўлбарсга минуб, шаҳар ичра кирди. Ҳакимни уйга келиб, арслонни эшикига қўйуб, ўзи ҳаким қошига борди. Кўрса, савсардин нўстин кийиб ўлтурубдур. Номани қўлига берди. Ҳамд ва наътдин сўнг, дебдур: «Эй ҳаким Низорий, шарийъати расул акром саллолоху алайҳи васалламга амал қил, бу ботил мазҳабингдин қайтгил, Носир Хисравни кўрдунг, они ўгли Мансурни эшитдинг, нима бўлдилар. Алардин ибрат ол», деб нома тамом бўлубдур. Ҳакими шум жавоб берди: «Бизни мазҳабимиз ножийдур, бу мазҳаб ҳам Расул мазҳабидиндур». Қилич Арслонга айди: «Борғил, Амир Темурга айғил, биз тонгла майдонга бориб, чодир тикармиз, Амир Темур сўзга етук муллолардин бизга юборсун, анинг била мубоҳаса қилурмиз, кимни сўзин ҳақиқати маълум бўлур».

Андин Қиличбек ташқари чиқти. Ҳаким Низорий сўфтойлари айди: «Бу йўлбарсни бир чаккага олгил, бизлар ўтуб кетайлук. Қилич Арслон айди: «Сизлар била муни иши йўқтур». Бири анда ҳожатга ўлтурубдур эрди, йўлбарс ани гарча тишлади. Муни кўруб, ҳаким айди: бу йўлбарс мундин бурун Ҳалокухон эрди, эмди йўлбарс бўлубдур, зеро Ҳалоку кўб золим эрди. Бул ҳам кишини ва



маҳлуқларни қонин тўқувчидур». Қиличбекга айди: «Сени бобонгдур, ани учун сени устига миндуруб келибдур». Яна ул шум айди: «Агар қабул қилмасанг, бул ерда бобонгни қабри бор, етти филиззотдин ясалғон, ани қапуси ҳам етти филиззотдин қилингондур. Ҳеч киши ани очмоқга кучи етмабдур. Бу йўлбарсни минуб, сен анга яқин боргил, қапуси сенга очилса, билгилки, бу йўлбарсда анинг руҳи бурдур. Зероки, ўз руҳига қапуси очилур». Анда ёзилғон хат бор эрдик, авлоди Ҳалоку келса, эшик очилгай, деб. Бўлмаса, минг киши бориб ҳам ани очолмас эрди. Қиличбек бу сўзни эшитуб, анга бориб, ишорат қилиб эрди, дарҳол қапуси очилди. Қиличбек бобосин қабрига кирди. Хожа Абу Наср анга тилсим била ишлағон эрди. Зероки, одамлар Ҳалоку кофир деб қабрига ўт қўймасун. Анда қабр узра бир қути била лавҳга хат эрди: бу ерга ким келса, қадамин ужраси ушбу қутидур, деб. Ул қутини уч мартаба зўр қилди, очилмади. Остида очқуси бор эрди, очқуни олиб, қуфлға уруб уч мартаба зўр қилди, яна кучи етмади, нима қилурини билмай ҳайрон эрди. Ушул замон ҳақим етиб борди. Қиличбекга айди: Хожа Абу наср ҳақи ва ҳурмати очилсун, дегил. Қилич Арслон айтиб эрди, дарҳол очилди, ичидин бир китоб чиқти. Ул «Ахлоқи Носирий» эрди.

Алқисса, ани олиб Амир Соҳибқирон қошига келтурди. Амир айдилар, «киши бўлса, ҳақим Низорий била мубоҳаса қилса». Одамлар айдилар: Бир йигит бор, кўб илм ва қиссаларни билгай, неча йилдин бери ҳажга кетиб эрди, ушбу йил келибдур. Магора ичра ватан тутмиш, оти Ҳамза. Анинг ҳажга борғонини сабаби бу эрдик, Мавлоно Али шоир анинг била мунақаша қилиб эрди. Анга бу ғазални айтиб эрди.

Р у б о и й:

*Арбоби ҳунар дафтариға хожа Алидур,  
Недин сиза бу лутф, табиат азалидур,  
Бу сўзни писанд айлангу, хоҳ айламангиз,  
Билсун ҳаммаким, Ҳамза ҳам устод, валидур.*

Мавлоно Али анинг жавобиға деб эрди:

Н а з м:

*Эй Ҳамза, билиб сўзлаки, ҳақ жои Алидур,  
Юз Ҳамза фазилат ила ло лои Алидур.*

Ҳамза бу сўзни эшитуб, қисса ўқумакни ва шеър айтмакни тарк айлаб, ҳажга кетуб эрди.

Амир билдиларки, кўб сўзга етук, фозил кишидур. Дарҳол Иноқни анга юбордилар. Иноқтоз келиб кўрди, шайх Ҳамза пўстун кийуб ўлтурубдурлар. Айди: «Эй Мавлоно афандим, сизни Амир чорлар». Шайх келмади. Амир бир ҳамён олтун бериб юбордилар, сўнгра шайх келди. Амир айдилар: «Мен халифаи муслимин

бўлсам, киши юборсам келмадингиз, ахчага келдингиз». Шайх айди: «Ушбу ҳадисга амал қилиб келдим: «қала аллайҳа ислому ал инсону ибайду ал ихсони»<sup>1</sup>, амирга бу сўз маъкул бўлди. Соҳибқирон мазҳаби таносўхийнинг воқеасин анга айдилар, шайх Ҳамза мунозара қилмоқни қабул қилдилар.

Алқисса, тонгла бўлсун деб, мубоҳаса ва мунозарани бир ерга муқаррар қилдилар. Ул кун ўтуб эртаси ҳаким Низорий улоғ узра минуб, аҳли таносўхий ва сўфтойлари билан келиб, саф туздилар. Шайх ҳам икки шогирдин олиб, муқобилига бориб ўлтурдилар. Шайх ҳам ҳаким Низорийга айди: «Эй ҳаким, қайси мазҳабда турурсан?» Ҳаким айди: «Мазҳаби таносўхийядандурман. Ҳар одам яхши амал қилса, жони малоика суратиға боргай, агар ёмон амал қилса, ҳайвон суратиға киргай. Андоғким кўрмак, билмак барчаси руҳдин турур». Ул ҳаким маълун яна айди: мен етмиш икки мартаба дунёга келдим, кўб қолубда сайр қилдим, энди ушбу қолибга ушбу суратга дохил бўлдум.

Шайх Ҳамза айди: «Ўзим шулким, барча нимарсани илгари кўрдук, энди, шу замонда ушбу жойга келдук. Ўтган нимарсалардан ҳеч нима кўнглимизда йўқтур. Бу воқеанинг сирри на эзур? Яна шайх айди: «Шундоғ бўлурким, келадурғон нимарсаларни туш кўргаймиз, учмоқ, томуг ё қиёмат ё Дажжол ё қатъи мумкин нимарсалар кўрунгай, бу нима бўлгай, нимага қолаб ё руҳ бу воқеани илгари кўрмабдур, холо уйқуда кўрганлари нимадур? Ҳаким Низорий жавоб тополмай, музтар бўлуб, ул шумни юзидин мурдор терлари оқа бошлади. Анда ҳаким маълун айди: «Тонгла иккимиз таваккал қилиб ёнғон ўтга киргаймиз, ҳақиқатимиз анда маълум бўлгай». Шайх қабул қилиб, иккови икки тарафга ёндилар. Амир Соҳибқирон таваккални олло таолоға қилиб, ўтун йиғмоқга буюрдилар. Ул кун кеч бўлуб, қуёш Юнусин шафақ денгизин балиғи ютти. Кундуз шунқорин тун қаргалари қувлаб беркитти. Амир кеча била туруб, шаҳидлар қабрига келдилар, зиёрат қилур эрдилар. Соғана орқасидин йиғи товуши келди. Ногоҳ кўрсалар, икки киши келибдур, қўлларида тобут, гўр ковлаб, тобут била ерга кўмуб, ёндилар. Ушал замон Амир келиб, гўрдан олиб тобутни ташқари олдилар. Кўрсалар, бир қиз, ўз қониға бўёлғон, андак жони бордур. Қўлин узотуб, айди: «Эй хожа, мени нима ёзуқим бор, менга тухмат қилдинглар». Эси ўзиға келғондин сўнг, Амир айдилар: «Сен қандай кишисан?» Ул айди: «Ҳаким Низорий чўрисидурман, бир қул менга тухмати зино қилиб, бу ҳолатга еткузди». Амир ани ўз чодирига келтурдилар. Айдилар: билурмусан, ҳаким қандай журъат била ўтга ўзини урғайлар? Чўри айди: «Ҳаким Низорийда бир шиша самандар ёғи бордур, менга айдик, бу ёғни мен баданимга суркаб, ўтга ўзимни урғайман. Амир айдилар: «Ул шиша турғон ерни билурмусан, қайдадур?» Чўри қайда эканин билолмасман, деб жавоб берди.

Аммо, деларким, Самандар жонивордур, ватани ўт ичра бўлур, анга ўт таъсир қилмас. Алқисса, тонгласи Амир Соҳибқирон

<sup>1</sup> Инсон эҳсон қилиш бандасидур.

шайх била Иноқға сўзладилар. Ул куни Амир шайх била ҳакимни ўтқа кирмоқин манъ қилдилар. Амир Иноқға, борғил ҳаким уч кун сабр қилсун, зероки ўт тоза аланга олсун, дедилар. Учунчи кун бўлгондин сўнг, атрофу жавонибдин элу одамлар эшитуб келавердилар. Учунчи куни ўтуб, тўртунчи кечаси тун ярмида Иноқтоз қиморбоз айёрлиқ асбобини тоқунуб, Амирни ўзига йўлдош қилиб, ҳаким ўрдасига келдилар. Атрофидин айлануб, кирарга жой тополмай, юрур эрдилар, тўсундин бир қора кийумлу йигит ўрда деворидин тушти. Кўрсалар, Иноқтоз ўгли Хуморийдур. Буларга айди: таваккални тангрига қилиб, сизлардин бурун бу ўрдага келиб эрдим, неча-неча уйлар қуфлини бузуб ва неча сандуқларни бузуб очиб, ушбу қути ичра самандар ёғини тобдим. Анда Хуморий самандар ёғини олиб, ўрнига ламфа ёғини қўйди. Дарҳол, Хуморий ани жойига элтуб, тева кўрдингму, йўқ деб учовлари чодирлариға келдилар. Амир шайхни талаб қилиб, ёғни бериб, айдилар: «Эй мавлоно афандим, муни баданингизга сурунг». Шайх айдилар: «Мен тангрига таваккал қилурман». Ҳарчанд қилдилар, қабул бўлмади. Ул куни жумаъ эрди. Намози жумаъ ўқулгон сўнг, қоровуллар келиб Амирға таъзим қилиб, арз қилдилар ва айдилар: «Қора Усмонбек Табаристондин юз мингга яқин қўшун келтурур ҳаким кўмакиға». Анда одамлар анинг баҳодурлигин таъриф қилдилар, сиполар анинг била жанг қилмоқни орзу қилдилар. Анда Амир айдилар: баҳодурлардин борму, анинг била жанг қилса?! Ул куни неча ўзбак баҳодурлари бошларин яланғоч қилиб, Амирдин фотиҳа олдилар. Ўшал вақтда бир киши келиб Иноқға айди: «Амирға кўрсатмоқға хатим бор», деб. Иноқ Соҳибқирон хизматиға келтурди. Амирға тиз букуб, таъзим қилиб Соҳибқирон қўллариға хатни берди. Ани мутолаа қилуб кўруб ул кишиға бош-оёғ шоҳона либос бердилар. Баҳодурларни сабр қилинг, деб жангга юбормадилар. Айдилар, бу кун кўрайлук, ҳаким била шайх ўтға нечук кирғай. Ул кун бир-бирларидин хатни нима деб сўрар эрдилар. Амир Соҳибқирон салобатидин ҳеч қайсилари сўраёлмай, анда барчалари Шоҳрух тўраға сиз сўранг, дедилар. Тўра, мени сўзимни албатта отам рад қилмаслар, деб амирдин сўрдилар. Соҳибқирон «сўрамағил» деб сиёсат қилдилар. Бу сўздин тўрани зеҳни койиб, ўз чодирига кириб уйқуға борди. Анда ҳаким била шайх ўтға кирмоқға тайёр бўлуб, ҳаким ҳикматға эътимод қилиб, шайх Ҳамза олло таолоға таваккал қилиб, ул куни неча уламо, шайх, атрофида эрдилар, Шайх оқ тўн кийуб, барчалари зикр этиб, йиғлаб келабердилар. Ул тарафдин ҳаким намоз ўқуб, андин сўнг кўб шароб ичти, мастлиқ ҳолида ламфа ёғини билмай самандар ёғи деб аъзосига суркаб, қора тўн кийуб, аҳли тапосўхийлар била дўнбура, ноқус, рубоблар чолиб келабердилар. Ҳаким шум нағма эшитмакни савоб деб, бу байтни дер эрди.

#### Назм:

*Ҳар кишиким, нағма овозин суяр,  
Ушбу товуш ила яратганни топар.*

Алқисса, шайх икки ракаат намоз ўқудилар. Амир барча одамлар била шайхға мутобаат қилиб намоз ўқудилар. Андин сўнг, Амир бошлиғ бирдан шайхға фотиҳа бердилар. Ул тарафдин ҳақим келди. Икковлари бир-бири бирла қўл ушлашиб, шайх оят ўқуб, ўзига дам уруб, ўт ичра югуруб кириб кеттилар. Шайхға ўт совуқ-луқға айланди. Етти қадам боргондин сўнг, нидо келдики, ё шайх, ҳақим қўлин тутма, анда қўлин қўйиб юбордилар. Ҳақим Низорий: «вой куйдум», деб шавқун қилди. Барча анинг товушин эшитуб, билдиларки, малъун ҳақим жасади ўтға ўртанди, жони тоб келтуролмай, қочиб томуг ўтига ёнди. Соатидин сўнг, шайх Ҳамза ўтдин саломат чиқиб эрдилар, барча кўруб, хурсанд бўлуб, суюнуб, олло таолоға ҳамду сано айтиб, келиб шайхни тавоф қилдилар. Андин сўнг шайх Озарий лақаб қўйдилар. Андин сўнг, ҳақимнинг қавми сўфтойларни ўлдурла бошладилар. Бир нечалари қочиб, шаҳр қўрғониға қамалдилар. Қапуларин бузуб кириб ўзбак баҳодурлари ул бадракларға андоғ қирғин солдиким, сўфтойлари қони кўча ва ўрамларда оқа бошлади, каллалари узулуб, таналари чўзулуб, баъзилари ер қучиб, баъзилари чалқасича йиқилиб, тирикларин жони оғзиға тикилуб, баъзилари қобун-тарбуздек ёрилуб, баъзи оёғи, баъзи қўли узулуб, жасадлари таррадек тириллаб, бодрингдек дириллаб, жонлари томуг сари гириллаб кета бердилар. Ўзбак сиполари фириллаб, қиличлари шириллаб сўфтой бошлариға ета берди. Ул куни бу сифатида жанг қилиб, йигирма минг кишини томуг казармасиға юбордилар. Баъдаҳл бидъат тамом бўлгондин сўнг, шайх Озарий Амирдин рухсат олиб, бир тарафға кеттилар саёҳат қилмоқ учун.

Алқисса, Соҳибқирон қўлидағи хат ҳеч кимға маълум бўлмадики, нима бўлса. Амир Шоҳруҳ тўрадин койиб, анинг амалини Мироншоҳ тўраға олиб бердилар. Шоҳруҳ тўраға буюрдиларки, бориб элатиялардин бож олғил деб. Бу ишға бўйун товлаб, ўз олдиға тўрт минг кишини қўшундин олиб, Амирдин рухсатсиз Қора Усмон бекға қараб юруш қилди. Бир ерға келсалар, лашкари азим дуч келди. Анга қоровул юбориб эрдилар, ул келиб айди: «Қора Усмон таносўхий жанг қилғоли келур».

Дерларким, ўшул хатики Қора Усмонбекдин Амирға келгон эрди. Айтиб эрдикки, мен расул охир ул замондин назар топуб, таносўхий динидин қайтиб, ҳидоят йўлиға кирдим, иншооллох, Амир қошлариға бориб, хизматларида бўлғайман, лекин кишиға изҳор қилмасунлар, zeroки, элатларимни қўби таносўхий диниға киргондур, фасод чиқормасунлар. Шул сабабдин Амир ҳеч кимға айтмаб эрдилар. Мундин тўра беҳабар, Қора Усмон муқобилиға чиқиб, карнай чолдурди. Мундин илғари Қора Усмонға Амир Соҳибқирондин хилъат ва салоҳит номаси келиб эрди. Қора Усмон бек ғам ва қайғуда эрди ва айди: «Афсуски, Амир Темур мени алдамишдур», деб. Сиполарин жангдин манъ қилди. Бир кишини Амирўл юборди: «Бу иш қандай иш мени фириб берурсиз, мусулмон эр киши бу ишни асло қилмас».

Қосид келиб, номани Амирға берди. Амир ғазабда бўлуб дарҳол сўзни ҳақиқатин айтиб юбордилар. Бул ерда икки аскар жанға

ҳаракат қилиб туруб эрдилар. Қора Усмон бек номани кўруб, жангдин қўл йиғди. Ушул вақт тўра қўлига ёсини олиб, ўқ отиб эрди, Қора Усмонбек кўксига тегиб, шаҳид бўлди. Анда тўрага сўзни ҳақиқатин маълум қилдилар. Тўра афсус еб, қилгон ишига пушаймон бўлди, фойда бермади.

Алқисса, тўра билдики, иш қўлдин кетти. Отасига маъзурнома юборди. Соҳибқирон Қора Усмон қатлини эшитуб, узрини қабул қилмадилар. Жарчи қўйдиларким, ҳеч киши Шохруҳ тўра кўмакига бормасун, деб. Ул кун Қора Усмон бек сипоҳлари Озарбайжонга йўл солдилар. Анинг қариндоши Қора Юсуф бек қошига бордилар. Амир сиёсатин эшитуб, тўрани аскари тарқалуб кеттилар. Тўра бечора уруш ичра етти ери яра бўлгон эрди, ёлғуз ўзи тўқай ичра қолди. Аммо Амир галат эшиттиларким, тўрани туркмонлар ўлдурдилар, деб Соҳибқирон ўглини фироқида бўлуб, ҳеч кимга ганурмади.

## ЭМДИ ШОХРУХ ТЎРАДИН СЎЗ ЭШИТИНГ

Тўра тўқай ичра яраларин боғлаб, от узра зўрға минуб, тўқайдин чиқиб эрди, икки киши келиб тўра жиловидин ушлаб чангалистонга қараб юра берди. Қуввати йўқлиғидин аларга ҳеч нима демади, алар ҳам сўзламадилар. Тўра ўз кўнглида «мени бу чанглистон ичра бир ерға элтуб ўлдургай», дер эрди. Иттифоқо, Шохруҳ тўрани бир қўргон дарвозасига келтурдилар. Қўргон ичра бир кишини кўрди, барчадин юқори ўлтурубдур. Тўрадин, «ким эрусан», деб сўради. Тўра айди: «Мен табризлик бўлурман, шох Мансурга хазиначи эрдим, ул бархам тобгач, қочиб келиб, Қора Усмон бекга навкар бўлдум, ул ҳам ўлди, мен жанг ичра ярадор бўлуб, қолиб эрдим бу иккови тутуб, бул ерға келтурдилар».

Ул йигит: «Эмди менга навкар бўлғил, — деди, — мен Зафарбек бўлурман, султон Санжарбек авлодидин эрусман. Ширвон шоҳи хизматида эрдим, ани қизига ошиқ бўлуб, ўзимни Мажнун сифат қилиб эски пўстун кийиб, тиламчилик қилиб ани эшикига бориб, қиз бирла сўзлашиб ани олиб қочиб келтурдум, ани ишқида бу газални ўқир эрди.

Р у б о и й:

*Ҳами зулфи арози даврида магар ул қамарга  
бу холадур,  
Юрагимда шиддат фурқати, ишим оҳ ила дард ила  
ноладир.  
Души узра сунбили тараф ҳам-у печ бирла  
кулоладур,  
Юзи гулшанида икки кўзи рам ваҳшийлиқда  
гизоладур.*

Анинг учун мени лақабимни халойиқ Зафарбек Мажнун дерлар. Эмди неча муддатдин бери Ширвон шоҳига ёв бўлуб юрурман. Анин қавмидин икки минг киши менга тобеъ бўлдилар. Аксар вақт

бориб анинг қавмини тарож қилурман, деб тўра тарбиятига муқайяд бўлди. Аммо тўра соғалиб, тандуруст бўлгондин сўнг, бир кун Зафарбекни қоровуллари келиб айдилар: «Мозандоронга карвонлар борурлар, аларга қофилабоши Ширвон шоҳи гуломи турур». Дарҳол Зафарбек беш юз кишини аларга талон қилинг, деб юборди. Яна орқасидин хат ёздуруб, тўрадин бериб юборди. Хатни тўра йўлда очиб, мутолаа қилса, айтибдурким, молларин талосун, яна ўзларин ўлдурсун. Тўранинг чўнгакида қалам-довоти бор эрди, дарҳол олиб, иккала «син» ҳарфини боши узра «мим» ҳарфини қўйди: «таламасун ва ўлдурмасун» бўлди. Ул беш юз киши қофила барчасини асир қилиб, боғлаб эрди, тўра хатни аларга ва понсадбошига кўрсатти. Зафарбекдин кўрқуб, аларни ешуб, молларини ўзига тобшурдилар. Қофилабоши айди: Эй йигит, мен Ширвон шоҳини муқаррабларидин бўлурман, шоҳимиз элчи қилиб, Амир Темур қошига юбориб эрди. Биз Амир Темур қотидин келурмиз. Тўра Соҳибқирон аҳволидин сўради. Элчи айди: «Амир Темур Шоҳруҳ ўғлини мотамида кўб хафадур». Тўра анга секин айди: «Шоҳинг қошига борғонда мени бу қилгон яхшилигимни айгил, яна сўзим шулки, Зафарбек бу чангилистон ичра қўргон солиб, фалон мавзеъда, дегил». Кечи била уйқусида келиб, чангалистонга ўт қўйуб юборгайсиз, деб қофилабошин жўнатти. Ўзи беш юз киши била Зафарбек қошига келди. Ул айди: «Қофила молин нима қилдингиз?» Тўра айди: «Эй бегим афандим, ўзингиз хат ичра, таломасун ва ўлдурмасун, дебсиз, хатни понсадбошига бериб эрдим, понсадбоши хатни кўруб, сиздин қўрқуб аларни ўлдурмади ва молларин ўзлариға қайтуб берди». Зафарбекни аччиғи келиб, ғазабда бўлуб, дарҳол мирзони чорлаб, нега мундай қилдинг, деди. Мирзо, мен сизни амрингиз бўйинча ёзиб эрдим, деса ҳам қабул қилмай, мирзони ўлдурди. Аммо бул тарафда қофилалар Ширвон шоҳи қошига келиб бу воқеадин сўзлади. Шоҳ дарҳол отлануб қўшун била тўқай ичра келиб чангалистонга ўт қўйуб юборди, атрофини аскар олди. Булардин ким қочиб чиқса, асир қилдилар. Шоҳруҳ тўрани ҳам ушладилар. Тўра айди, эй шоҳим афандим, қофилаларингизға нажот берган йигит мен камина бўлурман, деди. Ширвон шоҳи тўраға қасам берди, айди, эй йигит чин сўзлагил: ким бўлурсан?

Тўра тўғри сўзламакдин бўлак иложи тобмади, воқеани бир-бир баён қилди. Андин сўнг, Шоҳруҳ тўрани Соҳибқирон хизматиға юборди. Амир Соҳибқирон нури айинларин кўруб, хурсанд бўлуб, севиндилар.

Алқисса, Амир Соҳибқирон Мозандарон, Табаристон ва Озарбайжон, барча мамлакатларни мусаххара қилиб, андин Самарқандға музаффар ва мансур бўлуб, шанба куни, сафар ойини биринчисида, баҳор аввалида пойтайхтлариға келиб ўлтурдилар. Тошканддин ва Хўжанддин, атроф вилоятлардин хонзода ва бекзодалар келиб, алар: Тоғайбўғабек, Шамсиддин Аббосбек ва Ғиёсиддин Бектурхон яна шайх Темур Баҳодур, Учқора баҳодур мубошар ва Аргун шоҳ, яна амир Шоҳ барлос, шайх Али Исмоил барчалари Амир хизматиға жамъ бўлдилар. Яна аҳли фузалодин Ғулом Жўржоний,

Алламои Тафтозоний ва мулло Котибий ва хоҷам Баҳовуддин ва Хожа Ҳофиз Шерозий ва неча валилар зикр айтиб ва хатми Каломуллоға машғул эрдилар. Барча Амир Соҳибқирон давлат ва нусратин тангри иззи жалдин тилар эрдилар.

## БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН БАҒДОД ШАРИФГА МУТАВАЖЖИҲ БЎЛУБ, ФАТҲ АЙЛАБ, ШОМ ШАРИФГАЧА БОРҒОНЛАРИН БАЁНИ

Аммо Ровий дерким, бир кун Амир Соҳибқирон Искандари соний шон ва шавкат била тахт узра ўлтуруб эрдилар, Мозандарон хони била Ҳиндустон беги Ферузшоҳдин элчи келди деб эшиттилар. Етти элчи Ҳиндустондин, етти элчи Мозандарондин элчихонаға келиб туштилар. Тонгласи кўрунуш хонаға келиб, Амирға таъзим ва тавозеъ била арз қилиб айдилар: «Шом вилоятида Язид авлодидин Муовияи соний деган киши салтанат тахтиға ўлтурмиш ва дермишким, вилояти Исфаҳон била Ҳиндустонни фатҳ айлаб, андин сўнг ҳуруж айлаб, Туркистон тарафиға борурмиз деб. Бениҳоят қўшунлар жамъ қилгон эмиш. Алар хуруж қилмасдин илгари, Амир Соҳибқирон афандим саъй ва тараддуд қилсунлар деб, бекларимиз хизматингизға бизларни юборди», дедилар.

Амир Соҳибқиронға ғайрат пайдо бўлуб, атрофға от чоштуруб, қирқ кунғача Туркистон мамлакатларидин турк ва тожик, сарт ва қозоқ элатдин аскар жамъ қилиб, аларға олтун-кумушлардин инъом ва эҳсон бериб, асоси салтанат, дабдаба била тўрт юз хон, етти юз етмиш бек, тўрт юз уламо ва имом, тўрт валиолло анда ҳозир эрдилар. Тўрт сон аскар бир тарафдин, беш сон аскар бир тарафдин, бир лак аскар бир тарафдир. Мунажжимлар қуръа ташлаб, барча бирдан отландилар. Оқ, қора, қизил, ёшил, қўтос туғ ва яловлар санжоқ-санжоқ, тўб-тўб, дарё-дарё бўлуб, даладашларни олиб, тоғ-тошларни босиб, йўлга туштилар. Ул куни аскар қурт-қумурсқа ва чугурткадин ҳам зиёда эрди. Неча манзил ва марохил тай қилиб, йўл кезиб, чўл кезиб, тоғ-роғдин ошуб, бир неча кун ўтуб, навоҳи Бағдодға бордилар. Анда бир тоғ узра чиқтилар. Анда бир майдони васеъ бор эрди, ул мавзеъ Бағдодға етти тошлиғ йўл эрди. Қўшунлар ул ерға тушуб, фароғатда бўлдилар. Аммо Бағдод шарифни амири Султон Аҳмад деган кўб баҳодур, кучлик ва шижоатлик киши эрди. Бағдодға данг ва овоза туштиким, Амир Темур вилоятларни фатҳ айлаб, Бағдод устига хуруж айлаб келурмиш деб. Султон Аҳмад дарҳол етмиш сон қўшун йиғиб, ўшул тоғни остиға келуб туштилар. Ул ерда аскарни сафин тузуб, ҳировул, гул, жаранғор, баранғор, чандовулларни жой-жойиға келтурдилар. Анда Бағдодни барча умаро ва фузалоси бирла ул ерда кенгаш қилдилар. Алар айдилар: Эй Султон афандим, иттифоқ шулким, Амир Темур Соҳибқирон била уруш қилмоқ маъқул эмас, анга баъйат қилмоқ вожибдур, зероки, расул акром саллоллоҳу алайҳи васалламни шаръи шарифларин юрутса, ҳазрат Имом Аъзам раҳматулло алайҳанинг мазҳабларида бўлса, бизларға

андин зарар бўлмаган. Анинг етти пири комил тарбиятида эрмиш. Анда Султон Аҳмад аччиғи келиб, ғазабда бўлуб айди: «Мени кучу қувватим Рустам дostonча бордур, мени зўрлиғимдин Қоф тоғи девлари ларзададурлар, шунча ҳукуматим била Амир Темур оқсоқға баъйат қилурманму?», деб манъ қилгонлардин етмиш кишини бошини кести. Уламолар сўзламоқға хавф қилдилар. Ул кун куёш амири шафақ чодирға кирғоч, муҳолиф юлдузлари кўк майдонида жилва кўрғузди. Аммо Султон Аҳмад ярим кеча била қўлига вазни икки пут чўқморин олиб, ёлғуз ўзи Соҳибқирон қўшунларига бораберди. Йўлда бир оқсоқол қари киши учради, анга бир йўмуруқ олтун берди. Яна қўлига бир хат берди, айди: «Эй бобо, мени ушбу хатимни Амир Темур чўлоқға бергил», деб юборди. Ул қари киши саҳар вақтида Амир Соҳибқирон чодирларига кириб келди. Аҳли ҳарамлар барчаси уйқуда эрди. Амирға қўлини алиф-лом қилиб, салом берди. Амир алик олиб, эй бобои қишлоқий, қайдин келурсан, дедилар. Бобо: «Султон Аҳмад ушбу хатни сизга бериб юборди», деб чиқориб берди. Амир хатни мутолаа қилсалар, дебдурларким, эй Амир Темур оқсоқ, билғил ва хабардор бўлғилким, мени султон Аҳмад Рустами соний атарлар, етти юз минг қўшун бирла бу ерға келиб туштум, эмди икки аскарға жароҳат солмайлуқ, сен ва биздин мусулмонларни ҳалок қилмоқ муносиб эмас, яхшиси шулки, иккимиз бир ерда курашайлуқ, деб. Дарҳол Амир отға минуб, бир ерға келиб, тонг номозин ўтаб, кўрсалар бир ерда кўмуш қозикға от боғлиқ турур. Секин келиб кўрсалар, Султон Аҳмад ухлаб ётур. Соҳибқирон хаёл қилдики бошин олса, яна ўйлаб дедиларким, бу эрликдин эмас деб, бир соат ўлтурдилар, сўнгра уйғониб, сўрди: «Қандай кишисан, қайдин келдинг?» Амир айдилар: мендурман Амир Темур Соҳибқирон, отам амир Турағай баҳодур, онам Тегина бинти Садр аш шарифатдурлар деғач, икковлари дарҳол кураш ола бошладилар. Субҳдин то кечғача бир-бирларин йиқитолмадилар.

Алқисса, ғойибдин бир қўл келиб, шавқин солиб, иковин ҳавоға қўтариб айди: «Эй густоҳлар, икки мусулмон на учун низоъи қилурсиз» деб. Султон Аҳмадни Амирға асир қилиб, ғойиб бўлди. Амир анга сиёсат қилиб, қилич кўтардилар, ул айди: «Аввал менга бир коса сув бергил, сўнгра ўлдурғил». Соҳибқирон бир оёғда сув келтуруб бердилар. Ул сувни ичмай, ерға тўкди. Амир кулуб, айдилар: «Кўнглунгда кудурат бор экан», деб боғлаб оти била олиб келдилар. Муни Бағдод эли эшитуб, барча уламо ва фузалолар Соҳибқирон олдиларига чиқуб, арз айдилар: эмди, Имом Аъзам ҳақи ва ҳурмати учун Бағдод шаҳрини Султон Аҳмад ўзиға беринг, дедилар. Соҳибқирон муллоларни ҳурмат қилиб, Султон Аҳмадни қўл-оёғин ешуб, кучоғлашиб кўрушуб яна Бағдод шарифға амир қилдилар. Бағдод шаҳрига кириб, етти кун юртға ош бериб, тўй қилдилар. Андин Имом Аъзам пиримни қабри муборақларини зиёрат қилдилар. Андин сўнг, мўғул, ўзбакларини олиб Шомға юруш қилдилар. Соҳибқирон қушун била Шомға бораберсунлар.

Эмди, сўзни Муовияи сонийдин эшитунг. Бир кун Муовияи



соний бир юртга бориб урушуб ёралиқ бўлуб эрди. Ул яраси носурга улонуб, асло яхши бўлмади. Кўб табиблар анга муолижа қилолмадилар. Бир кеча мазористонга бориб тунади. Мазорлардин истиёнат тилади. Ярим кеча эрди, кўкдин ани қошига бир киши тушти. Айди: «Эй Муовияи соний, сени бу ярангга Исо набининг марҳами керак. Андин шифо тобқайсан». Ани эшитуб Муовияи соний йиглаб айди: Исо пайгамбарни қайдин топарман? Ул малъун: «Исо пайгамбар мен бўлурман», деб ярасига марҳам қўйди. Дарҳол шифо тобти. Андин сўнг шаҳар ичра таклиф қилди. Ул айди: «Ҳоло, сен борғил, кеч вақтига кўкдин тушгаймен. Сен Шом муллолариға бу сўзни айтғил, фалон минора остига борсунлар», деб ғойиб бўлди.

Алқисса, Муовияи соний соғалуб бориб, тахтига ўлтуруб, ул куни барча уламони чорлаб, бу сўзни изҳор қилди. Уламо қабул қилмадилар. Барча одамлар мазкур минора остига йиғилдилар, вақт завол эрдик, иттифоқо, қўлида найза ва санчқу, бир эшакга минуб, кўк соридин тушти. Муни кўруб, барча ҳайрат дарёсига гарк бўлуб, таажжуб бармоқин тишладилар.

Дерларким, бу малъунни оти Салосий каззоб эрди, илми жафар ўрганиб, андин Қоф тоғи орқасига бориб, дев ва парилар бирла юруб, кўб сеҳр ва жодуларни билиб эрди. Муллолар қошига келиб, мен Исо руҳолло бўлурман, осмондин олло таоло мени бу ерға индурди, Амир Темурни Дажжол деди, ул ҳуруж қилиб, Бағдодни олиб, бу ерға келур, мен ани ушбу найза бирла ўлдурурман, деди. Баъзи муллолар айдилар: ҳануз Исо алайҳис саломни нозул бўлур вақти бўлгон йўқ, муни сўзига инонмагил, деб Муовияи сонийни даражасига етқузди. Муовияи соний Салосий каззоб била Адан, Яман, Фархор, Мағриб мамлакатларидин кўшун жамъ қилиб, Амир Соҳибқирон аскарлариға қарши келди.

Алқилсса, Амир Соҳибқирон эшитуб, Макканинг шайхи Аҳмад деган кишини анга элчи қилиб юбордилар. Муни кўруб, Амир Темур дажжол бизга элчи юборибдур, деб каззоб Салосий Муовияи соний била машварат қилиб, номани ўқуб, элчини шаҳид қилдилар. Соҳибқирон шайх Аҳмадни шаҳид бўлгонин эшитуб, йиғладилар. Андин сўнг, Амир ғайратға минуб, анбиё ва авлиёлар руҳидин мадад тилаб, етмиш қорабош қўтослик туғ ва яловлар била такбир айтиб, бирдан барча отға минуб, санжоқ-санжоқ қўшунлар карнай, сурнай, барабан чолиб, дарё ва денгиз каби мавж уруб, неча бек бачалар била икки минг баҳодур, етти минг мубориз, етмиш сон аскар, кўби оқ салла, оқ чафон, баъзи қўлида қилич, баъзида чўқмор, баъзида милтиқ, баъзида занбурак, тоғу дашт тўзонлари ўйпаб, синоҳларни юраклари қайпаб, кўкда нужум, ерда қум каби човурткадек сой ва қирни босиб борабердилар. Бу аскарни Муовияи соний кўруб, кўнглиға қўрқув тушуб қочмоқға майл қилди. Ўзбек аскарни муқобил бўлғоч, шомийлар қоча бошлади. Ўзбек аскарлари алар қонин тариқ каби соча бошладилар, чўқморин кўтариб, аларни жасади келисига уруб, сўнгаklarин талқон қилар эрдилар. Шом элини орқасидин қувлаб, андоғ қирғин солдиларким, лошлар

чошлар бўлуб, от йўли боғланди. Таналари дўнг қабақдек ёрилуб, каллалари хандалакдек юмалануб, оёғлари тарракдек тириллаб, қўллари бодрингдек дириллаб, бўлак-бўлак қолаберди. Қолгонлари, ал-омон-ал-омон Соҳибқирон, деб йиғладилар. Андин сўнг мўғул, ўзбак баҳодурлари жангдин қўл йиғдилар. Муовияи соний била Салосий каззоб қочиб бир ерға бориб, иккови кенгаш қилди. Ул куни Амир Соҳибқирон қўшунлари хориждин бениҳоят ўлдурдилар. Анда Муовияи соний Салосий каззобга айди, Эй Исо пайгамбар, менга нима бўлди, аскарим қирилди, салтанатим бузулди, эмди не кенгаш кўрсатурсан, деб йиғлади. Ул шум айди, тонгла Амир Темурга элчи юборайлук, ани муллолари била сўзлашуб, пайгамбарлигимни билдуруб, мулзам қилурман, андин сўнг, Амир Темур Дажжолни ўлдурман, деб ул шум муболаға сўзларни деди. Тонгласи қуёш амири жилва кўргузғоч, хориж юлдузи қочиб тун каззоби ўзин беркитти. Анда Салосий каззобдин элчи нома келтурди. Номани кўрғоч, Иноқ вазирни ўрунлариға қўйуб, қирқ уламо бирла Салосий каззоб қошиға бордилар. Ул дам Салосий каззоб қўлида яримта найза, бир оқ эшак минуб, булар муқобилиға келди. Кўрсалар, кўзи кўк, бурни катта, қўш кўкраклик, ул шум башараси ёмон суратда эрди. Уламолар айдилар: «Эй каззоб, бу кун не даъвойи қилурсан?» Ул айди: «Исо ибн Марям бўлурман». Булар айдилар: «Исо бўлсанг имом Маҳдий қайдадур?» Ул айди: «Имом Маҳдий эмди келур». Уламолар айдилар: «Имом Маҳдий Исо пайгамбар нозулидин ўтуз йил илгари вужудға келурлар. Имом Маҳдий ҳазрат Исони бошлаб Дажжолға келурлар, эмди сен каззоб, кофир бўлдунг, дедилар. Ул малъун жавоб тополмай ҳайрон бўлди. Яна айдилар: «Эй каззоб, сен нимаға амал қилурсан?» Ул шум айди: «Инжилға амал қилурман». Уламолар айдилар: «Расул акром саллоллоху алайҳи васаллам оламға келдилар. Ўзга китоблар мансух бўлди». Яна айдилар: «Эътиқодинг нечукдур?» Ул шум айди: «Одам Атони олло таоло яратқондур, бизни худойимиз Одам сафиоллодур». Уламолар айдилар: «Эй каззоб, мушрук бўлдунг, барчани худои таоло яратгандур. Ҳолиқу кулли шайъин ва розиқу кулли хайъин»<sup>1</sup> ул турур». Яна айдилар: «Эмди Исо бўлсанг ўлукни тиргузурмусан? Исо алайҳис салом мўъжизалари ушбу эрди, барча халойиқ кўрсунлар». Ул шум айди: «Бу кун сабр қилинг, тонгла ўлукни тиргузурман, зероки, кеч бўлди, мўъжиза тобиш бермайдур», деди. Анда қуёш амири Мағриб тахтиға борғоч, хориж юлдузлари тун майдонида жилвага кирдилар. Анда Салосий каззоб илми жафар ўқуб, ярим кеча бўлмай учуб қочиб кетти. Эртаси субҳи исломий зоҳир бўлғоч, билдиларки Салосий каззоб қочиб кетибдур. Ул куни мусулмон ўзбак сиҳоҳлари хорижларға андоғ қирғин солдиким, лош устиға лош бўлуб, лошлар йиғилиб, чош бўлуб, хорижлар сири фош бўлуб, Муовияи соний яна қочиб беркинди. Қолгонлари «ал-омон, ал-

<sup>1</sup> *Ҳамма нарсаинг яратувчиси ва барча тирик жоннинг ризқ берувчиси оллоҳдир.*

омон» деб Соҳибқиронга тобеъ бўлуб, Шом шарифга кириб, тахт узра Амир жулус айладилар. Андин сўнг, Муовияи сонийни дараклаб, тошиб келдилар, ани ҳам ҳалок қилдилар. Анда мунофиқлар қайғуда бўлуб, мўминлар суюнуб, шодлиқда бўлдилар. Анда Шом ва Халаб ва Уқлонгача қўб вилоятларни мусаххара қилиб, ул вилоятларни ўзларига тобеъ қилиб, ҳар ерда хазина ва дафина бўлса олиб, мусулмонларга инъом ва эҳсон қилиб, андин ҳаж зиёратига келдилар. Тамом беклар ва аркони давлатлар била ҳуррами шарифга яқин етиб, мақоми Зулхалифада аҳром боғладилар. Бир неча бек ва хонлар мақоми Елмламин аҳром боғладилар. Бир неча бек ва хонлар мақоми Зот ғурфдин аҳром боғладилар. Анда Амир Соҳибқирон Каъбани ўргулуб, Ҳажар ал асводга юзларин суртуб, Байт ул аллони зиёрат қилиб, андин сўнг, Мадинаи мунавварага бориб, расул акром саллоллоҳу алайҳи васаллам қабри муборақларин зиёрат қилиб, яратғонга қўб шукру сано айтуб, қўб инъом ва эҳсонлар қилдилар. Андин кейин, Соҳибқирон уламо ва фузалолар била Мовароуннаҳрга юзландилар.

## БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН ҚИЗ ШАҲРИГА БОРИБ, АНДИН ҲАЗРАТ ОДАМ ОТАНИ ҚАБРЛАРИН ЗИЁРАТ ҚИЛҒОНЛАРИН БАЁНИ

Аммо Соҳибқирон афандим ўзбак сипоҳларин Мовароуннаҳрга юбориб, ўзлари ҳазрат Одам сафиолло қабрларин зиёрат қилмоқ ишқи қўнгулларига тушуб, вузаро ва аҳли фузалоларни йиғуб, аларга кенгаш қилдилар. Аҳли хикматлар Соҳибқиронга арз қилиб, айдилар: «Эй Соҳибқирон Искандари соний, бу Сарандибни йўли қўб йироқ, қўб хатарлиқ ерлари бордур, ажаб эмас, пири комил дуоси била ул ерга борсангиз». Анда Амир соати сукутга кетуб, бошларин кўтариб, Хисрав Дехлавийни чорлаб, қошлариға келтуруб, бул сўзни ул кишиға айдилар. Хожа Хисрав айдилар: бу йўл қўб хатарлиқ йўлдур, эмди, сиз шайх Шукрнинг хонақоҳлариға бориб, тарки ҳайвонот қилиб, қирқ кун риёзат чекинг, қирқ биринчи куни бир маст қаландар қошингизга келур, ул куни гусл қилиб, намози шукр ўқуб ўлтурунг. Андин ул қаландар олдиға бориб, салом бериб, таъзим ва тавозеъ била турғайсиз, ул «нима ҳожатинг бор» деса, бу сирни анга баён қилғайсиз. Анда ул қаландар қўб ваҳшат била сиёсат қилғай. Ҳарчанд сиёсат қилғон бирла ихлосни ёндурманг. Ул куни кетиб, тонгласи яна келур. Ани этакини маҳкам ушлағайсиз. Етти кунгача ул қаландар қотидин ажралмағайсиз, албатта, бу ишни уҳдасидин ул киши чиқор. Андин ўзга уҳда қилолмас. Хожа Хисрав сўзларин англаб, андин Амир Соҳибқирон шайх Фарид Шукр Ганжнинг хонақоҳлариға бориб, қирқ кун Иноқ била чилла ўлтуруб эрдилар. Қирқ кундин сўнг бир қаландари жандапўш, масту беҳуш хонақоҳға келди. Анда Амир бирла Иноқ иковлари ул мазкур ховузға гусл қилиб, андин қаландар қошиға келуб, мароқбада бўлдилар. Андин сўнг, Амир Соҳибқирон салом айлаб, арз қилдилар. Анда ул

қаландар кўб сиёсатларни қилиб, уйга ёнди. Эртаси келгоч, яна Соҳибқирон арз қилдилар. Яна қаландар бурунғидин қаттиғроқ ваҳшат қилиб, чиқиб кетти. Учунчи кун яна келди. Соҳибқирон арз қилиб, айдики: «Эй қаландар афандим, нима бўлодур, биз каминан қулларингизни ҳожатиға етурсангиз». Анда қаландарни аччиги келиб, газаб ўтиға ёниб, Амирни юзлариға бир шафалоқ била андоғ ўрдиларки, Амирни эслари кетуб йиқилдилар.

Ровий дерким, ул зарбни асари неча вақтғача Амирни муборак юзларидан кетмади. Алқисса, Амир Соҳибқирон етти кунғача ушбу тартибда, ҳарчанд сўкса ва урса ҳам анинг ихлосий этакидин эътиқоди қўлин олмадилар. Қаландарни этикин маҳкам туттилар. Етти кундин сўнг қаландар андак мулойим бўлуб, сўзға келуб, Амир бирла Иноқ иковингиз икала оёғимға минуб, кўзларингизни юмуб, зинҳор-зинҳор «кўзларингизни оч» демагунча очмағайсиз, деди. Анда икови кўзларини юмуб, қаландарни оёғиға миндилар. Соатидин сўнг «оч» деғач, очтилар. Кўрсаларким, хайҳот, бир шаҳри азим эрурким, барча одамлари қиздур. Анда эркак кишидин асар йўқтур. Ул шаҳар ўртасида шажари азим бордур, кўб-кўб булоғ-яфроғлари ичра емишлари кўбдур. Амир Соҳибқирон била Иноқтоз ул саз емишлардин еб, аларни тамошо қилдилар.

Аммо ахборларда келтурубдурларким, ул вилоятни Қиз шаҳри дерлар. Аларни хон ва беклари ҳам қиздан бўлур. Ул улуғ йиғочни Шажарани Мурод дерлар. Анинг олдида бир булоғ бордур. Ул қизлар барчаси эр хоҳласалар, ул шажарани қучоғлаб, ул сувға чўмулсалар дарҳол ҳомила пайдо бўлуб, юклу бўлур эдилар. Ўғул тугсалар, дард тегиб, ўлар эди. Қиз тугсалар парвариш қилур эрдилар. Ўлмасдин, улғайиб балоғатға етар эрди. Аммо аларни таъмаси мазкур йиғочни емиши эрди. Ул шаҳрға эркак киши борса, уч кундин сўнг ўлар эрди. Ул қиз шаҳрини Сарандиб навоҳисида дерлар.

Алқисса, ул кун қаландар Амир била Иноқни олиб, Сарандиб тоғиға еткурди. Кўрдиларким, атрофи бир кунлик йўл, баландлиғи минг газ келур, хайбатлик ва салобатлик ажойиб тоғ эрур. Анинг ёнида бир булоғ қайнаб чиқиб, оқиб боруру. Қаландардин сўрдилар, бу қапдай булоғ турур? Қаландар айди: «Эй оқсоқ Амир Темур, вой Иноқтоз қиморбоз бу тоғ Сарандибдур. Одам Ато алайҳис саломни қабришарифлари мунга устидадур. Мунга чиқиб, тангри таоло қудратин ажойиб ва ғаройибини тамошо қилингиз. Андин Одам сафиоллони қабри муборакларин зиёрат қилурсиз», деб, қаландар қиблаға мароқбада бўлуб ўлтурди. Аммо Амир Соҳибқирон била Иноқ иковлари меҳнат ва машаққат била ул тоғ узрасиға чиқтилар. Кўрсаларким, олту гунбазлар, иморатлари кумушдин. Ул иморати олийнинг эшикиға ёшил ранг қуфллар солинғон. Соҳибқирон эшикни очмоқ учун ул қуфлға қўлларин узоттилар. Ушал замон сиёсат била бир киши ҳозир бўлди. Айди: «Эй беодоблар, бу не густоҳлиқдур, қўлингизни тортғил». Кўрсалар бир киши ёшил пўстун кийган, Амирға салом берди. Амир алиқ олдилар. Андин сўнг ул киши айди: мунда нима иш қилиб юрубсиз? Амир Соҳибқирон айдилар: «Отамиз Одам сафиоллони қабри шарифла-

рин зиёрат қилсак». Ул киши олти тарафга назар қилиб, бир тарафдин бир нимани кўргил деб ишорат қилди. Анга Амир Соҳибқирон қарасалар, етти киши тош бўлуб ётурлар. Ул киши айди: «Булар ҳам зиёратга келиб, бу қуфлға қўл уруб, тош бўлдилар. Агар сени ҳам қўлинг ул қуфлға тегса, тош бўлур эрдинг. Бу сўз узра бир неча пўстун кийган кишилар, ҳозир бўлдилар. Амир сўрдилар, сизлар қандай кишидурсиз? Алар айдилар: «Ҳазрат Искандар қулларидин бўлурмиз, вақтики Зулқарнайн афандимиз Ҳиндустон вилоятларин фатҳ айлаб, ҳазрат Одам Атонинг зиёратлариға келиб, Ҳиндустондин етти хазинани келтуруб бу қабри шарифнинг атрофиға аҳли ҳикматларға буюруб, тилсимот бирла бу иморатни қилдурдилар, токи муҳолифлардин зарар бўлмасун деб. Неча-неча ҳикмат ва тилсимот бирла бу қуфлни қапуға солгонлар. Шул сабабдин ушлагон киши дарҳол тош бўлур. Амир айдилар: бу қабри муборакни ичиға кирмакни асло иложи борму? Алар айдилар: «Искандар ҳазратларидин бизларға бир мактуб қолгондур, ҳар ким ул мактубға амал қилса, Одам алайҳис саломни қабрлариға киргай». Амир алардин ул мактубни талаб қилдилар. Алар ул мактубни Соҳибқирон қўллариға келтуруб бердилар. Амир мактубни очиб кўрсалар, айтибдур: «эй Амир Темур Соҳибқирон мен ким, Искандар Зулқарнайн. Мендин сенга кўбдин-кўб салом. Эй Соҳибқирон, бу иморати ҳикмат тилсимоти бирла ясандур. Одам Атомиз муборак қабрларин зиёрат қилай десанг, бу тоғни жануб тарафида бир тошлиқ ерда бир қўл бор. Анга бориб, ахшом вақти бўлгонда ул сувға боқиб мутаважжих бўлуб, тонг отқунча қоим бўлуб тургил. Субҳ бўлғоч, кўлдин бир ҳўкиз чиқор, ани оғзида тасвир бордур, ани олгил. Хўкуз сенга ҳамла қилса, қўрқмай, ани яроғ била ўлдургил. Ани оғзидин ашколни олиб, қуфлға ургил. Қапу очилиб, андин сўнг Абул Башар ҳазратларини қабри шарифларин зиёрат қилурсан». Бу сўзларни ўқиғоч, Амир Соҳибқирон ул қўлға бордилар. Намози шукр ўқуб, ахшом бўлгондин сўнг, кўлға, мутаважжих бўлуб, пирлардин иноят талаб, субҳ вақтигача мунтазир бўлуб турдилар. Субҳ бўлғоч кўлдин бир ҳўкуз, оғзида ашколи, чиқиб келди. Амир ани оғзидаги шаклин олайин деб эрдилар, сакраб, ҳайқуруб, Амирға ҳамла қилди, гўё олам ларзага тўлди. Дарҳол Амир қилич бирла чоптилар. Хўкиз ҳалок бўлди. Оғзидин шаклин олиб келиб, мазкур қуфлға урдулар. Анда эшик очилди. Кўрдилар, ҳазрат Одам Атомизни муборак бўйларини узунлиқи саксон газ келур, муборак бошларида ёшил тошдин лавҳ турур. Анга араб лафзида бу хат ёзилибдурким:.

هَذَا ثَرِيَّةُ أَبِي الْبَشْرِ آدَمَ صَفَى اللَّهُ

صَلَوَاتُ اللَّهِ عَلَيْهِ

Яна айтубдурким, эй ақл эгалари, бул ерга келсанглар, хушёр бўлгил, ибрат кўзин очиб, одоб қадрин еткуруб, билгил, Одам сафий аслимиздурлар. Мисли инбуъ авлодлари наҳр эрур. Аммо, отадин ўгул ва қизга нима мерос бўлса, олур. Бизларга мерос ўлум турур. Яна ўзга лавҳда ёзилмишким:

أَنَا أَبُو الْبَشَرِ خَلِيفَةُ اللَّهِ نَزَلَ فِي تَشَائِي

қавли таоло:

أِنِّي جَاعِلٌ فِي الْأَرْضِ خَلِيفَةً

яна олло таоло каломида дебдур:

وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ

тожин бошимга қўйди, яна ҳукм қилдики, қавли таоло:

وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَكَةِ اسْجُدْ لِآدَمَ

فَسَجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ

андин сўнг, саккиз учмоқдин ўрун бериб, малукона хилъат бериб, турлу-турлу неъмат бериб айдиким:

فِرْعَوْنَ وَرِمَاحَانَ وَجَنَّةَ نَعِيمٍ

яна барча илми муяссар айлаб, дедиким, қавли, таоло:

وَعَلَّمَ آدَمَ الْأَسْمَاءَ كُلَّهَا

яна Одамга Ҳавони завжа айлаб, айдиким, қавли таоло:

قُلْنَا يَا آدَمُ اسْكُنْ أَنْتَ وَزَوْجُكَ

الْجَنَّةَ وَكُلَا مِنْهَا رَغَدًا حَيْثُ شِئْتُمَا

وَلَاتَقْرَبَا هَذِهِ الشَّجَرَةَ فَتَكُونَا مِنَ

الظَّالِمِينَ

Оқибати Олам одам бирла Хонанаҳй этилгон нимарсадин еб,  
учмогдин қувлануб, йиглаб, дедиларким:

رَبَّنَا ظَلَمْنَا أَنفُسَنَا وَإِن لَّمْ تَغْفِرْ لَنَا

لَنَكُونَنَّ مِنَ الظَّالِمِينَ

Ахир, бу амрга маъмур бўлуб:

كُلُّ نَفْسٍ ذَائِقَةُ الْمَوْتِ

шарбатидин ичтук. Эй ўғлум, агар олами жаҳонга султон бўлсанг,  
охир туфроқ ора яқсон бўлурсан, билгилки, барчага бу ўлум  
хақдур:

كُلُّ شَيْءٍ هَالِكٌ إِلَّا وَجْهَهُ

Бир кун бўлур мўмин ва кофирга ҳукм андоғ бўлгайким:

يَفْعَلُ اللَّهُ مَا يَشَاءُ وَمِمَّا كُمْ مَأْيُرِيدُ

Яна бир лавҳда ёзибдурким:

أَبْجَدَ أَيُّ أَبِي وَجِدَ فِي الْمَعْصِيَةِ

яъни, Эй падар, мен Одам буд ёфта шуд, дар гуноҳ, яъни гуноҳи оз  
бу вужуд омад. Таржима: Одами Атомиздин масъият пайдо бўлди:

هَوَّزَايَ أَتَبَعَ هَوَاهُ

яъни, пайрави кард Ҳавои нафсоний худро. Таржима: тобеъ  
бўдилар Одам била Ҳаво нафсага жаннатдин чиқтилар:

حَطِيْ اٰى حَطَا ذَنْبُهُ بِالتَّوْبَةِ وَالْاِسْتِغْفَارِ

яъни, гум карда шуд гуноҳи ӯ тавба кардан ва истиғфор.  
Таржимаси: йўқ бўлди Одамни ёзуқлари тавба қилмоқ била.

كَلِمَ اٰى تَكَلَّمَ بِكَلِمَةٍ فَتَابَ عَلَيْهِ بِالقَبُولِ وَالرَّحْمَةِ

яъни, муножот кард бакалима, нас, қабул шуд тавбаи ӯ.  
Таржимаси: Одам истиғфор айтиб, нола қилди, тангри қабул қилди.

سَعَفَسَ اٰى ضَاقَ عَلَيْهِ الدُّنْيَا  
نَافِيضٌ عَلَيْهِ

яъни, танг шуд бар ӯ, пасрихта шуд бар ӯ. Таржимаси: дунё Одам  
Атоға тор бўлди, тангри таоло, кенг қилди.

قَرَشَتْ اٰى اَقْرَبَ ذَنْبُهُ فَشَرَفَ بِالكِرَامَةِ

яъни, иқроп кард бегуноҳи хеш, нас бакорамат ёфт. Таржимаси:  
Одам ёзуқларига иқроп бўлдилар, Оллоҳ таоло беркитди.

تَخَذَ اٰى اَخَذَ مِنَ اللّٰهِ قُوَّةً

яъни, гирифт Одам аз ҳақ таоло қуваатро. Таржимаси: Одамга  
тангри таолодин қувват келди.

ضَطَّغَ اٰى سَدَّ عَنْهُ نَزْعُ الشَّيْطَانِ بِالْعَزِيْمَةِ

яъни, банд шуд аз винзиъ шайтон бағримат калом, яъни ба калом  
ҳақ ва тавҳид. Таржимаси: Одам алайҳис салом шайтон алайҳа ала-  
лаъинга беҳбодарлиқ қилдилар, яъни, зўр бўлдилар, яъни  
маъниси: Абжад бошлади, ҳаввоз қўшулди, ҳуттий воқиф бўлди,  
каламан сўзлади, сауфаст синолди, қарашат тартиб қилди. Саххоз  
сақлади. Зазағ тамом қилди, валлоҳи олам:



قَالَ النَّبِيُّ عَلَيْهِ السَّلَامُ مَنْ قَرَأَ الْبَجْدَ

عَصَمَهُ اللَّهُ تَعَالَى مِنْ تِسْعَةِ آفَاتٍ

الْوَبَاءِ وَالْبُرْصِ وَالْجُنُونِ وَاحِرَاقِ الدَّارِ

وَالْحَيِّ وَالْعَتِيقِ وَالْجَدِيدِ وَالْجِنِّ وَ

الشَّيَاطِينِ

Яна ўзга лавҳда ёзилибдур, эй бу манзилға келгон азизим, Одам Атомиз қиссаларин эшитуб, ибрат олғил, деб, бу мазмунни ёзибдур.

Назм:

Бу қиссани англа, Эй келан ким,  
Одамни яратмоқ ўлди тангрим,  
Ҳақ амрига келди қабза руҳ,  
Ер бағрини ёриб, этти мажруҳ.  
Бир қабза туроб олиб, ўшал он  
Одамни яратти, берди ҳақ жон.  
Одам ёвуқиға боран замони,  
Сўл ёнидин айлади Ҳавони.  
Учмоға кириб, бўлуб халифа,  
Неъматларидин бериб, вазифа.  
Буғдой емишни айлади манъ,  
Ҳақ амрига бўлдилар иков қанъ.  
Иблис чақируб товус, илонни,  
Алдаб иковун, бўлуб ниҳони.  
Иблисни кетурдилар жинона,  
Бу ишға бўлуб алар баҳона.  
Одамға келиб у макр қилди,  
Ҳаво ани макриға йиқилди.  
Одамни иков ҳам алдадилар,  
Буғдойни Абул Башар едилар.  
Одам таънидин тушурди хилъат,  
Тушти бошиға кўр анча зиллат.  
Одам бўлубон у дам яланғоч,  
Жаннатни эли дер эрдилар, «қоч».  
Йиглаб югурди ҳар тарафға,  
Жо(й) бермадилар ўшал шарифға.

Одам борур эрди ҳар шажарға,  
 Яфроғ талаб қилиб аларға.  
 Бугдой йиғочина борди Одам,  
 Яфроғингни менга бер ушбу дам.  
 Луч ўлмоғима бўлуб сабаб сан,  
 Исён денгизи ора қолиб ман.  
 Бугдой деди: кошки менда яфроғ,  
 Бўлса берушим сиза ушбу чоғ.  
 Андин борибон анор йиғочи,  
 Ҳолимға қилурму деб иложи.  
 Кўрдик нафис оғоч эрмиш,  
 Таъзим ила бошини эвирмиш.  
 Гўёки келиндек ўлдурубдур,  
 Зийнат берибон ўзиға чун ҳур.  
 Йиғлаб деди Одам анга, яфроғ  
 Бермади жавоб анга ўшал чоғ.  
 Одамға хитоб келди ҳақдан,  
 Борма ани қошиға, эрур зан.  
 Одамға дам урмоқа уётти,  
 Олма йиғочина анда етти.  
 Олмани кўрар, юзи қизармиш,  
 Кўз қони била юзи бўёлмиш.  
 Мажруҳ кишидин давони сўрмай,  
 Нокни йиғочина борди ул хай.  
 Кўрди, бу йиғоч ўзила машғул,  
 Яфроғини анда сўрмади бул.  
 Шафтолуға борди андин ул бас,  
 Яфроғи ани ўзиға етмас.  
 Ғам юкиға қадду ҳам эгиб бош,  
 Ўз ҳолиға йиғлабон тўкар ёш.  
 Мундин на дебон кийум сўрарман,  
 Деб борди узум йиғоча ул тан.  
 Кўрди ани — турфа шевалиғдур,  
 Яфроғлу, булоғлу мевалиғдур.  
 Яфроғлар ила кўб безанмиш,  
 Янгоқлар узра сочин таранмиш.  
 Айш узра бўлуб ўзиға мағрур,  
 Одам яна андин ўлдилар дур.  
 Жийда йиғочина бордилар зор,  
 Топмади мурувват ул дилафгор.  
 Бодом сори борди андин ул то,  
 Мутриб каби ўлтурур бу барно.  
 Танбуруни қўлларина олмиш,  
 Бармоқлари тирноқида чалмиш,  
 Яфроғ сўрамоқни кўрмади айб,  
 Бу мутриб эрур, нечук бўлур деб.  
 Анжир йиғочина борди йиғлаб,  
 Қаршу келиб Одамда деди габ.  
 Одам Атомизни билди ҳолин,  
 Раҳм айлаюб, берди мевасидин,

*Одамни қилиб зиёфат анда,  
Хизматлар этиб мисоли банда.  
Ҳаво била Одама икки барг,  
Келтурди одоб ила бўлуб арг.  
Анжирдин ўлуб Абул Башар шод.  
Ҳақ қилди ани каломида ёд.*

яъни, анжирни қилгон саховати ҳақ таолоға хуш келди.

К а л о м д а :

وَالسَّيِّئِينَ وَالْمُجْرِمِينَ

деб, анинг била анда ёд этти. Анда Амир Соҳибқирон Одам Атомиз алайҳис саловат ва ас-салом бу кайфиятда бўлуб, ер юзига тушганларин ва ажойиб-ғаройиб сўзларни ўқуб кўруб, андоғ йиғладиларки, кўз ёшлари қизил қонға угрулди. Одам Атони қабри муборақлариға юз-кўзларин суруб, хатми каломулло айлаб, зиёратни тамом қилиб, ҳазрат Одам руҳи шарифларидин мадад ва истинод тилаб, андин чиқиб, ул шакл била эшикға қуфл уруб, мазкур кўлга бориб, шаклни анга солиб, Иноқ била Сарандиб тоғидин тушуб, ул қаландарни олдиға келиб, салом бериб, таъзим ила турдилар. Қаландар айди: «Эй Амир Темур, зиёратинг қабул бўлсун, эмди иковинг иккала оёғимға минуб кўзларингни юмунглар» деб. Анда яна иковлари кўзларин юмуб, қаландарни оёғи ухра ўлтурдилар. Лаҳзада ўз жойлариға келдилар. Амир Соҳибқирон қаландар отин ҳарчанг сўрдилар, айтмадилар. «Хожа Хисрав Деҳлавийға мендин дуо еткурғил», деб ғойиб бўлдилар. Амир неча уламо ва беклар била ўз шаҳарлари Самарқандға келиб, шон ва шавкат била тахт узра қарор олдилар.

**БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН ҚУДДУС  
ШАРИФГА БОРИБ, ШАЙХ ОЗОРИЙ ҚАРОМАТИ БИЛА  
ДАҲМАИ АНБИЁН АЛАЙҲИС САЛОМНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИБ,  
АЛАРНИНГ РУҲИ ПЎРФУТУҲЛАРИДИН НАЗАР  
ТОБҚОНЛАРИН БАЁНИ**

Аммо кунлардан бир кун Амир Соҳибқирон аркони давлат била сайдгоҳға чиқиб, чўлга тушуб, кечи била хайма ва чодирларни тикиб, тонгласи кўб қулон ва нахчирларни ов қилдилар. Анда Мирзо Шохруҳ тўранинг элчиси Амирға дуч келди. Амир элчидин номани кўруб, ўзбак баҳодурларин олиб, Шохруҳ тўрани ахтариб келабердилар.

Аммо дерларким, Амир ўшул вақтда Чигатой ўзбакларин ҳар тарафға муҳолифлар дафига юборгон эрдилар. Рустам Туға ва Шамсиддин Аббосбек ва Ғиёсиддин Бектурхон денғиздин ўтган эрдилар. Шайх Темур баҳодур, Учқора баҳодур, Арғуншоҳ

Ҳиндустонда эрдилар. Амир Едгор Шоҳ, шайх Али Исмоил барлос, буларни бошлиғи Мироншоҳ тўра эрди. Шом шарифни мусаххара қилиб, Мағриб диёрига боргон эрди. Шоҳруҳ тўра Ироқни мусаххара қилиб, йўл узра ўттуз араби бадавийя қароқчилик қилур эрдилар. Бадавийларни улуғини тутуб, келтуруб, ўзларига мутеъ қилиб, аларни бўйнига хирож қўйдилар. Андин неча шахрни мусаххара қилиб, Байтул муқаддасни қамалга олдилар. Қуддусга Елдирим султон Боязид куёви Халил ота ҳоким эрди. Анда Халил ота бир нома битуб, ёйига қўйуб, ўқ била тўра аскарига қараб отти. Ани келтуруб, тўрага бердилар. Очиб кўрсалар, дебдур: «Эй мўғул беклари, эртага мени майдонимга ёлғуз-ёлғуз келинг, мен ҳам ёлғуз борурман». Ани жавобига тўра: «Эй жоним, мени кўнглимдаги сўзни дебсиз», деб нома битуб, ўқ бирла Халил отани аркига қараб отдилар.

Алқисса, номани кўруб, тевага минуб, келаберди. Ўшул замон Амир Соҳибқирон ўзбак беклари била Қуддусга яқин Шоҳруҳ тўра қўшуни узра етуб бордилар. Кўрсаларким, Халил ота майдон ичра ёлғуз турур. Амир нури айнлари била мулоқий бўғондин сўнг, форс Ақимни минуб Халил отани келиб, йўлин олдилар. Халил отанинг туғи майдон ичра турғузулгон эрди, келиб яловга юзин сургаб, айди: «бу ялов расулилло яловларидур». Амир айди: «бу нечук расулилло яловлари бўлур?» Халил ота айди: «мени ота-боболарим аламбардори расулиллодурлар». Амир Соҳибқирон, менга баъйат қилғил, дедилар. Халил ота қабул қилмади ва менга ушбу ялов нусрат бўлур, деди.

Алқисса, иковлари ҳарба солишуб, Амир қилич била ани бошига яра солди. Ул тевани бошин қайтаруб шаҳр ичра кетти. Амир ўз кўнглида ушбу нусрат ялови менга қолди, деб вақти хуш бўлди. Дарҳол Қуддусдин ўшул тевани минуб бир араб чиқа келди. Кўрсалар, Халил ота сикҳат топиб келибдур. Амир сўради: «қандай соғалдинг?» Ул «ишинг нима» деб айтмади. Яна ҳамла қилиштилар. Амир бошига яра солди, форс Ақим ўйун солиб, майдондин чиқти. Ўзбаклардин ғуриб чиқиб, Шоҳруҳ тўра майдонга келиб халил ота қўлидин қиличини тортиб олиб, бошига солиб эрди, дубулғадин ўтуб бўйнин кести, лекин бўғзи омон эрди. Яна теvasига даб бериб, Қуддусга қараб кетти. Аммо бир қўли била бошин тута жўнади.

Аммо бу тарафда ҳам Амирни яраларига марҳам қўйуб, фақирларга садақа бериб, олло таолога такъя қилиб турдилар. Ўзбаклар муқаррар қилдиларки, Халил ота ўлди, деб. Соатидин сўнг, Қуддус қапуси очилди, яна Халил ота саломат, қилич қўлида келур. Барча кўруб, таажжуб бармоқин тишлаб, қандай шифо топадур, деб ҳайрон эрдилар. Келиб, Шоҳруҳ бошига бир солди. Дубулға тўра бошидин учуб кетти, яна уруб мажруҳ қилди. Ўзбакдин бир-бир баҳодур чиқиб, ҳарба қилишти. Буларни ўлдурди, баҳодурлардин ўн бир кишини ўлдуруб, етти кишини ярадор қилди. Ўзи етти мартаба мажруҳ бўлуб, шаҳр ичра кириб, соғолиб чиқти. Кеч вақти бўлғоч, иккала тараф туғни олдилар. Халил ота Қуддус ичра кириб, қапуни маҳкам қилди. Амир

ўз кўнглида ўйлаб, айтар эрди: «сабаб недурки, бу киши шаҳр ичра бориб, соғалиб келур?» Замонидин сўнг, кўрсалар яна икки қўлида икки ялов, майдонга келиб, яловларни ерга тикиб, мубориз талаб қилди. Амир бовужуд мажрухлиги била қўшунларни ўнг ва сўлин тартиб бериб туруб эрди, Султон Муҳаммад тўра келиб, йўлин олиб, қилич била солиб, Қуддус ҳокимин қўли кесилиб шаҳрға қараб қочти. Яна соғалиб чиқиб, тўрага яра солди. Сўнгра Бойқаро баҳодур борди. Халил ота айди: Эй мўғул халқи, сизлар барчаларингизни қилич дамидин ўтказурман, мени мажрух қилиб, ўхда қилолмассиз». Бойқаро айди: «сен соҳирмусан?» Ул айди: «ғалат дерсан, соҳир душмани худодур». Бойқаро баҳодур ҳоким оёғига яра солди. Яна шаҳрға бориб, соғалиб келди.

Алқисса, бу кайфиятда бўлуб қирқ кунгача Амир неча-неча жосусларни шаҳр ичра киргузуб, хабар олдурдилар, бу сирдин воқиф бўлолмадилар. Амир Иноқ вазирин чорлаб, айди: «мен Қуддус ичра киргайман, Қуддус ҳокими келса, Амир зафар талаб қилиб, уч кун аътқофга кирди, дегайсан, уч кундин сўнг чиқмасам, Султон Муҳаммад набирам ўрнумға ўлтурсун», деб видоъ қилиб кеттилар. Иноқ бу хабарни ҳеч кимға айтмади. Аммо, Амир соқолин бўяб, қора қилиб, қаландарона кийумлар кийуб, шаҳар ичра кириб, кўча ва ўрамларда сайр қилиб юруб, бир ерга келсалар, бир қари киши йиғлаб юрур. Амир сўрдилар: нега йиғларсан? Анда ул айди: ўғлимни илон чақиб эрди, табибға борсам, тарёк буюрди. Халил отага бориб эрдим, тарёк бермади, деб. Амир чўнтагидан тарёк олиб берди. Ул киши хурсанд бўлуб уйига ёнди. Амир Халил ота ўрдасига келиб андин Масжиди Ақсо зиёратига келдилар, кўрсаларким, эшиклари маҳкам. Амир одамлардин сўрди, айдилар: ҳеч ким Қуддус ҳокимидин қўрқиб бу қапуни очмас. Амир тахайюр бармоқин тишлаб, бу сирға таажжубда эрдилар. Бу тарафда Қуддус ҳокими чиқиб, ўзбак аскарига муқобил бўлди. Иноқ сафдин чиқиб Амир аътқофға ўлтурдилар, деб ўзи келди. Анда Халил ота анииг била ҳамла қилишти. Мажрух бўлуб, тевасин югуртуб, Масжиди Ақсога борди. Амир мунтазир эрдилар, Халил ота чўнтакидин очқуни олиб, қапуни очиб, масжид ичра кириб, дарҳол шифо топиб чиқти. Амир хоҳладики, бу сирдин сўргай. Икки киши бир-бири бирла сўзлашиб айтур: ҳар ким бу воқеани сўрса, албатта мўғул жосусидин бўлур. Амир завқ қилиб, сўрмади. Ўз кўнглида айди, «албатта, бу мени иқболимдур». Вақтики, Халил ота ўзбак аскарига муқобил бўлғоч, Амир орқасидин келиб, шавқун солиб, айдики, эй мўғул ўзбаклари, қочингиз Қуддус ҳокимидин. Иноқ Амир товушин билиб, яловларни йиғиштуруб олди. Халил ота ҳарчанд мубориз талаб қилди, ҳеч киши майдонга келмади.

Саотидин сўнг Амир кўрсалар, барча қочиб келур, орқасидин Халил ота ҳам қочиб келур. Амир бир кишидин сўрди, бу нима тўфоланг? Ул айди: Қайсардин куёвига бир йўлбарс юборгилғон эрди, ул қафасдин чиқиб, барчани қувлаб келур. Амир дарҳол қассобни фичоғин олиб, йўлбарсени икки бўлуб ташлади. Халил ота мун кўруб, Амирни чорлаб, ўрдасига олиб борди. Амир андин юқори чиқиб ўлтурдилар. Ҳоким айди: «нечук мендин юқори

Ўлтурдунг?» Амир айди: «авлоди саййид бўлурман». Халил ота Амир салобатидин ҳеч нима демади. Соатидин сўнг «пўш — пўш» деган шавқун келаберди. Сўрсалар, Амир Темурдин элчи келур, дедилар. Амир Иноқга деб эрди: «ҳар вақт мен шаҳр ичра кирсам, ўглингни элчи қилиб юборгил». Кўрсалар, Иноқни ўғли Хуморий келур, қўлида қилич, боши яланг, бўйнида кафан, икки қўли боғлиқ, белида тошдин камар, бир парча темур қўйнида, лекин мактубномаси йўқ, Халил ота қошига келди. Ҳоким айди: «номанг бўлса, кўрсатгил». Элчи айди: бегимиз ҳар нимани буюрубдур, анинг амри била келибдурман, ўзга иложим йўқ». Халил ота аркони давлат била бу ишорат фаҳмига ожиз бўлдилар. Амир айдилар: агар ижозат бўлса, Амир Темурни бу муаммосин мен деса буюрубму? Ҳоким айди: дегил. Амир айди: яъни Амир Темур бу ишни сизларга андоза қилиб юборибдур: мени сипоҳларим ва баҳодурларимга тирикликдин ўлмак ортуқ кўрунур, бу тариқа ўзларини ўлумга тайёр қилибдурлар.

Сен ақида қилмагилки, Амир Темур сипоҳларини ўлдурурман деб аларини қочмоғида ҳам бир сирри бор. Ҳоким буюрдикки, элчини қўлин ештилар. Дарҳол Хуморий қўйнидин темурни олиб, соати қуёшга қўйди, андин тошни темурга урди, жонгиллаб товуши чиқти. Ҳоким айди: мунда нима маъни бор? Амир айдилар: яъни, Амир Темур айтурким, агар сен қуёш бўлсанг, мен темур, қуёш таъсири темурга бўлурму? Тошни темурга урди, яъни, темурга ўзинини урма, ани амрига бўйун қўй.

Андин сўнг, Халил ота элчига малукона кийумлар берди. Хуморий Амирга қараб, бу сирдин воқиф бўлолмай, шаҳрдин чиқиб, отасин қошига келди. Бу муаммони ҳеч киши очолмади, лекин бир қалаандар, сурати Амир Соҳибқиронга ўхшаш, ул очти дегач, Иноқ айди: «одам одамга қўб ерда ўхшай берур».

Аммо Халил ота Амирга айди: мендин нима талаб қилурсан, дегил. Амир бир оҳ тортти айди: «Эй бегим мени талабимга етқузурсизму, йўқ?» Яна ҳоким айди: «нима талабинг бўлса, айгил, ишчооллоҳ; муродингга етгайсан». Соҳибқирон айди: мен каминани бир қўл бирла бир оёғим чўлоқдур, нима бўладурки, сиз била Масжиди Ақсога бориб, сиз каби мен ҳам шифо тобсам. Ҳоким ҳайрон бўлди, соати тафаккурга кетуб, бошин қўтариб, қўб таъкид била сўзлаб, айди: «агар ул ерға борсанг, ҳар нима кўрсанг, зинҳор кишига айтмагил» деб очқуни чўнтакидин олиб, Амир қўлига берди. Амир ҳарна деса қабул қилиб Масжиди Ақсога бориб, қанусин очиб кирдилар. Кўрсалар, санг муаллақ, ёнида бир киши сочлари фатила-фатила тоат қилиб, риёзат чекиб ўлтурубдур, асари каромат ани манглайидин ҳувайдодур. Амир билдикки, Халил отани яраси бу кишини нафаси мубораки била соғолур. Амир Соҳибқирон ул зоҳидга мутаважжих бўлуб, бу байтни ўқудилар:

Р у б о и й:

*Эй азизим, менга айлангиз назар,  
Осийман, оламда юрғон дарбадар.*

*Беодоб, густоҳлиқдин ушбу кун  
Ўз-ўзимга айтадурман: алҳазар.*

Зоҳид Амирни жавобига айди.

Рубоий:

*Муътакаф бўлдим Масжиди Ақсога,  
Маҳрам ўлдум мен жойи аълога.  
Зарра-зарра эътибор топиб.  
Мис вужудим уланди тиллога.*

Амир келиб, рўбарў бўлдилар. Кўрсаларким, шайх Озарий эрур. Воқеаси андог эрдикки, Соҳибқирон баргоҳида бир шоир шайхга муҳолиф бўлуб эрди. Ани иши шайхга ёмон тегуб, андин ҳажга бориб, неча замон анда риёзат чекиб, валоят ҳосил қилиб, андин Масжиди Ақсога бориб, муътакаф бўлуб, «Ҷавоҳир ал-асрор» китобин анда тасниф қилиб эрдилар. Хабар бўлдики. Амир Темур аскарлари келди, деб. Ул замонда Халил ота шайхга мурид муътақид бўлуб эрди. Шайх валоятларин Амир Темурга билдурмоқ учун айдилар: «Боргил, Амир Темур оқсоқга ани сипоҳларин шикаст бергил, агар мажруҳ бўлсанг, мени қошимга кел, мени кароматимни кўргил», деб эрдилар. Ҳар ери яраланса дарҳол келиб, бу кишини дуолари бирла шифо топар эрди.

Амир туруб, шайх оёғига йиқилуб, қўб узрлар айтиб йиғладилар, ҳарна беодоблиг бўлса, кечургайсиз, деб. Андин сўнг, Шайх Халил отани чақиртиб айдилар: бу кишини олло таоло азиз қилибдур, тез бўл, мунга итоат қилгил. Ул шайхни насиҳати била Соҳибқиронга тобеъ бўлди. Сўнгра шайх Амирга айдилар: агар хоҳласанг, дуо қилурман, оёғ ва қўлуниг сиҳҳат тобгай. Амир айди: «Ушбу оқсоқлиғим кўнгли шикасталиғимга далолат қилур, яна ҳеч ким мени манзур қилмас, ушбу ҳол била олло таоло мени аламга мансур ва музаффар қилибдур», деб қабул қилмадилар.

Алқисса, Қуддус шариф тобеъ бўлуб, Амир ўзбак сипоҳларин барқарор қилиб қайтиб шайх Озарий хизматиға келиб, даҳмаи анбиёи саловатулло алайҳимнинг зиёратин орзу қилдилар. Дерларким, тонгла маҳшар куни қиёмат ул ердин қўзғолур. Аммо ҳазрат Амир Темур Соҳибқирон Искандари соний авлиёи оллонинг қабри шарифларин тавоф қилиб, шайх Озарий каромати била анбиёлар қабри муборақларин зиёрат қилмоқ бўлдилар. Анда Амир қошиға бир оқсоқол, нуроний киши ҳозир бўлуб, айдилар. «Бу қавми улуги кимдур?» Барчалари Соҳибқиронни ишорат қилдилар. Ул кишиға ота-бобосидан даҳмаи анбиёнинг калидлари қолгон эрди. Ул киши айди: тонгла бир одам бу ерга келур деб, руъё ичра расул акром саллоллоҳу алайҳи васаллам менга башорат бердилар. Яна менга айдилар, тонгла даҳмани қапусин очғил, ул умматим анбиё жамолларин кўруб, мушарраф бўлсун.

Алқисса, Соҳибқирон аввал равзаи мутахҳарани ҳазрат Нух алайҳис саломга кирдилар. Сағонага дохил бўлуб, қибла

тарафдин бел била андак туфроқ олдилар. Анда бир қуфллик эшик маълум бўлди. Ани очқуси Абдулло отлиқ кишида эрди. Андин сўнг, мушк ила ифор иси келди. Анга уч киши кирдилар. Шайх Озарий ва Амир Соҳибқирон ва Иноқ вазир кўрсалар тошдин тахт узра бир киши ухлаб ётгандек, узун ётур, ёшил шолдин узра тутуклуқ. Очиб қарасалар, бир киши юзлари очуроқ, қош ва соқоллари қора, икки қўллари кўксиларида, бир лавҳ бошларида турур. Анга хати арабий ёзилгон. Ани шайх Озарий ўқуб, тафсир қилдилар, шул мазмундаким:

Эй Муҳаммад уммати, бу сўзни жонимиз била қабул қилдукким:

إِنَّا أَرْسَلْنَا نُوحًا إِلَىٰ قَوْمِهِ أَنْ أَنْذِرْ قَوْمَكَ  
مِنْ قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ

Хуш қулоғи била эшиттук, бу ҳидоёт маъмур бўлуб, калимаи «Ло илоҳа иллаллоҳу»ни халқга айтдук. Ул қавми бебоклар бизларга кўб иззаларни берди:

إِنَّهُمْ كَانُوا أَظْلَمَ وَأَطْغَىٰ

Бу жолимға шаҳиддур. Андин қўлимни дуоға кўтариб, юзимни меҳробға ўгуруб, муножот айладим:

اللَّهُمَّ اهْدِ قَوْمِي فَإِنَّهُمْ لَا يَعْلَمُونَ

Алар тош била мени мажруҳ қилсалар ҳазрат Жалол ул ҳидоят карам баҳридин менга шифо бағишлар эрди. Жаноб парвардигоримға арзимни еткурдим:

رَبِّ إِنِّي دَعَوْتُ قَوْمِي لَيْلًا وَنَهَارًا فَلَمْ  
يَزِدْهُمْ إِلَّا فِرَارًا

Вахий раббоний ва фармони субҳоний бўлдики, Эй Нух, мен қалами тақдир билан лавҳи тасвирда рақами имонни бу кўнгли қораларни отиға ёзгоним йўқ. Андин сўнг бу хабар содиқға фоида бўлуб, дуо тийиғин кўнгулдин чиқариб айдим:



# رَبِّي لَا تَذَرْنِي عَلَى الْأَرْضِ مِنَ الْكَافِرِينَ دِيَارًا

Дуо ўқи нишонага етиб, амалга газаб ворд бўлиб, бизларга кема сабаб бўлди, хитоб бўлдики, кема ясоғил деб. Қавли таоло:

андин сўнг, олам гарқаби гирдоб бўлуб, ҳалок бўлдилар. Ҳазрат воҳид ул қаҳҳордин хитоб келдики:

وَأَصْنَعِ الْفَلَكَ بِأَعْيُنِنَا وَوَحِينَا  
لَيْسَ مِنْ أَهْلِكَ أَنَّهُ عَمَلٌ غَيْرُ صَالِحٍ

Андин хитоб-итоб омизни эшитуб, навха қилуб, йиғладимким, Нуҳ деб лақаб қўйулдум. Ва ушбуни дедим.

Назм:

Кўзинг ибрат ила очиб, бизни кўр,  
Ҳамма иллатинга шифои берур.  
Оё, оқил эгаси ва покиза дин,  
Назар айла ибрат ила ушбу ҳин.  
Топар жону кўнглунг бу ердин ҳузур,  
Кўрарсан, бу даҳма бори нур эрур.  
Ки мен Нуҳ эрурман, расули халил,  
Бу ерга келиб сен муни англағил.  
Назар қил мени сийнаи ришима,  
Яна йиғлағон бу кўзи ёшима.  
Ғарибона ҳар су, назар қил бу чоғ,  
Жаҳони ишидин бўлуб барча доғ.  
Улим шарбатидин ичиб бўлди маст,  
Ажал илки етқач, буюк бўлди паст.  
Бори маст, мийнои базм, шаҳвад,  
Бори Маҳфилорои боғи вужуд.  
Бори андалиби риёз обод,  
Бори гулбини гулистони аҳад.  
Бори ҳамдам Жаброил ойин,  
Бори ҳам суҳанғўй руҳи илойин.  
Бори руҳи Қуддус эди, ҳамнафас,  
Лаҳад ичра бўлди чу мурғи қафас.  
Ажал илкидиндур бўлуб тўда хок,  
Ётибмиз бу ерда бўлуб сийна чок.  
Қаерда ғариблар эса, қил ризо,  
Ки сандин ризодур бори анбиё.

Аммо, Амир Соҳибқирон кўб нола қилиб, йиғлаб, ўзга дахмага кирдилар. Кўрсалар, бир зоти боборакот ёнларин туфроқ узра қўйгон, кафан белларида ўролгон, араб шакл, бошларида ёзилмиш-ким:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ  
بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Яна дебдурлар: Эй дахмага келгон Мухаммад умматлари, олло таоло менга саккиз шамол ато қилгон эрди, тўрти раҳмат ели ва тўрти азоб ели эрди. Оё, бу равзога келгон азизим, ибрат кўзин очиб, билгилки, охир бу дунёи ниҳол умрингни елга берур. Қўргил, оламда на анбиё ва на авлиё қолсун, деб бу мазмунни дебдурлар.

### Н а з м:

Ки мен Худ эрурман, худога расул,  
Эшит, ақл эгаси, сўзум, қил қабул.  
Бафармони ул қолдир зул-жалола,  
Очиб даъвата мен лисони мақол.  
Тилим олмади ҳеч у гумроҳлар,  
Сўзим кўнгли тошларга қилмай асар.  
Қилиб халқа даъватки тўқсон йил,  
Залолат ора қилди яқсон йил.  
Очилди чу дарҳи нори жаҳанним.  
Чиқорилди оламга боди ақим.  
Жаҳонни хароб этти тўфон сени.  
Ушал қавми Нуҳдек тўфон сели.  
Оё, ушбу ерға келан одами,  
Вафосиз жаҳонни тўладур ғами.  
Кўруб, ибрат олғил бу равзат ора,  
Улум илқидин барча бағри яра.  
Самуми ажалдин жаҳондур хароб,  
Улум ўтидин барча бағри кабоб.  
Йўқ эрмиш омонлиғ, бўлурсан фано,  
Будур пандим, англа, сенга ва-д дуо.

Яна андин Соҳибқирон тазарруъ била йиғлаб, ўзга дахмага кирдилар, Анда айтибдур:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ  
بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

яъни, дўсти субхондур. Ул ерга қарасалар, Сож йиғочидин тобут, очиб кўрдилар, ул зоти боборакот соқоллари оқ, қабрлари узра лавомий нур барқ уруб турур. Ҳазрат жалол хидоят дебдурким, бу нурни асло норға оғишта қилмағайман. Ул зотнинг икки кўллари кўкси узра қўйилгон, икки муборак лаблари табассумда эрди, юзларин гулзори гулдек очилгон, бошларида тошдин лавҳ ёзилгонким.

### Н а з м:

*Мени билгил, Халилулло эрурман,  
Худони сунъидин огоҳ эрурман.  
Эшитгил, эй азизим, қилмағил ҳазм,  
Расул айлаб мени қилди ул ва-л аъзим.  
Мени вақгимда машҳур эрди Намруд,  
Менга душман эди ул габри мардуд.  
Мениким анда солмоқға оловға,  
Уруб йўлдин, кириб шайтон жиловға.  
Чу қилди мунҳаййиқни анда тайёр,  
Мени ташладилар кўб аҳли фуужжор.  
Мен ўтқа отибон аҳли Намруд,  
Ушул ўтни гулистон этти Маъбуд.  
Ёрим пеша чиқиб дўзахдин ул он,  
Анингдек душманни қилди яксон.  
Яна менга худойим қилди фармон,  
Бу ўғлинг Исмоилни айла қурбон.  
Дедим, ўғлумға мен: «Эй нуридида,  
Менга фармон эрур ҳақдин расида.  
Керак қилсам сени тангримға қурбон,  
Нима дерсан, чиқар сендин азиз жон?»  
Деди ўғлум: «Агар амр этса субҳон,  
Фидо бўлсун йўлида минг азиз жон».  
Бўйин қўйдум тугуб мен амри ҳақни,  
Чу ўғлум ҳалқумиға қўйдум фичоқни.  
Мени бу ҳимматимға анда жаббор  
Юборди Жаброилдин ҳадя қўчқор.*

Андин Соҳибқирон кўб ибратномаларни кўруб, ўзга дахмаға кирдилар. Кўрсалар, анда дебдур:

*بَدَثَرْتِ اسْمَاعِيلَ عَلَيْهِ السَّلَامُ*

Тобут ичра кўрсалар, қулоқлари катта, кўзлари юмиқ, тишлари бир-бирига ёпушган, яна қиррабурун эрдилар. Хануз ул қофила солорнинг юзлари гулзорида соқолларин сунбули муаттар эрди, гўё соч ва соқолларин иси мушки анбар эди. Икки кўллари қовуштурулгон, гунча каби лаблари табассумда эрди. Лавҳ узра хатни

кўрдиларки, мендурман Исмоил ибн Иброҳим алайҳис салом, эй бу ерға келгон. Муҳаммад охир замон уммати, билгил, мени волиди бузургворим ҳақ амрига бўйун қўйуб, мени забҳ қилмоқға келтурдилар, мен ҳам баҳодурлик била жонимни жононимга нисор қилмоқ бўлуб, кўзимни юмдим. Падари бузургворим бўғзимга пичоқ қўйдилар. Тангри иззу жалдин хитоби пўритоб келдики, эй пичоқ, бу севуклу дўстума ҳаддинг борму, бўғзин кесарсан? Анда пичоқ яратганнинг қаҳри итобидин кўрқуб, дами қайрилуб қолаберди, ўтмади. Отам яратганим амрига тоғжил ва тўхтамоқлик бўлдим, деб сиёсат била пичоқни тошқа урдилар — тош икки бўлунди. Андин сўнг Жаброил амин парвардигор амри била кўчқорни мени забҳим ўрнига келтурди. Яна бу мазмун айтилубдур.

Н а з м:

*Мени билгил, Забиҳулло эрурман,  
Худойим амрига оғоҳ эрурман.  
Мен эрурман, бил, Иброҳим боласи,  
Халилулло кўзин оқу қораси.  
Мени забҳимга ҳақдин келди фармон,  
Отам ҳақ йўлига қилмоқға қурбон  
Мени боғлаб, олиб қўлга пичоқни,  
Тилида зикр эғибон ёди ҳақни,  
Яратган амрига бўйинумни солдим,  
Кўзим юмдим, очарға мен уёлдим.  
Бўйун сўндим ҳақ амрига мен зор,  
Мени ўрнимга келди анда қўчқор.  
Оё, бу ерға келгон ибн Одам,  
Улуғ тутма ўзингким, тут ўзинг кам.*

Андин Амир Соҳибқирон йиғлаб, ўзга даҳмага кирдилар. Кўрсалар, бир зоти шариф хурмо йиғочидин тобут ичра ётурлар. Юзлари оқ, бўйлари ўрта, муборақ манглайлари кенг, сунбул соқол. Анда бошлари узра бу лавҳда ёзилмишким:

*بَدَا ثَرِبَتِ اسْحَاقَ ابْنِ خَلِيلِ الرَّحْمَنِ*

Эй ақл эгаси, бу ерға келиб, жасади анбиёга назар қилсанг, томуғ ўтидин холос бўлурсан, деб бу мазмун айтилубдур:

Н а з м:

*Бил, Исҳоқ машҳур отим бўлур,  
Иброҳим Халилики, зотим бўлур.  
Ки мендин бўлубон неча анбиё,  
Яна бўлди андин неча авлиё.  
Дей Ёқубу Юсуфким, Айюб наби,  
Сулаймону Довуд Мусо бори.  
Йўшғи Зикриё бирла Яхъё расул,*

*Мисхоким эрди отасиз ўғул.  
Шайб, Жаржис ва Дониёлу азиз,  
Ҳаким эрди луқмон, ўшал Богмиз.  
Алар барчаси зурриётим эрур,  
Алар то қиёмат саботим эрур.  
Бу ерға келанким, одоб бирла бўл,  
Тоғиб яхшидин не тоғиб яхши йўл.*

Андин Амир Соҳибқирон ўзга даҳмаға кирдилар. Қўрсалар бир зоти шариф кирпич узра тақя қилғон. Ул кишининг муборак манглайларидин ғам ва қайғуни асари ҳувайдо бўлуб турур. Бошларида тошдин бу лавҳда ёзилмишким:

*ذاتريت يعقوب ابن اسحاق عليه السلام*

Эй, бу жойға келғон азизим, мени билсанг, ўшал Ёқуб пайғамбардурманким, Юсуф назониним ҳажру фироқида во Юсуфо, во фурқато, деб нола ва фарёд қилиб, йиғлай-йиғлай кўрар кўзим кўрмас бўлди. Мени навҳаларимға малоиклар зори ва тазоруръ қилар эрдилар, деб бу мазмунни дебдурлар:

Назм:

*Юсуфо рўзу солинг кеттиму шони фироқ,  
Кўргузур бу кетмокингдин таъсир айёми фироқ.  
Олам ҳуснунг ғуборидин таёлим бийм этар,  
Гуйиё бўлди бу дам умму аъломи фироқ.  
Қайси ерлар ичра бўлдунг, зор эгиб мен тастанни,  
Қайси ўтдурким, менга сенсиз бўлон номи фироқ.  
Йиғласам фурқат тунни кўкда кавокиб рашк этар,  
Бўлмағай оҳ ар десам, хуршид айёми фироқ.  
Тингласанг кўблар фироқ ўтиға куймиш даҳрда,  
Бу фалак авлоди Одамға сўнар жоми фироқ.*

Эй, нури айиним, шул кайфиятда Юсуфим ғамида қирқ йил йиғладим, дебдурлар.

Андин Амир ҳам йиғлаб, ўзга даҳмаға кирдилар. Қўрсаларким, хайҳот бу даҳмани турфа зийнат берибдурким, тамом тоқчаларида лаълу инжу ва жавоҳирлар терилғон, тахти ож узра тобут пардан истбарқ ёпулғон бир зот юзлари узра тутуқлуқ ухлаган каби ётурлар. Амир Соҳибқирон кўб одоб била келиб, бу зоти шарифни кўрдиларким, ғўзаллиқда олам нозанинлари ул кишини кўрса ўзидин кетар эрди, жаннатни ҳуру ғилмонлари бу зотни гулзор жамолиға рашк этар эрди. Қадду қоматларидин сарву шамшод шарманда ва зулфу сунбулларига жаҳон хўблари банда эрди. Кўзларин Хўтан кийиклари кўрсалар, ўзларин парвона каби урар эрди. Юзларин нурун ой ва қуёш кўрса, Мағриб сарига қочиб,

беркинар эрди. Қошларидин ҳилол бели эгилар эрди. Оғизларидин гунчалар қонға тўлар эрди. Юзларин холидин лолалар бағри куяр эрди ва неча Зулайҳо сифатлар ани ишқида жондин тўёр эрди.

Соҳибқирон кўруб ва тахайюр дарёсиға фарқ бўлуб, таажжуб бармоқин тишлади ажабо бу олам султони қандай зоти шариф деб. Бошларида биллурдин лавҳ кўрдилар, анга ёзилибдур:

بِنْدَاتُ رِبِّتِ يُوْسُفَ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ

Эй азизим, мендурман. Ёқуб пайгамбар сулби саҳобидин Роҳилани садафи раҳмиға қатраи томуб андин бозори жаҳонға келиб, дурри нурбаҳо бўлуб, бу хусну жамолға кўзгуда назар қилиб, юзимни оӣ ва гунашдин нуктаи холларимни кавокиби сайёрадин баъландроқ кўруб, ўзимға фаҳр қилиб эрдим, бу ишим тангри иззи жални даргоҳиға хуш келмай, ул сабабдин оғаларим мени етти пулға тажжорға соттилар. Эй ақл эгалари, бу сўзни англагилким.

Н а з м:

Эшитгил, эй азизим, айлай оғоз,  
Манам кўргон жафолардин дейин боз.  
Оғаларим мени элтиб, солиб чоҳ,  
Келубон карвони анда ногоҳ.  
Чиқориб олдилар ул дам қудуқдан,  
Мени кўрдилар анда бир неча тан.  
Оғаларим бўлуб ул ерда ҳозир,  
Сотиб Маликға ул жамъи акобир.  
Мени келтурди Мисриға ул Молик.  
Манам қул бўлмоққа бердим ризолик,  
Яна Молик Азизи Мисра сотти,  
Зулайҳо кўрдиким, ақлин йўқотти.  
Қилуб кайд ул мени зиндонға солди,  
Зулайҳо бу иша охир уёлди.  
Чиқиб зиндони меҳнатдин қутулдим,  
Бил охир, таят узра султон бўлдим.

Алқисса, Амир йиғлай-йиғлай бу даҳмадин яна ўзга даҳмаға кирдилар. Кўрсаларким, шамшод тобут ичра бир киши ухлаган каби ётур. Лавҳ узра ёзилмишким:

بِنْدَاتُ رِبِّتِ دَاوُدَ عَلَيْهِ الصَّلَامُ

Эй Муҳаммад уммати, билгилким, бу рубъи маъмурни қасри, мени отимға ёзилгондур, мени шаънимға келибдурким:

# قولى تولى يادا اود انا جملناك خليفه في الارض

Бўстон тийнатимни файзи баҳори нубувватдин мунаввар қилибдур ва райҳон чаманимни анфоси номуси акбар бирла муаттар қилғондур. Ашжори мамлакатим ваҳийи раббоний бирла илҳоми субҳоний бирла чечаклар очилиб, емишлар бўлғондур. Қўнғлум сандуқи ҳикмати инжу ва лўълўлар ила тўлғондур, эй аржумандим мени нағмамни садосини қушлар эшитса ҳаводин тушар эрди, денгизлар эшитса тошар эрди. Ҳар нима ва ҳар кима таъсир этиб, жон қулоғига етар эрди. Масти лоақл бўлуб ўздин кетар эрди. Аҳли ишқға шавқу завқ ҳосил бўлуб, файзи футуҳ топар эрди. Яна бу ғазал ёзилмиш.

Назм:

*Манам нағмапардоз қонуни завқ,  
Манам махфилорои ноқуси шавқ.  
Менга берди олло тўла ишқини,  
Яна қўнғлим ичра тўла шавқини.  
Бериб наштаъ майидинки рўз аласт.  
Тоғуб зарра завқи бўлиб мен чу маст.  
Мени тушима тоғу тош барчаси,  
Қулуб нолау зор гирён басте.  
Малаклар фалакда эшитса агар.  
Ўзин ерга ташлаб қилиб гирёлар,  
Денгизда эшитса наҳанглар товуш,  
Чиқиб сув юзига кетиб ақлу ҳуш.  
Вуҳушу тюрлар эшитиб бари,  
Юролмас, учмоққа бўлмас пари.  
Эшитса унимни замину замон,  
Бари маст ўлурлар макину макон.  
«Забур»ни ато қилди гангрим манга,  
Азизим эшит, сўзни дедим санга.  
Ажал нағмаи маркабини соз этиб,  
Танамдин руҳим кетти парвоз этиб,  
Қани нағма бирла садоу наво,  
Будур кори дунё ва-д дуо.*

Амир бу сўзларға масту мустағриқ бўлуб йиғлаб, яна ўзга даҳмага кирдилар. Бир зоти шарифни кўрдиларким, кийумлари ғиламдин, муборак қўлларида асо, бошлари узра тақя, асари шиддат, салобат манглайи муборакларидин ҳувайдо бўлубдур. Олдинда лавҳ узра ёзилмишким:

بَدَا تَرَبَّتِ مَوْسَى الْكَلِيمِ اللَّهُ عَلَيْهِ السَّلَامُ

«Эй Муҳаммад алайҳи саловат вассаломни умматлари, мендурман ҳарими жаборутда ва бисоти мулуқотда Тури Сино узра таманнои калом, саодат фаржом ўлуб, Калимуллоҳ отим бирла сарафроз бўлдим. Андин кейин:

رَبِّ اَزِي اَنْظُر اَلَيْكَ

деб орзу қилиб, Жалол ҳидоятга арзимни еткурдим: зажр била хо-ю ҳавасни гарданига андоғ урдиким, губори ҳижоб кўнглимдин кўтарилди. Минг-минг Тури Синоу Мусо назаримга келдиким, ваҳдат хуми олинда соқийи боқий қўлиндин таманнои ривоят қилурлар. Хитоби мустатоб рабб ул арбоб менга тўқулдиким, эй Мусо, жамоли бокамолимни ўшул матлубга кўрсатурманким, барчанинг хеши улдур. Бу ишорат бирла нақди жонимни жононимга бағишладим. Қабз ул арвоҳ илкени жонимга урди. Тойири рух жасад қафасидин тайрон қилди.

Н а з м:

*Манам Мусо, эрур ҳақнинг калими,  
Тур узра тоғуб раҳмат шамими.  
Тажаллини кўруб эмин шажарда,  
Тегиб ишқ ўти таъсири жигарда.  
Таманно ҳақга қилдим рабби арни,  
Эшитгим лан таронидин хабарни.  
У дам Тур узра тушти ламъаи нур,  
Бўлубон пора-пора анда ул Тур,  
Уланди тошларким тўтиёга,  
Тутундек учтилар суйи самога.  
Яди байзо менга берди асойи,  
Гоҳи кўпрук бўлуб, гоҳ аждаҳои.  
Мени ғолиб қилиб фиръавниларга,  
Ўшул динсиз, ўшул беавниларга.  
Биза йўл бердиким, онларни ваҳҳоб,  
Ишорат Нилига қилди, бўлди ғарқоб.  
Эшит, эй ақл эгаси, аржумандим,  
Будур ибрат сенга, олғил бу пандим.*

Яна Амир шавқ-завқ била ўзга даҳмага кирдилар. Бир зотни кўрдиларким бўйлари узун, соқоллари сийрак, қошларини учида ҳоллари бор, бошлари тарафда лавҳ ёзилмишким:

Эй азизим, мендурман, балиқ қорнида қирқ кун «ло илоҳа анута субҳонака инна кунту минал залимина»<sup>1</sup> зикрини ёд қилғон, тангри таоло зикри била балиғ кўксини обод қилғон.

<sup>1</sup> Оллоҳ сен бирсан ва поксан, мен ўзимга золимман.



Назм:

Эй ақл эгаси, покиза дин,  
Мен Юнус эрурман англа бу ҳин.  
Ютти мениким наҳангги дарё,  
Қирқ кунча суи ичра айладим жо.  
Сажда узра бош қўйдим анда,  
Зикрини дедимки, жон баданда.  
Балиқ қилолмади мени ҳазм,  
Боз ушбу жаҳонға айладим азм.  
Андин яна бу наҳанг туфроқ  
Ютти, ҳаракатда йўқ менга чоқ.  
Эй ақл эгаси, ботамизим,  
Алданма жаҳонға, эй азизим.  
Одоб ила бўл жаҳонда, эй ким,  
Одоблу кишини суйди тангрим.

Андин яна ўзга даҳмаға кирдилар. Анда бир йигитни кўрдиларким, соқолу мўйи лаблари эмди майса бўлуб, юзлари гул-зориди хатти райҳон каби муаттардур. Кўзларининг инбуъидин ёш дурри маржон каби юзларини сафҳасиға тизилишмиш. Бошлари узра ёзилмишким:

بِذَاتِ رَبِّتِ يَحْسَى ابْنِ ذَكْرِيَا عَلَيْهِ السَّلَامُ

Эй ақл эгалари, мендурман, тангри иззу жалдин кўрқиб, доимо кўзларим ёши жорий эрди, кеча-кундуз тинмай тоғларға чиқиб, тошларға бошим қўйуб, йиғлар эрдим.

خُدُوهُ فَغَلَوَهُ مِمَّ الْجَحِيمِ صَلَوَةٌ

Тонгла маҳшари акбарда бўлгон хитоблар ёдимға тушса, мени тоб-тоқатим қолмағай. Вой, бир мушт туфроқни ҳоли на бўлғай, деб йиғлаюрман. Эй азизим, бу ғазални эшитгил.

Назм:

Оё ақл эгаси, сўзим эшит;  
Тавозеъда Яхъё эрурман йигит.  
Қиёматни хавфида тарсандаман,  
Нечук хавфин айтмай, баса, бандаман.  
Жазо кунни йиғилса ҳамма ҳашр аро,  
Бори ўз гуноҳи-ла мотамсаро.  
Неча саф бўлуб турсалар ҳар сари,  
Келуб нома анда саросар бари.  
Биров ўнг тарафдин, биров сўл тараф,

*Сўнғидур ғазабдин ўнғидур шараф.  
Биров жаннатидур, биров дўзахий,  
Каломида берди хабар, эй оҳий,  
Илоҳо, ўзинг сақла ислом элин,  
Баҳаққи набилар ҳамма мурсалин.*

Алқисса, Амир Темур Соҳибқирон барча анбиёларни равзаи мутаҳҳараларини зиёрат қилгондин кейин, аларни руҳи пўрфутуҳларига ош ва таъом қилиб, хатми Калом шариф қилдуруб, савобини оналарига бағишладилар, валлоҳи олам, биссаваб.

## БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОНҒА РУМ ПОДШОҲИДИН ТОБУТИ САКИНА БИРЛА НОМА КЕЛҒОНИ, АНИ ОЧИБ, КЎБ ХИҚМАТНИ КЎРГОНЛАРИНИ БАЁНИ

Ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Миср шахрини ўзларига тобё қилиб, айшу камронлигда эрдилар. Ўшал вақт Олатоғ йўлинда қанча Амирни аскарларидин қоровул бор эрди. Аларни кўзига узоғдин аскар муъайяна бўлди. Қоровуллардин бири келиб, Иноқ вазирга хабар бердилар. Иноқ сўрди: тахминан кўшунни адади қанча келур? Қоровуллар айди: беш юзга яқин келур. Андин кейин Иноқ айди: сабр қилинлар, мабодо, элчи бўлмасун деб. Ўзи Амир Соҳибқиронни қошларига борди. Ўшул вақтда Амир Соҳибқиронни тахтлари Нил денгизини ёқасида эрди. Минг таноб ерни ўраб, чодир хаймаларни қуруб, яшил ва сариғ чодирлар барчаси атлас, кимхофдин эрди. Тахтни атрофида олтун панжара, анинг атрофида кумуш панжара, кумуш панжара ичра Мироншоҳ тўра ва Мирзо Шоҳруҳ тўра ва Мирзо Умаршайх тўра ва Султон Муҳаммад тўра барча тўразодалар турар эрди. Анинг атрофида етти юз хўжасаролар бор эрди. Аларни улуғи Ҳинд хожа эрди. Иноқтоз айёр келиб, Ҳинд хожага айди, андин кейин Ҳинд хожа олтун панжарага келиб, Амирга айди: Иноқтоз хизмат бўсагангизга келибдур, жанобингизга арзи бор эмиш. Амир буюрдилар: келсун деб. Андин кейин Иноқтоз Амирни қошига келди. Иноқтоз тиз букиб, арз қилиб, айди: «Эй Амир афандим, Олатоғ узра қоровулларингизга чўлистон тарафдин андак ёвдин асар бўлубдур». Бу сўзни Амир Иноқтоз кал, қиморбоз айёрдин эшитиб, дарҳол мирзо Шоҳруҳ тўрага буюрдилар. Филҳол, тўра ғайрат ўтига ёниб, барлос бекларини олиб, отга миниб, икки минг аскарни жамъ қилиб, эллик баҳодур йигитни ўзига йўлдош қилиб, қўшундин илгари бордилар. Тўра ёвга яқин бориб, қўшунларини жамъ қилиб, карнай, барабан чолдурди. Аскарлар денгиз каби мавж урар эрдилар. Ноғоҳ, кўрсалар, бир йигитчаи нозанинким, қошлари мисоли ҳилол, тобон, бўйлари мисоли ниҳоли ларзон, кўзлари чўлфондек, лаблари ақиқ маржондек, тишлари дур, баданлари кумуш каби барқ урар эрди. Остида бўз оти, қора кўз, бошида тоғ, бўйнида ридои Қуръон, ҳамойил килич белинда,

тасбех қўлида, табассум бирла оғзини очиб, гўё оғзинин шакар сочиб, тўрага турк тилида сўзладиким, мен сизларга Қайсардин элчи бўлуб келдим, мубориз эмасманким, жангу жадалга келгон.

Тўра билдиким, асари асолат ва нажобат ани юзи ва назаридин ҳувайдо бўлуб турур. Тўра сўрди: «отинг нима, ким эурсан?» — деб. Ул йигит айди: Эй мўғулларни бекбачаси, мени сўрсанг, Елдириим султон Боязидни ўғли бўлурман, отим султон Шабли, отам мени неча савғот ва тухфалар бирла Амир Темурга элчи қилиб юборди. Султон Боязид айтадурларким, ўзгани элчи қилиб юбормадим, бориб билғилким, мўғул хонини мақсуди нима эрур?

Мирзо Шоҳруҳ тўра элчининг жулус айвонлигин, асвол кайвонлигин билиб, филғол, отдин тушуб, қайсарзода бирла қучоглашиб кўруштилар ва навозишлар қилдилар. Тўра айди: «мен сизларни ёв хаёл қилдум», деб узр айтти. Шул замон Амирга, қайсарзода келубдур, деб хабар бердилар. Андин кейин умаролар қайсарзодани элчихонага келтурдилар. Андин кейин Амир Соҳибқирон ҳар кун турлик-турлик таъомлар бирла элчиларни зиёфат қилдилар. Андин кейин султон Шабли Амир Соҳибқиронга кўринушни ҳаракатини қилди. Амир кўринушни бир йилга қўйдилар. Охир, Шоҳруҳ тўрани воситаси бирла олти ойга келтурдилар. Аммо, кўклам вақтида рабби ул аввалнинг ўн бешинчисида саврнинг саккизинчисида чаҳоршанба куни эрдиким, давлати Чингизхондин қолгон тўқуз юз сиругни келтуруб, зебзийнатлар бериб, либос палослар солиб, жамъи ўзбак беклари, ҳар қайсилари ўз ўрунларида қарор олдилар. Икки тарафда ясовул, баковуллар ва нақиблар ва амалдор, уламо ва фузуло ва ҳукамолардин эрди. Юқори-қуйи барчалари тартиб бирла ўлтурдилар. Андин кейин султон Шабли яшил тўн кийиб, бўйнида ридо, қўйнида каломуллоҳ, қўлида тасбех, неча-неча совғалар ва қанча тўффичоқ отлар ва қанча шунқор бирла ва қанча теваларда матоъи нафоис бирла келтуруб Амирга кўринуш қилмоқ учун яна бир сандуқ келтурубдурким, тобутга ўхшаш, узунлиғи беш газ, энлиғи бир газ. Ани умаро ва беклар ўртасига давлатхонага қўйди. Ул мавзеъида йигирма танобга яқин жойни икки тарафига яшил зумурад чодирдин қанот қуруб қўйдилар. Соати(дин) кейин, «пўшт-пўшт» овози келаберди. Кўрсалар, гуломбачалар хўжа саролар тўп-тўп, қилич белларида, тафонгча қўлларида барчалари таъзим ила келиб турдилар.

Андин кейин асъаса, дабдаба ва шон-шавкат бирла Амир Соҳибқирон келиб, давлати тахт узра қарор олдилар. Андин кейин ясовуллар султон Шаблига қараб ишорат қилдилар. Султон Шабли, филғол, тортуқларни ва тухфаларни Амир Соҳибқиронни қошларидин ўтқузди. Андин кейин овози баланд бирла айди: «Эй ўзбакларни хони, вэй мўғулларни ҳоқони, хизмати шарифингизга бу тухфаларни Қайсари Рум юборди». Андин кейин барчалари сандуқни кўруб, айдилар, бу сандуқни ичида жавоҳир ва гавҳар бордур, деб гумон қилдилар. Андин кейин султон Шабли номани келтуруб, тиз букиб, Амирни қўлларига одоб тариқи бирла берди. Яна туруб, ўз жойига ўлтурди. Амир сўрди: «Эй Қайсар бача, бизни

қардошимиз Елдириим султон Боязид қандай ва нечукдур?» Яна ўрнидин туруб султон Шабли қўлини алиф-лом қилиб айди: «Ҳайсари Рум сизни субҳи шом, балки ал-ад-давом давлати дуоларингизга муқаййиддур», деб одоб бирла ўз жойига ўлтурди. Андоғ(ки) Шараф Яздий устозимиз анинг гўзаллиғига ва одобиға бу мазмунда ғазал айдиларким.

Н а з м:

*Базм аро гулранг қадаҳ даврида лаълу ноби вор,  
Зулфини ҳар ҳалқасида неча печу тоби вор.  
Ишқ ҳажрида кўнғил моҳиятин сайд' этгали,  
Юзда мушкин сунбулини неча юз қуллоби вор.  
Қоши ё сочлари каманди бирла кирпик ўқидин,  
Бенаво ошиқларин ўлдургали асбоби вор.  
Чангдек ошиқлари афғон қилурму кечалар,  
Риштаи жон бирла то бу созни мизроби вор.  
Эйки кўрсатмиш мунажжимдек кавокиб ҳайъатин,  
Тирдин енгоқ узра мирот устурлоби вор.  
Доғлар кўнғил ора кўрганда захм этма гумон,  
Бул ҳавасдур, чўнтагида дарҳами қаллоби вор.  
Тиз букуб, таъзим этиб, илкин алиф-лом айлади,  
Мунча зеболиғда ҳам онча анинг одоби вор.*

Алқисса, номани Инок вазирға берди. Ул вазири аъзамға, яъни Мирзо Сайфиддинға берди. Мирзо Сайфиддин номани печатларини очиб, курси узра овозини чиқориб ўқуди. Номада ёзилибдурким:

Н а з м:

*Ҳамдо сонсиз худойи оламға,  
Фаҳму идрок берди одамға.*

Бидъату дуруд номаъдуд Муҳаммад Мустафо саллалоҳу алайҳи вассаломға ва яна дуойи дуруд анинг асҳобларига ул тўрт вазири аъзим афандимизким — Абу Бакр Сиддиқ ва Умарул Фарруқ ва Усмон Зулнурин ва Муртазо Али равзануллоҳи таоло алайҳи ажмаъин, алар тўрт аркон айвони нубуввийдурлар. Ул тўрт ёр муставфийдурлар ва ало олий ва асҳоба ажмаъин парвардигорға ситойиш ва кирдикорға пурситойиш айтурмизким, гули гилда ва меҳри дилда қарор бериб, гул ила оройиши бўстон ва меҳр ила осойиши дўстон ўлур ва ҳадди қиёсдин фузун худованд нечун ва кадр кун-фаякунни ҳамду саносидин кейин сўзимиз мўғуллар хониға ва Турон хоқониға. Эшиттимким, ҳудуди Хитой ва Хўтандин ва Тотор ва Хиндустон иқлими ва шаҳри била Шом шариф Мисри азизғача тахти фармониға келтурубдур. Эмди инони азиматни бул жонибға қилғон эмиш. Бу васвасаю ғурурлиқ димоғдин кўтарилсунким, мени аскарларим фарангдур ва Мағрибдин отланиб келсалар, ул мўғул ила тоторни туфроқ ичра аралаш қилиб чанғ-тўзонларини ҳавоға ўрнатғайлар.

Сўз ушбу ерга келгонда Амир Соҳибқирон алҳамдуллило, оллога шукр дедилар. Султон Шабли: мунинг боиси нимадур деди. Амир айдилар: Қайсари Рум аскарига эътимод қилибдур, мен олло таолони ўзиға эътимод қилиб, шукр айттим, нечукким, мен тангри изви жални ўзиға сизинган қулидурман.

Яна номада ёзилмишким: ўшул сандуқни сизларни хизма-тингизға юбордим, ани Тобути Сакина атарлар, ул Одам сафиолло отамиздин мерос қолиб Искандар Зулқарнайн замонида очилиб, андин кейин ҳазрат Умар разоллоҳи унаҳға Қайсари Румким, Ҳар қул замондош эрди, анинг барғоҳида бу сандуқ очилгондур. Эмди анга саккиз юз йил бўлубдур, ҳарчанд муни умуд ва қилич бирла уруб очолмоқни имконини тополмадук. Андин кейин сизға юбордук, очиб кўргайсиз, мунинг ичида нима бор, билгайсиз, бидъа нома тамом, вассалом.

Андин кейин ҳаммалари тобутни келтуруб тавоф қилдилар. Андин кейин тобути сакинани очмоқға неча-неча хийла-тадбирлар қилдилар, бўлмади. Амир Соҳибқирон айдилар: ҳар ким ушбу тобути сакинани очолса, ҳар нима талаб қилса, мандин олсун. Анда мавлоно Шараф Яздий ўрниларидин туруб, мадҳи санодин кейин, иншооллоҳи таоло, муни мен фақир очгайман, дедилар. Мавлоно Шараф Яздий афандимиз кўрдиларким, сандуқни тўрт оёғи бор, иккиси забаржад ва иккиси ёқутдин эрди, ёнида қуёш шакли, анинг қутисида шакли ҳилол ва шакли ситора қилингон эрди. Анга миқнотис тошини фариш қилгон эрди. Ани кўтариб эрдилар, андин секин-секин мили зоҳир бўлди. Ани бураб эрдилар, эшики очилди. Андин кейин бир ғуломбача сурати қўлида китоби била пайдо бўлди. Муни илмини Шараф Яздийдин одамлар сўрдилар. Ул киши сандуқни ёнидаги олтундин ёзилгон хатни кўрсатти. Аммо сандуқ ичидаги китобат кийик терисида эрди. Мавлоно Шараф Яздий китобатни олиб, Амир Соҳибқиронға бердилар. Ани ўқумоқға барчалари ожиз бўлдилар. Шараф Яздийға таслим қилдилар. Мавлоно Шараф Яздий мутолаа қилиб, мазмунини тафсир қилдилар: мен ким малик Искандар Зулқарнайн бўлурман ҳукамо, менга хабар берибдурларким, бир минг олти юз йилдин кейин Ёфас ибн Нуҳ алайҳи салом авлодидин мўғул жамоъасидин бир киши ҳуруж қилур, ул Искандари соний бўлур, дедилар. Эй Амир Соҳибқирон, ушбу тобути сакинани очсанг, ҳазрат Одам Атони ридолари ва ҳазрат Мусони асолари ва ҳазрат Юсуфни жомлари ва ҳазрат Иброҳимни кўйлаклари, Шиша алайҳис саломни саллалари, Идрис алайҳис саломни кафшлари, Нуҳ алайҳис саломни тешалари муни ичида нишона қўйубдурмиз, сенга учун. Билғилким, ҳар наби замонида бир султон ўтубдур. Ул салотин ва ҳоқонлар Араб, Ажамда ўтубдурлар. Аларни сурати барчаси мундадур, бу воқеаларни кўргил, эшитгил, офаринлар қилгил, барча илму ҳунар ва ҳикматларни мундин ўргангил.

Р у б о и й:

*Ўтубдур барча мурсол ҳам салотин,  
Аларни вақти мақтуб ичра таъйин.*

*Яна бир-бирига бўлгон замондош,  
Эшит, эй ақл эгаси, сўзни бу ҳин.*

Энди, бу суратларни кўрмак хоҳласанг, милни ўнг тарафга бурагил, бу ғуломбача сурати ўзга суратни кўтариб чиққай, ани қўйиб бўлакни кўтариб чиққай, ала ҳазал қиёс мунда кўб санъатлар бордур.

Алқисса, милни ўнгга бурадилар, ғулом бача сурати ичкари кириб, бир яшил ҳарир порани кўтариб чиқти. Очиб кўрдилар, анга бир кишини суратини нақш қилибдур, бўйи узун, юзи оқ, қошлари очиқ, соқоллари сийрак, чаккасида холи бор. Анга ёзилмишким, бу султон Жамшиддур, ҳазрат Солиҳ пайғамбар алайҳис саломни умматларидин бўлур. Андин кейин дунё вафосизлиғидин хат ёзилибдурким, «мендурман Жамшид, илми ҳикмат бирла жом ясотиб аруси дунёга зеб-зийнат бериб, ҳар йил кўкламни аввалида жашни Жамшид ораста қилдим. Уч минг олти ёз таснифни ҳикмат ва фитрат махзанидин чиқордим», деб бу ғазални айтибдур.

Н а з м:

*Манам шоҳ Жамшид вола мақом,  
Топуб фитрату ҳикматин субҳи шом.  
Чиқиб салганат узра Жамшид ўлуб,  
Фалак сафҳасида чу хуршид ўлуб.  
Менга тобеъ эрди ҳамма Шарқу Ғарб,  
Хусумат эли қилдилар менга зарб.  
Қазо аррасини қўйиб бошима,  
Тараҳҳумлар этмай кўзи ёшима.  
Қани салганатлар, ҳою ҳавас?  
Бил, охир, жаҳонни ишидур абас.*

Андин кейин яна мурватни чаб тарафга бураб эрдилар. мазкур ғуломбача сурати кириб, бир қора ҳарирни олиб чиқти. Анда бир кишини сурати бор, қора юзлик, араб шакл, яғринида икки илон, оғзини очиб турур. Ани Заҳҳок золим дебдурлар. Минг йил умр кўрган эрди. Одамларни мясини олиб, илонларга таъма қилар эрди. Охир умрида ул ҳам қурт-қумурсқага таъма бўлди. Ул золим Худ алайҳис саломга замондош эрди. Андин кейин ул ғуломбача сурати кириб, қизил ҳарир олиб чиқти. Ани очиб кўрдилар, анга бир кишини тасвири ёзилгон, оқ юзлик, ўрта бўйлик, муни Фаридун Фаррух дерлар. Қазо энагаси туфроқ бешикига андоғ боғладиким, қимирламоқга ҳаракати қолмади. Андин кейин яна бир ҳарир дебойи рўмини олиб чиқти. Ани ҳам кўрдилар, узун бўйлуқ, кўкси узра соқоли оқ, қўй ҳайкал, қирра бурун, анда ёзилмушким, бу зоти покиза суврат, яхши сийратни Кайқубод атарлар, неча йиллар тахти салтанат узра мутамаккин бўлуб, охир туфроқ тўшокига ясонибдур. Бу кимарса ҳазрат Иброҳим алайҳис саломни умматларидиндур.

*Каюмарсу, Жамшид, Каёний нажод,  
Фаридун Фаррух яна Кайқубод.*

Андин кейин қулбача кириб, ўзга суратни олиб чиқти, кўрсаларким, яшил туслиқ, пақмоқ соқоллик, манглайи тор, яғрини кенг, кўзи айланиб тушган. Хат ёзилмишким, бу кишини Кайковус атарлар. Доим такаббурликда мутамаккин бўлуб, етти иқлимни илкимга олайин деб, охир ўзи бир қисм туфроқ бўлди. Андин кейин яна гуломбача сурати бир ҳарирни олиб чиқти. Очиб кўрсалар, узун бўйлуқ, юзи гулдек очилгон, ўрта соқол, бармоқлари узун, бўйни ингичка, иккала қоши бир-бирига туташ, бу зот Кайхисрав валидурким, доим худони ибодатиға машғул эрди. Охир умрида тахти давлатдин, салтанати мамлакатдин кечиб, бурён қаноатни ўзиға лозим кўрди. Ҳазрат Исҳоқ алайҳис саломни умматларидин эрди. Андин кейин яна гуломбача сурати кириб, бир шаклини олиб чиқти. Кўрсаларким, тамом аъзоси оқ, ани башарасидин фитрат туйғунлик пайдо бўлуб турур, қарилиғни асари ани юзидин хувайдо бўлуб турур. Анга хат ёзилмишким, бу киши Зол ибн Сомким, ақл-тадбир бирла душманларни жонини ҳийла тузоқиға илинтуруб, охирда ажал илкиға андоғ асир бўлдиким, ҳийла-тадбирини бирортасини амалға келтуролмади.

Дерларким, Зол Халил ар-Раҳмон замонларида вужудға келиб, Исҳоқ, Ёқуб, Юсуф Довуд, Сулаймон, Айюб, Мусо алайҳис саломға замондош бўлуб, Исқандар Зулқарнайинни мулозаматини топиб, Исо руҳилло замонларида оламдин интиқол қилди. «Сижжат ул ахбар» китобида Золни умрини уч минг икки юзға яқин борган дебдурлар. Андин кейин мурватни бураб эрди, гуломбача кийик терисиға ёзилгон шаклини олиб чиқти. Бир кишини сурати тортилмишким, манглайи очуқ, қирра бурун, қуралай кўз, юзлари кенг, қулоқлари катта, айру соқол, яғрини кенг, қўллари узун, тирноқлари айланиб тушган, бели қаттиқ, қошлари қиличдек тортилган, олтун қафтонин кийиб, курси узра марбуъ ўлтурур. Салобатидин олам ларзага келур. Ёзилмишким, бу киши Рустам ибн Достон баҳодур, паҳлавон. Дунё тўқайинда душманларга шерчаён, муҳолиф тулкисига мисли арслон ё қоплон денгизда наҳанг ва ё аждаар, пойгарон. Яна дебдур: Эй ақл эгалари, бу суратни мушоҳада қилсанг, мендур таҳамтан сийрат, баҳодур сурат, менга иқбол андоғ юзланиб эрдиким, мени дағдағамдин Қоф тоғлари ларзага келур эрди. Мени довшимни эшитса деу Аҳраманлар қочар эрди. Мозандарон девлари тиг-яроғимни алангидин жигарбағри кабоб, кўзлари пўроб аҳволлари хароб эрди. Афросиёбдек подшоғи аъзим ул шон, шоҳ Туроннинг айвон-қайвонлари мени илкимда вайрон бўлди. Шунча куч ва қуввату зўрлик бирла охиримда ажал илкимдин кўтариб, шафалоқ бирла мени андоғ урдиким, ер бирла яксон қилди. Дермишким, ул Ёқуб алайҳис салом замонларида туғулуб, умри бир минг уч юз ўн учга бориб, Мусо калимуллоҳ замонларида вафо бўлубдур. Дунё вафосизлиғидин бу ғазални дебдур.

Менманки таҳамтан диловар,  
 Қил, ақл эгаси, сўзимни бовар.  
 Мен Рустам паҳлавон эрурдим,  
 Бу бешага арслон эрурдим.  
 Денгизда наҳанг, аждаҳодек,  
 Ёвларга мисоли бир балодек.  
 Номим эшитиб Афросиёби,  
 Кўздин тўкулурди доим оби.  
 Илкимда бўлуб имуд, чўқмор,  
 Тиклаб келолмадилар ағёр.  
 Тоб айламайин кўранда жангим,  
 Чиқай эдилар эшитиб донгим.  
 Дерлар лақабимни эл Таҳамтан,  
 Тоғ ларза қилурди дағдағамдан.  
 Девлар қочар эрди ҳар қаёна,  
 Хайли била йиғлаюб фиғона.  
 Қорамни агар кўранда ҳар ёв,  
 Қочқай эдилар йўруб, манам тав.  
 Олсам қўла ханжару яроғи,  
 Душман элина тушарди доғи.  
 Рахшим минибон, қўлумда ўқ ё,  
 Қофтану совут, кийиб дўбулға.  
 Токи кебон қазо баҳодур,  
 Бир урди мени, қилиб қора ер.  
 Йўқтур ҳаракат, маҳол менда,  
 Қувват қани менда, мажол менда?  
 Қалқону совуту қани дўбулға.  
 Қафтану камару қиличларим ҳам,  
 Рахшим қани, ёй қани, чўқмор?  
 Ер ичра бўлуб манам сазовор.  
 Дунё иши барчаси адамдур,  
 Суҳбат ушбудурки, дам — бу дамдур.  
 Эй ақл эгаси, будурким ибрат,  
 Бу сўзлар эрур сиза насиҳат.

Алқисса, мурватни бураб эрдилар, яна бир сурат чиқти. Кўрсалар, манглайи қаттиғ, яшил тусли. Ёзилмишким, бу кимарса Афросиёбдур. Турон мамлакатларин ўзиға мусаллам қилиб, иқлимга шуҳрат-данқи кетиб, бир кун ажални ўқи тегиб андоғ урдиким, қимирламоқға мажоли қолмади. Андин сўнгра яна бир сурат чиқти, юзи оқ, аъзоси очуқ, кўзгуси мусаффо, юзин сафқаси узра кўзи чўлфондек барқ урар эрди. Ёзилмишким, бу йигит Исфандиёр Рўйинтандур, ҳазрат Сулаймон алайҳис саломға замондош эрди, юз йигирма ўқни жасади Рустамға юборган эрди. Охир, бу йигитни ажал паҳлавони савмаъаи адамға юборибдур. Қулбача сурати яна бир нимарса келтурди. Кўрсалар, аъзоси оқ, икки юзи қора. Ёзилмишким, бу киши Баҳман дебдур. Бармоғлари



узун, доим тириклигини айш-ишратда ўткарур эрди. Охир ажал тоши маъишат шишасин синдуруб, адам ёстуқига бош қўйди. Ул ҳазрат Лукмонга муътақид эрди. Сўнгра мажусий динига ривож бериб, икки юзи қорайиб, кофир ўлди.

Аммо ул мазкур сурат ғуломбача ишқални бир-бир олиб, кўрсатиб, яна бир-бир ҳарир дебои истибарқни келтурдиким, маҳобат бир зоти шариф, ўрта бўйлик, қора кийумлик, қирра бурун, либослари нафис, манглайи муборақлари очик, бошлари жимжимасинда кумушдек икки шохи, юзлари қуёшдек барқ урар бу киши етти иқлим хони ва ҳоқони, Мағриб Машриқли султони, ер юзин ва кун кўзин жабулқо-жобулсоғача илми ҳикмат ва илми фитрат била ўзига мусаххара қилгон эрди.

### Р у б о и й:

*Скандар олди олам хулқ хушдин,  
Муяссар этмайин олтин кумушдин.  
Кириб Мағриб-ла Машриқ барчани ул,  
Олиб таълимким ойу гунаш дин.*

Охир, қуёш каби оламдин этак чекиб, бу эски работдин хою ҳавасни бас қилиб, юз ҳасрат, қайғу бирла жаҳондин ўтти. Гўё онадин туғулмагандек бўлди. Вақти рихлат айдиким, мени қўлимни тобутдин чиқориб қўйинглар, барча халойиқ кўрсунлар, ушбу қўлумни узотиб оламни тасарруфимга келтуруб, эмдиликда қўлумда ҳеч нимарса йўқтур. Эй Амир Соҳибқирон Искандари соний охир дунё ушбу турур. Беку қуллар, шоҳу гадо барча қулли нафас зоиқат ул мавт оёғидин шароби ноб ичмайин қолмас, барча ер бағрига кириб, туфроқ қариндошин қучмайин қолмас, бу ғазални дебдур.

### Н а з м:

*Эй азизим, англа барча ўтти,  
Қани Одам, қани Ҳаво, қани Ҳуд?  
Қани Шиша, Идрису Солиҳ, қани Нуҳ.  
Қани Жамшид бирла Заҳҳоки Фузуҳ,  
Ҳам Каюмарсу Фаридун Кайқубод,  
Қани Исфандиёрким, Хисрав нажод?  
Қани Хому Шому, Ёфас барчаси,  
Қани Золу Сому Наримонлар бас-э?  
Қани Бахман, қани ул Афросиёб,  
Қани Рустам бирла ул Сухроб тоб?  
Қани Иброҳим, Халил қани Исҳоқ.  
Қани Исмоил била Ёқуби бебоқ?  
Қани Юсуфдек гўзал, Айюб қани,  
Яна Довуд, Сулаймон, бил ани?  
Қани Зикриё ва Яҳёё ҳам Шаъйиб,  
Қани Мусо бирла Ҳорун, барча ғойиб?*

Қани Фиръавн, қани Ҳамон палид,  
 Утти Қорун бу жаҳондин ноумид?  
 Қани Ҳотам Той била Нўширвон,  
 Қани Искандари азиз ҳам Луқмон?  
 Қани Аҳмаддур, Аҳаднинг дўстиким,  
 Қани, бир-бира бўлди яқин ўртада мим?  
 Қани Абу Бакр, Умар, Усмон, Али,  
 Тўрт ёри ҳам вазири ул наби?  
 Қани Зуҳро, қани ул икки имом,  
 Қани асҳоби расул, барча тамом?  
 Қани Ҳамза бирла Аббос.покдин,  
 Қани ўн икки имом ул муслимин?  
 Қани Чингизхон, Ҳалоку ҳам Тулой.  
 Қани Чиғатойбеку хон Ярлуда бой?  
 Қани тўрт мазҳаб эгаси тўрт имом?  
 Англа бу сўз: барча ўтгай, вассалом.  
 Тамом калом.

Алқисса, Амир Темур Соҳибқирон тобути сакинани кўрдилар, тамом улуғлардин башорат топиб, ани беркитиб эмди киши кўрмасун деб Нил денгизи ичра ташладилар. Андин сўнг султон Шабли турк тилида ёзилгон нома келтурди. Кўрсалар, номада Қайсарнинг тамоми ота-боболарин оти ёзилмишдур. Елдириим султон Боязид ибн Муродхон ибн Урхон ибн султон Усмон ибн хон Эртўгул баҳодурхон Туркхон ибн Ёфас ибн Нух алайҳис саломгача борур. Барчаси Сижжат ул ахборда ёзилмиш, истаган киши ани кўрсун.

Бир замонида салтанати Чингизхон Аштархон йўлиндин Румға бориб эрди. Анда бир мавзеъ бор эрди. Ҳар Ҳижоз қофиласига ошу таъом берар эрдилар. Мўғулдин бири сўрди: «Бу аҳсан кимдиндур?» Алар айди: «Қайсардиндур». Ул вақт Қайсар ҳур қул наслидин эрди ул фаранг қўлида ҳалок бўлуб, анда фаранг Румни талон қилиб, Рум фарангга мусаллат бўлуб эрди. Аҳли Румға фаранг қўб жабру жафолар қилиб эрди. Андин сўнг Усмонхон ҳуруж қилиб, фарангни талон айлаб, чўқ-чўқ ўлдурди. Одамлар ани Румға султон айладилар, доим фаранг била жиҳод қилур эрди. Анга Усмон Ғозий лақаб бўлди. Аммо Елдириим ҳам ўз замонида ҳаддин зиёда иш кўрсатти. Тарих бир минг икки юз еттида (1792 й.) халифа султон Салимхон ибн Мустафоҳон ибн Аҳмадхон ибн Муҳаммадхон ибн Иброҳимхон ибн Аҳмадхон ибн Маҳмудхон ибн Муродхон ибн Салимхон ибн Сулаймон ибн Боязидхон ибн Муҳаммадхон ибн Муродхон ибн Муҳаммадхон ибн Елдириимхон султон Боязид эрди. Физзамонина ҳам халифа бу мазкурлар авлоди эрур.

Эмди келдук сўз бошиға. Аммо Амир Соҳибқирон нома мазмунинин мутолаа бўлуб, кўринишлари тугалди. Ҳар кун Султон Шаблини Амир меҳмон айлаб, нома жавоби ёзилгунча зиёфат қилар эрдилар. Аммо султон Шаблини туруш ери Мироншоҳ қўшида эрди. Аммо Амир элатдин нома юбормоқға элчи талаб

қилдилар. Номани Иноқ вазирга бериб, кенгаш қилдилар, беклар Мироншоҳни талаб қилдилар. Амирдин жавоб бўлмади. Андин сўнг, Шоҳрух тўрани, Амир «бу доим жанг талаб» дедилар. Сўнгра Умаршайхни арз қилдилар. Амир айди: мунга китоб ўқимоқдин ўзга иш бўлмас. Сўнгра Султон Муҳаммад тўрани айдилар. Амир: «бу шаробни яхши кўрар», деди. Барчалари айдилар: бу хизматни уҳдасидин Мирзо Улугбекдин ўзга киши чиқолмас, чораки кичик бўлса ҳам, улкансифатдур, фитратлик, ҳар ишга етук, қўб туйғундур, бу ҳар ишга лойиқ, барча нимарсага боб, дедилар. Анда Мирзо Улугбек, Мағриб вилоятига ҳоким эрди, анга тезлик бирла келсун, деб хат ёзиб юбордилар. Андин сўнг Амир Соҳибқирон Миср узра ҳоким қўйиб, Олатоғ сарига келиб, Шоҳрух тўра отасин мулозаматида бўлди. Амир андин қўб хурсанд бўлдилар. Бу сўз мунда турсун, эмди икки калима сўзни Қайсардин эшитмак керак.

Қайсар то ўғли боргунча бўлмай, бир юз етмиш кишини бошлиқ қилиб, аларга вазири аъзам Темуртошни амири аскар қилиб юбордилар. Тўрт сон киши денгиз каби ошиб-тошиб йигирма кунда Олатоғ бағрига еттилар. Бу ғавғоларни дангқини Миср аҳли эшиттилар, филҳол, Миср ҳокимидин Амирга хабар келди. Амир Соҳибқирон тахту салтанат узра бекларга кўринушда эрдилар. Мисрдин бир киши келиб айди: «Эй ўзбак беклари, эй Самарқанд сипоҳлари, иш қилингларки, обрў қўлдин кетмасун. Бало ҳисоб ёв келибдур, бу вилоятни хароб қилмасун, ўз юртларинг қайда қолди, ўз маконларингга, уйларингни тобмоқга қўб гаплар бордур».

Амир Соҳибқирон анда айдилар: кимдур Темуртошга қўшун олиб бориб, муқобил бўлғай? Анда беклардин етти киши ўрнидин туруб, Амирдин фотиҳа талаб қилдилар. Аввал Суюрғамиш бекким, Чингизхон насли эрди, иккинчи Ҳинд Хожа қушбеги, учунчи мирзо Саъдиддин Ваққос, тўртунчи мирзо Муҳиддин, бешинчи Мирзо Инжил, олтинчи Олтмиш бек, еттинчи амир Баён Сулдуз, анда Амир Соҳибқирон айдилар: илғор боши Суюрғамиш бўлсун, агар бу ҳалок бўлса, Мирзо Саъид Ваққос бўлсун, бу ҳалок бўлса, мирзо Муҳиддин, бу ҳалок бўлса Мирзо Инжил, бу ҳалок бўлса Олтмиш баҳодур, бу ҳалок бўлса Баён Сулдуз бўлсун, бу ҳалок бўлса Ҳинд Хожа илғор боши бўлсун.

Анда Суюрғамиш бек айди: Эй қариндошлар, мен камина Соҳибқирон ҳазратларин қўб синағанман, бу киши валидур, илҳоми ғойибий бўлғондур. Бу мазкур кишилар бу урушда ўлғай, эмди мен маснадимни Муҳаммадхон ўғлумга бердим, хотунимни талоқ қилдим, молларимни муллоларга вақф қилдим, эй му-сулмонлар, гувоҳ бўлунглар, деди. Амир мунинг қилган ишларин англаб, айдилар: «Нима учун мундоғ қилурсан?» Айди: «Кўнгилини дунёдин узуб, баҳузур жангга борай», дедим. Анда ўғлини ўрнига ўтқузди. Андин сўнг, йўлдошларига қараб айди: сизлар ҳам дунёдин кечиб, жанг ичра кирсангизлар, нечукким, азизлар, дебдурлар жондин кечмай иш битмас. Анда барчалари ушбу кайфиятда дунёдин кечиб, Мосуво бўлдилар. Анда яна барча иттифоқ бўлуб, ҳар қайсилари ўзлариға лойиқ асхар олдилар.

Ўзбак баҳодурлари, отларига рокиб бўлуб, Темуртош аскарига қараб йўл солдилар.

Алқисса, Суюрғамиш, етти киши қанча қўшунларни олиб боргонларин Темуртош англадиким, мўгул бекларидин етти киши кўб-кўб аскар олиб келурмиш деб. Бирдан карнай, сурнай табали жанг коқтилар. Темуртош аскарин андоғ кўб эрдиким, етти юз туғ, байроқлари бор эрди. Бул тарафдин чангу тўзон кўрунуб, Амир Соҳибқирондин етти аскар бориб, саф тузаттилар. Нақора, борабанларни иккала аскар жойларига тортиб бериб, жангга муқайид бўлдилар. Суюрғамиш бек Амир Соҳибқиронни сўзиға амал қилиб, бири ўлса, бирини ўрниға ўлтурмоқ бўлуб, ул кун байроқларини кўтардилар.

Аммо ул тарафда тўрт минг тўфангчи Темуртош жиловинда эрдилар. Бирдан юз етмиш карнай, барабан чолдилар. Филҳол, иккала қўшун аралаш бўлуб, андоғ қирғин бўлдиким, бу ҳангомаларни Амир лашкарлари кўруб, ўзга ўрунға қоча бошлади. Қазо мешкоблари сув ўрниға қизил қон соча бошлади. Биров кўлинда чопқу, биров кўлинда санчқу, биров кўлинда болта, биров кўлинда найза, биров кўлинда қиличи обдор; бировни бели узилган, бировни аъзоси чўзилгон, бировни қорни ёрилгон, бирови қизил қонга қорилгон, бировни суяги синган, бировни оёғи синган, бировни бағри тешилган, бировни кўзи тешилган, биров жон бермоқда, биров қон тўкмақда, биров от чопар гириллаб, биров отдин йиқилур дириллаб, биров қилич силтар шириллаб, биров айланур гириллаб, биров қочқай фириллаб, биров йиқилур чолқайиб, биров ағанар қолқайиб, биров қолур шалфайиб, биров ётур ёлфайиб, биров юрур оти ўйнаб, биров ётур тилин чайнаб, бировни юраги қайнаб, бировни кўнгли айнаб. Ўзбак бирла Рум қони денгиздек тошиб, гавғо ҳаддидин ошиб, бир кеча-кундуз уруш бўлуб, Суюрғамиш бек майдонда ёлғуз қолибдур. Румийлар келиб, бекни кўлин қалам қилдилар. Андин сўнг байроқни бу кўлига олди. Яна бу кўлин ҳам қалам қилдилар. Байроқ ерга тушти. Барча билдилар. Бекбача ўлди деб майдондин бошин олиб кеттилар. Анинг ўрниға Мирзо Саъдиддин келди. Ани ҳам шаҳид қилдилар. Андин сўнг мирзо Муҳиддин келди, ул ҳам шаҳодатға етти. Яна Баён Сулдуз келди, ул ҳам ҳалок бўлуб, ўрниға Инжил келди. Ул ўлуб, ўрниға Олтмиш баҳодур келди. Анинг ўрниға Хўжа қушбеги келди. Ул кун икки тарафдин баҳодур йигитлар ҳалок бўлдилар. Аммо Темуртошнини бир ўгли бор эрди, оти Жаъфарбек эрди. Темуртошдин жангға рухсат талаб қилди. Отаси рухсат бермади, берухсат бориб, мирзо Муҳиддин кўлида ҳалок бўлуб эрди. Ани эшитиб, Темуртош вазир ўғлин фироқиға чидаёлмай, бул ҳам бориб ярадор бўлуб, йиқилиб эрди. Ани румийлар келтуруб, етти юз қалқон олтуни Темуртош учун тасаддуқот қилдилар. Мўгул бекларини бошини румийлар найзаларга сончиб олди. Анда Хинд Хожа қушбегидин ўзга киши қолмаб эрди. Амир Соҳибқироннинг бир неча қул ва ғуломлари келиб, анинг атрофида бўлдилар. Аларни баъзиси «қочайлик» дедилар. Қушбеги айди: қариндошлар барчаси ўлубдур, бизларни қочмағларимиз яхши эмас, Амир Соҳибқиронға нима жавоб берурмиз??

Алқисса, румийлар бирдан «оллоҳ акбар» деб от қўйдилар. Ўзбакларга хатар, румийларга зафар бўлуб, ўзбаклардин бир нечалари ўлуб, кўблари қочиб, майдонда қушбеги ёлғиз ўзи қолди. Муни кўруб, Темуртош мулозимларига бу баҳодурни тирик тутуб келтурунлар, андин сўз сўрайлуқ, деди. Ани румийлар тутуб олмоқға ҳаракат қилиб эрдилар, ёлғуз ўзи майдонда жавлон кўргузиб, кўб-кўб румийларни ҳалокат рутбасига солди, ала ҳазал-қийс, уруш тамоми ўн-бир кун бўлди. Охирги куни отини милтиқ била уруб йиқитдилар, яёвлиқ ҳолида неча-неча кишиларни вужуд шахристонидин адам чўлистониға юборди. Охир, бўлмади. Боғлаб олиб, вазир аъзам Темуртош қошиға келтурдилар. Вазир айди: «сен қандоғ кишисан?» Қушбеги айди: «Соҳибқироним қули бўлурман». Яна вазир айди: нечук мунча ўзунгни ҳалокатга солурсан? Қушбеги айди: Амир Соҳибқирон хизматида тирикликдин ўлмакни афзал билурмиз. Вазир айди: Амир Темурни сендин ўзга хизматчилари борму? Ҳинд Хожа айди: қулларин ичида ярамас, ақли пасти мендурман. Вазир аъзам ҳайрат бармоқин тишлаб айди: «бу аъфол сизларда бор, албатта. Рум халқи сизларга тобеъ бўлса керак. Қушбеги айди: «тез бўлғил, мени ҳам ўлдурғил, қардошлар фироқида юрак-бағрим кабоб бўлубдур. Вазир ҳарчанд насиҳатлар қилдики, сенга шоҳона хилъатлар бериб, Амир Темур олдиға юборайин, деди, қабул қилмади. Айди: Эй вазир акбар, мени қўйуб юборсанг, бир қунда билғил, мен сени ҳалок қилурман. Анда Темуртош ноилож Ҳинд Хожани қатлга буюрди. Андин сўнг Рум сипоҳлари Сувайш мавзеъини ёқасига бордилар.

Эмди икки калима сўзни Амир Соҳибқирондин эшитмак керак. Олатоғ бағрида эрдилар. Қанча киши ўзбаклар қочиб, Амир Соҳибқирон қўшунлари ичра кириб қўшулди. Кўрган-кечурганларин Амир Соҳибқиронға баён қилдилар. Анда ўзбак бекларин барчаси ҳозир эрди. Амир айдилар: иншооллоҳ таоло, тонгла Темуртош қошиға аскар юборурман. Сипоҳларим ичра яхшиси бордур, анинг эътиқоди ҳам барчадин яхшидур. Мен ҳам ани барчадин яхши кўрарман, албатта. Темуртошға зафар тобса керак деб ҳарамға дохил бўлдилар. Ул куни кечқурун жамъи тўралар келиб, Иноқ вазирга ҳар қайсилари айдилар: Темуртош қошиға менга рухсат бўлса, борсам деб. Иноқтоз ул мард жонбозларга айди: мен билмадим, Амир Соҳибқирон ўз кўнглиға келгон ишини қилгай, тонгла кимға фотиҳа берса, ўзи билгай, деди. Эртаси чодир ва хаймаларни тикиб, кўриниш хонани тартиб бердилар. Анда Амир тахт узра чиқуб ўлтуруб, уч кунғача хосу ом саломға келдилар. Беклар саллаларин бўйнилариға солиб, Амирдин фотиҳа талаб қилдилар. Амир сукутда бўлуб, қўл кўтармадилар. Ноилож, саллаларин ўраб, қайтдилар. Андин сўнг, тўралар бир-бир келиб, фотиҳа талаб қилиб турдилар. Алар Шоҳруҳ тўра, Мироншоҳ, набираларидин ҳам бор эрди. Амир индамадилар, ноилож, алар ҳам саллаларин ўраб, ўз ўринларида қарор олдилар. Соатидин сўнг, Амир бошларин кўтариб Шоҳруҳ тўраға қарадилар. Тўра бул хизмат менга бўлди, деб ўрнидин туруб, таъзим қилди. Андин сўрдилар: Мирзо Улуғбек тўра қайдадур. Шоҳруҳ тўра айди:

тумовдур. Келсун деб буюрдилар. Соатидин сўнг келиб, салом қилиб, қўлин алиф-лом қилиб, таъзим била турди. Амир айдилар: Эй Улуғбек болам, Темуртош бошига бормоқга қувватинг етарму? Улуғбек тўра айди: Амри ҳумоюнингиз бўлса, сипоҳларимни назарингиздин ўткурсам.

Соҳибқирон буюрдилар, келтур деб. Андин кейин, Амир қошлариндин тартиб бирла кўб-кўб жомаъа кўрук кўрсатмоқ учун жамъ бўлди. Аммо ўзин аҳли ҳукуматларни ким, умаро ва вузаро ила кенгаш қилиб, ҳукамолари иш кўрсатиб, аскариндин тўрт сон кишини ажратиб, ҳар сон ўн мингдин бўлур, андин сўнг, қирқ минг карнай, нақора, барабан келтурдилар. Сайёдларга буюрдиким, тўрт сон абобил келтуринглар деб. Ани турк тилида ёввойи қалдирғоч дерлар. Сайёдлар айдилар: қалдирғочни нима қилурсиз? Ул айди: керакдур. Андак фурсатда топиб келтурдилар. Анга яраша сандуқлар тортиб бериб, сув била таъомни қорлуғочларга муҳайё қилиб қўйдурурлар. Амир Соҳибқирон, эй болам, аскаринг ичра баҳодурларни менга кўрсатгил, (деди). Анда Улуғбек аскарларга Соҳибқирон назариндин ўтунглар, деди. Андин сўнг, тўрт сон киши синоҳгарликга ораста ва пироста бўлуб ўттилар. Аксарини огизлари катта ва кўзлари кичик ва баъзиси ўрта бўйлик ва баъзиси узун бўйлик, қизил юзлик ва баъзилари узун соқол баъзилари кўса, қулоқлари катта, тўғри сўз эрдилар. Барча баҳодурларни икки кўзи отларин ёлида эрди. Булар ичра ҳар тоифадин бор эрди. Олдидаги хировуллари ўзбаклардин эрди. Яна алар ичра саиди Қурайшийким, тўрт ёри нозанини авлодлариндин ҳам бор эрди. Андин сўнг, тўрт минг ҳофизини хуш илҳомларни келтурдилар. Уруш кунда газал ўқумоқга тайёр эрдилар. Аларга тунукадин уй қилиб тевааларга ортган эрди, вақти келиб, жанг ичра кирган вақтларинда нағмаи қилиб, танбурларин чолиб, имом Ҳасан ва имом Ҳусайн марсиялариндин ўқур эрдилар. Аларни овозига аскарлар масту мустагриқ бўлуб, ўзларин жангга урар эрдилар. Яна тўрт минг кишини қўлида бели била келтурдилар. Ул кун барчасин жамъ қилиб турфа шавкат ва ҳашамат бирла отландилар. Амир ҳам бирга чиқиб, видоълашиб, сени яратганга тобшурдим, деб қайттилар. Бир неча кундин сўнг, Рум сипоҳларига еттилар, андин кейин бир кишини жосус қилиб, аларга юбориб, хабар олдилар. Аммо кечаси бирла қанча аскарга оқ кийумларни кийгузуб, бошларида оқ салла, пешларин узун қўйуб, аларни Темуртош қошига илгари юбордилар. Анда тўрт минг киши келиб хандақ қоздилар. Ул вақт Темуртош қўшунлари ёв келганидин хабарлари йўқ, атрофга тарқалгон эрдилар. Ул кеча бирдан карнайчилар, нағорачилар навозишга келтурдилар. Рум сипоҳлари шошиб қолиб, бирин бири ўлтура бошладилар. Оқ кийумли кишилар аларга деди: Эй Рум сипоҳлари, огоҳ ва доно бўлунглар, бизлар рижол ул гойибдурмиз, Амир Темур мададига келиб эрдук. Вазир бу сўзга таажжубда эрди. Қуёш амири кўк майдонда жилва кўргузди, вазир ёвни кўрсаким, тўрт сонга яқин келур, атрофида хандақ пайдо бўлубдур, бир кечада нечук тайёр, бўлубдур, деб барча ҳайратда эрди. Анда тўрт минг ҳофиз такбири ташриқ айдилар.

Алар таажжуб бармоғин тишлаб, бири келиб сўрди: «сизлар қандоғ кишидурсизлар?» Булар айди: Рижол ул ғойибдурмиз! Вазир айди: бизлардин нима иш содир бўлди, рижол ул ғойиб мўғул мададига келур?! Булар айди: «Сиз халқи золим бўлурсиз, анинг учун биз ўзбаклар мададига келдук. Вазир буюрдиким, ўқ отинглар, деб. Рум сипоҳлари бирдан ҳамлага турдилар. Улуғбек ҳам карнай чолдириб, урушмакға муқайяд бўлдилар. Яна ҳофизлар марсия ўқимакға бошладилар. Аларни тунука уйи кирпитиконга ўхшаш сирти тикон эрди, уч кеча кундуз жанг бўлди, тўртунчи куни кўб танг бўлдилар. Рум аскарлари халқа каби атрофини олғон эрди. Филҳол, нома ёздириб, бир баҳодур кишини топиб, кўб ваъда қилди, агар тирик келсанг, ҳар на мақсудингға етқузурман ва агар ўлсанг, авлодингни дунёдин мамнун қилурман, деб номани бериб юборди. Ул киши элчи бўлуб, хандақдин ўтуб, номани Темуртошни вазирига келтуруб берди. Вазир очиб кўрса, дебдурким: «Эй вазир, огоҳ бўлгил, бизлар рижол ул ғойибдурмиз, Амир Темур ёрдамига келгандурмиз, анга байъат қилмасанг, тонгла бошингда кўрарсан, абобил аскарин юборурмиз, гўё асҳоб ул фил қиссасин эшитгандурсан». Вазир кулуб, элчини тўғри сўзла ростингни айгил, деб қийнамоқға бошлади. Элчи асло гапурмади, охир қийнай-қийнай ўлдурдилар.

Ул кеча Улуғбек сипоҳлари зикри Жаҳрияни бошладилар. Аларни қилгон зикрига еру кўк зилзилага келди. Бу сўзни Румни халқиға данқи кетиб, кўнгилларига ваҳму кўркунчи тушуб эрди. Кеч бўлуб, юлдуз қорлуғочлари кўк саҳфасида тайрон қилиб, Рум кундузин юз минг найранг бирла мунҳазм қилдилар. Ул кеча минг минг машъаллар ёқилди, тўрт тарафдин байроқларни жилвага келтуруб, такбир айтиб, ҳофизлар марсия ўқуб, румийларга қаршу бора бошлади. Улуғбек қорлуғоч муваккиллариға айтиб эрди, жанг қизигон вақтида қорлуғочларни майдон ичра қўйуб юборгил, деб эрди. Бирдан кечи бирла жангға муқайяд бўлдилар, соатидин сўнг, кеча кундузға мубаддал бўлди: Темиртошни аскарлари бирла Улуғбек аскарин мобайни қирқ қадам қолиб эрди, вазир кўрдиким, рижол ул ғойиб даъво қилганлар барчаси жангға муқаййид бўлубдурлар. Анда туруб, Темиртош сипоҳларин чақириб, айди: Эй қавм, кўркманглар, булар барча ёлғончидурлар. Бу сўздин сўнг, бирдан икки тарафдин от қўйуб, жанг-талотуб бўлуб, ғавво қўзғолиб яроқ ва аслаҳалардин ўтлар чақилди, гўё жанг олови ёқилиб турган ҳолатда муваккиллар сандуқларни очиб, қорлуғочларни қўйуб юбордилар. Рум халқи кўрдиларки аскарлари абобил осмон юзин ва қуёш кўзин чигуртка каби олибдур. Аммо ул замон қиш фасли эрди. Ани кўрмаганларига кўрсатиб, барчалари қоча бошладилар. Улуғбек сипоҳлари алар қонин соча бошладилар. Муни кўруб вазирлари аъзам тоқат қилолмай, бул ҳам қочиб, оти балчиқға ботиб қолди. Улуғбек мулозимлари ани тутуб, асир қилдилар. Одамлар кўрқуб, Сивос шаҳри ичра бориб бир нечалари уйлари ичра кириб ёшуридилар. Улуғбек сипоҳлари бирла алар орқасидин қувлаб, шаҳр ичра кириб, кўб-кўб одамларни ўлдуруб, ўрдага яқин бордилар. Ул кун рўмийларни ақли шошиб, бир-биридин адашиб, ғавво хаддидин

ошиб, қизил денгиз тошиб, андоғ қирғин бўлдимки, ўлуклари ханнот қофидек тўб-тўб бўлуб қолабердилар. Қазо вагончилари бу юкларни адам реълига солабердилар, бошлари чинни тарбуздек юмалануб, жасадлари дўнг қабақдек ёрилиб ётаберди. Ажал савдочиси бу молларни нақд-нася қарамай сота берди.

Аммо ровийлар андоғ дебдурларким, Темуртош қўшунлари қони-ла ва ёғина ерлар қорайиб, суяклари етти юз жойга хирмон бўлубдур. Аммо ул кун Улуғбек ўрдага кириб, тахт узра қарор (олди). Барча билдиким, булар бошлиғи Улуғбек экан, қошига Темуртош вазирни боғлаб келтурдилар. Филҳол, вазирни бойлуқларин ешуб, кўб иззат ва ҳурматлар қилиб, фатҳнома ёздуруб, анга вазирни йўлдош қилиб, Олатоғ сариға, Соҳибқирон хизматлариға юборди. Вазир келгандин сўнг, Амир айдилар: Эй Темуртош, билмадимким, Қайсар кўнглиға нима ишларни йўл берур, аммо мени аскарларимни кўрмабдур, деб. Амир буюрдилар, тахтни тоғни устига олиб чиқтилар. Мулозимлар чодир-чанбатларни тикиб, фаррошлар ерларни супуруб, ораста ва пироста қилдилар. Соҳибқирон вазир била ул ерга чиқиб, атрофға хабар юбордилар. Эрон, Турон, Туркистон, Хиндустон, ўзбак, қипчоқ қирғиз, қозоқ ўрус, қалмоқ барчасига хабар еткуруб, неча кеча ва неча кундуз барчалари Соҳибқирон хизматлариға етиб келабердилар. Амир Соҳибқирон қанча беклар бирла мунтазир эрдилар, ноғоҳ, бир бўлак зоҳир бўлди йигирма минг кишига яқин, аскарлари ўқ-ёларин ёнлариға бойлағон, аларни бошлиғи бир йигит, чавқар отга минган, қизил либос кийган, ани тўрт ўғли атрофида, етмиш муғанний созларин чалиб елурлар. Бу ғазални айтурларким,

Б а й т:

*Илоҳо, давлатингни ҳақ муяссар айласун, жоним,  
Мадад ҳолингга доим авлиёлар айласун, жоним.  
Кўзим кўзгусига келтурдиким чун акси зебосин,  
Тамошои гулистон бу манзар, айласун, жоним.*

Аммо ул йигит отдин тушуб, Амирга салом қилиб, таъзимлар ила қўлин алиф-лом қилиб, ҳазрат Соҳибқирон мадҳига бу ғазални ўқуди.

Р у б о й й:

*Султони жаҳон паноҳи иқлими жаҳон,  
Искандари соний, вэй ҳоқони замон.  
Хизмат камарин белга тугуб боғлабмиз,  
Не ишни қилур, айсанггиз ғармон.*

Анга Амир инъом ва эҳсонларни кўб қилдилар. Темуртош вазир Иноқтоздин: «бу мард жонбоз каби йигит ким?» — деб сўрди. Иноқт асвули кайвонлигин, жулуси айвонлигин айди: Бу Мироншоҳким, Соҳибқиронға ўғул бўлур, Ироқ шаҳриға хон ўлмиш, Макка Мадинадин араблар анга тобеъ эрди. Икки сон араб саф-саф бўлуб,



теваларга минуб ўттилар. Яна бир жамоъа ҳозир бўлди. Қора байроқлар била бир сон, икки минг йигит барчаси қафтанин эгниларига кийган, қулоқларинда булоқилари, қўлларинда қиличлари яланг, алар олдинда бир йигит қизил созлик, соқоли узун. Йигит баҳодурлари саф-саф бўлуб, турфа-турфа ўйунлар била келур. Филҳол, один тушуб, Амирга салом қилиб, таъзим била қўлин алиф-лом қилиб, Амирга қараб бу байтни ўқуди.

Б а й т:

*Эй валиди азизим, бошим узра тож,  
Арзирму сиза жонимни қилсам-да хирож?!  
Қул даргоҳингга Миср азизи Чин ҳоқони,  
Давлат сенгаким, давлатингга бўлди ривож.*

Амир яна анга қўб инъомлар бериб, хурсанд қилдилар. Вазир сўрди: «бу йигит кимдур?» Иноқтоз: «Бу мард жонбоз Шохрух тўра», деб асвули кайвонлигин, жулуси айвонлигин билдурди. Ногоҳ яна бир йигит навқирон пайдо бўлди. Филни устида тахт узра мураббъа ўлтурган, атрофида бир минг етти юз баҳодур халқа олиб, филларга сувара бўлуб келурлар, уч юз занбуракни аробага ортиб, уч ҳўкузни анга қўшуб, уч минг ҳинд аларни жиловин ушлаб келур эрдилар. Турфа шон-шавкат ила йигит фил устида ўрнидин Амирга таъзим-тавозеълар била салом қилиб, қўлин алиф-лом қилиб, дуода бўлуб, бу ғазални ўқудилар.

Р у б о и й:

*Эй бобо, давлат сиза бўлсун давом,  
Шоҳлар хизматда бўлсун чун ғулом.  
Ҳеч ким йўқтур муҳолиф бўлмоқа  
Сизгадур дўстлар дуода субҳи шом.*

Мунга таажжуб бармогин тишлаб, вазир: бу кимдур?, — деди. Иноқ вазир айди: «Бу йигит мард жонбоз Ҳиндустонга валий оти Султон Маҳмуд тўра, Соҳибқирон набираси», деб асвули кайвонлигин, жулуси айвонлигин анга таъйин қилди. Андин сўнг, яна бир йигит ҳозир бўлди. Либоси оқ, тўрт минг ғулому фузало атрофида мисли Хожа Абу Лайс Самарқандий ва Мавлоно Али Қушчи ва Мир Саййид Журжоний ва Мавлоно Шараф Яздий. Ул йигит салом қилиб, один тушуб қўлин алиф-лом қилиб Амир мадҳига бу ғазални ўқуди.

Р у б о и й

*Сийнанг ичра баҳровар аҳли улум,  
Толеъингга тарбият айлар нужум.  
Хизматингда қул эрур беклар бори,  
Ким бўлди сенга, бўлди ким.*

Амир анга ҳам кўб инъомлар бериб хурсандлар қилди. Иноқ сўзлагунча бўлмай, вазир мунн хўб билурман, Улугбек тўрадур, деди. Яна сўнгра бир жамоъа пайдо бўлдилар. Аларда қилич била санчку, андин ўзга яроғ йўқ эрди. Аларга бошлиқ икки гўзал: бирлари Ғустамбек, бирлари Искандарбек, иковлари Умаршайх ўғли эрди. Таъзим бирла булар ҳам ўттилар. Яна бир бўлук пайдо бўлди, алар олдинда қора тўруқ бир йигит Амирга дуо қилиб ўтти. Иноқ айди: «бу йигитни оти Бойқаро тўра Умаршайх ўғлидур. Мозандаронга ҳоким эрмиш». Яна қавми зоҳир бўлди, булар бошлиғи амир Мутраб ибн амир Чоку барлос. Булар доим қилични яланг қилиб олиб юрарлар, барлос маънисн қилични қинга солмаганин айтурлар. Яна бир тўб пайдо бўлди, отларин ўйнатиб келур эрдилар. Буларни бошлиғи амир Боязид Жалойир эрди. Яна ўзга қавм зоҳир бўлдилар, бошлиғи амир Ёдгоршоҳ орлот эрди. Булар ҳам турфа тажаммул бирла ўттилар. Андин кейин яна бир жомаъа етиб келдилар, барчаларини милтиқлари қўллариди, тўрт сон юки ортган тевалари бор. Яна бир сон, икки минг қизил юнглик тева, яна уч юз сандуқни филларга ортган. Иноқ кал вазир айди: булар Амир Темур Соҳибқирон элати кўрагонийлардиндур, булар Амирга хазиначидурлар. Ул вақтда яна бир тоифа зоҳир бўлди, барчаларини бошларида сочлари бор, қўй сурат, кийумлари қора, милтиқлари яғринларинда, Амирни дуо қилиб ўтабердилар. Иноқ айёр айди: булар сиёхпуш кофирлар, Хиндистондин Соҳибқиронни ийнатиға келгандур. Буларни орқаларидин яна бир жомаъа эл пайдо бўлдилар. Аларни туслари сариғ, бошларида сочлари сариғ, кийумлари қисқа, бошларинда шафка, бўйниларида чалипо, ёнларинда пўталариға милтиқ оқсон, мўйлаблари оғзин ёбқон, байроқларинда сурат нақш қилинғон. Анди Иноқ айёр айди: «булар ўрус бўлур», деди.

Ала ҳазал-қиёс сарту қозоқ, турку тожик барчалари Соҳибқирон хизматиға жамъ бўлдилар. Ер юзин ва кун кўзин балоҳисоб кўшун олди.

Алқисса, Амир Соҳибқирон айдилар: кўрунғ баҳодурларимизни, сипоҳ ва аскарларимизни. Эмди кўрган-кечурганларингни Қайсарга бориб айғил, деб малукона хилъатлар бериб, Румга юбордилар. Бу кийумларни вазир умрида кўргони йўқ эрди. Аммо Темуртош вазир неча кундин сўнғ Қайсар қошиға келиб, Соҳибқиронни андоғ таъриф қилдиким, Қайсарни сўзламакга асло мажоли қилиб бўлмади. Охир Қайсарни аччиғи келиб, ғазаб ўтиға ёниб, вазири аъзамни зиндонға солдурди. Андин кейин неча ишни ўйлаб, урушмакга ҳаракат қилиб, аскар йиғмакга буюрди.

Эмди икки калима сўзни Амир Соҳибқирондин эшитмак керак. Алқисса, Амир Соҳибқирон Сивос фатҳ ўлғондин сўнғ, шахри Ангурияға қараб юзланди.

# БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН ҚАЙСАРКИМ, ЕЛДИРИМ СУЛТОН БОЯЗИД БИЛА ЖАНГ ҚИЛРОНИНИ БАЕНИ

Аммо таворих арбоблари андоғ ривоят қилурларқим, Елдириим Боязид бир кун Рум аҳлини тамом бекларин чорлади. Аларга машварат қилиб, кенгаш эттилар. Фузалодин бир киши Қайсарга айди: Эй султон афандим, Амир Темур ҳам Сиз каби халифани муслимин эрминч, «ас-сулҳ хайрун»<sup>1</sup> деган ҳадиси шарифга амал қилсанг, деб насиҳатлар қилиб, бу ғазални ўқуғонлари.

Б а й т:

*Дўст илларсан, ғами агёрни сен ўйлагил,  
Қўл узатсанг, вирда захми хорни сен ўйлагил.  
Нолаи мазлумлар золимни кўнглини чок этар,  
Қўй ситамни, ҳар дили афғорни сен ўйлагил.  
Кимга бордур жабр иши, зулми ситам қилмоқ анга,  
Элга кўб аччиғни қўй, қатҳорни сен ўйлагил.  
Эй бегим, яқбора ҳар иш сори сен майл айлама,  
Ким жафожў ул кўнги озорни сен ўйлагил.  
Зол дунёдин кўб кишин қилди расвои жаҳон,  
Билки маҳликдур бари, бу корни сен ўйлагил.*

Аммо бу сўз Қайсарни қулогига кирмай, балки аччиғи зиёда бўлуб, ғзаби келиб, жангги аъзим қилмоқга муқайид бўлди. Хизматида умаро ва вузаро ҳозир эрди. Елдириим султон фарангдин кўб шаҳарларни тобеъ қилғон эрди, мисли Қунийя ва Қустонтания ва Қуқот ва Истанбул ва Мадмалия ва Оқсарой ва Арзал. Булардин ҳам хуруш майдонида яқсар, ўзбакда кўб баҳодур майдонда эрди ҳозир. Ким кўрди, ақл қочар бўлғайки, яна титрар. Рум эрди кўб ҳунармад бир-биридин неча чанд, ўзбакни қилмоққа банд, эрди сипоҳи жароҷар. Иковда турк боласи, иковни моҷароси, гўс ини-оғаси ворислиғин талашар.

Андин кейин Амир Соҳибқирон оқ кийуб ва оқ саллалар ўраб, фешларин мобин кифтларига ташлаб, мисвокларин саллалари узра санчиб, Қаломуллоҳни ҳумойил қилиб, фўталарига исфаҳоний қилич осиб, гўл сафиға қарор эрдилар. Олдиларида султон Маҳмуд била Шохруҳ тўра иковлари мустаиди жанг бўлуб туруб эрдилар. Ул тарафдин Қайсар балобеҳисоб аскар била муқобил келаберди. Кўрсалар Қайсар либоси қора фил узра мураббаъ ўлтурубдур, атрофида беклар ва сипоҳларини кийумлари қорадур. Аркони давлат била келиб, Амирга қаршу турди. Андоғким анинг шон-шавкатиға Хожа Абдулла Хотифий бу ғазални ўқудилар.

Б а й т:

*Ўшал Қайсарким, оти Елдириим,  
Ани шавкати чун Каюмарс жим.*

<sup>1</sup> Сулҳ хайрлидир.

*Яна аскари мисли дарёи Нил,  
Ошарди, тошарди чунон эрди сел.*

*Фалакка етарди ғалоғуллари,  
Юрмакда, турмакда бирдек бари.*

*Чолиб карнайу барабон нағмалар,  
Вуҳушу таюр эрди довушиға кар.*

*Кўрунғ икки аскар муқобил бўлуб,  
Руму ўзбака ушбу майдон, тўлуб.*

*Икки наслида Ёфасийдин ўғул.  
Икков бир-бирини талашлар қилур,*

*Икков бир-бирини талашлар қилур,  
Талошмоқни ҳар кунда бошлар қилур.*

Алқисса, Қайсар фил узра устида ўлтурур тахт ичига байроқ бор, қўлида санчқу била майдон ўртасига кириб, мубориз талаб қилди. Амир Иноқ айёрга ишорат қилди. Иноқ, филҳол, отларин эгарлаб, Амирга келтуруб тутти. Амир бориб Қайсарни йўлин олди. Қайсар айди: Эй барлос, қандоғ кишисан? Амир анга ўзларин аён ва баён қилдилар. Қайсар найза ҳавола қилди. Амир отға қамчин уруб анга қараб югурди. От ҳуркиб бормади. Амир сакраб отдин тушуб, филни остиға кириб, Қайсар била филни кўтариб, беш юз қадам бостилар.

Румийлар (бошқа бир неча шахарлар анга тобеъ эрди) Амир Темурга нома ёзгил деб мирзога буюрди. Филҳол, мирзо Қартос майдониға мадад Ҳиндистондин аскар келиб яъни аскар олдуруб, тартиб бериб Амирга юборди. Соҳибқиронға хабар келдиким, Қайсардин Элчи келур, деб Амир тахт узра ўлтуруб эрдилар, номани келтуруб берди. Айтибдурки, эй Амир Темур ҳануз ўзунгни Соҳибқирон олурсан, одамларни ўзингга тобеъ қилибсан, тонгла кўргил, бизларни майдонда масоф қилайлик ва мардоналикни бир-биримизга кўрсатайлик, ўзгаларни ташвишга солмағаймиз. Амир бу сўзни эшитиб, суюнуб, хурсанд бўлуб, элчига айдилар: Қайсар қай дастурға масоф қилғай? Элчи айдилар: Оқ фили бордур, Ҳабаш хонидин келгандур, жанг кунни ани миниб, масоф қилғай. Андин сўнг элчиларга жавоб бериб, Боязид Жалойирни анга йўлдош қилиб, нома жавобин қайтардилар. Нома бу эрдиким, «Эй Қайсар, бизни мунажжимлар қирқ кун муҳлат тилайдур, андин сўнг, иншооллоҳ, майдонға кириб, масоф қилурмиз?» деб номасини тамом қилибдур. Қайсар кулуб айди: Амир Темур энди кўрқубдур. Аммо бул тарафда Амир Соҳибқирон, филҳол, чаноқчиларга балчиқдин фил суратин қилдуруб, қирқ кунғача бошлариға кўтариб, машқ қилиб, андак лой қўшуб фили аъзим бўлди. Ани кўтариб, минг газлик ерни уч мартаба айлантуруб қўёр эрдилар. Қирқинчи кунда жанг учун нақора чалинди. Карнай ва нақорачиларнинг адади бир минг етти юз

эрдилар. Елдириим султон Боязид айди: бу қандоғ садо ва ғавғо турур? Анга: «Амир Темур аскарлари келмишдур», дедилар. Аммо, ул кун ўтуб амир қуёши кўк саҳфаси узра намоён бўлғоч, мухалиф юлдузлари фаришон бўлди. Анда, иккала сипоҳ ўз ишларин фикрида бўлуб майдонга зийнатлар бериб, сафларни тартибга келтуруб, табал, жанг барабанларни жойига қарор бердилар. Иккала аскарни таъриф қилиб, Хожа Абдулла Ҳотифий бу ғазални ўқудилар.

Б а й т:

*Ул саф фарангу румий,  
Бу сафда ўзбекилар.  
Тартиб ила яроғин айлаб ўзалга,  
Денгиздек урса жўш, кетгайким ақли хуший.*

Бирдан олам тўлуб ғирув кўтарилди. Қайсар қўрқуб ўзин филни устидин ташлаб, сафиға қараб қочти. Амир филни ерга андоғ урдиким, суяклари майда-майда бўлди. Анда иккала аскар тўсиндин бир-бирлариға от қўйдилар. Амир отлариға миниб жангга қарамай Ҳалаж денгизига қараб йўл солдилар. Майдон ичра икки аскар бир-бирига андоғ жанг қилиштиларким, Хожа Абдулла анинг шаънига бу ғазални ўқудилар:

Б а й т:

*Урушлар бўлди ул кун ҳаддидин ошиб,  
Урарди бир-бирин янчиб, талошиб.  
Бузарди бир-бирини сафларини,  
Лағв айлаб неча ажуфларини.  
Урарди бир-бирин дунболасиға,  
Кетар эрди «она» деб холасиға.  
Қилиб бир-бирларини пора-пора,  
Йиқилиб калладин неча минора.  
Келиб бир-бириға анда ёношиб,  
Урарди бир-бирини ақли шошиб:  
Қилиб бир-бирлариға анда қўшун,  
Оқарди қон бўлуб монанди Жайхун.  
Ўлуклар бўлди анда даста-даста.  
Чу хирмон бўлдилар юқори, пастда*

Алқисса, Қайсар баланд ерға чиқиб кўрдиким, сипоҳлари тарқалибдур, ғайратиға чидолмай, отин миниб, байроқларин жилваға келтуруб, ўзбакларга яқин келди. Аммо бул тарафда Амир Соҳибқирон байроқлариндин жилва кўрсатиб, андоғ жанг бўлдиким, сўзлаган била шарҳини баёнға келтуруб бўлмас. Ул кун охшомғача жангу талотуб бўлди. Ўзбаклар ғолиб келиб, румийлар қочмоқға юз қўйдилар.

*Ўзбаклар қирғони ҳаддидин ошиб,  
Тоб беролмай румийлар ақли шошиб.  
Қочмоқға юз қўйдилар ул турклар,  
Барчасидин кетти обрў, кўрклар.  
Кўрди Қайсар чўқ баҳодур ўзбакин,  
Тулкига арслон ўрнини урмакин.  
Еки қоплон бўрига ургай ўзин,  
Анда Қайсар қочмоқа қўйди юзин.  
Бу жаҳон расми: бировга гар зафар,  
Берса бергай ул бировга ҳам хатар.*

Аммо Қайсар шикаст топиб, Ангурийядин қочиб, Истанбулга борди, байроқи, била тожи тушуб, қолиб эрди. Байроқин Шохрух тўра, тожини Бойқаро тўра олдилар. Ул кечи била шаҳрга от қўйуб, Ангурийяни фатҳ айладилар.

## ЭМДИ СЎЗНИ СОҲИБҚИРОНДИН ЭШИТМАК КЕРАК

Қазора оқшом вақтида Халаж денғизин ёқосига бир маҳрам бирла келиб эрдилар.

Маҳрамдин ўзга киши йўқ эрди. Амир андин сув талаб қилдилар. Маҳрам бир оёгда сув тўлғузуб келур эрди. Амирни отлари ҳуркиб, тисланиб, денгизга тойиб, Амир от устидин юмаланиб сувга туштилар. Маҳрам ҳарчанд қилди, Амирни сувдин ололмади. Аммо бу ишдин ҳеч кимни хабари йўқ эрди. Маҳрам келиб бу сўзни Иноқ қулоғига секин айди. Иноқ вазирни ҳуши бошидин учти, бу сўзни сипоҳларга билдурмай, тахт узра Султон Муҳаммад тўра ибн Мирзо Жаҳонгир тўрани қарор бердилар. Ушул вақт бир қаландари жонбоз Иноқтоз вазир қайдадур, деб келди. Иноқтоз вазирга қаландарни кўрсатдилар. Ул қаландар бир китобатни берди. Ул китобат Хожам Баҳовуддинини хатлари эрди: «Иноқтоз, кўркмағил, Амир Темур соғ-саломат, иншооллох, келур» дебдурлар. Маълум бўлдики, Нақшбанд пиримни кароматлари бирла Амир Темур тирикдур. Андин кейин қаландарга кўб олтун назр бердилар. Андин кейин Ангурийяни фатҳ бўлғонини атроф-жавонибга хабар бердилар. Мунинг шукронасига Амир Соҳибқиронни чилла ўлтурдилар, деб халқга изҳор қилдилар.

## ЭМДИ СЎЗНИ АМИР СОҲИБҚИРОННИ ВОҚЕАСИДИН ЭШИТМАК КЕРАК

Алқисса, Амир Соҳибқирон денғиз юзида гута уруб, соатидин кейин минг машаққат бирла ер юзига чиқтилар. Атрофга ҳарчанд қулоқ солиб, ҳеч қаердин одамни овози келмади, чарчаб ҳориб эрдилар. Соати истироҳат қилиб, денгиз ёқосида ухлаб ётдилар.

Истанбулдин уч киши (Қайсар сипоҳларидин) келиб кўрса, бир киши ухлаб ётур. Алар сўрди: Кимсан, қандай кишисан? Амир айдилар: Рум сипоҳларидин бўлурман, ҳамроҳларимдин ажралиб қолибдурман, эмди Истамбулга борарман. Улар қабул қилмай Амирни боғлаб, Истамбулга олиб келдилар. Ул кун кечаси бирла Соҳибқирон нола-у зори қилиб, йиғлаб шох Нақшбанд пирларидин мадад талаб, бу ғазални айдилар.

П а з м :

*Ё Баҳовуддин, мадад бергил бу тун.  
Йўл адошқонларга бўлғил раҳнамун.  
Ё пирим, бу йўл оро бўлдим ғариб,  
Қўл-оёғ боғлу, ёғибман сарғариб.  
Ё пирим, ҳолим мени бўлди қийин,  
Бир назар айланг менга сиз ушбу ҳин.  
Ҳар хатойим бўлса кечгил, ё илоҳ,  
Мен ғарибни ҳолин этма табоҳ.  
Ё илоҳо, дўстларингни ҳурмати,  
Зарра бергил менга сен ҳиммати.*

Ул кеча тушида Хожам Баҳовуддин келиб, айдилар: Эй Амир Темур оқсоқ, хушёр бўлуб яратганга боқғил, бошинг узра андак машаққат бор, сабр қил. Ул замон уйғониб, кўрсаларким, оёғ-қўллари ешилибдур. Уч киши яна боғламоқга ҳаракат қилдилар. Амир лоилож учовини ўлдуруб, шаҳр ичра бориб кирдилар. Кўрсалар турфа шаҳрким, кўча ва ўрамларини мрамар тоши бирла ишлагон, ҳар бир иморати олийлар бино қилгон, тамошо қилиб юрсалар девор ва эшикларига Амирни суратини нақш қилғондур. Андин кейин Аёзни масжидига келдилар. Анинг таърифини деган бирла адо қилиб бўлмас. Эшикни тefасига ёзилмишдур: «Ҳар ким мунда келмамиш, гўё жаҳон кўрмамиш». Истамбулни бир тарафи денгиз, ўзга тарафида етти тоғ бор эрди. Бир одам Амир Соҳибқиронга айди: Эй бобо, сени суратинг Амир Темурга ўхшар экан. Бу сўзни Амир эшитиб, саройга бориб, саройбондин ҳужра талаб қилдилар. Саройбон хўб деб Амирга ҳужра берди. Амирни ҳужра ичра солмоқга бу соатида ҳеч нимарсаси йўқ эрди. Ташқори чиқсалар, баъзилар Амир Темурга ўхшарсан, дер эрдилар. Лоилож, ҳужра ичра кириб кечи бирла истихорада эрдилар. Тушларида Хожам Баҳовуддин келиб айдилар: эй Темур, тингла, Хожа Муҳаммад Порсо ҳаждин келгайлар, сени танумаслар, ушбу асони анга бергил, Хожа сенга албатта бир нимарса бергайлар, лекин бир неча кунлар меҳнат чекарсан, олло таолони ўзига эътимод қилиб, танингни тақдири ҳақга бергил. Нечукки бошингдин қазои муаллақ кўтарилгай, ўзингга ҳозир бўлғил, деб гойиб бўлдилар. Тонгласи саройни эшикига бир киши соқоли мош биринч бўлгон, келиб турур. Амирни кўруб танумади, нечукким, Амир мажҳул киши эрди. Амир Соҳибқирон Хожам берган асони кўрсатиб бошларига тегуруб эрдилар. филҳол.

отдин тушуб, Амирға узр айтиб, бир ҳамён олтуй бердилар. Амирға айдилар: бу кеча хазрат Баховуддин пирингизни тушумда кўрдим, келинг, мен сизни олиб кетай. Амир айдилар: мен ҳам кўрдим, менга сенинг бошингда меҳнат кўб дедилар. Сиз бу ерда турманг, мени зиёним сизга ҳам тегмасун. Хожа лоилож қайттилар. Амирни асосини саройбон кўруб, айди: бу таёқда хосият бор экан, савдогар бошига урса, олтун берар экан, деб асони ўгурлаб олди. Ул кун савдогарларни чорлаб, уйга зиёрат қилда. Андин кейин аларни бошларига таёқ бирла урди. Савдогарлар саройбондин ранжиб, Қайсарға бориб арз қилдилар. Қайсар саройбонни келтуруб хитоб қилди. Саройбон Қайсарға воқеани баён қилди. Андин кейин Қайсар бир неча чўғолни саройга юборди. Алар келсаки, Амир намоз ўқуб турур. Намоз ўқуб бўлгондин кейин айдилар: сени Қайсар талаб қилур, дедилар. Амир лоилож бордилар. Қайсар кўрган замон тануб, айди: сен Амир Темур эмасмуса? Амир инкор қилдилар, охир ондга келтурди. Лоилож, ўтган ишларни барчасини баён қилдилар. Қайсар, филхол, Амирни боғлатуб қўйди. Қайсар айди: «Эй Амир Темур оқсоқ, ул кун мени фил бирла олиб қочиб эрдинг, бул кун нечук талош қилмадинг?» Амир айдилар: бу меҳнатларни менга пирлар маълум қилиб эрдилар. Анинг учун худони тақдирига бўйун қўйубдурман. Қайсар ўлдурмоқга ҳукм қилди. Яна айди: сабр қилай, аввал мунинг сипоҳларини бир навъи қилиб, шикаст берай, албатта алар бошлиқларидин айрилиб, саросима бўлгондур, деб Амирни муборак баданларига беш юз қамчин урди, яна хўкиз терисига солди. Амир Соҳибқирон андоғ мажруҳ бўлдиларким, қимирламоқга мажоллари қолмади, лекин Айюб пайғамбар сифат сабр қилиб шукрни тилдин қўймадилар. Қайсар қанча аскарлар бирла Амирни мухофазотда сақлади. Ўзини бу ишдин кўнгли тинч бўлуб, хурсандлиқ бирла ўлтурди. Андин сўнг Қайсарға хабар келдиким, Армани хонидин саккиз минг қўшун бирла Қайсарни ёрдами учун борурман деб.

Таворихда дерларким, Арман асли Худ қавмидин эрди. Булар ичра Арман отлиғ киши пайғамбарлиқ даъвосини қилгон эрди. Шул жиҳатдин ул халқни армани дерлар.

Алқисса, ул кун арманлар Қайсарни баргоҳига етиб келдилар. Қайсар алар бирла Ангурийяга отландилар. Жосуслар Қайсарни қилгон ишларини Амир Соҳибқиронни қўлга тушириб, хўкиз терисига солгонини Амир Соҳибқиронни сипоҳларига келиб хабар еткуздилар. Иноқтоз, ул мард жонбоз эшитиб, айди: «бу ишни тадбирига мен борсам». Мени Султон Муҳаммад тўра ҳалок қилмасун, деб қўрқар эрди, чунки Иноқтозни айёрлигини тўра ёмон кўрар эрди. Иноқтоз айёр ўзбакни бекларини барчасига арз қилиб айди: Мен ўғлум Хуморий бирла бу ишни фикрида бўлгумиздур, фотиҳа беринглар, деди. Барча беклар қабул қилдилар, илло Султон Муҳаммад тўра қабул қилмай, айди: юборманглар, бу иккала айёр хийла бирла ўзи бир тарафга қочиб кетгай. Ул бечора Иноқтоз мард жонбозга мол-амволдин ҳеч нимарса бермадилар. Лоилож ота-бола йиғлай-йиғлай яёвлиқ ҳолда Истанбулга йўл солдилар, иншооллоҳ таоло, Амирға нажот



бергумиздур, деб Истанбулға келиб, кўб кун оч қолдилар. Иноқтоз кўрдиким, арманилар бозордин қул сотиб олулар. Хуморийга айди: Эй ўғлум мени бу бозорга сотғил, бир ишни фикрида бўлай, яна сен овқат қилғил. Ўғли айди: эй ота, мени сиз сотиб овқат қилинг, Отаси қабул қилмади. Лоилож, Хуморий отасини арманиларга сотти. Армани қулларини олиб подшоҳларини қошига олиб келди. Подшоҳини оти Куёнус эрди. Аларни расми қул олғонда қирқ қул олиб, бирини озод қилур эрди. Подшоҳ қулларини ҳар бирини ҳунарини сўрди. Иноқга навбат келғонда айёрлик бирла тилин лол қилиб, сўзламади. Куёнус мунини нега келтурдинг, деди. Вазир айди, мунини пули оздур ва яна мунини озод қилмоқ учун олдим, деди. Подшоҳ Иноқни озод қилдилар. Иноқ ишорат бирла Куёнусга айди: «Мен қариб қолғон одамман, ўзга ерга бориб қандай овқат қилурман, сизни хизматингизда бўлсам», деди. Куёнус айди: «бу қариб қолғон киши экан, ўзга ерга юборманглар», деди.

Аммо Қайсар Ангурийга юзланиб, отга сувора бўлуб, Амирни жиловида олиб юрур эрди. Амирни ҳолини Иноқ жонбоз кўруб, секин-секин йиғлаб эрди. Гоҳ-гоҳ Хуморий отасидин хабар олиб турар эрди. Иноқтоз арманиларни сипоҳлариға юруб, сув берар эрди. Қайсар кечаси бўлса Амирни эҳтиёт қилиб, икки минг кишини посбонликда қўёр эрди. Шул кайфиятда Ангурийя дарвозасиға етиб келиб, қамалға олдилар. Ўзбакларни сипоҳлари урушмоқға қўрқуб, шаҳардин чиқмадилар, нечунким, бошлиқ киши йўқ эрди. Шул жиҳатдин хазрат Сўфи Оллоёрдин табаррук сўз борким.

Б а й т:

*Ушал хунборики ҳарб ологин осор,  
Агар босар йўруса ёвуни босар.*

Аммо Қайсар Ангурийяни халқа каби ўраб олган эрди. Бир кеча Иноқ айёрлик бирла уйқудин туруб, тилға келиб айди: одамлар, вой халойиқлар, мен қари қул пайғамбари худони тушумда кўрдим, тилсиз эрдим, мусулмон бўлуб, гўё бўлдим. Лекин Иноқтоз арманиларға андоғ хизмат қилур эрдиким, барчаси ани хизмати тўғрисидин яхши кўрар эрди. Куёнус ҳайрон бўлуб, Иноқни Қайсарни қошиға келтурди. Иноқ ўзини суратини армани суратида қилғон эрди. Қайсарни қошида имон арзи қилди. Яна аввалги сўзни айди. Андин кейин Куёнус агар бу қулни сўзи чин бўлса, мен ҳам имон арзи қилиб, мусулмон бўлурман, деди. Румни уламолари йиғилиб, барчалари мунинг сўзи чин дедилар, нечунким, шайтон алайҳил лаина пайғамбар суратида бўлолмас, андин кейин, кўб-кўб арманилар мусулмон бўлуб, Иноқтоз кал қиморбозға малукона хилъатлар бердилар. Қайсар Иноқға кўб эътиқод қилиб, ўзидин жудо қилмас бўлди. Бир кун Иноқтоз айёрлик ишини соз айлаб, Қайсарга айди: мен бир сир билдим, жанобингизға малол келмаса, айтайин, деди. Қайсар «айғил», деди. Андин кейин Иноқтоз айди: «мен эшиттимки, Куёнусға Амир Темурнинг синоҳлари сўз

берибдур, сизни қатлингизга қасд қилмиш, тонгла ёқасиз совут кийиб келур эрмиш, сиз ҳам ишингизга ҳозир бўлинг, сизнинг феъл-атворингизни билдим, барча ишингиз адл ила бўлуб, шарифати нубуввий бирла амал қилурсиз. Куёнус холо мусулмон бўлса ҳам асли кофирдур, Амир Темур бўлса золимдур, сизга дўстлигимдин бу сўзни айтурман», деди. Қайсар айёрни сўзини чин билиб, ҳуши бошидин учти. Соатидин кейин Иноқтоз фурсат топиб, Куёнусни қошига келиб, айди: ҳозир бўлғил, Қайсар сендин бадгумондур, тонгла ёқосиз совут кийиб, албатта сени ўлдургайлар. Бу сўзни кишига айтмағил, нечукким, мен сени тузунгни кўб едим, мени кўб тарбият қилдинг, бу сўзни дўстликдин айтурман. Яна дини ҳақга дохил бўлуб, мусулмон бўлдинг.

Куёнусни мунга кўб ихлоси бор эрди, Иноқ айёрни сўзини чин билиб урушмоқга ҳаракат қилиб, баҳодурлар аслаҳа ва яроғларни тоқунуб, бирдан Қайсарга юзландилар. Қайсар ҳам булардин хавотирда бўлуб, сипоҳларини тайёр қилиб туруб эрди, буларни кўрдиким, жанг қилмоқга келурлар. Филҳол, Қайсари рум аскарларга «от қўй» деб буюрди. Қайсарни аскарлари бирдан от қўйиб келиб, Куёнусни калласини танасидин жудо қилдилар. Ёроғларни тарақа-туруқ овози оламга тўлуб бир-бирини ўлдирди бошладилар. Иноқтоз айёрлиқни соз айлаб, арманларга бориб, овоз қилиб айди: Эй арманилар, хонларингизни румийлар ўлдурди, сипоҳларингизни ўлдурурлар, сизлар қандай ором қилурсиз?!

Куёнусни ўғлини оти Қалмус эрди, отасини ўлганини эшитиб, карнай тортиб, аскарини жамъ қилиб, бирдан жангга ўзларини урдилар. Румийлар бирла арманилар андоғ жанг қилдиларким, чангу тўзон хавога ўрнади, Амирга қўйгон посбонларгача урушга кирдилар. Иноқтоз айёр вақтни соз топтиким, фурсат ганиматдур, ул ерда ўғли Хуморий ҳам ҳозир бўлуб, айёрлиқ бирла Қайсарни уч отини оғулдин келтуруб, филҳол, Амир Соҳибқиронни бойлуқларини ешиб, отга миндуруб учовлари отқа сувора бўлуб, ўртага Амирни олиб, шаҳарни дарвозасига қараб боравердилар. Иноқ бирла ўғли ёвни ичида юрганидин ўзбак бекларини асло хабари йўқ эрди. Дарвозага келиб, дарвозабонга айдилар: Мен Иноқ бўлурман, мана Амир Соҳибқиронни олиб келдук, деб чақирди. Андин кейин дарвозабон билиб, дарвозани очтилар. Беклар ва тўралар келиб, қадами Амир Соҳибқиронга ўзларини ташладилар. Беадад ва беҳисоб тасаддуққот қилдилар. Ўзбак баҳодурлари тўхтовсиз Қайсарга қараб от қўйдилар. Ул тарафдин арманилар, бу тарафдин ўзбаклар бўлуб румийларни ўлдурди бошладилар. Қайсарга хабари еттиким, Амир Темур нажот топибдур, деб. Қайсар бу сўзни эшитиб, саросима бўлуб, қочмоқга юз қўйди. Румийлар фароқанда бўлгондин кейин Қалмус аскарини олиб ўз манзилига ёнди. Ул куни Амир Соҳибқиронни ҳаммомга келтуруб, муборак баданларини ювуб, ҳўкиз терисидин олиб, нафоис энгилларни кийгуздилар. Андин кейин, Ангурийяни ўз аҳлига бериб, уч кундин кейин келиб Истанбулни фатҳ айладилар. Андин кейин Румни олмоқни ҳаракатиға туштилар.

## БУ ДОСТОНДА МИРЗО ХАЛИЛ ТЎРА ҚАЛМОҚ БИРЛА ЖАНГ ҚИЛИБ, ҚЎБ МУСУЛМОНЛАР ШАҲИД БЎЛҒОНИ, АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН ҚАЛМОҚ КЕЛҒОНИНИ ЭШИТИБ КЕЛИБ, ШОҲИЗИНДАНИ УСТИҒА ГУНБАЗ ҚИЛҒОНИНИ БАЕНИ

Энди, Амир Темур Соҳибқиронни Истанбулга қўйиб, Мироншоҳ тўрани ўғли Мирзо Халил тўрадин сўз эшитмак керак. Вақти келиб, Амир Соҳибқирон набираларини Самарқандга тахт узра қўйиб кетиб эрдилар. Бир кун Самарқандга хабар келдиким, қалмоқдин ёв келиб, Тошкандни талон қилибдур, деб. Мирзо Халил тўра эшитиб, аскарларни жамъ қилди. Андин кейин мирзо Халил тўра қўшунларини олиб, Сир денгизига етиб келдилар. Аскарларни баъзилари денгиздин ўтмайлуқ, деди. Аммо аксар қабул қилмай, ўттилар. Вақти келиб, қалмоқлар бирдан етиб қолди, барчаси отларини жоловини елкаларига солиб, ҳийла қилиб, яёв келур эрди. Мусулмон сипоҳлар ҳам яёв бўлуб, отларини мирохурларга бердилар. Муни кўруб қалмоқлар, филҳол, отларига миниб, бирдан мусулмонларга қараб югурдилар. Мусулмонлар ҳам отларини минмоқга ҳаракат қилса, мирохурлар бу ғавғони кўруб, «эби-эби» деб қочиб кетаверди. Андин кейин ул кофирлар аксар мусулмонларни устидин от чопиб, ўтуб, барча мусулмонларни шаҳодат даражасига етқурдилар. Тўра бирла Хожа Исматулло денгиздин ўтуб, минг машақат бирла пиёда қочиб келиб, Самарқанд ичра кириб қамалдилар. Қалмоқлар беадад ва беҳисоб аскар бирла Самарқандни атрофини халқа каби олди, ҳеч киши Самарқанддин ташқари чиқолмади.

Ровийлар андоғ ривоят қилурларким, қалмоқлар ичра бир қари киши бор эрди, кўб сўзга етук эрди. Шаҳр ичра элчи киргузуб, бу шаҳр ичра масалага етук мулло бўлса чиқиб, мени бир неча сўзим бордур, келиб жавоб берсун, деб юборди. Барчалари Хожа Исматуллони муқаррар қилиб, қалмоқни олдига чиқордилар. Ул қари киши Хожага айди: «чўнтақингда оғу борму?» Хожа айди: «бордур», Қари одам айди: «нега олиб юурсан?» Хожа айди: «мен шайхи фоний, яъни қариб қолгон кишидурман, мабодо қалмоқлар озор берса, оғу еб ўлайин дерман». Анда қари киши бирла Хожани ўрталарида кўб раддубадал сўзлар ўтти. Қари киши айди: Эй-Хожа, билгил ва огоҳ бўлгил, шул вақт Амир ул муслимин, яъни мусулмонларни хони барча мамлакатларни олиб, ўзига мусаххара қилубдур. Анинг ўлимига не хабар берурман? Анга уч аломат бордур. Аввалги аломат шулким, бу вилоятларда оққуш зоҳир бўлуб, архайл деб уч мартаба сайрағай. Иккинчи аломат: бир ўгул онадин туғулуб уч мартаба «олло» дегай, барча ани билуб, эшитгай. Учунчи аломат: қуёш тутулгай, юлдузлар отилгай. Бу сўзларни сенга айдим, албатта, хотирингда сақлагил.

Андин кейин Хожа шаҳрни ичига кирдилар. Аммо Самарқанд одамларини қалмоқ кўб зиқлиқга олди. Ул вақт ҳазрат Шохизиндани устилари ва Чўпон отани муборак қабрларини қалмоқлар олиб, Шохизиндани қудуқларини ичига кўб пажосатларини ташлаб

эрдилар. Бир кеча қалмоқларға тўсиндин ғавғо тушиб, тоқат қилолмай, ул ердин қочтилар. Самарқандликлар кўрдиким, қалмоқлар ул ердин кўчубдур. Бир нечалари шишиб ўлуб ётурлар, кўрсаларким, юз минг-минг илон ул мавзеъдаги тефада юрурлар. Аммо мусулмонларға дохил қилмас эрди. Бир қалмоқни топиб, бу ишни сирридин сўрдилар. Ул айди: «Бу қудуқ ичра насожат ташлаб эрдук, бу илонлар мундин чиқиб бизларға қасд қилди». Аммо ҳеч киши ул қудуқни сиррини билмадилар. Яна қалмоқлар Самарқандға қасд қилдилар. Мусулмонлар кўрқувда эрдилар. Ногоҳ, субҳ вақтида бир оққуш келиб, овоз қилиб, «архайл, архайл архайл» деб фарёд қилиб эрдиким, ул кун қалмоқларға кўрқув пайдо бўлуб, бирорта қолмай қочиб кеттилар. Хожанинг кўнглиға қари киши айгон сўзи келди. Ул қушни кейнидин бир лак қуш келиб, барчаси сукутда бўлуб, андин кейин ул қушлар илонларни тумшуглари бирла териб олиб, қудуқни ичиға ташладилар. Ўзлари ҳам қудуқни ичиға кириб ғойиб бўлдилар. Ул тонг вақтидаги қуш яна «архайл, архайл, архайл» деб кўздин ғойиб бўлди. Аммо Амир Темур Соҳибқирон Румни ҳам ўзларига табеъ қилиб, қалмоқлар Самарқандға келиб, қамалға олгонини эшитиб, тезлик бирла Мовароуннаҳр ва Туркистонға келиб эрдилар. Самарқандликлар эшитиб истиқболиға чиқтилар. Амир Соҳибқирон асъасаю дабдабаю шон-шавкат бирла Самарқанд ичра кириб, ўз тахтларига жулус айладилар. Ҳазрат Амир Темур Соҳибқиронни олдидарида қудуқни воқеасини билган кўрганларини баён қилдилар. Андин кейин Амир: «Қудуқни сиррини ҳеч ким билғайму?» деб сўрдилар. Мунинг воқеасини хабар бергувчи киши топилмади. Атрофға жарчи қўйдилар. Ул замонда оти Ҳидо деган бир йигит бор эрдиким, ҳар илмдин хабардор эрди, ўзи ҳам паҳлавон, ҳар ишға баҳодур эрди. Ул Амир Соҳибқиронни хизматларига келиб, салом қилиб қўлини алиф-лом қилиб, айди: «Эй Амир Соҳибқирон, вэй Искандари Соний, мен фақирингиз, «Тарихи Таборий»да кўруб эрдим, саҳобалардин Қусам ибн Аббос отлиг киши кофирлар бирла жанг қила-қила, бул ғорға кириб ғойиб бўлгондур, ҳали ҳам тирик эрмиш дерлар». Амир Соҳибқирон анга айдилар: Эй йигит, бу ғор ичра ўзунг кириб, бизларға бору йўқини маълум қилғил. Ул йигит қабул қилмади. Амир анга кўб олтулар ваъда қилиб, илтижо қилдилар. Яна айдилар, бу мавзеъни зиёратгоҳ қилсак, мундай оёғости бўлмас. Сўнгра Ҳидо лоилож қабул қилди, ани қудуқни бошиға келтуруб, белини арқон бирла боглаб тушурдилар. Етмиш газлик ерға борғонда арқон бўшолди. Билдиларки, Ҳидо қудуқни остиға етти. Ҳидо кўзини юмуб, соатидин кейин очиб қараса, бир тарафдин ғордин андак йўл бордур, андин кейин баҳодурлик бирла юруб бир ерға равшан ва ёруглиққа келди. Анда эшик очуқ турур, кўрсаким, ҳайҳот боги аъзим жилва берди. Турлу-турлу емишлар пишган, андин кейин тамонию қилиб, гўё Боғи Эрамға ўхшар, бир ерға келса, икки арслон бир йиғочға бойлуқ турур. Андин кейин боғ ичра яшил кийумлик икки кишини кўрди, табақда таъом келтуруб, иккала арслонни олдиға қўйдилар. Арслонлар таъомға машғул бўлдилар. Алардин баҳодурлик бирла ўтуб, бир ерда ховузи

кўрдиким, тўла сўт турур. Аммо ҳовузни атрофидаги дарахтларнинг узвида минг-минг илонлар ўролиб ётур. Илонлар келиб, сутдин ичиб турурлар. Ул мавзеъдин ўтуб, бир ерга келса, одамни овози келур. Анинг қошига келиб сўз сўрди. Ул айди: «Кечаси қоронғуда юруб, билмай қудуқни ичиға йиқилиб тушиб қолдим, андин кейин бул ерга келдим, бул йиғоч белимдин ушлаб қолди». Кўраки, дарвоқеъ йиғоч белидин қисиб қолибдур. Хохласаки, бу сирни анга сўзласа. Ногоҳ ҳаводин яшин келиб, ани куйдуруб юборди. Ҳидо муни кўруб, кўнглига кўрқув тушиб, секин-секин ўзга тарафга юрди. Бир ерга келса, гунбаз кўрунди. Анга борса Қуръон тиловат қилиб овози келур. Ул ерда Ҳидо баҳри ҳайратда бўлуб турур эрди. Соатидин кейин юз-юз етмиш киши, барчалари оқ кийумлиқ, етиб келдилар. Гунбаз ичидин бир йигит чиқти, қора соқол, ёнида яна бир киши полос келтуруб солди. Фузалолари полосни устига ўлтурдилар. Андин кейин яна етти киши келдилар, барчалари яшил кийумлиқ, соати ўтуб, пўш-пўш овози келаверди. Ҳидо кўраки, қирқ бир киши ҳозир бўлдилар. Аларни ичида бир йигит қора отга сувора ўлуб келур. Олдида нуроний кишилар зикр айтиб келурлар. Барчалари ул йигитни жиловивадаурлар. Отдин тушуриб, барчадин юқори ўткуздилар. Ҳар тарафдин сўзлашиб ўлтурдилар. Ул йигит айди: «Дунёдин ҳеч хабарларингиз бўлдиму?» Айдилар: «Бул ерга бир йигит келубдур». «Бери олиб келинглар». Бориб олиб келдилар. Ҳидо ул зоти боборакотга салом қилиб, таъзим бирла қўлини алиф-лом қилиб турди. Ул зот айдилар: қандай одамсан, бул ерга нима учун келдинг? Ҳидо тавозеъ бирла айди: «Эй тақсир афандим, Амир Темур Соҳибқирон султонимиз амри бирла бул ерга туштим». Ул азиз айдилар: дунёдин нима сўз келтурдинг? Бул айди: Ер юзида Амир Темур Соҳибқирон барча мамлакатларни ўзига мусаххара қилубдур. Эмди сизни маълумингизни билмоқга ул мени бул ерга тушурубдур. Ул зот айдилар: «Эй йигит, билғил, мени Шоҳижавон дерлар, отим Қусам ибн Аббосдур, ҳазрат Исо пайғамбарни нозуллариғача тирик бўлурман. Буларни кўрдинг: барчалари рижол ул ғойиб, яъни ғойиб эронлардурлар. Ҳар жамоъа охшом бизни зиёрат қилмоқ учун келурлар. Буларни бошлиқлари Қатабдурлар. Эмди сендин бир неча сўзларни дунё ваҳидин сўргайман: «Халойиқ намоз ўқурму?»

Ҳидо айди: «ўқурлар». Яна айди: «Масжид ичра жамоат бўлурму?» Ҳидо айди: «оре». Яна айди: «Рўза тутарму?» Ҳидо айди: «бир ой рамазон шарифда рўза тутарлар». Ул зоти шариф яна айдилар: «алҳол, нозулу Исо хуружи Дажжол йироқдур». Яна айдилар: «Эй Ҳидо, бул ерга нимага келдинг, бу билган сиррингни сақламасанг, куйуб кул бўлғайсан, эмди мундин чиқсанг, бу сирни ҳеч кишига айтмағил». Ҳидо туруб анда фарёд қилиб айди: «Эй тақсир афандим, агар бу сўзни айтмасам, Амир Темур мени пора-пора қилғай, нима илож қилурман», деб зори қилиб йиғлайверди. Анда Шоҳижавон айдилар: «Эй Ҳидо, Амир Темурдин кўб хусуллик» ер талаб қилғил авлод-авлодингга қолгудек, лекин бу сирни айдинг, авзонгга нуқсон бўлғай, яъни кўр бўлурсан, яна

сендин туғулғон авлодларингача кўр бўлурлар, қиёматгача бу иш боқий қолур, бул ишинг, Амир Темурдин дунё таъма қилдинг, холисонлилло қилмадинг, нуқсонлиқинг андиндур. Яна Ҳидо йиғлайберди, яна айдилар: «Ҳашр кунида барчадин илгари олло таолони жамоли бокамолини кўргайсан». Ҳидо бу ишоратни эшитиб, йиғламоқдин андак таскин топти. Ҳидони қўлиға бир қути бердилар, «муни Амир Темурға бергил», деб. Бу йигитни олиб бориб қўй, деб бир сўфиға буюрдилар. Ул қудуқни остиға бир дамда келтуруб қўйди. Арқонни белиға боғлаб эрди, арқон ҳаракатға келгандин кейин қудуқни бошида турган кишилар тортиб олдилар. Андин кейин Ҳидони Амир Соҳибқиронни олдиларига олиб келдилар, барча одамлар тамошоға келдилар. Амир Ҳидодин савол қилдилар: «нима сир кўрдинг?» Ҳидо айди: «қудуқни ичиға кируб, ушбу қутини топтим, ўзга ҳеч нимарсани билмадим», деди. Амир Соҳибқирон яна ўз ихтиёриға қўймай, яна сўрдилар, лоилож айди: «менга кўб-кўб дунё керак, нечукким, мен сўқур бўлғаймен, яна авлод-авлодларим инқирози оламгача сўқур бўлғайлар». Амир Соҳибқирон айдилар: «мендин нима талабинг бор, тилағил». Ҳидо айди: «кўб ер бўлса, барчаси ҳусуллик бўлса». Амир буюрдилар, бир яхши югурук от келтуруб бердилар. Амир айдилар: бу отға мингил, қай ерни хоҳласанг, кўргил, чарчаб ҳорғунча қанча бўлса, анинг барини сенга бердим, деб марҳамат қилдилар. Ҳидо дарҳол отға миниб, хоҳлаганича ерни кўруб келди. Амир Соҳибқирон анинг авлодиға вақф қилиб, хат муҳрлаб бердилар. Андин кейин Ҳидо кўрган-кечурганларини, ҳазрат Шоҳижавонни айғон сўзларини Амирға бошдин баён қилди. Ушул замон кўзидин дурра ёш тўкулуб кўрмас бўлди. Сўнгра Амир қутини келтуруб очиб кўрсалар, бир қитъа қоғоз ичиға бир алиф, бир зол, бир жим ҳарфи ёзилмиш. Андин ўзга нимарса йўқтур. Барчалари тахаййир бармоқин тишлаб, ҳар ким ўз хаёлларига келган сўзни айдилар: аларни сўзи Амир Соҳибқиронға маъқул бўлмади.

Умарою физзамонаға маъқул бўлса, фақир муаллиф ҳам бир сўз айтиб ўтгай. Маълум бўлсунким, алиф ҳарфи бирдур, зол ҳарфи етти юздур, жим ҳарфи уч турур. Амир Темур оламдин ўтгандин кейин, етти юз уч ё тўрт йилдин кейин бир аломат зоҳир бўлса керак. Яна алиф маъниси ҳар ким бу дунёға келди, зол маъниси шитоб ила кетмак, жим маъниси ҳар мўмин-мусулмон киши мустаъидул мавт бўлмоқ керак. Алқисса, андин кейин ул қудуқни беркитиб иморати олий қилиб, гунбаз кўтариб, айвони кайвон қилдуруб, қирқ зина бирла кўтариб, зиёратгоҳ қилиб, анга мунаққаш ғиламларни тўшаб қўйдилар. Ҳожатмандлар бориб зиёрат қилурлар. Ушул вақт Амир Соҳибқиронға хабар келдиким, Хитойдин элчи келур, деб. Ул Хитойдин келган элчининг оти Мавлоно Бурундуқ эрди, ул киши мусулмон эрдилар. Амир Соҳибқирон они Шаҳрисабзға таъйин қилдилар. Кўрунушни анда қилурман, деб. Ул кун Амир Хитой юртиға бормоқни кенгаш қилдилар. Бекларға маъқул бўлмади. Кеч бўлгоч Иноқ вазир ва неча маҳрамлар бирла ариғ ёқосиға бордилар. Андин кейин сувға тушиб ғусл қилиб чиқиб эрдилар, бир маҳрам шиша ичра гулоб

келтуруб Амирни бошлариға қўймоғда эрди, шиша қўлидин тошни устиға тушти, синмади. Иноқ вазир айди: «Эй Амир афандим, Хитой юртиға бормоқни кўнгилдин кўтаринг, иқболингизни баландлигини кўринг, шиша тошға тушса ҳам синмади. Бу Иқболни идборға келтурманг. Амир айдилар: ҳар нима худони хоҳлаши бирла бўлур.

## БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН ЮРТНИ УЛУҒЛАРИҒА ТҶҲ ҚИЛИБ БЕРИБ, АНДИН КЕЙИН ӲТРОР МАВЗЕЪИҒА БОРИБ, АМИР ПАРВАРДИГОР БИРЛА ВАФОТ ТОБҚОНЛАРИНИ БАЕНИ

Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Амир Соҳибқирон юртларни улуғларини жамъ қилмоқға минг-минг тўй асбоб ва олотларни омада ва тайёр қилиб, хайма ва чодирларни қўруқ Қонигил мавзеъиға келтурдилар. Шаҳр халқи уламо ва фузалолар, ёшу қари барчасини ул ерга таклиф қилиб, чорладилар. Тўб-тўб, ғуж-ғуж, гуруҳ-гуруҳ бўлуб келавердилар. Ҳар қайсилариға алоҳида, ўз жинслари бирла ўлтурмоқ учун жой ораста қилдилар. Қирқ кеча ва кундуз тўй-томоша қилдиларким, бу тўйни Жамшид кўрса тахайюр бармоқин тишлаб, рашк ўтиға ўзини урар эрди. Қирқ кунгача барча турлук-турлук таъомдин мамнун бўлдилар. Ҳеч киши бирор нимарсаға муҳтож бўлмадилар, барча нимарса муҳайё эрди. Ғарибу ғурабо, мусофир ва мусокинлар қўб-қўб ош ва таъомға тўлдилар. Аммо етти иқлимни амирзодаларидин етти юз тўқсон олти кишиға малукано хилъатлар бердилар. Хитойдин келган элчини олдида тўйни тамом қилдилар. Элчига ҳануз кўринуш, қилгонлари йўқ эрди. Қонигилни бир тарафи Чўпон отаға яқин тефа эрди, они машриқ тарафи катта йўл эрди. Анга чодирларни тикиб, элчини анга туширдилар. Анда элчини турлу-турлу таъомлар бирла зиёфат қилдилар. Аммо элчи Хитой ҳоқони Чиндин келтурган совгот тухфаларни Амирға берди. Амир ҳар мақулаи ахбор ва атвори Хитой мочиндин сўрдилар. Андин кейин Хитой элчисига молукона хилъатлар бериб жўнатдилар. Андин кейин Амир Темур Соҳибқирон Самарқанддин аркони давлат бирла Ӳтрор мавзеъиға бордилар Ул вақт Ӳтрор мавзеъи қўб катта шаҳар эрди. Шаҳри Сайруомнинг ўнг ёнидаги Арас суйи анга бориб тасарруф бўлур эрди. Амир Соҳибқирон пойтахтни ул мавзеъға бино қилдилар. Анда тарихнинг сақкиз юз еттисида (1405 й) эрди. Ул вақтда Мирзо Шохруҳ тўра Ҳиротға ҳоким эрди. Мироншоҳ тўра Бағдодға султон эрди. Султон Муҳаммад набиралари Қандаҳорға валиаҳд эрди. Ўзга авлодлари бирла Сарой Мулк хоним Самарқандда эрдилар. Амир Соҳибқирон Искандари соний Чигатой ўзбак беклари бирла Ӳтрорда тахти салтанат узра эрдилар. Ул вақт етти иқлимдин Амир Соҳибқиронни хизматида етти юз тўқсон олти мўтабар бекзодалар бор эрди. Истанбулдин Мир-Сайид Шариф ҳам бирга келган эрдилар. Мавлоно аллома Тафтозоний ва Хожам Баҳовуддин начанд уламо ва фузалолар

Амир Соҳибқиронни олдида эрдилар. Самарқанд ва Тошқанд ва Туркистон вилоятлари андоқ обод эрдиким, етти иқлим барчаси Амир Соҳибқиронга тобеъ эрди. Хаттоки, Машриқдин Мағрибгача ҳукмлари юрар эрди. Аҳли ҳикмату ҳунармандлар Хиндистону Фарангистон, Рум (дин) келган эрди. Ўттиз йилдин бери Салотин ва ҳавоқинлардин келтурган олтун-қумушларни ҳазинаға жамъ қилдилар. Амир Соҳибқирон ҳазрат Султон орифин Туркистон ичра қабри шарифларига марқад кўтариб, иморат олий қилиб, қанча ерларни вақф қилиб, андин кейин яна ҳазрат шайх Зайниддин кўйи орифониға Қайковус суйидин наҳри азим чиқориб, қул, чўри бирла назр этиб, қабрларай узра гунбаз кўтариб, андин кейин Занги отани муборақ қабрларини бино қилиб, демишларким, ҳазрат Султон ул орифин ҳазрат Занги отаға холовачча эрдилар, ваъда қилиб эрдиларким, бир олий ҳиммат киши чиқиб, бизни қабримиз узра таъмир бино қилса, аввал сизға таъмир қилгай деб эрдилар. Вақти келиб, ҳазрат Султон ул орифинни қабри шарифларини биносиға урнадилар. Андин кейин, бир жонувор кечаси бўлгоч бузуб, кетаверди, Амир Соҳибқирон ҳайрон бўлуб, бу сирдин воқиф бўлди. Андин кейин, Тошқандға келдилар, ахтариб муборақ жасадларини қайда эканини билмадилар. Тошқанддин узоқ бир тош ерда Амир Соҳибқиронни отлари юрмай, тўхтаб қолди. Кўрсаларким, ул ердин бир қўл чиқиб, отларини оёғини ушлаб турур. Дарҳол ул ерға таъмири олий бино қилдилар. Андин кейин ҳазрат Султон у орифинни қабри шарифларига гунбаз кўтардилар, ҳар қайсилари таворихда маълумдур. Кўб авлиёларни қабри шарифларини ҳазрат Амир Темур бино қилгон эрдилар. Яна кўб-кўб жойларға масжид ва мадрасалар бино қилгон эрдилар, барчаси таворихда маълумдур.

Кунлардин бир кун Кошғар шаҳридин элчи келиб, дедиким: «Эй Амир Соҳибқирон афандим, қалмоқлар хуруж қилиб бизни шаҳримизға келур», деди. Андин кейин Амир Темур Соҳибқирон уч ойгача аскарларға кўрук кўрсатдилар. Сипоҳларға амр қилдилар, қалмоқлар жангига отланинғлар, деб. Бу сўзни беклар манъ қилдилар. Нечукким, ул вақт кишни тўқсони эрди, кун кўб қаттиғ совуқ эрди. Амир ғайратларига чидолмай ўрдадин ташқарига чиқтилар. Вақтиким, шаъбон ойини еттиси сешанба кунини ўрдани равоқида ўлтуруб, сочларини олдуруб ўлтуруб эрдилар, ўшул замон Амирга бир боди муҳолиф келуб тегди. Аҳволлари ўзларига маълум бўлуб, Мирзони чақириб ушбу рубойини ёздурдилар:

Н а з м:

*Чу бир соат, чу бир лаҳза, чу бир дам,  
Бўлак ҳол ўзгарур аҳволи олам.  
Бугун Соҳибқирон жони амири  
Жасаднинг кишваридин тобса барҳам.*

Алқисса, соати ўтмай ранг ва туслари тағайюр тошиб, андак вақтдин кейин руҳ тўтиси тан қафасидин учмоқ боғчаларига



тайрон қилди. Муборак жасадларини Сарой Мулк ойм булғор ичра олдуруб, Самарқандга олиб келиб, жаноза ўқуб дахмага дафн айладилар. Мотамларида барча уламоу фузалолар йиғлаб уч кунгача умаро, беклар ёш ўрнига қон йиғладилар. Хожа Исмадулло бу марсияни айтиб, тўралар бирла ахийлар йиғлар эрди.

### Ғ а з а л:

*Буз чодиринг фалакким, султон ўлди ғойиб,  
Тун ичра эрди чун моҳи тобон бўлди ғойиб.  
Ёруқ жаҳон қуёши, ислом элини боши,  
Дин эрди кўб талоши, дайван ўлди ғойиб.  
Оламни қилди дарбар, Соҳибқирон Скандар  
Соний демиш эронлар, ёрон ўлди ғойиб.  
Дин эрди жустиўжўси, шартъи эрди гуфтугўси,  
Миллатни обрўси, бурҳон ўлди ғойиб.  
Нўширвондек одил, ҳам олим эрди, фозил,  
Ҳар ишга ақли комил, фарзон ўлди ғойиб.  
Давлатда ким Сулаймон, фиғратда чун Фалотун,  
Ҳикматда эрди гўё Луқмон ўлди ғойиб.  
Эҳсонда мисли Хотам, шавкатда эрди чун Жам,  
Зўрлиқда ҳам чу Рустам, паҳлавон ўлди ғойиб.  
Ғайратда мисли арслон, дашт ичра ёки қоплон,  
Баҳра наҳанг-у саъбон, шужоъбон ўлди ғойиб.  
Фарзанди ақли нўён, Турағай баҳодур ўғли,  
Саййид Амир Темурхон Кўрагон ўлди ғойиб.*

Аммо Хоним бу ғазални айтиб йиғлар эрдилар.

### Р у б о и й:

*Илоҳи, қорайсун фалакни юзи,  
Тўкулсун кўзум ёшидек юлдузи.  
Куйуб Ой, тутўлсун қуёши анинг.  
Бу мотамга зулмот ўлуб кўндузи.*

Алқисса, қорилар начанд кун хатми Қаломуллоҳ қилиб, фақир у мискинларга ону таъом бериб, савобини руҳи пурфутуғ Амир Соҳибқиронга бағишладилар. Лудин кейин умаро ва беклар машварат қилиб, кенгаш бирла мирзо Халил тўрани хазрат Амир Темур Соҳибқиронни ўрниларига тахт узра қарор бердилар. Амир Соҳибқирондин кейин барча фароқанда бўлуб хар шаҳрда ўз олдича подшоҳ кўтариб, ўзларини отларига сикка уруб, хутба ўқутдилар, валлоҳу олам, биссаваб фақир.

Эмди, эй ақл эгалари, азиз қардошлар, бу ўткунчи дунёга фақир муаллифдин бу «Темурнома» китоби ёдгорлик қолиб, муни ўқусангиз мен фақирни ота-онасини дуои хайр бирла ёд

қилгайсиз, яна сизларни ота-она, ўтганларингизни раҳмат қилиб, тирикларингизни имон бирла саломат сақлагай.

Фақир муаллиф ҳазрат Амир Темур раҳматуллоҳ алайҳа дostonларини кўб муътабар нусхалардин неча меҳнат ва машаққатлар чекиб, форсий тилидин турк тилига таржима қилдим. Илоҳи, ҳаммага маҳбуб ва марғуб қилғил, омин.

Бу ўзга жанг китобларидек эмас, чунки мунда ақлга далолат қиладиган ҳикмат сўзлар кўбдур. Мурғ йилини аввалидин бошлаб, бир йили комилдин кейин, тарихнинг 1328 (1908 й) санасида, рабби ул охирни еттинчисида итмолига етти, алҳамд ул лиллоҳи раббил олабийн.

Андин кейин ушбу китобни фатонат маоб маҳорат ул китоб Мирзо Аҳмад, қорига тобшурдим.

### Т а р и х:

*Баҳри мидода чумди боғлаб белин бу хома,  
Кўб қилди жустужўлар айлаб «Темурнома».  
Тангримға шукр беҳад бу сўз топубдур анжом,  
Минг уч юзу йигирма саккизда<sup>1</sup> ҳам тамома.*

---

<sup>1</sup> 1908 йил.

## «ТЕМУРНОМА»ДА УЧРАЙДИГАН НОТАНИШ СЎЗЛАР УЧУН ЛУҒАТ

### А

- Абас* — беҳуда, фойдасиз  
*Аббосийн* — Аббосийлар. Беш аср (750—1258) ҳукм сурган араб халифалари сулоласи  
*Абёт* — байтлар  
*Абжад* — араб алифбосида сонларни ифодаловчи саккиз сўз  
*Аврат* — шарм аъзолар; аёл, хотин  
*Авсан* — бут, санам  
*Авқоф* — вақф мулки (масжид, хайрия даромади)  
*Адад* — сон, ҳисоб  
*Адам* — йўқлик  
*Адувия* — душманлар, ёвлар  
*Ажам* — Эрон мамлакати ва халқи  
*Аждод* — ота-боболар  
*Ажзо* — бўлақлар, қисмлар  
*Ажр* — мукофот, эваз  
*Азрақ* — кўк тусли, яшил  
*Аимма* — имомлар, дин пешволари, олимлар, мазҳаб бошлиқлари  
*Аймоқиййа* — аймоқлар, мўғул жамоаси  
*Ақобир* — энг улуғлар, энг катталар  
*Аққун* — ҳозир, энди, шу дам  
*Алайҳи* — унга  
*Алайҳис-салом* — унга салом  
*Алам* — байроқ, туғ, белги, аломат  
*Алҳол* — энди, ҳозир, шу пайт  
*Амир-ун-нос* — эл амири  
*Амрад* — ўспирин, соқоли чиқмаган йигитча  
*Анбиё* — набилар, пайғамбарлар  
*Анвар* — энг нузли, энг равшан  
*Анвоъ* — навълар, ҳар хил, рангба-ранг  
*Ангиз* — қасд, қўзғатиш, тезлаш, бошлаш  
*Андоз* — ташловчи, отувчи, улоқтириш  
*Андоза* — ўлчов, қолип, нусха  
*Анодил* — булбуллар  
*Аном* — кишилар, халқ  
*Ансоб* — насл-насаб, насллар

*Анқариб* — яқин кунда, тез орада, яқинда  
*Арбоби таърих* — тарих эгалари, тарих билимдонлари  
*Арг* — ҳожат чиқармоқ  
*Арожиб* — беҳуда сўзлар, миш-мишлар  
*Арса* — майдон, саҳн  
*Арус* — келин, келинчак  
*Арш* — осмоннинг энг юқориси, энг юқори жой  
*Арғинун* — орган, чолғу асбоби  
*Арғин* — уруг номи  
*Асас* — миршаб, тунги соқчи  
*Асвол* — саволлар, сўроқлар  
*Асном* — кишилар, халқ  
*Асолат* — асил зотлилик, аслзода  
*Асолит* — исмлар, номлар  
*Асотир* — афсоналар  
*Асрор* — сирлар, яширин нарсалар  
*Асрори ғойиб* — ғойиб сирлари  
*Асфар* — сарик, сап-сарик  
*Асфиё* — пок, тоза, танланган  
*Асфал* — энг паст, энг қуйи, тубан  
*Асофил* — пастлик, тубанлар  
*Асъаса* — дабдаба  
*Асҳобулфил* — суҳбатдошлар  
*Атбоъ* — тобе қилиш  
*Атвор* — юриш-туриш, хулқ, феъл, қилиқ, одат  
*Атиббо* — табиблар, ҳакамлар  
*Атрок* — турклар  
*Афлок* — фалак, осмон  
*Афрод* — зотлар, кимсалар  
*Афроз* — баланд жой, юксалтириш, кўтариш  
*Афсар* — тож жигаси, бирор нарсанинг учи  
*Афсор* — нўхта, жилов, тизгин  
*Афсарий* — жигали  
*Афсурда* — руҳсиз, музлаган, сўлгин  
*Афтода* — заиф, тушкун  
*Афъол* — қилиқлар, хатти-ҳаракатлар  
*Афъи* — катта заҳарли илон  
*Ахбор* — хабарлар  
*Ашканён* — ашканийлар  
*Ашраф* — энг шарафли, эътиборли кишилар  
*Ашқол, ашғол* — машғулот, ишлар  
*Аъзам* — энг буюк, энг катта  
*Ақвол* — сўзлар  
*Ақд* — боғлаш, никоҳлаш  
*Ақолим* — иқлимлар  
*Ақрабо* — энг яқин кишилар, қарииндошлар  
*Аққим (Ақим)* — елдек учувчи  
*Аҳли суннат* — сунний мазҳабидаги кишилар  
*Аҳлоллоҳ* — диндорлар

*Аҳшо* — ички аъзолар (журак, буйрак сингари)  
*Аҳқар* — ҳақир, камтарин  
*Аҳқарулабад* — абадий ҳақир, камтарин кимса

## Б

*Барс* — йўлбарс  
*Бадал* — эваз, айрибош  
*Байн* — оралиқ, ўрта, ора  
*Бадв* — бошланиш, ибтидо  
*Байъ* — олди-сотти, баҳолашув  
*Байъат* — аҳду паймон, қарор, ваъда, эътироф этмоқ  
*Баковул* — хон дастурхончиси, ошпазлар бошлиғи  
*Барас* — пес, тери оқариш касаллиги  
*Бараҳна* — яланғоч, ҳамма ёғи очик  
*Барбат* — чолғу асбоби, ўрдак шакли  
*Баргузида* — танланган, мумтоз  
*Баргуствон* — бостирик, ўқ ўтмас ёпқи  
*Барканда* — қўпорилган, сугирилган  
*Барлос* — ўзбек уруғларидан бири  
*Барқ* — чақмоқ, яшин, ўт, олов  
*Барқут* — уруғ номи  
*Батнан баъда батнин* — насл кетидан янги насл келиши  
*Баҳр* — денгиз, уммон  
*Бекас* — кимсасиз, ҳеч кими йўқ  
*Беҳбуд* — яхшилик, нажот  
*Борсот* — қоплонлар  
*Богин* — ички томон, ич, кўнгил  
*Бузург* — улуг, хурматли  
*Буламуж* — овқат (ун, тухум, ёғ, асал аралашмасидан тайёрланади)  
*Булҳавас* — ҳавас килувчи, беҳуда нарсаларни истовчи, беқарор  
*Бурж* — илми нужумда қуёшнинг йиллик ҳаракат доирасидаги ўн икки нуқтанинг ҳар бири (мас., буржи ҳамал, буржи савр)  
*Бурё* — бўйра, кигиз остидан тўшаладиган қамиш тўқимаси  
*Бўрк* — эркаклар бош кийими  
*Буронғор* — лашкарнинг ўнг қаноти  
*Бухл* — бахил, хасис  
*Бухтуннаср* — золим подшоҳнинг номи

## В

*Важҳи гасмия* — от қўйиш, аташ сабаби  
*Вазъ* — тузилиш, яратилиш  
*Вазитъ* — наст, қуйи, оддий киши  
*Вазн* — ўлчов  
*Валиаҳд* — тоғу тахт вориси, ўрибосар  
*Валий* — авлиё, азиз, эга, соҳиб  
*Валлоҳу аълам* — худо билувчандир  
*Варз* — зироат

*Ваҳший* — илоҳий хабар  
*Вилоят* — катта маъмурий қисм, область, ўлка  
*Вирд* — дуо  
*Вожиб* — бажарилиши муқаддас бўлган ишлар  
*Восил* — эришувчи, етишувчи  
*Воқиф* — билувчи, огоҳ, хабардор  
*Вужуд* — мавжудлик, борлик, гавда  
*Вузаро* — вазирлар  
*Вуқуф* — билишлик, хабардорлик  
*Вуқуъ* — воқеъ бўлиш, юз бериш, пайдо бўлиш  
*Вуҳуш* — ваҳший ҳайвонлар, ваҳшийлик

## Г

*Газ* — узунлик ўлчови (70 см)  
*Гардун* — фалак, осмон  
*Гирих* — тугун, чигал  
*Гузин* — сайланган, танланган  
*Гуногун* — ранг-баранг, хилма-хил  
*Густоҳ* — адабсиз, андешасиз  
*Гуҳар* — гавҳар  
*Гўша* — бурчак, хилват, чет жой  
*Гўянда* — бахши, ҳикоя қилувчи

## Д

*Дажжол* — энг ярамас, энг ваҳший, инсоният душмани  
*Дайн* — қарз, бурч  
*Далв* — илми нужумда кўкдаги ўн икки бурждан бири  
*Далир* — юракли, дадил, жасур, шижоатли  
*Даргоҳбор* — эшик, остона, улуг кишилар турар жойи  
*Дарж* — киритиш, қайд этиш, ўралган хат  
*Даст* — қўл, қарра, марта  
*Дастовиз* — кичик, арзимас тўхфа  
*Дашти қипчоқ* — қипчоқ дашти  
*Дафъ* — қайтариш, рад этиш  
*Даҳма* — сағана  
*Даҳр* — дунё, олам, замон, давр  
*Даҳриё* — дунёвий  
*Диловар* — юракли, ботир, қаҳрамон  
*Додхоҳ* — адолат талаб қилувчи, ҳақгўй, адолатпаравар  
*Дорулбақо* — абадийлик уйи, у дунё  
*Дорулфано* — бу дунё, ўткинчи олам  
*Дурбин* — узоқни яқин этиб кўрсатувчи асбоб  
*Дуруд* — мақтов, дуо, салом, яхшилик тилаш, ибодат  
*Ду синар* — икки қат қалқон  
*Дубулға* — зирҳли бош кийим

## Ё

- Ёбон* — ёвон, чўл, дашт, дала  
*Ёвуқ* — яқин  
*Ёзуқ* — гуноҳ, айб  
*Ёй(Е)* — камон, ҳарф номи  
*Ёнмоқ* — қайтмоқ, ёниш, қуйиш  
*Ёрмоқ* — танга, ақча  
*Ёрғоғ* — теридан тикилган халтача  
*Ётуғон* — чолғу асбоби  
*Ёғлиц* — рўмол, дурра

## Ж

- Жабобир* — зулм, жабр-ситамда бўлиш  
*Жадй* — илми нужумда кўкдаги ўн икки бурждан бири (кийик шаклида тасаввур этилган)  
*Жаён* — ғазабли, қахрли, кўрқинчли, даҳшатли  
*Жазаба* — сўфийликда зикр чоғи ўзини билмаслик даражасига етиш, экстаз  
*Жайхун* — Амударёнинг қадимий номи  
*Жалис* — ҳамсуҳбат, мажлисдош  
*Жангжўй* — урушқоқ, жанговор  
*Жарида* — дафтар, якка, танҳо  
*Жарожар* — жар устига жар солиш  
*Жаҳонгир* — дунёни олувчи, жаҳонни бўйсундирувчи  
*Жаҳоннома* — ойнаи жаҳон (тасвирнинг ойнада акс этиши)  
*Жидди жаҳд* — зўр бериб инкор этиш, тиришиш  
*Жиход* — дин йўлидаги уруш, ғазовот  
*Жола* — ёш  
*Жониб* — тараф, томон  
*Жувонғор* — лашкарнинг чап қаноти  
*Жуд* — инъом, эҳсон, сахийлик, қўли очиқлик  
*Жузья* — ғайридинлик солиги  
*Жулус* — ўлтириш, мажлис  
*Жусту жў* — қидириш, ахтариш  
*Жуҳхол* — жоҳиллар, нодонлар

## З

- Забун* — ожиз, бечора, мағлуб  
*Завжа* — хотин  
*Зажр* — қийнаш, азоблаш, зўрлаш  
*Завлона* — бўғов, кишан  
*Закот* — диний солиқ, даромаднинг қирқдан бир қисми  
*Зан* — аёл  
*Занах* — бақбақа, сақоқ, беҳуда гаплар  
*Занах задан* — лоф урмоқ  
*Занб* — гуноҳ айб

*Занбурак* — замбарак, тўп  
*Зер* — ост, бирор нарсанинг таги, паст  
*Зибақ* — симоб  
*Зикр* — ёдга олиш, хотирлаш, сўзлаш  
*Зовия* — чекиниш жойи  
*Зойур* — зиёрат  
*Зомин* — кафиллик, бировга кафил бўлиш  
*Зоҳир* — ошқора, юздаги, кўришиб турган  
*Зулумот* — зулматлар, қоронғиликлар  
*Зулқарнайн* — Искандарнинг лақаби, икки шоҳли маъносида  
*Зудал* — Сатурн сайёраси  
*Зудд* — дунёдан воз кечган тақводор  
*Зўрхона* — харбий машқ биноси

## И

*Ибтидо* — бошлаш  
*Идбор* — бахтсизлик  
*Ижмол* — хулоса қилиш  
*Ижлос* — мажлис, ўтириш  
*Ижтиҳод* — ғайрат  
*Издиҳом* — тўнланиш  
*Излол* — хор қилиш, тўғри йўлдан адантириш  
*Ийд* — ҳайит, байрам  
*Илоҳ* — худо, оллоҳ  
*Имдод* — мадад, кўмак, ёрдам  
*Инжил* — христианларнинг илоҳий китоби  
*Интиқол* — кўчиш, ўтиш, ўлим  
*Интиҳоб* — сайлаш, тавлаш  
*Инқиёд* — бўйсунуш, берилиш  
*Ирфон* — билиш  
*Иршод* — тўғри йўл кўрсатиш  
*Илтисом* — фармонга итоат қилиш  
*Ислом* — мусулмонлар дини  
*Истиво* — бараварлик, туш пайти, тенглик  
*Истикмол* — комил бўлган, ниҳоясига етган  
*Истифо* — ҳақини олмоқ, сайлаб қўймоқ  
*Истифода* — фойдаланиш, илм олиш, ўқиш-ўрганиш  
*Истиъомот* — мадад сўрамоқ  
*Истиғфор* — гуноҳни сўрамоқ, тавба қилмоқ  
*Итлоф* — йўқ қилиш  
*Ифтиҳол* — ҳийлагар, сохтакор, бўҳтон қилиш  
*Ишқол* — мушқул,  
*Иштибоқ* — шубҳа гумон  
*Ихрож* — хайдан, сургун қилиш  
*Игтилоф* — келишимовчилик  
*Ихтироз* — саклаиш, эҳтиёт бўлмоқ  
*Иқтидор* — қодир бўлиш, бирор ишни қила олиш қудрати



## Й

*Йиғоч* — дарахт, ёғоч, узунлик ўлчови

*Йитмак* — йўқолмоқ

*Йиқуғ* — бузуг, вайрон

*Йўрун* — ямок, парча

## К

*Кабир* — катта, улуг, зўр

*Кавкаб* — юлдуз

*Кавн* — борлик, дунё, мавжудлик, тириклик

*Кавнайн* — икки олам, у дунёю бу дунё

*Каёниён* — Эрон шоҳнари сулоласи

*Кажава* — ёпиқ арава

*Казарма* — ҳарбийлар турар жойи

*Калима* — сўз, нутқ

*Каломуллоҳ* — оллонинг сўзи, Қуръон

*Камоҳий* — айнан, худди ўшандай, ўз ҳолида, тўлиқ моҳияти, таг-туғи билан

*Каноб* — ўсимлик, каноп, бангдона

*Карк* — каркидон

*Каркас* — узоқ умр кўрувчи ўлимтикхўр қуш

*Кели* — ичи ўйилган ёғоч асбоб

*Кент* — катта қишлоқ

*Килк* — қамиш қалам

*Кирдор* — қилиқ, иш

*Кисват* — кийим, уст-бош

*Китобат* — мактублар, хатлар

*Кишвар* — мамлакат, юрт

*Комгар* — бахтли, қудратли

*Кубаро* — катталар, улуглар

*Кунят* — «Абу, ибн, умм, бинт» каби сўзлар билан бошланган исмлар: Абудмуҳсин,

Ибн Сино, Умми Зарифа

*Куфр* — исломни танимаслик, кофирлик, ғайри динлик

*Куффор* — кофирлар

*Кушод* — очик, очилган, бўшатишган

*Кушиш* — ҳаракат, саъй, интилиш

*Комил, комила* — етук, мукаммал, камчиликсиз

## Л

*Лавҳ* — ёзув тахтаси

*Лайлу наҳор* — туну тонг

*Лак* — юз минг

*Ламҳа* — лаҳза, дам

*Ламҳот* — дамлар, лаҳзалар

*Лапка* — дўкон

*Лаъин* — лаънати, лаънатланган

*Лаъл* — қимматбаҳо қизил рангли тош

*Лаъли ноб* -- тоза, соф лаъл

*Лаън* -- лаънат

*Лаҳим* -- ер ости йўлаги

*Лисон* -- тил

*Лоаъқд* -- ақлсиз

*Лоилож* -- иложсиз

*Лоҳиқ* -- кўшимча, кейин қўшилган

*Лўълў* -- марварид, гавҳар

## М

*Мабдаъ* -- бошланиш жойи, ибтидоси

*Мавзиъ* -- жой, ўрин, ер

*Мавлуд* -- тугилган, тугилиш замони

*Мад* -- чўзилиш, узайиш

*Мадид* -- чўзилган, узоққа тортилган

*Мадоро* -- келишув, юзаки муомала

*Мадҳ* -- мақташ, улуглаш

*Мадҳуш* -- ҳушдан кетиш, ҳайратга тушиш

*Мажмуъ* -- йиғинди, тўплаш, ҳамма, жамъ

*Мазаллат* -- хўрлик, хорлик

*Мазаммат* -- ёмонлик, тубанлик, хўрлаш

*Мазҳаб* -- таълимот, маслак, диний оқим

*Майгун* -- май рангли, қизил рангли

*Маййит* -- ўлик, ўлган киши

*Майлон* -- майл хоҳиш, ҳавас, рағбат

*Макнун* -- яширилган, махфий

*Макруҳ* -- жирканч, ҳаром, нафрат қўзғовчи

*Мало* -- тўлалик, хилватнинг зидди, очиқ ер, тўда, тўланиш

*Малойиқ* -- фаришталар

*Малоҳида* (мулҳид) -- даҳрий, бедин

*Мамнӯъ* -- манъ этилган, қатоғон

*Мамнӯъат* -- манъ этилган нарсалар, қатағонлар

*Мансух* -- бекор қилинган, рад этилган, истеъмождан чиққан

*Манжуур* -- бўилган, тарқалган, ёрлик, фармон

*Манқул* -- нақл этилган, биров айтгани асосида

*Манзус* -- иши олдинга юрмаган, наҳса қолган

*Маоб* -- ҳикмат эгаси, файласуф

*Маоний* -- маънолар

*Марғ* -- ажал, йўқ бўлиш, ўлим

*Мардум* -- одамлар, қорачи

*Марқаб* -- улов, (от, туя, эшак, каби)

*Мароҳил* -- манзиллар, дунё

*Марқад* -- гўр, қабр

*Маснад* -- суянчиқ, тахт, юксак ўрин, ҳукмдорлик мақоми

*Масожид* -- масжидлар

*Масоил* -- масалалар

*Масоний* -- бир неча марталар, неча қарралар

*Масоф* -- жанг майдони, уруш, жанг

*Масъуд* — бахтли  
*Махзан* — хазина  
*Машварат* — кенгаш, маслаҳат  
*Машраъ* — йўл  
*Машиқ* — Шарқ, кунчиқар  
*Машиоқ* — чолғучи  
*Маъбар* — ўтиладиған жой  
*Маъбуд* — оллоҳ  
*Маъжун* — кайф берувчи аралашма дори  
*Маъин* — равон  
*Мақрун* — яқин, ёндош  
*Мағмум* — ғамли, ғамлик  
*Мағора* — ғор, тоғдаги ғор  
*Мағриб* — Ғарб, кунботар  
*Мағфур* — кечирилган, гуноҳи авф этилган  
*Маҳв* — йўқолиш, тугаш, орадан кўтарилиш  
*Маҳз* — холис, соф, нукул, фақат, ёлғиз  
*Маҳзал* — кулги, масхара бўлиш  
*Маҳфил* — дўстлар жамъ бўлиши, дўстлар базми  
*Меҳроб* — Масжидда имом саждага бош кўядиган махсус жой  
*Меш* — чармдан тикилган сув идиш  
*Меърож* — кўкка кўтарилиш  
*Мидод* — сиёҳ, қоралик  
*Мазроб* — нохун, зарб, чертиш  
*Мийл* — бонг  
*Милён* — миллион  
*Мисвок* — тиш тозалагич  
*Мисоқ* — аҳду паймон  
*Мисқол* — оғирлик ўлчови — (4,1 гр.)  
*Миқнотис* — магнит, оҳанрабо  
*Моҳазар* — бирор нарсанинг ҳозир бўлиши, тайёр туришлик  
*Муаллақ* — ораликда қолган, осилган  
*Муалло* — юксақ, аъло  
*Муаллиф* — ёзувчи, асар соҳиби  
*Мубориз* — яккама-якка олишувчи, паҳлавон, жангчи  
*Мубоҳаса* — баҳс қилмоқ. фикрлар изҳори  
*Мубоҳот* — фахрланиш, мақтаниш  
*Муваккил* — вакил, бирор ишга тайин этилган  
*Мударрис* — дарс берувчи  
*Муддаий* — рақиб, даъвогар  
*Мужиб* — сабабчи, боис, туфайли  
*Музмаҳил* — маҳв бўлиб, йўқ бўлиш  
*Музояқа* — танглик зулм  
*Музоҳир* — ёрдамчи, қўлловчи  
*Мукно (Мукнат)* — қувват, қудрат  
*Мулозимат* — бирга бўлишлик, хизмат қилишлик  
*Мулоқий* — учрашувчи, кўришувчи, сўзлашувчи  
*Мулҳам* — илҳомланган  
*Мулҳим* — илҳом берувчи, кўнгилга солувчи

- Мумсик* — хасис, бахил  
*Мунажжим* — юлдузшунос  
*Муназаҳ* — пок, соф, равшан  
*Муңдариж* — бир нарса таркибига, ичига кирган  
*Муножот* — ялиниш, ёлвориш  
*Мунозат* — низоланув, жанжал, тортишув  
*Мунташир* — ёйилган, ҳаммага маълум бўлган  
*Муноқаша* — жанжал, тортишув  
*Муниқатъи* — ажралган, кесилган, бир қисм  
*Муңазим* — бузилган, тум-тарақай бўлган, тарқалган  
*Муолажа* — даволаш, дори-дармон қилиш  
*Мурид* — талаб этувчи, эрганувчи, қўл берувчи  
*Муроқаб*а — мушоҳада, худо ва дунё ҳақида фикр юритиш  
*Муртасим* — сурат солувчи, нақш боғловчи, расмга киритувчи  
*Мусаллам* — инкор ва қаршиликсиз маъқулланган, таслим бўлишлик  
*Мусаллат* — зўравонлик, голиб келишлик  
*Мусаллаҳ* — яроқли, аслаҳадор  
*Мусаннаф* — китоб қилинган, ёзилган  
*Мусанниф* — китоб тузувчи, ёзувчи, муаллиф  
*Мусаххар* — забт этиш, бўйсундириш  
*Мустажоб уд даъва* — дуоси қабул бўлган  
*Муставфий* — етарли бўлиш, ҳисобдор  
*Мустатоб* — ёқимли, юқори даражали  
*Мустағний* — тортинувчи, эҳтиёжсиз  
*Мустақим* — тўғри, рост, бир жойда турувчи  
*Мутабаррук* — қутлуг, муқаддас, шарафли  
*Мутабақ* — қаватма-қават, қисмларга бўлинган  
*Мутавоғир* — оғиздан-оғизга кўчган хабар, ёйилиш  
*Мутаоқид* — аҳдлашган, аҳд боғлашган  
*Мутағаййир* — ўзгарган, ўзгарувчи  
*Мутроф* — юз нарда, ҳижоб  
*Муфаттин* — фитиачи, фитнес солувчи  
*Мутобаат* — тобеълик, итоат қилиш  
*Муфорақат* — айрилиш, ажралиш  
*Муҳайяр* — ихтиёрли, эрки ўзида бўлиш  
*Муҳолиф* — тесқари, қарама-қарши, душман  
*Мушавваш* — ташвишли, паришон, бесаранжом  
*Мушк* — қора рангли хуш бўй модда  
*Муъофа* — ёниқ арава  
*Муътақид* — эътиқод қилувчи, ихлосли  
*Муқаддима* — олдинда борувчи, асарда кириш сўз, сўзбоши  
*Муқайяд* — боғланган, уланган, банд этилган  
*Муқобил* — қарши турувчи, зид  
*Муғаний* — ашулачи, созанда  
*Муҳлик* — ҳалок қилувчи, ўлдирувчи, йўқ этувчи  
*Муҳрақ* — куйдирувчи, ёндирувчи, қуритувчи  
*Муҳтади* — тўғри йўлга тушган, тўғри йўл кўрсатувчи  
*Муҳтариқ* — куйган, ёнган  
*Муҳтасиб* — ихтисоб қилувчи, шариат ишларини, тош-тарозини назорат этувчи

## Н

- Набий* — пайгамбар, худонинг элчиси  
*Наботот* — ўсимликлар  
*Навозиш* — яхшилик қилиш, сийлаш, меҳрибончилик, эркалаш  
*Нажжод* — насл, насаб, келиб чиқиш  
*Нажжор* — дурадгор  
*Назм* — тузум, тартиб, тузиш, шеър  
*Насиб* — олий нажот, нажот берувчи  
*Насоро* — Исо динидаги одам, христиан  
*Натож* — натижалар  
*Наузибиллоҳ* — худо сақласин  
*Нафсонийят* — ўз шахсига берилиш, ўзини кўриш  
*Нахчир* — охуга ўхшаш ов ҳайвони, ов, нажир  
*Нафос* — нафислик  
*Нафс* — шахс, вужуд, майл  
*Наъл* — нағал  
*Наът* — пайгамбар мақтови, мадҳ  
*Нақиз* — қарши, зид, тескари  
*Нақиб* — бирор жамоанинг етакчиси, эътиборли киши  
*Нағий (нағу)* — нечун, нега, қандай  
*Наҳанг* — акула, катта балиқ  
*Нисён* — унутиш  
*Нозил* — тушган, осмондан инган  
*Нотиқ* — нутқ сўзловчи  
*Ноқис* — нуқсонли, камчилиги бор  
*Нубуваат* — пайгамбарлик, элчилик  
*Нужум* — юлдузлар  
*Нурулайн (нури айн)* — кўз нуридай суюкли, азиз фарзанд  
*Нусрат* — ёрдам, мадад, зафар, галаба  
*Нутфа* — маний, шахват

## О

- Обо* — оталар  
*Овон* — вақтлар, замонлар  
*Ойин* — расм, одат, тартиб, ўхшашлик  
*Ол* — оила, хонадон, қариндош-уруғ  
*Олот* — асбоблар, яроқлар  
*Олуд* — аралаш маъносида  
*Омёда* — тайёр, тайёрланган  
*Оре, орий* — тўғри, рост, шубҳасиз  
*Орлот* — уруғ номи  
*Осий* — гуноҳкор  
*Осор* — нишонлар, асарлар  
*Оталиқ* — ҳомий, бек  
*Офият* — соғлиқ, тинчлик, покизалик  
*Ошуб* — ғавго, тўполон, қўрқув  
*Оғоз* — бошланиш, ибтидо  
*Оҳан* — темир  
*Оҳангар* — темирчи

- Наём* — хабар, дарак  
*Пайрав* — эргашувчи, изидан борувчи  
*Пайкон* — камон ўқининг учи  
*Паргав* — ёруғлик, нур, шуъла, порлоқлик  
*Пешдодиён* — пешдодийлар, қадимий Эрон шоҳлари сулоласи  
*Пироста* — безалган, зийнатланган  
*Пироя* — безак, зийнат  
*Полон* — теридан тикиладиган буюм  
*Порсо* — сақданувчи, ёмон ишлардан ўзини тийувчи  
*Пуҗа (фўта)* — ипак ўрама белбоғ  
*Пурнур* — порлоқ, нурли  
*Пурфугуҳ* — тўла очилиш

P

- Рабиул-аввал* — ҳижрий йилнинг учинчи ойи  
*Рабиул-охир* — ҳижрий йилнинг тўртинчи ойи  
*Работ* — йўловчилар манзилгоҳи  
*Равза* — боғ, жаннат  
*Ражо* — умид, орзу  
*Ражъат* — қайтиш  
*Разм* — уриш, ғавго  
*Ракаат (ракъат)* — номоз ракаатлардан иборат бўлади  
*Ракик* — суст, заиф  
*Рам* — сажда, чўчиш, қўрқиш  
*Рама* — гала, сурув, тўда  
*Раммола* — фол очувчи (қум, нуқта, чизиқлар орқали каромат қилиш)  
*Расул* — элчи, пайғамбар  
*Расуллоллоҳ* — оллоҳнинг элчиси, Муҳаммад пайғамбар  
*Раста* — қатор  
*Рафиқ* — дўст, ҳамдам, ҳамроҳ  
*Рафоқат* — дўстлар, ҳамсуҳбатлар  
*Рахт* — кийим-кечак, сафар юки  
*Регистон* — қум тўшалган майдон, саҳн  
*Рибо* — судхўрлик, таъмагирлик  
*Рижол* — эрлар, эрақлар  
*Рижол ул ғойиб* — назардан ғойиб муқаддас, улуғ одамлар (руҳ)  
*Ризвон* — розилик, мамнунлик, жаннат  
*Рихлат* — кўчиш, ўлиш  
*Ровий* — ҳикоячи, қисса айтувчи, маълумот берувчи  
*Рокиб* — сувора, отлиқ, миниб юрувчи  
*Рофизий* — шиъа мазҳабидаги киши  
*Рубъи маскун* — Ернинг қуруқлик қисми  
*Руҳи қудс* — муқаддас, пок руҳ

- Сабад* — сават  
*Сабий* — ёш бола  
*Сабъ* — етти  
*Сабъ ул масоний* — етти карра  
*Сабҳа (субҳа)* — тасбеҳ  
*Савқ* — табиат, хилқат, қудрат  
*Сад* — тўсиқ, баланд девор  
*Садр* — уруғ, мансаб  
*Садр аш шарият* — исломда улуғ мартаба  
*Садрнишин* — улуғлар билан ўлтирувчи, мартабали  
*Сажда* — номоз расуми, эгилиш  
*Сайд* — ов, шикор, вилтирмоқ  
*Сайқал* — жило бериш, пардозлаш  
*Сайҳа* — ҳайқирик, қичқирик  
*Сакбон* — итбоқар  
*Сакина* — ором, осудалик  
*Сакта* — тургунлик  
*Салжуқийён* — салжуқийлар  
*Салоҳ* — яхшилик  
*Самадийят* — абадият, навқиронлик  
*Самар* — мева, ҳосил, фойда  
*Сандувоч* — қалдирғоч  
*Сано* — мақтов, мадҳия  
*Саноч* — чарм тўрва, меш  
*Сарбадор* — Хуросонда XIV аср ўрталарида вужудга келган халқ ҳаракати иштирокчиси (дорга осилишдан қўрқмайдиган, боши дорга тикилган, деган маъноларда)  
*Сариъ* — тез, суръатли  
*Сариҳ* — очиқ, равшан, аниқ, ойдин  
*Сарафроз* — улугвор, юксак  
*Сафро* — сариг, ўт, заҳра  
*Сафҳа* — саҳифа, варақ, бет  
*Саъй* — ҳаракат, интилиш  
*Сақлу (сақлов)* — чегара, юрт чегараси  
*Сақо* — сув берувчи, сув сепувчи, мешкоб  
*Саҳбо* — қизил май  
*Саҳиҳ* — хатосиз, тўғри  
*Саҳоб* — булут  
*Саҳойиғ* — варақлар, бетлар, саҳифалар  
*Сел* — шапалоқ  
*Сиёдат* — саййидлик, улуглик, пайгамбар авлодига мансублик  
*Сикка* — пул зарб қилиш, тамга урилган ақча  
*Сила* — инъом, бахшиш, мукофот  
*Силсила* — занжир, тизма, тартиб  
*Синар* — қалқон  
*Сипоҳ* — аскар, қўшин  
*Сирот* — кўприк, йўл, дўзах устидан жаннатга ўтиладиган қилқўприк  
*Ситойиш* — мақтов, макташ

*Сифла* — паст, тубан, хасис  
*Содот* — саййидлар,  
*Совғат* — совғалар, туҳфалар  
*Соил* — савол қилувчи, истовчи, гадо, тиланчи  
*Соим* — рўза тутувчи  
*Сойир* — сайр этувчи, сайёҳ  
*Сол* — йил  
*Солотин* — султонлар  
*Сомеръ* — эшитувчи, тингловчи  
*Сомониён* — сомонийлар, IX асрда Бухорода ҳокимиятни араблардан олган сулола  
*Софий* — софлик, тозалик, тиниқлик  
*Соҳиб* — эга, тасарруф этувчи  
*Соҳибқирон* — яқинлашиш, бирлашиш соҳиби, икки сайёранинг бир буржда яқин келиши пайтида туғилган киши  
*Соҳир* — сеҳргар, ажойиб санъаткор  
*Сувар* — сурат  
*Сулук* — йўл тутиш, яхши йўлга кириш, худога яқинлашиш йўли  
*Сухан* — сўз, нутқ, ифода  
*Сўқиш* — жанг, уруш

## Т

*Тааммул* — чуқур ўйлаш, мулоҳаза қилиш  
*Табал(табл)* — катта ноғора, довул  
*Табақа* — гуруҳ, қатлам, даража  
*Табдил* — ўзгартириб юбориш, бошқача қилиш  
*Таборақ* — худонинг исмларидан бири  
*Табоҳ* — хароб, бузуқ, вайрон  
*Таббоҳ* — ошпаз, овқат пиширувчи  
*Таважжуҳ* — юзланиш, хайрихоҳлик, бир сарига азм этмоқ  
*Таваллуд* — туғилиш  
*Таваҳҳум* — ваҳимага тушиш, қўрқинч  
*Тавозуъ* — адаблилик, ўзни паст олиш, ўта камтарлик  
*Таворих* — тарихлар  
*Таваҳҳуф* — тўхташ, тек туриш  
*Таврот* — яҳудийларнинг диний китоби  
*Тавҳид* — худонинг бирлигига ишониш, худога етишув  
*Тадриж* — аста-секинлик  
*Тазарруъ* — ялиниш, ёлвориш  
*Тазвир* — алдаш, хийла, фириб  
*Тайрон* — учиш, парвоз  
*Такбир* — худони улуглаб «оллоҳу акбар» иборасини айтиш  
*Такрим* — ҳурмат, иззат, эҳтиром  
*Такя* — суянчик, ястик, дарвешхона  
*Талбис* — хийла, мақр  
*Тамасхур* — масхара қилиш  
*Тановул* — зиммага олиш, емоқ, ичмоқ



*Тараҳҳум* — раҳм қилиш, марҳамат  
*Тарёқ* — қора дори  
*Тарсо* — христиан  
*Тарсидан* — хавф қилмоқ, журъат этолмаслик  
*Тасалсул* — ҳалқа-ҳалқа, кетма-кет уланиш, тизма  
*Тасхир* — ром қилиш, забт этиш, қўлга олиш  
*Таъбия* — тузиш, тартибга солиш, сафлаш  
*Таъмир* — қуриш, обод этиш, созлаш, умрич узайтиш  
*Тақаддум* — илгариланш, олдинда бўлиш  
*Тақвият* — ёрдам бериш, қувватлаш  
*Тагайюр* — ўзгариш, бошқа тусга кириш  
*Тагайир* — ўзгартиш  
*Таҳаммул* — тоқат, сабр, чидам  
*Тайнат* — хулқ, равиш, феъл, табиат, яратилиш  
*Тиловат* — «Қуръон»ни қироат билан ўқиш  
*Тоат* — ибодат, сизгиниш, оллоҳдан кўмак сўраш  
*Тоифа* — қабила, қавм, гуруҳ, эркаклар тўдаси  
*Тойиб* — тавба қилувчи  
*Тулуъ* — чиқиш, кўриниш, болқиш  
*Туманот* — ўн мингликлар  
*Тугбардор* — байроқ кўтарувчи яловбардор  
*Тугро* — давлат рамзи, нишони, фармон, ёрликлар тенасидаги махсус безакли белги  
*Тўфанг* — жанг қуроли  
*Тўша* — озиқ-овқат, йўл озиғи

## У

*Убур* — ўтиш, юриб ўтиш  
*Уд* — чолғу асбоби  
*Узв* — аъзо, гавда қисмлари  
*Узма* — аъзам, катта  
*Уламо* — олим  
*Улус* — эл, халқ  
*Умаро* — амирлар  
*Умда* — асос, дастак, таянч  
*Умё* — кўрлик  
*Уммат* — бир тилда сўзлашувчи инсонлар, бир ийғамбарга тобёв кишилар  
*Унсур* — асос, таркиб  
*Усмоиён* — усмонийлар  
*Учмоқ* — жаннат  
*Ухувват* — биродарлик, қардошлик, ака укалик  
*Уқоб* — бургут

## Ф

*Фавт* — йўқолиш, ўлим  
*Фазиҳат* — расволик, разолат

*Фалак* — осмон, кўк  
*Фано* — йўқ бўлиш, ўлиш  
*Фаранг* — Франция, француз  
*Фард* — якка, ёлғиз  
*Фарангистон* — Европа  
*Фарра* — шукуҳ, шавкат  
*Фаррон* — равон, тез, сидирга  
*Фаройиз* — исломдаги беш мажбурият (рўза, намоз, ҳаж сингари)  
*Фасоҳат* — сўзнинг равон, ёқимли, қоидага мувофиқлиги, гўзал услуб  
*Фасҳ* — бузиш, бекор қилиш  
*Фатонат* — ўтқир зехн, зийраклик, хушфаҳмлик  
*Фиграт* — яратилиш, табиат, туғма табиат  
*Фатҳ* — очиш, ечилиш, забт этиш, ғалаба  
*Фақиҳ* — диний ҳуқуқ билимдони  
*Филизот* — маъданлар қоришмаси (темир, пўлат, олтин каби етти маъдан)  
*Фива* — пиво  
*Филҳол* — шу ҳолда, шу пайтда, дарҳол  
*Фитраст* — мундарижа  
*Фирот* — денгиз номи  
*Фирқа* — инсон гуруҳи, жамоат, тўда, мазҳаб  
*Фиқҳ* — диний ҳуқуқ илми  
*Фосид* — бузуқ  
*Фузуҳ* — расволик, разиллик  
*Футуҳ* — очилиш, ечилиш  
*Фўта (пўта)* — ипак ўрама белбоғ  
*Фўш* — от ёли

## X

*Хабари арожиғ* — беҳуда, ёлғон хабар, атай тарқатилган миш-миш  
*Хабир* — билувчи, хабар берувчи  
*Хабис* — ёмон, ярамас, бадбўй  
*Хавотин* — аёллар  
*Хавоқин* — ҳоконлар  
*Хаданг* — ўқ, камон ўқи  
*Хазз* — ипакли мато  
*Хайд* — гуруҳ, тўда, от-улов тўдаси  
*Хайма* — чодир  
*Хайрот* — яхшилиқлар, хайр-саховат  
*Халаф* — ўринбосар  
*Халлоқ* — яратувчи  
*Хамр* — май, шароб, бода  
*Харвор* — оғирлик ўлчови, бир эшак юки  
*Хасм* — душман, рақиб  
*Хашм* — аччиқ, ғазаб  
*Хилоф* — қарши, тесқари, зид  
*Хилъат* — ҳашаматли кийим, сарпо  
*Хиргоҳ* — чодир  
*Хирқа* — жанда, руҳонийлар уст кийими

*Хожа* — эга, бошлиқ, уй эгаси, оила бошлиғи  
*Хойиш* — қўрқувчи, қўрқоқ  
*Холиқ* — халқ қилувчи, яратувчи (худонинг сифати)  
*Хонақоҳ* — масжид  
*Хома* — қалам  
*Хориқ* — фавқулодда, одатдан ташқари  
*Хотам ус салтанат* — салтанат муҳри, подшоҳ унвони  
*Хубс* — бадният, палид  
*Хутба* — жума кунлари ва ҳайитларда ўқиладиган намоз (унга давлат бошлиғи исми қўшиб ўқилган)

## Ч

*Чалипо* — бут, қўшув аломатига ўхшаш нишон  
*Чаноқчи* — ҳайкалтарош  
*Чарх* — айланиш, осмон, фалак, тақдир, толеъ  
*Чашн* — таңтанали йиғилиш, базм  
*Черик* — қўшин, аскар  
*Чивиртка* — чигиртка  
*Чин* — Хитой  
*Чингдовул* — қўшиннинг орқасидан юрадиган соқчилар тўдаси  
*Чобук* — чаққон, тез, илдам, савандоз  
*Чокар* — хизматкор  
*Чоғир* — май, ичкилик, шароб  
*Чуғз* — бойқуш, бойўғли  
*Чўғул(чўғол)* — чақимчи, ғийбатчи, иғвогар

## Ш

*Шабихун* — тунги ҳужум  
*Шайх ул аълам* — доно устоз, муридлар етакчиси, исломдаги олий мартаба  
*Шамим* — хуш ис, хуш бўй  
*Шамс* — кۈёш  
*Шамсия* — кۈёш йили ҳисоби  
*Шанбалид* — гул  
*Шариъ* — ёмон, ярамас, бузуқи  
*Шарҳи вуқайи* — воқеа-ходисаларни изоҳловчи, шарҳловчи  
*Шафиъ* — воситачи, химоячи  
*Шаъбон* — ҳижрий йилнинг саккизинчи ойи  
*Шаҳристон* — мустаҳкам қалъаси бўлган катта шаҳар  
*Шиква* — шикоят, гиналаш  
*Шикоф* — ёриқ, дарё, тешиқ  
*Шихъа (шиа)* — гуруҳ, тарафдор, исломдаги асосий йўналишлардан бири  
*Шогир* — жиловдор, подшоҳ жиловдори  
*Шужоъ* — шижоатли, ботир  
*Шуққа* — байроқнинг учига боғланадиган мато  
*Шуҳид* — кўз билан кўриш, мушоҳада

- Элчил* — кудманчи ўзбеклар, давит қавмлари  
*Эрд* — баён, сўзлаш, нақд, зикр қилиш  
*Эътидол* — муътадил, ўрта даражада  
*Эътилол* — хасталаниш, касалликка чалиниш  
*Эътимод* — эътиқод, эътибор  
*Эътино* — самхўрлик, диққат  
*Эҳтисом* — ўз гуноҳларидаш қайтиш, гуноҳ қилмаслик  
*Эҳдос* — бино қилиш, кашфиёт, ижод этиш

## Ю

- Юмкин* — мумкин, эҳтимол, шояд  
*Юсул* — маросим, одоб

## Я

- Ябоб* — хароб  
*Явм* — кундуз, вақт  
*Яд* — қўл  
*Яъжуъ: яъжуъ-маъжуъ* афсонага кўра хунук тоифа, баҳайбат, ҳамма нарсани  
 об тугатувчи, одамхўр махлуқлар  
*Яздон* — худо, оллоҳ  
*Яйлоқ* — яйлов, ўтлоқ жой  
*Яксар* — тахҳо, якка,  
*Ялов* — байроқ  
*Ялавоч* — хабар етказувчи, хабар берувчи  
*Ям* — дарё, денгиз  
*Ярлиғ* — подноҳ фармони  
*Яроғ* — қурол, аслаҳа, ҳозирлик  
*Ясавул* — интизом сақловчи кичик амалдор  
*Яғмо* — талон тароҳ, горат қилиш

## У

- Укта* — беҳуда, кераксиз  
*Уланг* — ўлаш, ўт, гиёҳ  
*Унчин* — совуг, зирх  
*Ур* — балаандлик, қия жой  
*Утру* — қарши, рўпара

## Қ

- Қабел* — ёмон, прамас, пойсанд  
*Қабо* — эркакларнинг узун уст кийими  
*Қавий* — кучли, қувватли  
*Қавий жўша* — куч қувватга тўлган, кучи қайнаган  
*Қавл* — сўз, гап

*Қавм* — бир маҳалла, қишлоқ кишилари, бир уруғ вакиллари  
*Қазои қадр* — худо юборган ўлим, ажал  
*Қайсар* — подшоҳ, Рум ва Юнон подшоҳларининг қадимий лақаби  
*Қалам қилмоқ* — қирмоқ, бошини кесмоқ  
*Қаловуз* — раҳбар, лашкар йўл бошловчиси  
*Қалада* — итнинг бўйин тасмаси  
*Қамария ҳисоби* — хижрий ой йили ҳисоби  
*Қанора* — қассоб кундаси, гушт осиладиган чангақлар  
*Қангара* — кўприк  
*Қарқара* — тожга тақиладиган товус пати  
*Қатли ом* — қиргин, ёппасига ўлдириш  
*Қаҳад (қаҳт)* — очарчилик, йўқчилик, қаҳатчилик  
*Қирон* — икки сайёранинг бир буржга яқин келиши  
*Қовға* — қудуқдан сув олишда ишлатиладиган чарм идиш  
*Қозиюлҳожат* — хожатбарор, худога ишора  
*Қорий* — Қуръонни ёд билувчи, оҳанг билан ўқувчи киши  
*Қофила* — карвон, сафарга чиққан йўлчилар тўдаси  
*Қубба* — гумбаз  
*Қудс* — муқаддаслик, поклик, тозалик  
*Қулзум* — Қизил денгиз, умуман денгиз  
*Қуллоб* — чангақ, қармоқ  
*Қусур* — камчилик, нуқсон, қасрлар, саройлар  
*Қутб* — замона пешвоси, йўл кўрсатувчи авлиё  
*Қуқу* — хуш бўй  
*Қўқур* — кўр, сўқур

## Ғ

*Ғабин* — зарар ва зиён  
*Ғабро* — замин, ер, туфроқ  
*Ғаввос* — сув тагига шўнгувчи  
*Ғавр* — бирор нарсанинг туби, ҳақиқат, моҳият  
*Ғавий* — гумроҳ  
*Ғаданг* — жоҳил, нодон, аблах  
*Ғаддор* — хиёнатчи, бевафо, алдамчи  
*Ғадр* — аҳдни бузган, хиёнатчи  
*Ғазовот (Ғазв)* — жанг, ҳарб, юриш  
*Ғазо* — юриш, жанг  
*Ғайб* — кўзга кўринмаслик, сир, яширинлик  
*Ғани* — бой, бадавлат  
*Ғаним* — душман, қарши томон  
*Ғарв* — най, қалам ясалади  
*Ғарик* — ботган, чўмган, гарқ бўлган  
*Ғарча (ғалча)* — аблах, аҳмоқ, нодон, калтафаҳм  
*Ғизо* — овқат, таом  
*Ғизола* — оҳу  
*Ғимо* — нағма, оҳанг, куй  
*Ғирев* — дод-фарёд, шўриш, бақирик  
*Ғоб* — ўрмонлар

*Гурфа* — болохона  
*Гусл* — чўмилиш  
*Гута* — сувга шўнгиб чиқиш, шўнгиш

## Ҳ

*Ҳабаш* — қора тусли  
*Ҳабба (ҳабобат)* — дон, дона, галла  
*Ҳавл* — қўрқинч, қудрат  
*Ҳаволи* — теварак-атроф  
*Ҳавон* — хорлик, тубанлик  
*Ҳавр* — ғазабга миниш, қизишиш  
*Ҳадаф* — нишон, йўналиш нуқтаси  
*Ҳадид* — темир  
*Ҳадис* — пайғамбар сўзлари, ибратли сўзлар  
*Ҳажар ул асвад* — Каъбадаги табаррук қора тош  
*Ҳажжом* — табиб, томирдан қон олувчи, жарроҳ  
*Ҳаз* — баҳра, насиба, шодлик, лаззат  
*Ҳазм* — ҳушёрлик, эҳтиёткорлик  
*Ҳазан* — гусса, ғам, андух  
*Ҳазор* — минг  
*Ҳайвон суйи* — тириклик суви (афсонавий сув)  
*Ҳамоил* — шамшир боғичи  
*Ҳамул* — ўша, ул, ҳам  
*Ҳаннот* — ғаллафуруш, деҳқон  
*Ҳарба* — жанг асбоби, қалта найза  
*Ҳарис* — куювчи, ёндирувчи  
*Ҳарос* — қўрқув, даҳшат  
*Ҳасаб* — қадр, андоза, миқдор, шараф, шухрат  
*Ҳашам* — хизматкорлар, навқарлар, подшоҳ чокарлари  
*Ҳашар* — гуруҳ, тўда, анжуман  
*Ҳашр* — жамлаш, мажлис, қиёмат  
*Ҳақир* — тубан, паст, хор, қадрсиз  
*Ҳақиқ* — сазовор, лойиқ  
*Ҳибр (Ҳабр)* — ақлли, довишманд, олим, доно  
*Ҳиддат* — тезлик, шиддат, ғазаб  
*Ҳидоят* — тўғри йўл кўрсатиш, тўғри йўлга кириш  
*Ҳижоб* — парда  
*Ҳижрий* — мусулмон йил ҳисоби, Муҳаммад пайғамбарнинг ҳижрати — 622 йил  
16 июлдаги кўчишидан бошланади  
*Ҳизб* — гуруҳ, фирқа  
*Ҳимом* — ният, бирор ишга киришиш  
*Ҳин* — вақт, пайт, огоҳ бўл, эҳтиёт қил  
*Ҳирсат* — зироат, деҳқончилик  
*Ҳисн* — қўрғон, паноҳгоҳ, қалъа, истехком  
*Ҳисор* — истехком, қўрғон, қалъа  
*Ҳоди* — тўғри йўл кўрсатувчи, йўл бошловчи  
*Ҳомил* — кўтарувчи, тасарруф этувчи  
*Ҳомун* — кенг, текис дала, сахро

*Ҳорис* — экинчи, посбон

*Ҳорун* — посбон, кузатувчи, Мусо пайғамбар акасининг исми

*Ҳорут* — ерга ҳайдалган икки фариштанинг (Морут) бири

*Ҳотиф* — ғойибдан овоз берувчи, нидо қилувчи

*Ҳафи* — ёмонликдан сақланувчи, камбағал, оёқяланг

*Ҳубобот* — донлар, ғаллалар

*Ҳудо* — тўғри йўл, рост йўл, ҳидоят, ҳаққа бошловчи дин, яъни ислом

*Ҳузи* — ғам, ғусса, қайғу, ҳасрат

*Ҳуле* — ширин, лазиз, тотли

*Ҳулла* — безакли, ипак мато

*Ҳумоюн* — қутлуғ, муборак, қувватли, хуш

*Ҳусом* — қилич, шамшир, шоп

*Ҳут* — балиқ, ўн икки бурждан бирининг номи

*Ҳуққа* — жавоҳир қутичаси

*Ҳуққабоз* — фирибгар, қаллоб

## МУНДАРИЖА

«Темурнома» ҳақида сўз.....	5
Темурнома.....	31
«Темурнома»да учрайдиган нотаниш сўзлар учун лугат.....	329



*Литературно-художественное издание*

**САЛОҲИДДИН ТОШКАНДИЙ  
ТЕМУРНАМЕ**

*На узбекском языке*

Мусаввир Ч. Иброҳимов  
Расмлар муҳаррири О. Муъйинов  
Техник муҳаррир Е. Толочко  
Мусаҳҳих Равшан Файз

ИБ № 0409

Босмаҳонага берилди 16.07.90. Босинга 20.11.90. руҳсат этилди. Бичими 60×90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Оффсет қоғози. Янги оддий гарнитура. Оффсет босма усулида босилди. 22,0. Шартли босма тобоқ. Шартли бўёқли босмада напир ҳисоби 22,25. Напирёт тобоқ ҳисоби 24,21. 200000 мин исуҳада 37,90. Шартнома 4143-буюртма. Баҳоси 8 сўм.

«Мулюк» нашриёти, 700083, Тошкент шаҳри, ГСП, «Правда» газетаси кўчаси, 41.

Ўзбекистон ССР Давлат матбуот комитети Тошкент матбаа ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.

«Темурнома»: Амир Темур Кўрагон жангномаси: /Адабий--бадий нашр/Сўзбоши муаллифи ва лугатлар асосида нашр. тайёрловчи П. Равшанов.— Т.: «Чўлпон» 1991—352 б.

«Темурнома» — улуг саркарда ва давлат арбоби Амир Темур Соҳибқирон ибн Турагай Баҳодирнинг ҳаёти ва жангу жадаллари ҳақида. Бу китоб на фақат тарихий, балки қизиқ-қизиқ воқеалар ва ривоятларга, афсоналар ва ҳикматларга бой бадий асар сифатида ҳам гойта қадридир. Китобда боболаримизнинг санъат, маданият ва меъморчиликка оид қарашлари ҳам мужассам этилган.

«Темурнаме»: (Литературно-художественное издание)



8c